



# Шарқ юлдузи

*Ойлик  
адабий-бадший,  
ижтимоий-сиёсий,  
журнал*

*Ўзбекистон ССР Ёзувчилари уюшмасининг органи*

---

9

1989

58-йил чиқиши

*Бош муҳаррир:*

**Ўткир ҲОШИМОВ**

*Таҳрир ҳайъати:*

**Неъмат АМИНОВ**

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

**Саид АҲМАД**

**Салоҳиддин МАМАЖОНОВ**

**Омон МУХТОРОВ**

*(наср бўлими мудир)*

**Мурод МУҲАММАД ДУСТ**

**Умарали НОРМАТОВ**

**Гулчехра НУРУЛЛАЕВА**

**Муҳаммад СОЛИҲ**

**Хайриддин СУЛТОНОВ**

**Зоя ТУМАНОВА**

**Туроб ТУЛА**

**УЙҒУН**

**Ўлмас УМАРБЕКОВ**

**Носир ФОЗИЛОВ**


*(масъул котиб)*

**Азиз ҚАЮМОВ**

**Ҳамид ҒУЛОМ**

---

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти**



Учқун Назаров

## ЧАЁН ЙИЛИ

Роман

Бу оқшом ҳам ўчоққа ўт ёқилмади, қозон тувоғи очилмади, совуқлигича қолди. Эрталаб нон паттасига аранг юлиб олинган чурракдан бир шапалоғини Ойниса асраб қолган эди, шуни қайнонаси билан қизчасига бўлашиб берди, ўзига ҳам икки тишламини қўйди, учтадан ёнғоқ улашди; Рузвон буви тамшанар, данакдек нон у лунжидан бу лунжига ўтар, олма пўчоғига дамланган чойга ивигилган бўлса-да, чайнай олмас, ҳавончада туйиб беришмаса, ёнғоқ мағизини кемтишга ҳам тишсиз милки ўтмас эди.

Ҳар гал ёнғоқ солинган қўтини қулфлар экан, Ойниса шукр қилар, дилида бир оз ўқсиб ҳам қўяр эди: пахсалари тагигача нураб ётган ҳовлининг четида қулочга сиймас ёнғоқ дарахти бўлиб, қачон экилганлигини ҳеч ким билмас, қариб-қуриган бўлса ҳам рўзғорга асқотиб келарди; куз палласи бир ярим, баъзи серҳосил йиллари икки қопгача мева берар, сояси жазирамадан асрар, шоҳу танасидаги қобиғи — теша билан учирилса, ўтин бўлар, қозон қайнатар, чўғи танчага босилар, авайлаб қуритилган барги лов этиб ўт олар — пайраха вазифасини ўтар, кир ювган, бола чўмилтирганда сув иситишга ярар эди. Фақат, афсус, дарахт тарвақайлаб, анча-мунча шоҳи қўшни ҳовлига ҳам ўтиб кетган, агар ўртароқда ўсганида, ҳамма ҳосили шу хонадонда қолиб, хийла жонулоғи бўлармиди, тежаб рўзғор қилса, пишиқчиликкача етказиб олиб борармиди...

— Ёзғирманг, болам, — дерди Рузвон буви, келини зиқналик қилганида. — Қўшнинг ҳақи. Бу ёқдаги қўшнинг тутини қаранг, ярмиси ҳовлингизда, оғзимиз тегади. Уям ризқ, тўқ тутади.

— Ёнғоқ тўқ тутади, ойи, тут қаёқда, — дейди айвондаги бўйрада ўтирган Ойниса, эшилган ипни мумдан суғиратуриб.

— Чодир опчиқиб, қоқиб олишса, ҳаддингиз нимага етарди, болам, — дер эди қайнона қарияларга хос вазминлик билан. — Шукр қилинг, ўлим бўлмасин. Қаранг, қорахат келмаган, аза очилмаган эшик қолмади. Эрингизни дуо қилинг, болангиз бахтига эсон-омон қайтиб келсин, ўзи бош-қош бўлсин...

Танча устидаги баркаш четида турган жинчиноқ липиллай бошлади. Арава мойига ботирилган эшма пилик аранг милтирар, қора дуд саситар, танча атрофида ўтирганлар худди оғилхонадагидек шарпа бўлиб кўринишар, бу ожиз нур ҳам танқис эди. Баҳор бошланганига қарамай, ҳаво совуқ ва намхуш эди.

Ойниса қамчиникидек аллақандай чарсиллашдан уйғониб кетди ва ҳали уйқу тўла кўзларини аранг очиб, шифтга қараб ётди, секин-аста ҳушига кела бошлади. Уй ичи қоронғу, дераза тўрт бурчагининг нарёғи ғира-шира, тун оғушида эди. Нима чарсиллаётганини энди англади — сувалавериб тизза бўйи қалинлашиб кетган лой томнинг

ёғоч тарновларидан ёмғир оқиб кўлмакка урилар, шамол хуруж қилганда тарнов ма-роми бир зум тингандек бўлар, шамол тингач бояги товуш, худди ит судраган занжир-дек, яна шақир-шуқурига тушар эди.

Ойниса Жамила билан ётиб-турган уй ичкари хона бўлиб, ўн йиллар муқаддам со-мон сувоқ устидан оҳак билан оқланган, гир атрофи токчалар, тўрида палак, пардасиз ёнма-ён тахмон, бирида яйдоқ сандик, бирида... Ягона деразанинг қинғир раҳига тираб қўйилган эрининг ғаладонсиз столи, чиқаверишдаги чап токчада келинчаклик сепи билан келган самовар хира йилтирамоқда. Бор жиҳози шу. Ойниса кампирга ҳам жойни шу хонадан қилиб бермоқчи бўлганди, у унамади, қоронғу, сиқилиб кетаман, деди, тут қоқ-қанда ишлатиладиган доғли чодир тортилган, аммо ҳеч қачон ёпилмайдиган айвонда қолди. Танча ҳам ўша ерда. Ойниса бу хонага ҳам танча қурмоқчи бўлди, бироқ сандал-курсига етарли чиқим топа олмади, қўли калталиқ қилди, қолаверса бунга ҳам ўтин ке-рак, чўғ керак. Рўзғорга зўрға амал-тақал қияпти — ўзи бўладими? Бисотида арзигулик нарса бўлса, уч йил уруш мобайнида ҳаммаси аллақачон сотилиб кетди. Ойниса фақат сиғири кўлдан кетганига ачинади. Ушоққина бўлса ҳам ҳарна эди, сути жонга ора кириб турувди. Қочирешга бир-икки юз сўм бериш керак экан, шунинг ҳам иложини қила ол-мади, мол қисир қолди, сути кун сайин камая борди. Айниқса қиш кирганда сути бирдан тортилди. Унинг устига ем-хашак танқис, эти бориб суягига ёпишди, сути энди иккита товоқни ҳам тўлдирмайди, тезаги ҳам камайган, маърагани-маъраган, қулоқни қоматга келтиради; баъзилар бўғзига пичоқ тортиб юбориш керак, деган маслаҳатни беришди; баъзилар молнинг озғинлигини кўриб, увол бўлади, бир дастурхон суяк, гўшти жазга ҳам етмайди, деб сотишни маъқул кўришди. Маслаҳат шунга келиб тўхтади: икки маҳал-ла нарида Муродхўжа ака деган одамнинг данғиллама уйи бор, ўзи мулкдор, оиласи тўқ, қанчадан-қанча одамлар унинг юмушларини бажариб, қолган-қутган емиш билан бўлса-да, нафсига улоқ топиб юришипти. Молнинг сотилишини эшитиб, шу киши одам қўйган экан, харидор бўлиб маҳалла корчалонларидан бири Суннат қассоб эшик қоқиб келди, оғилхонага кирди, сигирнинг у ёғига ўтди — разм солди, бу ёғига ўтди—хўр-синди, бош чайқади, бай-бай-бай, деди, қоп панасида турган Ойниса билан савдолаша бошлади.

— Жониворни нобуд қилиб қўйибсиз-ку, келин, — деди ағдарма этигининг учига тикилиб.

— Ем чатоқ, амаки, — қоп ортидан зорланди Ойниса. — Инингиз жамлаб кетган хашак-хушак аллақачон тугаган. Қўл калталиқ қилиб қолди, бўлмаса жонлиқ сотиш ақл-данми?

— Молни бозорга олиб чиқасизми ё шўтта келишамизми? — бир дақиқа сукутдан сўнг сўради қассоб.

— Аёл нарса, қўлимдан келармикин, мол бозори қатталигиниям кўрмаганман, чув тушиб қолмай, дейман. Сизлар ҳар қалай маҳалладошсизлар, инингиз билан салом-алиқда бўлгансизлар, инсоф қиларсизлар.

— Бачкана тикиб тураркансиз, келин, олди-соттидан унча-мунча хабарингиз борга ўхшайди, — деди қассоб четга қараб. — Мол бозорини суриштирсангиз, одамлар айти-шади, ўзингиз бир ўтиб, нарх-навони кўзингиз билан кўриб, қулоғингиз билан эшитиб, молингизни ҳам чамалаб келинг. Бунингизга ғунажинни нархиниям бермайди. Кейин домангир бўлиб юрманг, юрагингиз ғаш бўлиб. Жониворингиз арвоҳ, тош босмайди, унинг устига қисир, сут бермайди. Нимасига ишониб сотмоқчисиз?

— Сут беради, амаки, унақа деманг. Икки коса сути бор, куюқ. Ем еса, семиради ҳам, сути ҳам кўпаяди.

Қассоб заҳарханда билан кулиб, бош чайқади.

— Якшанба кунини мол бозори бўлади, ҳайдаттириб оборинг, агар йўл-йўлакай чў-зилиб қолмаса. Худо кўрсатмасин-у, ана унда чатоқ бўлади. Ярим нархини ҳам ундира олмайсиз.

— Мени овора қилманг, амаки, худо хайрингизни берсин, сиз нимани маъқул кўрсангиз, шу.

— Келин, — деди бир оз норозиланиб қассоб. — Мен ўртада турган одамман. Ўзим олганимда йўриғи бўлак эди. Агар бир кориҳол бўлса, юзим, шувит бўлади, балога қоламан.

— Қанақа кориҳол, амаки? Оч-да, қорни тўйса, диконглайди.

— Келин, мен қассобман, кўзим пишиб кетган, — деди қассоб иккала кафтини ёнига артиб. — Майли, Муродхўжа акага айтиб кўрай-чи...

Кечқурун молни етаклаб чиқиб кетишди.

Сигир, ҳақиқатда, ориқ ва ночор эди. Жониворнинг жуни хурпайган, бошини тутта олмас, бутун танаси қалтирар эди.

Ойниса кўча эшикни ёпди, кўзёшларини енги билан артди, бурнини қоқди, камзул-нинг қатидаги хитой қоғозига ўроқли нарсани олиб, авайлаб оча бошлади.

Кўча томондан оёқ товуши эшитилди, кимдир эшик олдига келганда тўхтади. Ой-нисанинг юраги узилиб кетди: «Харидор айниган бўлса-я, деб ваҳимага тушди, энди нима қиламан?» деб ўйлади.

Эшик ғийқ этиб очилди, лунжи шишиб кетган кўшниси Захро кирди. Улар елкаларига кўл учини күйиб кўришдилар.

— Анови етаклаб кетишяётган сигир сизларникими, опа? — сўради Захро Ойнисанинг кўлидаги хитой қоғози ичидаги бир даста ўттиз сўмлик пулларга кўз ташлаб.

— Ҳм, — деди зўрға Ойниса ва яна ўпкаси тўлди. — Қаролмай қолдик, ем аллақачон тугаган... ҳаром ўлиб қолмасин, деб... Чўп бўлиб қолганини кўринг.

Захро кафтини лунжигга босди, кўзини хиёл сузиб, тили билан оғзи ичида ниманидир кавлади, четга тупурди.

— Қанчага савдо бўлди? — сўради у бир хўрсиниб олиб.

Ойниса пулга қаради, ўраб олмоқчи эди, яширяпти, деб ўйламасин, деб тўхтади:

— Беш мингга.

— Эчкини пулини берипти, яшшамагур, буюрмасин, — деди Захро ғазаб билан очик эшик орқали кўчага, сигир кетган томонга қараб олди.

— Унақа деманг, Захрохон, буюрсин, боши тошдан бўлсин, бузоқлигидан ўзим катта қилганман.

— Ачиняпсизми?

— Кўлимда катта бўлган, дедим-ку, — Ойнисанинг бўғзига яна тўпдек нарса қадалди, кўзи намланди. — Лунжингизга нима бўлди, тишингиз оғридим?

— Олдириб келяпман, кўзим мошдек очилди, — дея Захро жонланди. — Бир ҳафта азобини тортдим, қилмаган амалим қолмади.

— Олдинроқ бормабсиз-да, шунча азоб чекмас эдингиз...

— Уч кун бурун Лабзакдаги сартарошга борувдим, яшшамагур ичкаридан эшикка занжир ташлаб, ҳужрасига тортса бўладими? Аранг қочиб қолдим, тишим ҳам таққа тўхтади-қолди. Кейин тагин бошлади. Бошқасига бордим.

— Уям ҳужрасига тортдим? — жилмайиб сўради Ойниса.

Захро бош чайқади:

— Укамни эргаштириб борувдим, ўзиям шарти кетиб парти қолган чол экан. Кучи етармикин, деб гумон қилувдим, яшшамагур, битта тишга кўшиб иккинчисиниям суғуриб олди.

Ойниса ўзини тутта олмай хахолаб юборди.

— Куласиз, — деди Захро хафа бўлмай. — Жағимни суғуриб олгандек бўлди, яшшамагур. Омбуриям сўлақмондай, оғзимга зўрға сиғди. Хушимга келиб қарасам, оғзим тўла латта, сартарош кимниям бошини қиряпти. Қай алпозда ётган эканман, билмадим, хўп томоша қилган бўлишса керак, яшшамагурлар. Паранжи ёпиниб олсам бўларкан...

— Укангиз қатта эди?

— Ким билади? Ташқарига чиқсам, кўринмади, шайтонлашимни кўриб, қочворган бўлса ажабмас...

— Юринг, Захрохон, замбуруғдан чой дамлаб бераман, — деди Ойниса кўшнисига ҳам ачиниб, ҳам кулгиси келиб.

— Йўғ-э, — деди Захро орқасига тисарилиб, — Қозонимда лавлаги бор, таппи қалаб чиқувдим, қарай. Анови бўғоз жуда суллоҳ...

— Келинми? Сатторжоннинг хотиними?

— Ҳа-да! — жирканиб сўз қотди Захро. — Кўзимни шамғалат қилиб иккита-учтасини гумдон қилади.

— Бошқоронғи-да, Захрохон, — деди Ойниса. — Кўнгли тусайди-да...

«Бўғоз»нинг тарафини олгани Захрога ёқмади чоғи, у тумтайиб, қошини чимирди, ўзини эшитмаганга солиб, бу мавзуга чек қўйгандек:

— Пулни нима қиласиз энди? — деди Ойнисанинг кўлидаги сармоёга ишора қилиб.

— Бу пулнинг устида қанча савдолар! — деди Ойниса ва ғусса билан кўлидаги пулга қараб қолди. — Ойим, кўзичоқ олиб қўй, пўчоқ-мўчоқ биланам тўяди, деяпти, қайдам...

— Каттароқ бўлиб қолса, унгаям ем керак, — деди Захро, бунақанги нарсаларнинг фарқига борадиган одамдек қатъий. — Жўжа олинг. Унта. Бештаси ўлса, бештаси қолади. Ахлат-гўнг титкилаб, ҳаш-паш дегунча тухумга киради-қолади. Сўйсангиз — гўшт, тухуми — овқат.

Ойниса жўжани хаёлига келтирмаган эди, Захронинг гапида жон бордек кўринади, тирикчиликнинг шундай осон иложи борлигига ўзининг фаросати етмаганидан ҳатто ўсал бўлди. «Захро тушмагур бало, — деб ўйлади у, кўнглида ҳавас билан кўшнисига тикилиб. — Яшашни билади, ҳеч кўлидан пул аримайди».

— Нега ўзингиз жўжа боқмайсиз бўлмаса?

— Ким қарайди? — деди Захро беғамлик билан. — Оёғим бозордан аримайди. Мушук еб қўяди. Кейин тухумини пойлаб куним ўтсинми?

Захро ҳозир бошини момиқ рўмол билан танғиб олган, бир лунжи дўмбира бўлиб шишиб кетган, кўзлари қонталаш. Аслида, ўзи дуркун, хушбичим, чиройли қиз, кўзларида алланечук юракни шувиллатадиган сеҳри бор. Айниқса, башанг кийинганида ҳатто аёллар ҳам унга қарайди.

У ҳақиқатда кўзга яқин қиз, табиатнинг илтифотидан бебахра қолмаган, йигирмага кирмоқда. Чайқовчиликка аралашиб кўрди, тажрибасизлик қилиб, бир-икки мар-



та милиция қўлига тушди, кейин лавлаги пишириб, бозорга олиб чиқадиган бўлди. Қанд лавлагини қоплаб сотиб олади, кечга томон уйига қайтади, бир челак лавлагини ювиб, қозонга ташлайди, ўчоққа таппи қалайди, саҳаргача лавлаги тобига етади, шўрвасини сатилга, донини тоғорага солиб, дастурхонга ўрайди, азон пайти укаси кўмагида Чорсуга равона бўлади. Шўрваси ширин, суюқ бўлса ҳам бир оз қувват беради, лавлагига қурби етмаганлар шўрвасини олишади. Заҳронинг ҳатто ўз мижозлари бор, пойлаб туришади, хизматларига кета туриб, бир кружкадан ичиб олишади. Харидорлар орасида бақувватлари бор, булар шўрвасини ўзига муносиб кўришмайди, фақат лавлагисидан олишади; ғира-ширада ҳар томондан ўрмалаб чиқадиганларнинг сони кўп, ана улардан худо асрасин. Булар — кисавур, лўли, гадой-соққа, урушдан келдим, қамоқдан чиқдим, дейдиган тиламчилар, етим болалар, хазонни ўраб чекадиган битлиқи фоҳишалар, кўприк остида тунайдиган мажруҳлар, бангилар, иштонлари ҳўл, бир бурда нонга ёлланиб одам ўлдиришдан тоймайдиган қочоқлар...

## 2

Ҳар куни азонда Ойнисани қайнонаси уйғотади. Тўғрироғи, қайнонасининг саҳар туриши, инқиллаб бўйра босиши, мис човгумнинг тарақлаши, кампирнинг гўлдираб калима қайтариши, саҳар намозига тараддуди — уқубатларга тўла янги кун бошланишидан хабар беради. Ойниса апил-тапил кийнади, девор панасида қори эримай қолган совуқ ва туманли ҳовлига тушади, супа четига кўмғон қўйиб юз-қўлини чаяди, халта билан йўл-йўлакай артиниб, тунда уйқуни ҳаром қилиб рўйхатга ёзилиб келган гузар дўконига чопади. Нон паттаси бўлишига қарамай, бари бир шошилиши керак, акс ҳолда, нон тугаб қолади. Тахтадан тикланган дўкон дарчаси кичкина, ичи қоронғу, ёпирилган хотин-халаж, чолу ўспиринлар қий-чуви оламни тутади, ҳамманинг патта чангаллаган қўллари, худди оҳанрабо тортгандек, бир томонга, дарчага қия интилган, бетартиб чайқалади, нон камайган сари, қўл ҳаракатлари кескинлашади, ҳамманинг кўзи ола-кула, паранжилар сидирилиб, чиммат илиниб қолган бошлар, тўзғиган сочлар, қинғир-қийшиқ оғизлар, тушуниб бўлмайдиган чийиллашлар, бўғиқ овозлар; ким тунда ёзилиб навбат олиб кетган — бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ўзига нон тегса, бас. Қанча чоллар, кампирлар оёқ остида қолиб кетиб, майиб бўлишган... Шунча азоблар камлик қилгандек, ҳар куни эрталаб бу ғам ҳам бор. Бўлганда ҳам қандоқ, ҳар саҳар шу дардисар билан бошланади, юпун кийимлар увада бўлади, қўшимча ташвиш ортади. Қанчадан-қанча патталар куйиб кетди. Ойниса ўзини оломонга уришдан ҳайиқади; балоғатга ета бошлаган ўспиринлар ёшроқ жувон ёнига суқилиб олиб, ҳамма қатори ўкиришади, кўзлари дарчада, қўллари жувон-қизларнинг этини эзғилайди. Маҳалла улўғлари тартиб ўрнатиш ўрнига ўзлари биринчи бўлиб дўконга ёпирилишади. Ойниса неча марта таралар қон-қон йиғлаб уйига қуппа-қуруқ қайтиб кетган...

Ойниса бугун негадир қайнонасининг қитир-қитирини эшитмади. Ёмғир шарросидан бўлса керак, деб ўйлади ва иссиқ тўшақдан чиқишга эриниб, яна бир оз ётди. Бироқ дераза орти анча ёришди: кампир ҳам ухлаб қолганмикин? Ё танча элитимикин? Ҳеч бунақа бўлмас эди-ку. Айвон пардаси доим қия очик, ҳид тўпланмаслиги керак. Ойниса бирон товуш эшитилиб қолар, деган умидда, яна қулоқ солиб ётди, ҳеч нарса эшитилмагач, ўрнидан турди, кийинди, бошига рўмол танғиди, иссиқ ва оппоқ оёғига пайтава ўраб, маҳси тортиди. Эшикни очиб, айвонга чиқди: жим-жит, жойнамоз қозиқда илиғлик, мис човгум кўринмайди — танчадан ҳали олинмаган чоғи. Ёки қайнонаси ўз юмушларини бажариб, қайта ётганмикин? Йўғ-э. Албатта уйғонган бўларди. Ахир Ойниса гузарга чопиши билан кампир чойдишга пайраха ташлайди, дон йўқ, чиптани очиб қўндоқдаги учта товўқни ташқарига чиқариб юборади, Заҳро айтганидек, товўқ ахлат-гўнг титкилаб, ўз ризқини ўзи топади...

Ойниса ҳадиксираб тўрга қаради — танчанинг юқори томонида қайнонаси ётар, осойишта ва тинч эди. Ойниса чўчинқираб кампир бошига борди, эгилди. Рузвон бувининг нафас олиши сезилмас, бурнининг учи оқарган эди.

— Ойи! — деди Ойниса аввалига секинроқ ва ваҳима билан кутди. Кампир жим эди. Ойниса унинг елкасини чангаллаб, силтади. — Ойи! — бироқ кампир миқ этмади, қайтага силкитишдан боши чайқалиб, оғзи бир оз очилиб қолди.

## 3

Ойниса қайнонасининг паранжисига ўраниб, тепаси болохонали узун йўлакнинг четидоғи тоқчасида мунғайиб ўтирар, Муродхўжа ака ҳадеганда чиқавермас, ёмғир ҳамон тўхтамас, дилни баттар сиқар эди. Ойниса боя дарров қўшниларга хабар берди, бирпасда хотин-халаж йиғилди, уввос кўтарилиди. Тўй-азада ўз юмушини аниқ бажарадиган аёллар бўлади, улар дод-войга парво қилмай, бундай маъракаларда бажариладиган тадбирларни ўз йўсини-тартиби билан амалга оширадилар, уларга ҳеч ким уни қилбунни қил, деб топшириқ бермайди: юз йиллаб давом этиб келаётган маросимлар қоидаси маълум қолипга тушиб қолган. Шунга кўра вазифалар ҳам тақсим қилинган, ҳар

бири бурчини яхши билади. Идиш-товоқ тўплаш, қозон ўрнатиш, ўтин ёрдириш, маҳаллага хабар бериш, мачитга одам чиқариш, отинни айттириш, ювғичини чақириш, кафан ҳозирлаш — барчаси ўз-ўзидан бўлаётгандек туюлади. Замон шунча оғир бўлишига қарамай, кўча аҳли бир зумда тўпланганини, ҳар бири ўз юмушини лом-мим демай адо этаётганини, яқдилликни кўриб Ойниса ичида уларга таҳсин айтди. Агар шулар бўлмаганида, нима қилар эди? Қўли қаерга етарди? Ахир ҳамманинг ўз ташвиши бор. Шамси хола биринчи навбатда «нимангиз бор?» деб Ойнисадан сўради. Ойниса у муқаррар нарсани сўраётганини билмай, елка қисди. Билганида ҳам, нимаси бор? Яроқли нарса бўлса — тахмон палагидан тортиб қизи беланган бешиккача — ҳаммаси сотилди, ҳатто эри ўтириб машғулотларга тайёрланадиган курсини ҳам бир кило зоғора унига айрибошлаб олди. Ҳали кампирнинг қанча маъракалари турибди! Кўмишнинг ўзи ҳам чакана гап эмас. Ахир мозор бошидан қайтган товуткашларга бир чойнак чой билан битта нон тортиши керакку. Қаёқдан олади? Бисотида нимаси қолган?..

Ичкари уйнинг ўртасига жасадни ётқизиб, устига чойшаб тортиб қўйишди.

Шамси хола билан Ойниса тўрга ўтиб, сандиқ олдида чўнкайишди.

— Бир нарса бор, — деди Ойниса камзулининг ич чўнтагидан сандиқнинг калитини чиқара туриб.

— Нима?

— Ҳозир, — дея Ойниса сандиқни очди ва бўм-бўш сандиқ бурчагидан латтага ўроғлиқ буюмни олиб кўрсатди.

— Бу нима?

— Тиллақош, — деди Ойниса ва қўлидагини қайта ўрамай, тиззасига қўйди. — Бувимдан ёдгорлик. Тишим қавагида асраб юрувдим, қизимга асқотар, деб.

Шамси хола ўйланиб қолди.

— Сандиқнинг қадимий экан, нақшини қаранг, — дея сандиққа ишора қилди. Сандиқ ҳақиқатан қадимий, жуда нафис дид билан ишланган бўлиб, ялтироқ тунука тасмачалар ҳар томонга ой нуридек югурган, ҳар ерида жез кубба ва тўқачалар билан безалган эди.

— Бу қайнонамники, — деди Ойниса ва савол назари билан Шамси холага тикилди. — Ўзига буюрар экан-да.

— Шуни пулласаям бўларди-ю, энди кеч, улгурмайсиз, — деди ниҳоят Шамси хола. — Бадавлат қўшни бўлганида, ишқаб кўрардик, устидан пул бериб турарди. Мана бунингиз, — дея, Шамси хола Ойнисанинг тиззасидаги тақинчоққа ишора қилди, — яхши матоҳ экан, ҳайф кетади. Ўзи тоза нарсами, ясама эмасми?

— Қайдам, — деди Ойниса, шубҳаланиб. — Қадимий-ку. Эскилар ясама қилишдан ҳайқишган.

Шамси хола ҳайрон бўлди:

— Тиллақош дедингизми?

— Ҳа, тиллақош, — таъкидлади Ойниса.

— Ҳаммаси тиллами?

— Қайдам...

— Ҳаммаси тилла бўлса, бу — бойлик-ку. Насл-наслингизгача етади.

Ойниса иккиланиб қолди. Айвондан аёлларнинг увиллаши, хизмат қилувчиларнинг ҳайқирғи эшитилар, ҳозир тиллақошнинг ясама-ясама эмаслиги ҳақида бош қотиришнинг мавриди эмас, шошилиш керак эди.

— Майли, ясама бўладими, йўқми, ҳар қалай тошлари бор-ку, нечта ёқут, — деди Ойниса шубҳаларга чек қўйган бўлиб...

Мана, ҳозир Ойниса Муродхўжа аканинг йўлагида мусофир гадодек мунғайиб ўтирар экан, нима жавоб олишни тахмин ҳам қила олмас эди. Лекин бир нарсага Ойнисанинг имони комил — Муродхўжа ака тақинчоқни олгудек бўлса ҳам Ойнисанинг чорасизлигидан фойдаланиб, молни ерга уришга, нархини пасайтириб, арзимас чиқим эвазига яхши буюмлик бўлиб қолишга уринади, бу етмаганидек, ўзини оғир пайтда ёрдам қўлини чўзган мурувватли шахс қилиб кўрсатади.

Шу пайт икки табақали оғир, ўйма нақш билан безалган эшик ортида аёл кишининг йўталиши, яқинлашиб келаётган қадам товушлари эшитилди. Эшик очилгач, остонада бошини сатанг дурра билан танғиб олган, икки чаккаси гажакли чиройли жувон кўринди. Унинг юзи оёпоқ, қошлари зулукдек қоп-қора, қайрилма киприклари қуюқ бўлиб, эгнидаги духоба камзули остидан атлас кўйлаги кўриниб турар, амиркон маҳсига кавш илиб олган эди. Ойниса жувонни кўриб, ўрнидан кўзғалди.

— Ассалому алайкум, — деди Ойниса, чачвонини очиб.

— Келинг, — дея жувон майин жилмайди. — Кирар экансиз.

— Ҳўп, — дея Ойниса жувонга эргашди.

Улар йўлка бўйлаб бирин-кетин ҳовли ичига кириб боришди, икки томони хоналардан иборат иморатнинг елка баравар баландликдаги ойнабанд даҳлизи зинаси олдига келганларида, жувон тўхтаб, эшикни кўрсатди:

— Даҳлизга чиқсангиз, ўнг томонда эшик бор, — деди у майинлик билан. — Ўша уйга кирасиз. Кутяптилар. Кираверинг, тортинманг.

Ойниса қуллуқ қилиб, икки поғона чиқди ва тўхтаб, жувон томон ўгирилди:

— Юзимни очмасам бўладими?

— Ихтиёрингиз, — деди жувон одоб билан. — Кираверинг.

Ойниса чачвонни юзига ташлаб, қўрқа-писа ичкари эшикни очди.

— Келинг, синглим, кираверинг, — деди хонанинг тўридаги танчанинг юқори томонида ўтирган савлатли киши.

Паранжига унча ўрганмаган Ойниса эшик раҳига урилиб ичкари кирди, «ассалому алайкўм», дея пойгак четига чўнқайди.

— Ваалайкўм ассалом, — деди Муродхўжа ака. Бу — дўнпешана, чайирқовоқ, йириккўз одам ҳали эллик ёшдан ошмаган, ўта салобатли эди. Қирилган сочининг ўрни кўкиш, забардаст бошида мошранг духоба дўппи, елкасида қумсабзи чопон, ўткир шаҳло кўзлари қуюқ қошлари остида чуқур жойлашган, ёноқларини шойи ипдек нозик қонтомирлари қизартириб турган оқ юзи тиниқ эди. — Кампирни топшириб қўйибсиз, худо раҳмат қилсин, — деб, у юзига фотиҳа тортди.

Ойниса ҳам чачвон остида қўлини жуфтлаб, дуо қилди.

— Бандалик, — деди Муродхўжа ака. — Не иложимиз бор, сингил? Ҳамманинг бошида бор савдо.

Ойниса пиқ-пиқ йиғлади, енги билан бурнини чимдиди, кўзини артди.

— Неччи ёшда эдилар раҳматли?

— Олтмиш бирда, почча, — ютиниб жавоб берди Ойниса. — Соппа-соғ эдилар кеча...

— Бундай ажал ҳам худонинг каромати, — деди Муродхўжа ака чой ҳўплаб. — Замон оғир, бетоб ётиб қолсалар, нима қилар эдингиз? Сизларга оғирлари тушмапти, ёзғирманг, худонинг қаҳри келади. Ана, урушда қирон бўлаётган қанчадан-қанча йигитлар нима кўрипти бу дунёга келиб?

— Ёзғираётганим йўқ, — деди Ойниса зўрға овоз чиқариб. — Тўсатдан бўлганидан эсанкираб қолдик. Уғиллари келса, нима дейман?

— Нима дердингиз? Ажал олдида ҳаммамиз ночормиз.

— Қарамапсан, деб таъна қилармикин...

— Тушунади, — деди Муродхўжа ака тасалли бериб. — Муаллим-ку. Сиз бу ёғини ўйламанг, бўлар иш бўлди, тирилтиришнинг иложи йўқ. Сиз болаларингиз отасини ўйланг, эрта-кеч дуони қанда қилманг, омон-эсон келсин.

— Қани энди, худонинг раҳми келиб...

— Қачон чиқарилади? — сўради Муродхўжа ака гапни чўзгиси келмай.

— Пешинга, дейишди, — деди Ойниса ва жимиб қолди. — Маросимлари бор. Бошим қотиб қолди.

— Маросимлар... — нохуш қайтарди Муродхўжа ака. — Расм-русмларнинг нима кераги бор? Ҳозир замон кўтарадимиз?

— Итмас-ку, почча, — деди Ойниса дадил тортиб. — Шўрлик ойим бу дунёга келиб нима кўрибдилар ғам-ташвишдан бўлак.

Муродхўжа ака аслида расм-русм, урф-одатга қарши одам эмас, ҳатто тарафдори ҳам. Аммо бунақанги маросимларни ўзига тўқ одамлар қилса ярашади, зеру забарни қаланғи-қасанғиларга ким қўйибди, деб ўйлайди. Шунинг учун Ойнисанинг «итмас-ку» дейиши Муродхўжа акага ёқинқирамади.

— Атаган ул-булингиз борми? — деди у бепарво тарзда.

— Қаёқда! Шундай замонда атаган нарса бўладими? Биттагина сигирим шуниям боқа олмадим, ҳаром ўлишига сал қолди.

— Ҳа, молингиз хўп бизга нотинчлик келтирди, — деди Муродхўжа ака. — Молмас, ғирт ташвиш сотиб олган эканмиз ўз пулимизга. Ем беришувди, ҳазм қилолмай тиррақи бўлиб қолди, уни одам қилгунча яна қанча пул сарф бўлди. Икки баравар қимматига тушди. Сал ўзига келганидан кейин соттириб юбордим.

— Бузоқлигидан қўлимда катта бўлувди, — деди Ойниса ачиниб.

— Хўш, мақсадга ўтайлик, — деди Муродхўжа ака. Ойниса қоп ичида ўтирган одамдек, бу томон бурилди — муддаони айтадиган пайт келди. — Ҳизмат, сингил?

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, почча...

— Хўш?

— Бир оз қарз сўрамоқчи эдим, — деди Ойниса ийманиб. — Улик чиқди, йўқ деманг, почча, юзим шувит бўлмасин. Бир амаллаб қайтарарман; қурбим етмаса, сандиғим бор, қадимий, пўлатдек қаттиқ, безаклариям бор.

— Ҳозир сандиқ оладиган замонми, сингил. Унга қайси бисотингни солардинг киши.

— Укангиз омон-эсон қайтса, қутулиб кетар, почча...

Муродхўжа ака ҳозирги пайтда «қайтса» деган гапга ишонмайди, ахир уруш-ку, қирғин! Тўрттадан биттаси қайтиши ҳам гумон. Қайтаётганлар ҳам чўлоқ-ярадор, ишга ярамайди, уларнинг топгани ўзларининг кундалигига етмайди-ку, қарздан қутулиш қаёқда.

— Уйдагиларга айтдим, бир челақ сўкоши чиқаришади, — деди Муродхўжа ака, Ойнисанинг гапига чап бериб. — Шундан ортиқ нарса ваъда қила олмайман, сингил. Замон қанақа, ўзингиз кўриб турипсиз.

Ойниса тиллақошни охирги иложсиз чора сифатида ушлаб турувди, бўлак ҳаракатлари самара бермади, энди мажбур эди.

— Бир нарсам бор, шуни гаровга олинг бўлмаса, — деди у.

— Нима? — қизиқиб сўради уй эгаси ва сал қаддини ростлаб, бўйинини чўзди. Ойниса ўроғлиқ буюмни чачвон остидан чиқариб гиламга қўйди, латтани очди. Муродхўжа ака тиллақошни кўриб, бир қадар ҳаяжонга тушди, сакраб бориб қўлига олгиси, синчиклаб кўриб иқрор бўлгиси келди, бироқ бу ҳаракат буюмга алоҳида эътибор уйғотгандек туюлмасин, деб жойидан жилмади.

— Нима у? — ўзини билмаганга солиб сўради уй эгаси.

— Тиллақош, почча.

— Тақинчоқми?

— Ҳм. Аёлларники.

— Қаердан бу нарса? Қаттан олгансиз?

— Бувимдан ёдгорлик, — деди Ойниса чачвон остидан, Муродхўжа аканинг ҳолатини кузатиб. — Қадимий безак. Бухороники. Қимматбоҳо нарса.

— Заргарга кўрсатганмисиз?

— Йўқ. Шунақа дейишувди.

— Балки ясамадир, тозамасдир?

— Кўзларим бор, почча, қаранг, ҳаммаси ёқут, дур.

— Шишаям бўлиши мумкин, — деди Муродхўжа ака, аммо бу айтганидан ўзи пуншаймон бўлди, чунки жувон жаҳл билан шартта чиқиб кетса, олиб бориб заргарга кўрсатса, заргар юлиб олади, оғзидан чиққанини беради, шунинг учун жуда моҳирона муомила қилиш лозим. Бундай нарсани қўлдан чиқариш бепаросатлик-ку. — Менга қаранг, сингил. Мен, майли, харажатларингизга етгули маблағ берай. Бугун-ку кўп кетмайди, ювғичи, отин, гўрков — шуларга берилади, ўлик чиққан уйда қозон тўнтарилиб қўйилади. Ҳиммат қилган кўни-қўшниларникидан суюқ ош чиқади. Мен уйдагиларга айтаман, сўкоши билан икки қадоқ чой, бир сават нон элтиб беришади. Тежаб, ён-берингизга қараб ишлатинг, қутига солиб, қулфлаб қўйинг, жуда зарур бўлганда, отин олдига, домла-эшон кирганида патнисда чой билан қўйдирасиз, тушиндингизми? Ким тиловат қилгани кирса, олдига нон ушатаверманг. Ҳозир ким кўп, санғилар кўп. Ҳамма маросимларини ўтказаман, деяпсиз, бу хайрли иш, раҳмат, кўп ориятли келин экансиз. Укамиз омон-эсон қайтса, садоқатингизни айтаман. Аммо-лекин ҳали ойингизнинг еттилари, йигирмалари, қирқлари-ю, йиллари турипти, қимматбоҳо буюмим бор, деб ўзингизни йўқотиб қўйманг, тежамли бўлинг. Ҳали бу буюмингизни заргарга кўрсатиш керакдир. Балки шунча харажатни кўтармас ҳам. Балки жездир. Шишадир. Ҳа, майли, — деди Муродхўжа ака жувоннинг эътироз билдиришидан ҳайиқиб. — Бу ёғи ўз йўли билан бўлаверади. Агар нарсангиз арзигулик бўлмаса, камини берарсиз, агар арзигуликдек бўлса, ора очиқ бўлиб кетар. Ҳозирча мана буни ола туринг, — дея Муродхўжа ёстиқ тагини титкилади, эгилиб нималарнидир санади, қўшди, олди, ниҳоят калласини кўтарди. — Яқинроқ келинг.

Ойниса ўрnidан туриб, пойгакка калишини ечди, танча томон яқинроқ борди.

— Мана, беш юз сўм, — дея Муродхўжа ака бир даста пулни танча устидаги майиз сочилган патнисга ташлади. — Билиб қўйинг, нон билан чой алоҳида, бу ерда беш юз сўм. Юз сўм ювғичига, юз сўм отинга, юз сўм гўрковга — гўрков кам деса, яна эллик сўм қўшинг, иши оғир. Қолгани чакана харажатга. Тушундингизми?

— Тушундим, почча, — деди паранжили Ойниса тик турган ҳолда ва эгилиб латтага ўроғлиқ тиллақошни танча четига қўйиб, пулларни олди.

— Борақолинг энди, ҳали бошингизда юмушингиз кўп,

— Раҳмат, почча худо хайрингизни берсин, — дея Ойниса ўгирилди.

— Менга қаранг, сингил, — деди Муродхўжа ака, алланарса эсига тушиб. Ойниса тўхтади. — Манави нарсани атрофдагиларга айтиб ўтирманг, бўптимми? Билган ундоқ, билмаган мундоқ, дейди, гап айланади. Ўзингизга ортиқча маш-маша ортириб юрманг.

— Нима, дей?

— Мени айтинг. Муродхўжа ака ҳиммат қилдилар, денг, у ёғи билан ишингиз бўлмасин.

— Одамлар гап қилади, — деди Ойниса, бир оз ўйланиб.

— Қанақа гап?

— Ахир ҳозирги замонда бекордан-бекорга ҳиммат қилиш... Мен кимман сизга, шунча инъомга эга бўлиб?

— Мен бу садақаларни фақат сизга қилаётганим йўқ, қанчаларга ёрдам берганимни ҳамма билади. Қолаверса эрингиз билан салом-алигимиз бор, болаларимни ўқитган. Уша укамизнинг табаррук оналари, хайру эҳсон — ҳам қарз, ҳам фарз.

— Майли, — дея Ойниса гапга чек қўйди ва бояги тахминлари тўғри чиққанига ажабланмади ҳам. Бу одам бировга шунчақ.

ҳамма билади. Иложи бўлса, бировнинг оғзидагини юлиб олади, унинг устига ўзини ҳимматли қилиб кўрсатиш учун мана бунақа ташвиқотлар юритади.

— Бирпас ўтиринг, шу ерда бўлса ҳам тиловат қилиб қўяй, бир оздан кейин хизматга кетаман, маросимда қатнаша олмайман, — деди Муродхўжа ака. Ойниса чўнқайди ва тиловат тугагач, ўрнидан турди, хайрлашиб чиқиб кетди.

Шундагина Муродхўжа ака тиллақош ўроғлиқ латтани олиб кўришга киришди. Аммо даҳлиздан оёқ товуши эшитилди. Муродхўжа ака буюмни ёстиқ остига тикиб, эшик томон қаради.

— Ада, чойингизни янгилаб келайми? — ичкарига бош суқиб сўради бояги чиройли жувон. Бу Муродхўжанинг қизи Муқаддас, ичкуёв эри ва битта қизчаси билан шу ҳовлининг четига қурилган алоҳида даҳлиз-айвонли уйда яшар эди.

— Йўқ, — деди ота ва қўли билан қизини, бери кел, деб чақирди.

Муқаддас пойгакда кавишини қолдириб, юқори чиқди, танчанинг ёнида чўккалади, савол назари билан отасига тикилди.

— Эринг кетдими? — сўради Муродхўжа ака асосий мақсадга ўтиш олдидан.

— Йўқ ҳали, — деди Муқаддас, нимани тахмин қилишни билмай. — Сиз билан саломлашмасдан кетармиди.

— Муни кўр, — дея отаси ёстиқ тагидаги ўроғлиқ нарсани олиб, қизининг олдига қўйди.

— Нима бу? — тушунмай сўради Муқаддас.

— Оч-чи, — сирли жилмайди Муродхўжа ака.

Муқаддас ховотиру қизиқиш билан ўрамни очди ва ялтироқ нарсадан кўзини ололмай, тикилиб қолди.

— Тиллақошми?

— Ҳм. Тиллақош.

Муқаддас безакни қўлига олди.

— Қалай?

— Тоза нарсага ўхшайди, — деди у, безакни у ёқ-бу ёққа айлантириб. — Бояги паранжили жувон олиб келдимми?

— Аҳамияти йўқ, — деди Муродхўжа ака, бошқа нарсага алаҳсишни истамай. — Тақиб кўр-чи.

Муқаддас ўрнидан туриб токча олдига борди, у ердаги ойнага қараб, безакни пешонасига қўйиб кўрди, бошини икки ёққа буриб, ён томонларига қаради, қўлини икки чаккасидан олмай, отасига юзланди. Муқаддас ўзи келишган, айниқса қичиқ-дурра устидан пешонасига тожланган тиллақош ҳуснини яна очиб юборди.

— Ярашдимми, ада?

— Шундоқ нарса ярашмайдимми? Ярашди.

Муқаддас қайтиб келиб яна жойига чўккалади, безакни латтага қўйди.

— Олайми? — қизига синовчан тикилиб сўради Муродхўжа ака.

— Энди, ада, бу ўлик мол-да, — деди Муқаддас бир оз ўйлаиб.

— У нима деганинг? — таажжубда сўради Муродхўжа ака. Қизидан бунчалик сипо муносабатни кутмовди, дили андак озор чеккандек бўлди. Қовоғини уйди.

— Бу нарса фақат тўй-ҳашамда тутилади-да, ада, — деди Муқаддас одоб билан. — Кўча-кўйга тақиб чиқа олмайсан киши.

— Мулк-ку.

— Келинингизга тортиқ қиларсиз, — деди Муқаддас соддадиллик билан. — Олаверинг. Қимматбаҳо нарса экан, бисотда асқотади.

Муродхўжа ака безакни қўлига олиб, яна бир бор назаридан ўтказди, кейин ўраб ёстиқ тагига яшириб қўйди.

— Маматга айт, извошни чиқарсин.

— Хўп... — Муқаддас хурсанд бўлиш ўрнига, негадир яна ҳазинлашиб, хонадан чиқиб кетди... У ҳовлига тушганида, наридан погонсиз шинель ва юлдузли телпак кийган эри Ҳошимжон бу томон қайнотаси билан кундалик саломини бажо келтириш учун яқинлашар, ўзи паст бўлса-да, шинели уни анча новча кўрсатар эди. У ҳозир адасининг даргоҳига кириб, бир пиёладан чой хўплашади, ҳол-аҳвол сўрашади, кейин омин қилиб, икковлари ўринларидан қўзғалишади. Муродхўжа акани соявони кўтарилган бўлса-да, Маматнинг ўзи ёмғирда шумшайиб ўтирган фойтун кутаётган бўлади. Муродхўжа ака Бодомзор, Юнусобод даҳаларидаги барча тегирмону обжувозлар устидан хўжайин, бозор мудирини. Ҳозир фойтуннинг духоба кўрпача ташланган кажавасига ўтириб, қўл остидаги «корхоналар»ни назорат қилиш билан бирга оладиганини олиб, берадиганини бериб, тушга яқин қайтиб келади. Уй хизматдагилар югуриб чиқишмайди, хўжайин қопу қутиларда келтирилган «ризқ-насиба»ни кечқурун, қоронғу тушганида олиб келишади. Ана унда қўлма-қўл қилиб нарсаларни уйга ташишади, Гулсум опанинг назоратида тортиқлар саранжом қилинади: чой, газлама, дон, қандолат, мева, ун, ёғ — ҳаммаси ўз жойини топади, хужрага яна қулф тушади.

Ҳошимжон «Тупроққўрғон»га жойлашган аллақандай ҳарбий гарнизон омбо-

рида таъминотчи бўлиб хизмат қилади. Қайнотаси жойлаб қўйган. Ҳам ҳарбий хизматда, ҳам урушдан олисда. Унга бириктирилган юк машинаси уззукун у базадан бу базага, аэродрому вокзал омборларига қатнаб, ҳарбий қисмларни барча керакли нарсалар билан таъминлаб туради. Қўлқопу тамакидан тортиб қоракўлтелпак, океан балиғигача. Унинг юк машинаси ҳам бўш қайтмайди — кўмир, сариеғ, керосин, саксовул, совун, жун одёл, хром этик, қулоқчин, чуррак, қуруқ мева, ҳатто чинни асбоб, соат, момик шарф-рўмоллар, тулкиастар чарм пўстин каби трофея моллари ҳам келади. Пар ёстиқ, чойшабар кўпайиб кетганидан кейин Муродхўжа ака бунга ўхшаган нарсаларни бозорга чиқариб пуллаттирадиган бўлди. Албатта топиш-тутиш борасида Ҳошимжон қайнотасидан хийла ўтиб кетди, аммо барибир у ҳайкиб туради. Ахир ким Ҳошимжонни қанча чиқимлар билан шу хизматга жойлаб қўйди? Қайнотаси! Шунча мол-дунёга ким эга қилди? Қайнотаси! Ким уни урушдан, ўлимдан олиб қолди? Қайнотаси! Киши боласи кўрса суқи кирадиган ойдек қизини қўйнига ким солиб қўйди? Пуф деса, битта эмас, юзта Ҳошимжонларни учириб юборади. Унга салом бермай, сажда қилмай кимга қилсин?! Калондимоғлик ярамайди, бир дақиқада тушига кирмаган, хаёлига келмаган имтиёзлардан маҳрум бўлади, штраф батальонига бадарға қилишади, у ёқдан омон қайтишдан кўра қайтмаслик кўпроқ ҳақиқатга яқин. Қайтганида ҳам бу ерларга келиб, нима, ким бўларди? Ўзи чаласавод, тегирмоннинг гардини ютиб юрган нотавон бир кимса бўлса. Йў-ўқ! Қайнотасининг пойи қадамига сажда қилиши, чангини ялаши керак. Ҳошимжон ҳаётида бу қадар кескин бурилиш рўй беришини етти ухлаб тушида кўрган эмас. Техникумга кираман, деб Тошкентга келган кира олмаган, анчагача санғиб юриб, ахири ўша тегирмонга қора ишни бўлиб ёлланган, ис босган тегирмон ҳужрасида ётиб юрган ва қўл-оёғи қаққонгина, ўзи ҳам кўзга яқин ўспирин бўлгани учун Муродхўжа аканинг эътиборини тортган эди. Уруш бошланиб, ана кетдим, мана кетдим, деб турганида хўжайини чақириб қолади... Қайнотаси шунақа зўр одам, қўлидан ҳамма нарса келади, қанча унинг ҳурматини ўрнига қўйса, шунча рўшнолик кўради. Ҳали истиқболида яна қандай мунаввар кунлар борикин? Ишқилиб, уйларди Ҳошимжон, уруш тугамасин.

4

Қизчаси Озода бешиқда эди, Муқаддас эрини кузатгач, бирров онасининг олдига кирди. Гулсум опа чироқни ўчирмай танча бағрида араб алифбосида босилган «Ўтган кунлар»ни ўқиб ўтирар эди, Муқаддасни кўриб, бошини кўтарди.

— Кетишдими? — сўради Гулсум опа.

— Кетишди, — дея Муқаддас бориб танчага ўтирди.

— Холида кўринмадими?

— Йўқ, ҳали чиққани йўқ, — деди Муқаддас титраброқ. — Тоби қочиб қолгандир.

— Шипириб олса бўларди, — деди Гулсум опа, атрофга кўз югуртириб. — Кеча пешиндан бери шипирги теккани йўқ.

— Ўзим шипирарман, — деди Муқаддас эринчоқлик билан иягини танча четига босиб. — Неччи марта ўқидингиз шу китобни, опа? Ёд бўлиб кетгандир. — Қизи очиқ кўнгилда айтяптими ё киноя қияптими, Гулсум опа англай олмай, ҳадеганда индамади.

— Яхши китобни неччи марта ўқима, ҳар гал ўзига тортаверади, — деди ниҳоят духоба қалпоқча кийдирилган чойнақдан ўз пиёласига чой қўйиб ҳўпларкан.

Гулсум опа ўтирган хона кўп жиҳати билан Ўзбек оймнинг уйини эслатади: гир атрофи ганчдан ўйиб безакланган ҳар хил ҳажмдаги жимжима тоқчалар, тоқчадаги чинни идишлар, ажойиб гуллар битилган палак, дорпеч, сўзаналар, йилтироқ сандиқлар устига тахланган шойи кўрпалар, парёстиқлар, гиламлар ва хонанинг тўридаги духоба кўрпа ёпилган танча устида мис баркаш, ликопчаларда турли мевалар, ўзи энди қирқ ёшга кирганига қарамай, набира кўрган, шунинг учун бўлса керак, қиёфасида улуғвор вазминлик туси бор, чиройли, оқюз, қайрилмақош хотин Гулсум опа! Бу хонада аввал Гулсум опа билан Муқаддас, Муродхўжа ака пастдаги уйда тунарди. У ерда голланд печка ва ҳаник бор. Кундузи эрининг шамаси кифоя — шундай қудратли одамнинг гапини икки қилиб бўладими — Гулсум опа кечаси Муқаддас обдан уйқуга кетганида, секин туриб, эри ётган пастдаги уйга ўтарди. Бу ҳозир ҳам баъзан бўлиб туради.

— Жиннимисиз-аа, адаси? — дейди Гулсум опа нафаси ростланганидан сўнг.

— Ҳм? — тушунмайди беҳол ётган эри.

— Невара кўрган одамлар, шунақа ишлар қилиб юришимиз айбмасми?

— Тур, уйингга чик, — дейди эри ҳирси қониққандан кейин гапга мажולי келмай.

Гулсум опа ҳаникка бориб ювинади, артинади, боя йўл-йўлакай итқитилган кўйлак-лозимини йиғиштириб, кийинади, эшик зулфини эҳтиётлик билан очиб, ўз уйига чиқиб кетади, ширин чарчоқ оғушида ухлаб қолади.

5

Ҳамон ёмғир шивалар, қора булутлар ҳамма ёқни қамраган, куртаклари бўртиб қолган дарахтлар титраб тургандек туюларди.

Муқаддас зинадан пастга тушиб, кўҳлади, оғзидан ҳовур тарқалди. Март ойининг ўрталари бўлишига қарамай, ҳаво ҳали совуқ эди. Муқаддас кўлларини кўлтиғига суқиб, ивиб кетмаслик учун уйига югурди. Ошхона томонда кимдир — Холидами, Замира холами — сатилларни даранглатиб, юмуш қилар, ошхона эшигидан ҳовур аралаш тутун бурқсиб чиқарди.

Муқаддас уйига кирганида, у ерда Холида хона шипириш билан банд, Озода ётган бешик қимирлаб кўяр, гаворапўш тўлқинланар, йиғи товуши эшитилмас эди.

— Ассалому алайкум, опа, — деди Холида ишидан тўхтаб.

— Ваалайкум, — деди Муқаддас пойгакда кавишини ечатуриб. — Шўттаминдинг?

— Қарасам, ойипошшамларнинг олдиларида экансиз, — деди Холида узр оҳангида. — Бу хонани йиғиштириб кўяқолай, дедим.

— Озода уйғоқми?

— Ҳали кирсам, уйғоқ экан. Қўлини бўшатиб қўйдим.

— Нега юзини очиб қўймадинг?

— Уй шипирипман, чанг тегмасин дедим.

— Яхши, — деди Муқаддас ва бориб гаворапўшни очди. Озоданинг йирик юмалоқ кўзлари очик, жингалаксоч бошини у ёқ-бу ёқ ўгира бошлади, онасини кўриб чиранди, юзи қизариб кетди, бир зумда йиғи келди, кўзлари ёшланди. — Ҳозир, ҳозир, — дея Муқаддас камзулини ечиб, кўлтиғининг тагида чоки сўкилган кўйлаги ичига кўлини юборди, ўтириб эмчагини чиқарди, қорамтир учини қизининг оғзига олиб борди. Озода оғзи-бурни билан юмшоқ иссиқ эмчакка кўмилиб, эма бошлади.

— Опа, менда ишингиз йўқми? — пойгак томонда қаддини ростлаб сўради Холида.

— Самоварда сув борми, Озоданинг нарсаларини юваман?

— Бор, опа, — деди Холида ҳозиржавоблик билан. — Камайиб қолган бўлса яна сув қуйиб қўяман.

— Майли, ойимникигаям кир, ҳаммаёқ ивирсиб ётибди, — деди Муқаддас, чиқиб кетишга ҳозирланиб турган Холидага.

— Хўп, опа, ўзимам ўша ёққа ўтмоқчи эдим, — деди Холида ва кўлтиғига шипирги қистириб, пойгакдаги хокандозни олди, калишини кийди.

— Майли, боравер, самовар қайнаса, айтарсан.

— Хўп, — деб Холида чиқиб кетди.

Озода онасининг кўкрагини тўйиб-тўйиб эмар, қоп-қора кўзларини Муқаддаснинг юзидан узмас, айниқса, эмишдан бир зум тўхтаб онасининг кўзларига тикилганида, дилидан аллақандай ўйлар ўтгандек туюлар, таъна қилгандек бўлар, онасини изтиробга соларди. «Ишқ меваси», деб ўйларди Муқаддас қизчасининг пешонасига ёпишган жингалакларини силаб. «Шўнчалик отанга ўхшайсанми, қизим? Уям шунақа жингалаксоч. Кўзлари шахло. Сеникидек қиррабурун. Малоҳатлигиам ўтипти, отанг ҳам бугдойранг эди. Агар Ҳошимжондан бунёд бўлганингда, сочларинг малла, ўзинг сарғиш бўлардинг. Отанг қайларда юрганикин? Тирикмикин? Дайди ўққа чалинмадимикин? Бечора, боласи борлигини билмайди ҳам. Ишқилиб ажали етмаган бўлсин, омон қайтсин. Омон қайтса, нималар қиларкин?!»

Ишкомзор боғнинг этагида кўп воқеалар гувоҳи, маълум жиҳатдан машъум айвонча... унинг тўрт тарафи очик, ёнидан доим суви тинмайдиган ариқ ўтади, томида ёнғоқ, офтоб тушмайдиган тагида баргак, узум қуритилади, кеч кузда хашак ғамланади. Баъзан ёзнинг иссиқ палласи хонадон аъзолари шу айвончага жой қилдириб, жазирамадан жон сақлашади — атроф очик, шабада тинмайди, ариқнинг салқини келиб туради.

Бундан икки ярим йил муқаддам балоғат бўсағасида турган Муқаддас шу айвончада ёлғиз имтиҳонларга тайёрланиб ўтирар экан, ўқтин-ўқтин хаёллари чалғир, интиқликка ўхшаш ноаниқ орзулар уни аллақайларга олиб кетар эди... Муқаддас бу йил тўққизинчи синфни тугатади, ўн еттидан ошди, бунинг ёшида онаси битта фарзандлик экан. Акаси ҳозир мўйловини қирадиган бўлиб қолган, яқинда ўрта мактабни битиради. Акаси билан бирга ана у девор ортидаги қўшниси Ўлмас ҳам ўнинчини тугатади, улар ўртоқ, кўпинча шу айвончада дарс қилишади, шу ерда шахмат ўйнашади, чекишади, ётиб қолишади. Баъзан Муқаддас буларга овқат олиб келганида, беихтиёр кўзи Ўлмасга тушади, Маъсуд дастурхон ёзаётган пайтида, Ўлмас бир лаҳза Муқаддасга қараб олади, шунда Муқаддаснинг юраги алланечук бўлиб кетади.

Улмаснинг отаси фронтда, иккита синглиси бор, онаси дўппи тикиб, рўзгор қилади. Улмас оилада тўнғич фарзанд, ниҳоятда чиройли, ақлли йигит. Мактабда ҳам аълочи, Маъсуд кўпинча шунинг кўмагида дарс қилади...

Муқаддас бешикка бағрини бериб қизчасини эмизар экан, бу азобли ўйлар унга ҳаловат бермас, ўзидан ҳар қанча қувмасин, ёпирилиб келаверар, жувон осуда ва аламли хотиралар гирдобида фарқ бўлар, уларни — кайф сургандек тарк этишга ошиқмас, ҳозирги аҳволини ўйлар, ўзини гуноҳдор сезар эди...

Айвончада дарс тайёрлаб ўтирган Муқаддаснинг хаёли яна бўлинди, ногаҳонда унинг назари ариқнинг бўйидаги шотутга тушди. Жийдадек мевалари қорайиб қолипти, демак етилипти. Муқаддаснинг татиб кўргиси келди, яланг оёқ дарахт остига борди. Силкиб кўрди, шотутнинг банди қаттиқ бўлади, тўкилмади. Жазм билан келгани учун қайтгиси келмади, тирмашиб дарахтга чиқа бошлади, кўшни девордан ҳам баландлашди, кўзи жўхориға сув қўяётган Улмасга тушди. У шимини тиззасигача шимариб олган, қўлида кетмон, кўйлаксиз бадани тердан ялтирар, пухта пайлари ҳаракат қилганида чайирлашар, соғлом кучини кўз-кўз қилгандек эди. Улмас ҳам Муқаддасни пайқаб, кулиб қўйди, қизнинг юраги яна алланечук бўлиб кетди, кўзини олиб қочди, мевалари қорая бошлаган шохнинг юқорисиға секин тармашди, бироқ оёғи сирғаниб кетди. Улмаснинг қулоғиға Муқаддаснинг «А-а!» деган товуши, шотут шохининг қарсиллагани ва гуп этиб ниманингдир ерга урилгани яққол чалинди, у кескин бурилиб, девор ортидаги дарахтга кўз ташлади — безовталанган шохлар тўлғанар, Муқаддас кўринмас эди. Улмас кетмонни улоқтириб, деворга отилди, бир сакраб устиға чиқиб олди — Муқаддас пастда, ариқ бўйидаги ўтлар, шох-шаббалар орасида қимирлай олмай инграб ётар, кўйлаги йиртилиб кетган, иккала қўли остида қолган шекилли, ғалати алпозда ётарди. Улмас дарҳол девордан сакради, бир ҳатлаб ариқдан ўтди, ҳовлиқиб Муқаддасга ёпишди.

— Муқаддас! Нима бўлди? — деди Улмас қизни ўгириб. Унинг тилинган юзидан қон сизгир, ранги оппоқ, лаблари кўкарган, кўзлари оғриқдан сузилган эди. У аранг инграб, кўзини юмди. Улмас қизни даст кўтариб, айвончага олиб чиқди, кўрпачага ётқизди, югуриб бориб, дўпписида сув олиб келди, қизга сепди. Муқаддас сесканиб, яна ингради, зўрға кўзларини очди, тўпланиб қолган ёшлари тирқираб сизғиган қонга аралашди, ёқаси остига оқди. Улмас қизнинг бошини кўтариб, лабига ҳовучини олиб борди.

— Сув ҳўпланг, Муқаддас, — деди Улмас ва ҳовучининг чети билан қизнинг лабларини йириб, оғзига сув қўйди. Муқаддас сувни култ этиб ютди, йигитга тикилди. У қизнинг елка аралаш бошини ўзининг яланг бағриға босиб турар, бир кўксига ботиб турган қизнинг қулоқ-юзи йигитнинг бесаранжом юрак уришини эшитар эди.

— Қаерингиз оғрияпти, Муқаддас? — ҳаяжондан энтикиб сўради Улмас. Муқаддас индамади, оғриқ тарқай бошлади чоғи, кўзларини юмди, енгилроқ нафас олди. Йигитнинг жўшқин бағри ором бергандек, оғриқни енггандек туюлди. Бу асно нақадар яхши эди...

Уша куни кечаси билан Муқаддас тўлғониб чиқди. Унинг ожизгина қалбига майин сурон билан кириб келган туйғу ёки ўша — мана шу ожизгина қалбида туғилган эҳтирос, баҳор нурларида лоп этиб очилиб кетган гулдек гуркирар, аллақандай гирдобларга тортар, энтиктирар, қувнатар ва чўчитиб, дилини ларзаға солар, ҳатто лат оғриғини ҳам сездирмас эди. «Яхшиям айвончага жой қилдирган эканмиз, — деб ўйларди Муқаддас. — Яхшиям тутдан йиқилдим. Энди дарс баҳона, кунимни айвончада ўтказаман, ҳеч ким шубҳа қилмайди, мен эса қўлим бўшаши билан ўша ёққа чопаман. Улмаснинг овозини, хиргойисини, бақириб-чақиришини, ҳатто йўталиши, қадам товушини пинҳоний эшитиб ўтираман, мен нималардир қилиб, борлигимни билдираман, Холидани чақирган бўламан, икки қулоғим, вужудим ўша, девор томонда бўлади. Эшитармикин? Қарармикин бу ёққа? Ё яна дарахтдан йиқилайми? Йўқ. Бўлмайди. Ҳийлалиги билиниб қолади, олдингисиниям шунақа, деб ўйлайди. Дилида шубҳа оралайди, кўнгли қолади...»

Бир неча кундан кейин акаси имтиҳон топшириб келиб, ичкари уйга ухлагани кириб ётди — кечаси бўйи дарс тайёрлаб чиқишган эди Улмас билан бирга. Демак, Улмас ҳам мактабдан қайтган, агар уям уйқуга кетмаган бўлса, ҳовлисида юмуш қилиб юргандир. Ухламайди у, албатта, Маъсудга ўхшаган нозик, эркатой эмас.

Муқаддас битта китобни бошқалар олдида намоёншкорона варақлаб, катта уйнинг орқасига ўтиб кетди, демак, бу ердагилар дарс тайёрлагани боғ этагидаги айвончага туриб кетди, деб ўйлашади.

Муқаддас этакка чопа кетди, аммо айвончада бешиктерваттидек чайқалиб ўтирган Холидани пайқаб, секинлашди. Холида икки оёғига жун калава илиб, тўп ўрарди, Муқаддас яқинлашганини сезмади. Мана, бир йил бўлди, уруш бошлангандан кейин турмуши оғирлашиб Холида ўқишга бормаи қўйди, онаси билан шу хонадон юмушларини бажаради — супуриш-сидириш, ҳовлиға сув сепиш, молға ем бериш, идиш-товоқ ювиш, самовар қўйиш, чой ташиш ва яна аллақанча ишлар шу ўн уч яшар



қизчанинг бўйнида. Онаси сигир соғади, кир ювади, овқат пиширади, нон ёпади, ўғир туяди — сахардан то шомгача она-бола шу ҳовлида гиргиттон. Гулсум опа барча ишлатиладиган масаллиқларни ўзи ажратиб беради, аммо тергамайди. Минг тергасин кўлига бериб қўйганиндан кейин, татимай иложи борми? Замира холанинг ўзи ҳалол аёл, ҳеч нарсага хиёнат қилмайди: қозон катта, қанчадан-қанча масаллиқ тушади, бир ҳовуч гуруч-мош, жичча ёғ, бир-икки жазлик гўшт ажратиб қолса, ҳеч ким сезмайди ҳам, липпасида кетаверади. Аммо Замира хола унақа қилмайди, қизига ҳам шуни уқтиради. Агар эгриликни биронталари пайқаб қолса, ҳайдалишади, шу ризқдан ҳам маҳрум бўлишади. Баъзан овқат устига бирор кимса келиб қолса, ўзи билан қизининг тегишини ҳам сузиб беради, қолган-қутган бурда-сурдалар билан қониқаверади. Уйда яна учта ўғли бор, эри билан катта ўғлидан қорахат келган. Болаларига бирон нарса олса, албатта Гулсум опага кўрсатиб олади.

— Вой, опа! — ёзгиради Гулсум опа. — Нима қиласиз кўрсатиб, мен бирон нарса девдимми? Қўйинг-э.

— Ҳа, энди, пошшахон, билиб қўйсангиз тузук-да, — дейди Замира хола уй бекасининг у қадар зиқна эмаслигидан кўнгли ёришиб.

Юмуш анча кўпайишига қарамай, Замира хола меҳмондорчилик бўлишини пойлайди. Албатта меҳмонлардан кейин даста-даста ювуқсиз косалар, лаганлар, қошиқлар, сочиқлар, ликоплар чиқади, катта самовар қайнатиб, ҳаммасини ювиши, жой-жойига қўйиши, алламаҳалгача ошхонадан нари кетмаслиги, ҳатто уй эгалари уйқуга кетишганида ҳам қизи билан қолиб, ҳамма нарсани саранжом қилиб қўйиши керак, эртасига қолса барибир шу ишларни ўзи бажаради. Шу билан бирга меҳмонлардан унча-мунча нарса: бурда-бурда нон, лаган тағида ош, ғажилмаган устихон қолди, Замира хола Холидани ўғиллари мўлтираб ўтирган уйга зипиллатади. Ночора? Нон ҳам нон, увоғи ҳам нон. Айби бор эканми? Шунга ҳам етиша олмаганлар шишиб ўлаётганлар қанча? Шукр қилиш керак. Болалари ҳам бекор қараб туришмайди. Замбил-замбил ахлат кўмиш, ўтин арралаш-ёриш, кўмир тушириш, ғишт ташиш, лой қориш, томсувоқ қилиш шуларсиз битмайди. Албатта оғир юмушлар учун эр-каklar ҳам бор, аммо ишнинг кўлами катта пайтда Муродхўжа ака мардикор ёлламайди, шу болалар асқотади. Хўжайин чиқимга пишиқ, аммо ҳайит кунлари рўзғорга ярамай қолган нарсалардан улашганида, болалар ҳам четда қолмайди. Бирига кирза этик, иккинчисига қавилган ҳарбий пахталик, яна бирига калиш тегади. Албатта, буларнинг ҳаммаси Муродхўжа ака учун арзигулик эмас, битта зиёфатнинг ўзига қанча нарса сарф бўлади, аммо ҳеч вақоси йўқ қашшоқ оила учун бу жуда катта ёрдам. Бир жуфт калишнинг ўзи бозорда фалон пул, кирза этик билан пахталикни айтмаса ҳам бўлади. Бир куни Холида — у ҳали мактабга қатнар эди — синфдош бир қиз юзини чимдиб олди.

— Ҳу, чўригина, — деди қиз, ғазабданми, ҳавасданми кўзлари чақнаб. — Юзинг лўппигина, тикон урса, қон тирқирайди! Тўғноғич урайми?

Холида шундан кейин мактабга қадам босмай кетди, ҳеч ким бунга парво ҳам қилмади...

— Холида, — деди кўққисдан чўчитиб юбормаслик учун Муқаддас нарироқдан. — Кўксултон ҳовлида думбул бўпти, терсанг, бир ердик. Карс-курс.

Муқаддас келгунча Холида бурилиб, қараб турди.

— Еб кўрдим, опа, ҳали тахир, — деди ўнғайсизланиб. — Агар майли, десангиз, бирпасда териб келаман.

— Йўқ, тишни қамаштиради, — дея Муқаддас айвонга чиқди, кавишини ечиб, хонтахта тўрига ўтди. — Мен дарс тайёрлайман, сен ҳовлига чиқақол.

— Индамай ўтираман, опа, ҳайдаманг, — деди Холида ёлбориб. — Олдингизда ўтиришни яхши кўраман. Шундоқ чиройликсизки, қарайвергим келади.

— Мен овозимни чиқариб ўқийман, Холида, шеър ёд оламан, — деди Муқаддас, Холиданинг гапидан кўнгли тўлиб. — Сендан уяламан. Эртагача ёд олишим керак. Тўртта шеър.

Холида хафа бўлмади, Муқаддас дилозор эмаслигини яхши биларди, тушунди: ёлғизлик азбаройи кераклигидан сўраяпти.

Холида жункалава ва ўралган тўпни этагига солиб, пастга тушди.

— Икки-уч кун ўтсин, опа, сал шира кирсин, териб бераман кўксултондан, — деди ўзининг ёшига номуносиб сиполик билан. — Хўпми, опа?

— Хўп, Холида, — деди Муқаддас айёрона жилмайиб. — Қарздорсан, эсингдан чиқса, кўрасан.

Холида диконглаб югуриб кетди.

— Холида! — деб қичқирди Муқаддас, у боғ дарчасига яқинлашганида атайлаб овози деворнинг нариги томонига эшитилсин учун. — Анув нарсам қатта-а-а?

— Нима? — узоқдан чинқириб сўради Холида, бироқ «нима»лигини Муқаддаснинг ўзи ҳам билмасди.

— Ҳа, топдим! — дея қичқирди у ҳеч нарсани қидирмай ва ҳеч нарсани топмай. — Кетавер!

Муқаддас тиззасига китобини қўйиб варақлай бошлади, аммо бутун эътибори Улмасларнинг ҳовлисида, шитир этган товуш эшитилмай қолмайди. Аслида ҳовлининг саҳни юқорида, пастдаги жўхоризор ҳовлининг этаги. Дарвозаси нариги кўчага чиқади, маҳалла гузари ҳам ўша ёқда, девор қўшни бўлишларига қарамай, иккала оила унча алоқа қилишмайди, Муқаддас эшитган: ҳатто Муродхўжа ака Садр ака билан айтишиб қолган экан, қаъда-маъракаларга айтишмайди. Улмаснинг отаси трамвай ҳайдар эди, урушнинг бошидаёқ аскарликка чақирилган, аввали ундан хат келиб турди, ярим йилдан кейин таққа тўхтаб қолди. Қорахат келмаган, уйдагилар нимага йўйишни билишмайди, таҳликада. Улмаснинг онаси уйда ўтиради, дўппи тикади. Қизлари ҳам онасига қарашадиган бўлиб қолган. Бири игна тортади, пилтакач уради, битган дўппини тахтакачга бостиради, яна бири ипак қайнатади, қуритади, хуллас намози асрда бошланган дўппи эртасига тайёр бўлади, пешиндан онаси пилтакачдан энди чиққан дўппини қўлтиққа урадида, паранжига ўралиб бозорга ошиқади. Агар уйда чайнайдиغان нарса бўлса, вақтни аяб, икки-уч кун бозорга қатнамайди, бу орада уч-тўртта дўппи тўпланиб қолади, онаси ҳаммасини олиб тушиб, мўмайгина пулга эга бўлади. Дарҳол нон, мош, ўлдирилган симоб, керосин, пилик ва энг муҳими, ипак билан арзон-гаров мато харид қилиб чиқади, қимматини олмайди, номига латта бўлса бас, ипак тагида қолиб кетади, фақат астар учун пухтароғини танлаши керак, акс ҳолда пилтакач ситиб юборади. Улмас асосан уй юмушларига қарайди — ер чопади, экин экади, сув қўяди, эчкига ўт юлади, ўтин ёради, кузда сингилларини ишга солиб, ўзи томсувоқ қилади. «Яхшиям сени туққан эканман, — дейди онаси лой қораётган ўғлига совуқ чой узатиб, — бу оғир ишларни ким қиларди сен бўлмаганигда? Ишқилиб худо кўп кўрмасин, урушдан асрасин, катта бўлиб қолдинг, болагинам...» Улмас тузук, фаросатли бола чиқди, ўқиши ҳам аъло, қўлидан китоб тушмайди, ҳатто лой теганида ҳам ўқигани-ўқиган, аввал «Пионерлар саройи»даги аллақандай тўғаракка қатнар эди, кейин Олой бозори орқасидаги обсерваторияга борадиган бўлиб қолди. Юлдузларни томоша қилармиш. Майли, қизиқаркан, бора-версин боласи. Нон-сув талаб қилмаса. Трамвай харажатидан қочиб, пиёда қатнармиш. Бўйи ҳам ўсиб қолди, отасининг кийимларини кийяпти. Бир оз кенгроқ, аммо бу пайтда ким бунга қарайди, кийим бўлса бас-да. Ўзи хипчароқ кўринса ҳам, эти пухта, кўкрак-қўллари мисдек...

Айвончага тўп этиб кесак тушди, Муқаддас чўчиб кетди ва аини бир пайтда юраги ниманидир сезиб, кўзини ялт очди. Майкачан Улмас пахсага тирсақларини тираб, кулиб турар, нариги томондан нарвоннинг шотиси кўринарди. Муқаддаснинг юраги узалиб дук-дук ура бошлади, юзига ранг югурди, ўнғай ўтириб олди.

— Чўчитиб юбордингиз, — деди нозли ғараз билан.

Улмас қизариб кетди, аммо юзи офтобда пишгани учун Муқаддас буни сезмади.

— Анча кутдим, — деди узр ўрнида. — Қимир этмадингиз. Кесак отишга тўғри

келди.

— Юзимга тегса, нима бўларди? — ўша кўйда ёзғирган бўлди Муқаддас.

— Ғурра бўларди, — деди Улмас ҳазилга олиб.

— Ғурра бўлса, уйдагиларга нима деб баҳона қилардим?

— Тутдан йиқилиб тушдим, дердингиз, — деди Улмас бир неча кун бурун бўлган воқеани эслаб.

— Ҳо! — қолишмади Муқаддас ҳам. — Тутдан йиқилса, ғурра эмас, одам майиб бўлади.

— Майиб бўлманг, — деди Улмас бир оз сукут қилиб.

Муқаддас индамади.

— Яхшиям ўшанда сиз боракансиз, бўлмаса ётардим ербағир бўлиб.

— Қалайсиз, тузалиб кетдингизми энди?

— Қўл-оёғим омон экан, силатдим, ҳозир чопқиллаб юрибман, сўрамадингизми акамдан?

— Ботина олмадим, — деди Улмас ўнғайсизланиб.

— Ботина олмадим? — қайтариб сўради Муқаддас. — Қўрқоқмисиз шунақа?

Улмас жавоб излаб, жимиб қолди.

— Сизни кўрсам — шунақа.

Муқаддаснинг юзи ловуллаб, томоғи қуруқшаб, кўзи тиниб, боши айлангандек бўлди. Бу — роз, изҳор эди. Қиз тушмагур эсанкираб, тили қарахлангандек эпақага келмай қолди, бадани нималарнингдир интиқида қизиб, жимирлай бошлади.

— Яхши кўраркансиз, уйимда шотут бўлганида, териб чиқардим, — аранг Улмаснинг ҳам тили қалимага келиб гапирди.

— Ана-ку тут, — ўзини гўлликка солиб сўз қотди Муқаддас. — Рўпарангизда. Қўл чўзсангиз етади.

— Ҳа-я, — деди Улмас ижозат теккандан бир оз жонланиб ва деворга чиқиб, тут шохларини қайирди, эзиб юбормаслик учун авайлаб ғудда қорамтир меваларини теришга киришди, ниҳоят шотут билан тўлган дўпписини жиягидан қимчиб, ерга сакради, яланг оёқлари билан сассиз одимлаб айвоннинг ёғоч панжараси олдига келди.

Нариги томондан эмаклаб Муқаддас ҳам панжара томон яқинлашди. Енги шимарилган хиёл тукли қўллари, силлиқ атлас лозимининг остидан кўриниб турган болдири оппоқ эди. У куни Улмас қизнинг бирор жойи шикастланмаганмикин, деб оёқ-қўлини пайпаслаб кўрганида, юраги алланечук ларзага келган эди. Ҳозир Муқаддас мункайиб тургани учун кўйлаги ҳалқоб бўлиб, ёқаси орасидан кўкрагининг бир қисми кўзга кўриниб турарди. Улмас у куни ҳам кўрувди, ҳозир яна беихтиёр кўзи тушиб, кўнгли ғалати бўлиб кетди.

— Мана, — дея Улмас шотут тўла дўпписини панжара орасидан ўтказиб, қизнинг олдига қўйди.

Муқаддас икки бармоғи билан шотут бандидан чимдиб, биттасини оғзига олиб борди.

— Омонлиқ-сомонлиқ, — деди у одатга кўра айтиладиган иборани эслаб. — Бу йил биринчи марта оғзим тегиши. — Мевани оғзига солиб, тили билан танглайига босди. — Маза. Шира кирипти. Олинг ўзингиз ҳам, танқис нарса, қон бўлармиш.

Улмас бу соддадил, аммо нақадар соҳибжамол қизга ҳавас билан тикиларкан, ўзини анчайин йироқ, ношуд ҳис қиларди. Бояги «сизни кўрсам» деган сўзларини қанақа журъат билан айтиб юборганига ҳозир ҳайрон, ўзи ишонмас эди. Бироқ қиз тумтайиб олмади, жеркиб бермади, аксинча, негадир гарангсиб қолди. Демак...

— Маъсуд қаёқда? — ноқулай сукутни бузиб сўради Улмас.

— Ухлаяпти, — деди Муқаддас андак киноя билан. — Чарчаб қопти шўрлик. Қувватсиз-да бечора, эркатой.

— Маъсуд яхши бола, — деди Улмас, негадир дўстини ҳимоя қилиб. Муқаддас Улмаснинг гапи самимий эканига шубҳа қилмади. Ҳақиқатан, Маъсуд оқкўнги, саҳий бола, маккорлик нималигини билмайди, бировга кўнги қўйса, қулига айланади-қолади. Ҳар куни портфелига нон, қанд солиб кетади, синфдошларига улашади.

— Гўлроқ эмасми? — синовчан сўради Муқаддас. — Доим паришон. Қўйган нарсасини нуқул топа олмай юради. Мен топиб бераман.

— Маъсуд яхши бола, — дея Улмас бошқа сифат эслай олмай, бояги сўзини такрорлади. Кейин кўшиб қўйди. — Яхши ўртоқ. Ичида кири йўқ. Зеҳни ҳам ўткир.

Акаси ҳақидаги бундай баҳо Муқаддаснинг кўнглини ёритди. Улмасдек аъло ўқийдиган, зукко, мактабнинг илғор талабасининг оғзидан бунчалик сўзлар чиқиши чакана эмас эди, албатта.

— Нега ўзингиз емайсиз? — деди Муқаддас тут шарбатидан тамшаниб. Оғзининг ичи қип-қизил эди. — Менам емайман бўлмаса.

— Ейман-ейман, — деди Улмас ошиқиб ва оғзига тут донасидан ташлади. — Етилишига бир оз боракан, бандидан сезувдим.

— Сал нордонлигиям тузук, кўнгилини очади, — дея Муқаддас чўкка тушиб ўтириб олди. Лозимини туртиб турган тиззалари тўпдек юмалоқ эди. — Майкангиз доғ бўлибди. Ойингиздан балога қолдингиз энди. Нима деб ваз кўрсатасиз?

— Нима ваз кўрсатардим? — деди Улмас, бепарво кўринишга уриниб. — Маъсуд билан тут евдик, доғ бўлди, дейман.

— Ёлғон айтасизми? — синовчан сўради Муқаддас. Улмас талмовсираб қолди. — Алдайсизми?

— Нега алдар эканман? — ўзини гўлликка солиб деди Улмас.

— Маъсуд ухлаб ётипти-ку.

— Савоб-ёлғон, — деди Улмас бир оз ўнғайсизланиб, — ё айтайми сиз билан тутхўрлик қилганимни.

— Йўқ, зинҳор — деди Муқаддас ўйланиб. — Ойингиз мени ёмон қизакан дейди, гаши келади, қизғанади.

— Сиздан қизғаниб бўладими? — деди Улмас сирли оҳангда.

Муқаддас гапнинг маъносини сезди, ўз шаънига айтилган баҳодан роҳатланди.

— Қўлларингиз ҳам доғ бўлипти, — деди у гапни чалғитиш ниятида. — Қассобнинг қўлидек... Энди кетмайди. Яшириб юрасиз.

— Майли, кетмасин, — деди Улмас яна тағдор қилиб. — Эртага яна териб бераман. Кўйлак кийиб келаман.

— Уям доғ бўлади, ойингиздан балога қоласиз!

— Майли, атайлаб кийиб келаман.

Муқаддас талмовсираб қолди.

— Ечинг, майкангизни ювиб бераман, — деди Муқаддас ўнғайсизликдан қутулиш мақсадида.

— Йўғ-э! — Улмас ҳатто бир қадам тисарилди. — Бу майкани энди ҳеч қачон ювдирмайман. Портфелимга яшириб қўяман. Эсдалиқ учун.

— Нимадан эсдалиқ?

— Тушунмаяпсизми? — маънодор сўради Улмас, бир оз сукут сақлаб.

— Боринг, Улмас ака, — самимий деди Муқаддас. — Сизни қидириб, бу ёққа тушишса...

Муродхўжа ака ўзига тўкис, қўли ҳар нарсага етадиган одам. Амалдорлар орасида керакли кишилари бор, кўпинча «текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди» маталини айтади, шунинг учун «керакли кишилар» доим Муродхўжа ака илтимосини ерда қолдиришмайди, мўмайгина «садақа»га эга бўлишади. Муродхўжа ака бирини уларга оширса, иккисини бу ёқдан уради. Тегирмон билан бозор шунчаки ниқоб, «хўжакўрсинга», аслида эса махфий артели бор, тўғрироғи иккита цехи бўлиб, бирида калиш, иккинчисида совун ишлаб чиқарилади, расмас жижатдан — фронт учун бинт тайёрлаб берувчи муассаса. Муродхўжа ака шу муассасанинг мудирини, маошнинг шу ердан олади. Муродхўжа қайси бир зиёфатда Штокман деган — немисми, яҳудийми? — уруш муносабати билан эвакуация қилинган бир киши билан танишиб қолди. Штокман бир неча таклифлар ташлади. Муродхўжа ака иккитасини маъқул кўрди — совун билан калишни. Муассасани кенгайтириш ваки билан корхонаси остидаги карама-картошка сақланадиган подвални Муродхўжа ака «керакли кишилар» воситасида бўшаттириб олди, Штокман аллақайси шаҳардан поездга юклаб машиналар келтирди, Муродхўжа ака сармоясига одамлар ёллаб, уларни ўрнатди, икки ҳафта деганда «муассаса» маҳсулот чиқаришга тушди, Муродхўжа аканинг ҳамёни эса кун сайин қаппая бошлади.

Кўпларга офат, уқубат, ажал келтирган уруш Муродхўжа акага бойлик тўкди, муайян давраларда унинг обрўйи янада ошди, уни олий даражадаги зиёфатларга таклиф қиладиган бўлиб қолишди. Шундай зиёфатларнинг бирида Муродхўжа ака республика ҳарбий комиссариатининг масъул раҳбарларидан бири билан танишиб қолди; қадрдонлашиб кетишди, Чирчиқ, Чиноз зоналаридаги ҳарбий кўриққа овга чиқшади, маишат қилишади, аёллар ҳам аралашиб туради. Энг муҳими — Муродхўжа аканинг айтгани айтган, дегани-деган. Хоҳлаган одамини урушдан олиб қолади, хоҳламаганини жўнаттириб юборади...

Эрталаб Муродхўжа ака аллакимга муассасаси ҳарбий аҳамиятга эга эканини уқдириб турувди, ҳовлисида хизмат қилиб юрадиган Шотурсун ғилай ҳаллослаб келиб қолди, Муродхўжа аканинг авзойи бузилиб, кўзлари бежолашди, сўнг фойтунга ўтириб, жўнаб қолди. Уйига не ҳолатда етиб келгач, кўзлари ёшдан қизарган хотини Гулсум опа хонасидан чиқди, эшикни қия ёпди.

— Нима гап? — даҳлизда туриб сўради Муродхўжа ака. У терлаб кетган, вазоҳатида саросима бор эди. Бироқ одатига кўра у ваҳимасини босиб, хўмрайган тарзда яна сўради: — Нима бўлди?

— Қизингиздан айрилиб қолишимизга сал қолди, — дея Гулсум опа яна кўзига ёш олди, рўмол учини юзига босди.

— Сабаб?

— Айтмаяпти, — деди Гулсум опа пиқиллаб.

— Нима бўлди ўзи? — бир оз тутоқиб ўшқирди Муродхўжа ака. — Томдан йиқилдим? Заҳар ичдимми?

— Айвончада ўзини осаятган экан, Холида кўриб қопти...

— Осаятган экан? — ваҳимада қайтариб сўради Муродхўжа ака. — Соғми?!

— Бир зум ҳаялласак, ажралиб қолардик, — дея яна йиғлади Гулсум опа.

— Ахир сабаби бордир-ку!

— Айтмаяпти, дедим-ку, — зорланди Гулсум опа ва бир оз сукутдан кейин: — Ҳалироқ... Сал тинчиб олайлик... ётиги билан сўрайман... — деди.

— Уф-ф, — тўлғанди Муродхўжа ака, бир-икки қадам у ёқдан-бу ёққа юрди ва хотинининг олдида ўйчан тўхтаб, кўзларига қаради. — Бекордан-бекорга одам ўзини осмайди, сабаби бўлиши керак... Мактабида бирон кор-ҳол рўй бердимикан?

— Имтиҳонларини яхши топширди-ку, — деди Гулсум опа мактабдан кўнгли тўқдек. — Ўзиям охириги пайтда ғалати бўлиб юрувди...

— Қанақа «ғалати»? — сўради Муродхўжа ака. Хотини гумонини қандай таърифлашни била олмай, елка қисди.

Айни бир пайтда Муқаддас ичкарида юзини деворга ўгириб, ғужанак бўлиб ётар, юм-юм йиғларди. «Холида тушмагур, — алам ичида ўйларди у, — бирпасгина нарироқда юрганида, улгурардим. Энди уйдагиларга қай юз билан қарайман? Ахир ҳаммасини айтишга мажбур бўламан-ку. Қандай иснод! Қандай шармандалик! Адам билса, эсидан оғиб қолади... бутимни йириб ташлайди. Шундай обрўли одамнинг қизи шунақа экан, деган гап тарқалса, қандай бош кўтариб юради? Мен ўлай, ўзимни тия олмадим, ожизлик қилдим, иродам етмади...»

Муқаддас дарахтдан йиқилиб, ўзини Улмаснинг қучоғида кўрганида, айниқса «шотут» воқеасидан кейин буткул тинчини йўқотиб қўйди, хаёлидан Улмас кетмайдиган бўлиб қолди. Боғ этаги қизни чорлар, ром қилар, ҳаловат бермас эди. Муқаддас балоғат ёшига кирган қиз, эҳтирос чангалидан қутула билмади, ақли-хаёли қоронғилашиб, ишқ

оғушига чўмди, Улмас жўшқин лабларини қизнинг кўксига босар, томоқларини ялар, ҳароратли алаҳсираб, «севаман, сенсиз ўламан, мени чопсанг ҳам, нимталасанг ҳам розиман!» деб кучар, бағрига босар, кўкрагини эзғиларди. Идроки қанчалик исён қилмасин, эҳтирос ўтига қиз чап бера олмас, лаззатнинг алғов-далғов қилиб юборувчи ширин азобидан отилиб чиқиб кета билмас, аксинча, чорасиз, кишини телбаларча эсанкиратиб қўядиган бўрон наърасида хас бўлиб учишни кўнгли тилар эди. Бу сирли ўрмонга ким биринчи қадамини қўйган бўлса, билади, яна нарироқ боришни орзу қилади, унинг ҳеч нарсага қиёс қилиб бўлмайдиган жозибасига чулғаниш дардида ёнади. Муқаддас ҳам шу қўйга тушди, лекин ҳомила тугулганини англаб, кўзи ялт очилди, ҳушёр тортиди, қўриқиб кетди. Энди нима бўлади? Ота-онасига нима дейди? Ахир исноддан куйиб адо бўлишади-ку! Нима қилса экан? Қандай чораси бор? Замира холага очилсинми? Кўпни кўрган аёл, бирон йўлини кўрсатар... Йўқ, оғзидан гуллаб қўйса, иш чатоқ бўлади. Муқаддас бир неча марта айвончадан, кейин девордан сакради, ўзгариш рўй бермади. Улмасга айтиб кўрсинми? Одам чиқартирармикин? Йўқ, зудлик билан амалга оширилган тадбир шубҳа қўзғайди, онаси, енгилоеқ, номуссиз экан, бўғоз қизни келин қиламанми, деб, Муродхўжа аканинг бузуқ қизини Садрнинг ўлига никоҳлаб беришпти, деган мишмишдан чўчиб чекинади, рози бўлмайди. Рози бўлганида ҳам Муқаддас бир умр қайнона-ю қайнисингилларнинг итқараши, таънаси остида ўтиб ҳаёт кечирishi керакми? Зинҳор. Нима чора кўрса, ҳамма нарса ўз ўрнида ёпиқлигича қолади?..

7

— Шўримиз қуриб қолди-ку, адаси, — деди пойгак томонда Гулсум опа, эридан мадад истаб. — Энди нима бўлади? — Муродхўжа аканинг вужуди даҳшатдан титрар эди. — Чиқиб ўша савилнинг адабини берамиз, бурнини ерга ишқаб уйланишга мажбур қиламиз, десам, қизингиз жувонмарг унамаяпти.

— Адабини берамиз, бошқа йўл билан, — деди Муродхўжа ака ғазабини босиб, аммо қатъий. — У итлик қилсин-у, биз бориб ялинайликми? — Муродхўжа ака бир дақиқа тин олди. — Майли, бўлар иш бўпти, кўп қақшайверма, жиғибийрон бўлишдан фойда йўқ. Қизингга эҳтиёт бўл, яна қайтадан номаъқулчилик қилиб қўймасин. Олдида ҳадеб куйинаверма, алда, юпат, ҳечқиси йўқ, чораси йўқ нарса бўлмайди, де.

Муродхўжа аканинг ҳар қандай чалкаш вазиятдан талофатсиз чиқиб кета олиш қобилияти борлигини Гулсум опа яхши биларди, ҳозир унинг вазмин тарзда айтган гаплари дилига анчайин умид солди.

— Нима чора кўрмоқчисиз? — деди барибир гумонсираб, чунки эри жоҳил одам, аччиқ устида қизини бир бало қилиб қўйишдан ҳам тоймайди.

— Ишинг бўлмасин, — деди Муродхўжа ака қисқа қилиб.

— Мен онасиман, — дея ёзғирган бўлди Гулсум опа. — Режангизни билмасам бўладими?

— Бўлади! — деди эри қатъий. — Оналикни ҳам дўндириб қўйдинг, болангни бировнинг ихтиёрига топшириб қўйиб. Яхши онанинг фарзанди шунақа беҳаёлик қилмайди. Энди бу ёғини ўзим ҳал қиламан. Тамом. Тур, чиқ, қизингдан бохабар бўл. Қўлингдан келадими, ё пойлоқчи қўямий?

— Нега унақа дейсиз, адаси? — дили баттар оғриб деди Гулсум опа. — Мен шунақа қил, деб ўргатиб қўйипманми?

— Ўргатишинг қолувди, — зарда билан кесатди Муродхўжа ака. — Бўпти, бор. Мен хизматга учраб келаман. Қизинг остона ҳатлаб кўчага чиқмасин, ўртоқлариниям қўйма. Боққа чиқарма, анаву ҳайвон билан кўришмасин, сир очилмасин.

Муродхўжа ака йўл-йўлакай ҳарбий комиссариатга кириб ўтди, фойтунда кетар экан, чамалай бошлади: қўл остида дуруст йигитлар ишлайди, Муродхўжа акага куёв бўлиш — осмондан тўкилган инъом, бахт, биронтаси шак келтирмайди, бир умр миннатдор бўлади, қизини кафтида кўтаради. Аммо Муқаддас энди қиз эмас, қорнида бир ярим ойлик нарсаси бор, агар Муродхўжа ака танлашда янглишса, охири вой бўлади — куёв инжиқроқ чиқса, ҳеч нарсага қарамайди, этагини қоқиб уйдан чиқиб кетади, шунча азоблар билан қурган хонадоннинг обрўйини чил-чил қилади, Муродхўжа ака шармисор бўлиб, бош кўтаролмай юради. Керакли алоқаларига ҳам путур етади. Демак, унча оқ-қоранинг фарқига бормайдиган гўлроқ, сирни ошкор қилмайдиган, гаҳ деса қўлга қўнадиган йигит бўлиши керак. Фирт етими янада яхши, ота-онаси оёқ остида ўралашмайди, висир-висир тарқамайди. Борми қўл остида шунақалар? Муродхўжа аканинг эсига Ҳошим келди. Оёқ-қўли чаққон, яқинда уни Муродхўжа ака мастерликка кўтарган, маошини оширган, андишали, мўмин-қобил бола, ҳусниям чакки эмас. Ювиб-тараб, тузукроқ кийинтириб қўйса, кинна кирадиган йигит бўлади. Ота-онаси йўқ, аллақайси тизлоқдан ризқ ахтариб келган дейишувди. Агар кўнса ичкюёв қилиб олади, тўй харажатлари Муродхўжа акадан сарф бўлади, қарабсизки, ҳемири ишлатмай шундай бахтга эга бўлиб ўтирипти. Қани энди Муродхўжа акага ҳам ўспиринлигида, эзилиб юрганларида биров шунақа мурувват қилган бўлганида? Ҳаммасига ўзи эришди, ўз уқуви, меҳнати, уддабуронлиги ва энг муҳими — муомаласи билан. Ҳошим! Кўнмай қаёққа боради, бу-

нақа омад бандам деганига ато қилади. Яхши бўлса ошини, ёмон бўлса бошини ейди. Оқибатли чиқса, Муродхўжа ака бошқа тузукроқ, даромадлироқ ишга ўтказиб қўяди. Тез кунда фарзандлик бўлади, етти ойлик туғилди, дейилади холос, бунақа нарсалар ҳар қадамда учраб туради... Анову лаънатининг масаласи ҳал бўлди, бугуноқ повестка боради, оёғини ерга теккизмасдан олиб кетишади. Ҳозир фронтга мадад керак, ўша ёқларда йўқ бўлиб кетади. Ишқилиб қизи қорнида борлигини унга айтмаган бўлсин, акс ҳолда хат ёзавериб, тинчлик бермайди. Аттанг, боя ҳарбий комиссариатда, гумдон қилдиш керак, деган гапни илова қилмапти, ичбуруқ бўлиб йўлда ўлиб кетарди. Ҳечқиси йўқ, ҳали фурсат бор, айтади. Шу — яғона чора, агар қизи иноқлик пайтда қорнидагини Улмасга айтиб қўйган бўлса... Дизентерия ёмон нарса, филни қулатади. Кузатиб борган офицерга тайинлаб қўйиш лозим бўлади, йўлда ўзи чорасини кўради. Уйингдан аза товуши чиқмагунча, кўнглим ўрнига тушмайди, дея ёвуз қасддан роҳатланиб ўйлади Муродхўжа ака.

8

Куз бўлгани учун экин-тикин қилган одамлар дон-дунларини эшакка, аравачага, баъзилари орқалаб келишар, тегирмон олди гал қутувчилар билан гавжум эди. Муродхўжа ака Мамат билан фойтунни тепада қолдириб — бу ер тор, бурилиб бўлмас эди — ўзи пастликда жойлашган тегирмон томон тушди, юмушда югуриб юрган болага Одил найновни айтириб, ўзи ҳужрага кирди, кўрпаси олиб ташланган танча курсисига ўтириб кутди, Одил найнов келгач, салом-алиқдан сўнг, Муродхўжа ака ётиғи билан муддаосини тушунтирди.

— Агар Ҳошим рози бўлса, бир ҳафта ичида тўйни ўтказиб юборамиз, — деди пировардида Муродхўжа ака.

— Шунчалик шошилишми? — бир оз таажжубланиб сўради Одил найнов.

— Замонни кўряписиз, уста, — дея Муродхўжа ака гапига либос кийдира кетди. — Ҳаммани шип-шийдон олиб кетяпти. Кўзим очиқлигида неварга кўриб қолай деяпман.

— Бу Ҳошимжон... — деди Одил найнов талмовсираб. — Яхши йигит, албатта, илло... сизга муносибмикин? Ота-онаси йўқ, тагли-туғлимас. Одамларнинг оғзига элак тутиб бўлармиди.

— Етимлиги яхши, думи йўқ, — деди Муродхўжа ака осойишта тарзда. — Ўзим тарбия қилиб оламан. Ҳам ўғлим, ҳам куёвим бўлади. Фаросатли бўлса.

— Фаросати тузук, — деди Одил найнов барибир иккиланиб. У Муродхўжа акадан бундай қалтис ҳаракат кутмаган, хўжайинининг мавқеини баланд қўйиб келарди. — Яқинда мастерликка ўтганидан кейин, бухгалтерияга ҳужжатларини ростмана топшириб келди. Энди военкомат ҳам билади, опкетиб қолиши мумкин.

— Йўриғи топилар, — деди Муродхўжа ака Одил найновнинг иккиланишига учмай. — Сиз яқинроқ биласиз, ўзи қанақа, оёқ ташлаши қалай?

— Хулқини айтасизми?

— Ҳм. Ҳарқалай йигирмага бориб қолган йигит...

— Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлаверсин, — деди энди Одил найнов далда бериб. — Ичмайди, чекмайди, ювош йигит. Бўлмаса бу ерларда ким кўп, банги кўп. Бузилиб кетиш ҳеч гап эмас.

— Маъқул, — деди Муродхўжа ака сиполик билан.

— Емиши ўша тегирмонидан, ун текин, нонсиз қолмайди, топганига кийим-кечак олади, қолса тўплайди. Пухта бола. — Муродхўжа ака бош қимирлатиб, мамнунлигини билдирди. — Агар зотидан ийманмасангиз, жонингизга оро қиради.

— Иншооллоҳ, — деди Муродхўжа ака синовчан тикилиб.

— Утайми олдига? Айтимайми?

— Ётиғи билан. Ўзимиз ялинган бўлиб чиқмайлик.

— Ҳа-да, хўжайин, бу ёғи каминангизга ҳавола. Хаширдан қил суғиргандек, ўтақасини ёрмасдан амаллаймиз.

— Жуда соз, — дея омин қилиб, Муродхўжа ака ўрнидан турди.

— Хўжайин, — деди Одил найнов дуога қўшилиб. — Расм-русм, дегандек... Биронга аёл куёв томондан совчи бўлиб борсинми? Ё шундоқ ҳам бўлаверадими?

— Керакмас, — дарҳол деди Муродхўжа ака. — Ортиқча машмаша. Гаплашганингиздан кейин ўзингиз боринг, тўн кийиб келасиз.

— Қуллуқ, хўжайин, — деди Одил найнов, икки кафтини кўксига босиб.

9

Гулсум опанинг гапи билан ҳовлининг ҳамма эшиклари тамбалаб қулф солинган эди, боғ дарчаси шиддат билан тақиллагани эшитилди.

Гулсум опа сарпойчан ҳолда даҳлиз зинасига тушди, безовта аланглади. Унинг юраги нохуш нарсани сезарди: биров келса дарвоза бор, боғ томондан ким келиши мумкин? Нега бунақа шиддат билан тарақлатади? Умуман бундай қўпол тарзда буларнинг

тинчини бузишга кимнинг ҳаққи бор? Дарча яна тарақлади. Гулсум опанинг юрагига ғул-ғула туша бошлади. Тарақлаш товушини эшитиб, ошхонадан Замира хола чиқди, у ҳам таажжубда анграиб қолди, бекага қаради. Гулсум опа, очинг, деган маънода ишора қилди. Замира хола дарчага яқинлашгач, ваҳима билан қулоқ солди. Дарча яна тарақлади.

— Ким у? — чўчинқираб овоз чиқарди Замира хола.

— Хола, бу мен, Улмасман, — деди дарча орқасидан Улмаснинг овози. Гулсум опанинг юраги увишиб кетди — бирон балони бошламасайди. Замира хола имо-ишора билан Гулсум опани чақирди, ўзи бундай жанжалли вазиятга бас кела олмаслигини, умуман бунақанги ишқал нарсаларга аралашмасликни маъқул кўрарди. — Хайрлашгани келдим. Аскарликка жўнаяпман. Бугун кетаман. Маъсудни чақирворинг.

— Маъсудхўжа йўқлар, айланай, — деди Замира хола, икки кўзини Гулсум опадан олмасдан.

— Ким бор, хола?

— Ким керак, айланай?

— Дарчани очинг, хола, еб қўймайман-ку!

— Дарча қулф, айланай, калити опангизда.

— Чақирворинг Гулсум опамларни! — Улмаснинг овози қатъий эди, Замира хола каловлаб қолди.

Замира хола бекасига яна имо-ишора қилди. Гулсум опа кавушини оёғига илиб, пастга тушди, дарча томон кела бошлади.

— Ҳозир, — деди Замира хола яқинлашаётган Гулсум опадан кўзини узмай. — Келяптилар.

— Кенной! — деди Улмаснинг овози, оёқ товушини эшитиб.

— Ҳм, Улмас? — деди Гулсум опа ётиғи билан.

— Кенной, хайрлашгани чиқувдим, — дея бояги гапини қайтара бошлади Улмас. — Фронтга кетяпман. Бугун жўнарканман. Ҳовлимизда мелиса турипти. Рухсат сўраб келдим.

— Вой, Улмас-эй, шунақа бўпқолдими? Аттанг, — деди Гулсум опа муғамбирона ачиниб. — Ҳали ўқишинг тугамаган-ку, укам.

— Ҳозир менинг ёшимдагиларни ҳам олишяпти, кенной, — деди Улмас. — Ҳечқиси йўқ. Бурчимиз. Маъсуд қаёқда?

— Замира холанг айтдилар-ку. Адаси қаёққадир жўнатувди.

— Дарчани очинг, кенной, — деди Улмас бир зум сукут қилгач.

— Калити амакингда, — деди Гулсум опа алдаб. — Узлари ишдалар. — Мелиса келган бўлса, қўйиб юбормайди, деган хаёлда қўшиб қўйди: — Нариеқдан айланиб кела қол-да, Улмас, дарвозанинг калити бор. — Гулсум опа ухлаб ётган қизи чиқиб қолмаслигидан хавотирланиб даҳлиз томон ўқтин-ўқтин қараб кўяр, тезроқ гап тугашига ошиқар эди.

Улмас бир оз жимиб қолди, унинг дилидан ўтаётган изтиробини Гулсум опа бу ерда туриб сезар, фаши келар эди.

— Улгурмайман, кенной, — деди Улмас чуқур афсусда. — Қўйишмайди.

— Омон бўл, Улмас, — деди Гулсум опа гапга хотима ясаб. — Худо фалокатдан асрасин. Соғ-саломат қайтиб кел. Омин.

— Кенной, — аранг деди Улмас, таваккал қилиб. Гулсум опанинг юраги орқасига тортиб кетди. Ҳозир Муқаддасни сўрайди, деб асабийлашди Гулсум опа, яхшиям қизи айтган сирдан беҳабар, бўлмаса ўшани рўқач қилиб, ҳамма нарсани бошига кўтарар эди. Муқаддас ўзини осганини ҳам билмайди. Умуман, ўша машъум воқеани Замира хола билан эри билади, холос. Холида-ку, ўзи кўрган. Ҳатто Маъсуд ҳам билмайди. Замира хола билан Холиданинг оғзини ул-бул тиқиб ёпишган.

— Лаббай, опаси.

— Муқаддасдан китоб олувдим, — деб алдади Улмас ва бу гап ёлғон эканлигига Гулсум опа шубҳа ҳам қилмади, яна нима важ топаркин, дея кутди. — Шунини бериб қўймоқчи эдим, чақирворсангиз...

— Вой, — деди Гулсум опа ясама таажжуб билан. — Ҳали билмайсанми, укам? Муқаддас лагерга кетган-ку. Тўрт кун бўлди.

Улмас Гулсум опанинг гапига ишонмади. Умуман, у охириги пайтда нималар бўлаётганини англай олмай боши қотган. Бир ҳафтадан ошди, Муқаддас ҳеч нарса демай-нетмай алоқани чўрт кесди-қўйди. Бирон ножўя ҳаракат қилиб қўйдимикин Улмас? Муқаддас кескин ўзгарди? Эки уйдагилари сезиб қолганмикин? Шундай бўлса, нега онаси сиполик билан сўзлашяпти, зарда қилмаяпти, қувмаяпти?

— Маъсудхўжа айтмадими? — деди Гулсум опа. — Хумсонда.

— Йўқ, кенной, айтмади, — деди Улмас Гулсум опанинг гапига ишонган бўлиб.

— Извошда элтиб қўйишди, — деди Гулсум опа ёлғонини ривожлантириш билан Улмасни иқрор қилишга ва айни пайтда йигитнинг дилидаги умид учқунларини ўчириш мақсадида. — Бир-икки кундан кейин бориб хабар олиб келамиз, нима деб қўяйлик?

— Мен уни яхши кўраман! — журъат билан, қатъий деди Улмас. — Шунни айтиб қўйинг, кеннойи.

— Уялмайсанми шунақа дегани?! — Ясама зарда билан деди Гулсум опа. Аммо юрагининг бир бурчи унга ачинар, ихтиёр ўзида бўлганида, бошқача гаплар айтиб, йигитнинг кўнглини кўтаришга тайёр эди. Начора? Ҳаётнинг изми шунақа. Агар ножўялик қилмай, ими-жимида, расм-русми билан онасини чиқариб сўратса, балки муносабатлар мутлақо ўзгача бўлармиди? Бинобарин қизининг ҳам кўнгли бор экан. «Ўзингдан кўр, аҳмоқ, ҳамма нарсани ўзинг буздинг, энди нимадан умид қилсан? Ақасининг ўртоғисан-а! Бегонамас, ёнқўшисан! Сендан келган каромат шуми?!» Уйлади Гулсум опа «сендан келган каромат» бўрасига аввалки, яъни қизининг номуси маъносини ҳам қўшди, шу гап ўзига туртки бўлди чоғи, алампидан куйиниб, вайсай кетди: — Ноинсоф одам экан, ориятсиз! Ўғлимга дўст бўлиб уйимга кириб, душманнинг ишини қилиб юрган экансан-да, имонсиз?! Кўнглингда бошқа ният бор экан-да, йигит ўлгур! — Гулсум опа ўзини ушлаб олмай, йиғлаб ёборди.

— Яхши кўраманми кеннойи? — деди Улмас, йиғи товушидан мулзамланиб. — Ёмон кўрсам, маъқул бўлармиди?

— Ҳа! Маъқул бўларди! — йиғи аралаш ўшқирди Гулсум опа. — Муқаддас ҳали ёш эди! Нима қиласан унга ёмонназар билан қараб? Дилини бузиб?

— Нега ёмон назар бўларкан?

— Бўлди! Бас! Бошқа чидаёлмайман, мени имондан чиқарма! Кет ҳозир, жўна, мелиса кутиб қолди.

— Майли, кеннойи, хайр, — деди Улмас мунгли товушда. — Мендан ўтган бўлса, кечиринг. Аммо...

— Аммо-паммоси йўқ! Вассалом! — деб Гулсум опа Улмаснинг гапини бўлди. Йигит таҳликада кетди. Гулсум опа изтиробда эди. «Шўрлик бола, — деб ўйлади у, — урушга кетяпти-ю, мен дилини абгор қиялман, бечоранинг бошида қандай самидолар борикин? Пешонасига нималар битганикин? Соғ қолармикин, ё ажал кутаяптимикин?» — Бор энди, худо бошингни тошдан қилсин, бало кўрма, ногоҳ ўлимдан асрасин.

— Раҳмат, кеннойи, — деди Улмас дили зирқираб.

— Битта илтимос, Улмас, — дея бурнини чимдиб артди Гулсум опа. Улмас умидвор сукут сақлади. — Хат-пат ёзиб юрма, кўнглини бузма қиз бечорани. Бўптими? Ваъда бера оласанми? Айт.

Улмас узоқ тин олди.

— Хайр, — деди у эшитилар-эшитилмас ва орқасига қайрилиб кетди. Ҳовлисида фарёдли йиғи товуши эшитилар, Улмаснинг дилини баттар эзар эди.

Айвонча олдига етиб, тўхтади, секин зинага ўтирди. Кўзлари жиққа ёшга тўлди, ҳалқумига бир нарса қадалди, хўрлиги келди... Ҳовлидаги йиғи уввоси орасидан ўқдек отилиб, милиция ҳуштаги чуриллади. Улмас ўрнидан кўзга юзиб, ариқ лабига борди, тагида қизил илдизлар кўриниб турган кузнинг тиниқ сувига юзини чайди...

## 10

— Ада, — деди шаҳардан жила ҳаприқиб келган Маъсуд отасининг хонасидаги дераза тоқчасига омонат ўтириб. — Мен бир номаъқул иш қилиб қўйдим, хафа бўлмай-сиз.

Муродхўжа ака хунук хабарни тусмол қилиб, юраги орқасига тортиб кетди. Нима номаъқул иш қилиб қўйган бўлиши мумкин? Битириш олдида мактаб муаллимлари билан айтишиб қолдимикин? Ўзи бетгачопар, бундан чиқиши мумкин шунақа хунар. Ҳечқиси йўқ, мактаб муаллимлари гап эканми? Ўзлари келиб узр сўрашади. Ёки биронта манжа-лақига илашиб, қорнига бола солиб қўйдимикин? Бу хунар ҳам бундан чиқиши мумкин, юрар-турарини билмайди, санамай саккиз дейди. Ҳозирда ким кўп, ўғлини тузоққа тушириб олиш пайида юрганлар кўп.

— Ада, — деди Маъсуд отасининг хаёлини бўлиб. Муродхўжа ака кўнглидаги ғулғули сездирмай ташқи хотиржамлик билан ўғлига қаради. — Мактабни бирга битираётган тўртта ўртоғим фронтга жўнапти. Улмасгаям повестка кепти. Боя кўрдим, милиция ходими эргаштириб кетди.

— Юрт бошига тушган кўргилик, ўғлим, — деди Муродхўжа ака гап нималигини пайқай бошлаб. — Нима кепти? — Муродхўжа ака дўсти Улмасни кутқариб қолишни сўрайди, деган хулосага келди ва айтадиган жавобларини ўйлай бошлади. Муқаддас хусусидаги кўнглисиз воқеа сингари бунинг оқибатида Улмаснинг урушга қақирлишида отасининг қўли борлигини ҳам Маъсуд билмас эди. — Фронтга жўнашган бўлса, бу — бурч, ўғлим. Шулар Ватанни ҳимоя қилмаса, ким қилади?

Маъсуд отасининг тилидан ҳеч маҳал бунақа иборалар эшитмаган эди, руҳланиб кетди.

— Менам повестка олиб келдим, — деди отасини беҳад хурсанд қилиш ниятида. — Мактабда кўнгиллилар отряди тузилди. Менам ёзилдим.



— Ёшинг тўлгани йўқ, ўғлим, сени олишмайди, — деди Муродхўжа ака сиполик билан. — Нима қиласан ошиқиб, вақт-соати билан сенинг ҳам галинг келар.

— Ўлмаснинг ҳам ҳали ёши тўлган эмас, олишди-ку.

— Униси менга қоронғу, — деди Муродхўжа ака гапдан қочиб: Ўлмас ҳибс билан жўнатилганини ўғли билса, жанжал бўлади.

— Менга ҳам ёшинг тўлгани йўқ, дейишмади. Қайтага мақташди. Мендақалар кўп ёзилди. Ҳаммалари ёш.

— Сендақа калласини ўққа тутиб берадиганлар ўзи отилиб чиқади-ю, мақтамай-дими? — деди Муродхўжа ака ичда ижирғаниб.

«Ўх, каллаварам-эй! — изтиробда ўйлади Муродхўжа ака. — Ўх, галварс-эй! Ўзи ёзилиб келипти-я! Ҳамма қирилиб кетаётган бир пайтда-я! Жони ўзига шунчалик арзимас нарсами ҳали?! Шунчалик экан, лоақал отаси билан онасини ўйласа бўлмай-дими? Одам шунчалик худбин, қалби тош бўладими? Урушга борса, тўппонча билан урра деб олдинга чопишдан ҳам, ўзини ўққа тутиб беришдан ҳам тоймайди бу хумпарлар!»

— Шунча ўртоқларим урушда бўлса-ю, мен бу ёқда қанақа қилиб бош кўтариб юрман? — деди Маъсуд зорланиб.

Қизи Муқаддас бетамиз ишни қилди, ўғли — ягона ўғли Маъсуд мунақа қилиқ чиқариб турипти, демак бу — оиланинг емирилиши, ҳалокати. Муродхўжа ака неча йиллар шу умидда жонини жабборга бериб келдими? Бир бурда нон топса, шуларга бўлсин, деб тишида ташиган, ўзини аямаган, нимагаки эришган бўлса, ҳаммасини жон талвасасида, кечани кеча, кундузни кундуз демай, барча хўрликларга бардош бериб, пахта заводининг ташувчилигидан тортиб то шу мансабгача ҳаловат нималигини билмай энди рўшноликка чиққанида, энди кўкрагига офтоб текканида, энди қорни бир бурда нонга тўйганида — шунақа бўладими? Ахир булар бегона эмас-ку, ўз пуштикамаридан бунёдга келган фарзандлари ҳам шунақа кўрнамаклик қиладими?.. Устига-устак Ўлмас билан бирга бўлармиш. Унга кўшиб бўладими? Ўлмас лаънати ҳамма сирларни ошкор қилиб ташлайди... Ҳали Муродхўжа аканинг бошида қанча ташвишлар бор! Ўх-ҳў! Муқаддасни бир ёқлик қилиши керак. Анаву Ҳошимжондан қандай хабар келаркин? Мўмин-қобил йигит, дейишади, кўрамыз. Лекин зоти паст-да, зоти паст. Келгинди. Зоти-насли бетайин бир дарбадарни уйига олиб кирса, одамлар нима дейди? Албатта, қизи бунчалик номаъқулчилик қилмаганида, таг-туғли жойдан одам чиқарди, қанақа одамлар қариндош тутишига орзуманда бўлиб юрипти! Аммо пешонада ёзгани шу экан, начора. Албатта, Ўлмаснинг ўзига берса ҳам бўларди, у лаънати қизини яхши кўраркан, Муродхўжа аканинг этагини ўпарди, Муродхўжа ака аскарликдан ҳам олиб қолган бўларди, лекин отаси Садр-трамбой билан айтишиб қолган, ўша сундра-пайпоққа қуда бўладими?! Унинг устига ўғли Маъсуднинг дўсти бўлатуриб хиёнат қилди, на қизинг номусини ўйлади, на отасининг обрўсини. Буни унутиб бўладими? Кўзига бало бўлиб кўринади. Тагин Маъсуд ўша билан урушга кетмоқчи. Кетиб бўпти! Отасининг қўлида шундай воситалар борки, унга бас келганнинг жони мингта! Анову юзинг куйгур, ноинсоф ит урушда гумдон бўлади, ўлиги қаерларда қолиб кетмайди... Лаънати ялангоёқ! Бошинга шунақа маломатлар тушсинки, дунёга келганинга минг пушаймон бўлиб ўл! Ўз чарвоғида, гард юқса пуфлаб, ҳатто куёшдан ҳам қизғанадиган ойдек қизининг бошига шу кунларни солди-я бетамиз ҳайвон!..

— Майли, ўғлим, — деди Муродхўжа ака ва ўғлининг гапига рози бўлишга мажбурдек чуқур хўрсинди. — Комсомолсан. Бурчинг. Билганингни қил.. Фақат битта илтимос...

— Хўш, ада? — умидвор тикилиб сўради Маъсуд.

— Онангни ўзинг кўндир, — деди Муродхўжа ака ўзини ўта мушкул аҳволга тушган кўрсатиб. — Менинг қўлимдан келмайди. Талайди, ҳовлини бошига кўтаради.

— Майли, ада, — деди Маъсуд дарров рози бўлиб. — Ҳозирча айтмай туринг. Мен айтсам, жанжал чўзилиб кетади. Вокзалга шошилиб турипман. Ўртоқларимни кузатишим керак. Қайтиб келиб, опамга айтаман. Майлими, ада?

— Ихтиёринг, ўғлим.

— Раҳмат, ада, — юракдан самимий деди Маъсуд отасининг шу қадар олижаноб одамлигига биринчи бор таҳсин айтиб ва ўз ҳолатини кўрсатмаслик учун отилиб хонадан чиқиб кетди.

Маъсуднинг оёқ товушлари тиниши биланоқ Муродхўжа ака дарров ўрнидан турди, отлана бошлади. У зудлик билан ҳарбий комиссариатга бориб, ўғлининг фронтга кетиши масаласини бекор қилдириб келиши зарур. Ҳализамон Одил найнов ҳам келиб қолади, улгуриши керак...

Шу кунги номози аср билан шом орасида Одил найнов кириб келди.

Муродхўжа ака ҳовлидаги гулзор орасига қўйилган сўрида оқ ёстиққа ёнбошлаб ўтирар, хонтахта устида чўт бор эди. Одил найновни кўриб, қаддини ростлади, елкасидаги тўнини тўғрилади.

— Келинг, Одил ака, — деди Муродхўжа ака ўрнидан қўзғалмай. Одил найнов калишини пастга ечиб, сўрига чиқди, мулозамат билан хонтахта нарисига чўккалади, қўл

очди, фотиҳа қилишди. — Юқорироқ чиқинг, — деди Муродхўжа ака номига бўлса ҳам тақаллуф билан. — Ҳар нарса қилганда ҳам вакилсиз.

Улар кулишди.

— Элчига ўлим йўқ, тақсир, муборак бўлсин куёв.

— Қуллук, — дея Муродхўжа ака меҳмонга чой узатди. — Қалай, шўрликнинг ўта-касини ёриб юбормадингизми?

— Унамади, хўжайин, — деди Одил найнов чой хўплаб.

Муродхўжа ака таажжубланди, аммо сир бой бермай, жилмайди.

— Муборак қилдингиз-ку.

— Нима, десамикин? — Одил найнов бошини қашиди. — Аслида рози, аммо-лекин ҳеч кўнмайди. Муродхўжа акага куёв бўлиш менга йўл бўлсин, қувиб солади, дейди бечора. Узим ўртага тушаман, дедим; қизлик эшик очиқ бўлади, жилла қурса, йўлимизни беришади-ку, дедим. Хўжайиннинг жаҳллари чиқади, деб кўрқади денг; ишдан ҳайдаламан, қалтис замон, қандай куним ўтади, дейди. Ахийри кўндирдим, ҳайдамайдилар, деб кафиллик олдим. Ҳозир бечора тутдек тўкилиб ўтирипти, бориб айтсам, билмадим, шайтонлаб қолмасмикин.

Муродхўжа ака мамнун жилмайди.

— Нукул, калака қиялпсиз, деб ёзғиради, денг, — Одил найнов бошини чайқаб кулди. — Туриб-туриб таъсир қилади, астағфируллоҳ, кулгинг келади кишининг.

— Пул-мули бораканми?

— Сўрамадим, хўжайин, — деди Одил найнов жиддийлашиб. — Бордир унча-мунча. Ўлиптими?

— Энди сиз, Одил ака, оталик қиласиз унга, — деди Муродхўжа ака тиззасини силаб. — Етим нарса...

Бу Одил найнов учун катта мурувват эди. Оталик масъулиятини Муродхўжа ака бунга юклар экан, демак, номига бўлса ҳам, қуда тутиниш деган маъно чиқади. Муродхўжа ака билан қудалик қилиш — ўх-хў! — олий мартаба. Бироқ куёв томонида турганидан кейин маълум тадбиркорлик керак бўлади, бунинг устига оталик вазифасини ўзига олса, унча-мунча чиқимга ҳам боришга тўғри келади. Майли, бу одамга бирини берса, у ёқдан мингини уради. Ахир ҳамма имконият шу одамнинг қўлида-ку, ташлаб қўймас, қўллаб-қувватлаб юборар.

— Тўйни айтмадингизми? — сўради Муродхўжа ака асосий мақсадга кўчиб.

— Йў-ўқ, хўжайин, — деди Одил найнов эътироз билдириб. — Илло-билло! Айтиб бўладими, мўлжал очилиб қолади: Мана, рухсат берсангиз, ҳозироқ бориб суюнчи оламиз-да, хўжайин. Тўй муддатини ҳам айтамыз. Тараддудни бошла, деймиз. Қачонни режа қиялпсиз?

— Бугун қайси кун? — дея Муродхўжа ака хаёлида ўзига аён нарсаларни ҳисобдан ўтказа бошлади.

— Сешанба, хўжайин, — дарҳол жавоб қилди Одил найнов.

— Якшанба, деб овоз чиқарамиз, — деди мезбон.

— Улгуриб бўлармикин, тақсир? — хавотирланиб сўради Одил найнов.

— Улгурамиз, — деди қатъий Муродхўжа ака, гапга чек қўйган бўлиб.

— Омин, — дея Одил найнов кўл очди, узундан-узоқ дуо қилди.

— Оллоҳу акбар! — Муродхўжа ака чин дилдан фотиҳа қилди.

— Хўжайин, — дея мулозамат билан юзланди унга Одил найнов. — Аср таҳоратим бор, боргунимча намозим қанда бўлиб қолади, ижозат берсангиз, шу ерда ўқиб олардим.

— Ҳа, албатта, — деди Муродхўжа ака ўрнидан қўзғалиб. — Анаву даҳлизга чиқинг, жойнамоз солинган, яқинда асрга турувдим. Менам чиқаман.

— Маъқул-маъқул, — дея Одил найнов яна фотиҳа тортиб, ўрнидан турди, қўлини кўксидан олмай пастга тушди, даҳлиз томон кетди.

— Маъсуд! — деб чақирди Муродхўжа ака хотинини, тик турган ҳолда тўнига тузукроқ ўраниб. Куз ҳавоси, тез салқин туша бошлаган эди. — Онаси!

«Хўв» деган товуш эшитилди ичкаридан, бир зум ўтмай бу уйнинг даҳлизида Гулсум опа кўринди.

— Берироқ кел, — дея Муродхўжа ака ҳам сўри зинасидан туша бошлади, хотини рўпарасига келиб тўхтагач, унга синовчан тикилиб туриб, сўради: — Қизинг қалай?

— Қалай бўларди, тўмтайиб ётипти, — деди Гулсум опа йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тутиб. — Нукул йиғлайди... — Гулсум опа камзули чўнтагидан рўмолча чиқариб, бурнини артди. — Ҳа! — деди у бир оз жонланиб. — Боя келди яшамагур. Боғ томондан. Утакам ёрилди, дарчани очмадим.

— Нима иши боракан? — турқини бузмай сўради эри.

— Мелиса кепти, урушга олишаётган эмиш, — деди Гулсум опа қайтадан ваҳимага тушиб. — Муқаддасни чақиринг, дейди.

— Чақирдингми? — безовталаниб сўради Муродхўжа ака.

— Қаёқда! Лагерга кетган, дедим.

— Қизинг билмадимми?

— Йўқ, ичкарида эди.

Муродхўжа ака бош ирғади, сўнг қатъий тарзда:

— Якшанба куни тўй, — деди. — Анаву киши совчи. Тўн олиб чиқ.

— Куёв ким? — саросимада сўради Гулсум опа.

Муродхўжа ичида ижирғанди.

— Келганда кўрасан. Айтдим-ку, эндиги ихтиёр менда, деб.

— Ахир Муқаддасга айтишим керак-ку, — деди Гулсум опа бўш келмай. — Сал тайёрлашим керак уни. Вой-дод, ўламан саттор, деса нима қиламан?

— Онасан, — деди Муродхўжа ака метин важоҳатда. — Юпат! Унат! Алда! Кўрма-гандек бўлиб кетасан, аданг ҳаммасини дўндиради, де.

— Кўнмаса-чи? Жанжал кўтарса-чи? — гумонсираб сўради Гулсум опа. — Баттар бўлмасмикин? Кўзимни шамғалат қилиб, яна бир кори-ҳол чиқарса-чи? Ҳожатхонага бе-киниб олиб, ўзини бирон нарса...

— Бирон нарса қилса, — деди Муродхўжа ака қатъий. — Ёнига қўшиб ўзингни осаман!..

Гулсум опанинг юраги орқасига тортиб кетди. Айти бир чоғда фалокат юз бермасдан туриб, Гулсум опа негадир тезроқ тўй бўлиб ўта қолишини тилай бошлади.

— Пўписангиз қурмасин, адаси, — дея ёзғирди у. — Намунча нафасингиз хунук бўлмаса?

— Пўписа эмас! — деди Муродхўжа ака. — Энди менга барибир. Кўзимга ҳеч нарса кўринмаяпти... Ўғлинг ҳам урушга ёзилиб кепти. Ўлмас билан кетармиш. Ундан ҳам ажраймиз чоғи.

Гулсум опага ўғли бу хабарни айтмовди, бечора она донг қотиб қолди, бир зумда кўзига ёш келди.

— Вой, адаси! — ўшқирди у эрига одобни ҳам унитиб. — Қара-а-аб ўтираверасизми, ўғлингиз — танҳо ўғлингиз, урушга кетадиган бўлса!? Тагин осонгина: «ажраймиз», дейсиз-а! Вой шўри-им!..

Гулсум опа ўзини тутта олмай йиғлаб юборди, сўри зинасига ўтириб, тиззаларини ура бошлади.

— Жим! — деди Муродхўжа ака тишларини айирмай. — Овозингни ўчир! Қўшнлар эшитса, хурсанд бўлишади.

Гулсум опа қақшаб йиғлар, эрининг ўдағайлаши унга таъсир қилмас эди.

## 11

Минг тўққиз юз қирқ иккинчи йилнинг қиши қорсиз, аёзли келди. Халқ орасида бундай қишни «қора совуқ» дейишади. Ерга тушган отнинг тезаги бурқсайди, қиров босади, кирпидек оқиш қоатади, бирпасда метинга айланади, ҳолдан тойган, оч, касал, бенаво одамлар қоқилишади, туролмай беланишади. Туман қўйнида қизил қуёшнинг тафтсиз лаппаги анчагача уфқнинг кўз илғамас ғуборли этагида судралар, мажолсиз нур тарқатар, тезроқ уфққа ёнбошлагиси келгандек, вазифасини омонат адо этарди.

Муродхўжа аканинг ҳаракатлари зое кетмади. Маъсудни аскарликка олишмади. Ҳарбий комиссариатдаги врачлар комиссияси Маъсудни урушга яроқсиз деб топишди. Фақат ички хизматга лаёқатли, дейишди. Маъсуд гангиб қолди, мадад истаб отаси ҳузурига чопди.

— Айиқтовон, дейишди, оёғимни нотўғри босармишман, — деди тутоқиб. — Бу нотўғри, ада. Яна комиссия қилишсин.

— Сени текшираверишдан бошқа уларнинг ташвиши йўқми, ўғлим? — дея, Муродхўжа ака ўғлининг шахдини қайтарди. — Шундоқ оғир замонни кўратуриб, мендан ижозат сўрадинг, мен учун қанча оғир бўлмасин, шаштингни қайтармадим, рози бўлдим. Онанг ҳам йиғлаб-сиқтаб, кўнди. Энди нима қил дейсан, ўғлим? Военкомни бориб сўкайми? Нега айиқтовон ўғлимни урушга жўнатмадинглар, деб жанжал кўтарайми? Мени жинни, дейишади-ку!.. Нима қиласан отангни шу кўйга солиб? Шарманда қилиб? — Муродхўжа ака бу уйдирмаларни қалаштириб ташлар экан, ўғлидан садо кутарди. — Ички хизматга лаёқатли экансан, қолавер-да! Буям хизмат. Бу ердаям кимлардир аскарлик бурчини ўташи керак. Сендақалар камарбасталик қилмаса, яна кимдан умид, ўғлим?.. Майли, бориб илтимос қилиб кўраман, йўқ дейишмас, штабга олишар...

Муродхўжа ака шу каби доғули, аммо ширали гаплар билан ўғлининг бошини айлантириб ташлади, уни аврай олди.

— Сен ҳарбий хизматда бўлсанг, менам тинч бўламан, одамлар кўзига уялмай қарайман...

— Майли, — деди Маъсуд рози бўлиб. У, агар штаб хизматида бўлсам, бир амаллаб урушга кетиш чорасини ахтараман, деган қарорга келганди. — Штаб бўлса штаб-да.

— Ҳа... бу бошқа гап, — деди мамнунлик билан Муродхўжа ака, гарчи гапнинг натижаси шундай оқибат билан тугашини билса-да. — Идрок деган нарса шунақа бўлади, ўғлим...

Ўлмас вокзал перронида не истиҳолалар билан роз билдирганини, Муқаддас ҳақида

куйиниб гапирганлари, расмини сўрагани Маъсуднинг ёдига тушди. Маъсуд дўстини вокзалда аскарликка жўнатганидан кейин бир неча кун ўтгач, тўй тарадудди борлигини, Муқаддас узатилишини билиб аввал ота-онасига, сўнгра синглисига Ўлмаснинг «омонат»-ини айтди, тўйни тўхтатиш чорасини қўллаб кўрди, аммо ҳеч ким, ҳатто Муқаддас ҳам иштиёқ билдирмади, Маъсуднинг нидоси жар майсасига отилган тошдек садосиз қолди, йигитнинг кўнгли ранжиди, ўзини четга тортди, оила кирдикорларига аралашмайдиган бўлиб қолди. Фақат анави Ҳошимни унча ёқтирмайди. Гўё у синглисини муғамбирлик билан тортиб олгандек. У ҳам ҳарбий ташкилотга интенден бўлиб ўтармиш. Бу, албатта, Ҳошимни фронтдан олиб қолиш усули...

12

Муродхўжа ака тўйдан кейин куёвининг кайфиятига разм солиб юрди — жанжал чиқаришидан ҳайиқарди. Бироқ қайнотанинг ҳадиғи тасдиқланмади, Ҳошимжон ўзидан хурсанд, вақти чоғ, ҳатто бундай бахтга арзимагандек, ногаҳонда ҳеч қандай тиришқоқлик қилмай тап этиб бировнинг зиёфати устидан чиқиб қолгандек, мулзам тортар, қайнота-қайнона назарига ҳадеб дуч келаверишдан тортинар, сахар ишига жўнаб, кечроқ қайтишга тиришар эди. Шунинг учун ёш хотиннинг қош-қовоғига қарашга ҳам вақти бўлмади, унинг тумтайиб эрини қарши олиши, тўшакдаги лоқайдлигини табиий бир ҳол, янги келинларга хос уятчанлик, ўнғайсизликнинг оддий ифодаси, деб англади. Яна қанақа ҳам бўлиши мумкин? Куйиниб ўзини ташласинми эрининг бағрига? Ҳаёлик, ориятлик қиз шунақа бўладида. Ўзини одоб доирасида ушлайди, эр олдида уялиб туради. Аммо Ҳошимжон нима деб юпатишни билмайди, «эт-бетингиз оғриятими?» деган саволига хотини «йўқ», дейди, бошқа нарса демайди, хўрсина-хўрсина ухлаб қолади. Булак илакишга ботина олмай, Ҳошимжон анчагача қийин ўйлар оғушида мижджа қоқмай ётар, хотинининг йиғисини нимага йўйишни билмай, боши қотарди. Бирон кўрслик қилиб, дилини ранжитиб қўйдиммикин, деб мулзам бўларди ёш куёв, ё тузукроқ қалин бера олмага-нимдан ўксиняптими? Арзигулик совға ҳам қилмадим, қўлқалалик курсин! Унча-мунча нарсани булар назар-писанд қилмаса, қимматини қаёқдан оламан, ўзим қарам бир бера бўлсам. Боримни қириб тўйга бердим, ҳатто Одил амакидан хийла қарз ҳам кўтардим... Ё бошқа бирон айбим бормикин? Оғзим сасирмикин? Ҳар кун юваман-ку. Этим ҳам тоза, яра-қўтири йўқ, кун ора соқол оламан, маймоқ эмасман... Аммо баъзи жуфт-лашканимизда эҳтиросдан тўлғаниб, маҳкам ёпишиб олади-ку, ҳар қанча алпозга сол-лашканимизда эҳтиросдан тўлғаниб, маҳкам ёпишиб олади-ку, ҳар қанча алпозга сол-лашканимизда эҳтиросдан тўлғаниб, маҳкам ёпишиб олади-ку, ҳар қанча алпозга сол-май, кўнади-ку... Балки буям нозинг бир туридир?.. Эрни кўпроқ ўзига ром қилиб олиш ҳаддан ортиқ гапира олмайди, Муқаддасдан садо чиқмаса, неча соатлаб миқ этмайди.

Бир кун Ҳошимжон билан Муқаддас қаттиқ уйқуда ётишган эди, эшик тақиллади. Муқаддас чўчиб уйғонди, қоронғида кийимини пайпаслаб топиб, апил-тапил бошидан ўтказиб бошлади. Уйнинг ичи хийлагина совуқ, эр-хотин ётган тўшакнинг этаги танчага тик-қилган, кўрпанинг ораси иссиқ эди. Қоронғу бўлгани учун Муқаддас аввалига эшик қаёқда эканини эслаб олмай аланглади. Эшик яна журъатсизгина тақиллади.

— Ким у? — бир оз хавотирланиб овоз берди Муқаддас.

— Муқаддасхон, — деган Замира холанинг заиф товуши даҳлиздан эшитилди. Ҳошимжон ҳам уйғониб кетди, ҳушига кела олмай, анграйиб ётди. — Сахарлик тайёр, чиқасизларми?

Муқаддас бўшашиб кетди.

— Ҳозир, — деди нохуш товушда. Унинг уйқуси ҳали аримаган, рўза кунларида мажбуриятга айланиб қолган сахарлик унинг жонига теккан, тезроқ рўза тугай қолишини кутар эди. Ҳошимжон ҳам сахарликни хуш кўрмас, бироқ қайнотаси билан қайнонаси буларсиз сахарлик қилишмас, танча атрофида тиловат қилиб, кутиб ўтиришар, уларни мунтазир қилса, Муродхўжа аканинг ғазабига учрашдан қўрқар эди. — Ҳозир, хола, — деди Муқаддас, дадилроқ овоз бериб. Замира хола нари кетгач, яна ўзини ёстиққа ташлади, елкасига кўрпа тортди.

Ҳошимжон хотини томон ўгирилиб, унинг баданини силади, кафти қорнида тўхтади. Муқаддаснинг қорни сал дўппая бошлаган эди.

— Семиряписизми? — мудроқ аралаш сўради Ҳошимжон.

— Қаёқда, — деди Муқаддас эрининг сийпалашидан алланечук бўлиб. — Тирсақларимни қаранг, биқинимга тегса, тешворай дейди.

— Бу-чи? — сўради Ҳошимжон хотинининг қорнини силашда давом этиб, хотини жавоб ўрнига «қиқ» этди. Қулдими у ёки томоқ қоқдими, Ҳошимжон англай олмади, аммо юраги ниманидир сизди, вужуди ғалати бўлиб кетди. — Ростданми? — сўради у, хотинининг юзига шивирлаб. Муқаддас яна жавоб бермай эрининг қўлига кафтини қўйди. — Ия! — Ҳошимжон талмовсираб қолди. — Дарров-а?! Энди уч ой бўлди-ку! Шунақа тез бўпти-да! Демак, уч ойлик, денг! Уч ойлик! — дўппая бошлаган атласдек силлик қорнини ўпа кетди. — Э, тавба! Э, танграм! — Ҳошимжон Муқаддаснинг танасини қо-

ронғида пийпалаб ўпар, кўкракларига қиртишланмаган ияк-юзини суркар, томоғини яларди... — Раҳмат! — деди у нам лабларини хотинининг кўзларига босиб. — Мумкинми? Зарар бўлмайди? Ё ўзимни тияйми?

Муқаддас жавоб ўрнига эрининг бўйнидан қучди...

\* \* \*

Ҳошимжоннинг тақдирида кескин бурилиш рўй берди. У ҳозир Муродхўжа акадек одамнинг куёви, оила аъзосига айланди, кўчадаги таниш-нотанишлар йўлнинг нариги томонидан ҳам бош эгиб салом беришади. Ҳарбийдан озод, турмуши тўкис битта бенаво, етим кимсага яна нима керак? Шунинг билан бирга Ҳошимжон учун энг нохуш маскан — ўз хонадони эди, чунки йигит бу ерда бари бир ўзини боқиб олинган итдек сезар, ҳатто жоиз бўлганда ҳам «вов» дейишдан ҳайиқар, ҳайиқибгина қолмай, бирон муомала ёки ҳаракати билан қайнотаси дашномидан, мулзам бўлишдан ва шу билан бу хонадонда ўзининг омонатлигини, «пуф» деса дарвозанинг ортида қолиб кетиши мумкинлигини билар ва бундан қўрқар, шунинг учун қайнотаси ҳузурда камроқ бўлишга, нарироқда юришга тиришар эди. Муродхўжа ака ҳар қанча мурувват кўрсатган бўлмасин, Ҳошимжон ич-ичидан уни ёқтирмас, унинг этагига сурканишга, вафодор итдек унинг кўзига тикилишга мажбур ва бу мажбурликдан дили оғринар, итоат қилмаса ҳамма нарсадан маҳрум бўлиши тайин эди. Шунинг учун чидаши, қайнотасининг гапига шак келтирмаслиги, «лаббай», «хўп» ибораларини аямаслиги, уйдагиларнинг пинжига кириши, «килдиз отиб олиши» керак ва ундан кейин хонадондагиларнинг бурнидан ип ўтказиб, ўз мақомига суриши, зарур бўлса, ўдағайлаши, ўз измида тутишини ният қиларди. Узининг етимлиги, туртки еб амакисиникида катта бўлгани, ночор-бенаволиги — ҳамма уқубатлари учун Муродхўжа ака, унинг оила аъзоларидан қасос олиш унинг юрагининг ич-ичида ётарди...

13

Маъсуднинг ҳарбий Штабда хизмат қила бошлаганига бир йил бўлди. «Туркман бозори»га етмасдан трамвай қатнайдиган кўчанинг ўнг томонида ўртасига қизил юлдуз ўрнатилган темир панжарали дарвоза бор. Штаб шу бўлиб, дарвозанинг ёнида доим қуролланган соқчи туради, ичкарига кирган-чиққан одам ҳужжатини кўрсатиб ўтиши керак. Бу ер «Тупроққўрғон» деб аталади, ички қисмида ҳар турли горнизон бинолари, плац, қурол-яроқ сақланадиган омборлар, ётоқлар, клуб ва санитар бўлинмалари бор... «Тупроққўрғон»нинг қисми унча катта эмас, мингга яқин шахсий состави бор, холос. Аммо Эронни муҳофаза қилиш кўшини шу ерда тузилган, Самарқандда йиғилган Ўзбек дивизияси шу «Тупроққўрғон» ихтиёрида шайлантирилиб, фронтга жўнатилган.

Маъсуд шахсий составнинг аъзоси сифатида аввал машғулотларни ўтди, кейин Штаб маъмуриятига олинди, гимнастёрка ёқасини битта юлдузча безади. Маъсуд Штаб маъкамасининг бир хонасида ёзув-чизув ишлари, яъни оператив сводка қабул қилиб, уни раҳбарларга етказиш, Термиз, Кушка шаҳарларидаги қисмлар фаолиятини назоратда тутиш ва анча бўлак юмушлар билан банд бўлади. Ҳозир ҳар кунги «Подъем! Марш!» каби кишининг силласини қуритадиган мажбурий машғулотларга қатнашмайди, ҳафта охирида расмий рухсат олади, хоҳласа кино ёки циркка киради, хоҳласа уйига бориб, ота-онасини кўриб келади. Синглиси Муқаддас қиз кўрганидан сўнг у ёққа қатнаш одат тусига кириб қолди, айниқса жиянчаси бошини тутадиган, одамга қараб куладиган, талпинадиган бўлганида Маъсуд ётоқхонасида ўтира олмас, болача кўзига кўринаверар, ўзига тортар, тоғаси ҳар турли ўйинчоқлар излаб топиб, ўша ёққа ошиқарди. Агар бирон сабаб билан бора олмаса, асраб қўйган ўйинчоқларини Ҳошимжондан бериб юборарди. Маъсуд Ҳошимжон билан кўзи-кўзига тушиб, уйдагилари ҳақида бохабар бўлиб туради. Ундан ташқари, горнизон шаҳарнинг марказида жойлашган «Пиён бозордан» бир чақирим нари, холос, Ҳадрадан вокзалга қатнайдиган трамвай шу кўчадан ўтади, сал нарироқда бекати ҳам бор. Шунинг учун совға-салом билан онаси келиб хабар олиб кетади, йўли тушса, фойтунда юрадиган отаси тўхтаб ўтади; ҳатто бир марта Озодани олиб Муқаддас ҳам келди. Муқаддас чиройликкина жувон эмасми, таниш офицерлар Маъсуднинг хотини, деб ўйлаб, ҳазил-ҳузул қилишди, Маъсуд синглисига «бошқа келма», деб бунақанги ташрифларни ман қилиб қўйди.

Маъсуд фақат бир ташрифни ман қилмади, ҳатто бу ташриф кўпроқ қайтарилишини истайдиган бўлиб қолди. Бу истак шу қадар матлуб эдики, Маъсуд офицерларнинг ҳазил-пичингларига ҳам чидашга тайёр эди.

Бир куни рухсат қоғози чўнтагида, Маъсуд горнизон дарвозаси олдида қаёққа боришини билмай ҳорғин депсиниб турувди, қош-кўзлари порлаган оқ юз, қирра бурун, лаблари бир жуфт гилосдек, истараси ўта иссиқ бир қиз келиб дарвоза олдида тўхтади, Маъсудга юзланди.

— Кечирасиз, — деди қиз рус тилида Маъсуднинг ўзбеклигини билмай.

— Марҳамат, — деди Маъсуд ҳам рус тилида.

Нотаниш қиз илтимосини рус тилида айтишга қийналиб, ўйланиб қолди. У негадир Маъсудга танишдек кўринди.

— Ғафуров, — деди у ниҳоят, таржима талаб қилмайдиган сўздан бошлаб. — Майор... — Қиз яна сўз қидириб, жимиб қолди.

— Ғафуров, — дея Маъсуд қизнинг сўзини қайтарди ва ўзбек тилида: — Майор Ғафуров керакми? — деб сўради.

Қиз ҳарбий формадаги ёш офицер ўзбек эканини хаёлига ҳам келтирмаган, беодоб бир ишда қўлга тушиб қолган одамдек, бир зум ўсал бўлди, беихтиёр қизариб кетди. Мулзам ҳолатини энгиш учун дарвозахона орқали горнизон ичига қараб олиб:

— Ҳм, Ғафуров, — деди. — Майор. Акам. Амаким, — дея сўзини ўзгартирди ва яна юзига ранг югурди. — Чақириб берсангиз, ишим борида.

Маъсуд таажжубланиб қизга тикилди. У бир оз саросимада эди.

— Майор Ғафуров... — деди Маъсуд негадир ўзини айбдордек сезиб. — У киши передовойга кетдилар-ку... Ўзбек дивизияси билан... эшелонда... хабарингиз йўқмиди?

Қиз бир зум карахт ҳолда ёш офицерга тикилиб қолди — гўё унинг барча ниятлари барбод бўлгандек эди.

— Йўқ... — аранг деди қиз; кўзларидаги ғамгинлик унинг ҳуснига аллақандай латиф тароват бахш этгандек бўлди.

Бечора, деб ўйлади Маъсуд таассуф билан, амакиси фронтга кетганидан беҳабар қолипти, энди, муҳим иши бўлса, нима қиларини билмай, боши қотиб қолди.

— Яна қайтадим бу ёққа? — сўради қиз дилидаги умид аломатларини сақлаб.

— Қайдам... — деди Маъсуд гапига бўлак тус бера олмай. — Майор дивизияга командир бўлиб кетди. — Қизнинг ҳафсаласини батамом пир қилмаслик учун: — Балки передовойга бориб, дивизияни топширар, — деди. — Қайтиб келар... — деди.

Қиз четга қаради. У ҳозир йиғлаб юборади, деб ўйловди Маъсуд, аксинча, қизнинг юзига табассумга ўхшаш бир жилва пайдо бўлди. Маъсуднинг кўнгли ёришди.

— Майли, узр, — деди нотаниш қиз ва секин бурилиб, келган томонига кета бошлади.

Маъсуд ҳам ўша томонга йўл олди ва унга етиб олгач, бир неча дақиқа унинг ёнида индамай кетди.

— Ранжидингиз-а? — дея сукутни бузди Маъсуд.

— Ранжидим? — йигитга ғалати қараб сўради қиз. — Нега ранжир эканман?

— Ҳа, энди... нима десам бўларкин? — мижғовланди Маъсуд. — Режаларингиз... Майорда нима ишингиз бор эди? — Замон оғир, очарчилик, бирон ёрдам илинжида келган бўлиши мумкин, деб ўйлади Маъсуд шу топда қизнинг умиди пучга чиққанидан негадир ўзини ўнғайсиз сезиб ва унинг бу нияти йигитга аён бўлаётгани қизни мулзам қилишидан баттар истиҳолага борди.

— Ҳеч қанақа, — деди қиз йигитнинг саволига жиддий тарзда, бироқ бари бир Маъсуд унинг кўзларидан хомушлик аримаганини пайқади.

— Ҳечқиси йўқ, — деди бир оз тетик овозда. — Тузатамиз бу хатони.

— Қанақа хатони? — кўз ташлади қиз йигитга: унинг нигоҳида билинар-билимас қизиқишга ўхшаш жонланиш ифодаси изғир эди.

— Циркка кирамиз, — деди дабдурустдан Маъсуд журъат қилиб. Бу таваккал эди. Тап тортмай гапириб юборганидан Маъсуднинг ўзи хайратга тушди ва ҳадик билан қиз томонидан терс жавоб бўлишини кутди.

— Цирк кундузи ишламайди, — деди қиз йигитнинг жазми қатъий эканига иқроор бўлиш ниятида.

— Бугун яқшанба, ишлаши керак! — деди Маъсуд қатъий, бироқ ўзи ҳам иккилана бошлади. Ҳечқиси йўқ, ўзига далда бериб ўйлади у, цирк бўлмаса кино бор. Энг муҳими жеркиб бермади. Тиқилинч бўлса, ОДОга, офицерлар клубига олиб боради, у ер бемалол, одам кам, оркестр, кино, ресторанига киришлари мумкин. Маъсуд ўз мақсади изчил чиқиши учун чеклангиси келмади.

— Цирк бўлмаса, кино бор.

— Сиз хизматда эмасмисиз? — Маъсуднинг гапидан таажжубланиб сўради қиз ва йигитнинг юзига синовчан тикилди: ҳозир бирон нарса деб алдайди, баҳона топади.

— Рухсат олганман, — деди дарҳол Маъсуд ва қизда шубҳага ўрин қолдиргиси келмагандек, кўкрак чўнтагидан рухсатнома олиб кўрсатди. — Мана, ҳужжат беришган.

Қиз маъқул ишорасини қилиб, бош ирғаб қўйди, мамнун бўлгандек хиёл жилмайди. «Тузук, — деган фикрини беихтиёр хаёлидан ўтказди қиз, — чиройлиқкина экан, қош-кўзлари чўғдек, бўйи-баста ҳам баландгина, ҳарбий форма бир ярашибтики! Фақат мунча ёш кўринади? Офицер экан шу ёшидан, неччига кирганикин? Мўйловини олмапти, каттароқ кўриниш учун бўлса керак. Лекин бари бир ёш, ҳали ҳеч нарса кўрмаган. Мунчақалар илакишса, зулукдек ёпишиб олади, ирода деган нарса қолмайди, бурнидан ип ўтказиб, қаёққа тортсанг, шу ёққа йўрғалайди, қарам бўлади-қолади. Кўрамиз, бу қанақа тоифа чиқаркин? Ҳозир исмиمنى сўрайди.»

— Отингизни билсам бўладими — сал ўнғайсизланиб сўради Маъсуд.

Киз беихтиёр кулиб юборди, ammo кулгиси йигитнинг ориятига тегиши мумкин, у ўзини мажбурлаб, кулгисини босди.

— Нега кулдингиз? — ғурури бир оз ҳақоратланиб сўради Маъсуд.

— Кечиринг, бир нарса эсимга тушиб кетди, — деди киз йигитни чалғитиб ва ранжишидан чўчиб, дарҳол исмини айтди: — Захро.

\* \* \*

Улар «Молодая гвардия» кинотеатридан «Боғдод ўғриси»ни кўриб чиқишганда, кун яримлаб, ҳаво бир оз илиган эди.

— Энди ОДОга борамиз — деди Маъсуд кўтаринкилик билан. Бояги ётсираш аломатлари аллақачон унутилган, ҳатто сеанс пайтида қўққисдан бир-икки марта қўли қизнинг қўлига тегиб кетган, киз ҳам буни гўё тасодиф ҳаракат деб ўйлаб қўлини тортиб олмаган ва бундан фойдаланиб, Маъсуд қизнинг қўлини кафтлари орасига олиб, иситган ҳам эди.

ОДО нималигини Захро биларди, майор бир-икки марта олиб борган, у ёққа бориш хавфли, кўзи тушган одамлар таниб қолиши мумкин эди.

— Йўқ, — деди киз шартта. — Унақа жойларга бормайман. Уяламан.

— Қорин очиб кетди-ку, — афсусланиб деди Маъсуд. У биларди: қизнинг ҳам қорни оч. Шу замонада кимнинг қорни тўқ? Ҳамма оч. Фақат уйдагилар тўқ, дадаси ғирт-ғирт қоринни қашлаб, кекириб ўтиради. Бироқ Захронинг ҳам қорни оч, аслида Ғафуровни истаб келишидан мақсад ҳам шу, қоринни тўйғазиш эди, ammo буни, эндигина танишган йигитга айтиб бўлармиди. Уйда икки булак пиширилган лавлаги турипти, биттаси укасига, биттаси ўзига, бориб ўшани ейди. — Бўлмаса меникига бора қолайлик, консерва-пансерва топилади. А!

Захро албатта жон деб борарди, лекин у ер ҳам ОДОга ўхшаган жой, кўзи тушган одамлар бор, ҳатто Маъсуднинг ўзи ҳам кўрган бўлиши мумкин, эслай олмаяпти, холос. Эсласа нима бўпти? Амаким, деди-ку. Гўлроқ экан, нима деманг, ишонаверади.

— Йўқ, — деди Захро ийманиб. — Таниш-билишларингиз кўрса нима деб ўйлайди? Яхшиси хайрлаша қолайлик.

— Ихтиёрингиз, — базўр деди Маъсуд, юрагининг қайси бир ипи узилиб кетгандек бўлиб. — Бирга кетамиз бўлмаса. Уйдагиларни кўриб ҳам келаман. Икки ҳафта бўлди бормаганимга.

— Ундай бўлса, олдин мен кетаман, — деди киз дарҳол. — Ё сиз кетинг. Мен бир оздан кейин кетаман.

Маъсуд тушунди қизнинг хавотирини.

— Олдин мен кетай бўлмаса, — деди Маъсуд, ниманидир кўнглида мўлжал қилиб.

— Ҳо! — деди киз таманно билан кўз қисиб. — Хадрага бориб пойлаб турасиз-да! Топдимми?

— Очиғини айтайми? — журъатланиб деди Маъсуд.

— Айтинг, — деди киз айёр табассум қилиб ва хаёлига келган тахминни кутди.

— Сиздан ажрай олмаяпман, — деди Маъсуд ийманибгина.

Захро аранг кулгисини босиб:

— Майли, — деди — Ўрдагача кузатиб қўя қолинг. У ёғига ўзим кетаман. Келишдикми?

— Келишдик! — дарҳол рози бўлди Маъсуд, шу ҳам катта инъом эди. — Фақат пиёда кетамиз. Майлими?

— Майли, — рози бўлди киз; очликдан қорни ғулдирай бошлаган эди. Улар «Пионерлар Саройи» панжаралари ёнидан ўтиб, трамвай бекатига чиқишди Қизил Майдон сари юра бошлашди, кейин Урда томон кетатуриб, Анҳор бўйидаги Ленин билан Сталин ҳайкали бор зиёратгоҳга тушишди, шундоққина сув лабига ўрнатилга скамейкага ўтиришди.

Сув буғланар, нам ва совуқ рутубатини урар эди.

Кинода қўлини берганлигини рухсат деб ўйлаб, Маъсуд Захрони кучиш учун белига қўлини юборди, бироқ киз сапчиб ўрнидан турди.

— Кинога бирга тушган қиз ҳамма нарсага кўнаверади, деб ўйладингизми? — деди ясама зарда билан. — Атрофни қаранг, шунча одам! — У кўприк томон кета бошлади.

Маъсуд бир лаҳза саросимада ўтирди, кейин қизга етиб олди. Захро йигит ёнида кетаётганини пайқаса-да, у томон бурилиб қарамади — вазиятнинг чораси қизнинг қўлига ўта бошлаган эди.

— Кечиринг, — деди Маъсуд ерга қараб.

— Энди қолинг, Маъсуджон... Маъсуджон ака, — деди Захро йигитнинг «кечиринг» деганига тўғри жавоб бермай. Ammo унинг «Маъсуджон... Маъсуджон ака» дейишида маълум юмшаш сезилар эди. Шунинг билан бирга унинг «ака» деб мурожаат қилиши сал ўнғайсизроқдек эди, чунки йигит қизга қараганда ёшроқ кўринар, бироқ шунчаки исмини айтиш ҳам ноқулай эди.

— Бўпти, қоламан, — деди Маъсуд дарров. — Қачон учрашамиз?  
— Учрашмасак, — деди Захро нохушроқ кўйда.  
— Нега? Нима учун? — сўради Маъсуд, ноилож аҳволда қиз томон бурилиб. —  
Бирон одобсиз гап айтвордимми? Қўполлик қилдимми? Агар мендан ўтган бўлса, ке-  
чиринг.

— Йўқ, — дея Захро бир зум ўйланиб қолди. — Гап бунда эмас.

— Нимада? — ўжарлик билан сўради Маъсуд. Энди эплаб уланган алоқа иплари  
узилиб кетиш олдида эди. Йигитнинг тақдирида биринчи марта йилт этган ордоқ ҳар  
қанча жозибали кўринмасин, бу Маъсуднинг ихтиёридан нари ва омонат эди. — Нима-  
да? — қайтадан сўради йигит Захро жавоб бермагач.

— Биласизми? — деди қиз сўз қидириб. — Ёшингиз мендан кичикка ўхшайди.

— Менга бунинг аҳамияти йўқ, — деди Маъсуд қатъий. — Умуман мен ёш кўрин-  
сам ҳам ўзим ўн тўққиздан ошиб йигирмага қараб кетдим. Паспорт олганимга икки йил  
бўлди. Сизнинг ёшингиз неччида?

— Меники ҳам шунақа, балки уч-тўрт ой каттароқ бўлишим мумкин.

— Ҳа, бўпти-да! — руҳланиб хитоб қилди Маъсуд. — Шуюм фарқ бўлдимми?

Бир нарса аниқ, яъни Зухро кимнингдир этагини ушлаши керак эди. Замон мажбур  
қилмоқда. Майор қўлдан чиқиб кетди, энди унинг қайтишдан қайтмаси кўп. Умуман  
аввалига Захро турмушга чиқиш ниятида бўлиб юрди, бироқ йигитлар ана кетди, мана  
кетди пайт, арзимас муддат учун тўй қилиб, яна ҳомилдор келин билан қолишни,  
ортиқча оғизни қайси оила хоҳлайди? Совчи чиқмади. Ота-она ўлиб кетган, рўзғор теб-  
ратиш керак, қизнинг ҳеч қандай ҳунари йўқ. Бирга ўқиган дугонасининг энди уч ойгина  
бирга яшаган эрини кузатиб боришганда, Захро Ғафуров билан танишиб қолган. Майор  
хотинидан ажрашган, ўзи қирчиллама йигит, ўта шаддот. Захро майорнинг сеҳрига  
тушди-қолди, куйига юрди. Бунинг эвазига моддий ёрдам олиб турди. Бир гал Ғафуров  
ҳатто ўйланиш масаласини ҳам айтгандек бўлди, бироқ бу гапни бўлак қайтармади. Ни-  
мадандир истиҳола қилди чоғи. Ахир унақангилар ўз ихтиёрига эга эмаслар, эртага ҳа-  
ётлари нима кечади — ўзлари ҳам билмайдилар. Мана, майор ҳам шунақа бўлди, ҳат-  
то жўнаётгани ҳақида хабар ҳам бера олмади. Афсус! Захро унга адресини бермаган,  
қизни лавлағибозоридан ахтариш майорнинг хаёлига ҳам келмаган эди!

Энди буниси нима каромат кўрсатарикин? Беихтиёр майор билан таққослашга тўғ-  
ри келса, бу йигитча унга тенглаша олмайди, албатта. Бунинг устига ёш, ҳали ҳеч нарсани  
кўрмаган, тажрибасиз, Захронинг йўриғидан нари кета олмайди. Балки ёшлиги фази-  
латидир. Майор ўттиз тўққиз ёшда эди. Демак, Захро қирққа кирганда у олтмиш ёшли  
чол бўлиб қолади. Тақдир буларни бир-биридан айириб, балки тўғри қилгандир?..

Майли, ҳаёт бир йўл кўрсатар. Ҳар қалай ипни қўлдан чиқариб юбориш, Маъсудни  
йўлатмаслик ақлдан эмас. Моддий ёрдами тегиши турган гап. Офицер экан, буларнинг  
таъминоти яхши бўлади.

Захро келаси якшанба куни келишни ваъда қилиб, трамвай бекатига йўл олди.  
Маъсуд жойида қолди. Келаси якшанбагача узоқ, албатта, аммо у ҳарбий хизматда,  
буткул ихтиёри Штаб билан боғлиқ, фавқулотда топшириқлар бўлиб туради. Агар Зах-  
ро аввалроқ келганида ҳам Маъсуд унга пайт ажрата олмаслиги, иккови ҳам хижолатда  
қолишлари мумкин...

14

Ҳаво исийвермаганидан дов-дарахтлар бўғилиб турарди; март ойининг охирлари-  
га бориб ёгингарчилик шартта тўхтади, осмонда ғубор қолмади, уч-тўрт кун мобайнида  
ҳамма нарса гуркираб очилди, ер юзини гулларга буркади, ҳидларга тўлдирди. Ўқтин-  
ўқтин пайдо бўлиб, бир зум қуёш юзини ёпган оппоқ булутлар яна узоқларга сурилиб  
кетар, шамолнинг хуружи сустлашар, гуллар чирпираги яна тинар, гувиллаган товуш-  
ларни таратаётган ариларми ё осмондаги варракларми, билиш қийин эди.

Қиш бўйи силласи қуриган, қанча жонлардан маҳрум бўлиб, шунча қурбон ва тало-  
фатлар эвазига аранг етиб келган одамлар баҳор нурлари билан умид қўлаб, ғимир-  
симир ҳаракатга тушиб қетишган, не ҳасратда қизганиб рўзғордан асраб қолган бир  
ҳовуч дон-дунини ерга тикиш билан овора эдилар.

Ойниса айвон лабидаги кўрсичада бачкана тикиб ўтирар, бигиз уриб сўзана ўтказар,  
икки томонга ип чўзиб, қулоч ёзар эди. Яхши ҳам қишлоқда шу ҳунарни ўрганиб олган  
экан, оз бўлса-да асқотиб турипти. Босим ўтирса бир жуфти икки кунда қўлдан чиқади.  
Тановару бўлак сарф-ҳаражатларини айириб ташласа, меҳнатини ҳисобга олмаганда  
унча-мунча қолади. Бир жуфти, албатта, юқ бермайди, камида уч-тўрт жуфт тикиб пул-  
ласа, бирон нарсага ярағулик чиқади. Ойниса аввало хомаки ашё сотиб олади, шундан  
қолса, мияси анча чамалагач, рўзғорга энг зарур бўлган нарса — совун, макка уни, ке-  
росин харид қилади, кейинги бозоргача амал-тақал қилиб етказади, унғача яна уч-  
тўрт жуфт махсича тайёр бўлиб қолади. Халқ орасида болалар учун тикилган махсича-  
ларни «бачкана» деб аташади. Ойниса бу сўзни биринчи марта Шўртепа қишлоғига  
касал онаси билан бадарға қилиниб бориб, Эргаш қосибнинг ҳужрасида ижара турган-



ларида эшитган эди. Эргаш косиб етти оғиз қашшоққина оиланинг каттаси бўлиб, ўттизинчи йиллар бошида қулоқ қилинган, от-аравасидан, сигир-улогидан маҳрум бўлган экан; меҳнатга яроқлик барча оила аъзолари колхоз ишини бажаришар, колхоз деярли даромад бермас, ўша кезлари Эргаш косиб ямоқчилик, баъзида бачкана тиқиш билан рўзғор тебратар, томорқаси ҳам унча-мунча ҳосил берар, шулар эвазига кун кўришар эди.

Чиллашир касалига йўлиққан Ойнисанинг ўттиз беш ёшли онаси ўлимтик, қўлидан иш келмайдиган аёл бўлгани учун ўн етти ёшни чамалаб қолган Ойниса Эргаш косибнинг рўзғорига қарашлига тиришар, устанинг чакана юмушларини бажариб берар, кўзи ўрганиб, бачкана тиқишга қўли келиб қолган эди. Ўша кезларда Ойниса беш-ўн жуфт бачканани қўлдан чиқарди. «Тузук, — деди ўшанда Эргаш косиб, қиз тиккан молни кўриб, — зеҳнингиз пухта экан». Шу орада мактаб ҳужрасида ётиб юрган тошкентлик бир мулла йигит Ойнисани сўради, одам киритди. Бундан ярим йил аввал Ойнисанинг онаси вафот этган, етим қиз якка ўзи ҳужрада яшаб келар, ҳаёти жуда оғир, ачинарли, мискин эди. Онаси вафотига йил бўлмагани учун Ойниса бунақа гапни эшитгиси ҳам келмас, кечалари қон-қон йиғлаб чиқарди. Аммо Эргаш косиб қизнинг дилига йўл топди, аранг кўндирган бўлди, чунки уста қизга отадек бўлиб қолган, унинг гапини икки қилиш кўрнамакликдек эди, Ойниса йиғлаб-сиқтаб рози бўлди. Бироқ Ойниса онаси билан Самарқанддан бадарға қилинганида биттагина тугунча билан чиқиб кетишган, уч хонали уй бутун жиҳози билан қолиб кетган. Нимасига тўй қилади, сепи бўлмаса, ҳатто келинчак сифатига киядиган тузукроқ кўйлаги ҳам йўқ.

— Амал-тақал қилармиз, болам, — дея Эргаш косиб далда берди, лекин Ойниса билади, устанинг ўзи ҳам бир аҳволда. Куёв бўлса атиги муаллим, яқинда билим юртини тугатиб келган эди, орттирган нимаси ҳам бўлиши мумкин?

Хуллас, иккинчи марта куёв томонидан одам келганида, уста фотиҳага қўл очди, рўзғорда нимаики ярайдиган нарса бўлса, қириб-қиртишлаб, тўй тарадудига тушди, хотини ўз қизларига атаб сандиққа яшириб қўйган либослардан мосини ажратди, вақтинча бўлса ҳам; етим қизни ўраб-чирмади. Ойниса бир зумда келин туркига кирди-қолди. Енг учида тўй жўнгина ўтди. Куёв чоққина чамадон, глобус ва тўшаги билан бу хонадонига кўчиб кирди, ҳужрача файз топди, бахтли онлар бошланди, биринчи фарзанд шу ҳужрада дунёга келди, уй қийқириққа тўлди, барча уқубатлар унут бўла бошлади.

Аслида Ҳабиб уйланиш ниятини маслаҳат солганида касбдошларидан бири йигитни айнитишга ҳаракат қилиб кўрди, репрессия, яъни алақандай айблар билан қамоққа олинган одамнинг қизига уйланиш қалтислигини айтди, бироқ Ҳабиб бир-икки бор қизга кўзи тушган экан, ёқтириб қолиб, ўз айтганида туриб олди. Қиз рози бўлса бас, деди Ҳабиб, бу ёғини пешонамдан кўрдим. Қизнинг отаси қамоққа олингани, унинг оиласи бу ёқларга бадарға қилинганлигини ўйлаб, Ҳабиб ота-онасига ҳам хабар бермади, тўй уларсиз ўтди. Агар ота-онаси ҳамкасби айтган сирларни билишса, албатта тўйни бузишга ҳаракат қилишарди, ота-онасининг изми-обрўйи шунақани, уларнинг ихтиёрини ҳисобга олишга, бўйсунушга тўғри келади. Шунинг учун ортиқча хунобгарчилик, дилгирлик туғдирмасликдан чўчиб, Ҳабиб уларга тўй хабарини етказмади.

Ҳабибнинг айтишича, отаси камбағал оиладан чиққан бўлиб, аввалига қайсидир ширкат тугатилганидан сўнг саксовул тайёрлаш бўйича ихтисослашган бир маҳкама омборида ишлаб юраркан, онаси беш фарзанд кўриб, фақат Ҳабиб тирик қолган, бошқалари кўкйўтал, зотилжам, қизамиқ, ичбуруқ касалларидан ўлиб кетган экан. Минг тўққиз юз қирқ биринчи йили уруш бошланди. Ҳабибнинг отаси урушнинг дастлабки кунларидаёқ ҳалок бўлди. Ҳабиб икки яшар қизи билан хотинини олиб, Тошкентдаги ёлғиз онаси қолган уйига қайтиб келди, қўл учида отасининг маъракаларини ўтказди. Бунгача Ҳабиб хотини билан келиб, она-отасига неварасини кўрсатиб кетган эди; ягона ўғил Фарғонанинг алақайси қишлоғида, жудолик доғида куйиб-ёниб ўтирган онаси бир мунча таскин топгандек бўлди, бағри тўлди-қолди, эрининг алами ҳам хийла нари кетгандек кўринди. Бироқ бу шодлик узоққа бормади. Фан, маориф ва санъат хизматчилари урушдан озод қилинишлари ҳақида қарор чиқмаган эди, ўғли оиласи билан кўчиб келганига уч ой тўлмай, Ҳабибни ҳам фронтга жўнатишди. Онаси билан икки яшар қизи қўлида чинқираб қолаверишди. Мана қайнона ҳам дунёдан ўтди. Амал-тақал қилиб, Ойниса кампирни кўмди, таъзияларини ўтказди, бироқ энг муҳим, харажат талаб қиладиган йигирмаси, қирқи ҳали турипти. Ҳатто ўз онаси вафотига ишлатмаган тиллақошни гаровга берди. Яхшиям бисотида ўша тақинчоқ қолган экан, ҳар қалай фойдаси теғди: тиллақош арзийдиган нарсадирки, Муродхўжа ака устидан пул берди, анойи эмас, нарсаси арзимаганда, ҳемири ҳам чиқмас эди. Бирон заргардан бориб сўраш керак — тиллақошнинг нархи қанча экан? Шунга қараб Ойниса Муродхўжа акадан яна сармоя кўтаради. Қайнонасининг йигирма кунлик маъракасига ҳам бир ҳафта қолди, ҳали қанча ташвиш бошида. Бечора эри онасининг вафотидан бехабар. Қандай қилиб Ойниса бундай машъум хабарни унга ёзади? Мана бир оёга яқинлашиб қолди, эридан хабар йўқ. Тинчмикин, омонмикин? Узининг дадаси-чи? Ўша ўттиз саккизинчи йилнинг ўн еттинчи мартада иккала қўлини кўтартириб олиб кетганларидан буён дом-дарак



ҳоят ярим тунда поезд қўзғалди. Она-бола қаерга кетмоқдалар, уларнинг тақдири энди нима кечади — номаълум эди. Тун қўйнида поезд учиб боради, она-бола махсус купеда мункайиб ўтиришар, ҳатто станцияларда ҳам зарурат учун соқчисиз чиқишга ҳақлари йўқ эди. Эртасига эрталаб не ёлборишлар натижасида соқчи рухсат берди, кийимлари эзилган, қоринлари оч, сочлари тўзғиған она-бола станция четидаги бозорчага югуришди. Яхшиямки шошилинича пул-мул олиш онасининг эсидан чиқмаган экан, ейишбоп нима кўринса шундан харид қилиб, қайтиб вагонга чопишди. Гўё поезд кетиб қолса ҳамма нарса чатоқ бўладигандек, она-бола нимадандир ажралиб қоладигандек... Ниҳоят катта бир станцияга бориб етишганда, уларни поезддан туширишди, аллақандай аравага ўтқазиб, Шўртепа қишлоғига жўнатишди. Ярим кун деганда она-бола чангга беланиб манзилга етиб боришди. Қишлоқ совети маъмурияти бадарға қилинганларни мулойим совуққонлик билан кутиб олишди, турар-жой йўқ, ўзларинг ахтаринглар, биронта хонадон ижара берар, дейишди. Ўша куни жой топилмади, она-бола сарсон-саргардон бўлиб, қишлоқ советига қайтиб келишди, йўлакда тунашди, эртасига яна ижара ахтаришга тушишди. Эргаш косиб деган одам бор экан, ўша муруват кўрсатди, таппи-тезак қалаштирилган ҳужрасини бўшатиб берди. Хотини ҳам тузуккина аёл экан, жулдурроқ бўлса-да, ётиш учун кўрпа-ёстиқ, эски шолча олиб чиқди. Биргаллашиб ҳужрани шипириб-нетишди, шолча тўшашди, совуқ кирмаслиги учун дераза қабилида қолдирилган тўйнуқка эски қоп илишди. Ейдиган нарсанинг тайини йўқ, онасининг апил-тапил ёғимлаб ҳамёнига солган пули тамом бўлган, кун кечиришни ўйлаш керак эди. Онаси иш сўраб қишлоқ советига мурожаат қилди, у ердагилар узоқ бир қишлоқчадаги бошланғич мактабни айтишди, бироқ Самарқанд шароитида водопровод-ҳаммомга ўрганган она бечора ариқ сувини истеъмол қилишданми ёки бошқа бир нарса таъсириданми, тез орада бедаво дардга учраб, ётиб қолди. Маҳаллий табиб уни чиллашир деди. Касалдан ўнглана олмай, бир йилда она дунёдан ўтди. Яхшиям Эргаш косиб бор экан, ўша одам балогардон бўлди. Онасини кўмдирди, унча-мунча таъзияларига ҳам лом-мим демай туриб берди, одамгарчилик қилди. Мундоқ олиб қараганда, Эргаш косиб ким буларга? Етти ёт бегона. Ҳатто Ойниса тиллақош беагини олиб чиққанида, ўзининг ночорлигига қарамай, уни пуллашга ботинмади. Шунча маломатлар бошига тушган бу бечора қизнинг, биронта буюми турсин, асқотар, деб ўйлади уста, нарсани бозорга олиб чиқишни маслаҳат кўрмади. Бўлмаса ўзининг рўзғори катта, кун ўтказиш оғир. Бу сарфу харажат камлик қилганидек, унинг устига тўй ташвиши ҳам келиб қўшилди. Албатта, ёш эри мактабда муаллимлик қилади, топиш-тутиши чакки эмас. У, бу ерга кўчиб ўтганидан кейин, баҳоли қудрат устага ёрдам бера бошлади. Баъзан аравалаб ошқовоқ, мош, макка, ун келтириб ташлайди. Бу нарсалар аранг рўзгор тебратаётган оила учун далда. Агар шу Эргаш косиб, унинг хотини, кейинчалик Ҳабиб бўлмаганида ҳаёт тажрибаси йўқ, мўлчиликда тарбия кўрган Ойниса нима қиларди! Қандай яшарди?

Қани энди имкониёт бўлса-ю, Ойниса Шўртепага бориб, устанинг кўнглини овласа, шод қилса, дуосини оلسа.

Насиб этса, уруш ҳам тугар, эри ҳам омон-эсон қайтар, бу қора кунлар ҳам унут бўлиб кетар. Унда ҳар қанча орзу-умидларини амалга оширса ажабмас. Ҳозир қўли калта, замон оғир. Қайнонасининг йигирмаси қора булутдек Ойнисани босиб, ваҳима солиб турипти. Яна Муродхўжа акага арз-дод қилиши, буюм ўзининг мулки бўлишига қарамай, ялиниб-ёлборишига тўғри келади.

## 15

Муқаддас ўзини осийи сабабларини онасига фош қилган кунидан бошлаб боғ дарчасига қулф солинган, Муқаддасга остона ҳатлаб кўчага чиқиш ман қилинган, агар бирон фавқуллода чора, яъни ҳаммомга бориш важи билан уйдан чиққудек бўлса, паранжи ёпиниб олиши шарт эди.

Муродхўжа ака маҳалла тақводорлари олдида ҳам тили узун, негаки агар маҳалла аҳли орасида «Муродхўжа ака имонли одам экан, қизига паранжи ёпинтириб қўйипти», деган гап тарқалса, демек, бу хонадонда урф-одатларни қаттиқ тутишаркан, анча мўмин-муслмон оила экан, деган хулоса келиб чиқади, Муродхўжа аканинг обрўйи яна кўтарилади, мавқеи мустақамланади, қанақа йўл билан бойимасин, одамлар оллонинг назари тушган бандаси экан, даврини сурсин, дейишади. Муродхўжа аканинг яна бир тадбири, яъни ўғлини ҳарбий хизматга киритиб қўйгани ҳам қўшимча обрў бўлди. Қўлини қаёққа чўзса етадир-ҳамма нарсанинг урдасидан чиқадиган одам, яққаю ягона ўғлини аскарликка топшириб қўйди, дея таҳсин ўқишади яқин-йироқ одамлар.

Баҳорнинг илк кунларидан бирида чўлоқ почтачи уч бурчакли хат келтириб қолди, Гулсум опа почтачига бир бурда нон тутқазиб, чиқариб юборди, хатни у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрди, саводи эскичада чиққани учун, ўқий олмади, Холидани чақириб, эри турадиган уйга кўтарилди. Хона кимсасиз эди.

— Ўқи бунинг деди Гулсум опа қаршида чўнқайган Холиданига учбурчак хатни тутиб.

— Хат опамга,— деди Холида, адресни ўқиб.

— Ўқи!

— Библи қолсалар, уришадилар,— деди Холида хавфсираб.— Балоба қоламан.

— Билмайди, кўрсатмаймиз,— деди Гулсум опа қизчага далда берган бўлиб.—

Кимдан экан?

— Сафаров Улмасдан,— деди Холида ҳижжалаб ўқиб.

Гулсум опанинг қовоғи уйилди, юраги хунук хабарни тусмол қилиб, қаттиқ-қаттиқ ура бошлади.

— Ўқи-чи,— деди у ўзини босиқ тутишга уриниб.

Холида учбурчак хатни очиб, ичида ўқишга киришди.

— Овозингни чиқариб ўқи,— деди Гулсум опа сал ижирғаниб.— Ичингда ўқишингдан менга нима фойда? Ўқи.

— Беқиёс юлдузим,— ўқий бошлади Холида. Ҳижжалаб ўқиганиданми ёки бошқага аталган сирни ўз овози билан фош қилишиданми, борган сайин Холиданинг юзи қизара бошлади. У Гулсум опага ҳадик билан бир қараб олгач, яна қайтарди: — Беқиёс юлдузим...

— Кейин! — деди ғаш келган Гулсум опа тоқатсизлик билан.

— ...севимли дилбарим... Муқаддас маликам!.. Э, ўқимийман мунақа хатни! — Холида лов-лов ёниб, хатни Гулсум опасининг олдига қўйди.— Гапларини қаранг, ойи-пошша...

— Майли, борақол,— деди Гулсум опа чуқур хаёлга берилиб ва камзули чўнтагидан индамай обакидондан чиқариб қизчага тутди.— Опанга айтма. Билмай қўяқолсин. Эмзикли нарса, дили оғриси, сути қочади. Уқдингми?

— Ҳм, ойи-пошша,— дея ўрнидан қўзғалди Холида.

Гулсум опа хатнинг давомини билгиси келса-да, бўлак ҳеч кимга ўқитмади, мазмуни унинг тахмини бўйича қанақа экани аён эди. Демак, ўқитишининг ҳожати ҳам йўқ, қайта кечинмаларга ташлайди, азоб беради, тинчини бузади, хавотирга солиб қўяди. Хатни эрига ҳам кўрсатиб бўлмайди, лов этиб ёнади, бирон кори-ҳол қилиб қўяди. Бундай жанжал оқибатсиз тугамайди, бари бир Ҳошимжоннинг қулоғига бориб етади, у ҳам рашк қилиб, ҳунар чиқара бошлайди. Ана унда висир-висир ини бузилган ҳашоратдек ҳамма ёққа ўрмалаб кетади, олдини олиб бўлмайди. Муқаддасга хатни кўрсатса, албатта, лом-мим, демайди, лекин дили туғён чекади, кўнгли алғов-далғов бўлади, хаёли бузилади, эри кўзига сўпоқ кўринаверади. Оқибати хунук тугайди. Ишқилиб анови Холида айтиб қўймасинда. Яна бирон нарса бериб тилини боғлаб қўйиш керак. Обакидандон етарли эмас. Жулдир қўйлаги чатилавериб, торайиб қолипти, яна бир жомошовга тушса, титилиб кетади. Қаттадир икки қулоч бўз бор эди, шуни бериш керак. Пишиқ мол, бир йил кийса, чидайди. Узунроқ бичиб, этагини йўрмаб қўйса, келаси йилга ҳам етади. Почтачига ҳам бирон нарса бериб, уқтириш керак, тагин меъровлик қилиб, Улмасдан келган хатни бошқа одамга бериб қўйса, иш расво бўлади.

\* \* \*

Уйдан файз арийди, фаришталар қочади деб Муродхўжа ака электр туширмаган; «шайтоннинг чироғи» дейди у, лекин керосин билан ёнадиган ҳар турдаги чироқлар уйда кўп. Унталиги ҳам, бешталиги ҳам — пилигига қараб.

Муқаддас ўз уйи олдида ўрнатилган сўрида эрининг кители ёқасига оқ астар тикиб ўтирар, бир томони кўтарилган пашшахона ичида Озода оёқ-қўлларини дикирлатиб ётар, ўз ҳаракатларидан завқланиб, қийқириб қўяр эди. Кундузги иссиқ пасайган, оқшом қоронғуси билан шабада эса бошлаган, салқин тушиб, эт жунжикадиган пайт бўлиб, кучли фонуснинг ёғдусида сўрида иш тикиб ўтирган Муқаддас, четроқдаги бешикнинг оқ гилофи ва шамолда елкандек чайқалаётган пашшахонанинг ҳарир доқаси бу кечки манзарага сеҳрли тус берад, туннинг қоронғу бағридан қараган одамга эртақдек кўринар, ўз жодусига солиб аврагандек бўлар, зимзиё осмонда бетартиб сочилган юлдузлар бу кунждаги дарду алам, фарёду мусибатлардан беҳабардек лоқайд тикилар, гўё ҳамма ёқ шу тун каби тинч ва осойишталик эди. Шу топда бир неча булутларни ўз ёғдусига белаб ойсиз осмонда қизил мушак порлади, бир зумда ўчди...

Наридан йўтал эшитилди. Муқаддас бошини кўтарди, қоронғуга тикилди. Қоронғудан аста-секин эри чиқиб кела бошлади. У одатига кўра нариги ҳовлида Муқаддаснинг адаси билан оз-моз суҳбат қуриб ўтиргач, энди бу ёққа тушяпти.

— Кеч келдингиз? — сўради Муқаддас, эрининг қўлига сув қуятуриб.

— Вагон келди,— деди Ҳошимжон узатилган сочиққа қўлини арта туриб.— Мол билан. Трофея экан. Ташиб, оморга жойлаб олмасам, талон-тарож бўлиб кетади. Шунга тутилиб қолдим. Озода уйғоқми?

— Ҳа, ётипти думалаб думалаб пашшахонада,— деди Муқаддас қизчаси томон қараб олиб.— Овқатдан кейин белаيمان.

— Овқатланмадингизми? — Ҳошимжон бориб пашшахона этагини кўтарди, дикирлаб ётган Озодани қўлига олиб, бағрига босди.

— Бирга ермиз, деб кутдим.  
 — Етти ойлик туғилган, деб ким айтади, қаранг тетиклигини,— деди Ҳошимжон Озодани икки қўлидан тутиб оёғига қўяркан.  
 — Кўз тегмасин,— деди Муқаддас, ғалати бир сурурдан дили энтикиб.— Мен овқат олиб чиқаман,— дея нариги ҳовлига кетди...  
 — Трофея дегани нима? — сўради Муқаддас, иштаҳа билан шавла еяётган эрига тикилиб.  
 — Мусодара қилинган нарсалар,— деди Ҳошимжон қошиқни ялаб.— Немисларники.  
 — Бизни аскарлар олган нарсаларми?  
 — Шундай десаям бўлади,— деди Ҳошимжон ва бир оз ўйланиб, қўшиб қўйди:— Улар баттар қилган. Ҳатто аёллар сочини қирқиб кетишган.  
 — Қанақа нарсалар экан?  
 — Ҳар хил. Тўғноғичдан тортиб, қандилу девор соатигача бор,— дея Ҳошимжон лаганга қараб олди. Шавла бир-икки чўқиланганича турар эди.— Эрта-индин баъзиларидан олиб келаман, кўрасиз. Кийилмаган пайпоқ, момиқ рўмоллар бор.  
 — Керакмас,— деди Муқаддас осойишта қатъийлик билан.— Опкела кўрманг. Ҳазар қиламан.  
 — Ихтиёрингиз,— деди Ҳошимжон бир оз таажжубланиб.— Бари бир идораларга тақсим қилинади.  
 — Идорадагилар киядимми шунақа молни?  
 — Етимхоналар қанча. Ҳаммаси юпун. Институт, техникум ётоқхоналарида муҳтожлар тўлиб ётипти, юлиб олишади.  
 Муқаддас индамай қолди. Ҳошимжон ҳадеб бир ўзи овқатга қўл чўзаверишни эп кўрмай, қошиқни лаган четига қўндириб қўйди, чой хўплади.  
 — Бирон касалингиз борми? — сўради у хотинига тикилиб.  
 — Касалим йўқ шекилли,— тушунмай жавоб берди Муқаддас.— Нимаиди?  
 — Нега овқат ейишингизнинг тайини йўқ? Нуқул чўқилайсиз-қўясиз. Озиб кетганингизни қаранг. Ахир болага сут керак-ку,— дея Ҳошим қўлини артди.— Ёки бирон нарсдан кўнглингиз тўлмаяптими? Кечалари уйқингиздаям хўрсиниб чиқасиз. Бехосдан Муқаддаснинг дилидаги нозик пардага тегиб кетганини Ҳошимжон билмас эди.  
 — Иштаҳам йўқ, нима қилай? — деди Муқаддас оғриқ берадиган мавзудан чекиниб.— Ангур сувини ҳам ичиб кўрдим.  
 — Эртага иштаҳа дори олиб келаман, оғзингиз тинмай қолади.— Ҳошимжон ҳазил қилган бўлди. Аслида эса у жуфтлик сурурининг гаштига энди тушуна бошлагани учун хотини тўлароқ бўлишини, қучганида қўли роҳатланишини ич-ичидан орзу қилар, бунинг учун ҳар қанча чора керак бўлса, сарфига туриб беришга тайёр эди.— Ёки биронта дўхтирга олиб бораймми?  
 — Дўхтирингиз дардимни тополмайди,— деди Муқаддас кулгига олиб...  
 Эртасига эрталаб у кечқурун тайёрлаб қўйган кителни эрига тута туриб:  
 — Майли,— деди.— Трофея деган нарсаларингиздан олиб келақолинг.  
 — Бу бошқа гап,— деди Ҳошимжон, хотинида пайдо бўлган ўзгаришга унча ажабланмай: аёллар ўзи шунақа, олдинига ғиди-биди қилишади, кейин шилқ этиб тушишади-қолишади.— Адангиз ҳам хўп қулоғимга қўйдилар.  
 — Нима деб?  
 — Қимматбаҳо нарсалар чиқса бегона қилма, дедилар. Тилладан тишларига қоплама ясаттирармишлар! Ойингиз шойи газлама буюрдилар.  
 — Мен тилла тиш қўйдирмийман,— деди Муқаддас, отаси билан онаси ўлжани пайқаб, дарҳол панжа босганларидан оғриниб.— Шойи-газмол ҳам керакмас. Жўнроғи ҳам бўлаверади.  
 — Нега энди? Энг аълоси сизга,— деди Ҳошимжон хотинининг кўнглини кўтариш ниятида.— Дўхтирга борамизми?  
 Муқаддас кинояли кулди:  
 — Айтдим-ку, дўхтирингиз дардимни тополмайди, деб.  
 — Ким топади?  
 Муқаддас жавоб бермай, бешик томон кетди.

Буюмнинг ҳақиқий нархи Ойнисага маълум эмас, шунинг учун Муродхўжа акадан яна қанча миқдорда пул кўтаришни билмас, заргар маслаҳатига муҳтож эди. Агар заргар тузук баҳо қўйса, Муродхўжа акадан яна пул ундириши, олгани қайнонаси маъракасини қоплаб, тагин рўзғор ҳаражатларига ҳам қолиши мумкин. Аммо Чорсу бозори мачитининг биқинида қалашган дўкончаларнинг биридаги заргар, аввал буюмни кўриш керак, тахминдан айтиб бўлмайди, балки қиммат нарсадир, балки жездир, олиб

келинг, деди. Ойниса хўп дея, ортига қайтди, кечки пайт яна паранжига ўраниб, Муродхўжа аканикига чиқди.

— Майли,— деди Муродхўжа ака ва ўймакор тоқчадаги қутидан тиллақошни олиб, танча четига қўйди.— Мана буюмингиз. Олиб кетишингиз мумкин.

— Раҳмат.— деди Ойниса чачвон ортидан, уй эгасининг ҳимматига қўйил қолиб.— Худо сизни кам қилмасин.

— Иншооллоҳ.

Ойниса тиллақошни олиш учун жойидан қўзғалган эди, Муродхўжа ака безакка қўлини қўйди.

— Шошманг,— деди у ширин табассум билан.— Аввал мен берган пулларни қайтаринг, кейин, марҳамат, олиб кетаверинг, синглим.

Ойниса серрайиб қолди.

— Ҳозир пулим йўқ,— деди у чора ахтариб.— Буни сотай, кейин берганингизни қайтараман.

— Йў-ўқ, синглим,— деди Муродхўжа ака чўзиб.— Мунақаси кетмайди.

— Пулни қаттан оламан, амаки? — зорланди Ойниса.— Буюм сизнинг қўлингизда-ку.

— Тўғри. Буюм менда. Лекин сизга бериб юборгудек бўлсам, орамизда гувоҳ йўқ, сиз олган пуллардан тонворсангиз, мен кимга бориб арз-дод қиламан? Ким гапимга ишонади? Тўхмат, дейди. Бай-байлаб қолавераман.

— Наҳот тонади деб ўйласангиз, амаки? — деди Ойниса ноилж аҳволда.— Ахир инсоф-диёнат деган нарсалар бор-ку.

— Э, синглим,— деди Муродхўжа ака сохта азият билан.— Шу замонда инсоф-диёнат қолдимиз?

— Нима қил дейсиз бўлмаса? Ахир матоҳим савил сизда-ку!

— Олганингизни қайтаринг, йўли шу синглим,— деди Муродхўжа ака жиддий тарзда.— Агар рўзгорингиз танг бўлса, айтаман, икки коса ун беришади. Бошқасига қурбим етмайди. Биз ҳам жўжабирдай жонмиз.

Ойниса пиқ-пиқ йиғлар, паранжиси силкинар эди.

— Йиғламанг, синглим, сизсиз ҳам юрак адо бўлган,— деди Муродхўжа ака хўрсиниб.— Қарз кўтаринг биронта заргардан, битта йўли шу.

— Заргар бермаяпти, буюмни кўриш керак, дейди,— йиғи аралаш зорланди Ойниса.

— Ана, кўрдингизми? Сиз инсоф-диёнат, дейсиз. Ҳозирда ким бировга ишонади? — дея нолиган бўлди Муродхўжа ака.— Мана, ўзимни олинг. Буюмингизни менга гаровга беринг, деб мен бормадим, ўзингиз ёлбориб чиқдингиз. йўқ демадим, бошингизга мусибат тушипти, ёрдам бердим, исноддан қутқардим. Энди ўз сарфимни ундиролмай калака бўлиб ўтирибман. Тағин даъво қиласиз. Ахир молингизни тортиб олаётганим йўқ-ку, атиги берганларимни қайтаринг, матоҳингизни олиб кетаверинг, деяпман. Шу айбми?

Бундай ваъзбозликдан кейин Ойнисанинг мияси чувалашиб кетди, у ўзини айбдордек ҳис қила бошлади, ҳатто йиғидан тўхтади.

— Қайнонамнинг йиғирмаси, амаки, нима қилай? Бирон йўл кўрсатинг,— таслим бўлгандек ёлборди Ойниса.

— Маърақасини ўтқазманг, маслаҳат шу,— деди Муродхўжа ака тетик овоз билан.— Ўтқазиш шарт, деган гап қуръондаям йўқ. Замон оғир. Ҳеч ким айб қилмайди, бу гуноҳ эмас. Вақти-соати билан кейинчалик, ўғли омон-эсон келса, ўтқазиш қочмайди, инobatга ўтаверади. Дарвоқе, эрингиздан хат-хабар келиб туриптими?

— Бир ойдан бери дарак йўқ,— деди Ойниса хўрлиги келиб.

— Келиб қолар,— деди Муродхўжа ака овутирган бўлиб.— Хатлар ойлаб изғиб юрармиш.

— Шояд...— деди Ойниса яна йиғламсираб.

— Ўзингизнинг кимларингиз бор? Ота-онангиз ҳаётмилар?

— Онам қазо қилганлар,— деди Ойниса чуқур қайғуда.— Отам комиссар эдилар, ўттиз саккизинчи йилда ҳибс қилишган халқ душмани, деб. Ёлғиз ўзимман.

— Пешонаи тақдир, синглим, бандаларининг қўлидан нима келарди, ҳаммаси худодан. Чидашдан булак иложимиз йўқ, синглим.

Ойниса чиқиб кетгач, Муродхўжа ака Шотурсун ғилайни чақиртирди.

— Шукур мўйловни топиш керак,— деди Муродхўжа ака остона берисида омонат ўтирган Шотурсун ғилайга.

— Хўп,— деди у, кейин сўради.— Шукур мўйлов ким ўзи?

— Мелиса-чи, Шукур мўйлов,— деди Муродхўжа ака хизматчисининг бефаросатлигидан ижирғаниб.— Ҳар куни кўрасан-ку!

— Ҳа-а! деди Шотурсун ғилай ҳозиржавоблик билан.— Ўзимизнинг Шукур мўйловми? Танийман. Мен билан салом-аликни қанда қилмайди. Сизга салом айтиб туради.

— Балли,— деди Муродхўжа ака юмшоқ кулиб.— Уша киши бир маслаҳат учун керак бўлиб қолди.

— Ҳозирми?

— Ҳозир.

— Хўжайин, хуфтон яқинлашиб қолди, эшик қоқиб борсам, малол келмасмикин?

— Ҳечқиси йўқ,— деди Муродхўжа ака сиполик билан.— Элчига ўлим йўқ. Мени айтди, дейсан...

Қозондаги сув қайнай бошлагач, Улмаснинг онаси — Мунис опа қўлидаги ярим литрли шиша банкани ариққа ботириб совутмоқда эди, кўча эшик тақиллаб қолди. Одатда ким бўлмасин эшик тақиллатиб ўтирмай, тўғри келаверар, почтачи-ку доим шанғиллаб кирар, ўғлидан келган хатга бирон нарса ундирмай чиқиб кетмас эди. Бу ким бўлди экан?

— Эшик очи-иқ! — деди Мунис опа ариқ бўйидан.— Кираверинг!

Эшик қия очилиб, остонада оҳори тўкилмаган банорас-паранжи ёпинган, оёғида амиркон маҳси-кавуш нотаниш аёл кўринди. Чачвони бўлганидан Мунис опа бу аёл кимлигини тахмин ҳам қила олмади. Аввал-охир бунақа башанг кийинган бирон кимса бу ҳовлига кирган эмас эди, Мунис опа хийла ўзини йўқотиб, қаддини ростлади, эшик томон юра бошлади.

— Келинг, айланай,— деди у ҳадик аралаш мулозамат қилиб. Паранжили аёл жойидан жилмас, иккиланарди чоғи.— Адашдингиз шекилли,— деди Мунис опа узр оҳангида.

Аёл икки-уч қадам ташлаб, ичкарига кирди, бир нарсадан хавфсирагандек ортига бурилиб эшикни ёпиб қўйди, сўнг бир силтов билан чачвонини бошига ташлади.

— Вой, Муқаддасхон! Айланай сиздан! — Мунис опа ўзини йўқотиб қўйди, додираб қолди. Уғли билан қўшни қиз ораларида ўтган муносабатни бир пайтлар пайқаган, ўғлига танбех берган эди. Ҳозир бу қиз турмушга чиққан, оилали, қизчаси бор. Нима муддаода келган бўлиши мумкин?

Муқаддас жилмайди, улар кўришишди.

— Нечук худо ярлақаб? — сир бой бермай тетик овозда сўради Мунис опа ва шундоққина ёнидаги чорпоя томон жилиб, кўрпачани тўғрилади.

Муқаддас паранжисини ечмай, чорпоя четига ўтирди. Қўл очиб, фотиҳа тортишди. Тавба, деб ўйлади Мунис опа, мунча чиройли бўлмаса? Қош-кўзи қоп-қора, ёнади. Уғли бекорга шайдо бўлмаган. Узлари ҳам тасқара эмас, болалари чиройликина. Уғли хунук бўлганида, бу қиз унга қиё боқармиди?

— Зерикиб кўчага чиқувдим, бир кириб ўтай, дедим. Ахир қўшнимиз-ку,— деди Муқаддас ўз ташрифига оддий тус бериш мақсадида.

— Худодан айланай, шундай ниятни дилингизга солипти,— деди Мунис опа ҳамон гумонсираб.— Чой дамлаб келай, ҳозир,— дея Мунис опа кўзғалмоқчи эди, уни Муқаддас ушлаб қолди.

— Мен тураман,— деди эътироз билдириб.— Қизим бешикда. Уйғониб қолади.

— Хўп, хўп,— дея Мунис опа қайта ўтирди.

— Кеннойи, қалай ўтирибсизлар? — жиддий сўради Муқаддас.— Тинч омонмисизлар! Амакимдан, ўғлингиздан хат-хабар келиб туриптими?

— Худога шукр, бир кунимизни кўряпмиз,— деди Мунис опа хиёл бўшашиб.— Хат келиб турипти.— Мунис опа «нега сўраясиз», деган савол бермоқчи эди, одобсизлик бўлади, деб, индамай қўяқолди, жавоб ўзидан чиқишини кутди.

— Кеннойи,— деди Муқаддас ўйланиб.— Агар ғашингиз келмаса, бир оз қўл учида бўлсаям ёрдам бериб турсам, дегандим. Кўнасиизми?

Мунис опа учун бу таклиф кутилмаган эди, у ҳушёр тортиди.

— Ҳозир биров бировга ёрдам берадиган пайт эмас,— деди лаҳза сукутдан сўнг.— Бирон муддаоингиз бўлса, айтинг.

— Ҳеч қанақа муддаоим йўқ, кеннойи,— деди Муқаддас ҳам жиддий тусда.— Амаким, ўғлингиз қайтгунларича касалга чалиниб қолманглар, дейман. Кўчаларни қаранг, одамлар очликдан шишиб ўляпти. Ҳозир ўз кўзим билан кўрдим, аравада териб олиб кетишди.

— Жудаям ўлар ҳолатда эмасмиз, Муқаддасхон,— деди Мунис опа оғриниб.— Бекордан-бекорга ёрдам бераман, дейишингизни нимага йўйишням билмай қолдим.

— Ҳаёсизлик бўлиб кўринсаям, айтай, кеннойи,— деди Муқаддас, дилига тугиб қўйган сирини дангал очиб.— Улмас акамни яхши кўраман! Уғлингизни! Ёрдамим шундан.

— Унақа деманг, Муқаддасхон, уят бўлади. Бошингизда эрингиз бор. Қиз кўрдингиз. Эшитган қулоққа хунук. Тавба, денг, синглим. Бизни ҳам иснодга қўйманг, оиламизга нотинчлик солманг.





бўлишади... Учрашувлари бузилгани яхши бўлмади, албатта. Ҳалиям шўрлик паришон бўлиб юргандир. Ҳалиям умидини узмагандир, кутаётгандир. Адресни билса, албатта ахтариб келарди. Яшшамагур тиш! Ҳамма режаларни бузди.

Заҳро яқшанба куни эрталаб туриб ювинди, укасини мактабга жўнатди, ойнага қаради. Шиш ҳалиям тарқаманган, юзи сал қийшиқ кўринар эди. Шу аҳволда борса бўлармикин? Шиш босилишини ҳам кутмапти, чопқиллаб қопти, демасмикин? Зарари йўқ, атр-упани ишга солади. Трамвайдан тушганидан кейин лабини қизартириб, киприкларини қайириб бўяйди, тамом, йигит лунжига эътибор ҳам бермайди. Эътибор берса, нима бўпти? Тирик жон, касал бўлмаган одам борми? Қайтанга лунжидан шиш батамом аримагани яхши ҳам, ана у куни келолмаганининг яққол исботи. Бунгаям ишонмас, суғириб олинган ташининг ўрнини кўрсатади, ҳалиям битгани йўқ. Ишонади. Ишонмай қаёққа боради?

«Тўхта! — деди Заҳро ойнадаги аксига тикилиб. — Нега энди шунча сабаб ахтариб, ўзимни оқлашим керак? Нега олдида тутдек титрашим, тилим қисқиб бўлиши керак? Бирон нарса деб ваъда бердимми? Умидвор қилдимми? Агар тергаса, шартта буриланман-кетаман. Қарзим борми, ундан ҳадиксираб? Этагимдан бўлак оғирлигим йўқ».

Заҳро ўзига қанча далда бермасин, у Маъсуддан негандир ҳайиқар, унинг эътиборидан четда қолишни истамас ва бу ғулғуланинг остида бошқа нарса пайдо бўла бошлаганини, яъни ҳеч қачон ҳақиқий тўғу синовини ҳис қилмай, бунақанги ғалати ва ширин безовталики энди унинг дилида куртак ёза бошлаганини ўзи ҳам билмас, билмаганидан ҳар кўйга тушар, жисмида аллақандай беқарорликни сезар эди.

Заҳро «Тупроққўрғон» дарвозасига етиб келганида, вақт тушга яқинлашиб қолган, кун илик, ҳавода ўрик гуллари чирпирар эди. У ичкарига кириб кетаётган бир офицерга нималарди деди, офицер бош ирғаб, дарвоза ортида ғойиб бўлди. Заҳро нарироқ бориб, Маъсудни кута бошлади. Очликдан қорни ғулдираб, ҳарчанд хаёлини чалғитса ҳам, кўз ўнгидан нон кетмас, қизнинг кўнглини беҳузур қиларди.

Уруш пайти бўлгани учун Штабнинг иши тўхтамас эди. Бугун яқшанба эканлигига қарамай, офицерлар ўз жойида — бири телефонда гаплашар, иккинчиси охири сводкаларни жамлар, яна бири маъмурий топшириқ бериш билан банд. Маъсуд бугун рухсатнома оладиган куни, аммо у уйига боргиси келмаган, ҳар кунги хизматига чиққан эди. У ҳозир ўз жойида ўтирар, катта офицерлар топшириғини кутарди. Унинг бу ердан жилмаслигининг бўлак сабаби ҳам бор эди. Анаву куни Заҳро ваъдасига биноан учрашувга келмади. Маъсуд Анҳор бўйида кечгача кутди. Унинг олдидан бозорга ўтган одамлар, қанча юмушларини бажариб қайтишди ҳам, Заҳродан дарак бўлмади. Тўғри, ёмғир ёғиб турувди, кийими юпун, балки ивиб кетишдан кўрқиб, ёмғир тинишини кутгандир? Ёмғир эса ўша куни умуман тинмади. Маъсуднинг ўзи ҳам горнизонга ивиб қайтди. У ётоғига кирганида, ташқарига қоронғу тушиб бўлган эди. Демак, тушдан шомгача кутипти. Нақадар қийналди Маъсуд! Қандай умидлар билан учрашувга энтикиб борувди! Хаёлида қанақа жозибали режалар, қизга атаб қўйган сўзлар бор эди-я! Қиз тушмагур ҳаммасини барбод қилди. Бетайинроқ кўз эканми? Ахир одамни шу қадар алдаб, интизор қиладими? Лоақал келиб айтиб кетса бўларди-ку!..

Трамвайга чиқса, ярим соатлик йўл... Балки имкони бўлмагандир, бирон нарса халал бериб қолгандир, уйдагиларни чиқаришмагандир. Ўзи анову куни унчалик енгилтабиат кўринмади, гаплари маъноли, ўз қадрига етадиган... чиройли, ушқоқмат. Дарвоқе чиройли бўлгани учун ўзини тарозига соляптимикин? Еки бошқа нарсалардан андиша қиляптимикин? Атиги уч ой Маъсуддан катта экан. Шуюм фарқми?

— Хўжаев! — деди лейтенант эшикдан мўралаб, ҳарбийларга хос дағал овозда. Маъсуд дарҳол ўрнидан сакраб туриб, унга честь берди.— Опанг кутяпти. Дарвозада.

— Синглим, ўртоқ лейтенант,— деди Маъсуд қаққайган ҳолда.

— Менга бари бир, чиқ!

Бугун ҳаво яхши, икки ҳафтадан буён Маъсуд уйига бормади, соғинган бўлса, Муқаддас келипти-да. Қизалоғини олиб келганмикин? Анча ёқимтой бўлиб қолипти. Уйдагилар, албатта, Маъсуддан кўнгиллари тўқ, хавотир олишмайди, негаки деярли ҳар куни Ҳошимжон билан кўришиб туришади, Ҳошимжон аллақандай қоғозлари билан штабга ҳам кириб туради. Тўрт кун бурун Ҳошимжон Маъсудни омборига чақирди, трофея моллар келган, кўнгилга ёққан нарсани танлаб олинг, деди. Маъсуд аввалига рози бўлмади, кейин Заҳро эсига тушиб, югуриб борди.

— Нима қиласиз буларни? — таажжубланиб сўради Ҳошимжон, Маъсуд танлаган нарсаларни кўздан кечириб.— Бу аёллар учун-ку. Сиз ўзингизга мосини танланг. Қўл соатлари бор, момиқ шарфлар, ҳаммаси антиқа. Маъсуд индамай ўзи танлаган нарсаларни олиб кетди, Ҳошимжон ҳайрон бўлиб қолди.

Маъсуд синглиси келиши муносабати билан кеча ўзи рад қилган рухсат гувоҳнома-сини бошлиғидан қайта сўради. У ҳозир Муқаддасни бир оз шаҳар айлантиради, топилса музқаймоқ ейишади. Кинога киришмайди, албатта, Муқаддаснинг қизалоғи чинқириб беради, барибир залдан чиқариб юборишади. Балки циркка киришар. Улмасдан келган хатни айтмайди, энди бунинг аҳамияти йўқ.

Маъсуд кўчага чиққач, ҳанг-манг бўлиб қолди: йўлканинг четида Заҳро турарди...

Шукур мўйловнинг хотини, болалари ичкарига киришга ҳайқишар, рўзгор юмушлари билан ўзларини чалғитишар, қоронғу тушишини пойлашар эди. Қоронғу тушишини Шукур мўйлов ҳам кутарди, чунки кўз остига олиб қўйган ва ҳар куни мунтазам равишда НКВД маҳкамасига етиштирган ахборотида номлари қайд қилинган, ҳибсга олиниши кесрак бўлган кимсалар кундузлари турли юмушлар билан овора бўлиб, кечкурун ўз уйларига қайтишга мажбур эдилар, шундагина Шукур мўйлов бориб уларни «босар», қўлларини орқаларига боғлаб, район ҳарбий комиссариатга элиб берар эди. Шубҳасиз, бунақанги одамлар орасида дайдилар, қочоқлар, бошқа шаҳар ва районлардан пана қидириб келган шахслар учраб, уларнинг на паспорти, на маҳаллий пропискасининг тайини бўлар, ўзлари турган жойлардаги тинтувдан нарироқда юриш учун бу ерларга келиб қолишарди. Ҳеч ким танимайди, деб ўйлашар, аслида шундай бўлиб ҳам чиқар, аммо бари бир бориб-бориб Шукур мўйловга ўхшашларнинг тузоғига тушишар ҳужжати борлари тўппа-тўғри «передовой»га жўнатилар, ҳужжатсизлари штраф батальонларига равона қилинар эди.

Давлат тузуми Шукур мўйловга ўхшаганлар ҳисобига тартиб ўрнатар, шуларнинг тиришқоқлиги эвазига «темир тузум» борган сари «метин»га айланар ва республиканинг ҳар бир районида ўзининг «Шукур мўйлов»лари бўлиб, бунақангилар одамларни қақшатиш бадалига давлатдан бирмунча имтиёзлар олишар, айниқса фронтга жўнатилиш хавфидан озод эдилар. Бундайлар НКВД пинжиге обдан кириб олгач, давлат имтиёзидан ташқари чексиз ваколатга эга бўлиб, кези келганда халқни талашар, мусодала қилишар, жабрланганлар бай-байлаб қолишаверар, шикоят, арзи-дод қилишга ботина олишмас, акс ҳолда баттар қувғинга дучор бўлишлари мумкин эканлигини тан олишар эди. Одамлар Шукур мўйлов тугул, ҳатто унинг болаларидан ҳам кўрқишар, кўчада учраб қолишса, четлаб ўтишга, ёки орқага қайтиб кетишга мажбур бўлишар эди. Бундай ҳолни сезган Шукур мўйловнинг болалари айнан вазиятни борлигича эътироф қилишар, ҳаёт тарзи шунақа экан-да, биров қочади, биров қувади, биров буюради, биров бажаради, деб ўйлашар, аммо бозор-ўчарга ўхшаган гавжум жойда отасининг номи лаънат ёки хавотир билан тилга олинганини сезиб, аввалига ғазаблари қайнар, бундай одамларни эслаб қолиб оталарига етказишга аҳд қилишар, бироқ «қовурдан» тушишгач, оталарининг «тум-тарақай» қилувчи ҳаракатларини эслаб, баъзи кезларда мулзам бўлишар, одамларга дуч келмасликка уринишар эди. Шу билан бирга ота шу қадар «қаттиққўл» бўлмаса, рўзгордаги тўкинлик қаёқда эди? Ота бечора бошқалар қатори аллақачон урушга кетган, балки ҳалок бўлиб, булар бу ерда бир бурда нонга зор қолишган бўлишармиди? Ахир бунақалар қанчадан-қанча уларнинг ўзлари айбдор. Агар урушдан бош тортишмаса, қочиб-почиб юришмаса, ота шўрлик кечани-кеча, кундузни кундуз демай, қорга, лойга беланиб уларнинг орқасидан изғирмиди, қувармиди? Қийратармиди? Бечора ота ҳар галги «ов»дан кейин ҳолдан тойиб, аранг уйга кириб келади, этигини ечишга ҳам мадори етмай, ўтириб қолади, юраги ҳапқиради, ўзига келгунича уйдагилари атрофида парвона бўлишади. Ҳар куни аҳвол шу. Саҳар, болалари уйқуда пайти у апил-тапил кийиниб, енгил-елпи нонушта қилиб, ёнида тўппонча, «ов»га ошиқади, «ўлга»дан кўнгли тўлмаса, ижирғанади, фалончи аблаҳ яна қўлга тушмади, чап бериб кетди, деб ғазабга тушади. Бундай кезларда уйдагилари ҳам четроқда, отасининг кўзига тушмасликка ҳаракат қилишади. Аммо «ов» яхши ўтган бўлса, Шукур мўйлов уйига чўп билан тишини кавлаб киради, кўзлари мамнуниятдан йилтирайди, уйдагиларининг ҳадикдан қалтираб турган диллари ором олгандек, дарров «ғолиб» ота атрофида гиргиттон бўлишади, гўё ота ўз жасорати билан мудҳиш офатни бартараф қилгандек... Ота ҳам ўз ғалабасини эътиборсиз қолдирмайди: баъзан сандиқчадаги мушак отадиган тўппончасини чиқариб, даранглатади. Бу тадбир одат тусига кириб қолган. Хо кундузи, хо кечаси бўлсин Шукур мўйлов «ов»дан муваффақиятли қайтиши билан тўппончани бўшатиши шарт. Айниқса кечалари бу тадбир алоҳида гаштга эга: қоп-қоронғу осмондаги лағча мушак баъзан қизил, баъзан яшил учқунлар сачратиб, ҳаммаёқни ёғду билан ёритади, йўл-йўлакай сўниб, осмоннинг зимистон қаърида ғойиб бўлади. Буни кўрган одамлар яна кимларнингдир ёстиғи қуригани, кимларнингдир хонадони қаровсиз қолганлигини ҳис этишади.

Муродхўжа ака билан бўлган мунозарадан кейин Ойниса ўзини йўқотиб қўйди, унинг иродасини тушкунлик буткул қамраб олди, чора топишга кўзи етмай қолди. Эртасига Чорсудаги заргарга яна учради, заргар Ойнисанинг умидини барбод қилди — қарзга пул бермади. Ойниса паранжи остида йўл-йўлакай йиғлаб келди. Қайнонасининг йигирмасини овоза қилишмаганда ҳам бир нав эди, энди нима бўлади?..

— Сандиқни бозорга оптушиб кўринг, болам,— маслаҳат берди Шамси хола Муродхўжа акадан булак наф чиқмаслигини англаб. У охириги пайтда, айниқса кампир

ўлганидан кейин бу хонадонга тез-тез чиқиб, Ойниса бозор-ўчарга кетганда, боласини олиб қолар, ҳатто қўрқмаслиги учун баъзан кечалари ётиб ҳам юрарди.— Шохалилга айтиб қўяман, эрталаб аравасида олиб кетади.

— Сандиққа қанча беришаркин? — ишончсизланиб сўради Ойниса.— Маъракани кўтарармикин?

— Борига барака,— деди Шамси хола.— Қанчага сотилса, шунга қараб сарф қиласиз.

Мана бугун Ойниса сандиқни Шохалил аканинг аравасига юклаб бозорга олиб боради. Кеча Шамси хола тайинлаб қўйган, ҳали-замон Шохалил ака чақириб қолади. Шамси хола ҳам чиқиб, боласига қараб ўтиради.

Ойниса ошмон ёришдимикин, деб деразага қаради. Дераза шарпасини кўз аранг илғар, ташқарида ғира-шира энди бошланган эди. Тонг отишига ҳали эртароқ, одамлар саҳарги намозга ҳам туришмаган эди, Ойниса яна бир оз ухлаб олиш учун, ёнига бурилди, кўзи илинди.

Кўча эшик гурсиллади, яқин-йироқдаги итлар вовиллаши эшитилди. Ойниса уйғониб кетди. Эшик яна гурсиллади. Шохалил ака бўлса керак деб ўйлади Ойниса ва ухлаб қолганидан ҳижил бўлиб тез кийина бошлади. Аммо ташқари ҳамон қоронғу, ёнғоқнинг тупи ҳатто кўзга аранг чалинар эди. Демак, кўзи кетганига унча кўп вақт бўлмапти. Шохалил ака ўзи шунақа барвақт туради, одамлар уйғониб юз-қўл ювгунларича, бир талай ишларини бажариб улгуради.

Ойниса айвонга қикди. Эшик яна гурсиллади. Ҳа, бу, албатта, Шохалил ака, Шамси хола бўлганида бунақа қаттиқ тақиллатмас эди.

— Ҳози-и-ир! — дея бақирди Ойниса ва қоронғида оёғи билан пайпаслаб, қалишини кийди, югуриб ҳовлига тушди. Эшик ҳамон гурсиллар, итлар оламни тутиб ҳурарди.— Ҳози-и-ир! — Ойниса эшик томон югурди, тамбани олиб деворга тиради.

— Шохалил ака! — узрли оҳангда деди Ойниса, шунча кутдириб қўйганидан мулзам бўлиб ва эшикни очди.

— Мен Шохалил ака эмасман,— деди эркак кишининг шарпаси.

Ойниса разм солган сайин, бу одам ҳақиқатда Шохалил ака эмаслиги аён бўла бошлади. Остонада бароққош, шопмўйлов, гимнастёркаси устидан чарм тасмалар ўтқазилган киши турарди. Ойниса уни таниди, таниши билан юраги орқасига тортиб кетди.

Бу Чақарда турадиган Шукур мўйлов эди. Бу хонадонда унинг нима муддаоси бор? Эркак киши йўқ, Ойнисанинг эри урушдалигини Шукур мўйлов яхши билади-ку!

— Келинг,— деди Ойниса кўрқиб.

— Шунақа қаттиқ ухлайсанми? — деди Шукур мўйлов ва ижозат сўрамай, остона ҳатлади. Ойниса чекиниб йўл берди, Шукур мўйлов қўлини орқасига қилиб, ичкари юра кетди.— Сени деб бутун маҳаллани уйғотиб юбордим.

— Айбга буюрмайсиз, амаки,— зорланди Ойниса унинг ортидан йўрғалаб.— Кеч ётувдим.— Ҳозир бачканаларни ахтаради, ҳамма ёқни ағдар-тунтар қилади, деб ўйлади Ойниса кўрқувда, аммо шуни билиш учун каллаи саҳарда бостириб кириш шартмиди? Кундузи келсаям бўларди-ку.

Шукур мўйлов айвон олдида тўхтади.

— Чироқ ёқайми? — хавотирланиб сўради Ойниса. Бу одам, албатта, яхши ниятда келган эмас, унинг устига тонг отмасдан кириб келди. Агар Ойниса сал унинг феълига ўтиришмайдиган сўз айтиб юртorsa, баттар эти тиришади, айб қидира бошлайди, бирон ишқал топайди, шунинг учун эҳтиёт бўлиш керак. Акс ҳолда бу одамдан хатар орттириш турган гап. Буни кўрганлар бежиз тирқирашмайди...

— Йўқ, керакмас,— дея Шукур мўйлов гимнастёрка чўнтагидан икки букланган бир парча қоғоз олди.— Саводинг чиққанми?

— Тўлиқсиз,— деди Ойниса иккиланиб: қайсиниси тузук — саводим чиқмаган, деса, буни қарши ишлатиши, саводим бор, деса, бундан ҳам бир ўян топиши мумкин. Анову қўлидаги қоғози нимаси? Наҳот қорахат бўлса? Лекин қорахатни одатда почтачи олиб келарди-ку. Нега энди бу тадбирни шу одам бажариши керак? Почтачи бунақанги хабарни етказавериб, зада бўлган, қанча хонадонлардан юзи юлиниб чиққан. Балки шунинг учун бундан илтимос қилгандир? Шукур мўйлов уни аяб, шум хабарни ўзи келтиргандир?..

Ойнисанинг боши айлана бошлади. У ҳозир қорахатни олиб ўқийди, кўнгли сезиб турипти, аммо дод дейишга ҳам ҳоли йўқ, ишқилиб ҳушидан кетиб, йиқилмасин-да. Шунча уқубатлар устига энди бу мусибат! Мунча пешонаси шўр бўлмаса? Қўллари қалтираб, қоғозни олди, ғира-шира бўлгани учун кўзи ўтмади. Шукур мўйлов ёнидан батареяли фонар чиқариб, ёқди, қоғозга тутди. Қоғоз қорахатга ўхшамасди. Ойниса нима ёзилганини англамас, аммо бари бир хунук нарса эканига шак-шубҳа йўқ эди.

— Тушунмадим,— дея Шукур мўйловга мўлтираб тикилди Ойниса.

— Отанг қамоққа олинган экан, шундайми? — деди Шукур мўйлов қоғозни олиб.

— Шундай...

— Халқ душмани экан, биласанми?

— Қайдам...

— Уттиз тўққизинчи йилда отилган экан. Буни биларсан?  
 — Йўқ...— Ойниса даф-даф титрар, кўзлари жиққа ёшга тўлган эди.  
 — Мана бу қоғоз — буйруқ,— деди Шукур мўйлов Ойнисанинг йиғисига парво қилмай.— Кимларинг бор?  
 — Қизчам,— аранг гапирди Ойниса.— Тўрт ёшда.  
 — Халқ душманининг қизи экансан, сен ҳам қамоққа олинишинг керак, аммо боланг боракан, майли, бу чора ҳозирча сенга нисбатан қўлланмайди.  
 — Раҳмат, амаки, раҳмат,— деди Ойниса, ҳатто овозини чиқариб йиғлашдан кўрқиб.— Яхшилигингизни унутмаймиз, дуо қиламиз...  
 — Аммо шаҳарда истиқоматга, яъни яшашга ҳаққинг йўқ,— деди Шукур мўйлов совуққонлик билан.— Мухлат 24 соат. Шаҳардан чиқиб кетишинг керак.  
 — Вой,— ҳанг-манг бўлиб қолди Ойниса.— Қаёққа? Нега ҳаққим йўқ?  
 — Қоида шунақа.  
 — Нима айбим бор, амаки? — зорланиб сўради Ойниса.— Қаёққа бораман?  
 Замонни кўрмаяпсизми? Бир тийин пулим, бир бурда ноним йўқ...  
 — Қоида шунақа, дедим-ку. Мухлат — 24 соат.  
 — Қаёққа бораман?  
 — Андижоннинг Марҳамат районига. Қоғоз берамиз.  
 — Мен у ерларни билмайман, амаки.  
 — Униса билан ишимиз йўқ. Агар бир суткада чиқиб кетмасанг...  
 — Поездга пулим йўқ, амаки. Очликдан ўлиб кетамиз. Болам бор.  
 — Шунинг учун сени боланг билан поездга опчиқиб қўйишади. Етиб оласан. У ёғи ўзингдан. Бирон иш беришар.  
 — Бир ҳафтадан кейин қайнонамнинг йигирмаси,— деди Ойниса ёлбориб.— Лоақал маъракани ўтказиб олай. Бугун сандиқ сотмоқчи эдим. Ана, эшикнинг ёнида турипти.  
 — Маърака ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас,— деди Шукур мўйлов қатъий.— Тайёргарлигингни кўр. Тамом.  
 — Амаки,— дея Ойниса тиззасига чўкди.— Худо хайрингизни берсин, боламга раҳмингиз келсин. Ҳайдаманг.  
 — Гап тамом,— деди Шукур мўйлов ва секин кўча томон кета бошлади.  
 — Бўлмаса, Шўртепага жунатинг, жон амаки,— деди Ойниса эмаклаб.— Шўртепага. Фарғонада. Танишимиз бор. Шунга рухсат беринг. Жон амаки! Утинаман! Хўп, денг!.. Онамнинг қабри ўша ерда!..  
 — Гап битта! — деди Шукур мўйлов ўшқириб.— Шунгаям шукур қилсанг-чи. Қамоққа олинганигда ҳолинг нима кечарди?  
 Ойниса ер муштлаб, баралла йиғлай бошлади...  
 Бир маҳал ҳушига келиб, сал нарироқда Шохалил акани кўрди. У яқинроқ келишини ҳам, ҳовлидан чиқиб кетишини ҳам билмай, саросимада турар эди.  
 — Ойниса! — деди ербағир бўлиб ётган жувон қимирлай болаганини кўриб. Ойнисанинг сочлари тўзғигач, қовоқлари шишган, кўз ёши бетига суркалиб кетган эди.— Нима бўлди? Тинчликми? — Шохалил ака оқсоқланиб, яқинроқ келди.— Нега ерда ётибсиз?  
 — Сўраманг, Шохалил ака, — деди Ойниса карахт ҳолда. — Шўрим қуриб қолди.  
 — Нега? — ҳеч нарсага тушунмай сўради Шохалил ака.— Уғри тушдимми?  
 — Йўқ,— деди Ойниса ўтирган жойида бошини чайқаб.— Шукур мўйлов келди.  
 — Шукур мўйлов? — Шохалил ака бу номни эшитиши биланоқ юраги шувиллаб кетди. Шукур мўйловнинг қадами етган жойда хатар содир бўлади. Бироқ бу оилага унинг нима хусумати бўлиши мумкин? Балки келин шўрликнинг номусига тажовуз қилгандир? Бунақа ишлар унинг қўлидан келади, ифлос одам.— Тегдими сизга, синглим?  
 — Йўқ,— деди Ойниса тўзғиган сочларини йиғиштириб.— Бадарға қилармиш. Қоғоз кўрсатди. 24 соат мухлат берди.  
 — Бадарға? Сабаб?  
 — Отамни рўқач қилди, халқ душмани, деди. Шаҳарда яшашга ҳаққим йўқ эмиш.  
 Шохалил ака қотиб қолди. Агар Шукур мўйлов ўчакишган бўлса, ўзи балога қолади. Ярим йил бурун ўнг қўлидан ярадор бўлиб қайтган бир йигит урушдалигида шу одамнинг тазйиқи билан оиласи кўп азобларга гирифтор бўлганини билиб очикдан-очик тўқнашган эди, ҳеч қанча вақт ўтмай, йигитнинг ўзи маломатга қолди. Ярадор бўлгани ёлғон, ўзини ўзи отган экан, деган уйдирма билан бечорани қаматиб юборди, мана ҳозиргача ундан ном-нишон йўқ. Шукур мўйлов истаган одамига даъво қилиб, ундан ўчини ола олади. Шунақа зўравон одам. Аммо ўзига пухта, тукис, амалдор кишиларга тегмайди, ҳатто ёрдам беради, болаларини фронтдан олиб қолишгача қурби етади. Энди унинг назари бу оилага тушибди-да.  
 — Шукур мўйлов кўз тиккан бўлса, чатоқ, синглим,— деди Шохалил ака бирон чора кўрсатишга ожизлик қилиб.

— Бўйи лаҳатда чирисин,— дея қарғади Ойниса, гарчи бунақа ибораларни ҳеч ишлатмаса-да.— Нораста гўдакка ҳам раҳм қилмади.

— Энди нима бўлади, синглим?

— Нима бўларди? Уша итнинг айтгани бўлади-да.— Ойниса секин ўрнидан туриб, устини қоқди.— Шохалил ака, худо бошингизга мунақа кулфатларни солмасин, сиздан битта илтимос...

— Хўш, хўш,— дарҳол жавоб берди Шохалил ака, ҳозир бу нотавон жувонга қўлидан келган ёрдамни беришга тайёр эди.

— Анаву сандиқ,— деди Ойниса ўзини аранг ушлаб.— Шуни ўзингиз сотиб келинг, агар шаҳардан ҳайдаладиган бўлсам, бирон муҳтожлигимга ярар.

— Хўп, хўп! — деди Шохалил ака дарров рози бўлиб.— Сиз бу ёғига ташвиш қилманг. Ишларимни четга сурсам ҳам гўрга, буни қиламан. Ишқилиб харидор чиқса бўлгани.

— Кўпам савдолашманг, амаки. Менга пул шу бугун керак.

— Хўп бўлади, синглим,— деди Шохалил ака шошилиб.— Энди мен борақолай. Тонг ёришиб кетди. Бозор қайтмасин.

— Раҳмат, Шохалил ака...

Шохалил ака сандиқни амаллаб кўчага олиб чиқди, аравасига юклади, арқон билан боғлади. Агар сандиқ сотилмай қолса, чатоқ бўлади, ўйлади у ва жонулоғи бўлиб турган уйдаги биттагина эчкини ҳам олиб чиқиб аравага босди. Эчки маърар, типирчилар, боғлатгани қўймас эди. «Эчкига албатта харидор чиқади, деб ўйлади Шохалил ака, арзон-гаров бўлсаям пуллайман, Ойниса шўрлик ҳемирисиз кетса, қоқилиб қолади, нобуд бўлиши ҳеч гап эмас. Тежаб ишлатса, эчкининг пули бир ойга етади. У ёғи — худо кушойиш, ризқи узилмаган бўлса, бир амаллаб кунини кўриб кетади...»

## 21

Ҳошимжон ишга кетатуриб қайнотаси ҳузурига киргани, салом-алик, сўров-истовдан кейин Муродхўжа ака уни гапга тутиб қолди.

— Икки ҳафтадан ошди,— деди бир оз безовта кўйда,— Маъсуддан дарак бўлмапти. Бирон ёққа жўнатворишмадимми ишқилиб?

— Кўришиб турибмиз — деди Ҳошимжон.— Жўнатишса, айтган бўларди.

— Нега келмайди? — сўради Муродхўжа ака нохуш сукут сақлаб.— Ёки уйдан безганми?

— Нега безийди? — савол билан жавоб берди Ҳошимжон.— Биласиз-ку, мақсади фронтга кетиш. Командирларини қисталанг қилади чоғи. Штаб бошлиғига ҳам кирмоқчи бўлиб юрганмиш.

— Қаттан билдинг?

— Бир офицер омборга борувди...— деди Ҳошимжон бу сирни айтиб юбораётганидан ўнғайсизланиб.— Трофея танлагани, ўша айтди.

Муродхўжа ака керакли чораларни кўриб қўйган, Маъсуд ҳар қанча штаб бошлиғига кирмасин, муддаосига эриша олмайди. Унга «айиқтовон» диагнози қўйилиши учун оз мунча тадбиркорлик керак бўлдимми?

— Лекин...

— Хўш? Бир нарса демоқчимисан? — нотинч қизиқиш билан сўради Муродхўжа ака.— Айтавер, тортинма. Маъсуд — пуштикамарим, хаёлим ўшанда. У ҳақда нима билсанг, яширма.

— Маъсудхўжага ҳам трофея моллар келган, омборга ўтинг, девдим, келди, лекин танлаган моллари... нима десаикин?

— Айтавер.

— Яхши нарсалар танлади, аммо аёлларники. Ҳайрон бўлиб сўровдим, индамади. Муродхўжа аканинг қовоғи осилди.

— Бугун унга албатта учра, топ, — дея тайинлади куёвига. — Айт. Зудлик билан келсин. Мени бетоб, де.

— Хўп, ада, айтаман, — деди Ҳошимжон ва ўрнидан турди, ниманидир эслаб, орқасига бурилди.

— Хўш? — хавотирда сўради Муродхўжа ака, яна кўнгилсиз хабар эшитишдан ҳадиксираб.

— Келтирилган нарсаларни кўрдингизми, ада, ёқдимми? — сўради Ҳошимжон, икки кун бурун олиб келган трофея молларини назарда тутиб.

— Тоза нарсалар, — деди қайнотаси лоқайдгина. — Тилла буюмлар, девдим, хўжайинлардан ортмадимми?

— Унақа нарсалар йўқ экан, ада, — деди Ҳошимжон узр оҳангида. — Сувсар пўстин, осма соат — булар ҳам чакана нарса эмас, ада. Сотса, тилла буюмга тенглашаве-ради.

— Бўпти, — дея гапга чек қўйди Муродхўжа ака. — Ишингдан қолма. Маъсудни топиш эсингдан чиқмасин.

— Хўп, ада, — деди Ҳошимжон зўраки одоб билан. У олиб келган моллари учун миннатдорчилик кутган эди, кўнгли хижил бўлди. «Шунча нарса осмондан ёғилгандек текин тушса-ю, тагин бу одам норози минғирласа, — деб ўйлади Ҳошимжон, — ношукурчилик ҳам эви билан-да! Ўзим аҳмоқ, айтиб нима қилардим? Бозорга элтиб пулласам бўлмасмиди?!»

Куёви чиқиб кетгач, Муродхўжа ака оғир ўйлар қуршовида бир мунча вақт жойидан қўзғалмай ўтирди. Ўғлининг икки ҳафтадан зиёд пайт ичида келмаганлигию фронтга жўнатишларини сўраш нияти ва айниқса, Ҳошимжоннинг омборидан аёллар матоҳини олгани уни безовталантирар, дилида ғазабли норозилик уйғотар эди. Тавба, Муродхўжа ака шунчадан-шунча одамларни ўз гапига бўйсундирса-ю, ўз ўғлига гапи ўтмас! Ўз фарзанди ота-онанинг кўнглига қарамаса, бир шаҳарда бўлатуриб ҳафталаб уйига қадам босмаса! Наҳот шунчалик дийдаси қаттиқ бўлса? Наҳот ота-онасини соғинмаса? Балки уни уйлантириб қўйиш керакдир? Балки ўшанда уйига ихлос қўяр, бебошлик қилмас?..

— Адаси, — деди Гулсум опа эрига деразадан мўралаб. — Извош кутиб турипти, ишга бормайсизми?

— Ҳозир, — деди Муродхўжа ака бўғиқ товушда ва бир оздан сўнг ҳовлига тушди. Гулсум опа эрини йўлаккача кузатиб борди. — Бир ўйлаб кўр, — деди Муродхўжа ака, кўча дарвозаси олдида тўхтаб. — Ўғлингни уйлантирсак... Ҳафталаб қорасини кўрсатмайди, қўлдан чиқиб кетади.

Бундай мулоҳаза Гулсум опа учун кутилмаган эди, у тўсатдан айтилган маслаҳатдан довриаб қолди.

— Қандай уйлантирасиз, ўғлингиз армия хизматида-ку?

— Ҳечқиси йўқ, — деди Муродхўжа ака бепарволик билан. — Уйга келиб турадиган бўлади. Хўжайинларига айтаман. Узини кўндириш керак.

— Кўнармикин? — деди Гулсум опа ўйланиб. — Ўғлингиз ўжаргина. Ғалати тоифа.

— Кўнмай қаёққа боради? — деди Муродхўжа ака. — Кўнади. Кўндириш керак. Бошқа чора йўқ. Балки ўзиям жон-жон, дер. Ахир йигит-ку. Сен қиз суриштир. Зотлироғи бўлсин.

— Ҳозир қиздан кўпи борми?

— Майли, бу дарвозахона гапи эмас, — деди Муродхўжа ака, негадир дили таскин топгандек бўлиб. — Бафуржа гаплашамиз, — дилини кемираётган шубҳаларини хотинига ҳозир айтгиси келмади. Ўғлининг аёллар матоҳини олганини айтгудек бўлса, ваҳимага тушади-қолади, минғиллайверади, тинчлик бермайди.

— Юзингизга бир нарса тошипти, — деди Гулсум опа эрининг чап кўзи остидаги қизил учуқни сезиб.

— Шуми? — деди Муродхўжа ака бармоғи билан қизил учуқни топиб.

— Ҳм. Лўқиллаяптими?

— Йўқ, — деди Муродхўжа ака ва иқрор бўлиш учун учуқни босиб кўрди, бармоғини тили билан хўллаб, учуққа суркади. — Қазидан бўлиши мумкин. Иссиқлик-да...

\* \* \*

Жарнинг бу томони кунга тескари бўлгани учун йўл ҳали лой, сирпанчиқ эди, фойтунга қўшилган от тойиб кетишдан қўрққандек оёқларини тираб, тегирмон томон туша бошлади ва ниҳоят тегирмон билан тенглашгач, дўнглик ёнбағрида тўхтади. Фойтунни кўриб тегирмон қоронғилигидан Одил найнов чиқди, усти-бошини қоқиб, қинғир эшикни ёпди, занжирини илиб қўйди. Тегирмон олдида ҳеч ким кўринмас, сувнинг шовуллаши ҳам эшитилмас, чархпалак тўхтатилган эди. Фақат анча наридан, жарнинг муюлишидан шаршаранинг бўғиқ шовқини эшитиларди, холос. Бундай «иш ўлган пайт» деярли ҳар йили такрорланади. Қишдан аранг судралиб-эмаклаб чиққан халқ, бир-икки дўппи дон асраб қола олган бўлса, ерга тикади, тегирмонга эҳтиёж қолмайди. Бир ҳалта, ярим ҳалта ногаҳонда келтириладиган дон учун сувни очишмайди, тегирмонни «қантариб» қўйишади, ўзлари кўп ҳолларда эшикка қулф осиб, бошқа юмуш қидириб кетишади. Бировлари унча-мунча дон жамғариб қўйган бўлишса, уй томорқаларида экин-текин қилишади, томорқаси йўқлари бозорда санғишади, даллоллик пайига тушишади. Одил найновнинг уйи жарнинг нариги бўйида, икки сулacha ҳовлиси бор, агар тегирмон олдида одам тўпланса, секин тушиб келади, доннинг чўғига қараб, тош юргизади. Мана, неча кунлар ўтди, одам яқинлашмайди, тегирмон жимжит.

Одил найнов Муродхўжа ака билан қўл олишиб кўришди, юзига фотиҳа тортиди.

— Мана, хўжайин, бит боқиб ўтирибмиз, — деди у андуҳли жилмайиб. — Бекордан худо безор, Асқарни жарнинг пастига юбордим, лоақал шох-шабба териб келсин. Ўтираверадими қўлтиғини қашлаб?

Муродхўжа ака индамади.

— Жувозхона-чи? — ўзи билса ҳам барибир сўради Муродхўжа ака.

— Жувоз ишлаб турипти, уям узилиб-узилиб, — деди Одил найнов бўйнини қашлаб. — Хўжайин, бир иложини қилинг, анграйиб ўтирмайлик.

— Нон заводига учрайман, — деди Муродхўжа ака бир оз сукут қилиб. — Тортилмаган дони бўлса, илтимос қилиб кўраман. Олиб келишади.

— Худо хайрингизни берсин, хўжайин, — деди Одил найнов сал умидвор бўлиб ва Муродхўжа акага синовчан тикилиб қолди.

Муродхўжа ака бирон хас ёпишган деб ўйлаб, кафти билан юз-мўйловини артди.

— Саломатлигингиз тузукми, хўжайин? — ниҳоят сўради Одил найнов.

— Тузук. Нимаиди?

— Қайдам, — деди Одил найнов ўнғайсизланиб. — Қўлингиз чўғдек.

— Ёпирай, — дея Муродхўжа ака қўлини пайпаслади. — Этим уюшгандек бўлаётувди. Иситмам бермикин?

— Юзингизга нарса чиқипти, — деди Одил найнов, юраги дов бериб-бермай. — Оғрияптими?

Муродхўжа ака ҳайрон бўлди, бармоғи билан кўзи остидаги қизил ғуддани яна босиб кўрди. Оғриқ сезмади. Бу нима бўлиши мумкин? Ғудда қаттиқ эди.

Одил найнов ички чўнтагига қадалган тўғноғични олиб, гугурт ёқди, оловига тўғноғич салласини тутиб турди ва қизигач, Муродхўжа акага узатди.

— Ҳар эҳтимолга қарши ғуддага теккизиб кўринг-чи, хўжайин.

Муродхўжа ака хавфсираб тўғноғични олди ва шу заҳотиёқ қайтарди.

— Ўзингиз текказинг, — деди у.

Одил найнов тўғноғич салласини Муродхўжа ака юзидаги қизил ғуддага авайлаб теккизди, бироқ Муродхўжа ака ўзини кескин олиб қочмади.

— Сиздингизми? — синовчан тикилиб сўради Одил найнов.

— Йўқ, — деди Муродхўжа ака ўзини қарамроқ сезиб. — Балки совиб қолгандир тўғноғич?

Одил найнов яна гугурт ёқиб, тўғноғични қиздирди, яна ярага босди. Аммо барибир Муродхўжа ака миқ этмади.

— Энди-чи?

— Сезмадим, — деди Муродхўжа ака олазарак ҳолатда. — Бошқа жойимга босинг-чи.

Одил найнов тўғноғични ўзининг юзига теккизди.

— Ҳали иссиқ, — деди у.

— Нима бўлиши мумкин?

— Чатоқ хўжайин, — деди Одил найнов афсус чеккан тусда.

— Нима? Нима чатоқ?

— Бу, хўжайин, куйдиргига ўхшайди, — деди Одил найнов жиддийлик билан. — Дарров уйга қайтинг. Табиб топдиринг. Олдини олиш керак. Бу — ёмон яра.

Муродхўжа ака бўшашиб кетди, юраги гурсиллаб ура бошлади, ваҳимага тушди. У куйдирги ҳақида эшитган, ҳатто ўз вақтида табибга қаратмай ғафлатда ўлиб кетган одамларни ҳам билар эди. Вужуди қизиб, ғувиллай бошлагандек бўлди.

— Дўхтирга бораман, — деди саросимада.

— Дўхтир ярани кесиб олади, ўрни чуқурча бўлиб қолади, — деди кўпни кўрган Одил найнов. — Яхшиси, табиб. Маҳаллангизда буни биладиган табиб бўлмаса, извошни жўнатинг, бизнинг кўчада табиб хола бор, етказиб олиб бораман.

— Маъқул, маъқул, — деди Муродхўжа зўрға тили калимага келиб. — Уйингизга ўтиб туринг, извош тезда қайтади. Ҳайда, Мамат!

Олазарак бўлиб ўтирган Мамат тизгинни тортиб, отни бурди, қамчи босди, от пишқириб, фойтунни шитоб билан судраб кетди.

Муродхўжа ака юраги така-пука бўлиб ўйига кирганида, Муқаддас дастурхон қоқётган эди. Отаси уни имлаб чақирди.

— Қўлимни ушлаб кўр, — деди у қизига қўлини чўзиб. Муқаддас отасининг авзойини кўриб, ҳайрон бўлди, қўлини ушлади. — Иссиқми?

— Ҳа, иссиқ, — деди Муқаддас отасига безовта тикилиб. — Нима бўлди, ада?

— Онангни чақир, — дея Муродхўжа ака бориб сўри четиға ўтирди, ярасини ушлаб кўрди. Яра нўхотдек қаттиқ, қўл текканини сезмас, қадоқдек қарахт эди.

— Тинчликми? — келатуриб сўради Гулсум опа хавотирда. — Нега тез қайтдингиз, адаси? Тобингиз қочиб қолдимми?

— Мана буни, — деди Муродхўжа ака юзидаги ғуддани кўрсатиб. — Одил найнов ёмон яра, деб гумон қилди.

— Вой, шўрим! Куйдиргимми? Кетаётганингизда дилимдан ўтувди-я.

— Шунақага ўхшайди, — деди Муродхўжа ака ичидаги қўрқувни яширишга тиришиб. — Вужудим қизиб кетяпти. Сув бер.

— Сув опке! — деди дарҳол Гулсум опа ёнида турган қизига. Муқаддас югуриб кетди ва бир зумда сув келтирди, косани онасига берди. — Совуқ сув ичсангиз, чатоқ бўлмасмикин, адаси? — деди Гулсум опа ҳадикда, косани эрига беришдан ҳайиқиб.

— Ичим куйиб кетяпти, — деди Муродхўжа ака ва ўзи ҳам гумонсираб, косани ёнига қўйди.

— Утираверманг бўлмаса, туринг, — деди Гулсум опа безовталаниб. — Извош шу ердами? Юборинг дўхтирга.

— Извош кетди, ҳозир Одил найнов табиб олиб келади.

— Муқаддас, — ҳаяжонда қизига қаради Гулсум опа. — Кўрпача билан ёстиқ олиб чиқ!

Муқаддас тезда уйдан кўрпача билан ёстиқ олиб чиқиб, апил-тапил сўрига тўшади. Муродхўжа ака чакмонини ечмай солинган жойга ёнбошлади.

Шу пайт дарвозаонада ғўнғир-ғўнғир товуш эшитилди.

— Келишди чоғи, — деди Гулсум опа ва йўлак томон шошилди.

Кўча эшик очилиб, аввал Одил найнов, кейин эски паранжи ёпинган оқсоқ аёл кўринди, чачвон ёнидан кўлини чиқариб Гулсум опа билан кўришди.

Муродхўжа ака дили ҳаприкиб ўрнидан турди, оёғини осилтириб сўри четига ўтирди.

Паранжили аёл йўлка бўйлаб кела бошлади ва даҳлизга етганда, зинага ўтирди, яна икки кўлини чачвон остидан чиқариб, фотиҳага кафт очди. Атрофдагилар дарҳол чўнқайишиб, дуога қўшилишди. Табиб аёл чачвон устидан юзига фотиҳа тортди, бу ёқдагилар ҳам дуо қилишди.

Одил найнов паранжили аёлнинг ишорасига эгилди, у нимадир деди. Одил найнов Муродхўжа ака томон кўз ташлаб, «ҳа, ўша киши», деди. Аёл, келсин, деган ишора қилди.

Муқаддас билан онаси Муродхўжа акани — гўё ўзи юриб борса йиқилиб қоладигандек — пинжига кириб, аёл олдига олиб боришди. Аёл кўлини силтади, Муродхўжа ака унинг рўпарасига чўнқайди. Унинг йирик кўзларига ваҳима ва мутелик аломатлари изғир эди.

Табиб аёл кўполгина ҳаракат билан Муродхўжа ака юзидаги ярани эзиб кўрди ва ҳеч нарса демай, яна «бориб жойингга ўтир», маъносида ишора қилди. Муродхўжа ака ито-аткорона жилиб, сўрига бориб ўтирди.

Табиб аёл Гулсум опага нимадир деди, Гулсум опа дарров қизига қаради:

— Хокандозда чўғ олиб чиқ! Тез бўл. Кўмир чўғидан.

Муқаддас ошхона томон чопди.

Табиб аёл ёнидан латтага ўралган иккита мих олиб ёнига қўйди.

Муродхўжа Одил найновни имлади, ундан нималарнидир сўради.

— Хўжайин сув ичсалар бўладими? — қайтиб келиб сўради табиб аёлдан Одил найнов.

Аёл бош чайқади.

— Бирпас чидар экансиз, хўжайин, — деди Одил найнов турган жойидан Муродхўжа акага. У дарров рози бўлиб бош ирғади.

Муқаддас хокандозда қип-қизил чўғ олиб чиқди, табибнинг ёнига қўйди. Аёл латтага ўралган бир жуфт михни олиб, учи билан чўғга суқди.

Унинг тепасида ҳар бир буйруғини бажаришга тайёр турган Гулсум опа, Муқаддас, Одил найнов ва нарида икки кўлини тиззасига суяб, ўз «жазо»сини кутаётган маҳбусдек ночор Муродхўжа ака михларнинг чўғга қўйилганини кўриб, бир-бирларига хавотирли аланглашар, лом-мим дейишга журъат эта олишмай, энди табиб аёл яна қанақа хунар қўллашини ҳаяжон билан кутишар эди. Наҳот шу қаламдай-қаламдай келадиган лаққа михни бу аёл Муродхўжа аканинг этига санчса? Муродхўжа ака ҳарчанд ўзини ушлашга уринмасин, вужуди дағ-дағ қалтирар, гўё ичаклари орасида тўлғанаётган кўрқув секин-аста юқорига кўтарилиб, ҳалқумини бўғар, қиздирилган кўрғошиндек томирлари бўйлаб яна тепага кўтарилар, қулоқ, кўз, пешонаси ичида зил бўлиб тиралар эди. Келиб-келиб шу дард Муродхўжа акани танлайдими? Қандай адолатсизлик! Нега анову Одил найновга ёпишмайди? Нега бу касофатга Мамат чалинмайди? Нега бошқалар эмас, Муродхўжа ака бу жабрни тортиши керак? Нима ёмонлиги учун? Ахир ҳар жума куни маҳалла тақводорларига атаб иона чиқариб турса, барча маъракалардан уларни бенасиб қилмаса, мушкулшодларни мунтазам ўтказса — яна қанақа хайр-эҳсон керак? Мурувват, сахийлик шунчалик бўлади-да! Шунча худойилар инobatга ўтмабди-да! Мана эндиликда тутдек тўкилиб, қанақадир исқирт бир кампир олдида жўлдиллаб ўтирипти. Агар кампирнинг ҳаракати натижа бермаса-чи? Пўк этиб ўлиб қолса-чи? Демак, кеча-кундуз, иссиқ-совуқ демай шунча жонини жабборга бергани зое кетар экан-да. Энди оғзи ошга етганда, боши тошга тегар экан-да. Эй, парвардигор! Уша кунингдан сақла! Балодан асра! Раҳминг келсин! Кароматингни дариғ тутма!

Муродхўжа ака қон қуйилиб оғирлашган кўзларини вазмин кўтариб, Одил найновга имро қилди.

— Уша михларни санчадими? — сўради у яқинлашган Одил найновни табибдан пана қилиб. — Қандай чидайман? Оғриғи ёмон бўлса керак?

— Оғримайди, — деди Одил найнов тасалли бериб. — Сезмайсиз ҳам. Жиз этади, холос. Чумоли чаққандек.



— Ростданми? — гумонсираб сўради Муродхўжа ака Одил найновга синовчан тикилиб. — Ё юпатыпсизми?

— Ростдан, — деди Одил найнов сидқидилдан. — Амакимнинг ҳам юзига чиққанда, кўрганман. Оғримайди. Томирга бориб текканда жиз этади, холос. Кейин малҳам суркаб кўяди, бир ҳафтада кўрмагандек бўлиб кетасиз. Чўчиманг, хўжайин.

— Иншооллох, — деди Муродхўжа ака ишонгиси келиб. — Оғримасагина бўлгани.

— Оғримайди, — хотиржам деди Одил найнов. — Гапимга инонаверинг, хўжайин. Тилла тиш кўйдирганингизда, мундан ўн чандон азоб чеккансиз, тўғрими?

— Эговлаганда қийналганман. Кўзимдан ўт чиқиб кетгудек бўлган.

— Ҳа, балли, хўжайин.

— Амаки, — деган Муқаддаснинг овози эшитилди.

Одил найнов орқасига ўгирилиб қаради. Табиб аёл уни имо билан чақирар эди — юғриб борди, аёл томон эгилди. Табиб унга пичирлаб нималардир деди, Одил найнов тушундим ишорасини қилиб, бемор олдига қайтди.

— Хўжайин, бу ёғи тайёр.

— Ёпирай...

— Табиб хола паранжисини ечмаса, ишлай олмас эмиш.

— Ечаверсин.

— Сиздан қочар экан. Номаҳрам, дейди.

— Хўш? Нима қилай? — тушунмади Муродхўжа ака.

— Қийиқча билан кўзингизни танғишимиз керак экан.

— Оббо! Энди бу кўргилик бормиди? — ёлдиради Муродхўжа ака. — Кўзимми очмасам-чи?

— Кўнмайди.

Муродхўжа ака чуқур хўрсинди:

— Майли, олиб чиқишсин.

— Муқаддасхон, — дея аёллар томон юзланди Одил найнов. — Қийиқча олиб қинг, қизим.

— Рўмолим бўладими? — чаққонлик билан сўради Гулсум опа.

— Бўлади, опкелинг, — деди Одил найнов.

Гулсум опа рўмолини ечиб бериб, қўлидаги сочиқни бошига ташлади.

Одил найнов рўмол билан Муродхўжа аканинг кўзини боғлай бошлади. У қўрқувдан ҳамон дағ-дағ титрар, йўғон лабидан қон қочган, эти иссиқ эди. Одил найнов ишини битириб, Муродхўжа аканинг қўлтиғига кирди. Бемор беўхшов ҳаракатлар билан Одил найнов кўмагида туртина-суртина эхтиёткор қадам боса кетди. Одил найнов Муродхўжа аканинг забардаст жуссасини елкасидан босиб, табиб хола рўпарасида чўктирди.

— Қўлларингизни орқага қовуштиринг, — деди Одил найнов тутдек тўкилаётган Муродхўжа акага. — Михга тегиб кетмасин.

Муродхўжа ака ҳозирлик билан талабни бажарди.

Табиб хола Одил найновга ишора қилди, у яна эгилди.

— Шунақами? Хўп, хўп, — дея атрофга қаради. — Социғингизни берасиз, ойипошша, — деди у Гулсум опага. — Мен ҳам кўзимни боғлашим керак экан.

Гулсум опа дарҳол сочиқни берди, енги аралаш қўлини бошига кўйди.

Одил найнов сочиқ билан кўзини танғиб, Муродхўжа акага далда бўлиш учун ёнига чўккалади.

Табиб хола паранжи-чачвонни бошидан суриб, елкасида қолдирди. Бу ажиндор, заҳилюз аёл бўлиб, кўзлари қисик, сочи тўзғиган эди. У фотиҳа учун қўл очди.

— Фотиҳа қияптилар, — деди Гулсум опа эркакларга ва ўзи ҳам дуога кўшилди.

Кўзи боғлиқ икки эркак чеккада туриб, қўл очишди.

— Омин! — деди Гулсум опа табиб хола дуони тугатгач. Ҳаммалари фотиҳа қилишди.

Кўзи боғлиқ Муродхўжа ака олдингидан баттар ваҳимага туша бошлади, кўзи тиниб, қоронғилик ичида қизғиш ҳалқалар муаллақ суза кетди. Устига устак қизининг пиқиллаб йиғлагани қулоғига чалинди, ваҳимаси яна зўрайди.

— Муқаддас! — деди Муродхўжа ака асабий ўшқириб. — Жўна бу ердан!

— Бор, борақол, — деди Гулсум опа қизига. У эрининг феъли айниганидан хавотирда эди. — Болангга қара, чинқириб ёткандир.

Муқаддас тисарила-тисарила ўз уйи томон кетди.

— Бисмиллоху раҳмону раҳим! — шивирлади табиб хола ва Гулсум опа елпиб турган чўғдаги миҳнинг бирини латта билан чимдиб олди. — Бошингизни бурманг, олиб қочманг, — деди у Муродхўжа аканинг бошини бир қўлига олиб. — Оғримайди. — Табиб хола миҳнинг қизарган учини ярага авайлаб босди. Асабий ҳолда ўтирган Муродхўжа ака худди электр токи теккандек бир силкиниб тушди. — Қимирламанг, бирпаслик нарса.

Миҳ борган сари данакдек шишган яранинг ичига кириб борар экан, Муродхўжа ака тишини тишига маҳкам босиб ўтирар, оғриқни унча сезмас, чидар, миҳ ўпириб кирган жойдан буғга аралаш тутун бурқсир, жизғанак ва қўланса ҳид атрофга анқир эди...

Мих совий бошлагач, табиб хола уни чўғга қўйди, бошқасини олиб, кавакка суқди, тутун янгидан бурқсий кетди, Гулсум опа димоғини энги билан тўсди.

Муродхўжа ака сесканиб тушди, ҳатто инграб юборди.

— Бўлди,— деди табиб хола.

Азобдан қутулган Муродхўжа ака бўшашиб жойига ўтириб қолди. Унинг юзини тер босган, қийиқча остидаги кичик тирқишдан ёш қуйилар, мўйлови тагига сингир эди.

— Хайрият-эй,— деди у ҳиқиллаб.— Наҳот қутулдим-а?

— Қутулдингиз, худо хоҳласа,— шивирлаб деди табиб хола.

— Қўлингиз дард кўрмасин, она!

Қувончданми, изтиробданми — Гулсум опа ҳам йиғлаб юборди.

— Тўйларингизда хизмат қилайлик,— пиқиллаб деди у.

— Худо кушойиш,— деди табиб хола ва камзули чўнтагидан қоғозга ўроғлик малҳамни олиб Муродхўжа аканинг юзидаги қонталаш яллиғланган кавакка суртиб, чаплаб қўйди.— Энди бўлди.

Ҳаммалари бирин-кетин энгил хўрсинишди.

Хўв нарида Муқаддас юм-юм йиғлаб турар, яқинлашишга юраги дов бермас, бир аҳволга тушган отасига ачинар эди. Қизини пайқаб, Гулсум опа йиғи аралаш шивирлаб кичқирди:

— Бўлди! Келавер! Қутулди аданг!

Муқаддас югуриб келиб, отасининг ёнига чўккалади, қўлини унинг бўйни аралаш елкасига қўйди, мадад берган бўлди.

— Она,— деди Муродхўжа ака шодликдан андак талтайиб.— Сиқилиб кетдим. Қўзимни очай.

— Ҳозир, паранжини ёпиниб олай,— деди табиб хола ва шошиб паранжини ёпиниб, чачвонни юзига ташлади.— Еча қолинг.

Иккала эркак бараварига боғични сидириб ташлашди.

— Эй, худо, ёруғ кунинг ҳам бор экан-ку!..

— Энди кириб ётинг, захда ўтирманг,— деди табиб хола вазминлик билан.—

Туринг.

— Хўп, хўп!— дея Муродхўжа ака билан Одил найнов бир-бирларига тираниб ўринларидан туришди.

— Мана бу малҳам, — деди табиб хола чачвон ичидан ва қўлини чиқариб қоғозга ўради, Гулсум опага узатди.— Ҳар куни янгилаб турасиз. Дока борми?

— Ие!— қийқириб юборди Муродхўжа ака.— Доканинг кони бизда-да!

— Эриб кетса, тангадек дока ёпиштириб қўйинг.

— Хўп бўлади,— дарров жавоб берди Гулсум опа.

— Қани, омин!— дея табиб хола фотиҳага қўл очди, калима келтириб, икки кафтини юзига суртди.

Бу ёқдагилар ҳам ҳаммалари ўз ниятларини қўшиб юзларига фотиҳа тортишди.

Муродхўжа ака Гулсум опани четга чақирди.

— Битта қўйлақлик, бир халта мош, икки юз сўм пул бериб юбор.

— Хўп, ҳозир, аввал дастурхон ёзайлик, чой-пой ичиб кетсин,— деди Гулсум опа ва ошхонадан чиқа олмай мўлтиллаб турган Замира хола билан Холидага кўз ташлади, улар бирин-кетин етиб келишди.

— Раҳмат, она, қўлингиз дард кўрмасин,— деди Муродхўжа ака дадиллашиб.— Уйга кириб, чой-пой ичинглар. Кейин извош элтиб қўяди. Энди мен кириб ётай, а?

— Ҳа, ҳа, ётинг,— дея табиб хола ҳам ўрнидан қўзғалди.

Муродхўжа ака даҳлизга кўтарилди туриб Одил найновга қаради, у яқинлашди.

— Сизгаям раҳмат, Одил ака, шунча ёнимда беллашиб турдингиз, яхшиям сиз бор экансиз, бўлмаса ғафлатда қолиб кетармидим,— деди Муродхўжа ака самимий тарзда руҳланиб.— Тўн кийиб кетасиз. Ҳозир оғилхонага ўтинг-да, битта кўчқорни ағдаринг, бош-кўздан садақа, ис чиқарамиз. Шотурсунга айтинг, олдимга кирсин, маҳалладан кимларни айтишни уқдираман...

— Хўп бўлади, хўжайин,— деди Одил найнов кўтаринки кайфиятда.— Табиб холани жўнатай, кейин дарров айтқанингизга киришаман, майлими?

— Маъқул,— деди Муродхўжа ака ва Замира холага чой буюриб, уйига кириб кетди...

Поезд Андижон станциясига кечиқиб келди. Вақт тушга яқинлашиб қолганлигига қарамай, ҳаво булутлиги учун атроф шомдек ғира-шира, майдалаб ёғаётган ёмғир ғуборида кўримсиз ва исқирт эди. Ғишт ётқизилган перрон бир зум ёмғир тўзонида йўловчилар шарпалари билан гавжумланди, аста-секин сийраклашиб, бўм-бўш бўлиб қолди.

Шу паллада соқчи шолчага ўралган тугун кўтариб вагондан тушди, орқасига қаради. Поезд эшигида қўпол матони рўмол қилиб бошига ўраган, қўлидаги қизини бағрига

босган Ойниса кўринди. Унинг лаблари қонсиз, йиғидан қовоқлари шишган, кўзлари қизил, киприклари нам эди. Ойниса атрофга аланглади, эркак этикли оёқларини вагон зиналарига авайлаб қўйиб, пастга тушди, шинелли соқчи орқасидан эргашди. Вагоннинг сассиқ купесидан кейин бу рутубатли ҳаво Ойнисага роҳатдек туюлди.

Улар бирин-кетин вокзал биносига жойлашган комендатура хонасига киришди. Хона папирос тутуни билан тўлган, рўпарада пагонли шинелини елкасига ташлаган ҳолда ориқ юзли киши ўтирар эди. Соқчи тугунни эшик ёнига тираб, комендатура вакили билан кўришди. Ойниса тугун олдида қолди.

Вакил соқчи узатган қоғозга кўз югуртиргач, мўлтираб турган Ойнисага қаради, хўрсинди, ҳеч нарса демади, ўчиб қолган папиросини тутатди. Кейин соқчига рус тилида нималарнидир тушинтирди. Ойниса рус тилини биларди, дарров гап нима ҳақидалигини англади. Комендатура одами Марҳамат районига элтиб қўйиш учун транспорт йўқлигини айтган эди. Бу яхшими, ёмонми, Ойниса билмас эди. Транспорт бўлмаса, бу ерда Ойниса нима қилади? Қаерда қолади? Бирон бир бурчак беришармикан? Ҳар қалай бир чора кўришар, кўчага ҳайдаб қўйишмас. Бегона ерга келган ҳар бир одам тайин қарор қидиради, шунинг учундир, қандай бўлмасин Ойниса тезроқ Марҳаматга етиб олишни кўнглидан ўтказди. Ҳозирда ҳеч қаерда рўшнолик йўқ, ҳар қанча уқубатли бўлмасин, барибир кўникади-ку. Бирон юмуш топиб беришса, ўша билан овора бўлади.

— Синглим,— деди соқчи Ойниса томон қадам қўйиб ва уни рус тилини тушунмайди деб ўйлаб, вакилнинг гапларини қайтарди:

— Транспорт йўқ экан. Марҳамат районига ўттиз чақирим эмиш. Мен шу поезд билан қайтишим керак.

Ойниса соқчининг нима демоқчи, қандай чора кўрсатмоқчи эканини тушунмади.

— Ҳўш? Мен-чи?

Соқчи вакил томон ўгирилди.

— Нима бўлади?

Комендатура вакили елка қисди, папиросини кулдонга босди.

— Яёв жўнашдан бўлак илож йўқ,— деди у.— Беш-олти соат ичида етиб олиш мумкин.

— Ёмғир ёғаяпти-ку,— деди рус тилида Ойниса, комендатура вакилига тикилиб.— Юким бор. Болам билан қандай эплайман?

Комендатура вакили Ойнисанинг соф рус тилида гапириб юборганини эшитиб, ағрайиб қолди, сал қаддини ростлади.

— Қийин бўлади, албатта,— деди у ниҳоят, фараз қила бошлаб ва чора топгандек, қўшиб қўйди:— Юкни кейин олиб кетсангиз ҳам бўлаверади. Туради бир бурчакда, ҳеч ким тегмайди.

— Бунинг ичида,— деди Ойниса, шолчага ўроғлиқ тугунга ишора қилиб,— боламнинг алмаштирадиган кийими, ўзимга зарур нарсалар бор: адёл, ёстик, сочиқ, идиш. Кетаётган жойим курорт эмас-ку.

— Ҳа, курорт эмас,— деди вакил таассуф билан.— Аммо иложим қанча? Майли, бугунча шу ерда қола туринг, мен районга кўнғироқ қилиб кўраман, арава-парава юборишса, жўнарсиз.

— Наҳот бир иложи топилмаса?— деди соқчи ҳам тажанг бўлиб.— Ахир шаҳарга келиб-кетиладиганлар бор-ку, улар нима қилишади?

— Яёв қатнашади,— деди вакил ғижиниб.— Арава-парава, баъзан юк машиналар учраб туради. Йўлга чиқиб, ўшатта тутиш керак.

Ойниса ғинғший бошлаган қизчасини цемент полга қўйди, аммо қизча баттар хар-хаша қилиб, онасининг этагига ёпишди. Ойниса чўнтагидан битта туршак олиб берди-да, уни яна кўтариб олди.

— Бўлмаса,— деди вакил пешонасини ишқаб.— Мен конвой бераман, бозоргача кузатиб қўяди. Ушаттан суриштириш керак, Марҳаматдан тушган аравалар бўлади. Биронтаси билан келишиб, етиб олиш мумкин.

\* \* \*

...Бозорнинг қинғир-қийшиқ дўкончаси ёнига қўйилган бўхчада Ойниса ўтирар, тиз-засида чалқанча ётган қизчасини тебратар, конвойни кутарди. Тиламчи чоллар, увада ялангоёқ болалар, сафоил ўйнатиб, «дийдиё» деб ҳайқирган маддоҳлар, чўққи телпаклари остидан исқирт сочлари осилган кашкулли қаландар-дарвешлар, уйғур, тунгон ва яна аллақандай нотаниш лаҳжаларда вақиллаган девоналар, юзи-бурни аралаш рўмол билан ўралган аёллар, мажруҳлар, лаҳтаклар, лаш-лушлар Ойнисанинг кўз олдида липиллар, ёғаетган ёмғир дам кучайиб, дам майдалашиб, қизишган оч оламонни совутиш билан оворадек эди.

Ҳар қанча бегона бўлмасин, бу ютоққан ғалаён қаъридан чиқиб келган конвой йигит Ойнисага шу топда қадрдон кўриниб кетди.

— Юринг,— деди йигит гўё чалкаш ишнинг уддасидан чиққандек негадир кўтаринкилик билан.— Топдим. Эшакаравали одам боракан. Аранг кўндирдим. Марҳамат-

дан беш-олти чақирим берида қолармиш. Шунгаям ҳарна. У ёғи қийин бўлмайди. Балки ўша қишлоқчада қолишга ижозат беришар. Пул-мулингиз борми?

— Оз-моз бор,— дея Ойниса ўрнидан турди, боласини қўлига олди.

Йигит бўхчани орқалаб, йўлга тушди. Унинг шошаётгани тезроқ бу жувондан қутулиб кетиш ниятида эканлигидан дарак берарди.

Ойниса бачкана кийган қизчасини ерга қўйиб, бир оз етаклади, кейин бўхча орқалаган йигитнинг тоқатсиз аланглашидан оғриниб, болани қўлига кўтарди, қадамини тезлатди. Беш-олти чақирим берироқ бўлса ҳам майли, мана бу аламондан нари кетса бас; унинг устига ноаниқлик ҳадиғига қанча чидаш мумкин?

Бироқ арава кутиб турган жойга уриниб-туртиниб чиқишгач, Ойнисанинг юраги шувиллаб кетди. Араванинг ёнида шинель кийган нотаниш йигит турар, қўлидаги ҳасса билан арава устидаги похол қолдиғини сидириб туширар эди. Манзил олис, қанақа йўллар босиб ўтишади, тегажоглик қилса, Ойниса нима қилади? Кимга дод дейди? Эшак-арава имиллаб етиб боргунча, қоронғи ҳам туша бошлади.

— Ушамми?— қадамини секинлаштириб сўради Ойниса конвой йигитдан.

— Ҳа,— ўша,— деди йигит каромат кўрсатгандек илжайиб.— Инвалид экан.

— Қарироқ одам бўлсин девдим-ку,— деди Ойниса ёзғиргандек.

— Марҳаматдан бўлак арава келмапти. Сўроқлаб чиқдим, битта шу экан, шукур қилинг. Сизга барибир эмасми? Етиб олсангиз бўлгани-да.

Ойниса аравага яқинлашиб қолганлари учун бошқа гап очмади, аравакаш йигит сезиб қолса, гаши келиши мумкин эди. Унда умуман олиб кетмайди, Ойнисанинг ҳамма умидлари барбод бўлади, вокзалнинг сассиқ хонасига судралиб қайтишга тўғри келади. Комендант ҳам тумтайиб олади, рўйхуш бермайди, Ойниса боласи билан яна озор чекади.

— Мана, олиб келдим,— деди конвой йигит аравакашнинг орқасида тўхтаб. Аравакаш ўгирилганидан кейин қўшиб қўйди:— Шу опамиз бўлади.

— Ассалому алайкўм,— дея Ойниса ҳадиғини яшириб, аравакашга синовчан тикилди. Унинг бошида юлдуз изи қолган қулоқчин бўлиб, шинелининг очиқ ёқаси остидан яйдоқ кўкраги кўриниб турар, юзи баҳор офтобида буғдойранг тус олган, қоши қуюқ, чуқур жойлашган йирик кўзларида аллақандай мунг бор эди. Сўқир эмас экан, ўйлади Ойниса, аравакашнинг кўзларидан тасалли излаб ва унинг нигоҳида майин ифода пайдо бўлганини пайқаб, кўнгли бироз тинчланган бўлди.

— Келинг,— деди аравакаш йигит камтар одоб билан ва йўловчи чиройликкина жувон эканини кўриб, андак қизарди, саросимасини яшириш учун конвой йигитнинг орқасидаги бўхчани бўш қўли билан бир ёнидан тутиб, аравачага юклади, тўғрилаб қўйди.— Мана, ёпиниб олинг,— дея ўриндиқ учун тахлаб қўйган қопни Ойнисага узатди.— Ивиб кетманг. Ёмғир тўхтамайди. Кун ҳам оғиб қолди; шошилиш керак.

— Бўлмаса менга рухсат,— деди конвой йигит худди шу гапни кутиб тургандек.— Яхши етиб олинглар. Хайр.

— Хайр,— деди Ойниса самимий миннатдорчилик билдириб.— Раҳмат сизга. Шунча овора бўлдингиз.

— Ҳа, ҳечқиси йўқ. Шуям оворагарчиликми?

Ойниса бу йигит бирон нарса илинжида бўлса, ўттиз сўмлик битта қизил пул атаб қўйган эди, аммо у тез-тез тисарилиб, кета бошлади.

— Хайр, хизматингизга ризо бўлинг,— деди Ойниса узоқлашаётган йигитга овозини кўтариб. Йигит қўлини силкитиб, одамлар орасида ғойиб бўлди...

Араванинг бўйрадек сахни одам белидан сал баландроқ эди, аввал Ойниса чиқиб ўрнашди, бўхчасига суянди, аравакашнинг қўлидан қизчасини тиззасига олди, кейин йигит араванинг четига ўтирди, ҳассасини ёнига қўйди, тизгинни бўшатди, этиги учи билан эшакни нўқиди. Арава тошларда дўқирлаб кета бошлади...

Шаҳар анча олисда қолган, атрофда қишлоқлар сийрак, ёмғир ҳамон шивиллаб ёғар, арпа униб чиқа бошлаган далалар садҳидан кўз илғар-илғармас буғ кўтарилар, яккам-дуккам дарахтлар қийғос гуллаган, шафтоли ниҳолининг пушти навдалари сокин умиддек покиза ва нафис эди.

Ойниса уюшган оёқларини осилтириб ўтирди, бир талпиниб олган қизининг юзини очиб мўралади — тебраниш уни элитган, кичкина боши силкинар, момик юзи дириллар, ўзи қаттиқ уйқуда эди.

Йўлга чиққанларига мана бир соатча бўлиб қолди, адир бошланди, на биронта арава, на машина учради, орқаси билан ўтириб олган аравакаш йигит шунча йўл мобайнида, гўё кўрққандек, бир марта ҳам орқасига ўгирилмади, чурқ этиб овоз чиқармади, ҳатто эшакка «хих» ҳам демади, нўқиб қўяди, холос. Ойниса ҳам гап очишдан тортиниб индамай борар, бу йигит кимлиги, қанақалигини ўйлар эди. Унинг қулоқчинини тушириб олган телпаги, шинель елкалари жиққа хўл; ҳамон индамай, ёнидан аҳён-аҳёнда халтача чиқариб тамаки ўрар, чуқур тортиб тутун бурқситар, арава маромида чайқалар эди.

Яна ярим соатча йўл босганларидан кейин ёмғир жадаллашди. Ойнисанинг бошидаги қоп шалаббо бўлиб, баданига нам ўтди, совуқ елкасини қақшата бошлади.

Аравакаш йигит атрофга қарар, ниманидир ахтарар эди. Ниҳоят йўлдан йигирма-

Ўттиз қадамлар узоқликда ҳайдалмаган дала четидаги танҳо кўрғонча ичидаги лой том бостирмага яқинлашганда, йигит жилови тортди, Ойниса томон ўгирилди. Ёмғир хивичдек уни савалар, афтидан жалага айланиш олдида эди.

— Панага ўтмасак бўлмайди,— деди гўё ёмғир унинг айби билан жадаллашгандек, узр оҳангида йигит. Ойниса совуқдан жунжика бошлаган, бунинг устига қизчаси шамоллаб қолиши мумкин эди, рози бўлди, ҳатто йигитдан садо чиққанига қувонди ҳам. Йигит дарҳол келиб бўҳчани олди, тиззасида боласи ухлаётган Ойнисанинг аравадан тушишига кўмаклашди, бўҳчани орқалаб бостирма томон йўл бошлади.

Кўрғончанинг ичи, бостирманинг лой томи кўм-кўк ўт билан қопланган, ёмғир лолаларни савалар, борган сайин авжга чиқар эди.

Бостирманинг эшиги йўқ, деразаси ойнасиз, ичи қоп-қоронғу эди, биринчи бўлиб йигит кирди, гугурт чақиб ичкарини кўздан кечира бошлади. Гувала деворлари, шифти ис босган, ерда гўнг аралаш похол, ғўзапоялар, олтингугуртдан бўшаган қоғоз қоплар сочилиб ётар, аммо бу ер гарчи нам бўлса ҳамки, ҳарқалай пана эди.

— Бу ёққа кириб туринг,— деди йигит. У тезкорлик билан кулбани йиғиштиришга тушди. Похолни сидириб, ўртани очди, ғўзапояларни ажратиб, тўплади.

— Мана бу бўҳчани ечсангиз, шолчани тўшаса бўлади,— деди Ойниса қараша олмаганидан ўнғайсизланиб жиққа ҳўл қопни бошидан олиб ташларкан.

— Хўп бўлади,— деди йигит ва бўҳчани ечиб, шолчани похол устига тўшади.— Ҳозир... бинойидек жой бўлади. Гулхан ёқамиз, исинамиз, қуриймиз.

Йигит ўртага ғўзапоя қалаб, остига қоғоз тикди, гугурт чақди. Қоғоз бир оз бурқсиб, ёна кетди, олов ғўзапояларни чирсиллатиб-тутатиб, алангалатди, кулба ичи ёришиб, ҳаш-паш дегунча, исий бошлади, файз кирди. Ойнисанинг юрагидаги тош қулагандек бўлди.

— Утиринг, жой тайёр,— деди йигит ва ҳассасига таяниб қаддини ростлади, сал чекинди.

— Раҳмат, бинойидек бўлди-я,— астойдил севиниб деди Ойниса ва чўнқайиб буюмлари орасидан адел ажратиб олди, гулхандан сал нарироққа тўшаб қизчасини ётқизди, аделнинг бари билан уни ўраб қўйди, ёнгинасига ўзи ўтириб, қўлларини оловга тутди, мамнун табассум билан йигитга қаради.— Ўзингиз ҳам ўтиринг.

— Мен аравани бундайроқ суриб қўяй,— деди йигит нотаниш жувоннинг димоғи чоғланганидан ичида севиниб. — Кейин келиб ўтираман.

— Майли,— майин табассум билан деди Ойниса. Унинг баданига иссиқ ўтиб, вужуди роҳатлана бошлаган эди.

Йигит сал оқсоқланиб ташқарига чиқиши билан Ойниса ечилган бўҳчаси томон чўзилиб, сочиқ, бир ҳовуч туршак-ёнғоқ, ярим буханка нон олиб, сочиқ устига ташлаб қўйди, гулханга ғўзапоя ташлади.

Бир неча муддат ўтгач, йигит қайтиб келди. Унинг қўлида томоғи бўғилган аскарларнинг бризент халтаси бор эди. Халтани похол устига қўйди, сочиқдаги нарсаларга кўзи тушди.

— Уҳ-ҳў! Зиёфат зўр-ку!

Ойниса беозор жилмайди.

— Менинг ҳам халтамада ул-бул бор,— деди йигит ва букилмайдиган бир оёғини чўзиб, шолчанинг четига ўтирди, халта боғичини ечиб, битта нон олди ва қоғозга ўроғлик кирсовундек нарсани Ойнисага кўрсатиб, қайта халтага солиб қўйди.— Бу сиз билан менга тўғри келмайди.— деди.— Чўчқа ёғи, хотиним касал, табиби буюрган, аранг топдим. Касалга берса, гуноҳ ҳисобланмасмиш.

Ойниса дарров фаҳмлади — хотини ўпка касалига йўлиққан экан, одатда шунақа нарсани буюришади. Даво бўлса ҳаром эмас. Сарик касалларга ҳатто бит едиришади. Албатта, беморга билинтирмай.

Орага жичча сукут чўкди.

Йигит нонни синдириб, бир бурдасини ўзи тишлади.

— Олинг, очкаб қолгандирсиз,— деди у кавшаниб.

Ойниса бояғи ярим буханка нонни қўли билан ушатди, йигитнинг кўнглига бирон гап келмасин деб, унинг нонидан олиб тишлади ва тавба, деб ўйлади, тепамиз берк, кулбамиз иссиқ, осойишталик, рўпарада одобли йигит ўтирипти, бахт учун яна нима керак? Бечоранинг хотини дәрдомд экан-да, шўрлик. Шунинг учун кўздан мунг аримас экан.

— Ёнғоқдан чақинг, менинг кучим етмайди,— деди Ойниса соддагина.

Йигит жуфт-жуфт қилиб бир неча ёнғоқни чақди, сочиққа ташлади, мағиздан оғзига солди.

— Олинг,— деди у, ёнғоқ пўстлоғини гулханга ташлаб.— Фақат чой етишмаяпти, атрофда хонадон бўлганида, дамлаб келардим.

— Чой бор,— деди Ойниса.— Бир юмалоқ. Агар мослай олсангиз, тунука косаям бор.

— Ўтда қораяди-да,— Ойнисанинг розилигини кутиб, синовчан сўради.

— Қорайса ювилади, шуям иш бўптими?— деди Ойниса ва жавоб кутмай бўҳчага чўзилди.— Мана чой, мана идиш, ҳозир ёмғирга тутаман, бирпасда тўлади,— дея сакраб

ўрнидан турди, ташқарига қўлини чиқариб, идишни шаррос қуяётган ёмғирга тутди.— Чойсиз бўлмайди.

— Ивиб кетасиз,— деди йигит ўрнидан қўзғалиб.— Сиз киринг, мен тўлдириб берман.

— Йўқ, йўқ!— қатъий эътироз билдирди Ойниса.— Қимирламанг, ўзим. Сиз оловга қаранг. Ҳозир ту누ка косани чўғга қўямиз.

Йигит рози бўлиб, гулханга ғўзапоя ташлади.

Ойниса кўзларини ёмғир тўзонидан қисиб, атрофга қаради. Аравадан ажратилган эшак қўрғон саҳнидаги ўтти кавшар, ёмғирга парво ҳам қилмас эди.

Ту누ка коса сувга тўлгач, Ойниса ичкарига қайтиб уни йигитга топширди.

— Бу ёғини ўзингиз эплайсиз.

— Ҳозир,— дея йигит идишни яллиғланиб турган қўрга қўйди, атрофига чўғ сурди, гулханга яна ғўзапоя ташлади.

Бир оздан сўнг сув қайнаб чиқди, йигит икки чимдим чой ташлади, қайноқ сувга ранг кира бошлади. Ойниса чўзилиб, бўҳчадан бир жуфт пиёла олди.

— Мана пиёла, қўйинг,— деди журъатланиб.

— Уҳ-ҳў!— хитоб қилди йигит.— Ками-кўстимиз йўқ экан-ку! Шундай кулбада ҳақиқий чой, чинни пиёла!..

Бу маънос йигитнинг бир лаҳзага бўлса ҳам ташвишларини унитиб беихтиёр қувончга берилганидан Ойнисанинг дили ёришди, айни пайтда Шохалил акани эслади. Бечора ўз юмушларини ташлаб, сандиқни пуллаб келди, пулнинг бир қисмига нон, чой харид қилиб чиқди, аравасида вокзалгача кузатиб қўйди. Ҳовлидан бохабар бўлиб келган хатларни юбориб туринг, Шамси холамга ҳам тайинлайман, деб илтимос қилди Ойниса. Шохалил ака хўп деб розилик билдириб қолди...

Ойнисанинг қизчаси чўчиб уйғонди, йиғлай бошлади.

Ойниса уни дарров қучоғига олди, юпатишга тушди. Қизча аста-секин йиғидан тўхтаб, аввал гулханга, кейин нотаниш кишига қаради.

— Оти нима?— сўради йигит ажабланаётган қизчага қараб.

— Жамила,— деди Ойниса ва пиёладаги чойга иккита туршак ташлади — ивिसа, едиради. Ҳам озуқа, ҳам ширин. Қизчасининг ичи бузилмайди. Ойниса туршак ивигунча тамшаниб туриш учун Жамилага бир бурда нон берди.

Йигит кетма-кет икки пиёла чойни ичиб, тамаки ўради, гулхан чўпидан олиб тутатди ва ёнма-ён ўтириб чекишни эп кўрмади чоғи, бир оёғини букиб ўрнидан турди, эшиксиз кесакига суяниб қоронғу тушаётган ташқарига тикилди. Қўрғонча сатҳи ёмғир суви билан қопланган, сувнинг юзида юзлаб пуфак чучвара тугар, ёмғир ҳамон ёғар, қўқара бошлаган толнинг йўғон танаси намдан қоп-қора эди.

«Менинг исмимни ҳам сўрамади,— деб ўйлади Ойниса йигитга тикилиб. Бу юртларда нима сабабдан тентираб юрганимни суриштирмади. Анову конвой йигит айтган бўлса, бошқа сўроққа тутишдан оғриндимикан? Албатта, Ойниса сўзлагудек бўлса, дили яна ўртанади, ўзини тутта олмай йиғлайди — йигит шундан истиҳола қилди чоғи. Нега ўзи ҳақида ҳеч нарса демайди? Урушдан мажруҳ бўлиб қайтипти... ҳозир қанақа хизматда экан? Хотини оғир бетоб экан, шўрликнинг фикру хаёли ўшанда. Ҳозир билиб Ойниса бўлмаганида, ёмғирга қарамай қишлоққа ошиққан бўларди, тезроқ бориб хотинига анови савил чўчка ёғини едирарди, балки нафи тегармиди?!»

— Муллака, совумасдан чой ичинг,— дея жимликни бузди Ойниса.

— Хўп, хўп,— дарров жавоб берди йигит ва папирোসини улоқтириб, жойига ўтирди, чой хўплади.

— Қишлоғингиз ҳали олисми?

— Яна шунча бор.

— Олис экан,— деди Ойниса йигитга ичи ачиб.— Агар мени кўзингиз қиймай ўтирган бўлсангиз, розиман, кетаверинг, хафа бўлмайман: Бу ер бинойидек экан, мен қолаверман. Жин урармиди? Адёл-ёстик бор, бир амаллаб тонг оттирарман. Унгача ёмғир тиниб қолса, йўлга чиқаман, арава-парова учрар, етиб оламан. Мендан хавотир олманг. Шунча яхшилиқ қилдингиз, шунгаям катта раҳмат.

— Унақа деманг одамни хижолат қилиб,— деди йигит.— Наҳот болангиз билан сизни ташлаб кетсам?

— Дилингиз хиралигини сезяпман, хотинингиздан нотинч бўлаяпсиз.

— Ёмғир тиниши билан жўнаймиз,— деди йигит, бир лаҳза сукут қилиб.

Бироқ ёмғир ҳадеганда тинавермади. Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

Толиққаниданми ёки иссиқ элитдими, Ойнисанинг кўзи сузила бошлади. Йигит бўҳча буюмлари ичидаги ёстикни олиб, Ойнисанинг ёнбошига қўйди.

— Дам олинг,— деди у мулоимлик билан.

— Йўғ-э!— сесканиб кетди Ойниса ва ўзини тетик кўрсатиш учун қулайроқ ўтириб олди.— Чарчаганим йўқ. Яхшиси ўзингиз ёнбошланг, сиз толиққансиз. Мен пойлаб ўтираман.

— Уйқу келармиди?

Аслида йигитнинг уйқуси келган, аммо ёш жувоннинг олдида сўлоқмондай бўлиб ухлаб ётиш унга ўта одобсизлик бўлиб туюлди. Уйқусида хуррак отса-чи?.. Йўқ, тўғри келмайди. Жувон ҳам албатта ухламайди. Нотаниш эркак олдида қанақа аёл ухлаб қолади? Ёмғир тинишини кутиш керак...

23

Муродхўжа аканинг нотоблиги зарур юмушларни ҳам четга суриб қўйди. У шишган юзи, малҳам чаплаб, латта ёпиштирилган яраси билан кўчага чиқишни эп кўрмади; бундай қиёфа унинг савлатига, обрўйига путур етказадигандек туюлди, у ишхонасидаги масъул хизматчиларни уйига чақиртириб, керакли топшириқларни бериб турди. Касали сабабли Муродхўжа аканинг ўғли хусусидаги режалари ҳам силжимаё қолди. Аввал Гулсум опа уйлантириш ниятлари борлигини ўғлига айтмоқчи, эри ҳам Маъсуд билан гаплашиб, унинг розилигини олмоқчи эди. Аммо Ҳошимжоннинг тайинлаганига қарамай, мана, бир ҳафтадан ошди, Маъсуддан ҳанузгача дарак йўқ. Эри ҳам бўлак бу тўғрида оғиз очмади. Балки хаёлидан кўтарилдимми? Келин масаласида, хабарлашдингми, деса Гулсум опа нима дейди? Ўғли уйланишга рози бўладими, йўқми, барибир Гулсум опа сўраб-суриштириб қўйиши керак эди, албатта. Нега эри бунча тезкорлик билан Маъсудни уйлантириш пайига тушиб қолди экан? Ахир бирон сабаби бўлиши керак-ку! Ё уни — худо кўрсатмасин! — урушга жўнатиб юборишадиган бўлишса биронта зурриёт қолишини истаётгандир?! У кун Ҳошимжон ғалати гап гапирди: Маъсуд урушга кетиш пайида юрганмиш. Одам шунақаям енгилтак бўладими? Худбинлигини айтмайсизми! Бир шаҳарда туради, мана икки ҳафтадан ошди, келиб ота-онасидан хабар олай, демайди. Отаси касалга йўлиқди, ҳатто билмайди ҳам. Отаси унинг бемехрлигини Гулсум опадан кўради, қулоғига қуймагансан, ҳурматни бажо келтириш нималигини ўғлингга уқдирмагансан, деб таъна қилади, ҳақ бўлиб чиқади. Қизи тушмагур мана бунақа ҳунар кўрсатди, унинг устига-устак ҳомилалик бўлиб, ўзини осиб қўйишга сал қолди. Яхшиям Холида бор экан, огоҳ бўлиб қолишди. Акс ҳолда исноддан бошлари чиқмас эди. Тағин ҳам отаси дарров тадбиркорлик қилиб, чора ишлатди, Ҳошимжонни топди. Тузук йигит экан, агар инжиқроқ бўлганида, у ҳам ҳунар кўрсатар эди. Тўлроқ экан, ҳеч нарсани сезмади, ҳатто қизчасининг етти ойлик туғилганига ҳам ишониб кетди. Мана, бинойидек яшаб юришипти. Ишқилиб анови урушдаги гўрсўхта ёзган хат қўлига тушмасин-да!..

24

Кулбанинг нам деворига суяниб ётган Қаюмжон совуқдан уйғониб кетди, аввалига қаердалигини англай олмай, бир лаҳза қинғир харилар қалашган шифтга серрайиб боқди, сўнг ҳушига келиб, атрофга кўз ташлади. Кулбанинг ичи ним қоронғу, аллақачон ўчиб, кулга айланган гулханнинг четдаги шолчада адёл барига боласи билан ўраниб Ойниса жим ётар, гўё эндигини кўзи илингандек эди. «Тавба, ухламасликка шунча тиришсам ҳам, — деб ўйлади Қаюмжон, — барибир уйқу босибди-да. Жувон ҳам пинакка кетипти».

Қаюмжон дераза туйнугидан ташқарига қаради — ёмғир тинган, ҳаво булутлиги учун тонг хира, сукунатни чумчуқ чуғури бузар эди. Қаюмжон фўзапоя қолдиқларини йиғиштириб қайтиб олов ёқмоқчи бўлди, бироқ оловнинг чарс-чурсидан Ойниса уйғониб кетса, хижолат чекади, деган хаёлга бориб, секин ўрнидан турди, товушсиз юриб қўрғонча ҳовлисига чиқди. Бу ерда йўталиб-нетса ҳам ҳечқиси йўқ, жувон уйғонса, кўздан нари, ўнғайсизланмайди, ўзини эпақага солади.

Ёғасини қўриб, толга боғланган эшак ҳанграб юборди, Қаюмжон ғишт парча олиб унга улоқтирди, эшак калласини бир силкиб, ҳанграшдан тўхтади.

Қаюмжон таги шалаббо майса-қизғалдоқларни босиб эшакка яқинлашди, арқонини ечиб, гўё икки қўлини осмонга кўтаргандек қаққайиб турган аравага қўша бошлади. Ёмғир тинибди, шошилиш керак, йўқса яна ёғиши мумкин. Агар Ойниса ҳали ҳам уйғонмаган бўлса, бориб товуш чиқаради, ҳаво ғаниматлигида етиб олайлик, дейди. Бир-бир ярим соатлик йўл, у ёғига ёмғир шиваласа ҳам, анча яқинлашиб қолишади. Ойниса билан қизчасига бирон бошпана топилар, хоҳласа бир-икки кунга кўнар, хоҳламаса Марҳаматга элиб ташлар. Дарвоқе, бу ёш, бегона жувонни уйига эргаштириб кириб борса, онаси нима дейди? Тўшакда жон талашиб ётган касал хотини нима деб ўйлайди? Нияти ёмон экан, мени ўлади, деб дарровгина бошқасини авраб келипти, деган хаёлга бормасмикин? Борса, дардига дард қўшилади, аламга чидай олмайди, омонат илиниб турган жони узилиши мумкин. Уғилчаси етим қолади. Одамлар айбни шундан кўради, лаънат ўқийди, шунча маломатлар етмаганидек, бечора жувон яна баттар қарғишга қолади. Ойнисани бундай тўхматга қолдиришга Қаюмжоннинг ҳаққи йўқ. Ахир унда нима айб? Ўзи одобли, камсукум жувон экан, бошига кулфат тушипти, уйи-жойидан бадарга қилинипти, аслида бундай дардисар, бебахт одамга ёрдам қўлини чўзиш ҳар бир кимсанинг оддий инсоний бурчи, лекин атрофдагиларга буни қандай тушунтириб бўлади? Агар Қаюмжон Ойнисани ўз қишлоғигача олиб бориб, у ердан бошқа аравага

51

ўтқазиб юборса ҳам, барибир одамлар буни бошқача талқин қилишади, ёмон тус беришади. Колхоз раиси бўлиш олдида турган Қаюмжон учун бу ғийбат-можаро мутлақо керак эмас, хотини соғлом бўлганида йўриги бўлак эди. Ушанда ҳам ғаламис топилади. Айниқса, раисликка даъвогар бўлиб юрган Тўрақул ака учун бу нарса қўл келади, ўз одамларини ишга солади, улар мажлисда айюҳаннос кўтаришади, Қаюмжоннинг номзодини йўққа чиқаришга уриниб кўришади. Агар Тўрақул ака раисликка ўтса, Қаюмжонга кун бермайди, ўтмаса ҳам тек ўтирмайди. Шунга кўра олдин Ойинисани жўнатиб, кейин ўзи кетиши керак. Марҳамат, Қирғизистоннинг Аравон ҳарбий участкаларида тўпланган фронтга жўновчи ёшларни олиб кетиш учун ҳали-замон Андижондан юк машиналари ўтабошлайди. Шулардан биттасига Ойинисани ўтқазиб юборади.

Қаюмжон жикқа ҳўл ўтларга қўлини ишқаб, намига юзини ювди, шинель остидан ўралган белбоғини ечиб, юз-қўлини артди, тетиклангандек бўлди.

25

Маъсуд Заҳрони Хадрагача кузатиб қўяди ва шу ондан бошлаб кейинги учрашувни орзиқиб кутади. Бир ҳафта йилга ўхшаб кўринади. Албатта Маъсуд яқинроқ кунни тайин қилса, Заҳро йўқ демайди, келади, аммо штаб ишлари шунақаки, Маъсуд дадил учрашамиз дея олмайди, кўп ҳолларда уни кечки пайтлари ҳам чақириб, топшириқ беришлари мумкин. Маъсуд буйруқни бажаришга мажбур, учрашувга келган Заҳро тушунмай, хафа бўлиши мумкин. Заҳронинг хафа бўлишини ва шу сабабли уларнинг ораларига совуқлик тушишини у мутлақо истамайди. Баъзида Маъсуд куни бўйи топшириқсиз гарнизон ичида санғиб юради, қани энди кечгача ишсиз қолишини билса, шу заҳотиёқ Эски шаҳарга учган, бир амаллаб Заҳрони топган бўларди. Аммо на чора, висол дардида яна бир неча кун чидаши шарт. Бир ҳафтада икки соатли учрашув, у ҳам бўлса пана жойларни ахтаришга кетади. Гавжум жойларда аллақандай нозанин билан ҳарбий формада юриш хавфли, патруль пайқаса суриштириши мумкин. Аммо кўришиш, бирга бўлиш, яккама-якка қолиш завқ-иштиёқи борган сари Маъсуднинг хаёлини қамраб олар, шу каби ширин орзулар ёш йигитни ўз жодусига тортар, ҳаловат бермай, унинг фронтга кетиш ниятини ҳам таҳликага солиб қўйган эди. Маъсуд чора излай бошлади. Уйланиб қўяқолса бўлмайди-ми? Ахир қанчадан-қанча офицерлар оилалик-ку, эрталаб хизматларига келишади, кечкурун уйларига қайтишади. Маъсуд ҳам шуларнинг бири эмасми? Аммо... Заҳро рози бўлармикин? Рози бўлганида ҳам қиз номи бор, уйга расмий одам юбориш, уларнинг руҳсатини олишга тўғри келади. Маъсуднинг ота-онаси нима деркин? Даб-дурустан уйланаман, деса ганғиб қолишмасмикин? Заҳронинг ота-онаси йўқ, етим қиз экан. Маъсуднинг уйдагилари бунга қанақа қарашаркин? Ота-онаси йўқ, бетайин қиз экан, унинг устига кўчада танишиб олипти, беҳаё экан, бизга бўлмайди, биз тагли-зотли оиламиз, дуч келганин келин қилмаймиз, деб тўнини тескари кийиб олишса, Маъсуд қандай далил келтиради? Нима важ кўрсатади? Яхши кўраман, ўламан саттор, шундан бошқасига уйланмайман, дейдими? Ёки яширинча уйланиб олиб, кейин билдирсинми? Йўқ. Унда отаси ҳам, онаси ҳам шайтонлаб қолади; онаси аюҳаннос кўтаради, отаси ҳам қараб турмайди, келиб Заҳрони ҳайдаб солади. Ишнинг пачаваси чиқади. Заҳро бунақа хўрликни кечирмайди. Икки орада Маъсуд ҳам ота-онасини ранжитади, ҳам Заҳродан айрилиб қолади. Нима қилсин экан, а? Маслаҳат қилай деса биронта маслаҳатдош қадрдони ҳам йўқ. Заҳро билан гаплашиб кўриш керак. У ҳали Маъсуднинг дилидаги режани билмайди. У Маъсуднинг қарорини қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Бироқ қандай бўлмасин, у Маъсуд билан учрашувга келяпти-ку. Бир-икки марта ачомлашишди, ўпишишди. Маъсуд, яхши кўраман, деганида, ўзини йўқотиб қўйди, синовчан тикилиб: «Ростданми?» деди. Ахир замон оғир, ота-онаси вафот этган экан, укаси билан ёлғиз туришармиш, у ҳам кимгадир суянғиси келар, ўзи ҳақида ғам ейдиган биронта одам бўлишини истар. Ўқишини ташлашга мажбур бўлипти, агар турмушга чиқса, Маъсуд имкониёт яратиб беради, Заҳро чала қолган ўқишини давом эттиради, тасодиф даромад қидирмайди, укасидан кўнгли тинч бўлади.

Навбатдаги учрашув охирида Маъсуд Заҳрога:

— Уйланмоқчиман сизга,— деди.

Заҳро гарчи шунга ўхшаш гап очилишини тахмин қилиб юрган бўлса-да, Маъсудга жавоб бермади, ўйланиб қолди. Нима деб ҳам жавоб берсин? Авваламбор, ўнинчи синфни битириш олдида туриб, тасодифдан учраган майор Ғафуров майлига учганини, бу кўйга киришига очлик мажбур қилганини, ифатини сотганини айтсинми? Қандай қилиб айтади? Айтмаса, бу сир барибир фош бўлади. Йигит тажрибасизлик қилиб, бу сирни билмаса, уни алдаб ўзига уйлантириб олган бўлиб чиқади, бир умр виждон азобида ўтади. Аммо Маъсуд шундай покиза, самимий, камтар, ҳаёт иқир-чиқирларидан беҳабар, гўдакдек нарса. Бунақасини қаердан топади? Унинг устига, ҳақиқатдан Заҳро сева бошлади ва бу ҳиссиёт нақадар пок, исқирт ниятлардан холи эканини англади, дилида эзгулик уйғонди. Шу фариштадек тоза йигитнинг ишончини суиистеъмом қилиб яшаш инсофданми? Албатта, тешик мунчоқ ерда қолмайди, деганларидек, бунга муно-



сиб биронта хотинидан ажраган ёки урушдан ярадор бўлиб қайтган одам учрар, турмуш қуришар, ҳаёти бинойидек бўлиб кетар, аммо бу йигитнинг йўриғи бошқа, ҳеч ким бунга тенг кела олмайди. Агар йўқ, деб, сазасини қайтарса, уни қаттиқ ранжитади, нарсаларини шилиш пайида алдаб юрган, калака қилган, сув бўйига олиб бориб, суғормай келган хуббони бўлиб чиқади, йигитнинг ихлоси қолади, аёл зоти шунақа маккор, мунофиқ деган хулосага келади, аёлларга ишонмай қўяди. Майли, ўйлади Захро, ўзига ташлайман, қайсарлик билан ўз муддаосига эришишга киришса, ён босаман, кейин ғиди-биди чиқарадиган бўлса, дарров рози бўлмаганлигим сабаби шу андишам эди, ўзингиз қўймадингиз, раъингизга киришга мажбур бўлдим, дейман.

— Нега индамайсиз, Захро?

Захро тушунади — на ҳа, на йўқ, деб у ҳозир жавоб бериши керак эмас. Агар розилик жавобини айтса — қизлик ҳамияти бор — дарров кўнди, ўзи тайёр экан, деган хулосага боради йигит; рад жавобини берса, сабабини айтиши керак. Шунинг учун иккиланаётгани, аллақандай андишалар ихтиёрида эканини англатиши керак, берадиган жавоби, тўғрироғи — саволлари ана шу мақсадни ифодалаш лозим.

— Сиз...— дея Захро тутилиб қолди.— Армия хизматидасиз-ку. Ким сизга рухсат беради?

— Иложи топилар,— деди Маъсуд, отасининг бу ердаги раҳбарлар билан муносабати борлигини ўйлаб.— Сизнинг розилигингизга боғлиқ.

— Розилик, дейсиз, ахир биз тенгмиз, мен сиздан хатто бир неча ойга каттаман.

— Бунинг аҳамияти йўқ,— деди Маъсуд қатъий.— Мен сиздан бошқани бунчалик... сева олмайман.

— Ҳозир шундай туюлаётган бўлиши мумкин.

— Пичинг қилаётган бўлсангиз ҳам айтаман, шу кунларда сизни ўйлаганим-ўйлаган.

— Ёшнинг аҳамияти йўқ, дейсиз,— деди Захро эътироз билдиришга бўлак далили қолмагандек.— Ота-онангиз бор, улар қандай қарашади? Ўзига пухта, тўқ оиладан экансиз, мен етимман, сепим йўқ; балки ота-онангизнинг орзу-умидлари бошқачадир.

— Тўғри, улар албатта қаршилиқ кўрсатишади. Мен балки уларни кўндира олмасман ҳам. Балки можаро чиқар, балки шарт қўйишимга, масалани узил-кесил ҳал қилишимга тўғри келар. Лекин мен уларнинг ёлғиз ўғлиман, кўнглимга қарашади. Ужарлик қилиб, мен уларни унатдим ҳам, дейлик, аммо шунча дилозорликдан кейин, сиз яна пайсалга солсангиз, унда нима деган одам бўламан?

Захро ўйланиб қолди. Йигит ота-онаси билан шу даражагача боришга тайёр экан, демак мақсади қатъий. Бироқ шунча тортишувлар оқибатида Захро буларнинг хонадонига келин бўлиб тушса, куёвнинг ота-онаси қандай муносабатда бўлади? Улар, албатта, ўғлимизни авраган, бошини айлантирган, ноз-карашмалари билан ром қилиб олган, деган назар билан қарашади, рўйхуш беришмайди, ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ, дейишади, нимаики қилмасин, айб қидиришади, чиқиштиришмайди, қўйдичиқдига олиб боришади, кейин ўзлари орзу қилган қизга уйлантиришади. Кўнгилларида шундай ёвуз ниятлари борлигини сеза туриб, Захро қандай қилиб уларни «ада», «ойи» десин?

— Ишни можаро билан ҳал қилсангиз, кейин улар орасида қандай тураман?

— Можаросиз, ётиғи билан кўндиришга уриниб кўраман,— деди Маъсуд ишонқирамай, чунки бу масала яхшиликча ҳал бўлишига унинг кўзи етмас эди.

— Менинг раъимга қарасангиз,— деди Захро анча сукот қилиб.— Сиз аввалига уларнинг олдидан ўтинг, агар эътироз сезсангиз, бўлак оғиз очманг. Чорамиз қанча, бошқа кўришмаймиз. Ёпиқ қозон ёпиқлигича қолаверади.

— Шунчалик экан-да,— таасуф билан деди Маъсуд.— Сиз учун қайрилиб кетиш шунчалик осон экан-да?

— Ахир, азизим,— деди Захро биринчи марта шу иборани қўллаб,— тушунинг, жанжал билан кириб борган келин яхши отлик бўлмайди. Барибир охири вой бўлади.

Маъсуд Захронинг ёлборишидан тушундики, унинг ҳадиксираши бежиз эмас. Аммо шунинг билан бирга қизнинг дилида розилик борлигини ҳам англади. Энди бу имкониятни қўлдан чиқармаслик керак.

— Агар эътироз сезсам,— деди Маъсуд яна қатъий,— яширинча ўйланиб оламиз. Ҳовлига келин бўлиб тушмайсиз ҳам. Шу атрофдан ижара уй топамиз, яшайвераимиз.

— Билиб қолишса, лаънат ўқишади, қарғашади, турмушимиз таҳликадан чиқмай қолади.

— Майли, қарғашаверишсин, қўрқмайман,— деди Маъсуд зид туйғулар исканжасида.

Захро Маъсудга ҳавас ва ўкинч, меҳр ва аянч билан тикилиб турди, сўнг юмшоқ кафтини кўтариб, унинг чаккасини силади...

Ойнисанинг Марҳамат районига келганига бир ҳафтадан ошди. Ушанда машина уни боласи, юки билан ижроком идораси олдига тушириб кетди. Ёмғир тўхтаган бўли-

шига қарамай, чор атроф бўтқаланган, ер тўпиққача лой, ижроком эшигидан қора чопон, бесўнақай этик кийган одамлар кириб чиқар, зина атрофида учта бир-биридан ориқ ит ниманингдир илинжида қизарган кўзларини ичкарига қадар, нари кетмас, паҳмоқ, лой ёпишган думларини истар-истамас ликиллатишар эди.

Ойнисанинг шолчага ўроғлик юкида икки-уч кунга етарли емиши, боласи билан ўзининг кийим-кечаги бўлгани учун, уни ташқарида қолдиришдан ҳайиқиб, Жамилани четроқа қўйди, юкни ичкарига судрашга тушди. Шу пайт қулоқчин ва пахта камзул кийган бир исқиртгина одам юкни Ойнисанинг қўлидан олиб, зинага элтди, эшик остига қўйди. Ойниса нотаниш кишига миннатдорчилик билдириб, Жамилани кўтарди, бояги одамга эргашиб ичкарига кирди.

— Турар жой масаласи чатоқ,— деди нимқоронғи хонадаги стол тўрида ўтирган масъул ходим, Ойнисанинг хужжатиини кўздан кечиргач.— Бу ерда биронта қариндош, ё таниш-билишларингиз йўқми?

— Йўқ,— деди Ойниса чўчинқираб. У девор четига қўйилган омонат курсида қизини тиззасига олиб ўтирар, яна қандай уқубатлар бошига ағдарилиши мумкинлигини ҳадик билан кутар, нажот илинжида кўзлари мўлтирар, йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тутар эди.

— Районимиз четида яқинда болалар ўйи очилган,— деди масъул ходим, миясида нималарнидир хомчўт қилиб.— Етимхона. Эвакуация қилинган болалар... Мен мудирга хат ёзиб бераман, учраб кўринг-чи, биронта иш топиб берар. Билишимча, мураббия ўринлари банд, сизни қозон-товоқ ювишгами, гўлаҳликками тайинлар. Ошхона юмушида бўлсангиз, бенасиб қолмасиз. Етиб-туришингизга ҳам жой-пой топилар.

— Раҳмат,— деди Ойниса.— Ҳар қанақа хизмат бўлса, қиламан, меҳнатдан қочмайман. Қизчам билан саргардон бўлмасак, шунгаям шукур. Раҳмат сизга.

— Юкингиз ҳозирча шу ерда қолсин, ҳеч ким тегмайди. Ишга жойлашиб олганингиздан кейин олиб кетарсиз, ёки биронта арава топилса, жўнатиб юборармиз.

— Ишга олишмасачи? Унда нима қиламан?

— Олишади,— деди масъул ходим.— Олишмаса, қайтиб келинг, бир иложини қилиб кўрармиз.

— Хўп бўлади,— Ойниса мудир номига ёзилган хатни олиб, кўчага чиқди.

Болалар ўйи ҳақиқатда қишлоқ четидаги бир пайтлар қулоқ қилинган бўйнинг ичкари-ташқариллик ҳовлиси бўлиб, бинонинг заранг ғиштли пойдевори одам бўйи баланд, ости зах ертўла, усти темир панжарали айвон, айвон нарисини бир-бирига ёндошган тоқчаси паст деразали хоналар, бир ҳажмдаги эшиклардан иборат бўлиб, деразалар оралиғидаги деворларга ганч безаклар битилган, тўғрироғи кимнингдир буйруғи билан бу нақшлар кириб ташланиб, уларнинг нафис жимжимасининг оқиш излари сақланиб қолган эди. Келажакда кимдир бу нақшларни тиклайди, ёки сомон сувоқ билан сўнги намуналарни ҳам йўқ қилиб ташлайди. Ҳовли саҳнида юпун кийинган, сочлари қирилган ориқ болалар шарпадек юришарди.

Мудир деганда Ойниса эркак кишини фараз қилувди, аёл бўлиб чиқди. Бу қирқлардан ошган оқ юзли татар хотин эди, Ойнисани кўриб, қимир этмади, оқ юзидаги беписанд ифода ўзгармади. Ойнисанинг юраги шувиллаб кетди, иш чатоқ, деб ўйлади у, қабул қилмайди.

Мудира хатни ўқиб чиқиб, Ойнисага қаради — унинг кўк кўзида умид бағишлайдиган ўзгариш кўринмади.

— Саводингиз борми?— сўради тик турган Ойнисадан.

— Саккизинчини битириш олдида кўчиб кетганмиз,— деди Ойниса юраги ҳаприқиб.

— Отангизга чора кўрилганми?— терговчидек сўради мудира.

— Чора? Тушунмадим, кечирасиз.

— Жазоланганми, демоқчиман.

— Билмадим,— деди Ойниса, қанақа жавоб мудирага маъқул тушишига ақли етмай.— Бизга хабар келмаган.

— Бизнинг муассаса болалар тарбияси билан боғлиқ,— деди мудира, қиёфасини бузмасдан.— Шунинг учун сизга мураббиялик вазифасини топшира олмаймиз — отангиз халқ душмани экан.

— Нимани маъқул кўрсангиз, мен розиман,— деди Ойниса, мудира бирон сабаб билан иш бермаслигидан кўрқиб.— Рус мактабида ўқиганман. Скрипка чалардим,— дея Ойниса мудиранинг кўнглини юмшатиш мақсадида қўшиб қўйди.

Мудира бошини шунчаки қимирлатди, Ойнисанинг важи таъсир қилмади чоғи.

— Изолятор бор,— деди у ниҳоят.— Санитария бўлими. Уша ерда ишлайсиз. Врач нима буюрса, шуни қиласиз.

— Майли, опа,— дея дарров рози бўлди Ойниса ва турар жойи ҳақида сўрашга ботина олмади. Бир йўриги чиқар, деб ўйлади, сўрасам, ғаши келади, айниб қолади.

— У ерда энага ҳам, санитар ҳам, фаррош ҳам йўқ,— деди мудира.— Ҳамма ишни бажаришга рози бўлсангиз, майли, қолинг.

— Розиман, розиман, опа, раҳмат,— деди Ойниса ҳозиржавоблик билан.— Иш бўлса, кучим бор, уддасидан чиқаман...

— Қундуз Алиева деган врач бор, мени айтди, денг, изолятор ўнг томонда, ишга тушаверинг,— дея мудира олдидаги қоғозларни варақлай бошлади.

— Раҳмат, опа,— деди яна Ойниса ва мудиранинг ғашини келтирмаслик учун тез юриб кабинетдан чиқди. У ҳозир изоляторга бориб, Қундуз Алиевага учрайди, танишишади. Қундуз Алиева Ойнисанинг бажариши керак бўлган ишларни айтади, яшайдиган жойини кўрсатади, Ойниса бир оз дам олади, чўнтагида туршак билан бир-икки бурда нон бор, тамадди қилиб олишади, кейин қизини ухлатиб, ишга, янги жойдаги биринчи иш кунига киришади. Агар Қундуз Алиева ижозат берса, ижрокомга бориб ишга жойлашганини масъул ходимга айтади, бўхчасини орқалаб келади. Бўхчада аёл-ёстиқ бор, кечаси ётиш учун керак бўлади. Қундуз Алиева қанақа аёл экан? Ёшмикин, қаримикин? Ишқилиб яхши одам бўлсин-да... жойлашиб олса, икки-уч кундан кейин, бу ер шароитини билиб, эрига хат ёзади. Эри шўрлик ҳалигача онаси вафотидан хабари йўқ. Рузвон хола қазосидан кейин Ойниса икки марта хат ёзди, бироқ қайнонаси ўлганини ёзишга юраги дов бермади. Энди ёзади, бу томонларга бадарға қилинганини ҳам, қайнонасининг йигирмасини ўтказа олмаганини ҳам — ҳаммасини хатга битади, майли, эри билсин, билиши керак-ку! Қачонгача яширади? Анчадан бери хат келмайди, ишқилиб ўзи омонмикин? Нега шунча пайт ичида хат ёзмади? Агар бирон нарса юз берган бўлса... Йўқ, йўқ! Худо тесқари қилсин... Уй-жойи нима бўлди экан? Шундоққина эшик зулфига қулф солиб, калитини Шамси холага бериб келувади. Ҳар қалай ўзига яраша рўзғори бор эди, эски-туски бўлса ҳам гилам, кигиз, кўрпа-ёстиқ, идиш-товоқ, ашқол-дашқол... Мана, дарахтлар ҳам гуллаб бўлди, барглар ёзилиб қолди, ҳовлиси майса-лолалар билан гуркираётган бўлса керак. Уч-тўрт қаторга жўхори экиб қўйган эди, ҳозир ярим қарич униб чиққан, ишқилиб сувсизликдан қуриб қолмасин-да. Шамси хола қараб турар, ахир ҳосили энди уники бўлади. Фақат девор пахсалари нураб, одам бўйи бўлиб қолган, бир хатласа, ошиб тушиш мумкин. Ҳозир ким кўп, тиламчи, кисавур кўп. Биронтаси кўз остига олиб қўйса, кечалари келиб, қўлига теккан нарсани ташийди, ҳамма ёқни ағдар-тўнтар, шип-шийдон қилади. Ахир эри омон бўлса, бир кунмас бир кун келади, ўз жойига эга бўлади, қизчаси билан Ойнисани олиб кетади, яна апоқ-чапоқ кун кўришади. Жамила мактабга қатнайди, Ойнисани ҳам чала ўқишини тугатиб, биронта институтга киради, олий маълумотли бўлади... Ишқилиб ҳовли-жой қўшнилари ахлат тўкадиган ташландиқ чолдеворга айланмасин-да. Ахир у жой бир одамнинг мулки, бир пайтлар ҳаёт қайнаган. Маҳалла аҳли билади, талон-тарож бўлишига йўл қўймас... Ойниса бу янги жойда бир оз тиниб-тинчиганидан кейин Тошкентга бориб, ҳовлисидан хабар олиб келади. Агар рухсат беришса. Ижрокомдагилар ҳар ҳафтада бир кўриниш бериб кетиш керак, дейишди. Демак, Ойниса доим назорат остида бўлиши, мунтазам милиция идорасига бориб, шу ердалиги ҳақида гувоҳлик бериб, аллақандай дафтарга қўл қўйиб келиши шарт. Рухсат беришармикин? Ундан ташқари, мана, неча йил ўтди, Ойниса бирон марта Шўртепага бориб, онаси мазоридан хабар олиб келгани йўқ, гўри турганмикин? Нураб-чўкиб кетмаганмикин? Эргаш амакиси омонмикин? Эри билан Тошкентга кўчиб кетишган кезлари дастлабки пайтларда Ойниса бир-икки марта уларга хат ёзиб, ҳол-аҳволларини сўраб турди, кейинчалик рўзғор ташвишларига ўралашиб кетиб, аста-секин унута бошлади, алоқалар ҳам узилиб қолди. Мана энди бу ерда ишласа, қўлига беш-тўрт сўм тушади, тежаб-авайлаб унча-мунча совға-салом билан кўриб келади, онаси бошига боради, ис чиқаради. Ҳар қалай оғир кунларида ўша одамлар асқотишган, онаси касаллигида табиб ёллашган, дори-дармон қилишган, вафотидан сўнг кафанлик беришган, кўмишган, унча-мунча расм-русмларини ҳам баҳоли қудрат ўтказишган. Қолаверса, Ойнисанинг эри билан никоҳи, тўйи ўша ҳовлида ўтган, ис босган, зах бўлса ҳам, ўша ҳужрага чимилдиқ тутилган, қанча бахтли онларининг гувоҳи бўлган ўша ҳужра. Буларни унутиб бўладими? Уқтин-ўқтин Ойнисанинг кўнгли ўша пайтларни қўмсайди, соғинади, ўзи биринчи марта бошқоронғи бўлган ардоқли вайронани кўргиси келади...

### Охири келгуси сонда



Усмон Азимов

# Халил Султон

Тарихий-драматик қисса

Самарқанд. Боғи Дилкушодаги кўшклардан бири. Халил Султон ва Шодимулк кўшк безакларини, тасвирларини томоша қилмоқдалар.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Омухта рангларнинг жилваси — гўзал!  
Гардуну заминнинг якто сифати  
Жимжима нақшлар аро жой бўлиб,  
Кўнгилга гулгула соладур асру.

(Томоша қиладилар.)

Мусаввир мана бу суратда ҳиндни  
Забт этмоқ онимиз, черикка черик  
Тўқнаш келғонини айлабмиш тасвир,  
Бобомнинг музаффар лашкарин кўринг.  
Ғолиблик шонидин кўзларда ёлқин...

(Сукут)

Бу шавкат қонимни тоширмоғи шарт,  
Аммо шикастамен нечун?..

ШОДИМУЛК

Бебахтсиз,

Мени деб умиддин тушгансиз айро!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Шодиям, кўнгилни зинҳор оғритманг,  
Балки бахт юракнинг шикастлиғинда.

(Тасвирга ишора қилиб)

Отлар туёғининг тагида абгор,  
Қўрқув даҳшатидин кўзи чақчайғон  
Анов, бахтиниғун ҳиндуга қаранг,  
Қилич боши узра ўйнаб турса-да,  
Ҳали ҳам ўлишин қилмай тасаввур  
«Наҳотки!..» деб боқар энгашган тифга.

Энди қилич тутғон ўғлонға боқинг,  
У қандай чиройли шиддати ила,  
Алвон либосларда нақадар гўзал —  
Фақат дорулбақо эшигидағи  
Бечора ҳиндуни ҳисоб қилмасак...

(Ўйга толади)

Жанг-жадал, қирғинда от сурдим талай,  
Ёвға найза санчдим, ёвға тиғ тортдим.  
Қонга ботиб, ажал ғарғарасида  
Тўлғанган душманға қарадим дилхуш...  
Аммо неча ойким ушбу тасвирнинг  
Қошиға келганда бир тенгсиз ўкрук  
Кўксимни ёғжимлар...

Бу ҳинд ҳолати

Шундай жонланарким жону танимда  
Гуё ўшал ўғлон кўтарғон қилич,  
Менинг вужудимға ботмоқда секин,  
Ойларки ботмоқда...  
У кундин буён...

### ШОДИМУЛК

Эсламанг! Ситамлар мавсуми ўтди...

### ХАЛИЛ СУЛТОН

Шодиям, мардумнинг умри хотира,  
Биров менга айтсин хотирда борин,  
Мен анга кимлигин сўйларман аён.  
Мендан сўрасалар...

### ШОДИМУЛК

Султоним, айтинг,

Энг гўзал хотира сиз учун надир?

### ХАЛИЛ СУЛТОН

Шодиям, гўзалдан гўзал хотир — сиз!

### ШОДИМУЛК

Энг абад хотир-чи?

---

*Бу асар бундан ўн йилча муқаддам ёзилган эди.*

*Тарихимизга ҳадиксираб қараш ва уни замонасозлик билан қайта ёзишга ҳаракат қилиш, ўтмишни унутишни яширин ва ошқора қўллаб-қувватлаш, мозийни фақат бугунги кун манфаатларидан келиб чиқиб ёритиш (тўғрироғи «қорайтиш»), халқимизга бош бўлган расмий доиралардаги умумманқуртлик, «бугунни бошқараётган, ўтмишни ҳам бошқаради», қабилдаги зўравонлик устига қурилган салтанатлар широгога амал қилиш, қолаверса, халқимиз истиқболига ҳозир ҳам давом этиб келаётган шончсизлик авж олган кечаги кунда боболаримиздан бири ҳақидаги бу қиссининг ўн йил ўтиб чоп этилаётганига ажабланмаса ҳам бўлади.*

*Шоир ва ҳокимият ўртасидаги қарама-қаршилик инсоният пайдо бўлганидан буён бор. Мўътадилликни қўмсайдиган ва бунинг учун ҳар қандай мўътадилликни (даҳшатли жойи шунда!) қиличдан ўтказишга тайёр турган бешафқат ҳокимият билан қалби алақачон истиқбол садоларига тўлган шоир орасидаги гоҳ тинҳон, гоҳ аён бу кураш аслида тараққиёт оёғига тушов бўлаётган кеча билан бугуннинг кўксига қийналиб туғилаётган эрта ўртасидаги беаёв жангнинг бир кўринишидир.*

*Халил Султоннинг фожиаси шундаки, унинг вужудига табиат бир-бирига қарама-қарши ёв унсурни — шоҳлик қисматини ва шоирлик салоҳиятини ёнма-ён қўйди. У ҳозирнинг қонли ташвишлари орасидан инсоният амал қилиши лозим бўлган йўллар шарпасини қалбининг алақандай ўтқир кўзлари билан кўрди, иложсизлик исканжасида қийналди, ўзига-ўзи қарши чиқди, ўзига-ўзи қарши курашди...*

*Халил Султон ҳақида академик В. В. Бартольд шундай ёзади: «...ўз душманларига ва ҳатто ўзига хиёнат қилган кимсаларга кўрсатган доимий олижаноблиги у мансуб сулоланинг бошқа вакиллари шахсий сифатларига ҳамда замонасининг шарт-шароитларига тамоман қаршидир.»*

*Шунинг учун бўлса керак, Халил Султон ҳаёти мудом қизиқиш уйғотиб келди. Масалан: Мирзо Улуғбек Дурбек тахаллусида «Юсуф ва Зулайҳо» достонини ёзган, бу ишда унга амакиваччаси Халил Султоннинг Шодимулкка бўлган фожиаги муҳаббати илҳом бахш этган, деган гаплар ҳам юради. Бизнингча, Мақсуд Шайхзода ҳам «Мирзо Улуғбек»даги муҳаббат саҳналарини Халил Султон ҳаётидан улуг мунажжимга улашган кўринади...*

*Мен бу асарни бор-йўғи унут бўлаётган бир номни хотирамизга олиб кириш учунгина ёзган-лигимни алоҳида таъкидламоқчиман.*

МУАЛЛИФ

ХАЛИЛ СУЛТОН

Тирикликда — сиз!

ШОДИМУЛК

Энг ширин хотир-чи?

ХАЛИЛ СУЛТОН

(Ҳазиллашиб)

Энг ширин? Бир қиз...

ШОДИМУЛК

Нечук бу ердасиз? Тез боринг...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Афсус,

Бир мирзо ишқида ёнур ул пайкар.

ШОДИМУЛК

Фаҳмимча, ул мирзо барчадин юксак.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Аҳли фаҳм ичинда ул қиз-да осмон!

ШОДИМУЛК

(Ҳазилни унута бориб)

Исми надур анинг?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Исми — Шодимулк!

Шодимулк... Шодмонлиғ... Маним шодлиғим...

(Чўнтагидан ҳамён олиб кўрсатади.)

Эслайсизму?

ШОДИМУЛК

Толе бўсағасиға

Мени олиб келғон айёр совчи шул...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Боғи Дилкушони ўшанда чошгоҳ

Маҳали тарк этдим йигитлар бирла,

Яҳё отлиғ асл бир навкарим бор —

Сиз ани билурсиз — хизматимдадур.

Ул рухсат сўради, волидасининг

Дийдорини кўриб, бир-икки ҳафта

Камарбасталиққа она қошида.

Ҳамёнға қўл солдим тортиқни ўйлаб,

Аммо чўнтагимда ҳамён йўқ эрди.

Сездим, тушурганман боғни кезғонда...

Бирдан бир латиф мавж юракка оқди,

Танимни қамради бир ширин титроқ,

Чакмонимни ечиб Яҳёга бердим.

«Ол, дедим, бу совға»... Анграйиб қолди...

Доруссалтанатға боришларини

Тайинлаб жўнатдим навкарларни ҳам,

Ўзим от бошини бурдим бул тараф...

ШОДИМУЛК

Эҳтимол ҳамёнға кўзим тушғондир

Ўшал он... Қўлимға олдим у ани

Ногаҳон ўзимни самовий, зангор

Нурлар қучоғинда қолғоним сездим.

Сиз сукут ичинда илк узатдингиз.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Мен кўрдим ҳамёним кўлингиздайди,

Аммо сўз айтмоққа топмадим мадор.

ШОДИМУЛК

Кўзингиз кўзимга тушди — тош қотдим...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ҳамёни олдим-да, отимдан тушдим.

Сизга айтмоқчийдим...

## ШОДИМУЛК

Айтолмадингиз!..

### ХАЛИЛ СУЛТОН

Исмингизни тутуб чақирди бир кас.  
Мен сачраб ўгрилдим... Амир Сайфуддин  
Таъзим ила бошин эгиб турарди...  
Ғазабим отилиб бошимга етди,  
Гўё исмингизни мендин ўзга зот  
Тилига олмоққа ҳақли эмасди...

## ШОДИМУЛК

Ул уйга боришни менга буюрди...

### ХАЛИЛ СУЛТОН

Амир менга боқиб фалак токидин  
Яна таъзим этди... Кетдингиз. Қолдим.  
Отимни етаклаб келдим шу кўшкка  
Ва неча йилларким, кўзим ўрганиб  
Қолғон бул суратга нигоҳим тушди.  
Чақмоқ вужудимни тешғондай бўлди,  
Зиркираб кетдилар суяк-суягим!  
Бўғзимга қалқиниб йиғи қадалди,  
Оҳ урдим, инградим, югурдим гирён.  
Анов, от устида турғон ўғлоннинг  
Шодликдин нурланғон қиёфасига  
Тошлар отғим келди...

## ШОДИМУЛК

Мен нохуш эрдим,  
Ёшларим оқарди кўздин шашқатор.  
Барча чўккандин сўнг хобнинг комиға,  
Чорбоққа чиқдим-да, ерга тиз чўкиб  
Тангримдан сўрадим сизни... Истадим...  
Ногоҳ қаршимдаги ишком ортиндин  
Бўйингиз кўринди...

### ХАЛИЛ СУЛТОН

Қалқиб тушдингиз,  
Қўрқдингиз, арвоҳму, ёхуд ўғри деб...

## ШОДИМУЛК

Отлар елди... Кетдик...

### ХАЛИЛ СУЛТОН

Амир Сайфуддин  
Арзадоштлиғ ила айюҳаннос солиб,  
Эртаси ўпибди бобом этагин.  
Меҳрда қанчалар дарё бўлсалар,  
Қаҳрда шунчалар Амир Темур тош.  
Мени қаҳр ила «оқ» айлабдилар,  
Аммо босилмағоч ғазаб хумори...

(Тўхтаб қолиб)

Шодиям, хайрият, оламда борсиз!

## ШОДИМУЛК

Аммо босилмағоч ғазаб хумори,  
Мени ўлдирмоққа бермишлар фатво.

### ХАЛИЛ СУЛТОН

Эсламанг!

## ШОДИМУЛК

Султоним, хотира — умр...  
Навкарлар қўлимни боғлаб ҳайдади!..

### ХАЛИЛ СУЛТОН

Ҳибсга олдилар мени ўшал он,  
Кавкабафшон эрди кўзингиз, боқсам,  
Нажот истар эрди... Мен эрсам банди.  
«Султоним», дея сиз айлаб илтижо



Кўмак сўрардингиз...  
ШОДИМУЛК

Ўн чоғли навкар

Оёқ-қўлингизга ёпишғон эрди.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Оху-ноламизга тошлар эриди...

Туман оға момом ишора айлаб,  
Кўрсатма бердилар навкарбошиға,  
Сароймулк момомға арз қилдилар сўнг.  
Ҳумоюн ўрдаға иккиси бориб,  
Қайтдилар бобомдин хунимиз сўраб...

ШОДИМУЛК

Туман оға хоним — асру кўнгилчан,  
Ҳозир-да бошимға меҳрпаноҳлар.

(Яҳё навкар киради.)

ЯҲЁ

Ташриф буюрдилар Али товачи,  
Бобонгизнинг олий фармонин олиб.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Айт, кирсин!

(Яҳё чиқиб, Али товачи киради.)

АЛИ ТОВАЧИ

Саодатманд бўлсин шаҳзодам мудом,  
Оллоҳ мадад бўлсин қору фикрга!

Баад рухсат

беринг арзу ниёзға.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Сўйлагин.

АЛИ ТОВАЧИ

Онҳазрат — бобонғиз бу тонг

Аркону давлатға қилдилар эълон —

Ки, Чин диёриға черик тортмоқлиғ

Хаёли муборак кўнгилларини

Забт айлаб, ҳаракат бошлағонини...

Тирамоҳ чоғинда лашкар кўзғалур:

Қалба — Соҳибқирон ўзлари бошдир,

Сўл қанот — жувонғор — томирдошинғиз

Султон Ҳусайннинг ихтиёринда,

Ўнг қанот — буронғор...

(Овозига тантанавор тус бериб)

Амр этдилар,

Сизнинг илкинғизда қилғай ҳаракат.

Черик қишлагайдир Тошқандға етиб,

Баҳорда отланур қутлуғ сафарға!

Ушанда буронғор, жувонғор, қалба —

Шерсифат бекларға, баҳодирларға,

Ёвқур навкарларға — жаъми қўшинға

Мирзо Халил Султон танҳо бош бўлиб

Чин-Мочин подшоҳин тор-мор айлағай!

Ҳазрат Амир Темур Кўрагонининг

Тангри равиши-ла, иродаси шул!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бобомға етказгин, Али товачи,

Сафар анжомини тап-тайёр айлаб,

Бориб пойларини тавоф этурман...

АЛИ ТОВАЧИ

Саодатманд бўлсин, шаҳзодам, мудом!

(Кетади.)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Товачи фалокат келтирди, жоним,



Фалокат келтирди!..  
Бўлинг, йиғининг,  
Кетурмиз!..

ШОДИМУЛК  
Қаёққа?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бош оққан тараф!  
Менга нима керак қирғин жанг-жадал,  
Менга нечук лозим олис Чин-Мочин,  
Нечун ўлдирмоғим керак ўзгани?!

ШОДИМУЛК

Ўзингизни босинг...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Сизни топганим  
Ул кундан буён бир савол бошимни  
Эзғилар... Наҳот мен жангу жадал деб,  
Бировлар умрига бўлғоймен забун?!

ШОДИМУЛК

Султоним, жанггоҳнинг қонуни қатъий,  
Сени ўлдирурлар, сен ўлдирмасанг.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Алар диёрига бизлар бордик-ку,  
Алар ҳақ эди-ку бизни ўлдирса!  
Аммо биз ўлдирдик...

(Суратга ишора қилиб)

Шўрлик ҳиндунинг

Балки хотини зор кутаётғондир,  
Қалтираб тангрига қилиб илтижо.  
Балки фарзандлари сўнгги бир бурда  
Нонни талошиб еб, оталарининг  
Йўлига — кўчага чиқиб турурлар...  
Аммо суворийсиз от келур ҳорғин,  
Қишлоқ кўчасидан бир-бир босгонча,  
Жилови тупроқда сассиз судралур...  
Таранг тортилади сукунат тордай  
Инграру ногаҳон кетур узилиб,  
Фарёд кўтарилур... Бечора аёл,  
Энди сағир қолғон фарзандларини  
Қучоқлаб бўзлайдир...

Йўқ, мўмкин эмас!

Кимдир бул тарафга келмоқда...

ШОДИМУЛК

Қани?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Хув, ана, гулзордин кесиб ўтмоқда.

ШОДИМУЛК

Ақлидин айрилғон шўрлик бу аёл.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ақлидин айрилғон?

ШОДИМУЛК

Ҳинд учун жангдин

Қайтмағон яккаю ёлғиз фарзанди.

Ўғлини сўроғлаб кезғони-кезғон...

(Аёл киради.)

АЕЛ

Ҳой, ўғлон! Кўпдинму бунда турурсен?

(Сукут)

Кўзинг тушмадиму хушсурат, хушқад,  
Бўз отлик суворий бундин ўтғондир?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Кўрмадим...

АЕЛ

Менгги бор ўнг чеккасинда,  
Эгнидаги чакмон қора мовутдин...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Минг афсус, кўрмадим...

АЕЛ

Ўғлон, эслаб боқ,  
Кулғонда бир кўзи кўпроқ қисилур,  
Қошлари қоп-қора...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Йўк, учратмадим.

АЕЛ

Бўлғонмисан олис мамлакатларда?  
Олис юртларда ҳам учрамадим?  
Эслаб кўр... Бўйнида жароҳат солғон  
Яранинг изи бор...

Кетди... Келмади

Эси паст, онасин эсламайди-я!

(Шодимулкка)

Ҳай, жувон! Қай мато шул кунлар расм?

ШОДИМУЛК

Сариқ атлас...

АЕЛ

Атлас? Вой, саригими?  
Насиб этадиғон келинимға деб  
Олиб қўйғон эрдим икки либослиқ.  
Шул кунларда расм бўлғонин қаранг!  
(Ўйланиб)

Ҳали гумбурлаган тўйлар бўлади,  
Ўғлимнинг эгнида музаҳқоб қабо!..  
Сариқ атлас ичра келинчак... Вой-бўй!  
Нағора!.. Сурнаю чирманда!.. Ер-ёр!..  
(Ўйнаб куйлайди.)

Ерга тушган оқ белбоғ сизникиму, ёр-ёр,  
Кўзёш ичинда кулгу сизникиму, ёр-ёр,  
Асру ҳимматлар қилдинг золим фалак, ёр-ёр,  
Шундай гўзал келинчак бизникиму, ёр-ёр.  
(Ўйиндан тўхтаб)

Тўйға келасизму? Албатта келинг!  
Тўймисан — тўй бўлур... Рақсу наволар...

(Эсига тушиб)

Қайга кетиб қолди эси паст бола?!  
Соғиниб-соғиниб кул бўлдим, ахир?!  
Нима бўлур эрди бир келиб кетсанг?!  
Майли, мен борайин...

Сўраб кўрай-чи,

Бирор кас дарагин айтур?.. Тўғриму?

(Кетади.)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Шодимулк...

ШОДИМУЛК

Шаҳзодам, бардам бўлингиз,  
Қалбни тетик тутинг!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Шўрлик савдойи!

ШОДИМУЛК

Бу олам бахтиёр инсонларники  
Бўлмоғи учун сиз юксак мартаба,

Олий орзуларнинг роҳидин бардам  
Бормоғингиз зарур!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Шодимулк, балки

Бошимизни олиб кетмоғимиз соз...

ШОДИМУЛК

Шаҳзодам!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Шодимулк, суйдугим маним,

Бахт қайда? Бахт қайда? Қайда бор толе?!

(Сукут)

ХАЛИЛ СУЛТОН

(Девордаги суратга қараб)

Сен не дейсан?

Сўйла, бечора қурбон!

II

Тошкент яқинидаги бир мавзеъ Халил Султоннинг қароргоҳи. Халил Султон хонтахтага бошини қўйганча ухлаб қолган. Шам ёниб турибди. Яҳё киради.

ЯҲЁ

Мирзом, уйғонингиз...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Субҳи козибму?

ЯҲЁ

Йўқ, тонг отиб қолди.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ёғмоқдаму қор?

ЯҲЁ

Чарсиллаган аёз тангиға олғон.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Навкарнинг шўри-да...

(Яҳё таъзим қилиб чиқиб кетади.)

ХАЛИЛ СУЛТОН

(Ўзича гапириниб)

Туш кўрдим. Ажиб!

Оппоқ қор қўйнида бир саҳро эмуш:

На жонзот кўринур ва на одамзод,

На бир дарахт бордур, на йўл, на уфқ —

Оқликда чор тараф, гардуну замин.

Саҳро қаршисида ҳайрон эмушмен,

Дилгир боқармушмен ўз аҳволимға.

Теграмни ўрабмуш шунда ногаҳон

Бир гала кўзичоқ — ҳаммаси сулув,

Кўзлари қуралай... Совуқда титраб

Маърашар кўнглимға оғриқлар солиб.

Бирини бағримға босиб иситмоқ

Истагинда эриб қўлимни чўздим,

Қўйнимға тикдим-да...

Тангрим! Қарасам —

Қўзичоқ бўриммиш... Шошиб, ютоқиб,

Кўкрагимни ўйиб тишлари ила

Иссиқ қоним қайнаб, гупуриб ётгон

Юрагимни ғажир порә-поралаб!..

Ерға улоқтирдим жаҳл устинда,

Йиқитиб бўғзиға ханжар қададим.

Ханжарим сирғалиб тушди кафтимдин...

Ани озод этдим ҳовримдан тушиб.

Шунда сескантириб жондор увлади,

Атрофимга боқсам, жами қўзилар

Ваҳший нигоҳ билан менға қарашур...  
Душвор таъна ила аларға дедим:  
— Сизлардин кучлимен, аяймен фақат!..  
Кўзларинғиз қандай қуралай эрди,  
Энди нигоҳ қайраб боқмоғи нечун?  
Алар жавоб бермас, алар увлашур,  
Алар яқин келур лабларин ялаб —  
Тиллари қип-қизил, гўё дўзахнинг  
Оташгоҳидағи оловдин ёлқин...  
Бирдан кўриндилар Темурбек сезиб,  
Кўмакка югуриб шошғонмудилар,  
Ё ногоҳ қарорнинг ҳаяжонидин  
Тўлиқиб дарёдай тошғонмудилар,  
Ё мени саҳрода соғ-омон кўриб,  
Ақлдин айрилиб қувондиларму —  
Подшоҳлиғ тартибин эсга олмасдин  
Мени суйиб, ҳидлаб кучоқладилар.  
Хиёл чекиндилар ваҳший жонзотлар...  
Бобом қўлларини елкамға қўйиб  
Менға тикилдилар бир меҳр ила  
(Тожнинг залворини сезмағон чоллар,  
Шундай боқса керак невараларға).  
Сўнгра бир хўрсиниб сўз бошладилар,  
Сокинлиғ қўйнида ҳар бир сўзлари  
Тиғдай жарангларди кескин, қудратли:  
— Жасорати мутлақ кўнглинға жодир,  
Ошиқи воласен ишқу урфонға,  
Фикратинг чуқурдир, хаёлинг баланд —  
Энди Амир Темур Кўрагонийнинг  
Сўнгни иродасин кўнглинға жойла!  
Узлатға йўл олсам дорулфанодин,  
Тахту иқболимининг эгаси ўзинг!  
Аммо шоҳлиғ учун бир иллатинг бор...  
«Иллатим» нелигин айтмадилару  
Менинг юрагимға тишин ботирғон  
Қўзичоқни ногоҳ бўғизладилар!  
Қолғон қўзичоқлар тортдилар ювош,  
Бобомнинг қўлларин ялаб, қилпиллаб,  
Майин бир мақомда маърар эдилар.  
Соҳибқирон кетди... Қайта бурилмай...  
Қорли саҳро узра беиз, бесадо...  
(Одамларнинг шовқини эшитилади. Яҳё киради.)

ЯҲЁ

Шаҳзодам!..

ХАЛИЛ СУЛТОН

Не бўлди?

ЯҲЁ

Шаҳзодам!..

ХАЛИЛ СУЛТОН

Гапир!

ЯҲЁ

Қалбадаги беклардин чопар етишди!

Халил Султон

Хушxabар иламу ё қайғу бирла...

ЯҲЁ

Шаҳзодам!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Тилинға тош боғладингму?

Чопарни чақирғил!

ХАЛИЛ СУЛТОН  
 (Яҳё чиқиб, чопар билан бирга киради.)  
 ЧОПАР  
 (Халил Султоннинг оёғига йиқилиб)  
 Шаҳзодам, бир қошиқ қонимдан кечинг!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Сўйлағил!  
 ЧОПАР  
 Оламни қуёш тарк этди,  
 Балолар ёғдирди чархи кажрафтор!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Гапни безамасдан сўйлағил, гумроҳ!  
 ЧОПАР  
 Улуғ Амир Темур Кўрагонийдин  
 Тангри омонатин қабул айлади!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Нима дединг, чопар? Не учун?.. Қачон?..  
 ЧОПАР  
 Жон бердилар еттисида Шаъбон ойининг...  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Бугун Шаъбон ойин ўн бешинчиси,  
 Бир ҳафтадан кўпроқ...  
 (Сергакланиб)  
 Чопар, жавоб бер,  
 Нечун хабарим йўқ бу мусибатдин?  
 ЧОПАР  
 Мен маҳтал этмасмен амр этилғоч.  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Борақол!  
 (Чопар кетади.)  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 (Яҳёга)  
 Бекларни қошимға чорла!  
 (Яҳё чиқади. Амир Бурундик, амир Худойдод  
 отабек, Рустам барлослар кирадилар.)  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Етим қолдик, беклар!..  
 БЕКЛАР  
 Астағфируллоҳ!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Ҳазрат Амир Темур оламдин ўтди!  
 ХУДОЙДОД  
 Оллоҳ! Бошимизға бу не кўргулик!  
 БУРУНДУҚ  
 Кўксимни қон этди новаки кулфат!  
 РУСТАМ БАРЛОС  
 Қулабди саодат қуёши кўкдин!  
 ХУДОЙДОД  
 Улуғ қиблагоҳдин айрилиб қолдик!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Рустам барлос, чор атрофға қоровул қўйинг!  
 Лашкарга амр этинг, амир Бурундук,  
 Ҳазрат Амир Темур хотирин ёдлаб,  
 Зафар туғларига боғлашсин қаро!  
 Сиз-чи, суянчиғим амир Худойдод,  
 Қароргоҳда қолинг, ҳасратлашайлик,  
 Мотам хос тартибин айлайлиқ адо...  
 (Беклар қўзғалмайдилар.)  
 Яна қандай фармон кутмоқдасизлар?  
 (Сукут)



### ХУДОЙДОД

Шаҳзодам, бу ғамнинг охиратиға  
На ашкимиз етур ва на умримиз,  
Аммо тириклиғнинг қонуни қатъий —  
Бебақо ташвишлар навбати ила  
Босиб келаверар... Ҳар биттасиға  
Лойиқ йўриқ, ойдин равиш топмоқ шарт!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Фарзанд қаторимен сизға...

ХУДОЙДОД

Иншоллоҳ!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Менға таълим берғон отабегимсиз!

ХУДОЙДОД

Иззатингиз учун, шаҳзодам, қуллуқ!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Олисдин бошлашға, демак, ҳожат йўқ,  
Мақсадға яқинроқ йўл ила келинг...

БУРУНДУҚ

(Бирдан)

Шаҳзодам, ҳолимиз энди не кечур?

РУСТАМ БАРЛОС

Бир муҳим қарорға келмоқлик зарур!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Биз учун Темирбек қарорға келғон!

Бунда баҳоргача шай турмоқ зарур.

Сўнг Қалбу жувонғор амирларининг

Маслаҳатин олиб, тангри иноят

Қилғон кун Чин-Мочин юртиға лашкар

Тортурмиз!..

ХУДОЙДОД

Шаҳзодам, қай лашкардир у?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ҳазрат Амир Темур Кўрагонийниинг

Музаффар лашкари!

ХУДОЙДОД

Ул тарқаб кетди!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Нималар деяпсиз?

ХУДОЙДОД

Султон Ҳусайн

Бобоси қазосин эшитғон они

Салтанат ишқини кўнглиға тугиб,

Вафодор бир тўда йигити бирла

Доруссалтанага жиловин бурди.

Қолғон навқар эрса, титилиб кетмиш —

Биров хотинининг қўйниға, биров

Кўнглиға ўлтирғон бек паноҳиға..

Қалбда — Соҳибқирон қароргоҳининг

Бошида қолғонлар — амир Нуриддин,

Бердибек, Шоҳмалик — шавкатли беклар

Султон Ҳусайндин кеч қолмайлик деб

Қиҷаб жўнадилар Самарқанд сори.

Аларнинг бошида ўзга бир мақсад

Амакинғиз Шоҳруҳ мирзоми ёхуд

Мирзо Улуғбекни — фарзандларини

Самарқанд тахтиға еткузмоқлиғдир.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Амаким? Валияҳд Пирмуҳаммадчи?

(Сукут)

Отабегим, сўйланг тангрини ўйлаб,  
Қандай хабардорсиз бу фитналардин?  
Оламдин талотум, тўфон кечсаю  
Мен нечун «қилт» этфон шабадасин-да  
Сезмасмен? Не учун ихтиёр бериб,  
Кўзу қулоғим деб суйғоним беклар,  
Огоҳ этмағойлар... Бул мусибатға,  
Ахир, ҳаммангиздин яқини менман!

ХУДОЙДОД

Шаҳзодам, «миш-миш»лар етганди бизға,  
Аён билмас эрдик... Яна ўйлашиб,  
Фавқулод бул фоже етагидағи  
Турфа кўргуликка малҳам бўлғувчи  
Покдомон, бир мақсуд, ҳам яқдил қарор  
Ила қошинғизға келмоқчи эрдик.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Демак, меҳрибонлиғ қилғонсиз менға!  
Шунча раҳм этфонсиз шўрлик бошимға —  
Ки ани ўйлашдин озод қилғонсиз...

(Беклар жим)

Энди очадурсиз қароринғизни,  
Ёхуд шафқатбардор, шаън амирларим  
Улуғ Амир Темур Кўрагонийнинг  
Азасин унутиб, ўйлағон махфий  
Буюк қарорларин сир тутурларму  
Бечора мирзонинг қулоғин аяб?

БУРУНДУҚ

Шаҳзодам, бизларни айбламоқ бекор!

РУСТАМ БАРЛОС

Нимаки кор қилсак, ўйимиздасиз!

БУРУНДУҚ

(Ялтоқланиб)

Мирзом шод бўлғайлар қароримизни  
Эшитсалар...

Сўйлангиз, амир Худойдод,

Бу улуғ фурсатда муқаддас лафзни  
Эълон этмоқ сизға ҳам фарз, ҳам суннат!  
(Беклар тантана ичида тек қотадилар).

ХУДОЙДОД

Ҳазрат Амир Темур Кўрагонийнинг  
Руҳи ул дунёда бахтиёр бўлсун!

(Ҳамма юзига фотиҳа тортади.)

Оллоҳ йўл кўрсатди, биз қарор қилдик! —

Буюк соҳибқирон тахту бахтиға,

Тожу давлатига, салтанатиға

Мирзо Мироншоҳ ибн Халил Султонни

Шону шавкат бирла ўтқазмоқликқа!

(Сукунат)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Отабек, бобом-ку қазо қилдилар,  
Мардумлардин зарра ҳайиқмасангиз,

Кўзи очиқларнинг ҳурматин қилинг,

Ахир, валийаҳд бор...

ХУДОЙДОД

Ўрсиз, шаҳзодам!

Мен сизга неча йил тарбият бериб,

Соддалиғингизға шифо топмадим...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ахир, қандай гап? Темурбек бобом  
Қаро ерга етмай... Кўзларимиздин

Оққан ёшларимиз чок ёқамизни  
Ҳўл қилмай, тож-тахту салтанатиға  
Чор тарафдин хоин қўлларни чўзиб,  
Муқаддас амрини поймол этурмиз?

#### ХУДОЙДОД

Шаҳзодам, йигирма бирга кирдингиз,  
Фақат юксакликдин эрмас, дунёға  
Тубандин боқмоқ ҳам фурсати етди.  
Энди, баҳслашмасдин, осмондин тушиб,  
Бугунги мавқенгиз таҳлил қилайлик:  
Подшоҳ паноҳини севади лашкар,  
Тахтнинг эгасидан излашиб паноҳ  
Эртага бул ерни бари тарк этур —  
Сиз эрса белашкар — сувсиз балиқ — сиз,  
Адашғон тулкининг мўмай ўлжаси.  
Амир, мирзолардан фаҳми тези — сиз,  
Яна баҳодирсиз жангу жадалда...  
Тахтға эга бўлғон қариндошинғиз  
Аввал сизда кўрур ўз рақибини,  
Сизнинг жонинғизға аввал қасд айлар;  
Мўғуллару ўзбек қароқчиларин  
Билурсиз нияту иддаоси не?  
Демак, чекинмоққа йўл тополмайсиз...  
Мирзом, эълон қилинг қарорингизни!  
Навкарлар кўнглиға ғулғула тушиб,  
Тўполон бошланмай аён қилайлик —  
Оллоҳнинг беғараз марҳамати-ла,  
Мирзо Халил Султон тожи давлатға  
Эга бўлмоқлиққа жазм этганин.

#### БУРУНДУҚ

Зинҳор иккиланманг, қиличларимиз  
Мудом пешланғондур сиз учун, мирзом!

#### РУСТАМ БАРЛОС

Шаҳзодам, жонимиз сизга фидодир!

#### ХАЛИЛ СУЛТОН

(Оғир ўйдан сўнг)

Мунаввар этдингиз кўнглимни, беклар.  
Минг куллуқ... Қўшинға айтинғиз... Майли...

#### ХУДОЙДОД

Салтанат муборак бўлғай, шаҳзодам!

#### БУРУНДУҚ

Тож-тахтинғиз куллуқ!

#### РУСТАМ БАРЛОС

Муборак бўлғай!

(Беклар келиб, Халил Султоннинг этагини ўпадилар.)

#### ХУДОЙДОД

Энди Самарқандға юриш бошлаш шарт.  
Султон Ҳусайину бегу амирлар  
Йўлини қирққани шу лаҳзадаёқ  
Тошканд туманидин кўзғалмоқ лозим.  
Сиз, амир Бурундуқ — навқарингиз тахт —  
Самарқандға жўнанг илғорлиқ ила!  
Сиз-чи, Рустам барлос...

#### ХАЛИЛ СУЛТОН

Амир Худойдод,

Ўзингиз айтгандай, йигирма бирга  
Кирдим, отабекка муҳтожлигим йўқ...  
Ўзимнинг сўзимға ўзим масъулмен!  
Аммо ҳурматлаймен сизни шу қадар —  
Ки бу гал амрингиз этмасмен бекор...



Беклар, сиз шунчалар суюндингизки,  
Тожу тахтга эга бўлғонимгаму,  
Ехуд... Майли, бу ёғини гапирмай қўяй.  
Хуллас, ихлос билан қуллуқ қилдинғиз,  
Аммо шодлигинғиз чала этурмен!  
Эътиборга олдим тантиғингизни,  
Яъни, бўлмасин деб лашкарда ғавғо  
Тожу тахт залворин бошға қўюрмен...  
Валийаҳд пойтахтга келиб етишғоч,  
Бу ғамдин ўзимни қилурмен озод!

ХУДОЙДОД

Шаҳзодам, афу этинг...

Бу гап — телбалиқ!

Ахир мирзоларнинг бари кўзғалиб:  
«Бобомнинг энг оқил меросхўри — мен», —  
Дея бир-бирига олайғон пайти,  
Кони зиён эрур бўшашғонинғиз!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ўзингиздин кетманг, амир Худойдод!  
Менинг қарорим шул:

Бунда қолурмиз!

Валийаҳд тахтига эгалик қилғоч,  
Олий хизматиға борурмиз етиб.  
Беклар, энди боринг! Амир Бурундук  
Отларин қантарсин — сафарға эрта!  
(Беклар чиқадилар. Шодимулк киради.)

ШОДИМУЛК

Менинг-да бошимда сизнинг ғамингиз:  
Шаҳзодам, тириклик — ғуссани енгмоқ,  
Кўп куйманг...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Чарчадим... Лаҳзада осмон

Жаъмин кулфатини бошимға отди.

(Тўсатдан)

Беклар келғондилар, Шодиям, ҳали...

ШОДИМУЛК

Сўйланг, сўйлайверинг истиҳоласиз —  
Сўз хуфтон кўнгулни айлайди равшан.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Аҳли сипоҳ мудом ғавғонинг қули,  
Мени тахтга лойиқ кўрғон эмишлар...

ШОДИМУЛК

Мирзом, сиз чиндан ҳам тахтга муносиб!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Маслаҳатинг бирму бекларим ила?

ШОДИМУЛК

Аларнинг мақсади менга қоронғу,  
Учиб кетмағойдир аммо қайларға  
Сал шамол кўзғалса, шўр заифанинг  
Ҳилпираб турғувчи ҳарир хаёли.  
Бегим, дилни очмоқ фурсати етди,  
Ниҳон орзуларни яширмақ нега?  
Мен сизни тож-тахтли ҳоқон кўрурмен,  
Шафқатда ягона, элға меҳрибон...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Шодимулк, бул гаплар бекор, кўксимни  
Бобомнинг ғуссаси эзғон бул маҳал  
Бекларнинг гапини сен-да қайтарма...  
Билмайсен, бобомнинг саҳоватини,  
Меҳрда кенглигин асло билмассен,

Ўйларсен, бир қонхўр ўтди оламдин!  
Аммо, мен билурмен соҳибқиронни —  
Қиличдин қаварғон метин кафтлари  
Гўдаклар бошини суйиб силарди...  
Халойиқ кўзидин яширин эрди,  
Муҳаббатга тўлиқ улкан юраги.  
Мен бугун йиғлармен, подшоҳ учунмас,  
Меҳрибон бобомнинг ёдини айлаб...

(Яҳё киради.)

Мирзом, бир гумонли хаёлға бордим.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Фавжою шубҳалар куни!..

ЯҲЁ

Шаҳзодам,

Беклар ила кенгаш этгон чоғингиз,  
Бобонгиз ҳақида машъум хабарни  
Олиб келган чопар ҳордиқ олсин, деб,  
Ани хизматкорлар ихтиёриға  
Топшириб, ташқари чиқдим... Ва бирдан  
Хиргоҳнинг ёнида қантариқ тургон  
Чопарнинг отиға нигоҳим тушди  
Ва дилға ёпишди шубҳанинг ўти...  
Чопар шунча йўлдин қичаб келсаю  
Наҳот, терламаса оти?..

ХАЛИЛ СУЛТОН

Хўш? Яна?

ЯҲЁ

Чопарнинг ёниға кирдим айтайлаб,  
Гурунглашгон бўлуб, гап орасинда,  
Сайхуннинг музини ёриб, навкарлар  
Улкан бир наҳангни уч кунча аввал  
Тутгонларин айтдим...

Тузоқ қўйғоним

Сезмасдин оғзидин гуллади чопар,  
Кўрганмен, ўн қадоқ келар эди, деб.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Чопарни келтирғил...

(Яҳё чиқади)

Кўнглим сезганди,

Мендин ниҳон недир юз берғониға,  
Ишонгим келмади аммо...

(Яҳё билан чопар киради.)

ЧОПАР

Шаҳзодам!..

ХАЛИЛ СУЛТОН

Нечун ўтрук айтиб бизни алдадинг?

ЧОПАР

Шаҳзодам!..

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бизларга ҳаммаси аён!

Гапирғил!

ЧОПАР

Бир қошиқ қонимдин кечинг!

Уч кеча, уч кундуз бўлди — шундамен,  
Бекларингиз сизга рўбарў этмай...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Нечун?

ЧОПАР

Кенгашдилар.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Нелар ҳақинда?

ЧОПАР

Амир Нуриддинға нома битдилар,  
Яна баҳслашдилар...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Баҳс мавзуси не?

ЧОПАР

Темурбек наслидин ҳар бир мирзони,  
Тахт ёниға қўйиб ўлчаб кўрдилар.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Тахтга бўйи тенг деб топдилар кимни?

ЧОПАР

Сизни!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Чопар, ўзга йўрук демадиларму?

ЧОПАР

Дедилар!

Агар сиз кенгаш режасин  
Маъқул топмасанғиз...

(Ташқарида шовқин)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Яҳё, хабар ол!

(Яҳё чиқиб, қонга беланган Али товачини суяб киради.)

Товачи, танграмга не худлиғ қилдинг?

АЛИ ТОВАЧИ

Али товачининг кўнгли покиза!  
Жонимнинг гулиға, мирзом, тиг тегди,  
Бунда келдим шошиб, ўзиб ўлимдин...  
Худойдод ўзиға тобе черик-ла  
Амир Нуриддинға қўшилмоқ истаб  
Кетди... Рустам барлос, Амир Бурундук  
Сайхундин лашкарин ўтказиб бўлғоч,  
Самарқанд сорига равон бўлдилар...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Нечун бу хиёнат?

АЛИ ТОВАЧИ

Аларға сизмас,

Тожу тахт керакдир...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Нечун алдашди?

АЛИ ТОВАЧИ

Садоқат бобидин сўзлағон шўрлик  
Али товачиға қилич тортдилар!  
Мирзом, мен ўламен... Зинҳор... Ишонманг...  
(Улади.)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Тулкилар, туллаклар, разил кузғунлар!  
Яҳё, зудлик ила навкарларни йиғ!  
Отлансин сафарға!

ЯХЁ

Қандай сафарға?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Доруссалтанаға юриш бошлаймиз!  
Менинг кўзимга тик боқиб, уялмай  
Алдағон зотларға боқмоқ истармен,  
Бошимға тож кийиб, тахтга ўлтуриб!  
(Яҳё чиқади.)



ШОДИМУЛК  
Мирзом, Самарқандға?  
ХАЛИЛ СУЛТОН  
Ҳа, Самарқандға!

III

Самарқанд. Боғи Дилқушо.

ХАЛИЛ СУЛТОН  
Сарпонғиз муборак бўлғай, устозлар!  
ШОИРЛАР  
Улуғ бобонғизнинг мартабасидин,  
Шону шуҳратингиз баландроқ бўлсин!  
Мўмин-мусулмоннинг бахтиға мудом  
Давру даврон суринг олам турғунча!  
(Юзларига фотиҳа тортиб, таъзимкашлик  
билан чиқа бошлайдилар.)

ХАЛИЛ СУЛТОН  
(Шоирлардан бирига)  
Мавлоно, шошманғиз... Тўхтанғиз бироз...  
Устод, танимадим сизни, кечиринг,  
Шуаро азалдиң фаромуш... Ҳеч ким  
Сизнинг кимлиғингиз ошкор этмади,  
Мен-да журъат топиб қилмадим сухан...  
ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Бухоро шаҳридин яқинда келдим,  
Фақир — Исматуллоҳ Бухорий...  
ХАЛИЛ СУЛТОН

Устод!  
Сарҳад — чегара бор камтаринлиққа-да,  
Бу исми шарифнинг улуғ эгаси  
Шоҳлар билан шоҳдай кўришмоғи шарт!  
Хуш кўрдик!

ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ  
Шаҳзодам, куллуқ!  
ХАЛИЛ СУЛТОН

Ўлтиринг!  
Биз мажлис қурайлик! Назм осмонидин  
Тушиб офтобнинг ўзи келса-ю  
Биз кўрлар ғафлатда қолсак...  
ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Шаҳзодам,  
Энди навбат мендин узр айтмоққа.  
Рухсат беринг...

ХАЛИЛ СУЛТОН  
Нечун? Ё хафасизму?  
(Кулиб қарсак чалади. Шиғовул киради.)  
Шиғовул, энг азиз меҳмонимизға  
Сарполар келтирғил!

ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ  
Сабр этинг, аввал...  
ХАЛИЛ СУЛТОН

Мавлоно, бекордир истиҳоланғиз...  
Бугун тожу тахтға боқийлик тилаб,  
Қасидалар битиб, бунда ўқиғон  
Устозларға бердик арзимас инъом.  
Аммо «танимасни сийламас» дерлар...  
ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ  
Шаҳзодам!..

## ХАЛИЛ СУЛТОН

Бекорга изтироб тортманг,

Шоҳнинг марҳамати аввал шоирға,  
Чунки, эл-улуснинг ақлу хаёли  
Шоир юрагида жамланур эмуш.  
(Кулиб)

Аммо бир қасида қарзсиз, мавлоно!..  
ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Шаҳзодам, қасида битмак кўп оғир!  
ХАЛИЛ СУЛТОН

Не учун? Кўнгилда илҳом мавжланса!..  
ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Шунинг-чун оғирки, қасида битмак  
Четдадир шоирнинг ихтиёридин,  
Яъни, тошқинлангон илҳомдин ўзга  
Фалакка кўтариб мақтолгон шоҳнинг  
Поклиги ҳам зарур!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Хўш, ўзингиз-чи,

Масиҳ нафас, оташ маснавийларда  
Наҳот, бирор шоҳни мақтамадингиз?

ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Ҳали мен қасида битганимча йўқ...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Улуғ Амир Темур Кўрагонийдек  
Оламни забт этгон фотиҳ — буюк зот  
Шараф ўқимоққа арзимадиму?

ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Шаҳзодам, қасида битмадим ҳали!  
ХАЛИЛ СУЛТОН

Йўқ, йўқ! Жавоб беринг, устод, чекинмай!..  
ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Ул зотнинг шарафли корлари юксак,  
Аммо гуноҳи ҳам шу қадар азим.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Хўш, нечун келдингиз бизнинг даргоҳға?  
ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Шоҳлардан қалбимни мен йироқ тутдим,  
Аммо сипоҳликда жасоратингиз,  
Урфону назмда камолатингиз,  
Муҳаббат йўлида фидолифингиз,  
Юрагимға умид гулларин сочди.  
Ўйладим, не учун доруссалтанат  
Темурбекнинг не-не фарзандларию  
Беклари юзига дарвоза ёпғоч,  
Сизнинг бедовингиз дупурларини  
Эшитган ониёқ хуррамлик ичра  
Истикболинғизға кучоғин очди?  
Шул асрор мағзини чақмоққа келдим!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Мавлоно, ҳақ гапни юзга отмоққа,  
Кўп уста экансиз, қани, айтинг-чи,  
Не учун, бўлмаса, бу зотлар — ҳали  
Давлатни қай йўсин идора этиб,  
Қанақа тахлитда улус кўнглини  
Забт этмоғим кўрмай мақтов айтдилар?  
ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Жаллоднинг бошинда тож кўрсалар-да,  
Алар мақтайверар қасида битиб,  
Алар мадҳиябоз! Шоирлар эрса,

Шоҳлар даргоҳиға келмоқдин аввал  
Буюк шоҳ — виждондин рухсат олурлар.  
(Шифовул сарполарни кўтариб киради.)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Мавлоно...

ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Шаҳзодам, бир битим тузсак,

Бу инъом-эҳсонни кечиктирсангиз,  
Сизға ёруғ юз-ла қасида битиб,  
Келғонимда кийсам бу сарполарни.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Оғир шарт кўйдингиз, мавлоно, оғир!  
Демак, мен одил шоҳ бўлмоғим лозим...  
Майли, айтганингиз бўлсин!  
(Шифовул чиқади. Эшик оғаси киради.)

ЭШИК ОҒА

Шаҳзодам,

Қондошингиз Султон Ҳусайн келиб,  
Бош эгди тахтингиз кўланкасиға!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ғалат! Не сабаб?

ЭШИК ОҒА

Мурувват истаб.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Кирсин!

(Эшик оға чиқади.)

Устод, шунда қолинг, томоша қилинг,  
Кўринг, подшоҳликнинг таҳликасини!  
(Султон Ҳусайн киради.)

СУЛТОН ҲУСАЙН

Тахтга ўлтирғонинг муборак бўлғай!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Менинг иззатиммас, улуғ бобомиз  
Ўлтирғон мана шу тахтнинг ҳурмати  
«Сиз»лаб гапирсалар!

СУЛТОН ҲУСАЙН

Подшоҳ амри — ҳақ!

Қутлуғ бўлғай тахтға ўлтирғонингиз!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Хуш кўрдик! Марҳабо! Аммо бир савол  
Кўнглимға ғулғула солиб турибди:  
Қондошим, рост сўйланг, не ният ила  
Ташриф буюрдингиз?

СУЛТОН ҲУСАЙН

Паноҳ ахтариб!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ниятингиз покму?

СУЛТОН ҲУСАЙН

Валлоҳи аълам!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ишонмоқ мумкинму қасамингизға?  
Эсимда, бобомнинг ғолиб лашқари

Дамашқда ғанимни ўрағон маҳал

Худо олдидағи қасамни бузиб,

Қочиб ўтгондингиз душман сафиға!

СУЛТОН ҲУСАЙН

Холик пешонаға ёзғони бўлғон!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Йўк, йўк! Сиз тинч юрғон шайтонни авраб,  
«Мени йўлдан ур», деб ялинасиз-ку!

Эсимдан чиқмагон, улуғ бобомиз  
Бажо келтиргонда бандалигини,  
Оёқ босиб марҳум васиятига,  
Чин-Мочин тарафдин юзни ўгириб,  
Шайтонга малай бўп тож-тахт ишқида,  
Самарқанд сорига лашкар тортдинғиз!  
Энди келгонингиз сабабин айтай:  
Қонхўр феълингиздин чўчигон сипоҳ,  
Сизни ташлаб кетди — ёлғиз қолдингиз!

СУЛТОН ҲУСАЙН

Ҳа, мирзо, ёлғизмен — дорға торттиринг!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ўлимға шошилманг! Еруғ оламда  
Ҳар инсон ўзича яшашга ҳақли!  
Деразадан қаранг, навниҳол баҳор  
Митти куртакларға, бежон тошларға,  
Нимжон майсаларға бағрини суйкаб  
Мулойим шивирлар: «Ўйғонинг! Келдим!..»  
Бу шавқли, сурурли дақиқалардин  
Бировнинг нигоҳин маҳрум этмоққа  
Ҳеч кимнинг ҳақи йўқ!.. Зотан, одамзод  
Қон кечмоқ, ўлдирмоқ, ўлмоқ учунмас,  
Эгам яратгон бу оламға боқиб,  
Завқланмоқ, севмоқ-чун келгон дунёга!

СУЛТОН ҲУСАЙН

Не амр этурсиз?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Қондошим, келиб

Қутлуғ иш қилгонсиз... Бир ўйлаб қаранг,  
Ҳар ким ўз роҳатини ўйлаб иш кўрса,  
Эл-юрт азоб тортур, бўлур қиёмат!  
Ҳамжиҳат, ҳамнафас бўлайлик, келинг,  
Бегона эмасмиз, қон-қариндошмиз...

СУЛТОН ҲУСАЙН

Оллоҳнинг амридир — подшоҳнинг сўзи.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Жаъми акраболар ила кенгашсак,  
Улуғ Амир Темур Кўрагонийнинг  
Тахтига қай мирзо лойиқ топилса,  
Ушани бош билсак...

СУЛТОН ҲУСАЙН

(Жонланиб)

Яхши ўйлабсиз!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Сизға бир тоғимдай энди суянсам,  
Ҳарбда пишигансиз... Ҳордиқ олгон сўнг  
Бир туман қўшинға сардорлиқ қилинг,  
Тағин малол кўрманг!

СУЛТОН ҲУСАЙН

Бошим устиға!

ХАЛИЛ СУЛТОН

(Бирдан юмшаб)

Келинг, чек кўяйлик адоватларға,  
Ахир, бир дарахтнинг меваларимиз...  
(Султон Ҳусайн чиқиб кетади. Эшик оға киради.)

ЭШИК ОҒА

Беклар — Рустам барлос, амир Бурундук  
Гуноҳкор бошларин эгиб келдилар!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бул менға эзгулик онлардин нишон!

Бузғунчи бекларнинг кўнглига эгам  
Ақл зиёсини сочғон кўринур.

(Эшик оғага)

Бориб етказгинки, шонли бекларга  
Магар ниётлари тўғри, пок эрса,  
Кирсинлар — кечурмен гуноҳларидин;  
Гар қаро ниёт-ла келган бўлсалар,  
Кетсинлар — жазога кўрмасмен лойиқ —  
Тангридан кўрқсинлар, ҳа, мендин эрмас!  
(Эшик оға чиқади. Беклар киради.)

БУРУНДУҚ

(Халил Султоннинг пойига йиқилиб)  
Бир қошиқ қонимдан кечинг, шаҳзодам,  
Гуноҳкор бошимни сизга топширдим.

РУСТАМ БАРЛОС

(Шеригининг ҳаракатини такрорлаб)  
Шайтон йўлдан урди — ақлдан оздим!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Хайрият, оламда шайтон бор эркан,  
Барча худ ишимиз анинг бўйнида!  
Қанийди иложи бўлсаю, ҳозир  
Шайтонни чақириб, сўзларингизни  
Чину ёлғонлигин айласам равшан!

БУРУНДУҚ

Мирзом, шафқат қилинг, бош эгиб келдик,  
Қилич кесмағайдир эгилғон бошни!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ишончга тенг эрур шафқат баҳоси.

РУСТАМ БАРЛОС

Амир Нуриддину муртад Шоҳмалик  
Бизни йўлдин урди... Доруссалтана  
Самарқанд очмағоч дарвозасини  
Мирзо Улуғбекнинг паноҳидағи  
Лашкар билан етдик Бухоро сори.  
Мирзо ёшдир — ҳали амри кўп ночор...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Боши ўзидаму?

РУСТАМ БАРЛОС

Оталаринда!

Сизга қарши жаъми фитна-найранглар  
Шоҳруҳ, мирзодандир...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Беклар, сизлар-чи?

Фақат фаришталиғ қилдиларингму?

БУРУНДУҚ

Шаҳзодам, биз фақат сизни ўйладик!

Кўзғалон кўтардик!

РУСТАМ БАРЛОС

Ҳақ гап, шаҳзодам,

Бухородин қочди ағёрларингиз!

БУРУНДУҚ

Сизнинг илкингизда энди Бухоро!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Исён бўлғониға ярим ой тўлди,

Қайда эрдингизлар?

БУРУНДУҚ

Мирзом, чўчидик...

РУСТАМ БАРЛОС

Кутдик — тушмоғингиз ғазаб отидин!



ХАЛИЛ СУЛТОН

Балки кутфонсизлар Халил Султонни  
Бирор бало-қазо ямлаб кетишин,  
Балки ўзга бирор қудратли фотиҳ  
Оламни забт этур пайтини пойлаб,  
Уйлаб анго тилу кўз бўлмоқликни,  
Ярим ой тангриға ёлборғондирсиз?

БУРУНДУҚ

Гуноҳкор этманғиз!

РУСТАМ БАРЛОС

Мирзом...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ҳа, майли!

Сиз мени қатордин қолғон ҳисоблаб,  
Хиёнат қилдинғиз! Қочдинғиз беор  
Тақдирнинг бешафқат илкига ташлаб.  
Рустам барлос, амир Бурундуқ, қаранг,  
Мана, қаршингизда бобомнинг тахти:  
Чамалаб кўринг-чи, дарров сезасиз  
Бўйим тахтдан баланд эканлиғини.  
Сиз, тахтда ўлтирғон подшо этигин  
Шунчалар берилиб яланғонсизки,  
Тахт нима? — Тождин ҳам баландда турғон  
Оқибат, садоқат, меҳр, диёнат  
Сўзларин унутиб қўйғонсиз тамом.

(Сукут)

Рустам барлос! Бобом уруғидансиз,  
Яъни қариндошсиз менға, сўйланг-чи,  
Биз — Амир Темурнинг зурриёдлари  
Бирлашсак дурустму?

РУСТАМ БАРЛОС

Шаҳзодам, кошки!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бирлашмоқнинг эса танҳо йўли бор —  
Ҳар ким ўз сўзида мардона турса,  
Кўнглинда борини сўйласа ошкор,  
Хиёнат, пинҳона ғараз бўлмаса,  
Пичоқ санчмасалар панадин келиб —  
Ким бизни тўзитур? Ҳеч ким! Ҳеч қачон!

(Эшик оға киради.)

ЭШИК ОҒА

Ашфарадин амир Оллоҳдод келди.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Жаъми ағёрларим маслаҳатлашиб,  
Менга дўст бўлмоққа онт ичдиларму?  
Чорлағил!

(Эшик оға чиқиб, амир Оллоҳдод киради.)

ОЛЛОҲДОД

(Таъзим билан)

Паноҳ истаб келдим...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Қўркмадингизму?

ОЛЛОҲДОД

Эр йигит чўчимай ўлмоғи лозим.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Менинг... Отабегим амир Худойдод —

Дўстингиз соғмулар?

ОЛЛОҲДОД

Юрибди... Тетик.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Сотиб келдингизму жон дўстингизни?

ОЛЛОҲДОД

Мирзом, келавердим шундоқ — сотмасдин.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Босқинчилик қилиб чарчадингизму?

ОЛЛОҲДОД

Аскармен? Жанг қилиб чарчамасмен ҳеч!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Тошканду Фарғона туманин талаб,  
Йиғган молларингиз тугаб қолдиму?!

Ҳайдаб кетганингиз улў бобомнинг

Уюр-уюр сонсиз йилқиларини

Қазисин еб бўлиб, яна оч қолғоч,

Ёғлироқ нимтанинг исини сезиб,

Доруссалтанаға йўл олдингизму?!

ОЛЛОҲДОД

Хизмат қилажакмен амр қилсалар,

Агар ҳайдасалар...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Дўстинғиз қайда?

Ахир, каминани фарзанд дердилар,

Нечук фарзандиға пичоқ ўқталур?

ОЛЛОҲДОД

Ҳар ким ўзиға бек, ўзиға хондир,

Менинг дўстим эрса — ўзимнинг ақлим!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Аъло дўст топибсиз!.. Ақл — содиқ дўст!

ОЛЛОҲДОД

Сипоҳнинг ёнида қилич бўлгондин,

Подшоҳнинг ёнида сипоҳ бўлмоқ соз.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Сўзларинғиз менга кўп ёқди, гарчанд

Беҳаё очиклиқ зоҳир бўлса-да,

Чунки, дилидағин ошкор сўйлағон

Бирон-бир амирни аллақачонлар

Соғиниб қолгондим...

(Қарсак уради. Эшик оғаси киради.)

Чорла, Арғуншоҳ

Ташриф буюрсинлар мажлисимизға.

(Сукут)

Яқинроқ келингиз, амир Оллоҳдод!

Сизга алоҳида бир ўтинчим бор:

Мендин кўп хафадир амир Худойдод.

Ул зотнинг олдида абад қарздормен,

Шул ёшға етгунча бердилар таълим.

Бугун қилич тортсак бир-биримизға

Қиёмат қўпмасму?

Бир мактуб битинг

Амир Худойдодға — дўстинғизгаким,

Сатрларға жойланг афсусимизни,

Шўхлиқ қилғон бўлсак — ёшлиғимиз бор,

Эркалик қилғонмиз... Энди боринглар!

(Беклар чиқиб кетади. Арғуншоҳ киради.)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Фармонимни тингланг, амир Арғуншоҳ,

Бобом Амир Темур Кўрагонийнинг

Руҳи йўл кўрғазди — айладим қарор:

Шу лаҳза, шу кундан амир Оллоҳдод

Аркону давлатнинг вазири бўлғай!

Черикка таълимот бериб, ғолиблик  
Илмини сипоҳнинг жасур кўксиға  
Солсин Рустам барлос, амир Бурундук!  
(Ҳамма ҳайрон)

Арғуншоҳ! Тайёрланг туғроли фармон!  
АРҒУНШОҲ

Мени донг қотирди, шаҳзодам, бу ҳол?!  
Кечаги душманлар?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бугун дўст бўлур!

Алар биздин паноҳ сўраб келғон пайт,  
Дариф тутсак магар шафқатимизни,  
Шубҳа тушмасмикин, беклар кўнглиға?  
Ёхуд ўзларини хўрланган санаб,  
Дилларин четиға чекинғон ёвуз  
Ниятлари хуруж бошламасканму?

АРҒУНШОҲ

Сабр этсак бўларди!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Амир Арғуншоҳ,

Юракни олдириб қўйибсиз бисёр,  
Доруссалтанани ҳеч касға бермай  
Тожу тахт кўрғони ўлғон Арғуншоҳ  
Наҳот, қиличини бўйнига осиб,  
Келғон қочқинлардин чўчиса... Аттанг!

(Қаҳ-қаҳ уриб кулади.)

Эзгулик кўчатин эксанг, кўкарур  
Эзгулик дарахти... Қовоқни солманг,  
Мана, Мавлонодин сўранг, не даркор?

ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Шаҳзодам, Арғуншоҳ сардор... Рост деди!  
Хиёнатнинг кайфи қорадоридай  
Бир марта ютдингму тортур комиға...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Яъни?

ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Бу беклардин хиёнат кутинг!

(Ташқарида шовқин)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Не шовқин? Не ғавғо?

ЭШИК ОҒА

(Кириб)

Мирзом, халойиқ

Судраб бормоқдадур бир девонани.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Шўрлик не қилибди эгамға қарши?

ЭШИК ОҒА

Билмадим. Ўзиям қизиқ девона,  
Одамлар муштлаган сари кулади,  
Қаҳри келур баттар муштумзўрларни.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Кулади? Фаройиб!.. Бунда келтиргил!

(Эшик оға чиқади.)

Таксир, тахминланг-чи, ул нечук кулур?



ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРИЙ

Бахтли бўлса керак, беҳад бахтиёр!

(Девона киради.)

ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Девона, исминг не?  
 ШАФҚАТДЕВОНА  
 Шафқатдевона.  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Не гумроҳлиқ қилдинг, Шафқатдевона,  
 Халойиқ қаҳриға дучор бўлғувчи?  
 ШАФҚАТДЕВОНА  
 Тақсир, раҳмим келур...  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Кимға?  
 ШАФҚАТДЕВОНА  
 Балиққа.  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Нечук раҳминг келур, Шафқатдевона?  
 ШАФҚАТДЕВОНА  
 Балиқдин бирор кас худлиғ кўрганму?  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Балиқнинг турмуши, кори безиён...  
 ШАФҚАТДЕВОНА  
 Субҳидамдин туриб ўтин терурмен,  
 Уч танга пуллайман бозорға солиб —  
 Қорин тўйғузурмен бир тангасиға,  
 Иккисин липпамға уриб жўнаймен...  
 Зарафшон сувиға қотиллик тўрин  
 Ташлаб ёнбошлағон балиқчилардин  
 Балиқ сотиб олиб икки тангаға,  
 Ночор бандиларни айлармен озод,  
 Дарёға ташлармен, эҳтиёт бўл, деб!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Девона шерикмен мусибатингға,  
 Аммо нима сабаб халойиқ урди?  
 ШАФҚАТДЕВОНА  
 Тақсир, халойиқмас, балиқчилар-ку!  
 Билмадим, ғашлари келғони-келғон.  
 Балиқни дарёға ташласам, алар  
 Ҳақорат қилурлар, баъзан урурлар,  
 Бугун судрашғонди қозихонаға!  
 (Сукут)  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Зарра гуноҳинг йўк. Борғил. Озодсен!  
 ШАФҚАТДЕВОНА  
 (Кетаётиб тўхтади.)  
 Тақсир, сен подшосен, сўзинг ўтади,  
 Балиқ овлашмасин, тайинлаб қўйғил!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 (Зўриқиб)  
 Хавотир олмағил, бажо этурмен...  
 Энди бор, девона... Худо ёр бўлсин!

#### Давоми келгуси сонда



Айдар Осман

## ОЛИШУВ

Қисса

Крим-татар тилидан **Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ** таржимаси

Эшик инграган каби овоз чиқариб очилди. Бўсағада Сафар Бахтиёровичнинг бар-васта гавдаси кўринди. У стол ёнида газета ўқиб ўтирган Юсуфга ҳайрат билан тикилиб қолди. Юсуф муҳаррирни кўрган заҳотиёқ ўрнидан турди, эшикка қараб юрар экан:

— Келинг, Сафар оға, — деди.

Сафар оға жойидан кўзгалмади. Қиёфасини ўзгартирмаган ҳолда думалоқ қора кўзлари билан Юсуфга тик боқди. Сўнгра уни ҳозир кўргандек:

— Ҳа-а, шу ердამисан? — деди. Оғир одимлар билан ичкарига кирди ва креслога ўтирди. Бошидаги эски қалпоғи остидан оқ оралаган сочлари чиқиб турарди. Ҳали тонг пайти бўлишига қарамай, унинг чехраси ҳорғин. Юсуф ўзига найза сингари санчилиб турган нигоҳдан қандай қутулишни билмай, довдираб қолди. Жойига ўтирсинми ёки муҳаррирнинг қаршисида тип-тикка тураверсинми? Одатга кўра нима қилгани маъқул? Худо билади. Ҳар нечук тик тураверди. Муҳаррир «ўтир» деса, кейин ўтиради.

Сафар Бахтиёрович оғир хўрсиниб қўйди. Устида пальтоси, бошида қалпоғи бўлишига қарамасдан, совуқ еган каби кунушиб, жунжикиб ўтирарди.

Ниҳоят:

— Юсуф бола, ўтир, гап бор, — деди.

Юсуф ўтирди ва қулоғим сизда деган маънода унга боқди. Ҳозир қандайдир нохуш хабар айтади ёки тағин қойийди. Нима учун? Милициядан келган хат учун эшитадиганини эшитиб бўлди. Йиғилишда уни роса пўстагини қоқдилар. Яна нима керак? Янги гуноҳ қилиб улгурмади.

— Юсуф бола, — деди муҳаррир, — сен бугун навбатчисан. Бундан хабаринг борми?

Ажабо, шу гапни айтиш учун бу қадар фожиали қиёфага кириш керакми? Юсуф бола кўп марталаб бошқаларнинг ўрнига навбатчилик қилди. Раҳбарларга сира гап қайтармади. Бугун ҳам амаллайди. Аммо ҳар ишга бир сўз биланоқ рози бўла бериш ҳам яхши эмас. Кейин бошингга чиқиб олишади, аравага қўшадилар-да, қамчилаб ҳайдай берадилар. Ақалли, бундай фавқулдда навбатчиликнинг сабабини сўраб билиш керак.

— Сафар Бахтиёрович, марҳамат, майли, мен розиман, аммо жадвал бўйича бугун Неъматилланинг навбати. Нима учун унинг ўрнига мен бўлишим керак?

Сафар Бахтиёрович йирик қора кўзларини Юсуфнинг кичкина ва думалоқ гавдасига бир дафъа қадади. Юсуф бу қилган одобсизлиги учун стол остига кириб бекинишга ҳам рози эди.

— Юсуф бола, — деди у бўғиқ товуш билан, — сен ақлсиз йигит эмассан. Шундай, Неъматилла ҳам аҳмоқ эмас эди...

— Унга бир нарса бўлдимиз ўзи? — Юсуфнинг вужуди титради. — Нима учун «эди» дейсиз?

— Бу кеча Неъматилла қамалган. Мени саҳар пайти қақирдилар. Унинг ҳақида кўп маълумот сўрадилар. Билганларимни айтдим. Жуда яхши, яъни ижобий характеристика бердим. Бунинг учун менинг ўзимни ҳам тоза олиб бориб-олиб келишди, айбдор бўлишимга сал қолди.

— У бирон иш қилиптими?

— Билмайман, — деди муҳаррир. Унинг кўриниши ҳорғин, зўрға гапираётгандай эди. — Неъматилланинг хотини мирзанинг фарзанди экан.

— Бўлса нима бўпти?

— Бўлгани шуки, қайнотаси мирза эканини яширган, қишлоқдан шаҳарга келган, ишчи бўлган, таржимаи ҳолига ҳам ўзини «ишчи ўғли» деб ёзган. Бизнинг Неъматилла эса унинг қизига уйланди.

— Балки бунда бир англашилмовчилик бордир? Нима бўлганда ҳам Неъматилла гуноҳкор эмас.

— Кимдир Неъматилланинг хотини Ҳавонинг ижтимоий келиб чиқишини тушунтириб милицияга хат ёзипти. У хатни мен ҳам ўқидим.

— Энди нима бўлади? — деб сўради Юсуф қўрқувдан овози титраб.

Неъматилла унинг яқин дўсти. Бундан икки ой аввал унинг тўйида ҳаммадан кўра кўпроқ завқланган Юсуф бўлди. Ҳатто куёвқақирриққа ҳам борди. Гўзал Ҳаво билан ўйинга тушди. Унинг синглисини кўриб, Неъматиллага: «Жўра, эҳтиёт бўл, божа бўлишимиз хавфли бор», деб ҳазил қилди.

— Нима бўлишини билмайман, — деди муҳаррир. — Неъматиллага хотинидан дарҳол ажралишни ва уни синфий душман сифатида қоралашни таклиф этишипти. У эса кескин рад қилибди.

— Офарин, Неъматилла!..

— Оғзингни юм! Мен, нима қулоғингга танбур чаляпманми? Эсингни йиғиб ол. Неъматилладан айрилдик, энди сендан ҳам айрилиб қолмайлик тагин! — деди муҳаррир аччиғланиб. Сўнгра жеркиб гапида давом этди: — Кўзингни оч, бола, очмасанг, пушаймон бўласан. Яқинда мажлис ўтказамиз. Неъматилланинг ахлоқи ва эътиқоди муҳокама қилинади. Энди тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Кескин муносабат билдиришимиз керак.

Юсуф кўп нарсаларни сўрамоқчи эди, аммо муҳаррир секин ўрнидан турди.

— Бу масалани кўча-куйда чайнаб юриш керак эмас. Уйлайманки, бунга ақлинг етади, — деди.

Юсуф сўнгсиз саволлар ичида қолди. Ҳавонинг отаси кекса одам. Ҳаводан бошқа яна бир қизи бор. Мирза бўлгани билан ҳеч кимга зарари теккан эмас. Ўзи заводда чилангар бўлиб ишлайди. Ҳаво эса янги мактабда ўқиди, тарбияланди... ҳамшира бўлиб хизмат қилади. Отасининг ўтмиши қандай кечганлигини қизлари билмаса ҳам керак.

Сафар оға эски журналист. Жаҳон уруши йилларида яширин босмаҳонада ишлаган. «Омонсиз» имзоси билан чор ҳукуматининг сиёсатини фош қилувчи мақолалар, памфлетлар ёзган. Совет ҳукуматининг биринчи кунларидан матбуотда ишлайди. Адабиётдан саводи чуқур бўлмаса ҳам ҳар қандай асарга сиёсий жиҳатдан баҳо бера олади. Ёшлар ўзаро суҳбатлашганда уни «қария» дейишади. Сафар оға, гоят талабчан одам бўлишига қарамай, редакция ходимларини ҳимоя қилишга тўғри келса, куч-ғайратини аямасдан қурашар ва ҳамиша сўзини ўтказар эди: Неъматилла масаласида биринчи бор енгилди. Шунинг учун руҳи тушкун, маънос эди.

Юсуф хаёлга толган ҳолда эшикка қараб ўтирарди. Модомики, бугун навбатчи экан, биринчи саҳифалар келишини кутишдан бошқа иложи йўқ. Бечора Неъматилла. У бир неча кун олдин Юсуфни ресторанга таклиф этган, уни шароб билан сўйлаб, хотини ҳомиладор бўлганини қувониб айтган эди. «Эй, қардош, Рашидовлар авлоди давом этади, — деб унинг елкасига қоққан эди. Сўнг: — Агар сен ҳам, эй пучуқбурун, Ботировлар авлоди давом этишини истасанг, кўп чўзиб ўтирма, уйлан», деган эди. Шаробнинг кучи билан у қайинсинглиси Ҳанифа ҳақида оғиз очиб, қайнонаси ва қайнотасини кундиришни ҳам айтди. Юсуфнинг «керакмас» деб қўл силтаганига қарши: «Нима, қўрқасанми, бизлар ака-укадекмиз, болаларимиз ҳам ака-ука бўлишади», деган эди қувонч билан. Энди эса... Эҳ, папирос чекишни нега ўрганмади? Ҳозир бир тутатганда яхши бўларди.

Эшик орқасида тез-тез юриб келаётган одамнинг оёқ товуши эшитилди. Мусамма бўлса керак.

Мусамма ичкари кира солиб гапира бошлади:

— Юсуф бола, сен бугун навбатчи экансан. Шундайми? Салом. Нега тикилиб қолдинг? Қўрқма, энди сенга аччиқланмайман. Сенга ўхшаб кек сақлаб, қовоқ уйиб юради, ганлардан эмасман. Мана, ол бу саҳифани, ярим бўлса-да, ўқиб тур. Атайлаб сен учун олиб келдим.

<sup>1</sup> Қримда унвонли дворянни мирза дейилар эди.

У стол устига ярим тёрилган саҳифа қўйди. Бир оз кутиб турди. Юсуф индамагандан кейин эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди. Эшик кесакисига зарб билан урилиб, қайта очилди. Юсуф ўрнидан қимирламади. Бу шовқин уни сескантирди, миясига ойдинлик бергандек бўлди. Авваллари Мусамма Неъматиллага ўзини яқин олиб юрар эди. Улар ҳатто бир неча марта кинога ҳам боришганди. Неъматилланинг тўйи куни Мусамма кўк кўзларини куёвдан узмай ўтирди. Ичмади, емади, ўйнамади. Ҳеч ким билан гаплашмади, сўнгра жимгина ғойиб бўлди.

Юсуф калаванинг учини топгандай бўлди. Бир марта Неъматилла ҳақида гап кетганда, Мусамманинг «Неъматилла фақат кизга қараб эмас, ота-онасига ҳам қараб уйланди. Узидан кўрсин», деганини эслади. Юсуф бу гапнинг маъносини тушунмаган эди, тушунмагандан кейин, сўраб ҳам ўтирмади. Узи билан Мусамма ўртасида бошланган ҳар қандай суҳбатнинг охири жанжалга бориб тақалиши маълум. Демак, у Неъматилланинг қайнотаси мирзалардан эканини билган. Шуни назарда тутган бўлса керак...

Юсуфнинг вужуди яна титради. Бошининг тақир ери терлади. Қаттиқ ҳаяжонланса, асабийлашса, бошидаги шу — сочи тўкилган жойга тер чиқиб кетади. Стол чеккасидаги қоғоз дастасидан бир варақ олиб, аччиқ устида бошини ишқалади. Бошига оғриқ кирди. Олдидаги саҳифага қаради. Бу газетанинг тўртинчи саҳифаси эди.

Газета, одатга кўра, энг охириги саҳифасидан тайёрлана бошлайди. Чунки ундаги материаллар ўзгармайди. Биринчи ёки иккинчи саҳифалардаги материаллар эса шу куннинг энг муҳим воқеаларига тегишли бўлади. Шунинг учун ҳам улар куннинг охирида босмага юборилади.

Юсуф йўлакка чиқиб, бошқа хоналарга киришни, ҳамкасблар билан дардлашишни истади. Аммо эрталабдан ҳар кишининг иш билан машғул бўлишини ўйлаб, жойидан кўзгалмади... Зеҳнини бир ерга тўплаб, олдидаги саҳифани ўқий бошлади. «Боғларга баҳор келяпти» — ғалати сарлавҳа. «Ташқарида қор, аммо боғларга баҳор келмоқда». Боринги шундай ҳам бўлсин. Бу унинг иши эмас. Бу ҳақда шу материални тайёрлаган киши бош қотирсин. Ўқий бошлади: «Зағчаларнинг келиши — баҳорнинг келишидан далолат. Улар эса боғларга ин қўйиш тараддусида учмоқдалар. Бу ажойиб қушларнинг «қағ-қағ» деган саслари дехқонни қиш уйқусидан уйғотмоқда...» Қандайдир алжирас! Ажабо, зағчалар келиб-кетадиган қушларми? Қалдирғочлар, лайлаклар баҳор қушлари ҳисобланар эди-ку!.. Юсуф ён томондаги бўш стол ва унинг устида турган календарга қараганча ўйланиб қолди. Азиза ҳам кечикяпти. Ҳар куни шу аҳвол. Унинг юмшоқлигидан фойдаланади. Келса, жиддий гаплашиб қўйиш керак.

Азиза — Юсуфнинг бирдан-бир ходими. Бир оз эрка табиатли. Ўзининг чиройли экани-ю, Юсуф уни ёқтиришини, умуман, ҳамма нарсани билади. Шу боис, ўз мудиридан, яъни Юсуфдан кўрқмайди, аммо ҳурмат қилади. Зотан, ҳар бир тўғрисиўз одам сингари, Азиза ҳам ҳеч кимдан кўрқмайди. Юсуф уч йилдан бери у билан бир хонада ишлайди. Уч йилнинг ҳар куни унинг учун бир байрам каби. У Азизага ёқиш учун соқолини қиртишлаб олади, Азизани деб бўйинбоғ тақади, шимини дазмоллайди, умуман, унинг учун кўп яхши ишларни қилади. Ҳатто, бир оз бўлса-да озиш ниятида эрталаб ҳам, кечқурун ҳам югуради, ҳордиқ кунлари денгизга боради. У ўзи қилаётган бутун ишларни Азиза учун деб билади ва уларни жуда қойиллатиб битиришга тиришади. У уч йилнинг ҳар бир кунда Азиза табиатидан янги бир фазилат топиб, бундан қувониб, унга боқиб, руҳланиб юрди. Юсуф учун дунё Азизадан бошланиб, охири Азиза билан тамом бўлар эди. Азиза бор экан, унинг умидлари сўнмайди, куч-ғайрати тугамайди.

Юсуф рўпарасида Азиза турганини пайқаб, довдираб қолди.

— Салом, Юсуф бола, — деди у тиниқ товуш билан. — Сенга нима бўлди? Қайси сайёрада учиб юрибсан?

— Салом. Хуш келибсан. Бунча шошилишга не ҳожат бор эди? Бемалол келсан ҳам бўлаверарди ишга.

— Яхши-яхши, раҳбарлик сазосини бермоқчи эканингни сезяпман. Овора бўлма, ўзимни ўзим яхшилаб койиб қўяман, — Азиза шундай дея, пальтосини ечди ва бурчакдаги илгакка, Юсуфнинг пальтоси ёнига илиб қўйди, курсини тақирлатиб суриб, устига гавдасини ташлади. — Қара, пальтоларимиз энг яқин дўстлар каби бир-бирига суялиб турибди. Сен эса аччиқланасан.

Юсуф унга аччиқланмайди. Зотан, бу мумкин эмас. Азиза ҳар нарсанинг, шу жумладан, ишга кеч қолишнинг ҳам меъёрини билади.

— Сенга нима бўлди? — сўради у бир оздан кейин.

— Нима бўпти? Ҳеч нарса бўлгани йўқ.

— Юзингда юз қомапти. Ҳатто тақиринггача қизариб кетибсан. Мусамма келиб, тонгги дийдиёсини айтиб кетдимми?

— Юсуф индамади. Азизага ҳар қандай гапни айтса бўлади. У бунга кўпдан ишонч ҳосил қилган. Аммо ҳозир айтгиси келмади. Буни сезиб, Азиза ҳам жимиб қолди. Қоғозларни қовлаштира бошлади. Сумкасини бир неча марта оқиб-ёпиб қўйди. Юсуф саҳифа ўқиётган кишидай вараққа қараб ўтирарди.

— Нима, бугун сен навбатчимисан? — деб сўради Азиза.

— Ҳа, навбатчиман.

— Неъматилла билан алмашдинларми?

— Йўқ.

— Бундоқ тушунтириброқ гапир. Чунки сендан кейин менинг навбатчилик вақтим келади. Бировлар навбатчилик вақти келганда командировкага жўнаб қолади.

— Ким жўнапти?

— Бўлмаса Неъматилла қаерда?

Юсуф Азизанинг қора кўзларига тикилиб қаради. «Агар бу қизнинг бирон-бир иллати бўлганда, у менга турмушга чиқарди, мен уни ҳозиргисидай севар эдим. Бундай дилбар пари мендек қалбош, хомсемиз одамни севишига ақл бсвар қилмайди», деб ўйлади.

Уз фикрларидан ўзи сесканиб кетди.

— Неъматилла турмада! — деди Юсуф товушини баландлатиб.

— Нима учун? Қандай айб қилибди?

— Бу сўзни ҳозирча бирон кимсага айтма. Унинг хотини мирзанинг, яъни бой одамнинг қизи экан. Синфий душман. Билдингми?

— Ҳавонинг отаси ишчи. Нималар деяпсан?!

— Ҳозир ишчи, аммо аввал бой одам бўлган.

— Буни ким билар экан?

— Органга хат тушипти. Уни Сафар Бахтиёровичга бериб, ўқитганлар.

— Хатни ким ёзипти?

— Менга охират саволлари берма. Бошқа ҳеч нарса билмайман. Кел ишлайлик.

Азиза бир оз индамай ўтирди. Сўнгра ўзи билан ўзи гаплашаётган каби:

— Мақтуб... Мақтуб... Агар уни менга кўрсатсалар, мен уни ким ёзганини айтар эдим, — деди.

— Сенга кўрсатишмайди. Бунинг учун сен, энг камида, редактор бўлишинг керак, — деди Юсуф.

Улар анча вақт индамай ўтирдилар. Юсуф олдидаги саҳифани ўқир, ўқиганини тушунмас, фикри қоришар эди. Азиза ўзини иш билан машғул қилиб кўрсатса-да, — У ҳам аслида олдидаги қоғозга қуруқ боқиб ўтирарди.

— Юсуф бола, — деди анчадан кейин, — сендан бир нарсани сўрамоқчиман.

— Сўра.

— Тўғрисини айтасанми?

— Айтаман.

— Ваъда бер.

— Шаф-шаф деб ўтирмай, шафтоли деб қўяқолмайсанми? Биласан-ку, сенга ҳамма вақт тўғрисини айтаман.

— Биламан. Аммо сен бу сафар тўғрисини айтмадинг.

Азиза Юсуфнинг сабри тугаганини сезиб, тўғри мақсадга кўчиб қўяқолди:

— Сенинг ҳақингда милициядан келган қоғозда қандайдир қизни ҳақоратлаганинг ёзилган эди, шундайми?

— Шундай.

— У қиз Мусамма эдими? Сен уни нима учун ҳақорат қилдинг? У сенга мени ёмонлади, мен ҳақимда ёмон гаплар айтди ва бунинг учун сен уни сўқдинг ёки билмадим тагин... бир шапалоқ урдинг. Тўғримми?

— Йўқ.

— Шундай. У қичқирди. Ёрдам чақирди. Милиция келди. Кимлигини ёзиб олди. Шундай бўлгандан кейин, нима учун Мусаммани ҳам ёзиб олмади ва қоғозда жабрланувчининг фамилияси нега кўрсатилмади?

— Билмадим. Қўй энди бу гапларни. Ўқишимга халақит беряпсан, — деб жеркиди Юсуф. Аммо овози жуда ғалати чиқди.

Азиза... У билан гаплашишгина эмас, ҳатто жанжаллашиш ҳам мумкин. Бироқ бу билан ҳеч нарса ўзгармайди. Азиза ҳамма нарсани билади. Мана ҳозир ҳам бундан икки ҳафта аввал бўлиб ўтган хунук воқеани айнан тасвирлади. Ушанда, иш кунининг битишига бир соатга яқин вақт қолганда телефон жиринглади. «Юсуф бола, бу мен, Мусаммаман, — деди чийиллаган товуш. — Ҳозир меҳмонхона қаршисидаги китоб дўкони ёнида турибман. Тез кел. Сенга айтадиган зарур гапим бор». Юсуф истар-истамас борди. Мусамманинг тўла гавдасини узоқдан кўрди. Унинг юзи ғоят жиддий. Гўё қандайдир фожиа юз бергану энди шундан Юсуфни хабардор этадигандек. Улар кўча бўйлаб кетдилар. Юсуф индамайди. Мусамма ҳам сукутда.

— Эшитаман, — деди Юсуф совуқ товуш билан. — Тез бўл. Мен редакцияга қайтиб киришим керак. Сенинг сирли товушингни эшитиб, тўғри чиқиб келавердим. Қоғозларим ёйилганча қолди.

— Зарари йўқ. Ошиқма. Менинг гапимни эшитганингдан кейин бошқа стол ёнига чопиб қоласан.

«Ким билсин, қандай ғийбатни айтар экан, — деб ўйлади Юсуф. — Нимани гапирса ҳам, парво қилмаслик керак».

— Биласанми, Юсуф бола, мен кўрганларимни сенга айтиб бераман, ўзинг хуло-



са чиқариб олаверасан. Тунов куни редакторнинг олдига кирмоқчи эдим. Эшигини тортдим. Берк. Қабулхонада ҳеч ким йўқ. Узинг биласан, Ревиде ҳозир отпусқада, эри билан Сохида дам оляпти... Стол ёнига келиб ўтирдим ва унда ётган газеталардан бирини олиб, ўқий бошладим. Қизиқ материал экан, ўқишга берилиб кетдим, бир маҳал редактор хонасининг эшиги охира очилди ва ундан Азиза чиқди. Мени кўриши билан ранги ўчиб кетди. Юзини қўли билан тўсиб олди. Мен ҳеч нарса демадим. Узинг биласан, мен бировнинг ишига аралашини ёқтирмайман. У ҳам индамай чиқиб кетди. Бўлган гап шу.

— Ёлғон, — деб қичқирди Юсуф.

— Менга нега қичқирасан? Бор, Азизанга қичқир! Сенга тўғриси айтган одам балога қолади. Шу тавиянги ҳамма жойда ёнини оласан.

Юсуф бу сўзлар чиқаётган оғизга енгилгина бир шапалоқ урди. Мусамма, бир ери кесиб олинган каби жон ҳолатда додлади. Сўнгра ёрдамга чақира бошлади. Меҳмонхона олдида турган милиционер хўштагини чалиб, уларга қараб югурди.

— Гражданин, ҳужжатларингизни кўрсатинг. Сиз ҳам, граждандан, — деди у қўлини чеккасига қўйиб.

Юсуф газета ходими экани ҳақидаги гувоҳномасини кўрсатди. Мусамма ҳам худди шундай гувоҳномани узатди. Милиционер нима бўлганини сўраши биланоқ Мусамма чийиллай бошлади:

— Мен унга ҳеч нарса демадим. Ўзи мени урди, — деди ва йўғлаб юборди. У астойдил йўғламоқда эди. Милиционер уни тинчлантди:

— Йўғламанг. Биз бу ишни шундай қолдирмаймиз. Матбуотда ишлайдиган одамлар ҳаммага намуна бўлиши керак. Ҳаммага! — Милиционер кўрсаткич бармоғини юқорига кўтарди. — Афсус, бундай олижаноб ишда тасодифий одамлар ҳам...

— Зарур маълумотларни ёзиб олган бўлсангиз, гувоҳномамни қайтаринг, — деди Юсуф кескин товуш билан. Милиционернинг дабдурустан бундай хулоса чиқаргани ғашига тегди.

— Ёзиб олдик. Мана гувоҳномангиз, — деди милиционер ва уни Юсуфнинг қўлига тутқазиб, честь берди.

Юсуф кетди. Мусамма эса милиционернинг ёнида қолди. Атроф оппоқ қорга бурканган. Ҳаво совуқ ва тоза. Юсуф кўксини тўлдириб нафас олди. Бирдан боши оғрий бошлади. Юраги санчди. Йўл четига чиқиб тўхтади. Озгина қор олиб шимди. Фойдасиз. Кетди. Столининг тортмасида амидопирин бор. Бир донасини ичса, ўтиб кетади.

Милиционер айтган гапида турди. Бояги воқеадан уч кун ўтгандан кейин редакцияда йўғилиш бўлди. Бўлим мудир Юсуф Ботировнинг шахсий иши муҳокама қилинди.

Сафар Бахтиёрович милиция бўлимидан келган хатни қуруққина товушда ўқиди. Унда ёзилганига кўра, Юсуф Ботиров кўчада бир хотинни ҳақорат қилган ва урган. Танбеҳ берган милиционерга гап қайтарган. Хатда хотиннинг кимлиги айтилмаган эди.

Мулоим табиатли Юсуфнинг шундай қилишига ҳеч ким ишонмади. Хотинлар бири олиб, бири қўйиб масаланинг тагини очишни, яъни у хотиннинг кимлигини ва Юсуф уни нега урганини айтиб беришни талаб қилдилар. Начора, нимадир дейиш керак. Модомики, хатда Мусамманинг номи йўқ экан, уни тилга олмаслик керак. Акс ҳолда, Азиза ҳақидаги чиркин гапни ҳам айтишга тўғри келади. Масаланинг бундай тус олганига Юсуф ичида қувонди.

— Мен у хотинни танимайман, — деди у ўрнидан туриб. Одамлар кулумсирадилар.

Сафар Бахтиёрович:

— Нотаниш хотинни нега уриш керак? — деб сўради.

— Мен уни урмадим. Дўкондан газета олувдим. Уни ёзиб кўрмоқчи бўлганимда қўлим ёнбошимда турган хотинга тегиб кетди. Узингиз биласиз, ҳамма ёқ муз, тойғончоқ. Унинг оёқ кийими тояр экан, бирдан сирғаниб йиқилди. Мени урди деб ўйлаб войвойлади. Милиция чақирди. Бўлган гап шу.

Ҳар ким ҳар хил фикр айтгандан кейин, йўғилишга муҳаррир яқун ясади.

— Агар кўчада юришни билмасанг, уйингда ўтир, — деб сўз бошлади у. — Агар кўчада газета ўқишни истасанг; қўлингни тийишни бил. Аммо ўз хизматини адо этаётган милицияни ҳақорат қилиш матбуот ходимининг шаънига тўғри келмайди. Сен ҳақорат қилдинг, жазосини ҳаммамиз тортишимиз керак. Бир аҳмоқ қудуққа тош ташлайди, қирқ ақлли уни чиқариб ололмайди.

Муҳаррир яна кўп гапирди. Анча кескин ва қўрқинчли сўзлар айтди. Аммо Юсуф ичида қувониб ўтирарди. «Гапиравер, қария, гапиравер, мен сени жуда яхши кўраман. Сен ажойиб инсонсан. Сени сўкишингни эшиги ҳам ҳаммага насиб этавермайди». Муҳаррир қаттиқ гапиряптими, демак, масала сўнгига яқинлашди.

— Бу менинг матбуотдаги хизмат давримда редакция ходимининг ахлоқсизлиги, адабсизлиги ҳақида милиция органларидан келган биринчи шикоятдир. Инонамани сунгиси ҳам шу бўлади. Биз унга жиддий оғохлантириш берайлик-да, ўзининг сўзини ҳам эшитайлик. Бошқа таклифлар йўқми?

Бошқа таклифлар йўқ экан. Ҳеч ким гапирмади. Мусамма ўзининг қонсиз юзини яшириб, бошини эгиб ўтирар, сукут сақлар эди.

Юсуф ўрнидан турди.

— Уртоқлар! — деди у мамнун товуш билан. — Бугунги йиғилишда айтилган гаплардан зарур хулоса чиқаришга ҳаракат қиламан ва буни бошқа такрорламайман. Сўз бераман.

Муҳаррирнинг таклифи овозга қўйилди. Мусаммадан бошқа ҳамма қўлини кўтарди.

— Мусамма, сен қаршимисан? — деб сўради редактор.

— Менга барибир.

Муҳаррир қарор ёзаётган ходимга қараб:

— Бир киши бетараф. Буни қайд эт, — деди.

Ҳамма Мусаммага тикилди.

Юсуфнинг навбатчилиги ярим кечада тугади. Борадиган жойи узоқ. Кўчада машина йўқ. Яёв етиб борганда ҳам уй эгаси эшикни очмаслигини билади. Бошқа қўшни ҳовлига кириши ва сўнгра тахта деворга осилиб чиқиб, ўзи яшаётган ҳовлига тушиши керак. Юсуф буларнинг ҳаммасини ўйлаб, босмаҳона директорининг кабинетига тонгни қаршилашга қарор қилди. Босмаҳонанинг бош технологи, яъни тунги директори — калта бўйли, бақалоқ одам ўз столида ўтирган экан. Бошида телпак, бўйнига жун шарф ўраган, дам-бадам аксиради, орқасидаги саватга хириллаб туфуради, олдидаги катта дафтарга нималарнидир ёзади. Қиёфаси жиддий. Худди ҳозир бу ёзувларни ёзмаса, эрталаб қуёш чиқмай қоладигандек. Қизарган ва ёшланган кўзларини бурчакдаги креслода ўтирган Юсуфга тикиб, бўғиқ товуш билан:

— Сизга нима керак? — деб сўради.

— Ҳеч нарса. Мен энди уйимга кета олмайман. Тонггача шу ерда қолишимга тўғри келади, — деди юсуф.

Тунги директор нимадир демоқчи эди, яна йўтали тутиб қолди. У бетўхтов йўталиб турганда бирдан телефон жиринглаб қолди. Трубкани олиб тинглади, сўнгра:

— Мана, менинг хонамда ҳам биттаси ўтирипти. Кетолмаётган экан. Бир машина юбормасангиз сира бўлмайди, — деди. Телефон трубкасини қўйгандан кейин, Юсуфга боқиб: — Бутун машиналар ажнабий меҳмонларга берилган. Чора йўқ, — деди.

Юсуфнинг жаҳли чиқди.

— Бу қандай тартиб?! — деб қичқирди у. — Бизлар бу ерда эртадан кечгача ишлаймиз. Кейин кечаси билан уйимизга етиб боролмаймиз. Кеч бўлганда бутун навбатчиларни машина билан таъминлаш сизнинг вазифангиз!

— Менга нега қичқирасиз? — деди тунги директор. — Мана телефон. Гаражда телефон қилиб, тушунтириб кўринг-чи!

Юсуф телефон трубкасини олди, сўнг тунги директор айтган рақамларни терди.

— Гараж, — деди мулозим аёл овози.

— Қимматли хоним, газета навбатчилари бугун уйларига кета олмаяптилар, бизга машина керак, — деди Юсуф иложи борича секин, айна замонда қатъий товуш билан.

— Ҳозир сизларга икки машина юбордик. Улар энди етиб боргандир. Бир соатда қайтиб келишлари керак, — деди аёл.

Юсуф миннатдорчилик билдириб, трубкани жойига қўйди.

— Нима бўлди? — деди директор кинояли товушда, — телефон қилганингиз билан дарров машина беришдимиз?

— Беришди. Эшик олдига ҳозир икки машина келади. Бошқаларга ҳам хабар қилинг. Машиналар бир соатдан кейин гаражда бўлиши керак, — деди Юсуф виқор билан ва ташқарига қараб юрди.

Тунги директор шошиб қолди.

— Сиз сеҳргармисиз ёки бирон дуо ўқидингизми? Мен қанча ёлвордим, «чораси йўқ» дейишди. Сиз эса...

Юсуф директор олдида ўзини кўрсатгиси келиб қолди:

— Сизга «йўқ» дейишган бўлса, менга «бор» дейишди. Қани, ташқарига чиқиб кўрайлик-чи.

Эшик олдида ҳақиқатан ҳам иккита энгил машина турарди. Директор Юсуфни энгидан тортиб тўхтатди.

— Яшанг-э, ука, ҳалиги Юсуф бола деганлари, адашмасам, сиз бўласиз-а. Фамилиянгизни унутдим.

— Ботиров.

— Балли, Ботиров. Мақолаларингиз, шеърларингизни қидириб ўқиймиз. Офарин... Офарин... Бир иш билан бир ерга телефон қилишим керак эди. Биродар, эртага ҳузурингизга келсам, шу ишни битириб бера олмайсизми? Бир телефон қилиш билан битиб кетадиган иш...

Юсуф ўзининг виқори қимматга тушиши мумкинлигини тушунди. «Кўрамиз» деб қўйди ва энди унга бошқача қарай бошлаган директор билан хайрлашиб, машинага ўтирди...

Муҳаррир огоҳлантирганидек, Неъматилланинг ахлоқи ва сиёсий эътиқоди редак-

ция коллективининг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Неъматиллани ҳамма яхши кўрар эди. Ҳалол ва мард йигит. Ажойиб лирик шеърлари, ҳикоялари билан кўзга кўриниб қолганди. Энди эса у йўқ, суюкли сафдошларининг ўзи уни ҳукм этмоқдалар.

Муҳаррир ҳаммадан кўра кўпроқ гапирди, бошқаларни ҳам ўз сўзларини маъқуллашга даъват қилди. Аммо кўпчилик сукут сақлаб ўтираверди.

Мусамма Неъматилла Рашидовнинг синфий ҳушёрлигини йўқотган ва бу хатосини тузатишни хоҳламаган одам бўлгани учун матбуотда ишлашга муносиб эмаслиги ҳақида шанғиллаб гапирди. Йиғилиш охирида Неъматилланинг гуноҳлари бутун тафсилотлари билан таърифланган ҳукм — ишдан четлатиш ҳақидаги қарор ўқилди. Уни овозга қўйиб ўтирмадилар. Ходимлар руҳан тушкун ҳолда тарқалишди.

Неъматилланинг тақдирига куюнганига қарамай, бу ҳақда ҳеч ким оғиз очмасди. Одамлар бир-бирларининг кўзига қарашдан қочишарди. Фақат Азизагина ўзини қўйишга жой топа олмасди. У муҳаррирнинг хонасига кириб, Неъматилла ҳақида ёзилган машъум хатни редакцияга келтириш ва кўпчилик ўртасида ўқиниш талаб қилди.

— Ҳеч бўлмаганда ким ёзганини билар эдик. Сиз сўрасангиз, сизга беришади, — деб ёлворди.

— У мактубнинг тагида имзоси йўқ, деди муҳаррир. — Хатда кўрсатилган фактлар тасдиқлангандан кейин бунинг аҳамияти йўқ.

— Сафар Бахтиёрович, бу адолатсизлик...

— Бундай оғзи ботирлигини қўй, Азиза, — деди муҳаррир жиддий насиҳатомуз оҳангда. — Ҳар бир гапни орқа-олдига қараб айтиш керак. Сен яхшиси, ўзингга эҳтиёт бўл.

— Нега эҳтиёт бўлишим керак экан?

— Юсуф бола, ўзинг биласан, яхши йигит, бир-бирингизга муносибсизлар деб айтишимиз мумкин. Аммо кераксиз бичиш-тўқишларга йўл бермаслик керак.

— Қандай бичиш-тўқишлар? Мен уни ҳурмат қиламан. Вассалом. Орамизда бошқа нарса бўлиши мумкин эмас, — деди Азиза. У негадир қизарди, Юсуф боланинг унга маҳзун ва умидвор боқиб турган қорамтир кўзларини тасаввур этиб: «У мени севади, бечора», деб кўнглидан ўтказди.

— Масала шундаки, бизнинг бир ходимимиз сизлар иш вақтида бир-бирингизга севги изҳор қилиб ўтиришингизни айтди. Иш вақтида-я? Худо сақласин, бирон ишқал чиқмасин! Унинг айтишига кўра, сизнинг муносабатингизни ҳамма билар ва ҳамма бу ҳақда гапирар экан. Мен шахсан ҳеч нарса билмайман. Модомики шундай гап юриптими, оғохлантириб қўйиш менинг бурчим.

Азиза муҳаррирнинг хонасидан титраб-қақшаб чиқди. «Албатта, бу Мусамманинг иши. Неъматилла ҳақидаги имзосиз хатни ёзган ҳам шу. Энди менга ёпишибди», деб ўйлади ва тўппа-тўғри Мусамманинг олдига бориб, ҳамма гапни айтишга қарор берди. Шундай қилди ҳам. Мусамма унинг сўзларини аввал индамай тинглади. Гап орасида хонага хотинлар тўпланган бўлса-да, ҳеч ким гапга аралашмади. Мусамманинг парвойи-фалак туриши Азизани янада алангалатди. У ўзи сезмаган ҳолда қичқира бошлади:

— Сенга шу Юсуф бола керак бўлса, ол, сеники бўлсин! Аммо мени орага қўшиб нима қиласан? Мен унга нисбатан оддий инсоний ҳурматдан бошқа ҳеч нарсани ҳаёлимга келтирмаганман. Сенингча, мен у билан ишқ-муҳаббат изҳор этиб ўтирганмишман! Уялмайсанми шундай дейишга?!

Мусамма пинагини бузмаган ҳолда, ўтирганича, гап орасида:

— Сизларни ўпишиб турганларингизни ўз кўзим билан кўрдим, — деб қистириб қўйди.

Азиза бу тўхматдан ниҳоятда ғазабланди ва:

— Мен умримда у одам билан бундай иш қилмаган бўлсам, сен қандай қилиб буни кўрасан, ҳароми!.. — деб қичқирди.

— Ҳақорат қилганинг учун сен ҳам жавоб берасан. Ўпишган бўлсанг, ўпишавер, бунинг учун сени биров қозига обормайди. Юсуф боланг эртадан кечгача сенга хумор кўзларини тикиб ўтиради, ахир у ҳам инсон, — Мусамма совуқ ва ингичка товуш билан ошиқмай гапирарди. Азизанинг ёниб-ўртаниб айтганларини бир неча аччиқ сўз билан йўқ қилган ҳолда яна пинагини бузмай ўтираверди.

Редакциядагиларнинг деярли ҳаммаси жанжал бўлаётган хонага тўпланди. Ҳеч ким гапга аралашини истамас эди. Баъзи бировлар Азизага «Қўй, шу билан тенг бўлма», деб тинчлантиришга уринишарди. Аммо Азиза ловуллаб ёниб кетганди, ниҳоят, энг сўнгги қуролни ишга солди, аччиқ алам билан:

— Неъматиллани сен қаматгансан, манжалақи! — деб қичқирди. — Ҳа, сенсан! Уни ҳақоратлаб имзосиз хат ёздинг. Чунки Неъматилла сенинг қандай махлуқ эканингни биларди. Сенга эса ундан олчоқларча ўч олдинг. Қилмишларинг бошингни есин, қари тулки!

— Уртоқлар, — деб мурожаат қилди Мусамма шу ерда турганларга. — Ҳаммангиз гувоҳсизлар. У мени ҳақорат қилди. У менга тўхмат қилди. Бунинг учун жазосини олади, — деди. Эшикда Юсуфнинг ташвишли юзини кўриб, ҳукм ўқиётгандек қатъий товуш билан сўзида давом этди: — Юсуф бола, сенинг Азизанг мени ҳақорат

қилди. «Юсуф бола сенга керак бўлса, ол,» деди, «Неъматиллани сен қаматтирдинг», деди. Мен бундай ҳақоратларга чидай олмайман. Азизанг жазосини олади. Сен ҳам қуруқ қолмайсан.

Юсуфнинг вужуди музлаб кетди. Бошининг тақир ери терлаганини сезди. Бу ерда бўлиб ўтган воқеанинг қай даражада даҳшатли эканини ҳеч ким унчалик теран ва оғир ҳис этмайди, англамайди «Бечора Азиза... Қора ниятли, олчоқ ва ғаддор одамнинг бутун захари энди шу нозик вужудли, ҳимоясиз Азизага сочилади. Унинг назарида Азиза кимсасиз чўлда ёлғиз қолган нафис бир чечакка ўхшайди. Ҳозир аёвсиз шамол эсади ва уни учириб олиб кетади. Нима қилиш керак? Эҳ, Азиза, олдин унга айтганда-ку, қандай қилиб бўлса-да, бу ниятидан қайтарар эди. Энди эса фишт қолипдан кўчди. Зарбанинг қайси тарафдан келишини кутиб ўтириш керак...»

Юсуф хонасида ёлғиз ўтирганича ўйга толди. «Мусамма Азизанинг бошига яна қандай тухматлар ёғдирар экан? Унинг ижтимоий чиқишида хато йўқ. Чўпон қизи. Ёзган шеърларидан ҳам бир ишқал топиш қийин. Ахлоқи тоза, сиёсий эътиқоди соғлом. Аммо Мусамма бирон иллат топмай қўймайди. Эҳ, нодон қиз, кўра-била туриб нима учун шу Мусамма билан ўчакишдинг? Неъматилла ҳақидаги хатни у ёзганини мен ҳам гумон қилар эдим. Балки бошқалар ҳам билишар. Лекин билганини ҳеч ким сездирмади... Азиза эса... бошини балонинг оғзига тикди. Энди бир чора топиб, бу балонинг олдини олиш керак».

Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи йилнинг февраль ойи тамом бўлмоқда эди. Аммо ҳамон қиш захри кетганича йўқ. Бутун борлиқ оқ қор билан қопланган. Дарахтлар оқ қалпоқ кийгандек, тераклар оқ рўмол ўрагандек, ер оқ чойшабга буркангандек. Бу оқ рангли манзара Юсуфнинг юрагини сиқди. «Бу оқ ранглар қачон тамом бўлади? Ҳамма нарса гўё бўз кафанга ўралган, — деб таажжубланди у. — Қани, тезроқ баҳор келсайди. Олам яшарар, тозарар, ҳаво исиб, қушлар сайрашар эди... Ҳозир эса қушларнинг овози ҳам эшитилмайди, осмондан гўё бўз қоялар осилиб тургандек. Улар кўз очиб-юмгунча ерга ағдарилиб тушиб, одамларни, бутун оламни эзиб-янчиб ташлайдигандек... Бугун Азиза навбатчи. У энди келгандир. Вақт топиб, Мусамма билан гаплашиб кўриш ва уларни яраштириб қўйиш керак. Бу — биринчи даражали ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа».

Юсуф шошилич редакцияга кирди. Азиза илгари келган экан. Нималарнидир ёзиб ўтирарди. Улар саломлашдилар.

Юсуф пальтоси ва қалпоғини ечиб, илгакка осди ва дарҳол Мусамма ўтирадиган хонага йўл олди. Мусамма ҳам иш билан машғул экан. Юсуфга совуқ, яшил кўзларини тикди. Саломига алик олди, курсига ишора қилиб:

— Утир, Юсуф бола, менга айтадиган гапинг борми? — деди.

Юсуф ўтирди ва хонада Мусамманинг бир ўзи бўлганидан фойдаланиб, тез-тез гапира бошлади:

— Тунов куни иккинги ҳам бироз қизишдинглар. Шу гапларни, хафагарчиликни унутиш керак. Сен ўзинг ажойиб инсонсан, Мусамма, олижанобсан...

Юсуф уни яна мақтамоқчи эди, сўз тополмай, шошиб қолди, дудуқланди.

— Ўзингни қўймама, Юсуф бола, мақсадингни тушундим. Азизажонингга қайғурасан, шундайми? Мени тупроққа қориштириб, уни ардоқламоқчисан, шундайми? — деди Мусамма.

— Мусамма, сен мени тушунмадинг. Аҳил бўлайлик, дўст бўлайлик, демоқчи эдим.

— Мен сени тушунармидим? Бизларга сени тушунмоқ қайда! Юз-кўзига кунига ярим кило бўёқ чаплаб юрадиган анови таннозгина сени тушунади. Сен унга тирғилаверма, у сенга ўхшаганларни назаригаам илмайди. Тақирбошсан, бўйинг ҳам ундан калта. Ўзингга мосини қидир. Бутун оламга калака бўлиб қолма. Сенинг севгинг ҳақида одамлар ҳозир латифалар айтишяпти...

— Мусамма, бундай гапларни қўй, — деб ёлворди Юсуф. — Нима бўлиб, нима қолишини вақт кўрсатади. Азиза мен учун ишдаги ҳамкасб. Вассалом.

— Умр йўлдошинг бўлишини ҳам роса хоҳлайсан-у, аммо кўзинг етиб, бир иш қилолмайсан, — деди Мусамма захарли товушда. — Қўрқма, мен кек сақлайдиганлардан эмасман. Ўша кунги гаплар ўша куннинг ўзида қолиб кетди. Севгилингга айт, бурнини жийриб юрмасин, мен ҳаммасини унутдим.

Юсуф енгил нафас олди. Нима қилаётганини англамай, Мусаммага қайта-қайта ташаккур айтди ва чиқиб кетди.

Мусамма унинг орқасидан нафрат билан қараб қолди. «Азизангга қайғурасан-а, бечора анойи, — ўйлади у. — Аввал ўзингга боқсанг-чи! Пачоқ гавданг ва тақир бошинг билан бир дилбарни орзу қиласан. Нима, мен ундан камманми? Нимага аввал менинг бошимни айланттирдинг, сўнгра Азизага оғиб кетдинг?...»

Мусамма ҳамма нарсага ўзича баҳо беради. Бу баҳосини ҳеч қандай эътирозлар, ҳеч қандай қўлланма, чоралар ўзгартира олмайди. Унинг фикрини ўзгартира оладиган иккинчи фикрнинг ўзи дунёда йўқ. Ўз фикри ва ўз мақсади учун курашда ҳар қандай тўсиқни енгади, аммо таслим бўлмайди. Унинг бундай табиатини редакция аҳли билиб олди. Одамлар у билан мулоим ва иложи борича қисқа гаплашишга ҳаракат қилиша-

ди. Зиёфат оқшомларида, кези келиб қолганда, йигитлар у билан ўйинга тушишар, қадаҳ уриштиришар эди. Агар вақт кеч бўлиб қолса, ёшлардан биронтаси уни уйига кузатиб қўярди. Бу шаҳарда ота-онаси бўлишига қарамасдан Мусамма бир ўзи яшайди. Бир куни ишхонада байрам муносабати билан ўтказилган зиёфат оқшомидан кейин Мусаммани кузатиш навбати Юсуфга келди. Улар анча вақт жим кетдилар. Сўнг Мусамма бирдан очилди. Ҳаёт, севги ҳақида гапира бошлади. Унинг фикрича, севгида инсоннинг ташқи кўриниши аҳамиятга эга эмас экан.

Мусамма гапни Юсуфга қаратаётганини, мақсади нималигини англаш қийин эмасди.

— Юсуф бола, сен шундай инсонсанки, сени бир кўрганда севиб қолиш мумкин эмас, — деди Мусамма. — Аммо билиб, синаб севиш мумкин. Ҳам бу севги абадий бўлади.

Юсуф бу нуқулайликдан қутулмоқ учун:

— Бошим кал бўлса ҳам кўнглим нозик, — деб кулди. — Умуман, тўғри айтасан, севги, албатта, қалбларнинг яқинлигидан туғилади. Бу энг муҳими. Албатта, ҳаёт жуда мураккаб, жуда... — у каловланиб қолди. Мусамманинг сўзларига тўғри муносабат билдирса, икки орада уни ишонтирган бўлади. Ундан кейин ҳар сафар кузатиб қўйишга — у билан кинога, театрга боришга тўғри келади. Юсуф уни ҳам, ўзини ҳам алдашни истамади. Ер юзида Азиза бор экан, у бошқа ҳеч кимсани ишонтирмайди, кўнгил бермайди. Эрта тонгда ишга келади ва дунёдаги жамики аёлларнинг ягона тимсоли бўлган Азизани кўради. Бу унинг учун туганмас бахт. Демак, у ҳар куни, ҳар соат бахтли.

— Мана, етиб ҳам келдим, — деди Мусамма қаршидаги бежирим, ораста уйга боқиб. Бу менинг уйим. Бу эса менинг дарвозам. У сенинг учун доимо очиқ, уйимнинг тўри ҳам сенинг учун доимо бўш. — У яна Юсуфга суйкалди. Бошини унинг кўксига қўйиб олди. — Юр, қаҳва ичамиз.

— Соғ бўл, энди кеч бўлди. Майли, хайрли кеч, — деди Юсуф.

— Қўрқасанми, а? — деди Мусамма кинояли товуш билан. — Нимага қўрққанингни ҳам биламан. Сен мени нотўғри тушундинг. Сени бир марта эмас, ўн марта синаб ҳам севиш мумкин эмас. Майли, кузатганинг учун ташаккур. — Мусамма бу сўзларни тез-тез айтди ва шахдам одимлар билан «Юсуф учун доимо очиқ бўладиган» дарвозадан кириб кетди...

Ташқаридан қараганда ҳамма иш ўз йўлидан кетаётгандек кўринади. Редакцияда ходимлар хоналарга тикилиб ишлашар ёки ўзларини ишлаётган каби кўрсатишади. Доимо овозлар эшитилиб турадиган, ҳар хил қизгин музокараларнинг маскани бўлган коридор энди жимжит. Азиза ҳам олдидаги газетага тикилган ҳолда бироз тебраниб ўтирарди.

Юсуф кирганда, бошини кўтариб, унга қаради.

— Қаерда юрипсан? — деди эрка товуш билан. Бундай товушда фақат энг яқин кишиларгина бир-бирига мурожаат этадилар. Бу товушда озгина ўпка, озгина таъна, озгина соғиниш ҳам бор. Бу товуш ҳар вақт бўлгани каби Юсуфнинг юрагини қитиқлади, ҳаяжонлантирди.

Азиза бошини қайта кўтармади. Қора, бироз жингалак сочли бошини стол узра эгган куйи, Юсуфнинг юрагида кўтарилган пўртанадан беҳабар, бамайлихотир саҳифа ўқийверди.

Редакцияда навбатчи бўлган одам — шу газетанинг бир сони учун тўлиғича масъул, айтиш мумкинки, шу бир соннинг муҳаррири. Навбатчига ортиқча гапириш, уни ишдан қолдириш, диққатини бўлиш мумкин эмас. Шу кунги навбатчи — редакциянинг том ҳуқуқли хўжайини. Юсуф Азизанинг эгилган бошига тикилиб қолди. Бироз қорамағиз юзининг сўл тарафи ва ингичка бурунчасининг учи кўринмоқда. «Унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ, — деб ўйлади Юсуф. — Балки ҳаммасини билар? Аёллар биз билмаган нарсаларни билишади. Уларнинг туйғулари кучли. Азиза у куни Мусамма билан менинг орамда бўлган можарони ҳеч янглишмай таъриф этди. Қайдан билди? Мен унга айтмадим. Мусамма ўлсаям айтмайди. Умуман, аёлларни тушуниш қийин». Фикрларидаги сўнги жумлани Азиза учун ҳақорат ҳисоблади. Азиза ҳаммасидан мустасно. Ҳатто фикрида бўлсин, унга хиёнат қила олмайди. Азизанинг бўлса ҳеч нарсадан хабари йўқ.

— Нега тикилиб қолдинг?

Азиза унга ҳайрат билан назар солди. Юсуфнинг юрагида таниш ҳаяжон пайдо бўлди. Ҳаяжон бирдан кўтарилди, томоғини бўғди. Оғзи қуриди, боши айланди.

— Тилинг ёпишиб қолдими, Юсуф бола, ёки мени энди кўраяпсанми? — деди Азиза. Унинг овозида алам, аччиқ, кин оҳанглари йўқ. Тиниқ ва очиқ товуш. Юсуф билан ҳар вақт шундай сўзлашади.

— Биласанми, Азиза, — деди Юсуф кўруқ товуш билан, негадир бурнини тортиди. — Русларда бир ибора бор: «До счастья рукой подать», дейишади. Бу сўз мен ҳақимда айтилгандай.

Азиза кулимсиради. Қизарди. Кўзлари йилтиллади. Қўлидаги қаламни стол устига ташлаб, гавдасини курсининг суяничиғига қадаб ўтирди. Маъсум кўзларини Юсуфга сузди.

— Биз сен билан, Юсуф бола, замондошмиз, сен менинг раҳбаримсан. Шунинг учун ўз кўлинг остида ишлаган одам ҳақида бундай ўйламаслигинг керак.

Юсуф бироз совиди. Бўғзини сиқиб турган ҳаяжон ғойиб бўлди. Узини қўлга олиб, одатдаги товуш билан:

— Бизнинг бутун муносабатларимиз шу билан битадимиз, битиши керакми? — деб сўради.

Азиза шошиб қолди. Олдидаги газета саҳифасининг чеккасини чап қўли билан эзғилай бошлади. Янги босма бўёқлари чаплашиб, бармоқлари қорайди. Бироздан кейин қўлини олди, қорайган бармоқларига тикилди. Маҳзун бир товуш билан маъноли қилиб:

— Билмайман, асло билмайман, — деди. — Мендан бундай нарсаларни сўрама. Вақт кўрсатади, — деди. Сўнгра кулди. — Умуман, навбатчига ҳар хил гапларни айтиб, унинг диққатини бўлиш тақиқланади. Буни ўзинг яхши биласан.

— Азиза! — деди Юсуф. Овозидан хотиржам тортгани сезилди. — Инсон ҳаёти шундай қурилганки, у эртами-кечми уйланиши керак. Сен мени ҳаммадан кўра яхши биласан. Тўрт йилдан бери бир хона ичида ишлаб келамиз. Истар эдимки, яшайдиган еримиз ҳам бир бўлсин... Менинг турган-битганим мана шу, ўзинг кўрганинг-билганинг каби. Бошимга энди соч чиқмайди. Бундан кейин бўйим ҳам ўсмайди, қорин эса чиқиб қолса керак. Ақлим ҳам ҳозиргидан зиёда бўлмайди. Аммо орзуларим кўп. Соғ бўлсам, териал асар ёзаман. Бутун инсонларга айтадиган сўзларим бор. Уларга: эй одамлар, геракнинг унга чиқиб олиб, ўзингга ўтирган бутуққа болта урасиз, сўнгра, ерга гурсиллаб йиқилган вақтда, «ажабо, нега бундай бўлди?» деб ҳайрон қоласиз, деб айтаман ва ер юзидаги одамларнинг бошларига келиб-кетган фожиаларнинг ҳаммаси учун одамларнинг ўзлари гуноҳдор эканликларини англамаман... — Юсуф бирдан бўшашди. Нима ҳақида гап бошлаган эди-ю, қаёққа бурилиб кетди. «Эй, тентак. Йиллар бўйи айтолмай юрган сўзингням одамга ўхшаб айта олмадинг». Азизанинг унга ҳайрат билан қараб турганини кўриб, гапини тугатишга шошилди: — Кечирасан, бошқа гап айтмоқчи эдим, адашиб бошқа ёққа кириб кетдим...

Азиза кулди. Бундай кулмоқ учун одамнинг ҳеч бир гуноҳи бўлмаслиги, фикрлари, ниятлари доимо тоза бўлиши керак. Одатда ёш болалар шундай куладилар.

«Севимли Азиза, нима бўлса ҳамки, мен сенинг ҳақингда ёмон хаёлга боролмайман. Мабодо бошқага эрга тегсанг, сенга бахт тилайман», деб ўйлади Юсуф.

— Юсуф бола, бу гапларни бошқа кунга қолдирайлик, — деди Азиза. — Бизнинг бўш вақтимиз ҳали кўп бўлади. Халқаро вазият ҳақида гаплашганимизда йўл-йўлакай бу масалага ҳам тегиб ўтармиз. Шошилишга не ҳожат, шундай эмасми?

Юсуф кўкдан ерга тушди. Аммо юраги ҳамон ҳаяжонда эди. Азизанинг сўнги сўзлари унга умид бағишлади. Бу шундай умид эдики, юраги ичига сиғмай, кўкрак қафасининг деворларига кучли урилди, вужудини ларзага солди.

— Майли, сен саҳифаларни диққат билан ўқи, — деди Юсуф. Унинг овозидан қадрдон Азизанинг барча сўзларида мужассам бўлиб турган яқинлик сезилмоқда эди. — Ўқи. Агар қийналиб қолсанг, мен ёрдам бераман.

— Раҳмат, ҳозир ҳамма иш яхши кетяпти, — деди Азиза. Унинг овозида ҳам бояги яқинлик сезилди.

Юсуф пальтосини, қалпоғини олиб, даҳлизга чиқди. Йўл бўйи кийинди. Усмон оғанинг шароб дўконига кириб, бир стакан мусаллас ичиш ва сўқмоқлар бўйлаб ёлғиз кезишни хоҳлади.

Юсуф қайтиб келганда Азиза газетанинг иккинчи саҳифасини ўқимоқда эди. Демак, тўртинчи ва учинчи саҳифаларини ҳозир ўқиб битирган. У пальтосини ечиб, илгакка, Азизанинг ҳаворанг пальтоси ёнига илди. Икки пальто гўё бир-бирини кучоқлашгандек. Юсуф ўз пальтосининг енгини Азизанинг пальтосининг енги ичига солди. Икки пальто қўл ушлашиб тургандек бўлди. Орқасига ўгирилганда, Азизанинг кулиб турган кўзларига тўқнашди. Ўзи ҳам кулди.

— Сен ҳамма нарсани сезасан, — деди Юсуф мамнунлик билан. — Аммо мен сенинг қандай қилиб сезганингни била олмасдан доғдаман.

— Нимани билар эканман?

— Ўзингни ҳам, мени ҳам, бошқаларни ҳам.

— Билмасам, балки шундайдир. Сени Сафар Бахтиёрович сўради. «Келса, менга бир кўринсин», деди.

— Нима иши бор экан, айтмадимиз?

— Айтмади. Сафар ога сени яхши кўради...

— Сенга ўхшабми? Ёки зиёдами?

Азиза шарақлаб кулди.

— Бугун сенга нима бўлди, а? Эҳтиёт бўл, Мусамманинг ғийбатлари ҳақиқатга айланапти. Қўрқмайсанми?

— Қўрқмайман! Мен ҳеч кимдан қўрқмайман! Чунки...

— Яхши, яхши, бор, сени Сафар Бахтиёрович кутяпти, балки муҳим иши бордир.

Сафар Бахтиёровичнинг чеҳраси очиқ, кескин ва жиддий эди. Думалоқ кўзлари

янада зиёда чарақлайди, уларнинг пастидаги тугунчаклар осилиб турар, оқара бошлаган мўйлаби юқори лабини қоплаган эди. Қўлидаги қалами билан Юсуфга жой кўрсатди ва ёзувини давом эттирди. Қўли қалтирайди. «Қариб қолди», деб ўйлади Юсуф.

Юсуфни журналист қилган Сафар Бахтиёрович эди. Институтни битирувчиларни ишга тақсимловчи ҳайъат аъзолари ичидаги йирик гавдали, очиқ юзли, келишган одамни студентлар танимадилар. Бировлар маориф министри деб ўйлади, бировлар эса «Москвадан келгандир» деб тахмин қилди. Навбат Юсуфга келганда, студентларни рўйхат бўйича қақираётган ўқитувчи эшикни очиб: «Ботиров Юсуф» деб қичқирди, Юсуф йўлакнинг нариги бошида тургани учун, етиб келгунча ўқитувчи иккинчи марта чақирди: «Юсуф бола! Қаердасан?»

Юсуф чопиб келиб, тақсимот хонасига кирди. Одамларнинг кўплигидан довдираб қолди. Ҳамма унга тикилиб турарди. Институт ректори қўлига қоғоз олиб, ўқий бошлади: «Ботиров Юсуф. Минг тўққиз юз ўнинчи йилда Сеитлар районининг Бешқуртқа — Вақф қишлоғида туғилган. Йигирма иккинчи йилдан бери ёлғиз. Болалар уйдан институтга келди. Аъло ўқиди».

Қуюқ мўйловли киши Юсуфга тикилиб боқди, сўнгра марҳаматли овоз билан: — Айтинг-чи, Ботиров ўртоқ, сизни нима учун Юсуф бола дейишади? — деб сўради.

Юсуф яна шошиб қолди. Бунинг сабабини англатиш учун оғиз очганда, домлалардан бири сўз бошлади:

— Сафар Бахтиёрович, бу группада Юсуф исми икки студент бор эди. Иккисининг ҳам фамилияси Ботиров. У Юсуф бу Юсуфдан олти ёш катта. У Юсуф, яъни катта Юсуф бу кичик Юсуфни «Юсуф бола» деб чақирар эди. Уларни ажратиш учун ҳамма уни «Юсуф бола» дея бошлади. Катта Юсуф учинчи курсда уйланди, ўқишни ташлаб кетди, аммо у қўйган лақаб қолди. «Юсуф бола» демасак, исми тугал айтилмагандек туюлади. Энди янги ерга, янги одамлар орасига лақабини ташлаб, асл ҳолида, яъни Юсуф Ботиров бўлиб боради. Ўзи адабиётни севади, шеърлар ёзади...

Қуюқ мўйловли киши яна Юсуфга мурожаат этди:

— Юсуф қардош, гап лақабда эмас, гап одамнинг ўзида. Айтинг-чи, энг яхши кўрган ёзувчингиз ким?

— Чехов, — деди Юсуф.

— Яхши. Уни нима учун яхши кўрасиз?

— Чеховнинг асарларини ўзи яшаган даврнинг тарихи дейиш мумкин. Унинг ҳикояларида шу даврнинг энг долзарб, энг кескин муаммолари юксак, ғоят юксак бадиият билан акс эттирилади. Давр нафасини, давр қиёфасини асарларида кўрсата олиш, менимча, ёзувчининг биринчи даражали вазифасидир.

— Яхши, яхши, — Сафар Бахтиёрович қуюқ мўйлабини силаб қўйди. Ректорга қараб: «Яна бир савол, мумкинми» деб сўради. «Марҳамат, Сафар Бахтиёрович», деди ректор.

Сафар Бахтиёрович яна Юсуфга ўгирилди.

— Чеховнинг асарларида кўтарилган проблемалардан бири ҳақида қисқа қилиб гапириб бера оласизми?

Юсуф ҳаялга толди. Кўп ўйлашга вақт йўқ эди.

— Чеховнинг «Мужиклар» ҳикоясида чор ҳукуматининг крепостной ҳуқуқини бе-кор қилишдек умуммамлакат кўламидаги катта ишни зарур тайёргарликсиз ўтказгани ва бунинг оқибатида мамлакат яна қайтадан ишсизларга тўлиб кетгани, меҳнаткаш халқнинг моддий шароити янада ёмонлашгани бир қишлоқ аҳолисининг ва бир деҳқоннинг ҳаёти мисолида кўрсатилади.

Сафар Бахтиёрович ректорга қараб, бошини тебратиб, маъқул ишорасини қилди. Ректор Юсуфга боқиб:

— Ўртоқ Юсуф Ботиров, сизни область газетасига ишга юбормоқчимиз. Мана, газета редактори ўртоқ Сафар Бахтиёрович Бахтиёров сизни ишга олишга рози. Сиз ўзингиз розимисиз? — деди.

Юсуфнинг яна боши айланди. Ҳаяжонланса шундай бўлади. Дарҳол жавоб берди:

— Эплай олармиканман? Мен ўқитувчи бўлишга тайёрланган эдим...

— Эплай оласиз. Дастлабки пайтларда ёрдам берамиз, — деди Сафар Бахтиёрович, бошини яна боғгидек тебратиб қўйди. — У ёғини ўзингиз олиб кетасиз.

Юсуф тақсимот хонасидан ҳаяжонланган ҳолда чиқди.

— Нима бўлди? Бешқуртқага кетасанми? — деб сўрашди йўлакдаги курсдошлари.

— Йўқ, — деди Юсуф. — Газетага. Шу ерда қоламан.

Ёшлар қий-чув кўтардилар. Кимдир ҳамманинг овозини босиб қичқирди:

— Айтдим-ку сизларга, бояги мўйловли кишини область газетасининг редактори деб, ишонмаган эдингиз...

Юсуф газетага ишга келди. «Бола» деган лақоби эса уни иккинчи куни келиб топди. Ҳали тарқалмаган курсдош ўртоқлари у билан хайрлашиш мақсадида редакцияга келишди. Ҳар томондан чувиллашиб, «Юсуф бола» деб мурожаат қилишди. Юсуф боланинг ўртоқлари келиши муносабати билан редакцияда қаҳва ташкил этилди.

Куннинг иккинчи ярми бўлгани учун Сафар оға: «Менинг борадиган ерим бор. Сизлар ўтира беринглар», — деб секин чиқиб кетди. Ешлар ўз бошича қолишгандан кейин қизғин нутқлар айтилди, ажойиб қўшиқлар куйланди. Курсдош дўстлари Юсуф ҳақида жуда кўп илиқ сўзлар айтдилар. Ҳаяжондан юзи қизарган Сарвиноз исмли қиз қўлига қаҳва пиёласини олиб: «Қимматли редакция ходимлари, етмишдан ортиқ институт битирувчилари орасидан сайлаб, сайлаб, сайлаб... энг яхшисини сизга бердик. Юсуф бола филология факультетининг жони эди. Мана шу жонни энди сизга ишониб топширамиз. Бу сўзлар қанчалик тўғри эканига тезда ишонч ҳосил қиласизлар. Бизнинг Юсуф болани авайланглар. У бунга муносиб», деди ва пиёласини кўтарди.

Шу кунни жуда қувноқ кеча бўлди. Институтни битирувчилар ва редакция ходимлари кўчага чиқдилар. Куйлай-куйлай Инқилоб майдонига келдилар ва шу ердан хайрлашиб, тарқалишдилар. Шундай қилиб, Юсуф яна «Юсуф бола» бўлди. Бора-бора, «бола» сўзи исмининг бир қисмига айланиб қолди. Баъзи пайтларда ўзи ҳам газетада босилган айрим мақолаларига «Юсуф бола» деб имзо қўя бошлади. Майли, шундай бўлақолсин. Бу сўз — унинг учун ўтмиш. Ўтмишни нутиш эса хиёнат билан тенгдир.

Сафар Бахтиёрович, ниҳоят, ёзишни тўхтатди, бошини кўтариб, Юсуфга қаради. Сўнгра ёнида турган қутидан сигарета олди. Ёндирди. «Сафар Бахтиёрович сигарета чекмас эди, шекилли» деб ўйлади Юсуф. Муҳаррир унинг таажжубланганини сезган бўлса керак:

— Ташлаган эдим, кўп йиллар аввал, мана, тагин бошладим, — деди. Тутунни ичига тортганда афти буришди, кўзлари оқарди, яна ҳам қариб кетгандек бўлди. Сигаретани кулдон ичига босиб ўчирди. — Юсуф бола, сени мен соф турмуш масаласи бўйича чақирдим. Мен сенга ҳам ота, ҳам оға, ҳамда дўстман, қайси бирини хоҳласанг, шундай ҳисобла, — деди. Гап нима ҳақидалигини билмагани учун Юсуф ҳам индамай ўтираверди. Сафар Бахтиёрович давом этди: — Сен энди йигирма икки ёшдасан. Эскичасига ҳам, янгичасига ҳам уйланадиган вақтинг келиб етди, ҳатто ўтиб кетяпти. Бу ишни пайсалга солиб бўлмайди. Мен ҳам тўйингни кўришни истайман. Биламан, сен Азизани ёқтирасан. Фаҳмимча, у ҳам сенга эътиборсиз эмас. Чўзиб ўтиришга ҳожат йўқ. Отанг бўлганда, бу гапларни сенга аллақачон айтган бўларди. Энди эса сенга мен айтаман. Нима деб ўйлайсан? Ниятингни менга айт.

Юсуф нима учундир шошиб қолмади, ҳаяжонланмади. Сафар Бахтиёровичнинг кўзларига тикилиб:

— Жуда тўғри айтасиз. Мен Азизани ёқтираман. Агар у ҳам рози бўлса, ортиқ чўзишга ҳожат йўқ, — деди.

— Сен Азизадан сўрадингми, розими?

— Сўрадим. Очиқ айтмади. Ҳар ҳолда ишонса бўлади.

— Ундай бўлса, — Сафар Бахтиёрович чиройли кулимсиради, кўзлари бир оз қисилди, — бу ёғини ўзим тўғрилайман. Аввал ўзи билан, сўнгра она-отаси билан гаплашаман. Хотиржам бўл, масалани бир неча кун ичида ҳал этаман.

Юсуф муҳаррирнинг хонасидан юриб эмас, учиб чиқди. Сафар оға совчилик қилса, ҳаммаси жойида бўлади. Хонада Азиза ҳамон газета саҳифасига тикилиб ўтирарди. Энди биринчи саҳифани ўқияпти, демак тезда битиради. Юсуф секин эгилиб, лабларини унинг ёноғига тегизди. Азиза сесканди. Юсуф эканини англагач, кейин жилмайди.

— Сенга нима бўлди? Кесакдан ўт чиқдими? Нега куласан? — деди. Ёноғида ҳеч қандай из қолмаган бўлса-да, қафтининг орқаси билан Юсуфнинг лаблари теккан жойни силади. Йўлакда тез-тез кетаётган одамнинг оёқ товуши эшитилди. Юсуф ва Азиза қия очиқ турган эшикка қараб, жим қолдилар. Демак, уларни кимдир кўрди. У одамнинг ким эканини иккиси сезса ҳам, номини тилга олгилари келмади.

— Азиза, бугун мен сен билан навбатчиликда қоламан, майлими? — деди Юсуф.

— Йўқ, — деди Азиза. — Ҳозир бизни пойлаб юришибди. Ҳар хил гап тарқатишади. Раҳмат, Юсуф бола, энди мен бир ўзим қолиб, озгина ишлайман.

Иш вақти битиши билан Юсуф уйига қайтди. Шаҳар узра оқшом пардаси инмоқда. Қарши тарафдан, кўп қаватли уйлarning ортидан ботаётган қуёшнинг қирмизи нурлари кўринмоқда. Ҳаво совуқ, оёқ остида қор ғижирлайди. «Тезда баҳор келади. Баҳор келса ҳамма нарса янгиланади», деб ўйлади Юсуф. Гўё баҳор қақат табиатни эмас, инсонларни ҳам тозалайдигандек, гўё баҳорда ғийбатчилар қолмайдигандек. Ҳар ҳолда умидли дунё. Баҳор эса тозалик мавсуми. Улар балки баҳоргача Азиза билан турмуш қуришар. Баҳорда саяхатга чиқишар. Балки у туғилиб ўсган қишлоққа боришар. Ҳам-қишлоқлари жуда қувонишади. Болаликдаги ўртоқларини кўришади. Онасининг, отасининг қабрларини зиёрат этишади. Улар вафот этганда Юсуф ўн-ўн бир яшар эди. Аввал отаси ўлди. Шу кеча уларига ўғри тушган эди. Улар эшикни, деразани уриб парчаладилар. Онаси Юсуфни қучоқлаб олди ва дарҳол отасини уйғотди. Отаси сўри устида туриб ўтирди, аммо қанча тиришса ҳам тик тура олмади. Кейин билишларича, беҳосдан чўчиб уйғонгани учун белига бир нарса бўлган экан. У такрор тўшакка йиқилди ва сира жойидан қўзғалмади. Уғрилар кириб уй ичини ағдар-тўнтар қилдилар. Отаси ётган ерида уларга ёлборди: «Ит инидан нон ушоғи қидириладими? Ҳол-аҳволимизни кўра туриб, яна нима ахтарасизлар? Оллоҳдан кўрқсаларинг-чи!..»



Ўғрилар уч киши эди, ҳеч нарса тополмагандан кейин Юсуфни ва онасини олиб кетмоқчи бўлдилар.

— Айниган чол! — деб қичқирди уларнинг бири. — Бугун Қафада тарвуз сотиб келгансан, биламиз, тарвузларнинг пулини бер, бермасанг, хотининг билан болангни ҳеч қачон кўрмайсан!

Улар Юсуфнинг онасига ёпишдилар. Онаси жон ҳолатда бақирди. Юсуф ҳам бақирди. Отаси ётган еридан:

— Сиз қидирган пуллар анови чакмоннинг чўнтагида, — деди.

Ўғрилар қозикда осийлиқ турган чакмонни қўлларига олган маҳалда ҳовлида Аустерлиц бобонинг гуриллаган овози эшитилди:

— Жамоат! Улар, бу ёқда! Бу ёққа келинглар! Саитвахоб! Сен одамларинг билан тезроқ Тезан девори орқасига ўт! Ғаффор! Сизлар чўл томондан келинглар! — Уқ овози эшитилди. — Милтиқлар, тўппончалар отилмасин! Қуроолларни шайлаб туринг, тутамиз!

Яна милтиқ гумбурлади. Ўғрилар турган ерида қотиб қолишди. Ташқаридан яна Аустерлиц бобонинг ҳайбатли овози эшитилди:

— Милтиқларни ҳозирланг! — Уй ўнгидан кимдир бақириб-чақириб чопиб ўтди, узоқдан дукурлаш эшитилди. — Уларнинг отлари оғилхона орқасида экан, ўзлари эса ҳозир ичкаридалар!

Ўғрилар жон ҳолатда ташқарига чопиб чиқишди ва дуч келган томонга тўппончаларидан ўқ узиб, оғилхона томонга чопиб кетишди.

— Тўхта! — деб қичқирди бояги овоз ва ўқ узилди.

— Тўхта!

Нариги томондан от туёқларининг овози эшитилди, сўнгра ҳаммаёқ жимиб қолди. Бироздан кейин кўлига милтиқ ушлаган Аустерлиц бобо пайдо бўлди.

— Аҳволинг қалай? — деб сўради у Юсуфнинг онасидан. — Бирон кори ҳол бўлмадимми?

— Ботирнинг чакмонини, унинг тарвуз сотиб келтирган пулларини олиб кетишди, — деди у йиғламсираб. — Ботирга бир нарса бўлди: ўрнидан туролмаяпти.

— Зарари йўқ, бошингиз омон бўлсин, — деди бобо ва эшик ёнидаги курсига ўтирди, милтиғини кўндаланг қилиб тиззалари устига қўйди.

— Саитобло оға, ташқарида одамлар борми? — деб сўради Юсуфнинг онаси.

— Қандай одамлар? — Аустерлиц бобо ўрнидан отилиб турди ва милтиғини ҳовлига тўғрилади.

— Боя ўзингиз бировларни чақирдингиз-ку?!

— Э, — бобо кўлини силкиб, яна курсига ўтирди. — У ёқда ҳеч ким йўқ. Ҳамма ўз уйида. Мен уларни қўрқитмоқ учун ана шундай бир-икки қичқирдим, бир-икки ўқ отдим.

Бу одамнинг асли исми Саитобла. Аммо қишлоқда уни ҳамма Аустерлиц дер эди. Юсуф бу одамнинг ҳақиқий отини биринчи марта онасидан эшитди. Кейинроқ эса Саитобла оға Австрия жангида иштирок этгани, яралангани ва қандайдир мукофот олгани учун ҳамқишлоқлари унга бу лақабни қўйганлигини билиб олди.

Юсуфнинг онаси отасидан кейин ўн ойгина яшади. Улар қишлоқма-қишлоқ юриб тиланчилик қилдилар. Ҳамма ерда очлик. Ейиш мумкин бўлган бир нарса берилиши билан онаси уни Юсуфнинг оғзига тикади. Кечалари далада, пичан ғарамлари устида, совуқ тушганда эса, бировларнинг пичанхоналарида тунадилар. Онаси кечалари Юсуфни туртиб-силкиб уйғотар ва ундан сас чиқмагунча «Юсуф! Юсуф!» деб қаттиқ-қаттиқ қичқиради эди. Юсуф «Нима?» дегандан кейин чуқур хўрсинар ва «Ҳеч нарса, ухлайвер», дер эди. Уйларда эканда онаси Юсуфни кечалари уйғотмас эди. Уйдан кетгандан бери ҳар кеча уни шундай уйғотади, то Юсуфнинг овози чиқмагунча йиғлагудек бўлиб қичқираверади. Бир кеча онаси уни уйғотмади. Тонгга яқин Юсуф уйғонганда онаси ҳамон ухламоқда эди. Аммо Юсуф онасига қараши биланоқ «Она!» деб қичқириб юборди, ундан сас-садо чиқмагандан кейин «Она-а!» деб қичқирганча, уни туртиб-силтай бошлади. Юсуф онасининг сира турмаслигини англаса-да, бор овози билан унга қараб бақира берди.

Қишлоқ четидаги хароба сарой ичидан эшителиётган бола фарёди одамларнинг диққатини жалб этди. Фарёдни эшитиб келган одамлар даҳшатли, аммо ўша йилларда кўп учраб турадиган манзаранга кўрдилар. Бола аллақачон ўлиб, совуб қолган онасини уйғотмоқчи бўлиб фарёд чекмоқда эди. Нима қилсин, бола-да.

Онасини шу қишлоқнинг мазорига дафн этдилар. Юсуф бир неча кун аравакаш Баттол аканинг уйида яшади. Кечалари кўзига уйқу келмас, қўрқар эди. Онасини ўйларди. Хаёлида онаси тирилиб келгандай туюлар, аввалгидек Юсуфни қучоқлаб ўпар, кулар, эркалар ва яна ғойиб бўлиб кетар эди.

Баттол оға бир кунни уни аравакаш миндириб катта шаҳардаги болалар уйига олиб борди. Хайрлашар экан: «Мендан рози бўл, ўғлим, сени олиб қолишга иложим йўқ. Бу ерда, ҳеч бўлмаганда, очликдан ўлмайсан, — деди. — Онанг кўмилган қишлоқнинг оти Ёвқочди. Узинг кўргангидек, қишлоқ мазорининг чекка томонига, менинг онаминг ёнига қўйилган. Улғайсанг, онангни унутма. Хайр, саломат бўл».

Юсуф болалар уйда катта бўлди. Онасининг, отасининг мозорини кўп марталаб зиёрат этди. Онасининг қабри ёнида ўтириб, ундан такрор-такрор узр сўради. «Мени кечир, онажоним» деб йиғлади. Ҳар сафар унинг мозорига борганда, салом беради, ўз ишларидан сўзлайди, йиғлаб кўнглини бўшатади. Қайтаётиб хайрлашиб кетади ва яна келишга ваъда беради. Мана, энди уйланиш тараддудида. Аввал онасининг қабрига бориб, унинг розилигини олади, кейин отасининг розилигини олади. Албатта, улар қувонадилар. Ўғилларнинг очликдан ўлмаганини, улғайганини, энди уйланаётганини эшитиб, жуда қувонадилар. Бориши шарт.

Юсуф бошини ўннга-чапга силкитди. Оёқлари остида қор ғижирлайди. Атроф қоронғилашмоқда. У қаёққа кетяпти? Албатта, уйга. Аммо уйи қайси тарафда? Юсуф ўзи яшаган уйдан анча ўтиб кетибди. Начора, орқага қайтди.

Кечаси хона ичи совуқ эди. Юсуф кўрпа устидан пальтосини ҳам ёпди. Бирор нарсани ўйлаб ётиш керак. Шунда тез ухлаб қолади. Рухи далда бериш учун Азиза ҳақида ўйлашга қарор қилди. Сафар оға киришгандан кейин масала икки-уч кун ичида ҳал бўлади. Бундан сўн у Ёвқочдига, Бешқуртқага бориб келади. Ҳам ота-онасининг розилигини олади, ҳам танишларини тўйга чақиради.

Юсуф Азиза билан тўйдан кейинги ҳаётини тасаввур қила-қила ухлаб қолди. Тушида у Мусаммининг уйда эмиш. Мусамма унга ташланиб, устидаги кийимларини юлқиб ечиб олмоқда эди. Юсуф эса сирғалиб қочади, Мусамма қувлаб етиб, яна унинг кўйлагини тортиб олишга уринади. Юсуф қочиб юриб, эшикка бориб урилади, аммо у қулф экан. Орқасига бурилиб, уй ўртасига қараб қочади. Бўйи ниҳоятда узайиб кетган, кўзлари олов пуркаётган Мусамма қиёфасидаги кампир узун панжаларини узатиб, уни тутайди, тутган еридан қўйлақларини узиб олади. Уйнинг ичидан тепага кетган зиналар бор экан. Юсуф жон ҳолатда зиналардан юқорига кўтарила бошлади. Зина тамом бўлган ерда, кичик майдончада Азиза ётар эди. Унинг белидан пасти йўқ, кесиб ташланган. Қўлларига тиралавериб, бошини зўрға кўтарди ва Юсуфга боқиб: «Юсуф бола, ёрдам бер», деди. Юсуф пастга қаради, у ерда кампир узун тирноқли панжаларини ёзиб, тишларини ақчайтириб, оташ каби ёнаётган сариқ кўзларини унга тикиб турар эди. «Модомики, Азиза ўлаяпти, энди кўрқишга ҳожат йўқ», деб ўйлади Юсуф ва пастдаги хотинга ҳужум қилди: унга ўхшаб кўлларини ёйиб, тишларини ақчайтириб, даҳшатли овозда қичқирди ва шердек пастга ташланди. Етай деганда сирғаниб йиқилди. Боши билан зинанинг энг охириги поғонасига урилди... ва уйғониб кетди. Вудужи терлаб, жиққа сувга айланган. Бошининг «урилган» ери лўқиллаб оғримокда эди. Узи эса дир-дир қалтирайди. Уридан турди, даҳлизга чиқиб, чўмичда сув олиб ичди. Тонг ота бошлаган. Яна ётишга ҳожат йўқ. Яхшиси, вақтлроқ кўчага чиқиб бироз айланиш, бирон ошхонада нонушта қилиш керак.

Юсуф редакцияга келганда ҳали иш бошланмаган, одамлар эса кўринмас эди. Қоровулдан калитни олиб, ўз хонасига кирди. Пальтосини ечиб, қозиққа осиб қўйди. Ўз пальтосини қозиққа ёлғиз осилиб турганини кўриб кулимсиради. Агар йўлда тиланчи дуч келганда, кеча кўрган туши учун садақа бермоқчи эди. Аммо дуч келмади. «Ҳозирги вақтда тиланчи топмоқ ҳам осон эмас. Ҳар ҳолда садақа берсам яхши бўлар эди. Қоровул чолга берса-чи? Дили оғрийди. Қани, аввал бир гаплага кўрай-чи», — деб ўйлади Юсуф. Чол қоровулхонада, кичкина тунука печка ёнида ўтирарди. Печка устида чезве қайнар, кичик хона ёқимли қаҳва исига тўлиб қолган эди.

— Кел, Юсуф бола, — деди қоровул чол. — Сен ишга ҳаммадан аввал келасан. Бу яхши, демак, ишингни севасан. Аммо ҳаммадан кейин қайтасан — бу яхши эмас, демак, уйингга ошиқмайсан, бўйдоқсан. Уйингда аёлинг кутса — физиллаб қолар эдинг-а... Ҳар тугул, сени анови дилбар қиз билан айланишга дейишга тўғрими?... Э, сен ўтир, ўтир. Энди бирга қаҳва ичамиз. Қаҳва — дори. Юзинг шишипти, рангинг сўлғин, кеча оқшом ичганга ўхшайсан? Э, сизлар шу. Усмоннинг шаробини татиб қолдиларингиз, энди оёғингизни у ердан узолмайсизлар. Эй, ёшлик! Ёшлик — бебошлик, йўқ кечирасан, сизлар бебош эмассизлар, аммо яшашни, соғлиғингизни асрашни билмайсизлар...

Қоровул чол ўзи гапирарди, ўзи сўрайди-да, яна ўзи жавоб қайтарди. Шундай бўлгани ҳам яхши. Ҳозир у гапиришдан кўра тинглашни хоҳлайди. Қария узатган қаҳва тўла катта финжонни қўлига олди. Танга мадор бағишлайдиган иссиқ қаҳвани хўлаб, чолнинг гапларини эшитиб ўтирди.

— Бизнинг замонамизда, яъни биз ёш бўлганимизда, — деб сўзини давом эттирди қария ва қўлидаги финжон ичига қанд солди. — Сен ҳам сол, э, сизларнинг тишларингиз бор, қандни оз-оз тишлаб ичилган қаҳванинг лаззати бошқача бўлади. Менда эса тиш қолмади, мана энди қандни қаҳванинг ичига ташлаб ичаман... Айтмоқчи бўлганим, биз ёш пайтимизда арақ ичиш гуноҳ ҳисобланар эди. Одамлар ичмас эдилар. Бир пайт бизнинг қишлоқда — Тошли дайирда — умуман, шу атрофларда ғалати грип тарқалди, безгак деса ҳам бўлади. Хастанинг иссиғи кўтарилади, ўзи эса совуқдан дир-дир қалтирайди. Ана шу безгак бизнинг уйга ҳам келди. Отам хастанди. Узи заифгина одам эди, худо раҳмат қилсин, ётган ери жаннатда бўлсин, иситма тутиши билан бут-

<sup>1</sup>Чезве — қаҳва қайнатиладиган идиш.

кул мадордан қолди. У маҳалда доктор топиш қийин, аммо пойтахтдан катта доктор келиб, безгак билан оғриган одамлар арақ ичиши керак депти, деган гап тарқалган эди. Биз ҳам буни эшитдик. Дўконда арақ бор, онам, худо раҳмат қилсин, ётган ери жаннат бўлсин ғарибнинг, чопиб бориб дўкондан бир шиша арақ келтирди. Шишанинг оғзини очдик, аммо отам зинҳор оғзини очмади. Қанчалик ялинсак-да, очмади. Онам йиғлай бошлади, унга қўшилиб бизлар, болалар ҳам йиғладик, ёлбордик, аммо отам оғзини очмади. Тоғам келди, кенг яғринли, салобатли одам, уни Қобил полвон дер эдилар, у вақтларда курашиш учун тўйларга борар ва борган еридан соврин олмай қайтмас эди. Ана шу Қобил тоғам отамга арақни зўрлаб ичиришга уринди. Қўллари билан унинг оғзини йириб очмоқчи бўлди. Ишонасанми, у ҳам оча олмади. Отам тишларини шундай сиққандики, унинг оғзини очадиган куч дунёда йўқ эди. Бечора, мумдек сарғайиб сўлди-қолди ва охири яратганга омонатини топширди. Ана шундай, ўғлим, арақ албатта зарар, аммо ичиш зарур бўлиб қолганда — ичиш мумкин, бошқа ҳолларда эса, худо сақласин, ҳар жиҳатдан зарар, ҳаттоки заҳардан ёмон. Сибирликлар, ёшлар уйланганда, биласанми нима қилар эканлар? Дарвоқе, сен буни қаердан билардинг?! Мана, тингла, улар тўйга тўёна сифатида олтин томир олиб келишар эканлар. Ажабланма, у ёқда олтин томир деган ўсимлик ўсади. Шу ўсимликнинг илдизи сувда қайнатиб ичилса, инсон вужудидаги бутун хасталикларга даво бўлар экан. Узи жуда сийрак учрайдиган ўсимлик экан.

Юсуф қария ҳикоясини тугатди деб ўйлаб, қўлидаги бўш финжонни стол устига қўйди ва ташаккур билдириб, ўрнидан турди. Чол ҳам қаҳвасини ичиб битирди. Юсуфга қараб:

— Умринг узун бўлсин, ўғлим, — деди. Аммо ҳикоясини ҳали битирмаган экан: — Сен гапимни эшит, — деб Юсуфни яна жойига ўтказди. — Шошилма. Менинг сенга айтадиган гапларимни унча-мунча одам айта олмайди. Яхшилаб тингла ва доимо эсингда тут. Сибирлилар уйланиш арафасида ва тўйдан кейин умуман спиртли ичимлик ичмайдилар. Тушундингми? На тўйдан аввал, на тўйда ва на тўйдан кейин. Нима учун? Бу эскидан қолган одат. Чунки улар туғиладиган авлод учун аввал бошдан қайғурадилар. Чунки арақ ва бошқа бош айлантирадиган ичимликлар инсоннинг қонини бузади. Бу бузуқлик туғиладиган болага ҳам кўчади ва натижада бола ё лат еб туғилади, ёки хасталикдан боши чиқмайди. Сени анави дилбар қизга, отини унутдим, нима бўлсаям майли, уйланармиш деган узун қулоқ гаплар юради. Жуда яхши. Оллоҳ муҳаббат ва бахт берсин. Болаларингиз кўп бўлсин! Омин! Аммо арақ ичма, ҳеч бўлмаса, аёлинг юкли бўлгунча ичма, сўнг ҳар замонда Усмон оғанинг дўконига кириб-чиқиб турсанг бўлади. Дуруст, шу вақтда Эбазер оғани ҳам унутиб қўйма. Бундан кейин менга шаробнинг зарари тегмайди. Мен энди уйланмайман. — Қария тишсиз оғзини очиб кулди. — Энди ишингга бор. Анави дилбаринг ҳам келгандир. Сен уни қўлдан чиқарма. Бундақаси кам учрайди. Ҳам чиройли бўлсин, ҳам ақлли, фаросатли, одобли, ўқимишли бўлсин. Бундақаси, валлоҳ, кам учрайди. Энди бор, гап билан бошингни айлантириб юбордим. Омад ёр бўлсин. Ўтган-кетганда кириб тур. Мен сенга тағин кўп нарсаларни айтиб бераман.

Юсуф қарияга такрор ташаккур билдириб, қоровул хонасидан чиқди. Кўкда қуёш чарақлайди. Томлардан, тераклардан томчилар оқади. Баҳор ўз ҳақи учун кураш бошлади. Демак, тез орада бутун атроф яшилга бурканади. Юсуфнинг кўнгли очилди. Енгил одимлар билан ҳовлидан ўтиб, иккинчи қаватга кўтарилди. Йўлак бўйлаб кетар экан, ўзи учун қадрдон бўлиб қолган одамларнинг товушларини эшитди. Машинака бюросида машинакалар чиқиллайди. Бу ҳам қадрдон товуш.

Азиза ўз столи устида эгилган ҳолда нималарнидир ёзиб ўтирарди. Юсуф кириши билан бошини кўтариб, унга қаради. Аммо қадини кўтармади. Унинг тим қора кўзлари Юсуфга пастдан тикилиб турарди. Худди тушида кўргани сингари. Юсуф бирдан сесканди: Ичида қандайдир совуқлик пайдо бўлди. Вужуди титради.

— Сенга нима бўлди, Юсуф бола, бирдан рангинг ўчиб кетди? Тинчликми? — деди Азиза ва гавдасини тиклаб, унга одатдаги назар билан қаради.

«Унга қандайдир таҳлика яқинлашиб келмоқда. Бу таҳликанинг олдини олмоқ учун нимадир қилишим керак. Иложи борица ҳаракат қилишим керак», деб ўйлади Юсуф.

— Азиза, кел, турмуш қурайлик, иложи борица тез тўй қилайлик. Мен арақ ичмайман. Сени доим яхши кўраман. Болаларимиз соғлом бўлишади. Сибирдан олтин томир олдиртирамиз...

Юсуф бирдан дудуқланди.

— Аввал бошдан, салом, — деди Азиза, — Иккинчидан, сен жуда ҳаяжондасан, бошинг ҳам ферлаб кетди. Тўй масаласига келсак... Сафар Бахтиёрович сенинг ташвишингда юрипти. Менинг отамга бир нималар айтганга ўхшайди, тунов оқшом уйимизда сенинг ҳақингда кўп гап бўлди. Сени жуда кўп афзалликларинг бор экан, эшитиб оғзийм очилиб қолди. Узинг ҳам ҳайрон қолган бўлардинг... — Азиза ҳам тутилиб қолди. Чунки шу аснода эшик орқасида тез-тез юриб кетаётган одамнинг оёқ товушлари эшитилди. Иккиси ҳам жим қолишди.

Азиза Юсуфга доим «Калинг терлади» дер эди. Бу сафар «бошинг терлади» деди. Бу ибора илиқликдан далолат деб ўйлади Юсуф ва Азизага севги, марҳамат тўла нигоҳ билан боқди. Эшик очилди.

— Салом, — деди Сафар Бахтиёрович. Бугун унинг кўриниши яхши, ёноқларида қувноқ кулги ифодаси сезилиб турар эди. — Юсуф бола, олдимга киргин...

— Доим Юсуф болани чақира берасиз, икковлашиб нимани гаплашасизлар-а? — деб кулимсиради Азиза.

— Бу эркакларнинг гапи, — дея жилмайди Сафар Бахтиёрович. — Сендан бекитадиган сиримиз йўқ. Сенга ҳам айтамыз.

— Яхши, мен кутаман, — деди Азиза. Унинг ёноқлари бирданига қизарди. Назарини стол устидаги қоғозларга қаратди.

— Ҳамма иш жойида, — деди Сафар Бахтиёрович ўз хонасига киргандан сўнг. — Азизанинг отаси Олимни мен ўнинчи йиллардан бери биламан. Дилкаш, доно одам. Биз у билан кўп чебурек<sup>1</sup> еганмиз... Демокчиманки, мен унга масалани тушунтирдим. Жуда қувонди. «Уйдагиларни ўзим кўндираман. У йигитни бизникилар гоҳо-гоҳо гап орасида тилга олишарди. Бир кундан кейин совчи юборсин. Унгача ҳамма ишни пишитиб қўямиз», деди.

Юсуф қаршида турган одамни кучоқлаб ўпгиси, унга осилиб йиғлагиси келди. Аммо миннатдорчилик сўзлари ўрнига бутунлай бошқа сўзларни айтди.

— Сафар оға, мен совчи қилиб кимни юбораман?

Сафар Бахтиёрович яйраб кулди.

— Албатта, мен буни ҳам ўйлаб қўйганман, — деди маннун овозда. — Совчиликка мендан кўра яхши одамни топа олмайсан. Эски дўстлардан бири, яъни Эбазер оғани оламиз ва бугун оқшом совчиликка борамиз. Хотиржам бўл, ҳамма иш жойида бўлади. Тўйни ҳам ҳаммамиз биргаликда ўтказамиз.

Эшик орқасидан яна тез-тез юриб кетаётган одамнинг оёқ товушлари эшитилди. Юсуф сергакланиб эшикка қаради.

— Шундай оёқ товушларини эшик орқасидан мен тез-тез эшитаман, — деди Сафар Бахтиёрович. — Ким бўлди экан? Ва нима учун келгандан кейин кирмасдан, эшик ёнидан қайтади?

Юсуф «билмайман» деган маънода елкаларини қисди.

— Одимлари тез, демак, тез-тез юради. Аёл киши бўлса керак. Эркаклар бундай юрмадилар. Майли, сен бор, тайёргарлигингни кўравер. Эртага масалани ҳал қиламиз. Бир ҳафтадан кейин тўйни ўтказамиз.

— Сафар Бахтиёрович, — деди Юсуф, — мен тўйдан аввал Ёвқочди ва Бешқуртқа — Вақф қишлоқларига бориб келишим керак.

— Э, сен масаланинг моддий томони учун ташвиш чекма, ҳамма нарсани ўзимиз ташкил қиламиз, — деди Сафар Бахтиёрович. Сўнгра ўзгарган товушда сўради: — Балки бошқа ишларнинг бордир?

— Бу қишлоқларда менинг онам ва отам ётишипти, — деди Юсуф. — Уларнинг қабрларини зиёрат қилиб, рози-ризолик олиб келишни истайман.

Сафар Бахтиёрович Юсуфнинг онаси қандай вафот этганини эшитган эди.

— Албатта, шуни хоҳласанг, бориб кел. Аммо тўйга бировлардан қарзга пул олма. Кераги йўқ. Ҳамма нарсанинг чораси топилади, — деди.

Юсуф қувонганидан шошиб, довдираб қолди. Сафар Бахтиёровичнинг ёнидан чопиб чиққанини ўзи ҳам сезмай қолди. Коридорда бир оз турди. Сўнгра ўз хонасига кирди.

— Қани, нималарни гаплашдинглар у ёқда? — деди Азиза сохта жиддийлик билан. — Қандай эркакча гап экан, у, айт-чи, эштайин.

— Азиза, — деди Юсуф, — сен менга ҳозир бир сўз айта оласанми? У сўз менга ҳозир жуда зарур...

— Айтаман.

— Айт.

— Айтганим бўлсин.

— Айт, жонгинам.

— Мен сени севаман, севаман...

Улар бир-бирларини кучдилар. Юсуфнинг вужудини унга шу сониягача таниш бўлмаган сархушлантирувчи ҳаяжон қоплаб олди. Лабларини Азизанинг лабларига тегизди. Бу онда уларнинг оташ вужудлари гўё бирлашди. Улар замонни ва заминни унутдилар. Ҳамма нарсани унутиб, шу ҳолда анча вақт туриб қолдилар. Эшик орқасидан тез-тез юриб кетаётган одамнинг оёқ товуши яна эшитилди. Кетаётган одам бир неча марта қоқинди. Сўнгра йўлакнинг нариги бошидаги хоналардан бирининг эшиги ғийқиллаб очилди ва тарақлаб ёпилди.

Юсуф билан Азиза турган ерида қотиб қолдилар. Бу одимларнинг эгаси ким

<sup>1</sup> Сомсанинг бир тури.

эканини ҳам, қайси хонанинг эшиги бунақа ғийқиллаб очилиб-ёпилганини ҳам улар яхши билишарди. Аммо бунини бир-бирларига сездиришни хоҳламадилар.

Улар — Юсуф ва Азиза ярим кун бахтли бўлдилар. Ҳа, ярим кун. Баҳор ер юзида ўз ҳукмини ўтказиш учун кураш бошлаган қуёшли куннинг биринчи ярмисигина уларга кулиб боқди, иккинчи ярмиси эса қора булутлар билан қопланди.

Юсуф билан Азиза тушки овқатга бирга чиқдилар. Энди доимо бирга бўладилар. Доимо. Улар қоровул хонаси ёнидан ўтаётганларида Эбазер амаки пайдо бўлди.

— Ассалому алайкум, дилбар қизим, — деди Азизага қараб. Қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди. — Сенинг ҳамроҳинг билан биз эрталаб саломлашгандик, шунинг учун ҳозир фақат сен билан саломлашяпман. Йўлингиз доимо очиқ бўлсин, олло марҳаматини сизлардан дариг тутмасин, омин! — қария қўлларини очиб, оҳиста юзини силади. Ҳаяжонланганидан шошиб қолган Юсуф ҳам қўллари билан юзини силади. Орқа тарафдан тасир-тусур оёқ товушлари эшитилди. Уларнинг ёнидан қовоғи солиқ Мусамма тез-тез юриб ўтиб кетди.

Ҳамма гап тушликдан кейин бошланди. Улар овқатдан қайтиб келаётганда боя уларга бу қадар яхши тилаклар билдирган қарияга Юсуф нимадир айтиб ўтиш учун унинг қаршисида тўхтади. Аммо қарияга қараши биланоқ тили тутилди. Унинг юзида шу қадар изтироб, шу қадар алам бор эдики, Юсуф ғайрихатиёрий тарзда:

— Эбазер амаки, тинчликми? — деди.

— Иншоолло, тинчликдир, болаларим, — деди қария тушкун товуш билан. — Сизларни Сафар оғангиз йўқлапти. Боринглар. — Ўзи шу қадар чуқур хўрсиндики, ичидан нафас билан бирга инграганга ўхшаган бир нидо ҳам чиқди.

Юсуф билан Азиза тепага югурдилар. Сафар Бахтиёрович овозининг борича телефон трубкасига қичқирмоқда эди:

— Алло, Союзпечать, эшитяпсизми, бугунги газета тарқатилдими? Эй-эй, ҳаммаса тарқатилдими? — У трубкани тарс этиб қўйди. Қаршисида турган Азиза билан Юсуфга қараб, ҳаяжонли товуш билан: — Фалокат, бунини кимга айтиб, кимга тушунтирасан энди? — деди, сўнгра ўзини қўлга олди. — Сизлар ташвишланманглар. Мен обкомга бориб гаплашиб кўраман, балки ўтиб кетар. Энг муҳими, шов-шув кўтарманглар. — Бу сўзларни айтаётиб, ёнидан дастўмолини олиб, юзини артди.

— Нима бўлди, Сафар Бахтиёрович? — деди Азиза.

— Э, дарвоқе, сизларнинг ҳали ҳеч гапдан хабарингиз йўқ. Мана, ўқинглар, — деди ва столнинг улар яқин турган чеккасига бугунги газетани ташлади.

Газетада йирик қора ҳизрлар билан терилган бош мақоладаги бир неча сатрнинг таги қизил қалам билан чизилган. Азиза овоз чиқариб ўқиди: «Мамлакатимиз халқларининг сталинча дўстлиги кундан-кунга... — У бирдан қичқириб юборди. Титраган товуш билан: — Бу ерда бир сатр тушиб қолган... Бу ерда «мустаҳкамланмоқда» деган сўз бор эди. «Чекинмоқда» деган сўз «дўстлик душманлари эса» деган сатрдан кейин келиши керак эди. У сатр тушиб қолган. Вой, ўлмасам, бу нимаси бўлди? Балки босилаётган вақтда тушгандир? Ҳозиргидай ёдимда, бу сатрни яхши эслаيمان.

— Қани, босмахонага телефон қилайлик, — дея Сафар Бахтиёрович телефон дастагини шиддат билан кўтарди.

— Алло, босмахона беришлар... Балки саҳифани ҳали тарқатишмагандир... Алло, босмахонами? Область газетасининг кечаги саҳифаси тарқатилмадими? Йўқ! Тарқатмай туришлар. Биз ҳозир борамиз. Ҳа, мен Бахтиёров бўламан.

Улар учовлашиб редакциянинг машинасига миниб, босмахонага кетишди. Йўлда Юсуф бу боришнинг фойдасизлигини ҳис қилди. Агар у сатр газета босилаётган вақтда тушган бўлса, ўрни бўш турар эди. Газетада эса у сатрнинг ўрни билинмайди. Аммо индамади. Худо билади, балки сатрлар қўшилиб кетгандир? Матбаачи уларнинг ораларини кейин жипслаштиргандир? Улар терлаб-пишиб босмахонага келдилар. Қўрғошин саҳифалар боғланган ҳолда турибди, бояги сатр эса бу ерда ҳам йўқ. Юсуф бош мақола терилган жойдаги сатрларни қўли билан сийпалаб кўрди. Сатрлар ораси зич.

— Кеча кечкурун бу саҳифада биронта тузатиш бўлмадими? — деб сўради Сафар Бахтиёрович матбаачилардан.

— Йўқ, — деди улардан бири. — Саҳифалар қандай бўлса, шундай босдик.

— Мана бу ерда бир сатр тушиб қолипти.

— Агар босиш вақтида тушса, технолог уни сезар эди. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, агар бирон ердан сатр тушса, уни машина дарров билади, қоғозни чайнаб ташлайди.

— Фалати ҳол, — деди Юсуф, — у тақдирда бу сатрдан бўшаган жой қаерга кетти? Унинг ўрни бу ерда йўқ, — сатрлар ораси сиқиштирилган.

— Газетанинг навбатчи имзолаган нусхасида бу сатр борми? — деб сўради яна шу ишчи. У матбаачиларнинг каттаси бўлса керак, бошқалари сукут сақлаб туришар эдилар. — Агар у нусхада бор бўлса, демак айб бизда.

У сатр газетанинг навбатчи имзолаган нусхасида ҳам йўқ эди.

— Саҳифада бор эди. Мен редакцияда ўтириб ўқиган саҳифаларда у сатр бор эди! — деб қичқирди Азиза.

— Биласизми, газетанинг ҳар бир саҳифасига босмаҳона учун редактор имзо қўяди. Мен кеча кечқурун имзолаган саҳифаларни келтиринг, — деди Сафар Бахтиёрович.

Ишчилардан бири бориб, муҳаррир имзолаган саҳифаларни келтирди. У билан бирга кўриниши бесаранжом ёш йигит ҳам келди. Сафар оға билан қўл узатиб кўришди. У цех бошлиғи экан.

— Сафар оға, бирон гап бўлдимиз? — деб сўради цех бошлиғи.

Сафар оға «ҳозир» деди-ю, тунги саҳифалардан бирини олиб кўрди.

— Бу ерда у сатр бор! — деди баланд товуш билан. — Нима учун сизда йўқ? Қаёққа кетди?

Ҳаммада ҳаяжон ва хавотир сезилди. Чунки ости чизилган сатр ташлаб ўқилганда қандай маъно чиққанини ҳар ким англаб етган эди.

— Бу ёққа кеча кечқурун ким келди? — деб сўради Сафар Бахтиёрович ишчиларга қараб.

— Бу ёққа ҳамма келади. Бири теришга материал келтиради, бошқаси тузатилган саҳифани олиб кетади, яна бириси ўқилганларини қайтариб келтиради. Редакция ходимлари ўз ҳужжатлари билан босмаҳонага бемалол кириб чиқишади, — деди цех бошлиғи.

— Кечқурун ким келган эди, деб сўраяпман сизлардан?! Кўраяпсизки, у сатр мен имзолагандан сўнг ғойиб бўлган. Мен эса соат ўн тўққиздан йигирма беш дақиқа ўтганда имзолаганман. У сатр шундан кейин ғойиб бўлган. Тушундингизми? — Сафар Бахтиёровичнинг дўриллаган овози одамларни шошилтириб қўйди.

— Ходимларингиздан бири бир марта келиб кетди. Оқшомда ҳам бу ерда қолган эди, — деди матбаачилардан бири.

— Қайси ходим?

— Отини билмайман.

— Ташқи кўринишини таърифланг, — деди Сафар Бахтиёрович.

— Новчароқ, қовоғи солиқ аёл. Ҳеч кимга қарамайди, ҳеч ким билан саломлашмайди... Доим ерга қараб юради.

— У саҳифанинг ёнига келдимиз?

— Билмадим. Кўрмадим.

Одатда редактор қўл қўйгандан кейин саҳифа ёпилади ва унинг ёнига матбаатчилардан бўлак кимса бормайди. Ҳар ким ҳар хил фикр айта бошлади. Матбаачилар сатр тушиб қолганлигини инкор қилмадилар. Шундай ҳодисалар ҳам бўлар экан. Аммо ундай ҳолда саҳифа бўшаб қолади ва уни босиб бўлмайди. Бунинг учун босиш дастгоҳини тўхта-тиб, ё сатр ораларига шпон қўйилади ёки шу сатрнинг ўзини топиб, жойига ўрнатиш керак. Бу гал эса шундай ҳодиса рўй бермаган.

— Мураккаб вазият, — деди цех бошлиғи. — Қандайдир сабаб билан сатр тушиб қолди дейлик. Таъб этувчи буни сезмади ҳам дейлик. Бу ҳолда, у сатрнинг ўрни қаерда? У ер ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди-ку!

Сафар Бахтиёрович бир нарса демоқчи бўлиб оғзини очган эди, цехнинг нариги бошига кўзи тушиб, жим қолди. Ҳарбий фуражка ва чарм пальто кийган икки одам оддий кийимли бир киши дадил қадамлар билан бу ёққа келмоқда эди. Сафар Бахтиёрович оғзи очиқ ҳолда уларга қараб тураверди. Ҳамма келаётганларга қаради.

— Салом, ўртоқлар, — деди қумрол қалпоқли киши Сафар Бахтиёровичга қараб, — яхшимисиз, Сафар Бахтиёрович, — деди ва у билан қўл узатиб саломлашди. Бу одамнинг овози қуруқ, чеҳраси совуқ, яшил кўзлари шафқатсизлик билан боқар эди.

— Демак, музокара қиялпсиз, шундайми? Ҳолбуки ўзингиз яхши биласиз, бундай ишлар бундай жойларда муҳокама қилинмайди. — Юсуфга қараб: — Сиз ким бўласиз? — деб сўради.

— Юсуф Ботиров — редакциянинг бўлим мудирини, — деди Юсуф.

— Сиз-чи, — киши Азизага ўгирилди.

— Азиза Алимова — редакция ходими.

— Сиз ва сиз, — деди қумрол қалпоқли Сафар Бахтиёровичга ва Азизага ишора қилиб, — биз билан юринглар.

Уларнинг ҳаммаси кўчага чиқдилар. Қуёш ҳамон нур сочмоқда, ҳаво совуқ. Томлардан оққан сувлар узун тайёқчалар шаклида бўғотларда осилиб қолган. «Баҳорнинг биринчи кураши мағлубият билан тамом бўлди. Лекин эртага у яна кураш бошлайди. Индинига яна... Енгмагунча кураша беради. Ҳаёт шундай, курашдан ғалабагача давом этади», деб ўйлади Юсуф.

Кўчада уларни энгил машина кутиб турган экан. Сафар Бахтиёрович ва Азиза машинага чиқди. Юсуф ҳам чиқмоқчи эди, чарм пальтоли одамлардан бири уни итариб юборди ва машина эшигини қарсиллатиб ёпди. Юсуф ҳайрон кўзларини машинага тикиб турган орада, қаттиқ зарб билан ёпилган эшик яна қарсиллаб очилди, ундан Азиза чопиб тушди-да, Юсуфни кучди. Унинг ёноқларидан ўпди. «Мен сени жуда севаман, жуда сева-тушди-да, Юсуфни кучди. Унинг ёноқларидан ўпди. «Мен сени жуда севаман, жуда сева-толи одам Азизани шиддат билан судради, Юсуф унга қараб бир қадам ташлаган эди, оғ-зига урилган шапалоқдан қорга юмалаб тушди. У ўрнидан турганда машина анча узоқлаш-

ган, унинг эҳтиёт филдираги беркитилган қора орқасигина кўринмоқда эди. Юсуф учун еру кўк қоришиб кетди. Кеча билан кундуз бирлашди. Мияси ғувулар, қулоқлари шан-ғиллар, мадад сўраётган қандайдир товушлар эшитилаётгандай туюлар эди. Йиқилган ерида тушиб қолган қалпоғини ҳам сезмай юриб кетди...

Турфа чечакларга бурканиб баҳор келди. Аммо Юсуфнинг юрагига яқин кишилари Азиза ва Сафар Бахтиёрович қайтиб келмадилар. Кўп вақтгача улар тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса билмади. Ниҳоят, Сафар Бахтиёрович муҳаррир бўлган газетада «Душманнинг асл қиёфаси очилди» деган мақола босилди. Мақолада Сафар Бахтиёровичнинг яширин душман экани, баъзи ёшларни ўз йўлига оғдиргани ҳақида ёзилди. Ёш журналист Азиза Алимова унинг махфий топшириқларига мувофиқ давлат сиёсатини бузиб кўрсатувчи мақолалар ёзган экан. Мақола: «Душманлар жиноятларини тан олдилар ва муносиб жазоландилар», деган сўзлар билан тугарди.

Сафар Бахтиёрович кетгандан кейин редакцияда муҳит бутунлай ўзгарди. Ходимлар расмий тилда саломлашадиган ва расмий тилда сўзлашадиган бўлдилар. Ҳамма бир-бирига исми-шарифини айтиб мурожаат этади. Ҳеч ким кулмайди. Чунки кулганлардан бири — Шодия исмли курьер қизча жазоланди. Унинг ахлоқи умумий йиғилишда кўрилди. Янги редактор, қора китель, қора галифе шим, узун кўнжли қора этик, бошига эса ҳарбий бичимдаги қора шапка кийиб, ҳамиша қовоғини солиб юрадиган, узун бўйли, ориқ гавдали киши — Мурод Эминович йиғилишда Шодияни ўрнидан турғазиб қўйиб шундай деди:

— Испанияда жанг кетяпти, Грецияда жанг кетяпти, фашистлар Германияси Польшага бостириб кирди, сен эса шақиллаб-қақиллаб куласан. Нега куласан? Ёки бу ишлар сенга ёқадими?! Жавоб бер!

Энди ўн саккиз ёшга тўлган Шодиянинг ранги девор бўлиб кетди. У титраганча:

— Йўқ, ёқмайди, — деди.

— Ёқмаса, нимага кулиб юрасан?

— Энди сира кулмайман, — деди қизча.

— Албатта, энди кулмайсан! — деб ўшқирди янги редактор. — Сенга ўхшаганларни кулдиртириб қўймаймиз. Кўрамиз, сенинг бундай фожиалар қаршисида кулишинг учун қандай асосларинг бор эканини текширамаймиз! Балки уруғингда қулоқлар ёки бошқа душманлар бўлгандир?!

Муҳаррир Шодияга шиддатли кунлардаги ўринсиз ахлоқи учун қатъий ҳайфсан беришни таклиф қилди. Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Редакция ходимлари орасида Сафар Бахтиёрович ва Азиза кетиб, сирти ялтироқ янги муҳаррир келиши билан бошланган совуқлик шу воқеадан кейин янада кучайди. Ҳамма бир-бирига шубҳа билан қарайди, бир-бирига ўзининг тўғри одам эканини кўрсатишга тиришади. Улар сахнада қандайдир сўнги йўқ томошани ижро этаётган артистларга ўхшар эдилар. Юсуф ҳам ўзгарди. У камгап, индамас ва лоқайд бўлиб қолди. Биров билан иши йўқ, Биров билан гаплашмайди, саволларга гоҳо довдираб, гоҳо ўйчан ҳолда жавоб беради. Ё ишлайди, ё бир нуқтага боқиб индамай ўтиради... Атрофда бўлаётган воқеаларнинг унга алоқаси йўқдек. Бировлар унга ачиниш билан, бировлар эса ғаразли мамнунлик билан қарашади. Лекин ундайлари ҳам, бундайлари ҳам ўз муносабатларини очик билдирмайдилар. Янги муҳаррир Мурод Эминович унинг бу тушкунлигини сезмай қолмади. Йиғилишларда бир неча бор: «Собиқ редакторнинг собиқ ҳамтовоқлари ҳали ҳам ўзларига келолмай эсанкираб юришибди. Аммо эсларини йиғиб олиш пайти келди, бўлмаса ўзимиз йиғиштириб қўямиз!» деб таҳдид қилди. Бу гаплар кимга тегишли эканлигини ҳамма билса ҳам, ўзини билмаганга солди. Юсуф учун эса ўзи ҳақида айтилган гапларнинг ҳам, бошқалар ҳақида айтилган гапларнинг ҳам аҳамияти йўқ эди. Азизанинг ўрнига унинг бўлимига Мусаммани ўтказишди. Юсуф бола камгап бўлавергандан кейин, мажлисларда бўлим ишлари ҳақида унинг ўрнига Мусамма ҳисоб бера бошлади. Сўнгра Мусамма бўлим мудири, Юсуф эса унинг ходимига айланди. Улар столларини алмаштириб ўтирдилар. Мусамма Юсуф билан кўпол, ҳукмфармо овозда гаплашар, кези келганда қичқириб, ҳақорат қилар эди. Аммо Юсуфда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. У соқолини кам оладиган, эгнидаги кўйлаги ҳафталаб ювилмайдиган, ўйчан ва парвосиз қиёфада индамай ўтирадиган бўлди.

Мусамма ўз мавқеини, бу шароитда тутган ўрнини жуда яхши ҳис қиларди. У Юсуф ишлаган материалларни нари-бери тузатар, аччиқланиб, нафрат билан чизиб ташлар ва ҳеч тўхтамай: «Бу қандай иш? Бу қандай шармандалик! Эси жойида одам бундай нарсаларни ёзмайди», деб бидилларди. Сўзларида менсимаслик, ҳатто жирканиш сезиларди. Юсуф унинг гапларига парво қилмай ўтираверади. Мусамма эса адоий тамом бўлиб қичқиради, уришади, насиҳат қилади, ўргатишга уринади. Аммо Юсуф миқ этмайди. У бир неча марта Юсуфнинг ўзи таҳрир қилган ва тамоман қоралаб ташланган материалларини муҳаррирга, унинг муовинига ва ҳатто йўлакдан ўтиб кетаётган ходимларга ҳам кўрсатди. «Даҳшат, — деб тузатиш ва чизишлардан қоп-қора бўлиб кетган саҳифаларни кўз-кўз қилди. — Мен бундай ходим билан қандай ишлайман? Бутун вақтим у ишлаган материалларни тузатишга кетади. Менга бундай ходим керак эмас...»

Муҳаррир Мусамманинг ҳаяжонли сўзларига қулоқ солмагандек кўринди. «Яхши, мен у билан гаплашиб кўраман», деди. Аммо гаплашмади. У Юсуфга нисбатан жиддий чора кўришга тайёрланмоқда эди.

Муҳаррар муовини Юсуфни чақириб: «Юсуф бола, бир бало қилиб шу билан тил топиш. Ярашиб ол. Имкони бўлиши биланоқ сени бошқа бўлимга ўтказамиз. Бошида шундай қилмоқчи эдик, аммо Мусамманинг бўлимига ўтиб ишлашга талабгор топилмади. Узинг биласан, ҳозир бировни мажбур қилиб бўлмайди», деди.

Ўз вазифасини яхши адо этмаётгани учун Юсуфга маъмурият томонидан ҳайфсан берилди. Юсуф шундан кейин ҳам ўзгармади. Мусамманинг унга баланддан келиб қичқаришлари, янги муҳаррирнинг таҳдидли танбеҳлари, Юсуф болани яхши билган ходимларнинг куйиниб берган ўгитлари — ҳеч бири қор қилмади. Ниҳоят, Мурод Эминович «бундай ходимдан воз кечмоқ керак» деган қарорга келди. Бу қарор ҳеч кимни, ҳатто Юсуфнинг ўзини ҳам ажаблантирмади. Аммо бир одам бу қарорга қатъият билан, кутилмаган шиддат билан қарши чиқди. Бу одам Мусамманинг ўзи эди. У Юсуф Ботиров вазифасини бажара олмаётгани учун ишдан бўшатилиши ҳақидаги буйруқ ўқилиши биланоқ ўрнидан отилиб турди ва одатига кўра тез-тез гапира бошлади. Юсуфнинг тарламоқ ҳолини барча тафсилотлари билан шундай айтиб бердики, гўё у Юсуфни болалигидан бери билар, бутун умри бўйи унинг ёнида яшагандай эди.

— Йўқ, ўртоқлар, — деди Мусамма сўзининг охирида, — юз карра ва минг карра йўқ! Бизнинг жамиятимиз Юсуф Ботиров каби одамларнинг жамиятидир. Уларни ҳимоя қилиш, тарбиялаш, уларга ёрдам бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Юсуф Ботиров ўз вақтида истеъдодли журналист сифатида, янги ҳаётнинг жўшқин куйчиси сифатида танилди. Унинг энг яхши шеърлари мактаб дарсликларига киритилди, инқилобий руҳда ёзилган ажойиб шеърлари концертларда, радиода куйланмоқда. Ҳатто мактаб ёшигача бўлган муассасаларда тарбияланадиган на ўқишни, на ёзишни биладиган болалар ҳам Юсуфнинг шеърларини ёддан биладилар. Бундай одамни ижтимоий ҳаётдан четга суриб чиқаришга ҳеч кимсанинг ҳаққи йўқ!..

Ҳамма ҳайрон қолди. Мусамманинг нақ ярим соатга чўзилган нутқи соф ҳақиқат эди. У нутқини азбаройи шеър ўқийётган каби ҳеч тугилмай, тўхтаб қолмай, бутун тиниш белгилари ва оҳангларига риоя этган ҳолда кескин ва жасоратли товуш билан сўзлади. Ҳамма бир вақтлар «Юсуф бола» бўлган фаол журналистни, лирик шоирни, ориятли ўғлонни хотирлади. Мусамманинг чиқишидан кейин жонли мунозара бошланиб кетди. Индамай турганлар ҳам: «Тўғри, жуда тўғри гапирди», деб хитоб қилишга тушдилар. Мурод Эминовичнинг гангиб қолгани очик сезилди. Қўлида Юсуфни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ. Бутун коллектив эса қий-чув кўтариб, бу «ношуд» болани ёқламоқда.

— Яхши, ўртоқлар, — деди ниҳоят муҳаррир. Юзида жилмайишга ўхшаган ғалати ифода пайдо бўлди. Бу одам айтган сўзини қайтариб олмаслиги шундоқ кўриниб турарди. — Яхши. Мен Юсуф Ботировнинг шахсий фаолиятини ўрганиб чиққан эдим. Аммо ҳозир Мусамма Ғаффаровна айтган сўзларнинг ўндан бирини ҳам билмас эдим. Модомики, Юсуф Ботиров ёш бўлишига қарамасдан шунча хайрли ишларни амалга оширган экан, албатта, биз буларни ҳисобга олишимиз лозим. Мен уни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқни ҳаммангизни кўзингиз ўнгида сейфга қўяман. Уч ойдан кейин чиқараман. Шунда уни ё йиртиб ташлаш ёки кадрлар бўлимига расмий ҳужжат сифатида топшириш керак бўлади.

Муҳаррир тарақлатиб темир сандиқни очди ва қўлидаги қоғозни унинг ичига қўйди. Утирганларга боқиб:

— Ҳаммангизга рухсат. Мусамма Ғаффаровна, сизнинг, — деди.

Юсуф ўз хонасига кирди, бир вақтлар Азиза ўтирган ва унинг ўзининг жойига айланиб қолган стол ёнига келиб ўтирди. Бу столда Азизанинг руҳи яшайди, унинг ҳамма жойидан Азизанинг иси келади. Азизанинг қўли теккан стол Юсуф учун муқаддас эди. У ўтирган жойида қўлларини ёйиб, столни қучоқлади, юзини унинг совуқ тахтаси устига қўйди. Мусамма уни шу ҳолда кўрди. Кўриши биланоқ тушунди.

— Юсуф бола, нима қилаяпсан? — деди. — Сен нима қилаяпсан? Тур, бундай қилма. Ҳозир Мурод Эминович келади, уят бўлади, ёмон хаёлга бориб ўтирмасин тагин... Юсуф қимирламади. Мусамма эгилиб, столда унинг юзи тегиб турган жойга қаради. У ер ҳўл бўлиб қолган эди. Юсуф овоз чиқармасдан йиғламоқда эди. У анча вақтдан сўнг отилиб турди ва қачондир Мусамманинг плаши ёнига осилган плашини кийди. Эшик тутқичини ушлаган ҳолда орқага ўгирилиб:

— Менинг болалигимга, ёшлигимга тегиниш ҳуқуқини сенга ким берди?! — деди.

Бу бир вақтлардаги машҳур Юсуф боланинг овози эди. Мусамма бу бўлимга ўтгандан кейин икки йил ичида Юсуфнинг бундай овозини биринчи марта эшитди. Чопиб келиб унга ёпишди.

— Юсуф бола, тенги йўқ инсон, истайсанми, қўлларингни ўпайин... — деди ҳароратли товуш билан. — Нимани хоҳласанг, шунга қил! Истасанг ур, сўк, теп мени, мен шунга лойиқман! — у сирғалиб тушиб, тиз чўқди ва қисқичдек қўллари билан Юсуфнинг оёқларини қучоқлади.

— Юсуф бола, мен сени кетказмайман! Мен ўзгараман! Мана кўрасан, тамомила



бошқа одамга айланаман! Фақат сен кетма! Кетма, ёлвораман сенга! Мени севмасанг, севма, мен бунга лойиқ эмасман, аммо кетма... Бахтим учун курашмоққа ҳаққим йўқми менинг?!

Юсуф оёқларини қаттиқ силтади, Мусаммининг қўлларидан қутулиб, четга сурилди. Мусамма таянч нуқтасини йўқотиб қўйган каби бирдан «гурс» этиб юзтубан йиқилди. Юсуф унинг устидан ҳатлаб чиқиб кетди. Йўлакда ҳеч ким йўқ эди. Юсуф тез-тез юриб ташқарига чиқди. Ҳеч нарсани ўйлашни истамасди. Мияси ҳам, юраги ҳам бўм-бўш. Аммо қаёққа кетаётганини яхши билади. У ҳозир ҳарбий комиссариатга боради ва қўлига қақриқ қоғози олмагунча у ердан чиқмайди.

Барча иш Юсуф ўйлагандан кўра осон битди.

— Яхши, — деди ҳарбий комиссар, — ёшингиз тўғри келади. Индинга келинг. Чақирув қоғозини берамиз. Бир ҳафтадан кейин жўнатамиз. Аини вақтида келдингиз.

— Менга у қоғозни ҳозир беринг, — деди Юсуф қатъий товуш билан. — Акс ҳолда сизнинг хонангизда тунашимга тўғри келади.

Комиссар унга таажжубланиб қаради.

— Сиз шеър ёзасизми? — деб сўради.

— Ёзаман, — деди Юсуф.

— «Оқ кўзичоқ», «Ялангликда қуёнлар қўран тепишади»<sup>1</sup> — буларни сиз ёзганмисиз?

— Мен ёздим.

— Э, шундайми? Менинг набирам бу шеърларни ёддан билади, ҳатто мақомини келтириб куйлайди. Бувиси унга ўйинчоқ қуёнча тикиб берди. Қизчам у билан бирга ётиб туради, отини ҳам сизнинг қуёнингизга ўхшатиб, «Жасур қуёнча» деб қўйди. — Комиссар набирасини кўз олдига келтирган бўлса керак, мамнун жилмайди. — Уртоқ Ботиров, — деди у ниманидир эслаган каби, — юринг, бугун бизникига борайлик, меҳмон бўласиз. Ишингизни эса эртага битирамиз.

— Йўқ, — деди Юсуф.

— Сизнинг китобларингиз борми?

— Бор.

— Набирамга бир донасини совға қилмайсизми? А? Ичига отини ёзиб, набирамнинг оти Дилора. А? Болага эсдалик бўлар эди.

— Совға қиламан, — деди Юсуф. — Менинг икки китобим босилган. Иккаласидан ҳам биттадан ёзиб бераман. Лекин фақат ҳарбий хизматга чақирилганим ҳақидаги гувоҳномами ёзиб берганингиздан кейингина...

Комиссар оч яшил рангли қоғозга бир нарсалар ёзди, сўнгра муҳр босди. Уни Юсуфга берар экан:

— Романтика... Шоирлар ҳарбий ҳаёт романтикасига интилишади. Тушунарли. Давримизнинг ўзи шундай, романтикали давр, — деди.

Юсуф ҳарбий хизматга қақриқ қоғозини ушлаган ҳолда комиссарнинг хонасидан чиқаётганда унинг қўлида утиб турган сигаретга нигоҳи тушди. Ортига қайтиб, стол устида ётган қутичадан бир дона сигарет олди, шу ерда турган гугуртни ҳам олиб, тутатди. Ичига тутун кириши билан бўғилиб йўталди. Комиссарга қараб: «Кечирасиз», деди ва чиқиб кетди. У ҳаётида биринчи марта чекмоқда эди. Жуда аччиқ ва юракни беҳузур қилувчи нарса экан. Аммо бундан кейин албатта чекади.

Қуёш бошини уфққа қўйган. Осмоннинг фарб томони бутунлай қизариб кетган. Ҳаво илиқ. Яшил ёлли яшил от устида баҳор кезмоқда. Яшил япроқлар орасида яшил қушчалар учишади. Азизанинг ҳам яшил плаши ва рўмоли бор эди. Баҳор келганда яшил рангли кийим киярди. Азизанинг сўчларидан одамни сархушлантирадиган ёқимли бўй келар эди... Юсуф шу бўйни хотирига келтиришга уринди. Йўқ, хотирлай олмади. У сўнги икки йил ичида биринчи марта юрагида руҳий енгиллик ҳис этди. Ниҳоят, бу ерларни, бу одамларни тэрк этадиган кун ҳам келди. Кейинги пайтларда ягона истаги шу эди. Шунга ҳам эришмоқда. У ёғи нима бўлади, нима қўяди, уни қизиқтирмайди. Юраги бўм-бўш, дунё бўм-бўш, у эса вазнсизликда сузмоқда. Бирдан онасини эслади. Уйларига ўғрилар келган кеча ва тўшақда ётган отаси кўзига кўринди. Ҳарбий хизматга кетмасдан олдин уларни албатта зиёрат этиш керак, албатта.

Юсуфнинг қўлида ҳарбий хизматга чақирқ қоғозини кўргандан кейин Мурод Эминович уни шунга мувофиқ ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарди. Юсуф ҳеч ким билан хайрлашмади. Одамлар ҳатто сезмай қолдилар. Юсуф стол ғаладониди қалпоғи ва қўлқопи борлигини эслади. Аммо кириб олгиси келмади. Ҳарбийда унга қалпоқ ҳам, қўлқоп ҳам беришади. Фақат дарвоза ёнидан ўтаётганда Эбазер амакини кўриб тўхтади:

— Амаки, мен ҳарбий хизматга кетяпман. Агар Азиза келса, айтинг, мени кутсин, мен албатта қайтиб келаман. Яхши қолинг, — деди.

Қария:

— Яхши бор, ўғлим, айтаман, албатта айтаман, — деб қолди.

Эртаси куни Юсуф ўзининг икки шеър тўпламини олиб, ҳарбий комиссар ҳузурига

<sup>1</sup> Қўран тепмоқ — давра бўлиб, бир-бирининг елкасига қўл ташлаб ўйналадиган ўйин.

борди. Навбат кутиб турган одамларнинг ҳеч бирига парво қилмасдан тўппа-тўғри ичкари кирди. Комиссарнинг хонасида яна икки ҳарбий одам бор экан.

— Кечирасизлар, — деди ва комиссарнинг олдига китобларни қўйди. — Ичига ёзилган. Уч кундан кейин тайёр бўлиб келаман. — У шу сўзларни айтиб, бурилиб чиқиб кетди.

Энди мияси соат каби аниқ ишлай бошлади. Қиладиган ишларини пухта режалаб олди. Шу куни оқшом йўлга чиқди. Гоҳ машинада, гоҳ аравада, гоҳ яёв кетди. Кимсасиз чўл ичида тунади. Онасининг қабри ёнига етиб боргунча тўхтамади. Мана, онасини бағрига олган тупроқ. Мана, ўша сағана. Бу ерда онаси ётибди. Келмаганига анча бўлган эди. Онаси уни кута-кута толиққандир. «Салом, она, мен келдим, — деди Юсуф овозини чиқариб ва сағанани қучоқлади. — Кечир, балки бошқа кўриша олмасмиз. Мендан рози бўл. Мен узоқларга кетаман. Сен эса бу ерда қоласан. Сенга кўп яхшиликлар қилмоқчи эдим, ҳеч бири бўлмади. Кечир мени... Алвидо, онажоним».

Юсуф ўкириб-ўкириб йиғлади. Ичидан кўтарилиб келаётган исён каби бир куч бўзидан фиғон бўлиб отилиб чиқмоқда эди. У анча вақт йиғлаб ўтирди. Қабр усти кўз ёшларидан ҳўл бўлди. Энди фиғон чекишга мадори қолмади, аммо вужуди ҳамон титрар, бўзидан бўғиқ нидо чиқар эди. Юсуф бошини кўтариб, атрофга боққанда, мазор чекка-сига йиғилган одамларни кўрди. Ҳаммаси унга қараб туришарди. Юсуфнинг анча тинчланганини кўриб, улардан бири: «Кел, ўғлим, бизнинг ёнимизга кел», деди. Юсуф арава-чи Баттол акани таниди. Урндан туриб уларнинг ёнига борди. Одамлар қибла томонга қараб, тиз чўкиб ўтирдилар. Мулла дуо ўқиди. Дуо орасида Юсуфнинг онаси номини айтди, бошқаларни ҳам тилга олди, ҳамма омин деб кўл кўтарди.

Юсуф одамлар билан бирга қабристондан чиқди ва Баттол аканинг уйига келди. У ерда ҳамма қатори ош еди, шарбат ичди. Одамлар тарқалгандан сўнг Баттол ака:

— Офарин, ўғлим, — деди. — Келиб жуда яхши иш қилдинг. Онани унутиб бўлмайди. Мен ҳам бугун онамнинг хотирасига хатми қуръон ўқиттирдим. Сен ҳам шу вақтга етиб келдинг. Ниятинг тоза экан, дуоларимизни олло қабул қилсин. Энди кириб ухла. Кўп юргансан. Эрталаб гаплашамиз.

— Мен ҳарбий хизматга кетяпман, — деди Юсуф. — Узоқларда юрганимда онамнинг қабридан хабар олиб туришингизни илтимос қиламан.

— Албатта, ўғлим, бизнинг оналаримиз ёна-ён ётишипти, — деди Баттол ака. Юсуф кўп йиллардан бери биринчи марта хотиржам ухлади. Тонг чоғида анча тиниққан ва тетиклашган ҳолда уйғонди. Шу заҳотиёқ туриб кийинди. Хонадаги стол устида ётган газетанинг четига: «Кечирасизлар, жуда шошиляпман. Саломат қолинглар, Юсуф», деб ёзди ва йўлга чиқди. Шу куни оқшом палласида отасининг мазори устига етиб борди. Чўкиб қолган, ўт-ўланлар билан қопланган сағана бошида жим ўтирди. Отасига онасини зиёрат этганини ва энди ҳарбий хизматга кетаётганини айтди. Рози-ризалик тилади ва у билан ҳам видолашди.

Ҳарбий хизмат Юсуфнинг соғлом вужудига ғайрат бағишлади. Бу ерда хаёлларга толиб, ўз қайғуси билан ич-этини кемириб юришга вақт йўқ. Ҳар куни, ҳар соату дақиқаларгача аниқ ҳисобланиб, тақсимлаб қўйилган. Белгиланган вақтда аввалдан мўлжалланган иш билан машғул бўлиш керак. Энг муҳими, Юсуф ёлғиз эмас. Атрофида унга ўхшаш одамлар. Бу ерда ҳамма бир сўз билан аскар деб аталади.

Ҳарбий интизом, жисмоний машғулотлар натижасида Юсуфни бир вақтлар бақалоқ қилиб кўрсатадиган қорин йўқолди, х. ағлари ичига кирди, бўйни ингичкалашди, кўзлари чўкди, бўйи ҳам бироз ўсгандек бўлди. Умуман, ярим йиллик хизматдан кейин Юсуф келишган гавдали, чаққон йигитга айланди. Узоқ масофага югуриш бўйича полк чемпиони бўлди. Таълим пайтларида ҳамма нарсани тез ва аниқ илғаб олишга кўникди. Фикрларини идора этишга ўрганди. Аммо сафда турганда бунинг чорасини топа олмай қоларди... Аскарлар тизилишиб туришади. Ҳамма сукутда. Сўнг узоқ походларга кетишади. Яна сукут сақлаган ҳолда кўп юриш керак. Қанча уринмасин, хаёл яна ўзининг сирли қучоғига чорлайди. Кўз ўнгида Азиза пайдо бўлади. Лекин у қадар хаёлга толиб қолмайди. Азиза ҳеч қачон унутилмайдиган сиймо. Юсуф уни унутишга уринмайди ҳам. Аксинча, унинг муқаддас хотираси ҳаётининг маъносини янада теранлаштиради.

Кунларнинг берида, аскарлар машқдан қайтиб, ўз тўпларини тозалаётган вақтда қўшни тўпнинг лафети остидаги тирағич сурилиб кетиб, бир аскарни босиб қолди. Юсуф чопиб бориб лафетни кўтарди ва четга олиб қўйди. Узоққа отувчи бу тўпларнинг оғир лафетларини қоида бўйича тўрт одам кўтариши керак. Юсуф бир ўзи кўтарди ва сафдошини жароҳатланишдан сақлаб қолди. Қисмда бир тўп лафетини бир ўзи кўтарган аскарни узоқ вақтларгача тилдан қўймай юрдилар.

Оддий аскар Юсуф Ботировга бир йилдан кейин сержант унвони берилди ва у бўлим командири этиб тайинланди. Унинг ишлари кўпайди. Ёш аскарларга таълим беради, машғулотлар ўтказди, умуман, бутун вақти шулар билан банд.

Ўз бўлимидаги аскарлардан бири ҳамшаҳари чиқиб қолди. Юсуф қувониб кетди. — Муни қара-я, бир шаҳардан эканмизу, билмай юрганимизни... — деди Юсуф. Ёш аскар Ведут Валишаев командирнинг салимай сўзларидан таъсирланди. Улар

анча вақт гурунг қилдилар, қадрдон шаҳарни, таниш одамларни эсладилар. Ведут командирнинг редакцияда ишлаганини билгандан кейин: «Бизнинг қўшнимиз Эбазер бува редакция биносида қоровул бўлиб ишлар эди», деди.

Юсуфнинг миясига яшин тезлигида бир фикр келди. «Эбазер амаки!.. Унга хат ёзиб, Азиза тўғрисида сўраш мумкин-ку! Балки Азиза аллақачон қайтиб келгандир, ё унинг адреси маълум бўлгандир. Нима учун шу чоққача кимгадир хат ёзиб, шуни сўрамади?»

— Эбазер амаки ҳозир омонми? — деб сўради Юсуф.

— Албатта, мен бу ёққа келаётганда соғ эди. Жуда кўп касалланади, уйдан ташқарига чиқмайди. Ҳаво яхши бўлганда эшик олдига чиқиб ўтиради.

— Ведут, менга унинг адресини бер, — деди Юсуф. Ведут қариянинг адресини айтди:

— Шундоқ уйимизнинг ёнидаги уй. Бизнинг уйимиз йигирма тўртинчи, уники эса йигирма олтинчи. Оғалиқ кўчаси.

— Фамилияси? Қариянинг фамилияси қандай?

— Фамилияси Довулча. У кишининг чубуқли довул<sup>1</sup> чалганини бир эшитган одам ўлгунча унутмайди. Отаси ҳам довул чалган экан.

Юсуф чопиб кетди. Холи жой қидириб, казарма ичида у ёққа — бу ёққа юрди. Сўнгра «Қизил бурчак»га кирди. Бу ерда ҳеч ким йўқ. Утириб Эбазер амакига мактуб ёзди. Ҳол-аҳвол сўраб, ўзи ва Ведутнинг соғлиғини билдиргандан сўнг, ундан Азизаларнинг уйига бориб, адресини билишни ва мактуб орқали ўзига етказишни ўтиниб илтимос қилди. Ёлборди.

Эбазер амакидан жавоб келгунча Юсуф ўзини қўйишга жой тополмай юрди. Ниҳоят, мактуб келди. Эбазер амаки қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан икки саҳифалик хат ёзипти. «Салом-алайкум, Юсуф болам. Мен соғ-саломатман. Оллога шукур. Сен кетгандан кейин мен ҳам ишни тарк этдим. Соғлиғим ярамади. Азизанинг отасини мен ёшлиқдан билар эдим. Уйларига бир неча марта бордим. Азизанинг адреси маълум бўлиши биланоқ ёздириб олдим. Сендан хабар келса, юбораман деб кутдим. Аммо сен бутунлай ғойиб бўлдинг. Ҳеч ким адресингни билмайди. Мана, худога шукур, топилдинг. Энди сенга Азизанинг адресини маълум қиламан. Анови, сенинг ўрнингда ишлаётган қовоғи солиқ хотин бир неча марта сенинг адресингни сўраб келди.

Майли, болам, қўлим қалтирайди, кўзим хиралашди. Сизларнинг ҳозирги имлоларингизда ёзишга қийналаман. Сени оллога топширдим.

Эбазер амакинг».

Юсуф Азизанинг адресини қайта-қайта ўқиди. Магадан области ва бир қанча ҳарфлар, бир сира рақамлар. Шу икки сўз ва рақамлар ортида Азиза бор. Хаёлидаги, тасаввурдаги мискин ва ҳорғин Азиза эмас, ўзи билган ва ҳис этган ҳақиқий Азиза! Юсуф дарҳол унга мактуб ёза бошлади. «Қадрли Азиза! Ниҳоят, сенинг адресингни топдим. Ҳарбий хизматни ўтаяпман. Тезда битиб қолади. Менга тезда мактуб ёз. Соғ-саломат эканингда, дунёда бор эканингда ишонишни истайман. Илтимос қиламан, суратингни юбор. Суратинг менга жуда керак.

Юсуф Ботиров, 1940 йил, 15 июнь».

Юсуф конверт ичига ўзининг ҳарбий кийимда тушган расмини солди.

Бир ойдан кейин Азизадан мактуб келди. Мактуб ҳам қувончли, ҳам аянчли эди. «Қимматли Юсуф, — деб ёзган эди Азиза, — конверт устидаги ёзувингни кўришим билан бошим айланиб кетди. Мактубингни қайта-қайта ўқидим. Ўзингни кўргандек бўлдим. Мени у ёқда қолган ҳаётимни боғлаб турган бирдан-бир инсон сенсан. Мактубингни олганимдан кейин шу умид яна пайдо бўлди. У чоғдаги ҳаётимни туш эмас, ҳақиқат эканига ишондим, сен ҳам ишон. Ҳозирги аҳволимни сўраб ўтирма. У бир даҳшатли туш каби. Фикрларимни ҳеч бир ерга тўплай олмайман. Телба бўлиб қоламан деб кўрқаман. Энг оғир дақиқаларда сени хотирлайман. Менга айтган ҳар бир сўзингни эслайман. Сени ёдинг менга куч беради. Совуқдан қотиб қолган вақтларимда сени хотирлайман. Биз албатта кўришамиз, албатта, бирга бўламыз.

Бу тарафларда ёз жуда қисқа бўлади. Қорлар эриб битиши билан яна қора қиш келади. Мен доим совқотаман. Учоқ ёнида, унинг ичига кириб кетгудек бўлиб энгашиб ўтирганимда ҳам совуқ ейман. Бир мартагина, бир дақиқагина исиниб олсам эдим...

Биз ёқларга кемалар жуда сийрак келади. Келиши биланоқ биз уларга кўмир ортамыз. Жуда кўп ишлаймыз.

Сен соғ экансан, демак умид бор. Демак, ҳар тонг қуёш нури мен учун ҳам чиқади. Демак, ҳаёт ҳали ҳам ўшандай гўзал. Мен ҳамма нарсага чидайман, фақат сен мени унутма.

Суратинг учун раҳмат. Мен ҳозир сурат юбора олмайман. Тездан жўнатаман. Жавобингни кутаман.

Азиза».

<sup>1</sup> Чубуқли довул — бир қўлида чўқмор, иккинчи қўлида хипчин билан чалинадиган каттакон довул.

Азизадан мактуб келгандан сўнг Юсуф анча ўзгарди. Куюниш, ёниб-ўртанишга ҳожат йўқ. Азиза соғ, бир кун қутулиб келади. Демак, сабр билан кутиш керак. Энди у бундан бир неча йил аввалги қувноқ ва ғайратли Юсуфни эслатмоқда эди. Азизанинг ҳар бир мактубини олган куни унга жавоб ёзади. Ундан сурат келди. Улар хат билан гаплаша-диган, хат билан кўришадиган, хат билан бир-бирларига ёрдамлашадиган бўлдилар.

Ғарб узра тўпланган қора булутлар яшинли ёмғир бўлиб ёғди. Улуғ Ватан уруши бошланди. Шу пайтда ҳарбий хизматда бўлган аскарлар душманнинг илк зарбаларига дуч келдилар, кўксини қалқон қилиб Ватан тупроғини ҳимоя қилдилар. Юсуф ҳандақлар ичида, қор-ёмғир остида яшаб, жангларда чиниқди. Даҳшатли тўқнашувлардан кейин бир қанча шаҳар ва қишлоқларни ташлаб чиқишди. Аскарлар сафи сийраклашди, тўзғиб кетди, сўнг яна тўлдирилди ва яна қонли жанглар давом этди. Юсуф икки марта яраланди, аммо госпиталга бормади. Полкнинг тиббий бўлимида даволанди. Урушнинг иккинчи йилида сержант Юсуф Ботировга кичик лейтенант унвони берилди ва у полк разведка взводининг командири қилиб тайинланди. Шу вақтда унинг кўкрагини биринчи даражали «Шуҳрат» ордени ва «Жасурлиги учун» медали безаб турарди.

Юсуф Азизани ҳеч вақт унутмади. Разведкага борганда, соатлаб буталар орасида қимирламай ётганида ҳам, совуқ баданига сонсиз-саноқсиз игналарини санчганида ҳам Азиза ҳақида ўйлади, қўл-оёғи боғлиқ немис офицерини елкасида кўтариб, кўкрагига сувга ботиб кетаётганда ҳам ўзини Азиза томон ошиқайётган каби ҳис этди. Азиза унинг осмонида доимо пориллаб ёниб турган даъваткор юлдуз эди. У юлдуз ёниб турар экан, толеъдан шикоятланшга асос йўқ, бунга ҳақи ҳам йўқ. У бўш вақт топганда Азизага мактуб ёзди. Бундан кейин Азиза бутунлай унинг ҳимоясида. Агар у астойдил жанг қилмаса, биринчи навбатда, Азизага ёмон бўлади. Ўз мактублари билан Азизага далда беради, баъзан ундан ўта тушкун руҳда ёзилган мактублар келганда, унга такрор-такрор насиҳатлар қилади. Руҳлантиради.

1943 йилнинг илк баҳори етиб келди. Сталинград жанги энди орқада қолган. Совет аскарлари бутун жабҳа бўйлаб олға, фақат олға кетмоқда. Душман яраланди, аммо ҳаммон кучли. Уни янада яхшилаб уриш керак. Чекинишлар азобини бошдан кечирган аскарлар энди ғалабалар завқини ҳис этган ҳолда душманни келган йўлидан орқага қайтармоқда. Ўтган ҳар бир кун, олға ташланган ҳар бир одим кутилган ғалабани яқинлантирмоқда.

Қизгин жангларнинг бирида Юсуф жойлашган ҳандақнинг яқинида снаряд портлади. Портлаш тўлқини уни ҳандақнинг деворига шундай куч билан урдики, Юсуф ҳушини йўқотди. Шу пайт ҳандақнинг девори нураб тушди ва Юсуф бутунлай тупроқ остида қолди. Аскарлар ҳужумга ўтишди, бир неча соатдан сўнг жанг майдонида келган санитарларнинг бири тупроқ остидан учи чиқиб турган автоматни кўриб қолди. Энгашиб, уни олмоқчи бўлганда оёғи тупроққа ботиб кетди.

— Бу янги тупроқ, унинг тағида окоп бўлиши мумкин, — деб қичқирди у шеригига.

Санитарлар кичик аскар куракчалари билан у ерни тез-тез қазишга тушдилар ва бир неча дақиқадан кейин чўзилган оёқларни кўриб, тўхтадилар. Иккиси биттадан оёқни ушлаб, оҳиста-оҳиста тортиб, оғзи-бурни қум-тупроққа тўлган офицерни аранг чиқардилар.

Санитарлар унинг очиқ оғзига кириб қолган ва энди қота бошлаган тупроқни бўлак-бўлак қилиб кўпориб, олдилар ва шу дақиқада унга сунъий нафас олдирдилар. Офицернинг қўл-оёқлари ипдек шалвираб осилиб қолган эди. Вужудида жон аломати сезилмайди.

— Кўринишдан тугаб бўпти, бу бечоранинг куни битганга ўхшайди, — деди санитарлардан бири.

— Унга сув бериб кўрайлик, — деди иккинчиси. — Агар ичига сув кетса, демак, тагин умид бор.

У камаридан сувдонини чиқарди ва офицернинг бошини кўтариб, оғзига сув томизди. Бироздан кейин «филт» этган товуш эшитилди. Яна қўйди. Унинг бўғзидан бояги товуш бир неча марта яна эшитилди. Ярадор аскарнинг тирик экани маълум бўлгач, санитарлар уни замбил устига ётқизиб, машина турган ерга чопдилар. Ярим соатдан кейин Юсуф дала госпиталида эди. Уни кўздан кечирган врач: «Ташқи томонидан ҳеч қандай оғир жароҳат йўқ, аммо вужуди қаттиқ эзилган. Унинг бутун дарди ичида», деди.

Юсуфга баданида қон ҳаракатини тезлаштирадиган уколлар қилинди. Шундан кейин ҳамширалар уни илиқ сув билан ювиб, кароватга ётқизишди.

Юсуф етти кундан кейин кўзларини очди. Баданидаги бутун қуввати кўзларини бир марта очиб-юмиш учун сарф бўлди. Уч кундан кейин алаҳлай бошлади. Тингладилар. «У келаяпти, келаяпти, — деб пичирлади Юсуфнинг кўкарган дудоқлари. — Мен унинг оёқ товушларини эшитаяпман. Ҳамма тайёрлансин. Тез бўлинглар. У жуда тез юриб келаяпти. Тез бўлинглар». У яна ҳушини йўқотди.

— Донгдор разведкачи, — деди врач. — Ҳозир ҳам ўзини жанг майдонида деб ўйласа керак.

Бир ойдан кейин Юсуф анча ўзига келди. Аммо вужуди ҳамон жонсиз. Бот-бот алаҳсирайди. Ҳар гал бир нарсани такрорлайди, оёқ товушларини эшитади ва ҳаммани

беркинишга чақиради. Унинг алаҳсирашлари ичида янги исмлар пайдо бўлди: «Азиза қоч! Оёқ товушларини эшитаяпсанми? Қоч! Сафар оға, у келаяпти, келаяпти!» деб инграйди ва хириллаган товуш билан йиғлайди.

— Модомики, оёқ товушлари унга бунчалик ёмон таъсир этаётган экан, бу палатага ҳамма шиппак кийиб кирсин ва оёқ учида товуш чиқармай юрсин! — деди бош врач.

Бундай тадбир Юсуфга ёрдам бермади. Унинг ташқи дунё билан иши йўқ. Яна алаҳлайди, яна кимнингдир оёқ товушларидан кўрқиб титрайди, қичқиради, ёлворади ва охир-оқибатда йиғлайди.

Уч ойдан кейин Юсуфнинг кўриниши ўзгарди, кўзлари ойдинлашди, аммо қулоқлари эшитмас эди.

— Бундан кўрқмаса ҳам бўлади, — деди бош врач. — Секин-секин эшитиб кетади. Энг кўрқинчлиси ўтиб кетди. Унинг вужудидаги ҳамма аъзолари ҳаракат қилмоқда. Қолганини вақт даволайди.

Олти ойдан кейин Юсуф эркин юрар, суҳбатлашар, қаттиқ қичқириб айтилган гапларни эшитар эди. Гаплашадиган бўлиши билан планшетини сўради. Планшети йўқ. Унинг ичида Азизанинг хатлари, суратлари бор эди. Юсуф Азизани хотирлади. Унга мактуб ёзиш керак. У узоқда, у доим совуқ ейди. Аммо Азиза ким? У нега совқотади? Миясида бу саволларга жавоб йўқ. Бош врачдан сўради.

— Сизда ўтин борми?

Врач қаттиқ қичқириб гаплашиш кераклигини эслаб, «ҳа, бор» маъносида бошини пастга-юқорига силкитди.

— Менга ўтин керак. Уни Азизага юбориш керак. У ёқ жуда совуқ, — деди Юсуф.

— Яна алаҳсираяпти, — дейишди ҳамширалар. — Кўринган одамдан ўтин сўрайди. Уни Азизага юбориш керак, — дейди. Биз унга: бунга бош врачдан сўранг, деган эдик.

— Бу алаҳсираш эмас, — деди бош врач. — У унутилган нарсаларни хотирлашга уриняпти. Ҳали кўп уринади. Зеҳн бирданига тикланмайди.

Юсуф кечалари яна алаҳлайди, яна оёқ товушларидан қочади, йиғлайди, аммо кундузлари нисбатан яхши бўлиб қолади. Ҳаво иссиқ. У госпиталь ҳовлисиде сайр қилади, ёнига келган одамлардан ёлвориб ўтин сўрайди. Бир марта бош врач унга ҳовлига тахлаб қўйилган ўтинларни кўрсатиб: «Мана буларнинг ҳаммасини Азизага жўнатамиз!» деб қичқирди. Юсуф англади, чексиз миннатдорлик билан жилмайди, юзи жуда ачинарли аҳволда эди. Кейин кўлларини шапиллатиб, оёқларини кўтариб ўйинга тушди. Уйнаб турган вақтда бирдан врачга ёпишди. «Эшитаяпсизми? Келаяпти! Қочайлик...»

Қуёшли ёз кунларининг бирида Юсуфни Сочи шаҳрига ўтказдилар. У энди мустақил юра олади, хийла эшитадиган бўлди, алаҳсирашлари ҳам йўқолди. У Азизани, унинг адресини эслади. Унга бир неча марта мактуб ёзди. Аммо жавоб келмади.

Сочида Юсуф яна денгизни кўрди. Денгиз унинг учун ҳамма вақт мўъжизадай туюларди. Денгиз инсон руҳининг поклигига тимсол бўладиган манба. У денгиздан айрилишни истамайди. Врачлар ҳам унинг истагига монёв бўлмадилар. Юсуф ҳатто кечалари ҳам денгизга келади. Қора тўлқинларнинг инграшини тинглайди, ўзича таъбирлайди. Денгиз сўзлайди, узоқ тарихдан дардли афсоналар айтади, фақат унинг тилини англай билмоқ керак. Юсуф эса англайди. Сув ичига тушиб, уни қучоқлайди. Денгиз ҳам уни илиқ тўлқинлари билан ўраб эркалайди.

Катта лейтенант ЮСУФ Ботиров 1944 йилни ярадор ҳарбийлар учун берилган дам олиш уйида кутиб олди. Одатда госпиталдан чиққан оғир ярадорлар бир қанча вақт дам олиш уйида ҳам бўлишар, ундангё уйларига, ё ҳаракатдаги кўшин қисмларига жўнатилар эди.

Юсуф, қулоқлари ҳали ҳам яхши эшитмаслигини ҳисобга олинмаса, батамом тузалди. Фақат қулоқларида қандайдир шовуллаш бор, тўсатдан боши оғрийди. Боши оғриган вақтларда яна эшитмай қолади. Узининг ҳарбий хизматга лаёқатсиз топилганини англаганидан сўнг, Юсуф жуда ҳаяжонланди. Ҳаяжонланиши натижасида бош оғриғи тутди. Врачлар унинг ёшлиғи ва яхши даволанганини ҳисобга олиб, «жанговар хизматдан бошқа ишларга лойиқ», деган хулоса чиқардилар. Юсуф яна ҳарбий хизматга қайтди. Жанговар ҳаракатлар энди, асосан, мамлакатимизнинг ғарбий районларида кечмоқда эди. Юсуф полк таъминот бўлими бошлиғининг муовини этиб тайинланди. Урушаётган аскарлар орасида кам бўлади. Унинг вазифаси жангчиларнинг кийим ва озукасини таъмин этиш. Озод этилган қишлоқларда, шаҳарларда таъминот ишларини ташкил этиш ишларига кўмаклашади. Юсуф жанг орқасидаги ишлар жанг учун нақадар муҳим эканлигини англади ва бутун кучи билан ишга киришиб кетди. Энди унинг ёнида милтиқлар отилмайди, снарядлар портламайди, аммо жанг давом этади.

Юсуф янги ишга тез кўникди. Ҳатто уни севиб қолди. Аскарларни кийинтириш, тўйдириш осон эмас. Аммо бу иш ўз вақтида пухта бажарилса, ғалаба учун қўшилган муҳим ҳисса бўлади.

Юсуф ўз полки орқасидан Чехословакияга кирди. Энди у полк таъминот бўлимининг бошлиғи эди. Унга капитан унвони берилди. Ишлари кўп. Янги жойларда, хусусан, чет мамлакатда таъминот ишларини йўлга қўйиш осон эмас. Аммо капитан Юсуф Ботиров ишнинг кўзини билади. Унинг филдираклар устидаги ошхоналарида доимо лаззатли

таомлар пишади. Унинг омборлари ҳам ғилдираклар устида. Юсуф жанговар сафда қолганидан жуда мамнун. Аммо Азизадан мактуб келмаяпти. Ёки адресини янглиш хотирладимикин? Йўқ. Бундай бўлиши мумкин эмас. У бирдан Эбазер амакининг адресини эслади. «Қария фашист оккупациясидан эсон-омон чиқдимикин? Чиққан бўлса, яна шу уйда яшаяптими? Ведут тирик бўлганда, унинг ота-онасига ёзиб, сўратиш мумкин эди. Энди нима қилсин?..»

Юсуф ҳар эҳтимолга қарши Эбазер амакига икки мактуб ёзди. Бирини ўз адресига, бошқасини эса Ведутнинг адресига, Велишаевларга жўнатди. Агар Эбазер амаки кўчган бўлса, иккинчи мактубни Велишаевларнинг биронтаси қариянинг янги адресига олиб келиб берар. Агар қария оламдан ўтган бўлса, балки ўзлари жавоб ёзар. Бу икки мактубга ҳам, ундан кейин ёзилган мактубларга ҳам Юсуф жавоб олмади. Азизанинг хотираси унга ҳам ёрдам берар, ҳам уни қийнар эди. Азизанинг ҳақиқатан ҳам бор эканига, уни ўз хаёлида яратмаганига шубҳалана бошлади. Азизани билган биронта одамни кўрса эди...

Фронт ҳаётида кўп ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ. Ҳамма иш ўз вақтида бажарилиши керак. Юсуф аскарларни кунда уч марта овқатлантиради, имкони бўлганда ҳаммом ташкил этади. Йиртилган, эскирган гимнастёркаларни, галифе шимларни алмаштиради. Умуман, иш кўп ва кўп бўлгани ҳам яхши. Чунки у одамни маълум бир тартибга солиб туради.

Юсуф жангни Прага шаҳри атрофларида тугатди. Уруш тамом бўлгани ҳақидаги хабарни эшитганда, аввалига шошиб қолди. Сўнгра қувонди, ҳаяжонланди. Қулоқларида бирдан гувуллаш пайдо бўлди. Гўё ғалаёнли денгизнинг ҳайбатли долғалари шиддат билан яланғоч қояларга урилади ва яна шундай шовуллаганча орқасига қайтади. У турган ерига ўтирди ва сассиз йиғлади. Бундай ҳаяжон ичида у ёлғиз эмас эди. Ҳар ёқда одам: биров йиғлайди, биров кулади. Ҳаяжон ҳар кимга ҳам турли таъсир этади, ҳар бир вужудда ўзига хос шаклларда ифодаланади.

Аскарларнинг бир қисми ҳарбий хизматдан қайтишга ҳозирлана бошлади. Булар катта ёшлилар ва Юсуф каби яралари бутунлай тузалмаганлар эди. Ҳужжатлар расмийлаштирилганда Юсуф борадиган жойи сифатида Азизанинг адресини кўрсатди. Уни кўп вақтдан бери биладиган штаб бошлиғи бундай кутилмаган адресни кўриб, шошиб қолди.

— Сиз у ёқда нима қиласиз? — деб сўради.

— Мен у ерга боришим керак, албатта боришим керак, ўртоқ командир, — деди Юсуф.

— Яхши, Ботиров, яхши, — деди бошлиқ. — Албатта, сен хоҳлаган ерингга боришга ҳақлисан. Албатта, бу сени ишинг, аммо у ерга борганингдан кейин, бутунлай қолсанми ёки?..

— Буни ҳозир айта олмайман. Ҳамма нарса боргандан кейин маълум бўлади.

Фасллар, йиллар, ёшлик ўтиб кетди. Уруш бошланганда қирчиллама ёшда бўлган йигитлар уруш тамом бўлганда ҳаётнинг баланд-пастини яхши тушунадиган катта одамларга айланган эдилар.

Улар ўз ёшлиklarини ана шу омонсиз жанг ичига кўмдилар. Танларида яра излари, темир парчалари қолган, вужуди чексиз азоб-уқубатлар, оғир кулфатлар туфайли эзилиб битган бўлса-да, чеҳраси ёрқин, мамнун одамлар — ғолиблар бутун мамлакат бўйлаб тарқала бошлади. Уларни қандай учрашувлар, қандай ҳолатлар кутмоқда?.. Уларнинг ҳаммаси шошилади, ҳаммасининг юрагида эзгу истаклар, порлоқ ниятлар. Қирмизи рангдаги вагонлар уларни тарақа-туруқ қилиб, тантанавор ҳолда ҳар томонга олиб кетмоқда. Баъзиларининг борадиган жойи узоқ. Улар бир поезддан тушиб, бошқа поездга минадилар. Юсуф ўтирган ерида халтасини боши остига қўйиб мизғийди, йўғон қилиб махорка ўрайди, кейин кайф билан тутатади. Тутунлар... орзу каби ҳафиф, хаёллар каби нозик тутунлар вагонлар ичида тўлғаниб, у ёқдан-бу ёққа сузади.

Фронтчилар! Улар урушнинг тугаганига ишонадими? Ҳали тўла ишонганлари, кўникканларича йўқ. Мана, вагон бурчагида ғужанак бўлиб ётган фронтчи уйқутираб, қичқиради: «Орқа тарафдан келинглар, биродарлар! Орқа тарафдан!.. Ут оч!». Иккинчи фронтчи жилмаяди: «Бизлар ҳали кўп вақтларгача шундай алаҳсираб, болаларни қўриқтиб юрсак керак».

У одам Юсуфга қараб гапирган бўлса ҳам Юсуф индамади. У фикрларини бир ерга тўплаб ололмай қийналади. Унинг борадиган ери узоқ. Бир ойдан бери йўлда. Темир йўл тугагандан кейин ҳам кўп юриши лозим. Энг муҳими, Магаданга етиб олса бас, у ёғини суриштириб топиб олади.

— Сен нега жим бўлиб қолдинг? — деди боя унга гапирган анча ёшлардаги қора шоп мўйловли фронтчи. — Узинг жануб одамига ўхшайсану, аммо шимол томонга кетаяпсан. Ёки у ёқда бирон кимсанг борми?

— Бор, — деди Юсуф. — Жуда узоқда. Магадан деган ерда.

Мўйловли жангчининг чеҳраси ўзгарди. Утирган жойида бир қимирлаб, Юсуф томонга ўгирилиб ўтирди.

— У ёқда киминг бор, биродар?

— У ёқда хотиним бор. Унинг ёнига кетаяпман, — деди Юсуф.

— Мен у тарафларни биламан, — деди мўйловли киши. — Узим у ерли бўлмасам ҳам урушга шу томондан кетдим. — Овозини секинлатди ва сирли оҳангда: — Штрафчилар ротасида эдим. Биз у ёқдан бир рота бўлиб келдик. Гуноҳларимизни қонимиз билан ювдик. Шундай ювдикки... Мана, кўраяпсанми? — деди ва кўксига орден ва медалларга ишора қилди. — Энди юзимиз ёруғ. Ҳамма қаторимиз... Тўғри, йигитларнинг жуда кўли ҳалок бўлди. Лекин ҳеч ким асир тушмади. Э-э, дўстим, бизларни асир олиш осон иш эмас. Биз уларнинг ўзини асир олдик. Аввалида жангга ўз кийимларимиз билан кирдик, яъни, ўзинг биласан, қулоқчин-телпак, қора фуфайка ва ҳоказо. Аммо биринчи олишувнинг ўзидаёқ... немисларни бошлаб адабиёт бердик... Эҳ-ҳей, биз «Ура!» деб ўрнимиздан отилиб турганда, ер-кўк ларзага келди... Сўнг бизнинг ҳаммамизга, яъни омон қолганларга ҳарбий кийим беришди. Ярадорларни аскарлар билан барабар госпиталларга жўнатдилар. Ана шундан бери, оғайни, кўп марта жанггоҳга кириб-чиқдим. Мукофотладилар... Умуман, соғ қолдим, мана энди уйга қайтаяпман... Э, оғайни, сенинг хотининг қандай қилиб у тарафларга тушди?

«Бу фронтчилар уруш тугагач, ўзгариб қолишди, — деб ўйлади Юсуф. — Ҳаддан зиёд маҳмадона бўлиб кетишди, улар ҳамма нарсани билиши, ҳамма нарсага аралашishi керак».

— У ёқда турмада, бўлмаса, турмага ўхшаган бир ерда, — деди Юсуф лоқайд товушда.

— Сенда адреси борми?

— Бор.

— Кўрсат, — мўйловли киши унга томон сурилиб ўтирди. — Кўрсат, кўрсатавер.

Мен у ерларни яхши биламан.

Юсуф гимнастёркасининг чўнтагидан Азизанинг адреси ёзилган қоғозни чиқариб, унга берди.

— Бундаги рақамлар ва ҳарфлардан бир нарса англай олармикисиз? — деди. Мўйловли киши қоғозга қараши билан:

— Бу кўмирчилар бухтаси, ҳа, кўмирчилар, — деди. — У ерда аёллар лагери бор эди. Улар кўмир қазिशар ёки кемаларга кўмир ортишар эди. Ҳа, улар бизнинг медицина пунктимизга қарардилар. Мен бир қанчасини танир эдим... Оти нима? Хотинингизнинг оти нима деб сўраяпман.

— Азиза, — деди Юсуф титроқ товуш билан.

— Азиза? Азиза? — деб такрорлади мўйловли. — Анови журналист қиз эмасмикин? Аммо унинг эри йўқ эди шекилли. Севгилиси бор, урушга кетган деб эшитган эдим. — Юсуфга бироз тикилиб тургандан кейин: — Йўқ, у бўлмаса керак. У эмас, — деди кескин.

— У қизнинг фамилиясини эслай олмайсизми? — деб сўради Юсуф кўрқа-писа.

— Фамилияси ё Алиева, ё Алимова эди. Ишқилиб, иккаласидан бири.

— Демак, сиз уни билар эдингизми?

— Кимни?

— Алимовани.

— Ҳа, уни билар эдим. Жуда қатъиятли, ғайратли қиз эди. Аммо у, гўзалликда ҳам биринчи эди. У медицина пунктига келганда атроф бирдан чарақлаб кетгандек бўларди, ҳатто касалларнинг ҳам чеҳраси очилиб, тетиклашиб қоларди.

— У ҳамшира эдимми?

— Йўқ, ҳамшира эмас эди. Ҳаммага ўхшаб шахтада ишлар эди. Медицина пунктининг ҳар баракда биттадан вакили бўлар эди. Шундай, у қиз бизнинг вакилимиз бўлгани учун аҳён-аҳён келиб, баракнинг аптекасига биздан дори-дармон олиб кетарди... Севгилисидан мактуб келганда шундай қувонар эдики... Бизлар эса «Бундай дилбар қизнинг севгилиси қандай йигит экан?» деб таажжубда эдик.

— Сиз чиқанингиздан кейин у шу ерда қолдими? — Юсуфнинг ичида кўпдан бери йўқ бўлиб кетган совуқ туйғу яна пайдо бўлди. Бу одам ҳозир нима дер экан?

— Мен у ердан чиққандами?.. Мен у ердан чиққанда... — у киши чайнала бошлади. Ниманидир эслаётгандек бўлиб уф тортиб қўйди. — Бизда, у ерда, 1943 йилнинг кузида, деярли мана шу вақтда тиф касаллиги бошланди. Баракдан баракка кўчиб, одамларни қириб ташлади. Бизлар, санитарлар касалларни ташиб улгуролмаймиз. Бу вақтда Азиза ҳам биз билан бирга эди. Жуда кўп касал ташидик. Охирида бечора Азизанинг ўзи ҳам йиқилиб қолди. Уни ҳам касаллар орасига қўйдик. Ўлими олдидан кўп қийналди бечора... Кейин эшитганимга қараганда, бу офат қурбонларининг ҳаммаси бир ерга кўмилипти...

Поезд тўхтаган эди. Юсуф секин ўрнидан туриб, вагондан тушди. Қандайдир кичик станция. Ҳавода ўрмон ҳиди анқирди. Одамлар чопишади, қичқирашади. У ҳозир тушган вагонга жуда кўп одам чиқмоқда эди. Юсуфнинг қулоқларида даҳшатли шанғиллаш бошланди. Гўё қулоқлари остида юзлаб замбараклар бирваракайига, тўхтамасдан ўқ ота бошлаганди. Боши шундай қаттиқ оғридики, кўз ўнги бутунлай қоронғиллашди. Ҳам-

ма ёқда одамлар, лекин у билан ҳеч кимнинг иши йўқ. У секин-секин юриб кетди. Кетаверди. Кетаверди. Бир ерга келиб тўхтади. Девор тагига келиб ўтирди.

Сокин куз кечасида икки одам гаплашиб кетишарди. Уларнинг бири ҳарбий кийимда. Бири ҳикоя қилади, иккинчиси эса тинглайди ва шақиллаб кулади. «Мен унга русча «бу ёққа кел, қўрқма», дедим, — дейди бири. — У эса: «Шарман, илэст этран, сехом me!» дейди. Мен ҳеч нарса тушунмайман, у эса ҳадеб: «Ша-арма-ан, ша-ар-ма-ан!» деб қичқиради.

— Ша-ар-ма-ан, биз вокзалдан ўтиб кетипмиз-ку, — деди иккинчиси аёл овозига тақлид қилиб. Улар кулишди. Нариги тарафга, вокзал томонга қараб бурилгандан сўнг, улардан бири деворга суяниб ўтирган одамни кўрди. Яқинроқ келишди.

— Шарман, бу бизнинг қардошга ўхшайди-ку! Ғалаба кайфидан бироз боши айланган бўлса ажаб эмас, — деди ҳарбий киши.

— Ҳа, — деди бошқаси. — Ичиш керак. Ғалабамиз учун. омон қолганимиз учун, шаҳидлар шарафи учун ичишимиз керак.

— Буни нима қиламиз?

— Халақит берма, ҳушига келгач, ўзи йўлини топиб кетади.

— У мастга жудаям ўхшамайди.

Ҳарбий киши қоронғи гўшада деворга суяниб ўтирган одамнинг устига эгилиб:

— Қалайсан, биродар, — деди...

— Шарман, қалайсан! — деб қичқирди ўтирган одам хунук товуш билан.

Ҳарбий йигит сесканди, орқага тисланди.

— Айтдим-ку сенга, ғалаба кайфидан осонликча қутулиб бўлмайди, — деди унга шериги

— Йўқ, — деди ҳарбий кийимли йигит. — Кўзлари жуда ғалати боқади. Пориллаб турибди. Худди икки оташ парчаси. Овозиям жуда ғалати...

— Одам ҳадеб ичаверса, шундай бўлади. Зарари йўқ, ғолиблар тезда ўзларини қўлга олволишади. Қани, юр, шарма-ан, нега бунчалик тикилиб қолдинг, бу бечорага. Тегма, ухласин.

Улар вокзал эшигига қараб кетишди. Орқадан «Шарман!» деган ғалати ва хунук товуш эшитилди. Одамлар сескандилар.

Совуқ қишнинг яқинлигидан хабар бериб аччиқ еллар эсади. Қўрғошин тусли кўкнинг туб-тубига яширинган қуёш баъзан кўриниб қолади, аммо унинг нурлари энди ерни, одамларни иситмайди. Совуқ шамол тўп-тўп бўлиб ўсган қарағай дарахтлари орасидан шиддат билан ўтиб, одамларнинг баданига санчилади. Вокзал биносининг тоmidан осилиб турган тунука парчаси деворга урилиб, «данг-данг» этган товуш чиқаради. Перрон бўйлаб аллақандай қоғоз парчалари учиб туради. Думларини оёқлари орасига қисиб олган ориқ ва ифлос кўпаклар пана ер излаб, у ёқдан-бу ёққа чопишади. Ҳамма уйига шошилмоқда.

Ҳарбийча кийинган ўрта ёшлардаги киши хувуллаган перрон бўйлаб бироз айланиб юриб, сўнг тўхтади. Вокзал бўм-бўш. Юракни сиқиб юборадиган кимсасизлик ичида фақат шамол увиллайди. Ҳарбий киши темир йўзларнинг нариги томонидаги ўриндиқда тамаки чекиб ўтирган кимсани кўрди.

Унинг бош кийими йилтирайди, оғзидан чиққан қуюқ тутунни шамол дарҳол учириб кетади. Ҳарбий киши секин-аста юриб темир издан ўтди ва тамаки чекиб ўтирган одамнинг ёнига келди. Шундагина унинг бошида темир йўлчилар фуражаси борлигини сизди. Ёғ ва кирдан ранги ўзгариб кетган фуражка қуёшнинг совуқ нурлари остида йилт-йилт этиб ялтирар эди. Ҳарбий киши темирйўлчининг ёнига ўтирди, оғзини катта очиб жилмайди ва имлаб чекиш сўради. Темирйўлчининг юзи, юзининг чап тарафидаги йирик қора холи ёғдан йилтирамоқда эди. У тўхтовсиз жилмайиб турган ғалати ҳарбий кишига қараб туриб, бурнини «шилқ» этиб тортди ва томоғини қириб туфурди. Сўнгра:

— Чекинги келяптими, оғайни? — деди.

Ҳарбий киши юзидаги ифодани ўзгартирмаган ҳолда бошини тебратди.

Темирйўлчи унга газета парчаси тутқазди ва устига махорка тўқди.

— Жуда ўткир. Шу ерли бир қариядан керосинга алмаштириб оламан, — деди.

Ҳарбий киши чекаётган вақтда темирйўлчи ўрнидан турди ва ёнбошидаги узун жўмракли тунука чойнакни қўлига олди.

— Хўп, оғайни, сен чекиб тур, мен эса ишлашим керак, — деди.

Ҳарбий киши тамаки чекар экан, ғалати алпозда жилмайишдан тўхтамас эди. Жигарранг кўзлари пориллаб ёнади. Очиқ оғзининг четидан сўлақлари оқади.

Темирйўлчи ёғдан қорайиб кетган каттакон темир бочканинг устига чиқди, унинг тепасидаги тешикка тиқин қилиб тиқиб қўйилган ёғ босган эски пахталикни чиқарди, тунука чойнакни бочка ичига солиб, ёғ олди. Пахталикни яна тешик ичига тиқиб қўйди. Бу ишларни қилар экан, ғалати қиёфали одам ҳақида ўйлади. Қўлидаги ёғ тўла чойнак билан унинг ёнига келди ва икки букилиб, кўзларига синчиклаб тикилди. Ҳарбий

<sup>1</sup> Вой, қандай ғалати одамсиз. (Французча).



киши ҳамон жилмаярди, кўзлари эса чақнаб турарди. Темирийўлчи чойнакни ерга қўйди. Атрофга аланглади. Вокзал майдони жимжит. У ҳарбийнинг бошидаги қалпоғини оҳиста олди, ўзининг бошига кийди, ёғ босган фуражкани эса унга кийгизди. Бу иш ҳарбийга қизиқ туюлган бўлса керак, яна жилмайди. Темирийўлчи шартта унинг шинелини, сўнгра гимнастёркасини ечиб олди. Ҳарбий киши гимнастёркасини ечгиси келмай, талашганда ҳам юзидаги ифода ўзгармади. Темирийўлчи шошиларди. У ҳарбийни итариб йиқитди, кескин ҳаракатлар билан этикларини чиқариб олди ва темир йўл бўйлаб чўл томонга чопиб кетди. Биргина галифе шимда қолган бу одам унинг орқасидан югурди, «ағу» деганга ўхшаган овоз чиқариб қичқирди. Темирийўлчи чўл ичига сингиб кетгандан сўнгра орқасига қайтди. Бояжкамейка ёнига келиб, анча вақтгача чўл томонга қараб турди. Гоҳо-гоҳо улиганга ўхшаган овоз билан қичқирар ва бу қичқириғига жавоб сифатида кийимларини олиб кетган одамнинг чўл ичидан чиқиб келишини кутар эди. У кутган тарафдан ҳеч ким келмади. Кун қоронғилаша бошлади. Шамол янада кучайди. Одам совуқдан дир-дир титраган ҳолда каттакон бочканинг устига бир амаллаб чиқди, унинг тепасидаги тешикка тиқиб қўйилган, ёққа беланган қора пахталиқни олиб тушди ва йиғлай-йиғлай устига кийди. Бироз тургандан кейин чўл томонга тикила-тикила вокзал биноси тарафга кетди. Энди унинг қиёфаси бус-бутун бошқа эди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги биринчи киши. Одамларда ҳеч нарса йўқ. Аммо битмас-туганмас ғайрат, мустаҳкам ишонч бор. Ҳамма кийинчиликлар ўткинчи. Сибирь темир йўлидаги Қарағайли станциясининг ҳам ўзига яраша ташвишлари, қувончлари мавжуд. Биров кулади, биров йиғлайди. Яна биров эса индамай ўтиради. Қарағайли станцияси вокзалининг бошлиғи ҳам сукут сақлайди. Анча кенг, батартиб, аммо совуқ ишхонасининг деразасидан ўзига топширилган бекатнинг вокзал майдонига қараб ўтирарди. Ташқарида қор ёғмоқда. Бу кеча ҳам ер яхшигина музлайди. Вокзал биноси эса иситилмаган, қозонхона ишламайди. Вокзал майдонининг қоқ ўртасида бир одам турибди. Соч-соқоли ўсиб кетган, бошига қандайдир латтани ўраб олган. Эғнидаги кийимлар қанақалигини билиб бўлмайди. Шими бир замонлар ҳарбий галифе бўлганини илғаш мумкин. У оғзини очиб бир нарсаларни сўзлайди, аммо иккинчи қаватда, хона ичида ўтирган бошлиққа эшитилмайди. Одам турган ерида оёқларини кўтариб-босиб, ҳадеб айланади. «Ўйнаптими ёки исиниш учун шундай қиляптими?» деб ўйлади бошлиқ. Хонага унинг котибаси — ўзини ёш кўрсатиш учун анча-мунча ғайрат қилгани сезилиб турган ўрта ёшлардаги аёл кирди.

— Наташа, — деди бошлиқ, — анови одам ким, билмайсизми? — У дераза ортида ер тепиб, меровсираб юрган чувринди кийимли, ғалати кишини кўрсатди.

— Билмайман, — деди Наташа. — Аммо вокзалда мен уни тез-тез учратаман. Навбатчи милиционер уни бир неча марта ҳайдаб чиқарди. Кетади, кейин яна қайтиб келаверади.

— Нега ҳайдайди? — деб аччиқланди бошлиқ. — Ишлашга одам етишмайди, аммо бир одам, унча қари бўлмаган одам бу ерда соатлаб ер тепиб туради, лой пишиётгандай. Уни чақириб келинг. Мен гаплашиб кўрмоқчиман.

— Нималар деяпсиз, Василий Агафонович, мен ундан кўрқаман! — деди Наташа шоша-пиша.

— Нимага кўрқасиз? — Василий Агафонович қиёфасини ўзгартирмасдан сўради. — Бундай бечора одамлардан кўрқманг, Наташа. Улар ёмонлик қилишни билишмайди. Ясаниб-тусаниб юрган баъзи сирти ялтироқ, ичи қалтироқлардан эҳтиёт бўлинг.

Наташа қизарди. Бошлиқ унинг вокзал милиционери Осипов билан алоқасига ишора қилаётганини фаҳмлади.

— Боринг, Осиповга айтинг, шу одамни олдимга олиб келсин, — деди у аччиқланган товушда.

Бироздан сўнгра эшикда Осипов пайдо бўлди. Гурс-гурс қадам ташлаб, стол ёнига келди ва қўлини чеккасига тегизиб қичқирди:

— Ўртоқ майор, Шарман лақабли номаълум шахс буйруғингизга биноан келтирилди.

— Қичқирма! — деди бошлиқ. — Бугундан эътиборан мен энди ҳарбий одам эмасман. Менга «ўртоқ майор» деб мурожаат этма. Номаълум шахсларни аниқламоқ эса сенинг вазифанг... уф-ф, самогон бочкасини ютганмисан, нима бало! Нарироқ тур...

— Мен уни текширдим, — деди Осипов ва дарҳол орқага сурилди. — Ҳеч қандай ҳужжати йўқ. Қаёқдандир ҳарбий кийим топиб кийган. Бирон-бир жангчи берган чиқар.

— Тили борми? Гапирадими?

— Тили бор. Гапиради. Сўрадим. «Арман» ёки «Шарман» деган сўзни қайта-қайта айтиб, кулаверади. — Милиционер бармоғини чеккасига тираб, ўйнатди. — Мана буниси жойида бўлмаса керак. Бир неча марта ҳайдадим. Барибир қайтиб келаверади. Поезд келаётганини эшитиши билан перронга чопиб чиқади. Поездга қараб, яна ўзининг бояги сўзини айтиб қичқиради...

— Яхши, яхши. Олиб кир уни.

Милиционер ғоят ипириски кийимли, жигарранг кўзлари оловдек чарақлаб турган ўрта бўйли одамни ичкарига олиб кирди.

— Утиринг,— деди Василий Агафонович унга курси кўрсатиб. Аммо у ўтирмади. Қўрқув тўла кўзлари билан дам қаршисидаги салобатли одамга, дам милиционерга қаради. Милиционер уни курси яқинига олиб келтириб ўтқазди.

— Шарман, қалайсан? — деди у. Товуши ғоят хунук ва ёқимсиз эди. Эркакникига ҳам, аёлникига ҳам ўхшамайди.— Хах-ха-ха-ха!

Унинг томогига сўнгсиз кулги парчалари ўрнашиб қолгандек эди. Бу парчаларнинг узунлиги ҳам, теранлиги ҳам мутлақо бирдай: хах-ха-ха-ха! тўрт бўғиндан иборат. Бу одам ўз кулгисини жўмардлик билан ҳаммага, ўзига қараб қўйган ҳар бир одамга инъом қилади ва эвазига ҳеч нарса талаб этмайди.

— Яхши, биз сизга тегмаймиз. Отингизни, фамилиянгни айтинг,— деди вокзал бошлиғи.

— Шарман, ил эст этнанг, сехамме! — деди у чийиллаган товуш билан. Очиқ оғзининг бир четидан ип каби чувалиб тушган сўлагининг учи қорни устига келиб тўхтади. У яна чийиллади: — Шарман, қалайсан? Хах-ха-ха-ха!

— Шу Шарман дегани балки унинг отидир? — деди милиционер.— Кўринишидан бу ерликка ўхшамайди.

Йўлакдан, эшикнинг у тарафидан ўтиб кетаётган одамнинг оёқ товушлари эшитилди. Шарманнинг ранги ўчиб кетди, ўрнидан отилиб туриб, даҳшат билан эшикка қаради. Сўнгра Василий Агафоновичга ёпишди. Титраган кўли билан эшикни кўрсатиб: «Эшитаяпсизми? Ана, келаяпти, эшитаяпсизми?» деб пичирлади, қўрқув билан унинг пинжиги кирди.

Василий Агафоновичнинг бу увада остида титраётган нозик вужудга раҳми келди. «Ўсиб кетган соч-соқолигина уни гавдали қилиб кўрсатар экан, аслида қуруқ териси билан суяги қопти бечоранинг», деб ўйлади, кейин милиционерга буюрди:— Уни энди ҳайдаманг!.. Балки уни бу ерга излаб келадиганлар бўлар? Кўраяпсизки, у бу ерлик эмас. Устига, оёқларига бир нарсалар топиб кийинтиринг!

Милиционер Шарманнинг елкасига кўлини қўйиб, эшик томонга ундади. У тушунди. Йўлакда улар Наташага дуч келишди.

— Бу ўлакساني қандай кучоқлаб юрибсан? — деди Наташа афтини бужмайтириб.

— Биз энди у билан дўстмиз,— деб кулди Осипов.— Василий Агафонович уни ўзига муовин қилиб оладиган бўлди. Эгнига бир нарсалар топиб кийинтиришни буюрди.

Шарман Наташанинг жирканиб қараб турган юзига бироз эгилиб: «Шарман, қандай хотин!» деб қичқирди ва унга боягидек тўрт бўғинли кулгисини бағишлади.

Наташа сесканди, нари сурилиб уларга йўл берди. Осипов Шарманни бир кўли билан кучоқлагандай ушлаб олди, сўнг улар узун йўлак бўйлаб кетишди.

Василий Агафонович оғир ўйга толди. «Шарман деган от қайси миллатда бўлиши мумкин? Ҳар ҳолда, бу ерлик эмас, чеҳрасидан ҳам, талаффузидан ҳам кўриниб турипти. Балки Кавказ тарафдандир? Соқол-мўйлови қора, кўзлари ҳам уларга ўхшайди. Агар қозонхонани ишлатиб олсак, Шарманни у ерга қўйиш мумкин. Унинг ичида кичик хонача бор. Ҳам ишлаб, ҳам шу ерда яшар эди».

— Наташа,— деб чақирди у котибасини.

Эшикда Наташа пайдо бўлди. У сочлари чиройли қилиб таралган бошини виқор ва ноз билан кўтариб, бошлиғига қаради.

— Эшитаман, Василий Агафонович.

— Ҳозир, ўзинг биласан, яқин атрофда эркак қаҳат. Бу Шарман кекса кўрингани билан аслида унча қари эмас. Нар и борса қирқ ё қирқ бешга киргандир. Бир яхши, марҳаматли, инсофли аёл топилиб, уни ўз уйига олса, пушаймон бўлмасди,— деди Василий Агафонович ва Наташанинг унга аччиқланиб қараб турганини кўриб, у нимани ўйлаётганини тушунди. «Аслида бу ҳам сенга ҳайф», деган фикр ўтди ичидан, аммо унга бутунлай бошқа нарсани гапирди.— Балки шундай аёл топилар, агар суриштириб боқилса... Шарман тузалиб кетади. У, кўрганнгиздек, мунис, бечора одам...

— Йўқ! Мени ундай танишларим йўқ! — деди Наташа кескин.— Менга айтадиган бошқа гапингиз йўқми, Василий Агафонович?

— Йўқ.

Наташа қаддини тик тутиб, гавдасига ярашмаган думбаларини ўйнатиб жаҳл билан чиқиб кетди.

Вокзал биноси билан темир йўл орасидаги майдонда ўрта бўйли, ғариб,— одам қимирламай турарди. Кечаси ёққан юмшоқ қор атрофни қалин оқ чойшабга буркаган. Ил эриги куннинг ва ундан аввалги кунларнинг жумбоқлари ва фожиалари шу чойшаб ос.ида қолиб кетгандек. Вокзал майдони бўм-бўш. Тонгнинг аёзли сокинлигида тик этган товуш ҳам жаранглаб эшитилади. Бу ерда доим югуриб юрадиган одамлар бир ёқларга ғойиб бўлишган. Атрофда тез-тез учраб турадиган дайди ит-мушуклар ҳам кўринмайди. Ҳамма нарса — бинолар, қарағайлар, ортиқча йўлларда мунғайиб

турган қизил вагонлар улкан сукунат қўйнига чўмган ҳолда уйқусирамоқда. Фақат бўш майдон ўртасида типпа-тик турган ғариб одамга уйқу бегона. У бу кеча ухламади. Анавилардан қочди. Лекин бу ерга келганда қочишнинг фойдасиз эканини англади. Энди қочишнинг кераги йўқ. Олишмоқ, муштлашмоқ керак. Интиқом дақиқаси келди. Ғариб одамнинг юрагида интиқом туйғуси шу даражада кучли эдики, у ғазабдан бўғилиб-бўғилиб қичқирди. Душманини ҳаёт-мамот жангига чақирар экан, овозининг борича наъра тортди ва шиддат билан олдинга ташланди. Бир дақиқагача ғалати алпозда: оёқларини ерга кучи борича тираган, гавдасини бироз олдинга эгилтирган ва мушт туғилган қўлларини боши узра ярим кўтарган ҳолда қотиб қолди. Сўнгра ҳарсиллаб нафас олиб, ғоят оғир бир нарсани кўтараётган одам каби «А-а-а» деб хитоб қилди, шиддат билан ён томонга сакради, ҳарсиллаганича, эҳтиётлик билан яна олдинга юра бошлади. Оловдек пориллаб ёнаётган кўзларини бир нуқтага тиккан ҳолда секин-аста писиб борди, кутилмаганда хунук товуш билан яна «А-а!» деб қичқирди ва олдинга сакради. У ниманидир қучоқлаб маҳкам ушлади ва уни йиқитмоқчи бўлиб судрай бошлади. Бирдан қўллари бўшашди ва ўзи ҳавода бир марта айланиб, қорға юзтубан йиқилди. Йиқилиши билан яна қичқирди, сакраб турди, қайта йиқилди, ётган ерида чаққон эмаклаб, қор босган ўриндиқ остига бориб кирди ва у ерда жимиб қолди.

Вокзалда тўпланган кишилар ялангликдаги бу одамнинг ажабтовур ва тушуниб бўлмайдиган ғалати ҳаракатларига ҳайратланиб қараб туришарди.

— Ақлдан озган шекилли,— деди устига қўй терисидан тикилган пўстин кийган ва бошига шол рўмолга ўхшаган бир нарсани сириб боғлаган ўрта ёшлардаги бир киши лоқайд товушда.— Қип-қизил жинни бу... Бу совуқда бунақа нағма кимга керак?..

— Балки дўхтир чақириб керакдир?..

— Кеча ўлгудек ичган, бугун эса қутуряпти. Бундайларга дўхтир эмас, милиция керак,— деди кимдир.

Ҳалиги телба ўриндиқ остида у ёқ-бу ёққа ағанади, худди кўппак улиганга ўхшаган хунук товуш билан ғингшиди, дод солди, сўнгра ўриндиқ остидан чиқа солиб, муштларини бироз олдинга узатган ҳолда оҳиста қадам ташлаб, одамлар турган томонга кела бошлади.

— Қоч! Келаяпти, қоч!

Телбанинг шиддат билан ўзлари томонга тўғри келаётганини кўрган томошабинлар ҳар тарафга тисарилдилар. Одамларнинг тарқалиб кетгани унга сира таъсир этмади. У бутун гавдасини муштлашувга ҳозирлаган ҳолда майдоннинг четига келиб тўхтади. Жигарранг кўзларида яна оташ чарақлади. У бир муддат жим тургандан сўнг, хириллаган товушда «Мана сенга!» деди ва муштлари билан ҳавони ура кетди. У жуда тез ҳаракат қиларди. Баъзан яна ортга чекинади, сўнгра бирдан хириллаб, пишқириб олдинга ташланади, баъзан бутун гавдасини эгиб, оловли кўзлари билан бўшлиқни титкилаган ҳолда, жимиб қолади. Унинг бошидаги кир телпаги қаёққадири отилиб кетди, устидаги ёғ босган қора пахталиги бир неча жойидан йиртилди, у бунга аҳамият бермасдан ўзининг ғалати ҳаракатларини давом эттираверди. Дам ўннга сакрайди, дам ортга; думалаб тушади, дам ерга йиқилганидан кейин тўлғана-тўлғана кўппак овозига ўхшаган товуш билан чингиллайди. Бир сафар у чалқанча йиқилгандан сўнг анча вақтгача типирчилаб-хириллаб у ёқ-бу ёққа ағанаб ётди, оёқларини, қўлларини жони борича силкитди, нафас олиши шу даражада оғирлашдики, ҳаво билан ичидан чинқиришга ўхшаган овоз чиқар эди. Ниҳоят, у чалқанча ётгани ҳолда сурилиб-сурилиб, зўр-базўр скамейка остига бориб кирди. Кириши билан тинчиб қолди. У ердан яна ғингшиганга ўхшаган товушлар эшитилди. Бироздан кейин у скамейка остидан судралиб чиқди. Ўрнидан туриши билан пахталигини ечиб отди. Пахталик тагида ҳеч қандай кийим йўқ эди. Унинг ориқ бўлса-да, бир мунча чайир қорамтир баданидан буғ кўтаришарди. У кўзларини қаршисидаги қандайдир нуқтага тиккани ҳолда бурнини тортди, тумовланган товушда «ғағ-ғағ» деб йўталди, кейин эҳтиётлик билан қадам ташлаб олдинга кетди. Шу туришда у ўз ўлжаси устига отилагани йиртқични эслатар эди.

Рўпарасида турган аёллардан бири кўрққанидан «А-а!» деб қичқириб юборди ва чопиб кетди. Кетар экан: «У менга қаради!» деб жонҳолатда бақирди. Одамлар, ҳар эҳтимолга қарши, ортга чекидилар. Бу нусха бировнинг устига ташланиб қолмайди деб ким кафолат беради дейсиз? Ана, писиб келишини қаранг. Худди ҳеч ким кўрмайдигандек, яланг ерда бекинмоқчи бўлади-я!

У майдоннинг ўртасида тўхтади. Унинг турки кўрқинчли эди. Бу гал сас-садосиз ҳужумга киришди. Ҳавони шиддат билан муштлади. Кимнидир тутиб бўғди, силтади, урди, йиқилди-турди. Гоҳо «Сенми ҳали!» «Мана сенга!» «Мана!..» деб қўяди. У ногоҳ «гурс» этиб юзтубан йиқилди ва вокзал майдонини тўрт оёқлаб айлана бошлади. Баъзан тўхтаб, бошини қўллари билан тўсади, сўнгра яна эмаклайди, ерни муштлайди. «Мана сенга!..» «Мана!..»

Ниҳоят, бадани қонади. Яланғоч кураклари, кўраклари, кўрагининг у ер-бу еридан сизиб қон оқа бошлади. Энди у маълум бир доира бўйлаб айлана бошлади, у эмаклаб ўтган ерларда, қор устида қирмизи доғлар пайдо бўлди. Унинг боши, чап чаккаси ва юзида ҳам қон бор эди. У бутунлай мадордан қолганлигига қарамай, секин-аста

сурилар ва жон-жаҳди билан ерни муштар, инграганга ўхшаган овоз билан неларнидир сўзлар эди. Ниҳоят, у шошилмай ўрнидан турди. Ўзи ҳозиргина ётган жойга тикилиб қолди. Сўнгра чуқур хўрсинди. Бошини кўтариб, атрофга қаради. Одамлар қонли юзда чарақлаб ёниб турган кўзларни кўриб сескандилар, даҳшатдан оҳ чекдилар. Телба ғолиб бир қиёфада атрофга кўз югуртирди. Вужудидан кўтарилаётган буғ унинг ниҳоятда қизиб кетганини кўрсатар эди. У қонли юзини ҳар ёққа ўгириб, оловли кўзлари билан атрофга олазарак бўлиб турганда бирдан ранги оқарди, вужуди титради. «Оҳ!» деб қорнини тутди ва секин аста эгилди. Сўнгра яна бир марта: «Оҳ!» деб йиқилди.

— Нима бўляпти ўзи? — деб қичқирди темирйўлчилар шинели кийган киши.— У худди аллаклар билан уришаётгандай-а?

Телба чалқанча ётган ҳолда шундай типирчилаб бошладики, қараб турган одамларнинг унга раҳми келди.

— Бу ўйин эмас,— деб нидо қилди бир аёл.— У аллақандай кўринмас одамлар билан уришяпти. Ҳа, кўринмас одамлар билан! Қаранг, ҳозир уни ерга йиқитиб уришмоқда. Қаранг!.. Эркаклар, нега серрайиб турибсизлар? Қутқаринг бу бечорани!

У ётган ерида ҳамон типирчилайди, ағнайди. Унга яқинроқ борган темирйўлчилар шинели кийган киши нима қилишини билмай шошиб қолди. У эса, бу орада бир амаллаб қорни томонга ағдарилди ва шошганича, чаққонлик билан ўриндиқ остига кириб олди. Шиддатдан тўхтаб олмай, ўриндиқнинг темир оёғига бошини «тарс» этиб урди. Кейин анча вақт қимирламай ётди. Темирйўлчи шинели кийган киши аста ўриндиқ олдига келди ва эгилиб унинг тагига боқди. Бирдан додирлади ва орқасига тисарилди. У вокзал биноси томонга чопиб кетди.

— Нима бўлди?

— Нимани кўрдинг?

— Нега қочаяпсан?

Темирйўлчи шинели кийган киши вокзал биносининг эшигига яқинлашганидан кейин орқасига ўгирилиб, титраган овозда: «Кўзлари!.. Кўзлари жуда кўрқинчли!» деди.

— Вокзал бошлиғига хабар бериш керак,— деди кимдир.

— Анави милиционер қаерда?

— Уша Осипов деган куруқсавлат бу ерларни кўриқлар эди, ҳозир қаёққа ғойиб бўлди экан?

— У тўшагидан ҳали турмагандир,— деди хотин овози.

— Ҳай, ҳай, ўзининг тўшагидан бўлса гўрга эди...

Темирйўлчи шинели кийган киши вокзал биноси ичига чопиб кирди. Чаққонлик билан иккинчи қаватга кўтарилди. Вокзал бошлиғининг қабулхонасида котиба аёл сочини тараб ўтирарди.

— Наташа, Василий Агафонович келдимиз?

— Мана, ҳозир келди,— деди котиба аёл.— Нега бунча ҳарсиллайсан, Алексей?

— У — у ёқда,— деди у титроқ товушда ва бармоғи билан деразани кўрсатди.—

У ёқда жаҳаннам бўляпти. Бир одамни уришяпти. Наҳ бир соатдан бери уришади. Қутқариш керак...

Наташа шоша-пиша дераза ёнига келди. Ташқари боққан ҳамон «Вой!» деб қичқирди. Ташқарида бутун вужуди қонга беланган одам муштарини сиққан ҳолда турган ерида аста-секин айланмоқда эди. Кўзлари... Наташа унинг олов пурқаётган кўзларини кўрди.

Вокзал бошлиғи хонасининг эшиги очилди. Бўсағада Василий Агафонович пайдо бўлди.

— Наташа, нима гап? Нега қичқирдингиз? — деди у одатдагидек сокин товушда.

— Василий Агафонович, қаранг,— деди Наташа деразани кўрсатиб.— Анави телба одам сакраб-сакраб ўйнаяпти... шекилли.

Василий Агафонович деразадан қаради, бирдан ранги ўчди. Ташқарида ажабтовур ҳаракатлар қилаётган ярим яланғоч одамни таниди. Бу — Шарман эди. У юракларни титратувчи фарёдга ўхшаган товуш билан шундай ёмон қичқирдики, Василий Агафоновичнинг бадани жимирлади. Наташа «Вой онажоним» деб пичирлади.

— Бир соатдан бери шундай,— деди Алексей.— Аллақандай кўринмас одамлар билан уришса керак. Ёнига боришнинг иложи йўқ.

Ташқарида Шарман ҳамон шиддат билан курашмоқда. У фақат қўллари билан эмас, яланг оёқлари билан ҳам ерни уриб-тепади. Хириллаб нафас олади, ингради, оҳ чекади, гоҳ заиф сас чиқаради, аммо бирпас ҳаракатдан тўхтамайди. У бирдан эгилди ва кучи борича орқага чекинди. Букилган оёқлари билан ҳавони тепкилади. Василий Агафонович бу манзарани ўзича тасаввур этди: «Шарман рақибининг бошини эгилиб тутди, унинг боши энди Шарманнинг қорни ёнида, ҳозир у бошини кўтара олмайди, чунки Шарман уни тепадан босиб турибди. Бу ҳолда, албатта, унинг қўллари бўш эмас. Шунинг учун у рақибининг қорнига оёғи билан тепяпти. Худди шундай. Бундай ҳолда тегиш ноқулай, аммо бошқа чора йўқ. Ҳозир рақибини қўйиб юборади,

у гавдасини тиклайди, бу орада унинг жағига мушт билан тушириш керак, чунки анча вақт эгилиб турган одам бошини бирдан кўтарганда гангиб қолади. Яхшилаб мушт тушириш керак. Шарман бирдан қаддини тиклади ва муштарини шиддат билан соллаган ҳолда олға юриб кетди, яланғоч оёқлари ҳам бўш турмади. У бирдан чўнқайиб ўтирди ва қўллари билан қорни сиқди.

«Баракалла, Шарман, — деб ўйлади Василий Агафонович. — Худди разведка мактабида ўргатилгандек ҳаракат қилди. Рақиб қаддини кўтариши билан келиштириб жағига туширди, бир неча марта тепди, ерга йиқитди ва устига миниб ўтирди, икки қўли билан ёқасидан бўғди. Энди у таслим бўлади. Шарманни қара-я...» Бу орада Шарман кескин сас чиқарди, чўнқайиб ўтирган еридан отилиб кетди, судралиб бориб, арча дарахтининг орқасига яширинди ва ҳозир ўзи ўтирган ерга даҳшат билан тикилди. Сўнг яна вой-войлади, ачинарли товушда қичқирди, чалқанча ётиб, тўлғана бошлади. У ётган ернинг қори қизарди.

— Улар кўпчилик экан, — деб пичирлади Василий Агафонович.

— Кимлар? — деб сўради Наташа ҳайрат ичида.

— Улар! — деб пичирлади Василий Агафонович. — Олчоқлар!

— Нимани томоша қилаяпсизлар? — Бу милиционер Осипов эди. Унинг усти боши ялт-ялт йилтирар, соқоли тоза қирилган юзи жилмаяр эди.

— Улар кўпчилик экан! — деб қичқирди Василий Агафонович гулдирарган товушда. — Ёрдам бериш керак! Ҳамма менинг ортимдан, олға! — У зинапоялардан чаққон чопиб бораркан, ўнг қўли билан ўнг ёнбошини пайпаслади, аммо у ерда тўппонча йўқ эди.

Василий Агафонович, Осипов ва Алексей вокзал майдонига чопиб чиққанда Шарман бир амаллаб ўрнидан турган, хириллаб, бўғилиб у ёқдан-бу ёққа чопар, сирғаниб йиқилар, яна турар, қўлларини бошига қўйиб, улиганга ўхшаб қичқирар эди.

Василий Агафонович дарҳол унинг қаршисида пайдо бўлди. Уни тутмоқчи бўлгандай қўлларини икки ёққа ёйди. Шарман тўхтовсиз улиган ҳолда турган ерида депсинмоқда эди.

— Осипов, ўнгдан кел! — деб қичқирди Василий Агафонович. — Ўнгдан кел де-япман сенга!

Осипов Василий Агафоновичнинг ўнг тарафида пайдо бўлди ва унга ўхшаб қўлларини ёйиб, Шарманга яқинлашди. Шарман ҳамон шиддат билан депсинмоқда эди. Василий Агафоновичнинг миёсига яшин тезлигида: «Ҳар томондан ҳужум қилишмоқда, — деган фикр келиб-кетди. — Энди унга ёрдам бериш қийин».

— Алексей, — деб қичқирди у. — Алексей! Қаерда қолдинг?!

— Мен бу ерданман, Василий Агафонович.

— Чап томондан кел! Чаққон бўл! Уни кўплашиб урмоқдалар. Тез кел!

Алексей ҳам қўлларини ёйиб, турган жойида ўзича сакраб-сакраб ғалати ўйин қилаётган одамга яқинлашди. Фақат кўзларига қарамаса бўлгани. Аммо бу одамнинг бақрайган ва чарақлаб турган кўзларининг ифодасини кўрмаслик мумкин эмас эди.

Шарманнинг жиққа ҳўл вужудидан тинимсиз буғ кўтарилмоқда, буғидан эса «ғар, ғар» деган садолар чиқмоқда эди. Одамлар уни ҳар ёқдан ўраб туришига қарамасдан у ҳамон тўлғанади, олишади, инграйди, ўзини ўраб турган одамларни эса кўрмайди.

Василий Агафонович секин-секин яқинлашди ва бирдан уни қучоқлаб олди. Ориқ ва нозик вужуд энди унинг қучоғи ичида типирчилар эди. Нафас олиши шу даражада оғирлашганки, инграмасдан нафас ололмайди.

«Чида, дўстим, чида, — деди Василий Агафонович ичида. — Биз уларни енгамиз. Сен фақат чида. Бизни вақт даволайди. Вақт ва дўстлар. Мана кўрасан...»

Титраб турган вужудни нариги ёқдан Осипов ва Алексей ушладилар. Шарман яна бироз типирчилик қалтирагандан кейин, тинчланди. Юзида жилмайишга ўхшаган ачинарли ифода пайдо бўлди. Оғзининг четидан кўпikli қон оқди. У ҳушини йўқотди.

— Медпунктга олиб бориш керак, — деди Василий Агафонович.

Осипов ҳаракатсиз ётган вужудни бола кўтаргандай қилиб кўтариб олди. Унинг бунчалик энгиллигига ҳайрон қолди. Миёсига: «Улгандир, — деган хаёл келди. — Одатда ўлган одамлар энгил бўлади».

Василий Агафонович олдинда, Алексей орқада, Осипов эса қўлида Шарман билан ўртада одамлар қуршовида вокзал ёнидаги медицина бўлимига кетишди.

— Василий Агафонович, нима бўлди? — деб сўради медицина бўлимининг мудирини вокзал бошлиғини кўриши билан.

— Ашот Акимович, бу одамга шошилиш ёрдам керак, — деди у Осиповнинг қўлидаги одамни кўрсатиб.

— Ох-хо-хо! — деди Ашот Акимович. — Бу қандай бўлди? Худди жанг майдонидан ҳозир олиб чиқилгандек:

— Худди шундай, Ашот Акимович, биз уни ҳозир жанг майдонидан олиб чиқдик, — деди Василий Агафонович.

— Нималар деяпсиз ўзи? Шукрлар бўлсин, уруш тугаганига икки йил тўлди, — деди Ашот Акимович ва Василий Агафоновичга ҳайратомуз қаради. Сўнгра назарини

Осиповга ўгириб, сўзини давом эттирди: — Уни бу ёққа, тез ёрдам хонасига олиб кинг.

Шарманни узун кушетка устига ётқиздилар.

— Хирург чақиринг! — Балки тез операция қилиш керакдир, — деб қичқирди Ашот Акимович.

Врачнинг ёнидаги ҳамшира қиз чошиб кетди.

Тоғораларда иссиқ сув келтиришди. Ашот Акимович ва икки ҳамшира Шарманнинг баданини авайлаб ювдилар. Унинг бадани қон доғларидан тозалангани сайин Ашот Акимовичнинг ҳайрати орта борди.

— Товба, — деди у. — Бу одамни аллақандай оғир ва қаттиқ нарсалар билан уришган. Қон чиққан жойлари қўрқинчли эмас. У териси тирналган ёки сидирилган жойлардан чиққан. Аммо мана бу кўкарган ерларни кўраяпсизми? Оҳ-хо-о! Узиям метиндай йигит экан. Бу қадар зарбадан кейин... — Ашот Акимович Шарманнинг кўз қовоқларини кўтариб кўрди, қўлини ушлаб, томир уришини эшитди ва бирдан қичқирди: Акулина! Тез бўлинг, беморга дупликс укол қилиш керак!

Анча ёшларга бориб қолган ҳамшира аёл кулранг қути кўтариб чошиб келди ва беморнинг қўлига укол қилди. Ашот Акимович беморнинг қўлини олиб, анча вақтгача томирини ушлаб турди, сўнгра унинг қўлини оҳиста кушетка устига қўйди ва бояги гапини тўхтатган еридан давом эттирди:

— Айтмоқчиманки, бу қадар зарбадан кейин ҳам ҳаёти у қадар хавф остида эмас.

Беморнинг ҳамма ёғи ювилиб тозалангандан кейин уни чойшабларга, кейин жун одеялларга ўраб медицина бўлими ёнидаги бирдан-бир касаллар палатасига олиб кириб ётқиздилар.

— Гавдаси қаттиқ эзилган, айтмоқчиманки, жуда кўп куч сарф этган. Энди анча вақтгача ухлайди, уйғонганидан кейин дори берамиз, иссиқ овқат, иссиқ сут... бироз тузалганидан сўнг шаҳар касалхонасига жўнатамиз.

— Ташаккур, Ашот Акимович, ҳарҳолда, у энди омон қолади.

— Василий Агафонович, — деди Ашот Акимович, — сиз боя «биз уни ҳозир жанг майдонидан олиб чиқдик» дедингиз. Шундай бўлдимиз? Уни бунчалик урганлар қандай шафқатсиз одамлар ўзи? Билсам бўладими?

— Э-эй, Ашот Акимович, — деб хўрсинди Василий Агафонович, — унинг олишганини одамлар вокзал майдонида бир соатча кузатиб туришган.

— Фронтчилардан биронтаси кўрган бўлса, қараб турмас эди... мана бу фронт орқасида юриб семирган нусхаларни... Ҳарҳолда калтаклаганлар қўлга олингандир? Осипов ҳам шу ерда экан... Ундан унча-мунча безори қочиб қутулолмас,а?

Осипов ерга тикилганча индамади. Василий Агафонович эса яна хўрсиниб:

— Сизга буни қандай тушунтирсам экан, муҳтарам Ашот Акимович, — деди. — Бу тарих бироз бошқачароқ... Урганларни биз тутатимиз... Йўқ, тўғрироғи, улар қўлга тушмас одамлар...

— Қандай қўлга тушмас одамлар? Қачон бўлса, қидириб топиб, жазосини бериш керак. Унақалар одам ўлдиришдан ҳам қайтмайди.

— Сиз гапимнинг маъносини тушунмадингиз, Ашот Акимович, — деди Василий Агафонович.

— Нега тушунмас эканман?

— Айтмоқчиманки, у ўзининг хаёлий душманлари билан, яъни хаёлида уни доимо таъқиб этиб келган душманлари билан уришди.

— Демак, улар буни шу аҳволга келтиришдимиз?

— ...

— Мен тиббиёт кишисиман, биламан, руҳий хасталикларда ғалати ҳолатлар кўп бўлади. Аммо бунақаси, кечирасизлар, ақлга тўғри келадиган иш эмас.

— Ҳа, агар яккама-якка бўлганда, бу енгар эди, — деди Василий Агафонович бемор ётқизилган палата эшигига боши билан ишора қилиб. — Мен ҳам шундай бўлади деб ўйлаган эдим. Аммо улар кўпчилик экан. Бир одамга... бир неча киши бўлиб... Ўзи бир ногирон бўлса... — У яна нима дейишини билмай жим қолди.

Ашот Акимович кўзойнагини кўтариб, Василий Агафоновичга қаради. Сўнгра ҳамма нарсани тушунган каби «ҳа» деб қўйди ва кўзойнагини яна бурни устига энгаштирди.

— Ҳа, — деди у қатъий товушда. — Шафқатсизлик ёмон нарса. Бир одамни бир неча киши шу аҳволга келгунча... Бу, албатта, ваҳшийлик... — У яна кўзойнагини кўтарди. — Улар қанча киши эди дедингиз?

— Аниқ билмайман. Менимча, уч киши эди. Балки тагин кўп чиқар...

— Қизиқ... — врач ўйга чўмди. — Қизиқ. Улар кимлар экан? Балки фашистлардир-а?

— Бўлиши мумкин.

— Ҳа, фашистларгина шундай шафқатсизлик қила оладилар.

— Балки...

Хонага оқ халат кийган ўрта ёшлардаги киши кирди.

— Салом алайкум, дўстлар, тинчликми, нима учун жарроҳ чақиртирдилар?

— Кечирасиз, Аркадий Семёнович, — деди Ашот Акимович. — Бир бечорани бугун эрталаб жуда қаттиқ калтаклашибди. Аъзойи бадани бутунлай қон эди. Мен жарроҳ керак деб ўйлаб қўрқдим ва сизни чақиртирдим.

— Урган одамлар тутилдими? — деб сўради жарроҳ жиддий оҳангда.

— Ҳа, тутилди, — деб жавоб берди Василий Агафонович.

— Ундай бўлса, мен беморни бир кўздан кечирайин, тез қайтишим керак, — деди жарроҳ.

Улар учовлашиб, бемор ётган хонага киришди. Каравотда боши-кўзи чирмаб боғланган қирмизи юзли киши қимирламай ётарди. Хирург унинг томирини ушламоқчи бўлиб, қўлини узатди, аммо топа олмади. Савол назари билан Ашот Акимовичга қаради.

— Бизлар уни чойшабга ўраб ташладик. Қўллари ичида қолган, — деди Ашот Акимович. — Мен томирини ўлчадим. Яхши эди. Тамоман ҳолсизланган. Тахминимча, эртага шаҳар касалхонасига жўнатамиз.

Жарроҳ қўлини Шарманнинг чеккасига тегизиб, томир уришини ўлчади. Сўнгра паст овозда:

— Ҳа, аҳволи қўрқинчли эмас. Зарур бўлса, чақиртирарсиз, — деди.

Жарроҳ кетди.

Икки дўст — Ашот Акимович ва Василий Агафонович анча вақтгача медицина бўлими мудирининг хонасида тамаки чекиб, индамай ўтирдилар. Сукунатни Василий Агафонович бузди:

— Ашот Акимович, сиз медицинада янги одам эмассиз. Айтинг-чи, иш фаолиятингизда бундай ҳолга дуч келган ёки эшитган эдингизми? — деб сўради у.

— Бунақасини учратмаганман десам ҳам бўлади. Назарий жиҳатдан қараганда, бундай ҳодисалар учраб туради. Рухий хаста одамнинг миясида қандайдир касал нуқталар бўлади, шу нуқталар баъзан ҳаракатга кела бошлайди ва мия фақат бир тарафга, яъни шу нуқтада нима бўлса, шу тарафга қараб ишлайди. Бу одамнинг миясидаги шундай нуқтада уни таъқиб этган, яъни унинг соғлом ҳаётида таъқиб этган ёки жуда хафа қилган одамлар ҳақида хотира бор экан. Нуқта ҳаракатга келганда, бу одамлар жонланишади.

— У уларни кўрадимми?

— Кўра олади. Ҳатто ҳис этади ҳам. Хусусан, уни уришса, оғриқ сезади. Баданидаги шишларнинг аксарияти мана шу ҳаёлий ҳолатда бўлиб ўтган воқеанинг руҳий оқибатидир.

— Бечора, — деб хўрсинди Василий Агафонович.

— Сиз уни олишув вақтида кўрдингизми?

— Охирида кўрдим...

— Ҳўш, қалай?

— Бутун ҳаракатлари чинакам муштлашувдагига ўхшайди. Ҳеч қандай сунъийлик йўқ. Ҳаракатларида ҳатто мантиқ бор. Аввалига мен уни ҳазил деб ўйладим. Аммо кейин ҳаммаси ўзгарди. Улар кўпчилик экан. Бу бечора турган жойида шундай чирллаб айланиб, шундай ёқалаша бошладики, бу ҳақиқий фожиа эди... Бизлар чопиб бориб уни тутганимизда аҳволи жуда оғир эди.

— Эҳтимол бу контузиянинг ёки бошқа бир касалликнинг оқибатидир, — деди Ашот Акимович.

— Балки, — деб хўрсинди Василий Агафонович. — Айтингчи, бу аҳвол унда яна қайтариладими? Бордию қайтарилса, қачон?

— Буни айтиш қийин, — деди Ашот Акимович. — Агар уйғонганидан кейин, яна у «душманлари» билан олиша бошламаса, демак, кризис ўтган, анови нуқта ҳаракатдан тўхтаган бўлади.

— Қанча вақтда яна ҳаракатга келаркин?

— Балки умрининг охиригача ҳаракатга келмас. Балки бир неча кундан кейин яна бошланар. Буни айтиб бўлмайди... Сиз уни аввалдан билар эдингизми?

— Вокзалда бир неча марта кўрган эдим. Бир гал чақириб, гаплашмоқчи ҳам бўлдим. Бўлмади. Билишимча, у руҳий хаста, — деди Василий Агафонович. — Отини Шарман дейди. Бошқа ҳеч нарсани билмайди. Шундай, хаста. Туғмами ёки урушнинг оқибатими, худо билади.

— Ундай бўлса, уни шаҳар касалхонасига жойлаштириш қийин бўлади, — деди Ашот Акимович. — Бундай хасталарни ўз касалхоналарига, яъни жиннихонага юбориш керак.

— Ашот Акимович, илтимос қиламан, шошилманг, — деди Василий Агафонович. — Аввал ўзига келсин, тузалсин, кейин кўрармиз. Менимча, у бу ерда бекорга пайдо бўлмаган. У бу ерда кимнидир кутяпти. Менга шундай туюлди.

— Бўлиши мумкин.

— Сиз бу ерда уни неча кун ушлаб тура оласиз?

— Уч кун. Агар зарур бўлса, узоқроқ қолдириш ҳам мумкин.

— Ундай бўлса, уни бир ёққа юбормай туринг. Бу ердан чиқарадиган кунингизда менга хабар қилсангиз. Майлими? — деди Василий Агафонович.

— Майли. Албатта хабар қиламан, — деди Ашот Акимович.

Улар хайрлашдилар.

— Осипов хабар олиб туради, — деди Василий Агафонович эшик ёнига келганда.

— Маъқул.

Хаста иккинчи кунни тонгда уйғонди. Уйғониши биланоқ жилмайди. Ҳамшира бу хабарни дарҳол мудирга айтди. Ашот Акимович чопиб келди.

— Уйғондингми, кўзичоғим, — деди ёқимли овозда. — Мана энди биз сени бўшатамиз.

У ҳамширанинг ёрдамида беморни чойшаблар ўрамадан озод қилди. Шарман қип-яланғоч эди... Иссиқ кийимлар топиб уни кийинтириш керак. Аммо бундай қиш-қировли кунда иссиқ кийим қаерда топилади? У Василий Агафоновичга телефон қилди.

— Мен ҳозир бораман, — деди вокзал бошлиғи.

Василий Агафонович Шарманни кўриб қувонди. Унинг чиройи анча очилган, бада-нидаги, юзидаги кўкарган ерлар йўқолган, фақат тирналган, сидирилган жойлари қора-йиб турарди.

— Йигитнинг қони тоза экан, — деди Ашот Акимович мамнунлик билан жилмайиб. — Энди унга яхши овқат ва иссиқ кийим бўлса, тез тузалади.

Шарман гоҳ Ашот Акимовичга, гоҳ Василий Агафоновичга қараб жилмаяди, одеялга бурканиб олган бўлса-да, ўзининг яланғочлигидан хижолат чекади.

— Кийим масаласидан мен бирон чорасини ўйлаб топарман, — деди Василий Агафонович. — Менинг ҳарбийдан кийиб келган кийимларим, шинелим, телпагим, умуман бутун формам ҳали жудаям эскириб кетмаган. Улар Шарманга бироз катта келади-ю, зарари йўқ. Иссиқ бўлса бас-да. Овқат масаласида, ўзингиз биласиз, Ашот Акимович, мен ёлғиз тураман. Овқатни дуч келган жойда ейман.

— Хавотир бўлманг, — деди Ашот Акимович, — овқат масаласини биз бу ерда бир амаллаб тураемиз. Унинг чораси топилади.

— Саломат бўлинг, — деди Василий Агафонович.

— Сиз ҳам соғ бўлинг, — деди Ашот Акимович.

Улар, собиқ жангчилар, бир-бирларига миннатдорчилик билдиришиб, хайрлашдилар. Шу кунни оқшом Осипов Василий Агафоновичнинг ҳарбийдан кийиб келган бутун кийимларини бир бўғчага тугиб, медицина бўлимига олиб келди ва Ашот Акимовичга топширди. Шарман бошдан-оёқ ҳарбий форма кийди. У гапирмайди. Ўзига берилган ҳар қандай саволга жавоб сифатида фақат жилмаяди.

Уч кундан кейин Осипов ҳарбий кийим кийган Шарманни Василий Агафоновичнинг ҳузурига олиб келди. Шарман уят иш қилган одам каби нуқул жилмаярди.

Қишнинг ўртасида Қарағайли бекатидаги вокзал биноси ва вокзал майдонидаги дўконга иссиқлик берадиган қозонхона ремонт қилинди. Василий Агафонович Шарманни қозонхонага ўт ёқувчи қилиб қўйди. Буйруққа уни «Шарман Шарманов» деб ёзди.

Бошдан-оёқ ҳарбий кийим кийган Шарман унинг олдида одатдагидек жилмайиб турарди, бошидаги телпаги катта бўлгани учун нақ кўзигаче тушган. Узун шинелининг этаклари ерга тегади. Аммо у мамнун эди.

— Шарман бизнинг қозонхонада ўт ёқувчи бўлиб ишлайди, — деди вокзал бошлиғи милиционерга.

— Василий Агафонович, у қозонхонани ҳам, вокзални ҳам ёндириб юборади-ку, — деди Осипов ҳайратланиб. — Ўт ёқиш ишини бундай одамга ишониб бўлмайди.

— Ёндирмайди, сен кўз-қулоқ бўлиб турасан. Қиладиган иш тополмай тентираб юрибсан-ку. У ердаги ҳужрада яшайди, ҳам ўт ёқади. Ургатамиз.

Шарман олов ёқишни жуда тез ўрганди. Унга бир марта ёқиб кўрсатдилар. У «Шарман», «Шарман» дея куракда кўмир олиб, ўчоққа ташлади ва сўнгра «Қалай? Қойил қилдимми-а!» деган маънода дам Василий Агафоновичга, дам Осиповга қаради.

— Ишлаб кетади, — деди Василий Агафонович. — Бу ерга чироқ келтириб, уни баланд жойга, михга осиб қўйиш керак. Қоронғида қийналмасин. Бундан ташқари, Осипов, мана сенга икки юз сўм, бу ҳужранинг ичида тўшак, ёстиқ ва ёпинадиган бирон нарса бўлсин.

— Сиз мени бутунлай Шарманга қул қилиб қўйдингиз, — деди Осипов.

— Умуман, одамларга хизмат қилиш сенинг бурчинг, — деди Василий Агафонович. Ташқарига чиққандан кейин илова қилди: — Ҳозирча. Кўрайлик-чи, балки бундай бурч сенга оғирлик қилар...

— Мен «йўқ» демадим-ку... Бунинг нимаси оғир экан?..

— Шундай бўлсин. Бу бошқа гап.

Шарман қозонхонада ишлай бошлади. Осипов аввалига уни кузатиш учун тез-тез келар эди. Сўнгра унинг бошида ажойиб бир фикр пайдо бўлди. Аслида бу хаёл мияси-да қозонхона бурчагидаги кичик ҳужрани кўрган заҳоти туғилган эди. «Агар у хона би-



роз тузатилса, ясатилса, Наташа билан учрашишга зап қулай жой бўлади. Ҳам яқин, ҳам беҳавотир. Энг муҳими, Шармандан чўчимаса бўлади.

Шарман ўтёқарлик ишини беками-кўст адо этса-да, Осипов ундан тез-тез хабар олиб турди ва ўз режасини аста-секин амалга ошира бошлади. Тахта ҳужра ичини яхшилаб тозалади, ювди, кейин бўяди. Икки кишилик кенг тўшак, оқ чойшаблар, ёстиқлар ва бироз эски бўлса-да ёпиниб ётишга ярайдиган кўрпа олиб келди. Наташа Осиповнинг таклифига бошида кўрқди, қозонхонанинг ичини келиб кўргандан кейингина хотиржам бўлди. Қозонхонанинг ичи кенг, ёруғ ва иссиқ эди. Печка ёнида эски шалоқ кресло устида Шарман ўтиради. Печканинг пештоқидаги тоқча устида идиш-товоқ, бир қулоғи йўл қозон, қоп-қора човғум... булар Шарманнинг буюмлари. У ўчоқнинг оғзига қўйиб човғумни қайнатади, чой дамлайди, Наташа билан Осиповни беҳад қувониб сийлайди. Ҳамма иш кўнгилдагидек бўлди. Шарман тушунди шекилли, улар хонасига кирганда у тарафга бормасдан ўчоқ бошида ўтиради ёки ташқарига чиқиб, эшик олдида у еқдан-бу еққа юради. Доимий меҳмонлари ундан жуда мамнун эдилар. Бора-бора унга ўрганиб қолдилар. Бутун дунёни ахтариб, бундай нозик ишда Шарман каби тўғри келадиган кишини топиш мумкин эмас.

Ер курраси ўз ўқи атрофида тинимсиз айланади. Фасллар фаслларни, йиллар йилларни қувиб ўтади. Уруш жароҳатлари аста-секин тузалди, қаттиқчилик, муҳтожлик йиллари орқада қолди. Ҳаёт ўзгарди. Одамлар ўзгардилар. Аммо фақат Шарман ўзгармади. У ҳамон шу аҳволда. Кишда ўт ёқади, ёзда эса вокзал дўконини кўриқлайди. Аслида кишда ҳам қоровуллик қилади, аммо ёзда унга фақат шу ишгина қолади. Бекат аҳолиси, хусусан, бекат ходимлари Шарманга қаттиқ ўрганиб қолдилар. Ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар ўзлари кийиб келган ҳарбий кийимлардан айримларини унга инъом қилишади. Кимники уйда эскирган кийим ёки бошқа нарса бўлса, дарров Шарманни эслайди. Қисқаси, одамлар ташлаб юборишга кўзи қиймаган, ўзига ортиқчалик қилиб қолган буюмларини Шарманга келтириб беришади. Энди унинг қозонхонасида эски стол, эски диван, курсилар, турли-туман кийимлар, рўзғорга зарур ҳар хил нарсалар бор. Баъзан болалар: «Онам бериб юборди, Шарман амакинга бер, деб айтди», деб унга нон, чўчка ёғи, колбаса ва бошқа овқатлар келтиришади. Шарман берилган нарсаларнинг ҳаммасини олади-ю, лекин раҳмат дейишни билмайди. Раҳмат ўрнига: «Шарман, қандай нон?» ёки «Шарман, қандай колбаса?» дейди. Шарман ўзича тўқ ва мамнун яшайди. Наташа ва Осипов унинг доимий меҳмонлари ва дўстларига айланган.

— Шарманнинг Қарағайли бекатида кечирган саккиз йиллик ҳаёти давомида фақат биргина кўнгилсиз воқеа бўлиб ўтди. Шарман бир сира нарсаларни англаган ҳолда пулнинг қийматини ва сотиб олинадиган нарсанинг нархини билмас эди. Бекат бошлиғи Василий Агафоновичнинг танбеҳига кўра вокзал ичидаги буфет ва дўконларнинг сотувчилари Шарманнинг бу одатидан хабардор ва кўрсатган нарсани унга бергандан кейин қўлидаги пулдан тараклисини ажратиб олишар ва қолганини қайтариб беришарди. Аммо буни янги келганлар ёки беш дақиқага поезддан тушганлар билмас эдилар.

Бир гал, поезддан тушиб, айланиб юрган йўловчилардан бирининг қўлида рангли откриткани кўриб, Шарман унга мурожаат қилиб: «Шарман, қандай гўзал», деди. Йўловчи Шарманнинг қўлидаги бир даста пулни кўриб тўхтади. Бир қўли билан откриткани унга берди, иккинчи қўлини эса пулга узатди. Шарман унинг алмаштирмоқчи бўлаётганини тушунди. Пулни бериб, откриткани олди.

Буни кўрган шу ерли болалардан бири фўзиллаб вокзал бошлиғига чопди ва унга воқеани айтди. Бола у одам чиққан вагон номерини ва унинг ташқи қиёфасини таърифлади.

Василий Агафонович дарров телефонда кейинги бекат бошлиғи билан боғланди.

— Жиддий жиноят содир бўлди, — деди у. — Уғри сизнинг бекатингизга бораётган поезднинг тўққизинчи вагониди ўтирипти. Қорачадан келган, сочлари қора ва калта, оқ кўйлаги, қора галефе шими ва қора этиги бор. Кўзойнак тақади. Уттиз-ўттиз беш ёшларда. Дарҳол тутишингизни илтимос қиламан. Бизнинг милиционер навбатдаги поезд билан етиб боради.

Жиноят содир бўлса, жиноятчининг вағони ва унинг ҳамма белгилари маълум бўлса, уни тутиш қийин эмас. Навбатдаги бекатда поезднинг тўққизинчи вагонини махсус милиция бўлини маси кутиб олди. Ҳар эҳтимолга қарши, бошқа вагонларнинг эшикларига ҳам қараб турдилар. Қидирилаётган жиноятчи ҳеч нарсадан хабарсиз ҳолда вагон ичида карта ўйнаб ўтирган жойида қўлга олинди.

Шу бекатга бораётган иккинчи поездга катта лейтенант Осипов ва Шарман чиқишди. Бу Шарманнинг саккиз йил ичида Қарағайлини илк марта тарк этиши эди. Қаттиқ кўрқди. Титради. Осиповнинг ёнидан бир одам нари узоқлашмади. Доим унинг камарини ё бўлмаса кителанинг барини тутиб ўтиради, унга маҳзун-маҳзун боқади.

— Биз Қарағайлига қайтиб келамиз, — деди Осипов. — Сенинг пулингни оламиз қайтамиз.

Шарман тушунмади. Осиповга сўнгсиз илтижо билан боқиб тура берди.

Ниҳоят, улар навбатдаги бекатга етиб бордилар. Василий Агафоновичнинг телефон хабари орқали бу ердагилар бекат милиционери жабрланувчи билан биргаликда

келаётганини билиб, уларнинг истиқболига чиқишди. Осиповни улар билишарди, аммо унинг ёнидаги киши... Доимо Осиповнинг бирор ерини ушлаб, бироз энгашиб, писиб юради, одамларга кўрқув билан қарайди. Жиноятчи хона бурчагида ўтирар ва қандай ҳукм бўлишини кутарди.

— Сен бу кишининг пулини олдингми? — деб сўради ундан Осипов.

— Олдим, — деди кўзойнакли. — Мен унга рангли откритка бердим.

— Қанча пул олдинг?

— Билмайман.

— Етти юз эллик беш сўм бўлиши керак, — деди Осипов. — У бугун, сенга дуч келмасдан аввал ойлик олганди. Шу пул билан перронга чиққан...

Кўзойнакли йигит берган пулни санаб кўрдилар. Тўппа-тўғри етти юз эллик беш сўм. Пулни Осипов чўнтагига солди.

— Буни нима қилайлик? — деб сўрашди ундан милиционерлар кўзойнаклини кўрсатиб.

— Агар устимда мана бу форма бўлмаганда, уни яхшилаб дўппослар эдим, — деди Осипов. — Менга унинг кераги йўқ, йўлига кетаверсин. Аммо, аввал ўз ёнидан қайта билет олсин.

Осипов ва Шарман Қарағайлига қайтиш учун поезд кутиб турганда шу ерлик милиционерлардан бири оҳиста товуш билан Осиповдан сўраб қолди:

— Ёнингиздаги қандай одам ўзи? Нега доим сизни ушлаб туради, атрофга жавдираб қарайди?

— Бу менинг яқин дўстим, — деди Осипов, — Василий Агафоновичнинг ҳам қалин жўраси... Умуман, бизда вокзалда хизмат қилади.

Шу пайт иккинчи йўлда турган юк вагонлари бўйлаб келаётган одам кўринди. Унинг бошида темирйўлчилар фуражкеси, бир қўлида учи қайирилган темир, иккинчисида узун жумракли тунука чойнак. У киши ҳар бир ғилдиракнинг ёнида тўхтар, қўлидаги темир билан ундаги ёғ қути қопқоғини «ширқ» этиб очар, ичига тунука чойнақдан бир оз ёғ қуяр ва яна «ширқ» этиб бекитарди, сўнгра бошқа ғилдирак ёнига бориб, бояги ҳаракатларини такрорлар эди. У ўзининг ишини ана шу тарзда бажарган ҳолда перронда поезд кутиб турган одамларнинг ёнига келиб қолди. Осипов ҳам, маҳаллий милиционер ҳам унга эътибор беришмади. Шақиллаган сўз Шарманнинг диққатини тортди. У Осиповнинг енгини маҳкам ушлаган ҳолда ғилдиракларни ёғлаб, поезд бўйлаб келаётган одамга даҳшат билан тикилди. У киши бу тарафга ўгирилди: сарғиш юзининг ўнг томонидаги йирик қора холи оқшом қуёшида йилтиради. Шарман ниманидир хотирлагандек бўлди. Осиповга икки қўллаб ёпишди. Сўнгра ўша одамни кўрсатиб, хириллаган товушда:

— У! У! — деб қичқирди ва мадад истаган каби унинг пинжига суқилди.

— Сенга нима бўлди? Нимадан кўрқдинг? — сўради Осипов ва Шарманнинг бошини силади, елкасига қоқиб қўйди. — Ёнингда мен бор эканман, ҳеч нарсадан кўрқма, дўстим. Сен учун, керак бўлса, ҳамма нарсани қиламан, кўрқма... — Шу сўзларни айтар экан, Осипов Шарман тикилаётган тарафга қаради. Темир йўл ишчиси кўринди. — Бу одам шу ерда ишлайди, сенга тегмайди, — деди.

Осипов бояги ишчи турган томонга яна қаради. Ҳеч ким кўринмади. У бирдан сергакланди. Ёнидаги вокзал милиционерига қараб:

— Федик, ҳозир ғилдиракларга мой қўйиб юрган одам ким эди? — деб сўради.

— Бизда ишлайди. Кечаси ғилдиракларга мой қуяди, кундузи вокзалда санқиб юради. Насл-насабининг тайини йўқ дайдилардан бири. Уғирлик, товламачилик қилгани учун мен уни бир неча марта қамаб қўйдим. Аммо вокзал бошлиғи бўшатиб олди. Ишчи етишмайди. Кечаси ғилдиракларга мой қуядиган одам йўқ... Нега сўраяпсиз, а?

— Ўзим, шундай... Менинг дўстим уни кўриб, ҳаяжонлангандек бўлди.

— Бе-е, диққатга арзийдиган одам эмас. Кундузи унинг сархуш эканини ҳам, хушёр эканини ҳам билиб бўлмайди. Ҳамиша бировлар билан мушглашиб юради ва ҳамиша калтак ейди. Менга бу одам калтак ейиш учун бировлар билан атайлаб уришадигандек туюлади. У билан боғлиқ тўпалонларнинг ҳаммасида унинг ўзини ўлгудек калтаклашади. Умуман, ғалати одам. Ўрнига ишчи топилши биланоқ бўшатиб юборамиз.

— Ҳарҳолда қизиқ... — деди Осипов ва Шарманга қаради.

Шарман бояги одамнинг ғойиб бўлганини кўриб қувонди. Осиповнинг енгини кўйиб юбориб, кийимларини тузатди, кўйлагини шими ичига тикиб, камарини сириб боғлади. Уни диққат билан кузатиб турган Осипов оғир хўрсинди ва ўйчан товушда: «Дунёнинг ишлари...» деб қўйди.

Поезд келди. Улар вагонга чиқишди. Қарағайлига ярим кечада етиб келишди. Қозонхонада уларни Наташа ва иссиқ овқат кутмоқда эди.

Шарманнинг ҳаёти яна одатдаги изга тушди. У қандайдир ишлар билан машғул бўлиб, вокзал бўйлаб чопиб-чопқиллаб юради. Осиповга эса бир фикр тинчлик бермай қўйди. Қўшни бекатда вагон ғилдиракларига мой қўйиб юрган одамни кўриб, Шарман кўрқиб кетди. Демак, у одамни танийди. Қаердан танир экан? Агар шундай бўлса, бу

атрофда Шарманни биладиган фақат шу одам бўлади. Унинг ёрдамида Шарманнинг ким эканини билиб олиш мумкин. У ўз тусмолини Наташага айтди. Улар икковлашиб Шармандан сўрадилар. Шарман аввалига тушунмади, тушунгандан кейин эса йиғлай бошлади.

— Сен бунди Василий Агофоновичга айт, — деди Наташа. — Агар у одам бу ерга олиб келинса ва Шарман уни кўрса, балки танир.

— У нухсани келтириш қийин эмас, — деди Осипов. — Федикка қўнғироқ қилсам, икки соатда етказиб келади.

Осипов ўзининг тахминларини Василий Агафоновичга айтди. Вокзал бошлиғи ҳаяжонланди.

— Эй, Осипов, бундай ишни пайсалга солиб бўладими? — деди. — Дарҳол дўстингга телефон қил. Яхшиси ўзим гаплаша қолай. У милиционернинг фамилияси қанақа эди?

— Федик.

— Федик дегин. Ҳозир уни топамиз. Ҳозир...

У телефон дастагини қўлига олди.

Бир неча дақиқадан сўнг қўшни бекатнинг милиционери Федик телефонга келди.

— Федик, биродарим, сенга бир илтимосимиз бор, — деди Василий Агафонович титраган товушда. — Биласанми, бизнинг Осипов бундан бир ҳафта олдин сенинг бекатингга бир одам билан бирга борган эди... Ҳа, ҳа, шу ўғирлик масаласида. Ҳа, у бизнинг одамимиз, дўстингиз. Мана шу одам сизнинг бекатингизда ғилдирақларга ёғ қуйиб юрган кишини кўриб, қаттиқ ҳаяжонланган, ҳа, ҳа, шу одамни олиб, бизнинг бекатимизга келсанг, қўлимиз кўксимизда, вақтинги аяма, масала жуда жиддий... А?! Қачон? Кеча... Э-э... Ундай бўлса, нима иложимиз бор? Улимга чора йўқ. Майли, саломат бўл.

Василий Агафонович тушкун ҳолда телефон дастасини қўйди. Осиповга қараб:

— Кечаси поезд тагида қолиб ўлипти, — деди.

Улар жим қолдилар. Бундай пайтда бир сўз ҳам ортиқча бўлади. Шарманнинг кимлигини аниқлашга ёрдам берадиган ягона имкон ҳам шу тарзда қўлдан кетди.

Василий Агафонович пенсияга чиқди. Ўрнига келган янги бекат бошлиғига ишларни топширар экан:

— Бизда, бу ерда Шарман исмли бир киши ишлайди. Қозонхонада ўтёқар, дўконда эса қоровул. Дўкон ва қозонхона ёнма-ён бўлгани учун у икки ишни олиб боради, ўзи қозонхонада яшайди, — деди.

Янги бошлиқ ҳайрон қолди.

— Қозонхонада яшаш мумкин эмаслигини ўзингиз мендан кўра яхши биласиз-ку! У кўпдан ишлайдимми? — деб сўради.

— Тўққиз йил. Мен ишга келган вақтдан бери.

— Ундай бўлса, унга квартира бериш керак. Бола-чақаси йўқми?

— Бола-чақаси йўқ... Квартира бермоқчи эдик, бўлмади.

— Беришадими? Мен бу ишнинг чорасини топишга уриниб кўраман.

— Ўзи хоҳламади. У квартирада яшай олмайди. Илтимос қиламан, шу киши аввалгидек яшаб, ишлайверсин.

— Ҳеч нарсани тушуна олмаяпман.

— Масала шундаки, биз унинг ким эканини шу кунгача била олмадик. Ўзи айтиб беролмайди. Балки туғ а хастадир, балки... Менимча, бу урушнинг оқибати. Аммо жуда ҳалол ва меҳнаткиш одам. Мен вокзални усиз тасаввур этолмайман.

Янги бекат бошлиғи Вадим Тимофеев ўйга толди.

— Қандай бўлар экан? Катталар нима дейишаркин? Мен бир нарсая дея олмайман.

— Агар Шарманни ишдан бўшатиш керак бўлиб қолса, илтимос қиламан, дарров менга хабар берсангиз.

Тимофеев шундай қилишга ваъда берди. Василий Агафонович ҳамма билан хайрлашиб бўлгандан кейин қозонхонага кирди. У ерда Шарманнинг ёнида Наташа ва Осипов ҳам бор эди. Уларни кўриб, Василий Агафонович ҳайрон қолмади. Чунки уларнинг муносабатларидан кўпдан бери хабардор эди. Чўнтагидан уй адреси ва телефони ёзилган қоғозни чиқариб, қозонхона деворига михга осиб қўйди.

— Наташа, Осипов, сизлар олижаноб одамсизлар, бирон гап бўлса, Шарманни ёлғиз қолдирмайсизлар деб умид қиламан, — деди.

Улар бошларини эгиб: «Албатта, албатта», дейишди.

Василий Агафонович Шарманни қучоқлаб ўпди.

— Майли, дўстим, ҳозирча хайр, яхши қол, — деди. Наташа ва Осиповга қараб, — Бу қоғозда менинг адресим ва телефоним ёзиғлиқ. Зарур бўлса, хабар берарсизлар, — деди.

Шарманга тўққиз йил давомида оталик қилиб келган буюк инсон Василий Агафонович пенсияга кетди. Шарман бунди тушунди. Куюниб йиғлади. Бир неча кунгача индамай юрди. Аммо Наташа ва Осиповнинг доим келиб туриши унга тасалли берди. Унинг ҳаёти аввалгидек давом эта бошлади. Янги бошлиқ юқоридан кўрсатма бўлмагунча Шарманга тегинмасликка қарор берди. Шунга қарамай, ақлдан озган одамнинг бутун

бир бекатда бу қадар машҳур бўлиши сабабини сира тушуна олмади. Бу ерда Шарманни ҳамма танийди, ҳамма унга салом беради. Шарман кеча-кундуз вокзал атрофида юради, ким қандай иш буюрмасин, дарров бажаради. «Ҳарҳолда сирли шахс» деб хаелидан ўтказди янги бошлиқ.

Оромбахш ёз кунларидан бирида Шарман Осипов билан ҳам хайрлашишга мажбур бўлди. Уни бошқа шаҳарга, янги вазифага ўтказдилар. Демак, кетиш керак У ҳам бир парча қоғозга ўзининг янги адресини ёзиб Василий Агафоновичнинг адреси осифлиқ миҳга илиб қўйди. Шарман нима гаплигини дарҳол тушунди ва қўрқув, ўкинч билан Осиповга тармашди. Уни қучоқлаб, ўкириб-ўкириб йиғлади.

— Шарман, мен тездан қайтиб келаман, — деди Осипов. — Мана, Наташа бу ерда қолади.

Шарман ҳеч нарса демади. Йиғлаганича ташқарига чиқди.

— Сен Шарманга кўз-қулоқ бўлиб тур, — деди Осипов Наташага. — Уни ўйласам, юрагим ёниб кетади. Ажабо, нима учун тўққиз йил ичида уни ҳеч ким қидириб келмади?

Наташанинг Осипов билан хайрлашуви унчалик қийин кечмади. Осипов оилали одам эди, шу сабабли Наташа унга бутун юраги билан меҳр қўймаган, вақти-соати келиб муносабатлари узилишини яхши билар ва бунга кўпдан бери ўзини кўникириб келар эди.

Осипов ҳам кетгандан кейин Шарманнинг аҳволи жуда ачинарли бўлиб қолди. У анча вақтларгача ош-сувдан кесилди. Бир гал Наташа уни тўшакда алаҳсираб ётган ҳолда кўрди. Иссиғи баланд, кўзлари юмук, номаълум тилда, номаълум сўзларни айтар эди. Наташа дарҳол вокзал ёнидаги медицина бўлимига югурди. У ердан врачни ва ҳамширани олиб келди. Шарманга бирданига учта укол қилишди. Врач рецепт ёзди.

— Аспирин ва амидопирин, — деди Наташага қараб. — Аспиринни олдинга икки таблеткадан, амидопиринни эса бир таблеткадан ичсин. Унга иссиқ овқат керак. Бутунлай ҳолдан тойган.

Наташа врач айтган дориларни олиб келиб ичирди. Сўнгра вокзал ресторанига бориб овқат олди. Шарманнинг касал бўлгани ва врач иссиқ овқат буюрганини эшитган ошпазлар ҳаракатга тушиб қолишди. Катта товоққа бир неча хил таомлардан солишиб, Наташага:

— Сиз ҳозирча буларни олиб бориб туринг, биз янги товуқ пиширяпмиз, унга товуқ шўрваси яхши кетади. Уни ўзимиз олиб борамиз, — дейишди.

Наташа келганда Шарман ухлаб қолганди. Тердан вужуди жиққа ҳўл бўлиб кетибди. Бир текисда нафас оляпти. Наташа унинг ёнида, яъни у ётган хона эшиги ёнида туриб қолди. Бир маҳалда қозонхонанинг эшиги очилиб, икки ошпаз хотин ичкари киришди. Бирининг қўлида қулоқли қозон, иккинчисининг қўлида това.

— Мана, Наташа, буларни иссиқ-иссиқ ичириш керак, — деб қўлларидаги нарсаларни стол устига қўйишди. — Яна бирон нарса керак бўлса, айтсангиз, ҳаммасини топамиз.

Наташа қулоқли қозонни қўлига олиб, қаради: ичида хушбўй товуқ шўрваси ва товуқ гўшти. Товада эса қизартириб қовурилган картошка. Катта банка тўла шарбат.

Ошпаз хотинлар кетишди. Аввал Шарманни уйғотиш ва устига қуруқ кийим-бош кийдириш керак. Ҳўл кийимда ётса яна шамоллайди. У нозик ҳаракатлар билан уни аста-секин силкита бошлади. Ҳўл кўйлакни тортиши биланоқ йиртилиб кетди. Уни парча-парча қилиб ечиб олди. Кўпдан бери ювилмаган, кирдан оғирлашиб кетган туссиз ва ниҳоятда катта галифе шимни ечиш анча осон кечди. Наташа шимни икки почасидан ушлаб тортиди. Кўйлак ва шимнинг остида ҳеч нарса йўқ. Зотан, Шарманда ички кийим ҳеч қачон бўлмаган эди. Чунки одамлар одатда ички кийимлар ҳадя этишмасди. Шарман ҳам ички кийим кийиш лозимлигини билмайди.

Шарман шир яланғоч, чалқанча ётганича ухлар эди. Наташа унинг оппоқ ва силлиқ баданига ҳайрат билан боқди. Бундай ҳаёт кечирган одамнинг бадани бунчалик силлиқ бўлишига ишониш қийин эди. Хона бурчагида уйилиб ётган кийимлар орасидан бир кўйлак ва бир иштон топиб, Шарманнинг устига кийгизди. Уйғотишга кўзи қиймас ва овқатланиши зарурлигини ўйлаб, уни секин-секин силкитди.

Шарман сесканиб уйғонди. Кўзлари анча тиниқлашган. Чеҳраси эса сарғайган. Наташа унинг олдида иссиқ шўрвали қозонни келтириб қўйди. Шарман бир-икки қошиқ ичиб тўхтаган эди, Наташа агар ҳаммасини еб битирмаса ҳозир кетиб қолишини ва асло қайтиб келмаслигини айтди. Шарман гап нимадалигини тушунди ва қозон ичидаги шўрва билан гўштни паққос тушириб бўлмагунча бошини кўтармади. У бошини кўтарганда эса Наташа унинг вужуди тердан яна жиққа ҳўл бўлганини кўрди. Яна биттадан аспирин билан амидопирин ичирди. Уни тўшагидан турғазиб, хона ичидан олиб чиқди. Тўшакнинг ҳўл бўлган тарафини остига айлантириб қўйди. Қуруқ чойшаб топиб ёйди ва Шарманга ўралиб ётиш зарурлигини англатди. Шарман тихирлик қилаётган эди, аммо Наташанинг «энди қайтиб келмайман» деган сўзидаги мўъжизавий қудрат уни дарҳол бўйсунтиришга мажбур этди. У ётгандан кейин Наташа кўрпани яхшилаб ёпиб қўйди.

Шарман кечаси билан қимир этмай ухлади. Наташа тонгга қадар унинг ёнида ўтирди. Ешлиги, гўзаллиги ўтиб кетаётганини ўйлади. Олдинда қарилки ва ёлғизлик. Совуқ ва танҳо ёлғизлик. Унга энди котибалик ярашмай қолди. У ёқдан-бу ёққа югуриб юриш

оғирлик қилади. Ёш бошлиқ эса энгил оёқ қизлардан бирини ишга олишни хоҳлаб юрибди. У буни ҳозирча айтгани йўқ. Аммо тездан айтиб қолади. Наташани уйига яқин ердаги тикиш фабрикасига назоратчилик вазифасига таклиф қилишяпти. Урушдан олдин шу фабрикада тикувчи бўлиб ишлаган эди. Ҳам ойлиги яхши, ҳам уйига яқин. Лекин у кетса, Шарманнинг аҳволи не кечади? Тўққиз йил ичида биринчи марта касалланди. Энди у ҳам ёш эмас. Унинг бояги яланғоч ётганини кўз олдига келтирди. Шундай одамнинг бадани нима учун ипақдек нозик экан, дея кўнглидан кечирди.

Шу кеча Наташа қатъий қарорга келди. Эртагаёқ Шарманни ўз уйига олиб кетади. Унинг юзига қараб ўйлади: ажабо, бу одамнинг юзи қанақа экан? Соқол-мўйлови олинса, сочи тарашланса, чиройи очилиб кетса керак?! Эрталаб уни сартарошга олиб боради. Албатта олиб боради.

Кечаси билан Наташа ўз келажаги ва Шарман ҳақида ўйлади. Хилма-хил режалар тузди. Режалари бир-бирдан ойдин, бир-бирдан порлоқ эди. Тонг яхшилиқ келтиради. Эрталабга яқин Шарман ётган тўшакнинг бир чеккасига ётиб ухлаб қолди.

Тонгда Шарман соғлом ҳолда уйғонди. Чеҳраси сўлғин бўлса ҳам, кўзлари қувонч билан боқарди. Наташа унга банкадаги шарбатни тутқазди. Шарман бир литр шарбатни бир кўтаришда ичиб ётирди.

— Тоza ичинг ёнган экан, — деди Наташа. — Энди қалайсан?

Шарман унга шундай бир қувонч билан қарадики, Наташанинг юраги эзилиб кетди. Бу боқишда сўнгсиз миннатдорчилик ва ниҳоясиз садоқат бор эди. Наташа унинг бу қарашига бардош беролмасдан назарини четга олди.

— Тур, кийин, — деди Наташа ва ўзи хона ичидан чиқди.

Шарман хонадаги ашқол-дашқолларини титкилаб, минг бир ямоқли пахталик шим ва ранги ўчиб кетган гимнастёрка топиб кийди. У бахтли эди. Стол атрофига ўтириб, товадаги қовурилган картошкани бирга баҳам кўришди. Сўнгра ташқарига чиқишди. Вокзалда одамлар ғимирлаб қолган. Ҳавонинг ҳали салқин эканлигидан хавотирланган Наташа ичкаридан пахталик олиб чиқди. Яғири чиқиб кетган, яна қандайдир бадбўй ҳидларнинг маконига айланган жулдур пахталик. Шундай бўлса ҳам уни Шарманга кийдирди. «Зарари йўқ, — деб ўйлади ичида, — сен бу зормандани бугун охириги марта киясан».

Улар биргаликда сартарошхонага боришди. Уста Шарманни кўриб ҳайрон қолди.

— Наташа, сиз бу одамни бу ерга сочини олдириш учун олиб келдингизми? — деб сўради.

Вокзалда сартарошхона яқинда очилгани учун уста Шарманни танимас эди.

Наташа ҳеч нарса демади. Шарманнинг устидаги пахталикни ечди, лекин илгакка, сартарошнинг кўк макентоши ёнига осишга журъат қилмади. Уни буклаб, қўлтиғига тиқди. Шарманга креслони кўрсатиб:

— Ўтир, — деб буюрди.

Шарман кўз қарашлари билан унга ёлворди, маҳзун, маъюс тикилди. «Мени нима қилмоқчисан ўзи?» дегандек бўлди. Аммо Наташа шахтидан қайтмади. Ниҳоят, Шарман креслога ўтирди.

Уста қўлларини қовуштириб тура берди. Ниҳоят:

— Ўтқазишга ўтқаздингиз, аммо мен бу ишни қила олмайман, — деди совуқ оҳангда.

— Сиз бу ерда ишлашни хоҳлайсизми? — деб сўради Наташа кескин товуш билан.

— Бўлмасам-чи!

— Агар мени айтганларимни бажармасангиз, беш дақиқа ичида ашқол-дашқолингизни йиғиштириб, бу ердан жўнаб қоласиз.

Сартарош Наташани билар эди. Ҳарҳолда вокзал бошлиғининг котибаси.

— Яхши, — деди уста. — Айтганингиз бўлади.

— Ярим бокс қилиб сочини қолдилинг. Мумкин қадар калта бўлсин. Соқол-мўйлови ни батамом қириб ташланг, — деди Наташа.

Уста ишга киришди. Шарман ўтирган креслонинг атрофи соч-соқолга тўлиб кетди. Уста анча зўр берди. Ярим соатчадан кейин қаршидаги кўзгуда нозик қиёфали одамнинг ҳайратга тушган юзи намоён бўлди. Жағлари ичига ботган, орик, лаблари келишган, соқоли эса иродали ва қатъиятли одамларда бўлганидек, қаттиқ ва салмоқли эди.

Кўзгуда ўз қиёфасини кўриб Шарман бироз довдиради. Қўрқди. Унга тикилиб қолди. Ниҳоят, уста ишини битирди Шарманнинг бошига, юзига атир пуркади. Шарман ҳайрат ичида эди.

— Мана сизга хизмат ҳақингиз, — деб Наташа устага йигирма беш сўм пул берди.

Уста пулни олар экан, мамнун ҳолда таъзим қилди.

— Келиб туринглар. Бояги адабсизлигимни кечирасиз, — деди. Узи ишининг натижасидан ғурурлангандек, Шарманга қараб-қараб қўйди.

Улар яна вокзал майдонига чиқишди. Наташа Шарманни ўриндиққа ўтказди ва: «Қимирламай шу ерда ўтир, мен ҳозир келаман», деб чопиб кетди. У вокзал бошлиғининг олдига кириб, янги ишга ўтаётганини айтди ва шу муносабат билан бир-икки кунга рухсат сўради.

Тимофеев рози бўлди. Модомики, Наташанинг ўзи ишдан кетишга ҳозирлик кўраётган экан, буни эслатиб ўтиришга ҳожат йўқ.

— Яхши, борақолинг, шошилмасдан ўзингизга муносиб иш топинг, ўзим сизга энг яхши характеристика беришга тайёрман, — деди.

Улар автобусга тушиб, Наташанинг уйига кетишди. Ёнида Наташа борлиги учун Шарман қаёққа кетаётганларини сўрамади. Фақат вокзал майдонига узоқлашгандан кейин бир вақтлар Осипов билан юрганидагига ўхшаб Наташанинг ёнида, унга суйкалиб, сумкасининг боғини ушлаб турди. Осипов унинг бу одатини айтган эди. Шунинг учун Наташа ажабланмади. Кап-катта икки одамнинг бу тарзда туриши йўлсавчиларга эриш кўринган бўлса-да, Наташа бунга парво қилмади.

Наташа ота-онасидан қолган икки хоналик уйда яшар эди. Ҳовлиси ҳам анчагина кенг. Ёлғиз турадиган хотинларда бўлгани каби Наташанинг уйи ҳам саранжом-саришта, ҳамма нарса жой-жойида эди.

Уйга келиши билан Наташа ҳаммом ўчоғини ёқиб, сув иситди. Сўнгра Шарманни ечинтирди. Вужудидаги эркакка нисбатан мавжуд бутун марҳаматини ишга солиб, уни ювинтирди. Шарманнинг ёлворилишига, заиф қаршилиқ кўрсатишига қулоқ солмади.

Уларнинг иккиси ҳам роса терлаб-пишдилар. Наташа усти-бошини ечиб, фақат иштон ва сийнабанд билан қолди. Бутун қуввати, шижоатини сарфлаб, Шарманнинг баданини совунлаб ишқалади. Ниҳоят, иккиси ҳам ҳолдан тойдилар Шарманнинг бадани чўяндек қизарди. Наташа уни сочиқ билан яхшилаб артди ва тоза кийимлар келтирди. Унга отасидан қолган ич кийимларни, кўйлак ва шимни кийғазди. Сочини таради. Бошининг ўртасидаги ярғоқ жойни соч билан бекитди. Шундан кейин хонага кириб, асал солинган иссиқ чой ичишди. Шарман яна терлади, ич кийимлари ҳўл бўлди.

«Бутунлай ҳолдан тойган, ётиб дам олиши керак», деб ўйлади Наташа ва унинг ички кийимларини яна алмаштириб, ўз каравотига ётқизди. Шарман ухлаб қолди. Наташа унинг эски кийимларини ҳовлининг бир чеккасига олиб бориб кўмди, кейин овқатга уннади.

Шарман кун оққандан кейин уйғонди. Кўриниши яхши бўлса ҳам кўзларида бесаранжомлик сезилар эди.

— Нимадан кўрқаяпсан? — деди Наташа. — Бу менинг уйим. Энди бу ерда иккимиз яшаймиз. Сен розимисан?

Шарман бошини тескари қимирлатди.

Наташа унинг бирдан-бир яқин одами ва бирдан-бир таянчи эканига қарамасдан, бу уйда у билан бирга яшашга рози бўлмади.

— Нимага хоҳламайсан? — деб сўради Наташа.

— У ёқда поезд. У ёқда Шарман, — деди у.

Наташа Шарманнинг хоҳ кеча, хоҳ кундуз бўлсин, ҳар янги поезд келганда перронга чопиб чиқадиган одати борлигини хотирлади. Балки у бировни кутар, балки хотини, болачақаси бордир? Ундай деса, тўққиз йил ичида нега уни биронта кимса қидириб келмади? Агар биров келиб излаганда, уни албатта топарди. Чунки Шарман ҳар доим вокзалда, барча поездларни кутиб олади ва кузатиб қўяди. У ҳозирча Шарманга вокзалдаги ишидан бўшаб кетаётганини айтиб ўтирмади.

Наташа қозонхонадаги миҳга санчилган иккита қоғоз парчасини эслади. Агар у ҳам ўзининг адреси ёзилган қоғозни у миҳга санчиб қўйса, Шарманнинг ҳоли не кечади? У бутунлай хароб бўлади. Йўқ, у бундай қила олмайди. Энди умр охиригача бирга бўлишади.

Улар бирга овқатландилар. Наташа уни зўрлаб, авраб анча овқат едирди. «Ҳозир унга яхши овқатлар керак», деб ўйлади. Овқат орасида уйда бир шиша шароб борлиги эсига тушди. Бир стакан қуйиб берди. Шарман шаробни роҳатланиб ичди. Ёноқлари мағиздек қизарди.

— Яна ичасанми? — деб сўради Наташа. У бошини тескари қимирлатди.

Шарман яна терлади. Лекин бу сафар кўп эмас. Кўйлагини алмаштирмасаям бўлади.

— Уйимга келиб турасанми? — деб сўради овқатдан сўнг Наташа.

Шарман келишини билдириб, бошини астойдил тебратди.

— Менга қара, — деди Наташа товушини баландлатиб. — Сендан бир гап сўраганда бошингни лиқиллата берганинг нимаси? Тилинг билан, яъни овозингни чиқариб айт: «Келаман» де.

Шарман анчагина тиниқ товушда:

— Келаман, — деди.

— Сенинг отинг нима? Овозингни чиқариб айт.

— Шарман.

— Ана шундай, сенинг отинг Шарман. Менинг отим эса Наташа.

— Наташа, — деди Шарман.

— Яхши. Сени бошқалар Шарман деб чақиривади. Ёки сендан «Отинг нима?» деб сўрашади. Сен шу вақтда отингни айтишинг керак. Сен бўлсанг кўринганга «Шарман, қандай товоқ, Шарман қандай қошиқ», дейсан. Энди ундай қилма, тушундингми?

— Тушундим, — деди Шарман, — энди ундай қилмайман.

«Эх, қанийди у менинг уйимда яшаса, бутунлай бошқа одамга айлантирар эдим, — афсусланди Наташа. — Секин-аста ҳамма нарсани ўргатар эдим».

Наташа Шарманни бошдан-оёқ кийинтирди. У энди тамомила бошқа одамга айланди. Улар яна автобусга чиқдилар. Шарман аввалгидек Наташага суйкалаверган эди, Наташа:

— Мени ушлама, мана бу темирни ушлаб тур, — деб пичирлади.

Шарман унинг айтганини қилди.

Вокзал майдони кўриниши билан Шарман жонланди. Бу ердаги ҳамма нарса таниш ва ўзиники.

— Узим олдинга кираман, — деди Наташа автобусдан тушганларидан кейин ва ўзи югуриб вокзал биносига қараб кетди. Эгнида оқ кўйлак, қора жун костюм, оёқларида йилтираб турган қора ботинка... Шарман вокзал майдони бўйлаб бироз кезинди, қозонхонага кириб чиқди. У ер қоронғи эди. Юраги сиқилди. Перрон бўйлаб у ёқ-бу ёққа юрди. Ҳуштак чалмоқчи бўлди. Удалай олмади. Бу вақтда вокзал дўконининг сотувчиси Клава хола унинг ёнидан бир неча марта чопиб ўтди ва одамлардан: «Шарманни кўрмадигизми?» деб сўроқлади. Шарман ҳайрон қолди. Боя Наташа ўргатганларни хотирлагандек бўлди. «Бироз чақирганда жавоб бериш керак».

— Мен Шарман! — деди оқ халатли аёлга қараб.

— Ҳазиллашманг, гражданин, — деб жеркиди аёл.

Энди нима қилиш керак? У яна бир марта ўз отини айтиб қичқирди. Аёл унга қараб:

— Балки бизнинг Шарман сизнинг адашингиздир, ундай бўлса, сизни ишонтириб айтаманки... — аёл унга яқинроқ келиб, синчиклаб қаради. Ўхшатгандек бўлди. — Е раббим, жуда ўхшайди... Шарман, бу сенмисан?

— Менман, — дея жилмайди Шарман. Уни танишганидан хурсанд эди.

— Сенга нима бўлди, азизим, тузалдингми? — деди аёл йиғламсираб. — Энди бизда ишлайсанми?

— Ишлайман.

Аёл батамом танг қолди.

— Ундай бўлса... ҳозир дўконга мол келган эди... шуни туширишга ёрдам бермайсанми? — аёл бу сўзларни Шармандан кўзини узмаган ҳолда тутила-тутила айтди.

— Яхши, — деди Шарман ва дўкон тарафга кетди.

«Ҳам чиройли йигитга айланипти, ҳам бўйи ўсипти», деб кўнглидан ўтказди Клава хола унинг изидан қараб.

Шарман одатдаги жонбозлиги билан ишга киришди. Икковлашиб машина устидаги юкни бирпасда туширишди. Клава хола Шармандан кўзини узолмайди. «Анови куни касал дейишган эди, бугун эса бутунлай бошқа одамга айланипти», деб ўйлади.

— Шарман, хоҳлайсанми, бир шиша лимонад берайинми? — деб сўради Клава хола иш битгандан кейин.

Шарман бошини лиқиллатмоқчи эди, Наташанинг сўзларини эслаб, тиниқ ва ҳатто бироз кескин овоз қилиб:

— Йўқ, — деди.

Аёл ўнғайсизланди.

— Бўлмаса, нима берайин, ўзинг айт, — деди.

Шарман шароб шишасини кўрсатди. Аёлнинг юзи жиддийлашди. Шароб анча қиммат нарса, аммо Шарманга берса бўлади. Шунча йилдан бери у озмунча ишимга кўмаклашдими? У шароб шишасини олиб, пештахта устига қўйди.

— Ол, Шарман, ол азизим, бу сенга, — деди аёл.

— Йўқ, — деди. Шарман шишага қараб ўйланиб.

Аёл ажабланди.

— Узинг шароб сўрамадингми?

— Шароб сўрадим, — деди Шарман ва шишадан уни қандай қуйилишини кўрсатди. Аёл тушунди.

— Шундай демайсанми? Мана, ҳозир...

У пештахта устига стакан келтириб қўйди ва унга шароб қўйди.

— Ол, ич, жоним... Шунча йил ичида биринчи марта шароб сўрадинг. Бу эркаклар ичимлиги, унинг мазасини эркаклар билишади.

Шарман шаробни шошилмасдан, сузиб ичди. У ичар экан, дўкончи аёл: «Балки бу бизнинг Шарман эмасдир? Мени биров алдамаяптимикин?» — деган хаёлга ҳам борди. Шарман бўш стаканни пештахта устига қўйди.

— Тағин ичасанми? — деб сўради Клава хола.

— Йўқ, — деди Шарман.

— Тангри мададкор бўлсин. Саломат бўл, — деди Клава хола.

Шарман ўйлаб турди — турди-да, сўнг:

— Ҳўп, — деди ва чиқиб кетди.

Клава хола Шармандаги бу ўзгаришни ҳаммага ёйиб чиқди. Масалага сартарош аралашгандан кейин бунинг сабаби равшан бўлди.

Шарман яна ўз ётоғида яшаб юраверди. Илгаридан қилиб келган ишларини давом

эттирди. Лекин энди унга ҳеч ким эски кийимлар, қотган нон бурдалари келтирмайдиган бўлди. Одамлар орасида «Шарман тузалипти» деган гап тарқалди. Наташа ҳар куни бир неча марта келиб-кетди, у билан овқатланади, кечалари ҳам анча вақтгача унинг хонасида ўтиради, Шарманга қандай гаплашиш, ўзини қандай тутишни ўргатади. Шарман унинг сўзларини қувонч билан эшитар ва айтганларини тушунар эди...

Бир-бирини қувиб неча фасллар, йиллар ўтди. Уруш йилларида туғилган болалар вояга етди. Янги насал ҳаётга қадам ташлай бошлади. Қийинчиликлардан, қаҳатчиликдан зада бўлган одамлар энди фаровонлик, маъмур ҳаёт нима эканлигини тушунадиган, биладиган бўлдилар. Олға қараб дадил бораётган ҳаёт ҳар ерда, ҳар ишда ўз ҳукмини ўтказар, борлиқда кечаётган ҳамма воқеаларни ўз забтига олган эди. Аммо у шунчалик куч-қудратига қарамай, Шарман исмли кимсага таъсир кўрсатишдан ожиз қолди. Шарман ҳамон аввалгидек яшайди, ишлайди. Ҳамон аввалгидек бекатдан ўтган ҳар янги поездни чопиб-чопқиллаб кутиб олади ва кузатиб қўяди. Унинг бу одати энди ҳеч кимга эриш туюлмайдди.

Шимол томондан эсган совуқ шамоллар кулранг оғир бўлутларни ҳайдаб келтирди. 1954 йилнинг қиши эрта бошланди. Бир куни эрталаб одамлар Қарағайли бекати юмшоқ оқ қор билан бурканганини кўрдилар. Шарман Наташа келтирган пўстинни, қалпоқни ва кигиз пиймани кийди. Наташанинг қатъий талабига мувофиқ у ҳар уч-тўрт кунда сартарошхонага кириб соқол олдиради. Соқоли ўсиб кетса, ўзининг ҳам ғашни келади.

Шарман яшайдиган жой озода, иссиқ ва ёруғ. Улар оқшомлари алламаҳалгача Наташа билан суҳбатлашиб ўтиришади. Наташа иложи борича унинг ўзини гапиртиришга уринади ва айтганларини эслаб қолаётганидан қувонади. Хотин кўпинча унинг хонасида ётиб қолади. Улар суҳбат қила-қила бир-бирларини қучоқлаганча ухлаб қолишади. Аммо бутун муносабатлари шу билан чекланади. Наташа бола туғишни хоҳлайди. Бировларнинг фарзандини кўрганда юраги сиқилади. Болали бўлиш унинг энг эзгу орзу-сига айланган эди. Осипов билан неча йил дон олишдилар. Бола бўлмади. Шарман эса бу аҳволда. Қандай қилиб аёл боши билан ўз истагини унга англади? Шундай уйқусиз кечаларнинг бирида Наташа ўрнидан туриб шамни ёқди. Шарман одати бўйича қимирламай ухлар эди. Кечаси фақат поезд келганда уйғонади. Наташа бутунлай ечинди ва яна кўрпа остига кириб ётди, сўнгра Шарманни уйғотди.

— Тур, ечин,— деди.

Шарман ҳайрон бўлиб тикилди, аммо унинг айтганларини бажарди.

— Энди кел, ёт...

Шарман ҳам кўрпа остига кириб ётди. Улар бир-бирларини қучдилар. Ҳамма нарса ўз ўрнида бўлди.

Энди Наташа деярли ҳар куни Шарманнинг ёнида қолади. Шарман ҳам кун сайин тузала бошлади. Унинг одамларга муомаласи ўзгарди. Сўраган нарсаларга жавоб беради, баъзан ўзи ҳам савол беради. Одамлар ҳам Наташани Шарман билан бирга кўришга кўникиб қолишди.

Наташа вокзалдаги хизматини давом эттираверди. Шарманни кўзи қиймади. Бошлиғига: «Мен ўтмоқчи бўлган иш ҳали бўшампти. Яқин орада бўшаб қолади», деди. Тимофеев: «Агар истасангиз, мен ёрдам бераман, айтинг, қандай иш ўзи?» деб сўради. Аммо Наташа рўйхушлик бермади. Шундай қилиб, ойлар ўтди.

Ҳамма иш яхши кетиб турганда Наташа бирдан касал бўлиб қолди. Уни касалхонага ётқизишди. У бечора ўздан кўра кўпроқ Шарманни йлади. Қаерда эканини унга қандай қилиб билдирса бўларкин? Наташа касалхонадаги бир ҳамширага дардини айтиб, ялиниб-ёлворди. «Жоним, вокзалга бориб шу одамни топинг. Агар қозонхонада бўлмаса, шу атрофда юради. Дўкончидан ё бекатда ишлайдиган ҳар қандай кишидан сўрасангиз, сизга уни дарҳол кўрсатишади. «Наташа тезда келади, касалхонада ётипти» десангиз, ўзи тушуниб олади».

Ҳамшира эртасига вокзалга келди. Шарманни қидириб топди ва унга Наташа тайинлаган сўзларни айтди. Шарман унинг сўзларини англади-ю, аммо касалхона нима-лигини ҳеч тушуна олмади.

— Эртага келадими? — деб сўради.

Ҳамшира ажабланди.

— Йўқ, эртага келмайди, сизга айтаяпман-ку, тунов куни касалхонага ётқирилди.

— Эртадан кейин келадими? — такрор сўради Шарман.

— Ҳа, эртадан кейин келади,— деди ҳамшира.— Анчадан кейин, тузалгандан сўнг келади.

Шарман эртани тушунди. Эртадан кейин деганда у бириси кунни англади. Кутди. Икки кун унинг учун сўнгсиз узун муддат эди. Икки кундан кейин унинг телбаланишлари бошланди. Фикрлари ҳар томонга сочилиб кетди. Бирини топса, иккинчиси ғойиб бўлади. Охир-оқибатда ҳаммаси кетиб, фақат битта Наташа қолди. Шарман Наташани кутаётганини билади, бошқа нарсани англамайди. Бора-бора совуқни ҳам, иссиқни ҳам фарқламай қўйди. Дуч келган кийимни қияди. Увадаси чиққан, ниҳоятда катта га-



лифе яна эғнида пайдо бўлди. Туппа-тузук кигиз пиймасини киймай, оёқларига эски калошларни илди. Ялангбош, кир-чир босган, соч-соқоли ўсган, ғалати қиёфали бу одам кечалари кимсасиз перрон бўйлаб ҳаллослаб югуради ва «Шарман, поезд келди!» деб хунук, ҳарилдоқ товушда қичқиради. Совуқ авжига чиққан кунларнинг бирида Қарағайли бекатига пассажир поезди келиб тўхтади.

1954 йилнинг охириги куни, одамлар янги йил тараддудиди. Кимдир поезддан тушди, кимдир чиқади. Шарман эса, одатига кўра, поезд қаршисига чиқди ва перрон бўйлаб у ёқдан-бу ёққа чопар экан, ора-сира «Шарман, бу қандай поезд!» деб қичқиради. Ғала-ғовурга тўла вокзалда бу заиф товушга ҳеч ким қулоқ солмайди. Шарман эса, кўйлага йўқ, устида йиртиқ пахталик, кўзгу қаршисида турган каби, усти-бошини тузатган бўлади, яланг оёқларидаги эски калошларини шалоплатиб, зарур иши бор одамдек, у ёққа боради, бу ёққа келади ва ўзининг одатдаги сўзларини айтиб қичқиради. Унинг галдаги шундай қичқириқларидан сўнг ёнидаги вагон деразаси очилиб, аёл кишининг боши кўринди. Хотин Шарманга синчиклаб қаради. Дераза очилаётган пайтда чиққан овоз Шарманнинг диққатини тортган бўлса керак, у шу тарафга ўгирилди. Ўзига тикилиб турган аёлни кўрди. Уларнинг нигоҳлари бир лаҳза тўқнашди. «У-у-у, Шарман, қандай поезд!» деб қичқирди у кўппак улиганга ўхшаган титроқ товушда. Бу оз вақтдан сўнг шу сўзларни яна такрорлади. Хотин бирдан жонҳолатда:

— Юсуф бола! Юсуф бола! Бу сенмисан?! — деб қичқириб юборди. Қаршисида турган одам унинг хит бига эътибор бермаганини сезгандан кейин яна қичқирди: — Юсуф бола! Юсуф бола!!! — сўнгра бирдан ўкириб йиғлаб юборди. — Ё раббий! Бу нимаси? Юсуф бола! Эй, оллоҳ, бу нима қилганинг?..

Аёлнинг овози оламни ўртагудек эди. У нола чекиб йиғлар ва бир неча қадам нарида турган одамга илтижо қилар, ўзига чорларди. У эса жавоб бермасди. Бу орада поезд ўрнидан қўзғалди. Шарман қувониб қичқирди: «Шарман, поезд кетди!» Қўлларини шапиллатиб ўйнай бошлади.

Дераза ортидаги аёл талпинади. Уни қандайдир кучли қўллар тутиб қолишди. У: «Қўйворинг мени! — деб қичқирди ва яна деразадан бошини чиқариб, фиғонга тўла овозда:

— Юсуф бола! Мен қайтиб келаман! Албатта келаман! Мени кут!.. — деб қичқирди.

У яна кўп нола чекди. Поезднинг охириги вагонлари ўтиб кетгандан кейин ҳам у тарафдан юракни титратадиган аёл кишининг фарёди эшитилиб турди.

Шу пайт перронда юрган бекат ходимларининг баъзилари ўтиб кетган поезддаги номаълум аёл Шарманга қараб овози борича қичқирганини кўришди. Лекин у аёл бошқа тилда қичқиргани учун улар ҳеч нарсани англай олмадилар. Бекат навбатчиси ҳам бунга гувоҳ бўлди.

— Агар бу хотин шунчалик фарёд солиб Шарманга хитоб қилган экан, нега вагондан чиқмади? Ёки кейинги бекатда тушиб, бошқа поездда қайтиб келмади? Менимча, у Шарманни чақирмаган. Бирон шериги ташлаб қочгандир? Шундайлар ҳам учраб туради. Бизлар эса Шарманга қараб қичқирди деб тусмолладик, — деди навбатчи кейинчалик. Унинг тахмини ҳақиқатга яқин кўринди. Чунки орадан ҳафталаб ўтса ҳамки, бирон кимса Шарманни йўқлаб келмади.

Шарманни перронда ярим яланғоч ҳолда югуриб юришлари уни яна йиқитди. Ҳарорати кўтарилди. Куни бўйи тўшакда алаҳлаб ётди. Дўкончи хотин Клава хола Наташанинг уйига излаб борди. У ерда ҳеч ким йўқ. Демак, Наташа ҳали касалхонадан чиқмаган. У касалхонага борди. Наташа Клава холани кўриши билан:

— Шарманга бирон нарса бўлдими? — деб сўради.

— Шарман оғир касал, — деди Клава хола. — Жуда қаттиқ шамоллаган. Медпунктдан келиб укол қилишди. Фойдаси бўлмади.

Наташа ўзини касалхонадан дарҳол чиқаришларини талаб қилди.

— Мумкин эмас, — деди врач. — Муолажа ҳали битгани йўқ. Кетсангиз, яна аввалги ҳолга тушиб қоласиз.

— Шундай бўлса, дарров қайтиб келаман. Аммо мен ҳозир чиқишим зарур. Айтинг, кийимларимни беришсин, — деди Наташа.

Наташа ва Клава хола келганда Шарманнинг ёнида вокзал медпунктининг врач, ҳамшираси ва яна бир қанча одам бор эди. Наташа Шарманни қучоқлади, юзларидан ўпди. У оташ ичида эди.

— Дўхтир, бир чорасини кўринг, — деб ёлворди Наташа. — Унинг иссиғи жуда баланд.

— Гап фақат иссиғида эмас, — деди врач. — Унинг жигарлари шу даражада шамоллаганки, йўталганда туфугига қўшилиб, бўлак-бўлак бўлиб кўчиб чиқяпти. Кўчадаги совуқни кўраяпасизми? У эса бошланг, қуруқ бир калишда юрар эди. Бундай аҳволга инсон эмас, айиқ ҳам бардош беролмайди.

— Бирон чораси йўқми? — деб сўради Наташа даҳшат ичида.

— Энди кеч, — деди врач, — жуда кеч, унинг бутун вужуди тамом тугаб битган. Хоҳласангиз, ҳозир касалхонага олиб кетамиз.

— Шарман, жоним, сени касалхонага олиб кетайлик. У ерда тузаласан,—деди Наташа.

Шарман унга чексиз ёлвориш билан тикилди. Сўнгра хансираб заиф товушда:

— Йўқ,—деди.

— Дўхтир, айтинг, энди нима бўлади? — деб нола қилди Наташа юраги ўртаниб.

— Нафас олиши оғирлашиб боряпти,—деди врач.

— Аҳволи ёмон. Шу ҳолда уни жойидан кўзгатиш ҳам хавфли.

Наташа Шарманнинг боши узра эгилди.

— Шарман, жонгинам, айт, сен кимсан? Отинг нима?

— Шарман,—деди у Наташа ўргатган сўзларни эслаб.

— Бошқа отинг? Ҳақиқий отинг қандай эди?

Шарман бу саволни тушунмади. Унинг кўзлари нурсизланиб бормоқда эди.

— Фойдаси йўқ,—деди врач.— Бу одам аввалги ҳаётидан фақат бир «Шарман» деган сўзни олиб қолган. У ҳам ҳеч қандай маъно билдирмайди.

— Бизнинг фарзандимиз бўлади. Англаяпсанми? — деб қичқирди Наташа.— Мен уни сақлаб қолиш учун касалхонада ётган эдим.

Шарман тушунмади. Наташанинг сўзларини эшитмагандек эди.

— Наташа,—деди врач.— У эшитмаяпти шекилли. Қичқириб айтиб кўринг-чи.

Наташа йиғлаб, қичқириб айтди. Шарман кўзларини ундан узмаган ҳолда қимирламай ётарди. Наташа дам йиғлайди, дам Шарманнинг юзини ўпади. Юзи аввалгидек иссиқ эмас эди.

— Дўхтир, унинг иссиғи тушиб кетяпти,—деди Наташа.

— Демак... унга сув беринг, дарров сув келтиринг! — деб қичқирди врач.

Сув келтиришди. Наташа унинг ярим очиқ оғзига сув томизди. Шарман ютиниб ичди, қайтадан жонланди.

Шарманнинг юзига, кўзларига йиллар давомида сингиб қолган маъносизлик ифодаси бирдан ғойиб бўлди. Манглайидаги, ёноқларидаги чуқур ажинлар текисланди. Гўё унинг юзини доимо ачинарли қилиб кўрсатиб келган қандайдир парда кўтарилди, вужудини сиқиб турган кўринмас ҳалқалар уни тарк этгандек бўлди. У Наташага қараб жилмайди. Бу қарашда ва жилмайишда хотиржамлик, эркинлик, мамнунлик бор эди.

— Наташа,—деди у заиф товушда. Овози бошқача эди. Уни ушламоқчи бўлиб қўлларини кўтарди.— Наташа,—деди у такрор.

Наташа ўз болалари бўлишини айтди, қорнини кўрсатди. Шарманнинг ёноқлари қизарди, юзида жилмайишга ўхшаган чиройли ифода пайдо бўлди.

— Шарман, жонгинам, ўлма. Ёлвораман, ўлма,—деб пичирлади Наташа.

Шарманнинг бўғзидан денгиз гувиллашини эслатадиган бўғиқ товушлар чиқа бошлади. Оғзининг четларида кўпик кўринди. Кўзлари олайди, кўз қорачиқлари дам-бадам тепага қочиб кетади. Сўнгра у бирдан «Она!» деб қичқирди. Боши беозоргина ёнбошига бурилиб қолди. Кўзлари очиқ ва маъносиз эди. Наташа бошини чангаллаб йиғлади. «Э, худо, агар касалхонада ётмаганимда бундай бўлмас эди...» У анча вақтгача нола чекиб йиғлади. Кейин тинчиди, Шарманнинг кўзлари очиқ эканини сезиб, унинг совуқ юзини юқоридан пастга қараб силади. У кўзлар абадий юмилди.

Наташа билан Клава хола кечаси билан Шарманнинг ёнида ўтириб чиқишди. Бекат ходимлари навбатма-навбат келиб туришди. Ярим кечада Василий Агафонович келди. Шарманнинг жасади ёнида анча вақт сукут сақлаб ўтирди. Сўнгра Наташадан:

— Узи ҳақида бир нарса айтмадимми? — деб сўради.

— Йўқ,—деди Наташа.— Фақат «она» деб қичқирди. Бу отми ёки бошқа сўзми, билолмадик.

Врач Ашот Акимович ташриф буюрди. Василий Агафонович ундан сўради:

— «Она» деган сўзнинг маъносини биласизми? Шарман охири нафасида шу сўзни айтибди. Балки бу унинг исмидир?

— Мен шу ерда эдим,—деди врач.— Эшитдим. Туркий халқларнинг тилида бу «мама» дегани. У онасини йўқлади.

Тонгда Шарманни тобутга солиб, қабристонга олиб кетишди. Вокзал ходимларининг кўпчилиги уни сўнги йўлга кузатиб қўйди.

Кўп ўтмай, Наташа унинг қабрига кичик ёдгорлик қўйдирди ва устига: «Шарман. 1955 йил, 12 январда вафот этди», деб ёздирди.

Азизанинг борадиган ери белгилик. Қуёшли Ўзбекистоннинг Чирчиқ деган шаҳрига келмоқда. У ерда катта қурилиш кетяпти. Азиза жазо муддатининг қолган қисмини у ерда эркин ишлаб ўтказди. Бу хабар уни жуда қувонтирди. Ярим йилга яқин навбат кутди ва ниҳоят йўлга чиқди. Уни кузатувчи Донник деган фамилияли хуш табиатли ҳарбий одам билан тезда тил топишиб олди. Донник йўлда ҳарбий кийимларини ечиб, костюм кийди. Улар сафарга бирга чиққан одамлар сингари

дўстона суҳбатлашиб кетишди. Донник таги запорожьелик экан. У ёқда қолган хотини, икки боласини эслади.

— Сизни элтиб қўйганимдан кейин менинг ҳарбий хизматим ҳам тамом бўлади,— деди у Азизага.— Кейин армиядан бўшаб, Запорожьёга бораман. Урушдан аввал комбайнчи эдим! Тушимда доимо комбайн ҳайдаб, бугдой ўриб юрганимни кўраман. Оҳ, бу қанчалик лаззатли иш!..

Донник Азизанинг тарихини қисқача билар эди. Шундай бўлса-да, Азиза суҳбатга қўшилиш учун, бошдан кечирганларини гапириб берди. 1943 йилнинг ёзида уларнинг лагерида тиф касаллиги бошланганини ва жуда кўп одамларни олиб кетганини сўзлади.

— Мен ҳам кетиб қолаёздим,— деди Азиза,— бахтли тасодиф туфайли... Ҳалок бўлганларнинг ҳаммасини бир қабрга кўмишган. Шундай, қабрнинг тагига катта бир бўйра тўшаб, мурдаларни унга қатор ётқизишган. Иккинчи бир бўйрани уларнинг устига тўшаётганларида бечора Уйчан чопиб келиб қолган...

— Уйчан? У ким?

— Барагимиз атрофида яшаган бир кўппак. Бизлар унга Уйчан деб от қўйган эдик... Чунки кўзлари шу даражада ўйчанлик билан боқардики, гўё бу итнинг катта бир дарди бор эди. Аслида Уйчан ақлли ва садоқатли кўппак эди. Мен у билан кўп гаплашардим, ошхонадан суяк ва қолган овқатларни келтириб берардим. Уйчан ҳар доим менинг гапларимни сабр билан тинглар, бошини бироз қийшайтириб, қора кўзларини менга тикиб ўтирар эди. Мен гапимни тугатмагунча шундай ўтираверар эди. Бахтимга, ана шу Уйчан қаёқдандир чопиб келади. Усти ҳўл экан. Чуқур ичига тушиб, менинг бошим устига келиб силкинади. Унинг ўстидан сачраган сув томчилари менинг юзимга урилади. Кўзимни очиб, гавдасини шиддат билан силкитиб, ғингиб турган Уйчанни кўрдим. «У барак ичига кирмас эди, бу ерда нима қилиб юрипти», деб ўйладим ва: «Уйчан, кет бу ердан», дедим. Одамлар чопиб келиб, мени турғазишди. Ён-атрофимга қараб, нима гаплигини англаганимдан кейин ҳушимни йўқотдим. Лаззатда ўзимга келдим. Хона жимжит, ёнимда ҳеч ким йўқ. Деразадан эса Уйчан ҳасратга тўла кўзлари билан қараб турган экан. Мен деразанинг бир бўлагини очдим. Уйчан орқа оёқларига таяниб, олд оёқларини дераза тоқчасига тираганча менга қараб, инграганга ўхшаган ғалати овоз чиқарган ҳолда турар эди. Мен уни қучоқладим, ўпдим, эркаладим ва тўйгунча йиғладим. Бечора кўппак, бунчалик садоқатни қаердан олди экан? Боришим биланоқ хат ёзаман. Уйчаннинг аҳволини сўрайман... Оҳ, агар уни ўзим билан олиб келишга имкон бўлгандайди...

Ҳамма нарса жойида эди. Улар бир-бирларига ғалати ривоятларни; воқеаларни ҳикоя қилиб, вақт ўтказишарди. Шу тарзда Қарағайли бекатига келганларидан кейин Азиза перронда турган одамни кўриб қолди ва қичқириб юборди, ташқарига чиқмоқчи бўлди. Донник уни ушлаб қолди. Чунки поезд кўзғалай деб турибди. Азизани тайинланган манзилигача етказиб қўйиш унинг мажбурий бурчи. Ҳозир Донник бунга ўйлаганда афсусланади. «Таассуф. Нима гаплигини дарров тушунмай қолди. Ҳарбийчасига иш кўриш, ўзи ерга чопиб тушиб, бу афтодаҳол одамни кўтариб, вагонга олиб чиқиши керак эди. Шундай қилолмади, чунки бу воқеа бир неча дақиқа ичида бўлиб ўтди. Бундан ташқари, Азиза ўйлаган киши ана шу қўрқинчли қиёфали одам эканлигига ишонмади. У одам эса деразадан тўрт-беш қадам наридалигига қарамасдан, Азизанинг оламни бузиб юборадиган қичқариқларига эътибор бермади. Тушуниб бўлмайдиган ҳолат».

Донник дам ўзини койийди, дам оқлайди. Урушда, разведкага борганда «тил»ни тутиш ва уни белгиланган жойга олиб келиш учун икки ёки уч дақиқа кифоя. Донник бундай ишларнинг устаси эди. Ҳам фашистни кўтариш, ҳам чакалакзорлар ичидан чопиб ўтиш керак эди. Бу ерда эса, бор-йўғи беш-олти қадам наридаги одамни вагон ичига олиб кириш унинг учун ҳеч нарса эмас эди. Аммо шуни уddenалай олмади. Шошилиб қолди. Қўлидан келгани — Азизани вагондан ташқарига чиқармаслик бўлди.

Азиза анча маҳалгача гоҳ овоз чиқариб, гоҳ сассиз йиғлаб борди. Баъзан йиғлашдан тўхтади, сўнг яна бошдан бошлайди. Донник берган саволлар жавобсиз қолди. Гўё Азиза уларни эшитмагандек. Донник унинг бу одамни кимга ўхшатганини ҳам, у йўқлаган одам кимлигини ҳам билолмай қолди. Йўлнинг қолган қисмида Донник унинг овозини фақат бир марта эшитди. Азиза: «У бекатнинг номи нима эди?» деб сўради. «Қарағайли», деб жавоб қайтарди Донник.

Вагон ичида чопқиллаб юрган тўрт-беш ёшлардаги ўғил бола Азизанинг йиғлаб ўтирганини кўриб тўхтади. Унинг ёнига келиб «Буви, нега йиғлаяпсиз?» деб сўради. Азиза... Уттиздан ўтган, аммо ҳали қирққа етмаган, Азиза юрагини тирнаётган изтироб ичида боланинг ўзига «буви» деб мурожат қилганига ҳайрон қолди. Бу лаҳзаларда у бошидаги сочининг ярмиси оқариб кетганидан хабарсиз эди.

Азизанинг қиёфаси жуда тез ўзгарди. Сим-сиёҳ сочлари оқара бошлади. Чеҳраси сўлди, ёноқлари осилиб қолди, кўзлари ичига чўқди, атрофини ажинлар қоплади. Озиб-тўзиб кетди. Бир неча кун ичида рўй берган бу ўзгаришни кўриб, Донник ҳайрон қолди.

— У ҳеч қаёққа кетиб қолмайди. Боргандан кейин яна орқага қайтиб, у кишини қидириб топса бўлади,— деб тасалли берди Донник. Энди у ўз-ўзи билан сўзлашаёт-

гандек эди. Азиза уни тинглаяптими — йўқми, билиб бўлмасди.— Мен маҳаллий раҳбарлар билан гаплашиб кўраман. Сизга рухсат беришади...

Улар аввал Тошкентга келиб тушишди, сўнгра Чирчиққа йўл олишди. Донник бутун ҳужжатларни расмийлаштириб, қайтиб кетаётганда ҳам Азиза у билан хайрлашишни хоҳламади. Унинг узр сўраган оҳангда айтган хайрлашув сўзларига жавоб бергандек, шу воқеадан кейин биринчи марта Донник унинг кўзларига тикка қаради. Донник сесканди. Унга тикилиб турган кўзларнинг ифодаси бошқача. Бу нигоҳлар энди йўлга чиқишаётган пайтдаги ёш ва дилбар аёлнинг ҳаёт қувончларига тўлиб чарақлаган жозибали кўзлари эмас, балки анча ёшга бориб қолган, кексалик аломатлари очик кўриниб турган ҳорғин ва маъюс кўзлар эди. Улар сўнги йўқ қайғу ва алам билан боқмоқда эди. Донник бу аёл ўзини ҳеч қачон кечирмаслигини ҳис қилди. Нима қилсин, қайтишда самолётда учиши керак, акс ҳолда, ана шу бекатда тушиб, ҳалиги одамни суриштириб топар ва у чиндан ҳам Азизага яқин бўлса, бу ерга олиб келар эди.

Азизани ишчилар барагига жойлаштиришди. У иккинчи кундан қурилишда ишлай бошлади. Буюрилган ҳар қандай топшириқдан бўйин товламади. Оқшомлари пана ер топиб йиғлайди. Баъзи кечалари секингина ташқарига чиқади, салқин шамолга юзини тутиб, узоқ ўтиради ва тўйгунча йиғлашдан тўхтамайди.

Шу таразда ҳафталар, ойлар ўтди. Ҳавода илк баҳор нафаси сезила бошлаган кунларнинг бирида Азизага уни қандайдир одам қидириб юрганини айтишди. Барак олдидаги ўриндиқ ёнида узун бўйли, қора мўйловли, ўрта ёшлардаги бир киши тамаки чекиб турарди. Азиза унга томон юриши билан у тамакини ташлади ва чопиб келиб уни қучоқлади. Азиза нима қилишини билмай турган орада у киши:

— Азиза, мени танимадингми? — деб сўради.

— Йўқ,— деди Азиза ва секин сирғалиб унинг қучоғидан чиқди.

— Мен Неъматилла бўламан.

— Неъматилла?!

Энди Азиза унга ташланди.

— Неъматилла, ростдан ҳам сенмисан? — Неъматилла...— у заиф товушда йиғлаб юборди.

Неъматилланинг бу ерга келганига бир йил бўлган экан. Хотини Ҳавони ҳам, унинг ота-онасини ҳам топмапти.

Улар узоқ вақт гаплашиб ўтиришди. Неъматилланинг келиши Азизанинг руҳига мадор бағишлади. Неъматилла Юсуф боланинг энг яқин дўсти эди. Демак, у билан Юсуф бола ҳақида хоҳлаганча гаплашса бўлади. Аммо ҳозир эмас, кейинроқ... Улар қайта-қайта кўришдилар. Неъматилла Азизанинг ва Сафар Бахтиёровичнинг тарихини эшитган эди. Юсуф боланинг ҳарбий хизматга кетганидан ҳам хабардор экан.

Унинг:

— Юсуф бола ҳақида бирор нарса билмайсанми? — деган саволига Азиза қисқа қилиб:

— Йўқ,— деб жавоб берди.

— Сафар Бахтиёрович, эшитишимга кўра, сен бўлган ёқларда экан,— деди Неъматилла,— учрашмадингми?

— Йўқ,— деди Азиза.— У киши шу томонларда эканини мен ҳам эшитдим. Аммо кўриша олмадим. Бу ёққа йўлга чиқаётганимда уларнинг барагига бориб келишга рухсат беришди. Орамиз етти чақиримча эди. У ерда менга унинг қабрини кўрсатишди, сўнгра, ундан қандайдир қоғозлар қолганини айтишди. Барак кирдик. Кидирдик. Фақат бир неча саҳифасинигина топдик. Бошқасини печкага тутантириқ қилишпти. Араб ҳарфлари билан зич ёзилган саҳифалар. Шу саҳифаларни олдим. Қандайдир бадий асарнинг парчалари бўлса керак. Бу ёзувни у ёқда ҳеч ким ўқий олмади. Ўқиб кўрдим, бир нарса англашилмайди. Сенга бераман.

Неъматиллани топганидан кейин Азизанинг кўнглида бир режа пайдо бўлди. Унга йўлда Юсуф болани кўрганини айтса, балки бирга боришга рози бўлар.

Азиза ўз тахминида янглишмаган эди. Илиқ баҳор оқшомларининг бирида Неъматиллага йўлда, Қарағайли деган бекатда бўлиб ўтган воқеани айтиб берди. Неъматилла ҳайрон қолди.

— Балки сен янглишгандирсан? — деди.— Агар у одам ҳақиқатан ҳам Юсуф бола бўлса, нега сени танимади? Сен отини айтиб чақирганимда ҳам индамади?

— Билмайман,— деди Азиза.— Ҳеч нарсани билмайман. У урушда эди. Биз у билан ёзишиб турардик. Қирқ учинчи йилнинг куз ойларида алоқаларимиз узилди. Мен узоқ вақт касал ётдим. Кейин мени бошқа лагерга ўтказдилар. Унга ёзган хатларимнинг ҳеч бирига жавоб келмади... Аммо мен йўлда кўрган одам унга жуда ўхшар эди. Қайси жиҳатдан ўхшадини ҳам айтиб беролмайман, аммо мен уни чақирганимда Юсуф бола эканига аниқ ишонган эдим.

— Ҳозир ҳам ишонасанми?

— Ҳозир... ҳозир унчалик ишонмайман,— деди Азиза.— Балки у эмасдир... Кундан-кунга шубҳам ортади.

— У сенга ҳеч нарса демадимми?

— Нималардир деди. «Армон» деганга ўхшаган бир сўз. «Армон», қандай поезд» деб қичқирди ёки менга шундай эшитилдими?

Азиза ва Неъматилла қурилиш раҳбарларига мақсадларини тушунтирдилар. Гапга жиддий тус бериш учун Азиза:

— У менинг эрим,— деди.

Баҳор ҳали тамом бўлмаган, ёз эса яқинлашиб қолган бир паллада Азиза билан Неъматилла йўлга чиқишди. Азиза, ҳар эҳтимолга қарши, Юсуф боланинг ўзида бўлган расмларини ҳам олди. У бундан бир неча ой муқаддам йиғлаб ўтган йўли бўйлаб кетмоқда. Ун икки кундан кейин Қарағайли бекатига келиб тушдилар. Бекатнинг номига муносиб ҳар томонда узун-узун қарағай дарахтлари мағрур тизилишиб туришибди. Азиза Юсуф бола деб тусмол қилган одам турган жойни бориб топди.

— У одам мана шу ерда турган эди,— деди Неъматиллага қараб:— менинг вагоним анави ерда эди.

Неъматилла индамади. Улар Юсуф боланинг редакцияда ишлаган вақтларида, ҳарбий хизматда ва урушда тушган расмларини бекат милиционерига кўрсатишда. «Бу ерда сиз бундай одамни кўрмадингизми?»,— деб сўрадилар. Милиционер расмдаги одамни танимади. Кейин улар вокзал бошлиғининг хонасига киришди. Бошлиқ йўқ эди. Унинг котибасига расмларни кўрсатишди. У ҳам танимади. Туш маҳали бўлганда улар вокзал қаршисидаги дўкон олдига келиб тўхташди. Қарағай дарахтлари остидаги ўриндиққа ўтиришди.

— Мен дўконни қарайин-чи, агар сув бўлса, олиб келаман,— деди Неъматилла.

Дўкон ичида ҳеч ким йўқ, пештахта орқасида семизгина озода хотин мудраб ўтирарди. Неъматилла салом берди. Хотин ўрнидан отилиб турди, ножўя иш қилган одамдек кулимсиради.

— Кечирасиз, кўзим уйқуга кетиб қолипти,— деб сочини, бошидаги қалпоғини чаққон ҳаракатлар билан тузатди.— Бу ерда қиш бўлса совуғига чидаб бўлмайди, ёзда иссиғига.

— Сизда сув борми? — деб сўради Неъматилла.

— Лимонад бор,— деди хотин.— Ҳам яхши, ҳам муздеккина.

— Бир шиша лимонад беринг, агар мумкин бўлса, иккита стакан ҳам.

Неъматилла Азизани чақирди.

Улар дўкон ичида туриб, лимонад ичишди.

— Узоқдан келганга ўхшайсизлар,— деди сотувчи хотин.

— Узоқдан. Тошкентдан,— деди Неъматилла.— Сиз бу ерда кўпдан бери ишлайсизми?

— Кўпдан бери,— деди хотин.— Уруш бошланганда келган эдим. Маня, энди ўн беш йил бўлапти.

Неъматилла Азизага қаради. Азиза сумкасидан расмларни чиқариб, пештахта устига қўйди ва сотувчи хотинга:

— Илтимос қиламан, бу расмларга бир қаранг. Балки биронтасини танирсиз,— деди.

Хотин расмларни бирма-бир кўриб чиқди. Ҳеч кимни танимади.

— Менга бу ерлик одамларнинг расмларини кўрсатсангиз, ҳаммасини танир эдим. Булар бу ерлик эмас,— деди.

Улар мулоим аёлга ташаккур билдириб,— чиқиб кетишаётганда Неъматилла:

— Бизлар аслида шу ерлик одамни қидиряпмиз,— деди.

Хотин таажжубланди.

— Балки ҳарбийлардандир? — деди.— Улар кўп келиб-кетишади. Айниқса, уруш йилларида кўп эдилар. Қани, беринг-чи расмларингизни. Яна бир марта кўрайин.

Дўкон ичи анча қоронғи эди. Хотин расмларни қўлида ушлаган ҳолда ташқарига чиқди. Азиза билан Неъматилла ҳам унинг орқасидан эргашдилар. Хотин расмлардан бирига, Юсуф боланинг фронтдан йўллаган катта лейтенант кийимидаги расмига анча қараб қолди. Сўнгра:

— Жуда ғалати,— деди.— Бу одам мен билган кишига ўхшайди, аммо... Йўқ, бу мумкин эмас.

— Кимга ўхшайди дейсиз? — сўради Неъматилла.

Хотин такрор ғулдиради.

— Модомики, сўраяпсизми, билганимни айтаман. Аммо хафа бўлманг. Одам одамга ўхшайди. Мен уни бир марта кўрганимда... у бошқача эди.

— Қандай бошқача?

— Мана бу сизнинг расмингиздаги одамга ўхшар эди. Балки менга шундай туюлгандир... Ҳар ҳолда, хафа бўлманг...

— Айтаверинг,— деди Азиза сабрсизлик билан.

— Бу ерда бир телба одам бор эди. Телба деганимга ҳайрон қолманглар, ўзи жуда олижаноб, бировга зарари тегмайдиган, марҳаматли одам эди. Рисоладагидан зиёда яхши одам деб айтса бўларди. Дўконда қоровул эди... Биласизми, у қоровуллик

қилган йилларда дўкондан бир гугурт чўпи ҳам йўқолмади. Ҳозир эса... куни кечагина эшик олдидаги шишалардан бўшаган учта яшикни олиб кетишди. Ундан аввал...

— Оти нима эди? — Азиза қичқириб юборганини сезмай қолди.

— Оти Шарман. Ҳамма, ёш-қари, бола-чақа уни Шарман деб чақирарди.

— У ҳозир қаерда?

— Мана шу қишда қўйдик бечорани...

— Йўқ! — деб қичқирди Азиза ва турган ерида йиқилди.

Азиза ҳушига келганда ўзини Неъматилланинг кучоғида кўрди.

— Ўзингни қўлга ол, Азиза. Балки у бутунлай бошқа одамдир, — деди Неъматилла.

Сотувчи хотин уларни дўкон орқасидаги омборхонага олиб кирди, яшиклар устига ўтказди. Шундан кейин бориб дўконни бекитди ва ўзи кўп йиллар давомида билган Шарман исмли одам ҳақида ҳикоя қилиб берди. Ҳикоя даҳшатли эди.

— Ҳозир қозонхонада ҳеч ким йўқ. Хоҳласангиз унинг ётоғини кириб кўрайлик, — деди. Улар рози бўлишди. Атрофга оқшом қоронғилиги инган эди. Хотин керосин чироқни кўлига олиб, олдин юрди. Қозонхонанинг ичи катта ғорга ўхшаганди. Унинг тўрдаги бурчагида тахта хонача. Ичида эски кийимлар.

— У шу ерда турар эди, — деди хотин. — Булар ундан қолган кийимлар. Булар эса унинг буюмлари. — Хотиннинг кўзи девордаги миҳга илинган қоғозларга тушди. Улардан бирини олиб, овоз чиқариб ўқиди: «Мен Василий Агафонович Балашов, собиқ бекат бошлиғи, Шарман исмли одамнинг дўсти бўламан. Унга ёрдам керак бўлган тақдирда, хоҳ кечаси, хоҳ кундузи менга мурожаат этишингизни илтимос қиламан». Қоғоз остида уй адреси ва телефон ёзилган эди.

Хотин иккинчи қоғозни олди. Унда: «Мен милиция капитани Вадим Осипов бу қоғозни Шарманнинг яқин дўсти сифатида қолдирдим. Унга керак бўлсам, менга хабар қилишингизни илтимос қиламан. Менинг адресим: Белгород шаҳри, Садовая кўчаси, 17-уй», деб ёзилганди.

— Бечора Шарман Осиповни туғишгандек яхши кўрарди. У кетгандан кейин қаттиқ ичикиб, касал бўлиб қолаёзди. Яхшиямки, бахтига Наташа бор эди... — хотин бирдан тўхтади. Кейин: — Наташа! — деб қичқирди. — Албатта, Наташа сизга ҳамма нарсани айтади. Ақлимга нима бўлди ўзи? Наташани шу пайтгача эсламаганимни қаранг...

— У ким? — деди Неъматилла.

— Шарманнинг энг яқин одами. Энг яқин!..

Азиза хонача ичида қалашиб ётган кир ва йиртиқ кийимлар орасидан кирдан теридек қотиб қолган, ғоят катта галифе шимни тортиб чиқарди. Шимнинг чап томонида, тиззасига яқин ерда кўндаланг йиртиқ кўришиб турарди.

— У мана шу шимда эди, — деди Азиза. — Мен танидим. Мана, йиртиғи ҳам бор.

Азиза, Неъматилла ва сотувчи хотин кеч бўлганда Наташанинг уйига келишди. Эшикни тақиллатишди.

— Ким у? — деди ичкаридан аёл товуши.

— Менман, — деди хотин. — Клава холанг бўламан.

— Нима иш билан келдингиз, — деди заиф товуш.

— Эшикни оч, меҳмон бошлаб келдим! — деб қичқирди Клава хола.

Ичкарида чироқ ёнди. Кейин эшик очилди. Уларни анча ёшга борган, думалоқдан келган хотин кутиб олди.

Кирдилар. Утирдилар. Бир-бирларига қарадилар. Гапни Клава хола бошлади:

— Булар Тошкентдан келишипти. Сенга бир нечта расм кўрсатишмоқчи.

Азиза стол устига расмларни чиқариб қўйди. Наташа улардан бирини кўлига олиши биланок: «Шарман!» деб қичқириб юборди, расмни куксига босди. Кўзларидан ёш тўкилди. Укириб йиғлар экан, Неъматиллага қараб:

— Сиз уни танир эдингизми? — деб сўради.

— Жуда яхши билар эдик, — деди Неъматилла.

— Оти нима? Отини айтинг! — деди Наташа.

— Юсуф Ботиров.

— Юсуф Ботиров! — такрорлади Наташа. — Қандай чиройли исм.

Азиза гапга аралашмади. Унинг сўзлашга мадори йўқ эди. Ҳамма нарса маълум бўлганди. Юсуф бола ҳаётда йўқ.

Азизанинг ҳаддан зиёд ҳолсизланганини кўриб, каравотга ётқизишди. У кўзларини очиб, хонадаги одамларга тикилиб ётди. Уларнинг овозлари узоқдан зўрға эшитилаётгандек.

— Унинг расмларини олиб келганингиз жуда яхши бўлди, — деди Наташа. Кўпайтириб оламиз. Шарманнинг расми йўқ деб афсусланар эдим. Мана энди уларни кўпайтириб оламиз, фарзандим отасини сўраса, мен унга бу расмларни кўрсатаман.

У каравот устида ётган Азизага яна бир марта ҳайрон бўлиб қаради, кейин Неъматилла томонга ўгирилиб:

— Бу хотин Юсуфнинг кими бўлади? — деб сўради.

— Севгилиси. Улар турмуш қурадиган эдилар... Афсус, nasib этмади, — деди

Неъматилла.— Қишда бу бекатдан ўтиб кетаётганда Юсуфни кўрган. Таниган. Аммо Юсуф уни танимаган.

Наташа яна Азизага қаради. Азиза қонсиз юзини уларга ўгириб, қимирламай ётарди.

— Демак, у гап тўғри экан. Менга қишда бекатдан ўтиб кетаётган поезд вагонининг деразасидан бир хотиннинг Шарманга қараб қичқирганини айтишган эди. Демак, у сиз эдингизми?

Азиза ётган жойида кўзларини юмиб-очди.

Наташа чопиб бориб уни кучоқлади, ҳарорат билан ёноқларидан ўпди. Азиза, Наташа тегинган вақтда унинг салмоқли, думалоқ қорнини ҳис этди. Бу аёл танасида Юсуфнинг фарзанди вояга етмоқда. Демак, у яшайди... энди мутлақо бошқа одам бўлиб.

Улар иккиси Наташанинг уйида қолишди. Иккинчи кун Юсуфнинг қабрига бордилар. Цементдан қурилган уч бурчакли битиктош устидаги ёзувни ўқидилар. «Шарман. 1955 йилнинг 12 январида вафот этди». Азиза қабр ёнига тиз чўкди. Бошини унинг тупроғи устига қўйди. Бўғиқ товушда: «Юсуф бола, мана, биз кўришдик», деди. Укириб йиғлади. Кейин унинг қабри устидан бир ҳовуч тупроқ олиб, дастрўмолига ўради ва сумкасига солди.

Шу кун тушдан кейин улар Василий Агафонович Балашовнинг уйига боришди. Қария касал экан. Бу одамлар Шарманни излаб келганлигини эшитиб, анча жонланди.

— Мен билар эдим, бир кун ахтариб келишларини билар эдим. Бунга имоним комил эди,— деди Василий Агафонович.— Бечора Шарман...

— Юсуф Ботиров,— деди Наташа ва унга расмларни кўрсатди. Расмлар энди унинг сумкасидан жой олган эди. У бунинг учун Азизадан рухсат сўраб ўтирмади.

Василий Агафонович расмларга тикилди.

— Ҳа, бу бизнинг Шарман. Аини унинг ўзи,— деди, сўнг хаёлга толди.— Тушуниб бўлмайди. Қандай қилиб бу томонларга келиб қолган экан? Агар бу касалликни урушда орттирган бўлса, ёнида кузатувчиси бўлиши керак эди. Бундан ташқари, нега у бутунлай бошқа томонга юрган? Ёнида ҳужжатлари йўқ?

— Унга Шарман деган от қандай қўйилди,— сўради Неъматилла.

— Буни ҳеч ким билмайди,— деди Василий Агафонович.— Бу сўзни ўзи айтгани учун бошқалар уни шундай атай бошлади. Мен луғатларни кўрдим. Шарман дегани французчада ижобий маънода ҳайратни, таажжубни билдирадиган хитоб сўзи. Биздаги «Эй», «Вой» сингари.

Иккинчи, учинчи кунлари ҳам Наташа меҳмонларни кеткизмади. Улар кетиш ҳақида гап очишлари билан Наташа йиғлай бошлади. На чора, яна қолишди. Юсуфнинг қабрига янги обида қўйишди. Унинг устига: «Юсуф Ботиров (Шарман). 1910 йилда туғилди. 1955 йилнинг 12 январида вафот этди. Хотиранг юракларимизда абадий яшайди», деб ёздирди.

Азиза ва Неъматилланинг келганига бир ҳафта бўлганида Василий Агафонович Балашов оламдан ўтди. Уни Юсуфнинг ёнига дафн этишди. Улар ҳаётда дўст эдилар. Мозорга ҳам ёнма-ён қўйилди.

Азиза билан Наташа дўстлашиб қолишди. Азизанинг кўнглида Наташага нисбатан зиғирча ҳам ҳасад туғғуси йўқ. Аксинча, уни туғишганидек ёқтириб қолди. У Юсуф билан бирга бўлган. Вужудига Юсуфнинг боласини улғайтирмоқда.

Ниҳоят, улар айрилишадиган кун келди. Наташа Азизадан бир қадам ажралмайди. Улар вокзал ресторанига киришди. Мўлжалдаги поезд келгунча Юсуф билан Василий Агафоновичнинг хотиралари учун бир қадахдан арақ ичиб, тотиндилар. Улар ўтирган стол атрофига одамлар йиғила берди. Шарманни излаб келган меҳмонлар ресторанда ўтирганини эшитган бекат ходимлари бирин-кетин келиб қўшилаверди. Вокзал бошлиғи Пётр Тимофеев ҳам келди. Қўлига қадах олиб:

— Ҳаёти мана шу вокзал биноси, вокзал ҳаёти билан мустаҳкам боғлиқ бўлган икки олижаноб инсоннинг, икки Ватан аскарининг порлоқ хотираси учун! — деди.

Ҳамма уларни перронга кузатиб чиқди. Наташа Азизага осилиб шундай йиғладики, ўпкаси тўлиб турган Азиза ўзини ҳам унутиб, уни овутишга тиришди. Шу йилнинг охиригача албатта келишга ваъда берди. Меҳмонлар вагонларига жойлашгунча бекат бошлиғи поездни тўхтатиб турди. Одамлар Наташани Азизадан зўрға айириб олдилар.

Азиза ва Неъматилла вагон деразасидан қараб кўзларини силкитдилар. Улар чиққан вагон аввалги сафар Азизанинг вағони турган жойда турарди. Юсуф турган жойда эса ўнлаб одам уларга оқ йўл тилаб, кўлларини силкитишади. Ниҳоят, поезд жойидан кўзғалди. Чиройли қарағай дароҳтларига бурканган Қарағайли бекати секин-аста орқада қола бошлади. Хотира каби. Тарих каби.

Йўлда улар анча вақтгача чурқ этишмади. Ҳозир гап ортиқча эди. Улар ўн кун ичида бир инсон фожиасини — Юсуф бола фожиасини қайта бошдан кечирдилар. Бу фожа қаршисида уларнинг ихкаласи ҳам ожиз.

Поезд олдинга интилади. Қичқириб, ўкириб, харсиллаб, тун бағрини қилич сингари ёриб шиддат билан олға кетади. Олдинда уларни эски хотиралар билан тўла янги ҳаёт кутади.



Фарид Усмон

**СЕНИ ХОТИРЛАДИМ**

**САЛҚИН БУ ОҚШОМ**

\* \* \*

Шодлик қичқириғи керак оламга,  
Дунёга энг ўтли фиғон ғам керак.  
Шу ҳодисаларга гувоҳ одамга,  
Ҳамиша поқиза виждон ҳам керак.

Шунда англашилар шодлик ва қайғу,  
Шунда англашилар ҳалол ва ҳаром.  
Буюк Максим Горький айтгандек мангу:  
Мағрур жаранглагай ИНСОН деган ном.

Эрку адолат шу виждон ародир,  
Инсон бу манзилдан тушмасин йироқ  
Ким ўша манзилга ошиқар экан,  
Қўлидамас, тутсин — дилида чироқ.

### Ғариблик

Сувлар шилдираши юракка ором,  
Баргларнинг шивири руҳимга қувват.  
Сени хотирладим салқин бу оқшом,  
Кимларгадир насиб бўлган саодат.

Мунғайган кишини кўрганлигим бор,  
Мунғайган боғ энди кўринди фақат.  
Бу нима ҳолатдир, бу нима изҳор,  
Кимларгадир насиб бўлган муҳаббат?!

Масъуллик ҳиссини унутиб қўйдик,  
Барига қўл силташ бўлдику одат.  
Балки, бу сенинг бир катта айбингдир,  
Кимларгадир насиб бўлган саодат?!



Тилагим, ҳеч қуриб қолмасин ниҳол,  
Сўниб қолмасин бу меҳр-ҳарорат.  
Кундан-кунга топсин муҳаббат камол,  
Кимларгадир nasib бўлган саодат.


Бахт шунда эрур, бахтсизлик ҳам шунда,  
Боғдаги ҳар гул — дил очган жароҳат.  
Сени хотирладим мен ҳам бу тунда,  
Кимларгадир nasib бўлган саодат.

\* \* \*

Кундуз гўё бир оқ дарё, тўлиб-тўлиб оқади,  
Тун ҳам гўё қора дарё, тўлиб-тўлиб оқади.  
Кичкина бир вужудимиз тиним билмас эшакча,  
Умр эса шу дарёда қайиқ бўлиб оқади.

\* \* \*

Севгини мен англадим,  
        аввал Ватандан бошланар.  
Севги инсон улғайиб  
        ўсган чамандан бошланар.  
Севгидан сўзлар она  
        тупроқдаги ҳар бир гиёҳ,  
Лолаю райҳон сунбулдан,  
        сумандан бошланар.  
Ўйласам, порлоқ у офтоб  
        севгининг дебочаси,  
Севги ҳатто қишдаги  
        оппоқ тумандан бошланар.  
Рости, ҳар бир хонадон чин  
        севгининг илк мактаби,  
Ота-она икки жондан —  
        икки тандан бошланар.  
Севги бу — дўстларни англаш,  
        севги бу — халқни таниш,  
Ҳаммамиздан — сиз ва биздан,  
        сен ва мендан бошланар.  
Эй Фарид, қалбингга ишқ  
        берган Ватанга таъзим эт,  
Севги инсон улғайиб  
        ўсган чамандан бошланар.



Мақсуд Бекжон

## КЎКСИМДА БИР ДАЪВО ЯШАЙДИ

### Маврид

Мен байрам кутмайман, кутаман Маврид,  
Кунларни ташлайман чоҳга беомон.  
Баъзан ўзи келар Мавридим даври,  
Гоҳо мен бораман Мавридим томон.

Учраган ҳар чумчуқ эмасдир Анқо,  
Дуч келган тепалик Кўҳиқоф эмас.  
Маврид ҳам Анқодай — ягона, танҳо,  
Ҳеч ким Маврид келса, «бемаврид» демас.

Ҳануз «алмисоқ» деб аталар тарих,  
Ҳамон Маврид узоқ ўтмишимиздан.  
Тарихни унутдик ва тарих сари  
Йўл олдик қайта биз шу кўҳна издан.

Ҳали кўп чўраклар<sup>1</sup> кетади зое,  
Кўп сувлар оқади биёбонларга.  
Ахири ўзгарар иқлим авзойи  
Ва Маврид келади бу ёбонларга.

Фақат, таниб олсак бўлди биз уни,  
Фақат, татиб кўрсак бўлди тузини...

### Риторик шеър

Бир пайса...  
Икки,  
Уч,  
Тўрт пайса...  
Кушойиш берса-ю, шу хил кўпайса...  
Ривож берса ишимизга, ўнганса аъмол,  
Зирҳли фикр қуёш каби кўрсатса жамол.

<sup>1</sup> Чўрак — кулча, нон (Хоразм шеваси).

Захиралар ишлатилса қалбларга чўккан,  
Захиралар ишлатилса — қалбдаги бўккан.  
Жужуқларга роз айтсак биз тенг кўриб ўзни  
Ва ўргатсак уларга биз ЭРК деган сўзни.

Уч пайса,  
Тўрт пайса,  
Шу тарзда кўпайса:  
Идрок,  
Мудроқ бир майлдан келиб устувор.

Заҳматкаш англаса меҳнат нелигин,  
Бахтсизлик нелигин англаса бахтсиз,  
Кўр эмаслар кўрса,  
Эшитса қулоғи кар бўлмаганлар.

Беш пайса,  
Тўрт пайса,  
Уч пайса...  
Шу алфоз камайса:  
Моғор босган матлаб,  
Занглаган хотир,  
Ўргимчак инига бурканган вужуд.

\* \* \*

Сен ҳам ўзинга хос жажжи бир шоҳсан,  
Сен ҳам юрт сўрайсан, қалбингдай катта.  
Мулкинг юрагингдай кенг, аммо,  
Шаҳсан ўзинг бошқарасан бу мулкни, аттанг.

Аттанг, фарқламайсан: кимдир фуқаронг,  
Ким у, ўнг қўлингда ўтирган вазир.  
Салтанат — юрагинг — кенг, аммо, аранг  
Сиғар бу ўлканга мен қилган назр.

Бугун мен дайдирман, беқут, беватан,  
Сенинг юрагингдан бўлиб бадарға:  
Лекин мен.. Қувғинди бўлсам ҳам зотан,  
Мен жимман —  
Ватанни бўлмайти қарғаб.

## Риёлар диёри

Тинмай таъқиб этар сени мусибат,  
У сени пойлайди ҳар муюлишда.  
Қиёфанг ўзгарар — кўримсиз ва бад,  
Сира ҳоримайсан сочинг юлишдан.

Тақводор кўзига кўринган жиндай,  
Кўнгилда йилт этган бадбин хаёлдай  
Ва ёки тузилиб, бузилган индай,  
Номуси топталган ғариб аёлдай

Қарайсан... минора каби сўққабош  
Илдизсиз янтоқдай (йўлларинг оқдай),  
Ўчоғинг ўтсиздир, ўчган чўққа бош  
Урасан, юрасан, турасан — ҳақдай.

Ким нимага лойиқ — яратган билар,  
Сенга раҳм қилмоқ — тайинсиз юмуш.  
Фақат юрагимни бир оғриқ тилар,  
Фақат тугилмоқда оғриқдан бу мушт.

### Мунгли нарсалар

Дунёдаги энг мунгли нарса  
Шамғалат қилинган кўзлардир,  
Ундан мунгли нарса йўқ.  
Мабодо,  
Мабодо,  
Ундан-да мунглироқ нарса бор бўлса,  
Агар мавжуд бўлса шундай бир қайғу,  
Билингики, у — Бахтдир,  
Шамғалат қилинган кўзларда акс этган.


### Мустақил туйғу

Кўксимда бир Даъво яшайди қаримас,  
У сира тан олмас мағлуб ё ғолибни.  
Токи, у бор экан, кўксимдан аримас  
Некбинлик — у бузар истаган қолипни.

Ўзича кун кўрар бу қайсар иддао,  
Бироқ у тажриба орттирмас ҳеч қачон.  
Мендаги орзу ва ундаги муддао,  
Бир жойга талпинар, мисоли яхлит жон.

Ўйлайман баъзида: «бу Даъво ўринсиз,  
Даъвонинг кўзи кўр, қулоғи гарангдир!..»  
Аммо у интилган манзилни кўринг сиз —  
Интилган нарсаси — омонсиз бир жангдир.

Қариган кўксимда навқирон бир Даъво...



Абдуқаҳҳор Иброҳимов

## ИККИ ҲИКОЯ

*Ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов 50 ёшга тўлди. У Тошкентнинг Кўкча мавзеида туғилган. 1957 йили Қўшутдаги 24-мактабни тугатиб, 1957—1962 йиллари Тошкент давлат университетининг журналистика бўлимида, 1975—1977 йилларда Москвадаги Олий Адабиёт курсида таҳсил кўрди.*

*А. Иброҳимов олтишинчи йиллардан журналистика ва сўнроқ адабий ижод билан шугуллана бошлади. Унинг ilk саҳна асари — «Биринчи бўса» лирик драмаси 1971 йили «Ёш гвардия» драма театрида саҳнага қўйилди ва катта муваффақият қозониб, фақат шу театрнинг ўзидагина тўрт йил давомида 500 мартадан зиёд кўрсатилди, Абдуқаҳҳор Иброҳимовни драматург сифатида элга танитди. Шундан кейин унинг «Арра», «Бу замон ўғлони», «Майли, майли», «Мени айтди деманг», «Бир ўликка бир тирик», «Сочқи», «Тусмол», «Товушсиз қарсақлар», «Танисангиз керак», «Некролог» сингари ўндан ортиқ сатирик комедиялари вужудга келди. Адибнинг ҳикоялари ва драмалари жамланган «Қоя остида», «Сўнги нур», «Биринчи бўса», «Пьесалар», «Осмон яқин, ер юшоқ», «Тусмол», «Обо мне ни слова», «Падение трона» сингари ўнга яқин китоби Тошкентда ва Москвада нашр этилган. Рус, украин, тожик, туркман, молдаван, татар, қорақалпоқ тилларига таржима қилинган; бир қатор пьесалари Россия, Озарбайжон, Украина, Молдавия, Тожикистон, Туркменистон ва бошқа иттифоқдош республикаларда қўйилган.*

### Тонг эди

Азроил маҳкамасига сатирик журналда танқидга учраган шахслардан аризалар туша бошлади. Бу ҳақда иш юритувчи фаришта Азроилга ўз вақтида маълумот берганди. Аммо аввалига Азроил бу аризаларга бефарқ қаради. Кейин эса, аризалар сони еттитага етгач, эътибор беришга мажбур бўлди. Барча аризани шахсан ўзи уч карра синчиклаб ўқиб чиқди. Аризаларнинг ҳаммаси бир мазмунда эди, журналнинг «Чала саводликни битириш» бўлимида чаласаводликда айбланган шахслар томонидан юборилганди. Азроилга хушомадгўйлик қилишдан бошланган бу аризалар шундай жумлалар билан тугалланарди: «Муҳтарам Азроил Хўжаевич! Сизнинг ердаги сояларингиздан бири бўлмиш журнал каминани саводсизликда ноҳақ айблаб, обрў-эътиборимни тўкди. Ҳозир шу борада текшириш ўтказилапти. Гарчи журнал ноҳақ бўлса-да, унинг гапи инobatга ўтиб, каминангиз ўз лавозимдан четлатилиши хавфи бор... Илтифотингизга кўз тутиб қулингиз...»

Азроил ўзининг ердаги сояларидан бири саналгувчи сатирик журналга қаттиқ ишонарди, ҳатто унга ноиблик ҳуқуқларини ҳам берганди. Шу боисдан журналга тўсатдан чора кўришни ёки мутасаддини ҳузурига чақириб, мазкур аризалар хусусида сўз очишни ўзига эп билмади. Зимдан текшириш ўтказишни лозим топди. Бу иш билан шахсан ўзи

шуғулланишга ахд қилди. Текширишни ўз номига юборилган аризаларнинг имлосини текширишдан бошлади. Лекин қанча қидирмасин, аризалардан бирор имловий, услубий нуқс тополмади. Унинг боши қотиб қолди: журналга ишонарди, шу сабабдан унга чора кўришга шошилмасди. Арзгўйларнинг шикоятни ўринли эканлигига эса уларнинг бенуқсон ёзилган аризалари далил бўлди. «Бунда бир гап бор, — деди у ўзига-ўзи, — ёки журнал хатога йўл қўйган, ёки арзгўйлар ўз аризаларини ўзга кишиларга ёздириб олишган. Буни аниқлаш учун Ерга навбатдан ташқари командировка қилиш керак. Акс ҳолда масала ойдинлашиши қийин».

Азроил ўзини Ерга командировка қилиниши ҳақида ўзи буйруқ ёзди. Буйруққа Жаброил имзо чекди. Вақт тиғиз эди, Азроил шошилганидан сафар анжомларини ҳам ололмай, тўппа-тўғри Ерга парвоз қилди. Атмосферага етиб келгач, «кўринмас» қиёфасига кириб олди-да, «ИЛ-62»нинг қанотиغا миниб, ерга қўнди. Одамлар кўзини шамғалат қилиб, инсон қиёфасига кирди, йўловчилар орасида аэропортдан ташқарига чиқди. Такси тўхтатиб, шаҳар томон равона бўлди.

Азроилга шаҳар аҳолисигина эмас, ундаги ҳар бир бино, эскилари ҳам, янги қурилганлари ҳам беш қўлдек маълум эди. Ҳали ишга тушмаган бир мактаб биносини ўзига макон қилди. Вақтни ғанимат билиб, зудлик билан арзгўйларга телефон орқали буйруқ берди. «Мажлис бор, тезда етиб келинсин!» дея турар жойини уларга тушунтирди.

Арзгўйлар зудлик билан етиб келишди. Улар гап нимадалигини билолмай хавотирланишар, бир-бирларига имо қилиб, «нима гап» дегандек сўзсиз сўрашар, лекин барчаси жавоб ўрнига елка қисиб қўйишдан нарига ўтолмасди. Важоҳатли одам қиёфасидаги Азроилнинг салобати босиб, унга савол беришга чўчишарди. Азроил кўп маҳтал қилмай, уларни дарров бир синфхонага бошлаб кириб:

— Парталарга ўтирилсин! — деб буюрди.

Арзгўйлар туртиниб-суртиниб парталарга ўтиришди. Порта ўриндиқлари уларга торлик қиларди, лекин бу ҳақда чурқ этиб оғиз очишга кўрқижарди, чунки Азроил ўзининг одам қиёфасига салобатли тус берганди. Кейин у қарасаки, арзгўйлар лаҳза сайин довираб боришяпти. Шунинг учун ҳам Азроил бир оз мулойимлашди ва кулимсираб туриб:

— Ҳозир диктант ёзасизлар, — деди. Арзгўйлар ҳанг-манг бўлиб қолишди. — Ҳа, шундай: сизлардан диктант олиш менга топширилди, — деди Азроил янада мулойимлашиб.

Диктантдан сўз очилиши ва «ўқитувчи»нинг мулойимлашаётганлиги «ўқувчи»ларни анча дадиллантирди. Ҳатто «ўқувчи»лардан бири шовқин кўтаришга ҳам журъат этди.

— Масхарабозлик нимаси? Биз муҳим мажлис бўларкан, деб зарур юмушларни қолдириб келсаг-у, диктант эмиш... Хўш, ўзлари ким бўладилар? — дея у Азроилга менимаслик билан савол берди. — Биздек масъул вазифадорларга диктант ёздириш учун сизга ким ваколат берди ўзи?

Бу арзгўй «ўқитувчи»нинг Азроил эканлигини қаердан ҳам билсин. Ахир унинг қаршида Азроил бўш-баёв одам қиёфасида, юмшоқ табиатли «ўқитувчи» сиймосида эди-да. Азроил бу ёғи нима бўларкин, деб бир оз сукут сақлаб, жилмайиб турди. Шунда «ўқувчи» ҳаддан ошиб, Азроил томон мушт ўқталиб кела бошлади:

— Мени лақиллатадиган ҳали сен бўлдингми?..

Бошқа «ўқувчи»лар ҳам журъатланиб, Азроил томон таҳдид билан кела бошлади. Иложсиз қолган Азроил ўз қиёфасига киришга мажбур бўлди.

«Ўқувчи»лар қай кўз билан кўрсинларки, қаршиларида важоҳат билан жон олишга тайёр Азроил турарди. Улар қўрқувдан ўзларини йўқотиб, бараварига гурсиллаб қулашди, пол лопиллаб, дераза ойналари шиқирлаб кетди. Улар ерда бир неча дақиқа беҳуш ётишди. Азроил ортиқча сиёсат қилишни ўзига эп билмади. Чунки жон олиш бўйича зиммасига юкланган планни юз фоиз адо этиб қўйганди, келгуси йил ҳисобига ишлашга эринди, чунки унга мукофот берилмасди. «Ўқувчилар» аста-секин ўзларига кела бошлашди.

— Утирилсин! — деди Азроил дағал оҳангда. — Ҳаммангиз диктант ёзишингиз шарт. Кимки жонидан тўйган бўлса, майли, ихтиёри ўзида, жони менинг ҳукмимда.

Арзгўйлар титраб-қақшаб парталарга ўтиришди. Азроил уларнинг ҳар бирига уч варақдан қоғоз ва биттадан авторучка улашиб чиқди. Сунгра синф доскасига бўр билан «Она алласи» деб ёзиб қўйди. Бу диктантнинг сарлавҳаси эди.

— Қани, бошладик, — деди Азроил. — Она алласи...

— Мен учун котибим ёзақолсин, — Азроилнинг гапини бўлди бояги тўполончи «ўқувчи». — Ҳозир телефонда чақираман, ўн дақиқага қолмай етиб келади.

Азроил бу гапга кулимсираб қўя қолди.

— Мен учун ҳам, — деди яна бир арзгўй. — Мен ҳам чақира қолай...

— Ҳа, тўғри, шундай бўла қолсин, — дейишди бошқа шикоятчилар ҳам баб-бараварига.

— Нега? — Азроил лўнда савол берди уларга.

— Тайёргарлик кўрмагандим, — деди тўполончи «ўқувчи», — котибим эса бунақа ишларни қотириб ташлайди.

— Тўғри, тўғри, мен ҳам махсус тайёргарлик кўрмагандим, — деди яна бир арзгўй, — котибим эса оғиздан чиққанини қоғозга туширишнинг пири.

— Ўзлари нега ёзолмайдилар? — деб сўради Азроил бу арзгўйдан.

— Кўлимдан келади ёзиш, — ўзини оқлашга уринди шу арзгўй. — Аммо олдин тайёргарлик кўрсам, муҳлат берсангиз.

— Тўғри, тўғри, муҳлат беринг, бизлар тайёргарлик кўрайлик, — дейишди бошқа арзгўйлар ҳам баббараварига.

— Қанча муҳлат сўрайсизлар? — деди Азроил ўйга ботиб.

— Ўн йил, — деди ҳовлиқиб тўполончи арзгўй. У савод ўрганишни биринчи синфга қатнашдан, алифбо ўқишдан бошламоқчи эди, чунки камида чорак асрдан бери фақат имзо чекиш учунгина кўлига ручка оларди.

— Сиз озодсиз, — деди Азроил. — Лавозимдан ҳам...

«Ўқувчи» ҳушидан кетиб йиқилди.

Бошқа арзгўйлар эса кўрқувдан титраб-қақшашди, бошларини қуйи солишди.

— Майли, тайёргарликка қирқ кун муҳлат бераман, — деди Азроил қатъий оҳангда. — Кейин худди шу ерда диктант ёзасизлар. Аммо орамизда бўлиб ўтган гап-сўз кўчага чиқа кўрмасин. Акс ҳолда... Тушунарлими?

— Тушундик! — дейишди бараварига тирик қолган арзгўйлар.

— Икки киши қолсин, бошқаларга рухсат, — деди Азроил.

Олдинда ўтирган тўрт нафар арзгўй шошилиб синфхонадан чиқиб кетди. Икки арзгўй қолишга мажбур бўлди.

— Буни уйига элтиб ташланг, — деди Азроил уларга ерда беҳуш ётган «ўқувчи»ни кўрсатиб. — Ҳушига келганида, унга айтиб қўйинг: майли, у ҳам диктант ёзишга тайёргарлик кўра қолсин.

...Қирқ кун ҳам ҳадемай ўтди-кетди. Бу орада арзгўйлар кўп азият чекишди. Баъзилари ўз фарзандларига шогирд тушишди, баъзилари муаллим ёллашди.

Ниҳоят диктант соати етиб келди. Олти арзгўй синфхонадаги ўша ўринларни эгаллашди. Тўполончи «ўқувчи» келмади, у марказий касалхонада ётарди, лекин думалоқ муҳр босилган справка юборишни унутмади. Азроил синфхона доскасига бўр билан «Она алласи» деб ёзиб қўйгач, «ўқувчи»ларга қисқача маъруза қилишни лозим кўрди.

— Одамлар халққа келтирган фойда ва зиёнларига қараб, ўз феъл-атворлари, қилмишларига кўра жаннатий ва дўзахийларга бўлинадилар, — деди у аста, ҳар бир сўзига алоҳида урғу бериб. — Она тилисини унутган шахс ҳам бу қилмишига кўра дўзахий саналади. Чунки она тилини унутиш оқ сўт бериб, алла айтиб катта қилган ўз онасини унутиш демакдир. Бинобарин, бундай шахс шайтон қавмига киради... Сизларга қўядиган шартим шуки, кимки диктантдан қониқарсиз баҳо олса, тезда жони узилади. Чунки у ўзи саводсиз бўлатуриб, мўътабар журналга тухмат қилганлиги равшанлашади. Тухматчи эса ўлимга мустаҳқидир... Қани, ёзишни бошладик. Она алласи...

Шу тарихда Азроил айтиб турди. Арзгўйлар диктант ёза бошладилар.

Орадан бирор соат ўтгач, диктант ёзиш тугади. Азроил «ўқувчи»лардан диктантларни йиғиштириб олди-да, уларга йўлакка чиқиб кутиб туришларини тайинлади.

Азроил диктантларни текшириб чиққач, бир оз саҳийлик қилишни лозим топди: уч диктантга «манфий уч», уч диктантга эса «семиз икки» қўйди. «Семиз икки» қўйилган диктантларнинг бирида «она» сўзи, иккинчисида «Ватан» калимаси, учинчисида эса диктант муаллифининг ўз исми хато ёзилган экан, бошқа имловий ва услубий хатоликлар бу ҳисобга кирмайди, албатта. «Манфий уч» қўйилган диктантларга «Азроил» «семиз уч» қўйиши ҳам мумкин эди, аммо бу диктантларда халқ тилида кўп ишлатиладиган «алла», «кўча», «уй» каби оддий сўзлар нотўғри ёзилган экан. Бу Азроилни ачиққандирди.

Азроил «ўқувчи»ларни синфхонага киришга таклиф этди. Улар жимгина жойларини эгаллашди. Улар тақдирларини, тўғрироғи, лавозимларини ўйлаб, титраб-қақшар эдилар. Азроил диктант натижаларини эълон қилди-да, шу оннинг ўзидаёқ диктантдан «семиз икки» баҳо олган арзгўйларнинг жонини билинтирмай, қийнаб ўтирмай олди-қўйди. Улар ўтирган жойларидан ерга қулаб тушишди.

— Сизларни чалажон қиламан, — деди шундан кейин Азроил «манфий уч» олганларга қараб.

— Азроил Хўжаевич, раҳм қилинг мен бетавфиққа, — деб бир арзгўй Азроилнинг оёғига ўзини ташлади. — Бола-чақаларимга раҳм қилинг.

— Гуноҳимдан ўтинг! — деб иккинчи арзгўй ҳам ўзини Азроил оёғига отди. — Мурувватингизни дариф тутманг!

— Қўлингизга шафқат этинг! — деб учинчи арзгўй ҳам ўзини Азроилнинг оёғи остига итқитиб отди.

— Туринг! — деб буйруқ қилди Азроил совуққонлик билан.

Учала арзгўй дик этиб ўрнидан туришди.

— Ҳар ким ўз жойига ўтирсин, — деди Азроил сал жаҳлидан тушиб. Арзгўйлар югуриб бориб ўз жойларига ўтиришди. — Журнал танқиди тўғрими? — деб сўради Азроил кўзларини мўлтиллашиб ўтирган арзгўйларга боқиб.

— Умуман тўғри, — арзгўйларнинг бири шундай дейиши биланоқ ерга қулаб туш-

ди. Чамаси, «умуман тўғри» деб, яъни «умуман» калимасини ишлатиб, ўзини бир оз бўлса-да оқламоқчи эди. Буни зукко Азроил тезда пайқаб бу арзгўйнинг жонини билин-тирмай олиб қўйганди.

— Энди сизлар айтинг-чи? — деди Азроил икки арзгўйга қараб — Журнал танқиди тўғрими ёки «умуман» тўғрими?

— Тўппа-тўғри, — деб жавоб беришди иккала арзгўй баб-бараварига.

— Гап мана бундоқ бўлибди, — деди Азроил сал ёришиб. — Шеригингиз журнал-га тухмат қилишга қилган-у, лекин гуноҳини яширишга, «умуман тўғри» дея яна ўзини оқлашга уринди. Мана оқибати, жонидан айрилди. Сизлар эса айбингизни рўй-рост бўй-нингизга олдингиз. Шунинг учун ҳам уч шарт билан сизларнинг гуноҳингиздан ўтмоқ-чиман...

— Амрингизга мунтазирман, — деди севиниб арзгўйларнинг бири. — Мендек осий бандага кўрсатаётган иноятингиз учун ташаккур.

— Олам тургунча туринг! — деб иккинчи арзгўй ҳам ўз миннатдорчилигини изҳор қилди. — Уч эмас, тўққиз шартингизни ҳам адо этишга сўз бераман!

— Аввало сизлар менга ўз таржимаи ҳолингизни сўзлаб берасиз, кейин шунга қа-раб шартларимни айтаман, — деди Азроил. — Чунки буни билишим керак.

Олдин тепакал арзгўй ўз таржимаи ҳолини айтди. Маълум бўлишича, бу арзгўй аслида ярим гуноҳкор экан. Чунки унинг ота-онаси ҳам она тилини муқаммал билишга бефарқ қарашган экан. Шундай бўлгач, улар ҳам ярим айбдор саналиб, бу арзгўйнинг гуноҳи енгиллашарди. Азроил буни инobatга олиш керак, деб ҳисоблади.

Навбат тирик қолган иккинчи арзгўйга келди. У ҳам шовилмай ўз таржимаи ҳолини батафсил ҳикоя қилиб берди. Маълум бўлишича, бу арзгўй фан кандидати бўлиш учун уринибди ва фақат ўз соҳаси — тупроқшунослик билан машғул бўлибди. Натижада она тилисида саводли ёзиш унинг учун фарқсиздек туюладиган бўлиб қолибди. Ўзининг айтишича, агар уч-тўрт ой машқ қилса, яна она тилисини бинойидек биладиган, саводли ёза оладиган бўлиши мумкин экан. Бунга кандидатлик минимумини топшириш учун олти ой муттасил машқ қилиб, чет тилларидан бирини ўрганиб олганлигини рўқач қилди.

Шундан кейин Азроил ўз шартларини айтди:

— Диктантдан «манфий уч» олишингиз аслида сизларни «чалажон» қилиб қўйишни тақозо қилади. Аммо, биринчидан, ўз гуноҳингизни бўйнингизга олиб, журналга ноҳақ тухмат қилганлигингизни тан олдингиз. Иккинчидан, сизлар она тили бўйича чаласавод бўлиб қолганлигингизнинг маълум сабаблари бор экан. Учинчидан, ҳаракат қилсангиз, тез орада ўз саводингизни пухталаб олишга менда ишонч туғилди. Мана шуларни ино-батга олиб, уч шарт билан сизларни «чалажон» қилишликдан воз кечаман. Биринчи шарт шуки, икковингиз ҳам йигирма тўрт соат ичида ўз иш жойингизга истеъфога чиқиш ҳақи-да ариза топширасиз. Иккинчи шарт шуки, бундан кейин халққа кўпроқ фойда келтири-шингиз мумкин бўлган иш билан шуғулланасиз. Учинчи шарт шуки, олти ой ичида савод-хон бўлиб оласизлар ҳамда ўз фарзандларингизга она тилини билиш зарурлиги ҳақида ғамхўрлик қиласизлар. Шартларим маъқулми? Буларни қабул қиласизларми?

— Ғоят маъқул! — деди арзгўйларнинг бири.

— Сўзсиз қабул қиламиз! — деди иккинчиси.

Азроил арзгўйларга кетишга рухсат берди. Улар жонлари омон қолганига севиниб, лавозимдан бўшашлари шарт бўлгани учун ичдан зил кетиб, синфхонани тарк этишди.

Азроил журнал редакциясига телефон қилиб, саводсизликини битириш борасидаги ишларида журнал ходимларига муваффақият тилади. Шундан кейин кўнгли тинчиб, ўз маконига равона бўлди...

Содиқ туши шу жойга келганда чўчиб уйғониб кетди. Апил-тапил туриб ўтирди. Уйқули кўзларини йириб теварак-атрофга қўрқув аралаш қаради. Ҳайтовур ўз ётоқхона-сида экан. Буни кўриб, билиб турса ҳам, ўша туш таъсирида ҳамон ўзига келолмасди. Бир пайт унинг кўзи ёстиқ ёнида ётган сатирик журналга тушди-ю, кўнгли равшанлашди. Кўрганлари чиндан ҳам туш экан. Азроил ўз шартларини унинг зиммасига тушида юкла-ганлиги учун севинди. Чунки унга ўнгидан шундай шартлар юкласа, бажара олмасди.

Сатирик журналнинг сўнгги сонидан «Чала саводликини битириш» рубрикаси остида бир гуруҳ чаласаводлар қаторида Содиқ ҳам танқид қилинган эди. Унинг тушига Аз-роилнинг диктант олиши киришига шу воқеа сабаб бўлганди. У журнални ўқиб ётиб, ух-лаб қолганди...

— Яхшиямки, бу воқеа тушимда рўй берди, — дилидан ўтказди Содиқ, — бўлмаса, Азроил қўйган шартларни бажаролмай ўлардим. Майли, ҳар эҳтимолга қарши «танқидни тан оламан» деб журналга тезроқ мактуб юбора қолай. Шу билан бирор жойим камайиб қолмайди-ку. Ишқилиб, қандай бўлмасин кишлоқ Совети раислигида қолсам бўлгани.

Содиқ қоғоз-қаламини чўнтагига солиб, журналга юборадиган мактубини ёздириб олиш учун бирор «оғзи пишиқ» саводхон одам қидириб кетди. Лекин бу маҳал ҳамма уйқуда эди. Фақат онда-сонда хўроз қичқиргани эшитилиб қоларди.



## Чиллаки

Қуёш тиккага келган. Поезд кутаётган йўловчилар анча нарида — вокзал биноси кўланкасидан паноҳ топишган. Перрон бўйлаб у ёқдан бу ёққа шошилиб ўтиб турган темирйўл ходимлари ва йўловчилар ўрта бир ерда — қуёш тиғи остида турган Ниёз амаки оиласига ажабсиниб қараб қўйишади. «Жонларида қасдлари бор эканми», деб ўйлашади.

Оила бир неча картон қути атрофида давра қуриб турарди. Даврадагилар — Ниёз амаки, хотини Муяссар опа ва уларнинг ўн ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган олти ўғил-қиздан иборат эди. (Яна беш нафар фарзандлари бор, улар ишда, ўқишда ва уй пойлаб қолгани учун бу ерга келолмаганди). Ҳаммалари, айниқса болалар иссиқдан бўғриқиб кетишган.

— Дадаси, мен шу ерда тура турай, сиз болалар билан бир салқинлаб келинг,— деди фарзандларига ачинган Муяссар опа эрига ёлбориб.— Тагин офтоб урмасин сизларни.

— Ўйлаб гапиряписизми, ойиси,— деди Ниёз амаки ётиғи билан.— Ахир чиллаки нозик нарса эканлигини яхши биласиз-ку! Майли, бир оз чидаб, буларни,— у картон қутиларга ишора қилди,— офтобдан яхшироқ пана қилиб турайлик. Қани, болаларим, сизлар нима дейсизлар?

Ниёз амакининг ётиғи билан сўзлаши, ҳатто болаларига ҳам маслаҳат солиши Муяссар опани ҳам, фарзандларини ҳам ўзига асир этди. Катта-кичик ҳаммани сизсираш бу ерларда азалий удум эди.

Даврадагилар картон қутиларга яқинроқ тақалишди ва буларни қуёшдан дурустроқ пана қилдилар.

Поезд орзиқиб қутилган қиз боладек ноз билан кечикиб аста-секин перронга кириб келиб тўхтади. Зумда перрон йўловчилар билан гавжумлашди.

— Тўртинчи вагон, иккинчи купе,— Ниёз амаки қўлидаги билетга кўз югуртирди ва кителининг соат чўнтагига солиб қўйди,— ойиси, сиз шу ерда пойлоқчилик қиласиз. Бу азаматлар қутиларни менга ташиб беришади. Қани, бошладик!

Ниёз амаки икки қутини устма-уст қўйиб кўтариб вагон томон юрди. Болалар ҳам биттадан қути кўтариб унга эргашдилар.

— Сўнггиси,— Муяссар опа вагон зинасида турган эрига қути узатди, аммо... қути ерга — асфальт устига тушиб кетди, бир томони чоқидан ажралди, чиллаки бошлари кўзга ялт этиб ташланди. Буни кўриб болалар тамшаниб қўйишди.

— Сиз аралашган иш ҳамиша шунақа бўлади-я,— деди Ниёз амаки хотинига ўзича кесатиб қилиб.— Энг ётилганлари шу қутида эди.

— Қайтанга яхши бўлди,— деди Муяссар опа эрининг кесатиғига парво қилмай.— Болаларнинг ҳам бундоқ оғзи тегсин-да. Сотсангиз ўзингизга ўхшаганларга сотасиз-да.

— Эй ойиси-эй, тилимни қичитиб нима қиласиз? Менга қолса сотармидим? Сизларга бўлсин деб, бир кори ҳолимизга ярасин деб олиб кетаяпман-ку.— Ниёз амаки вагондан сакраб тушди.— Энди бу нима бўлди,— у ерда ётган қутининг бир чеккасини кўтариб кўрди.— Анжири чиқиб кетибди-ку.

— Бизларга шунақаси ҳам бўлаверади,— Муяссар опа қути ёриғидан кўриниб турган бир бош чиллакини қўлига олиб, бир-икки донасини оғзига солди.— Омонлик-эсонлик, янаги йил шу пайтгача эсон-омон юрайлик. Ма, қизим, бу сенга,— у қўлидаги узумни қизига берди. Қутидан бир бошдан чиллаки олиб, бошқа фарзандларига ҳам улашиб чиқди. Лекин болалар узум ейишга оталаридан бир оз ийманиб туришарди.

— Билдим, билдим, бу, ойиси дейман, қутини атайлаб ерга тушириб юбордингиз-а,— Ниёз амаки хотинининг «ҳийласи»га тушунган эди.— Ҳа, майли, бўлар иш бўлди. Аммо мен келгунча сўридагиларга тега кўрманг. Хўпми?

— Қўрқмай қўя қолинг, сўридагилар ҳали ёра. Сиз келгунингизча пишмайди,— Муяссар опа ердаги қутини олиб, болалардан бирига тутқазди.— Заҳа бўлган, бари бир икки кунлик йўлга чидамайди. Уйга қайтариб кетамиз.

Болалар қўлларидаги узумни чўқилай бошладилар.

— Энди, ойиси дейман, айтган нарсангизни опкелмайдиган бўлдим-да! — Ниёз амаки хотинига ҳазил қилди.

— Майли,— жилмайди Мауяссар опа.

Болалар ҳам узум еб туриб жилмайдилар. Ниёз амаки нимадир дейишга оғиз жуфтлаётганида бирдан вокзал репродуктори тилга кирди:

— Ҳурматли йўловчилар! Жойингизни эгалланг...

...Поезд жойидан жилди. Ниёз амаки вагон деразаси олдида кўринди. У деразадан қўлини чиқариб, рўмолчасини силкитди. Бунга жавобан пастда — одамлар орасида турган хотини ва болалари узум ушлаган қўлларини силкитиб хайрлашдилар. Фақат чоки сўкилган узумли қутини икки қўллаб ушлаб турган ўғлигина бошини қимирлатиб хайрлашар эди.

Ниёз амакининг оиласи шаҳар бўлиб шаҳарга, қишлоқ бўлиб қишлоққа ўхшамаган чекка бир жойда яшарди. Узоқ-яқиндан келиб-кетувчи кишилар бу жойни «боғ шаҳар

экан» деб таърифлашарди. Чиндан ҳам шундай эди: қаёққа қараманг, кўзингиз ям-яшил боғ-роғларга тушарди. Кўча четлари бўйлаб ҳам мевали дарахтлар, аймоқи тоқлар ўтказилганди. Шаҳарда нариса билан ўн минг аҳоли яшарди. Деярли ҳар бир хонадоннинг ўзига яраша мўъжазгина боғ-роғи бўлиб, буларда уй соҳиби — боғбоннинг хоҳиш-истагига кўра экилган турли-туман дов-дарахтлар барқ уриб ётарди. Сувга сероб, ҳавоси мусаффо бу шаҳарчада етти ёшдан етмиш ёшгача — ҳамма ўзини боғбон ҳисоблар, бир туп кўчатми, тоқ қаламчасими экиб кўкартиришга ишқибоз эди. Бу борада катталар ёшларга ибрат кўрсатишарди, болаларни ёшликдан шу ақида руҳида тарбиялаб келишарди. «Боғ шаҳар»нинг ҳар бир одами камида икки хунар эгаси бўлиб, булардан бири боғбонлик эди. Шунинг учун бу ерда мева бозори ҳам, бунга зурият ҳам йўқ эди. Харидор бўлмагач, сотувчи нима қилсин.

Ниёз амаки «боғ шаҳар»да обрўли, ҳурматли кишилардан бири эди. Уни ҳамма танир, у ҳам барчани яхши биларди. Чунки у кўп йиллардан бери «боғ шаҳар»даги энг йирик бино бўлмиш мактабда ботаника ўқитувчиси бўлиб ишлаб келарди. «Шаҳримизни кўкаламзорлаштиришда, мевали дов-дарахтларни кўпайтиришда, — дея фахрланиб кўярди Ниёз амаки ўзича, — менинг ҳам маълум улушим бор. Ахир, ботаникадан дарс ўтаманку».

Ниёз амаки тоқзорининг таърифи кетган эди. Куз кезлари, хомтоқ пайтларида уни кига қаламча сўраб келувчиларнинг кети узилмасди. Тоқзори бор кишилар ўз тоқларини Ниёз амаки назаридан ўтказиб олиш, унга хомтоқ қилдириш орзусида юришарди. Чиндан ҳам Ниёз амаки тоқ ўстиришнинг пири эди. Бунга унинг тоқзори мисол бўлиши мумкин: унинг чиллакиси ҳамманикидан бир-икки кун бурун етиларди, қора кишмиши гўё майизнинг худди ўзига ўхшаш турган-битгани шира бўларди, шивирғониси эса келаси йил баҳоригача «қилт этмай» тураверарди.

Ниёз амаки болажон одам эди: ўқувчиларини ҳам сизсирарди, ўн бир боланинг отаси эди. Фарзандларининг кичиги боғчага қатнарди. Тўнғич ўғли Абдусалом яқинда институтни битириб келди. У ҳам отаси каби педагог. Шу йил сентябрдан бошлаб «боғ шаҳар» мактабида кимё фанидан дарс бермоқчи.

Ниёз амакининг дилида қувончли таъшиб уйғонди: ўғлининг бир бошини икки қилиши керак. Келин ҳам тахт: Абдусалом билан бирга ўқиб келган шу шаҳарлик Инобат исмли қиз. У Ниёз амакининг қадрдони, бир оз оғзи каттароқ Исмат киночининг ёлғиз фарзанди. Ниёз амаки Абдусаломни уйлантиришга алоҳида тайёргарлик кўролмаганди, чунки топгани тирикчиликдан ортмасди. Ўзига қолса, Абдусалом ҳали бир-икки йил ишлагани маъқул эди. Аммо Абдусалом билан Инобатнинг севишим қолишгани тезда ҳамманинг қулоғига етди-қолди. Шаҳар кичкина бўлгач, бундай хабарлар оғиздан-оғизга ўтиб, ўз-ўзидан тарқалиб кетар экан.

Энди тўйни тезлик билан ўтказмасдан бошқа илож йўқ эди. Ниёз амакининг боши қотиб қолди. Келин туширишнинг ўзи бўладими?

Шаҳарчада бир неча бир-бирларига тенгдош Исмат исмли кишилар бор эди. Уларни бир-бирларидан фарқлаш учун ҳар бирининг исмига бирор лақаб тиркаб айтиларди. Ниёз амакининг бўлажак қудаси шаҳарчада кинотеатр очилганидан буён унинг директори бўлиб ишлаб келарди. Шунинг учун ҳам уни Исмат киночи дейишади. У Исмат киночи билан тўй хусусида холи гаплашиб ҳам кўрди. Қани энди Исмат киночи бир оз ён босса, тўйни ширингина қилиб, кичикроқ ўтказишга кўнсал! «Ниёзвой, сизга бари бир, — деди Исмат киночи, — олдингизда яна бир эмас, ўн нафар фарзандингиз бор. Абдусаломдан орзу-ҳавас кўрмасам, бошқаларидан кўрарман, деб ўзингизга тасалли берасиз. Аммо мен-чи? Икки бор оила қуриб, топганим шу ёлғиз Инобат. Йигирма икки йилдан бери шунинг тўйини кўрсам, орзу-ҳавасини қилсам, деб келаман. Яна эл-юртнинг ошини ошаб, нонини еб елкамга қадар «қарз»га ботганман. Ўзингиз айтинг, Инобатнинг тўйида узмасам, қачон қутуламан эл-юртнинг қарзидан? Тўйни ими-жимиде ўтказиб, одамларнинг маломатига қолишни истамайман. Сиз ҳам ўйлаб кўрганингиз маъқул».

Ниёз амаки дўппини олиб қўйиб, сўри тагида ёнбошлаб бундоқ ўйлаб қараса, қудасининг гапида жон бордек туюлди. У ҳам эсини танигандан буён эл-юртнинг тўй-маъракасида иштирок этиб келади, ҳамшаҳарларининг ош-нонини еб, улардан «қарздор» бўлган. «Муаллим» деб уни тўйга айтишади, у боради, «қўшни» деб тўйга таклиф қилишади. Ҳар куни кўриб турадиган кишиникига чиқмай бўлармиди, албатта, чиқади, Уни гоҳ маслаҳат сўраб, гоҳ ўзингиз бош бўласиз деб тўйга айтишади. Шундай ҳурматдан кейин бормай бўладими? Боради. Кейинги пайтларда, у шаҳарчининг фахрий граждани сифатида обрўси янада ошгач, ўз кўлида тарбия кўрган ёшлар ҳам бола-чақали бўлгач, унинг тўйга бориши кўпайиб, эл-юртдан «қарздор»лиги ортиб борарди. Ниёз амаки қатнашган тўй файзлироқ ўтарди. Ниёз амаки келин туширишда нутқ сузлашни айниқса яхши кўрарди. У бундай қувончли дақиқаларда ҳам ўз нутқида боғ-роғ яратishi ҳақида гап қўшиб кўяди: «Кўчатни кўчириб ўтқазиш унинг навини яхшилайти, ҳосилини оширади, бу гапдан мурод шулким, келин тушириш ҳам кўчат ўтқазишга ўхшайди», дейди.

Ниёз амаки тўйни бўлажак қудаси Исмат киночи истаганидек, каттароқ, шаҳар бўйича ўтқазиш учун қадрдонлардан қарз кўтармоқчи бўлди. Кейин бу шахдидан қайтди: олмоқнинг бермоғи ҳам бор-да! Жўжабирдек жон ахир, қарзни қачон қандай уздади!..

Ниёз амаки тўй ташвиши билан боши қотиб, ишком остида ўтирганида ҳамкасби Ибодулла уни тўй билан табриклагани келиб қолди. Ниёз амаки унга ҳам ўз ташвишидан сўз очиб, юрагини бир оз бўшатди, «сиз қандай йўл кўрсатасиз», дегандек Ибодуллага қараб қолди.

Ибодулла сўрилардаги кўеш нурида ялтиллаб турган шиғил-шиғил чиллаки бошларига ишора қилиб:

— Мана, сизга нажот! — деди, гўё муҳим бир кашфиётни очган кишидек мағрур қиёфада.

— Хўш? — Ниёз амаки кўзларига Ибодулла чиндан ҳам нажоткордек кўриниб кетди.

— Чиллакиларни сотасиз.

— Бе, бир пақирини икки пулга ҳам олмайди-ку!

— Бу ўзимизда. Катта шаҳарларда эса ҳар килоси фалон пул. Бир пақирини бир қопун деган сўз. Мана сизга нажот йўли.

— Умримда мева сотган эмасман. Қандай бўларкин, ёшим шунча жойга борганида, — Ниёз амаки кўзларини болалардек мўлтиллади.

— Ҳеч уятли жойи йўқ!

— Бу — болаларнинг насибаси. Уларни ўз мевасидан бебаҳра қилсам...

— Чиллаки еган билан боланинг шохи чиқмайди. Ана, олма, шафтоли бор экан, ёз меваси десангиз... Сотсангиз, Абдусаломни деб сотасиз чиллакини. Ёки у фарзандингиз эмасми?

— Қуда томон эшитиб қолса...

— Эшитса нима қипти, сиз ўғирлик қиялсизмики, иснод саналса. Ўзингиз етиштирган ҳалол чиллакингизни тўй харжи учун сотасиз.

Ниёз амаки аввалига Ибодулланинг маслаҳатига юрмади. Лекин вақт ўтгани сайин чора топилмагач, олдин кўнглида, кейин амалда Ибодулланинг маслаҳатига қўшилди. Бунга хотини Муяссар опани ҳам кўндирди. Совундан бўшаган енгил картон қутиларни йиға бошлади. Чиллаки етилиши биланоқ қутиларга авайлаб жойлади-ю, умрида биринчи бор катта шаҳарга отланди. Бир варақ қоғозга келин сарпо ва қудаларига тўхфа қилинадиган кийим-бошлар рўйхатини тузиб, ички чўнтагига солиб олди.

Қоронғи кеча. Поезд далалар, қирлар оралаб кетяпти. Айрим вагон деразаларида чироқ ёғдуси ялтиллаб кўринадди. Ниёз амаки тушган купеда ҳам ҳали чироқ ўчмаган. У пастки ўриндиқда чордана қурганча, бир қутидаги чиллакини кўздан кечирмоқда, ҳар бош узумнинг бузилган ғужумларини, шингилларини авайлаб олиб ердаги пақирга ташлайди. Салгина бузилган ғужумларни челақка ташлашга кўзи қиймай, оғзига солади ва эринмай узоқ чайнайди. Шундай пайтларда қаршисидаги ва юқоридаги ўриндиқларда ухлаётган купедошларига қараб-қараб қўяди.

Бир пайт қўққисдан купега оқ халат кийган паст бўйли бир йигит кирди.

— Ие, шахматчининг зўрлари ухлаб қолишибди-ку, — деди у ухлаётганларга кўз югуртириб. — Ишни тугатиб, Илҳом билан бир беллашай деб келгандим. — Оқ халатли йигит пастки ўриндиқда ухлаб ётган йигитга ишора қилиб қўйди. — Бизлар синфдошмиз.

— Қани, бу ёққа ўтиринг, — Ниёз амаки ёнидан жой кўрсатди, юзига бир оз қон югурди. — Илҳомжон кун бўйи шахматдан бош кўтармадилар. Ҳар ўйинда ғолиб чиқдилар. — Ниёз амаки гарчи шахматга ҳеч қачон қизиқмаган, бугун бирон марта ҳам шахмат ўйинини кузатмаган бўлса-да, бу сўзларни «дўстини мақтасанг, ўзини мақтаганинг» қабилида айтди. — Моҳирликларига қойил қолдим. Тарафкаш бўлиб келибсиз, сиз ҳам зўр шахматчи бўлсангиз керак.

— Унчалик эмас, — деди йигит кулумсираб. — Сиздан илтимос, буфетчи келиб-кетди, деб Илҳомга айтиб қўйсангиз. У ёғини ўзи тушунади.

— Хўп, бажонидил айтаман.

Йигит купедан чиқди. Ниёз амаки эшикни ёпиб, қулфлади. Бирдан уни ваҳима босди: «Бу йигит ростдан ҳам шахмат ўйнагани келганмикин? Сир олгани келмадиммикин?» У чиллаки солинган қутининг қопқоғини шошилиб ёпди. Бир оз ўйлаб тургач, қутини яна очди, ундан бир неча бош чиллаки олиб, қўллари қалтираган ҳолда газетага ўради. Қутини эса ўриндиқ тагидаги қутилар ёнига суриб қўйди.

Унинг қўлида қоғозга ўроғлиқ чиллаки: «Чиқимсиз иш битмайди. Бу ҳам чиқим ҳисобидан. Бугунми, эртагами? Эртага берганим маъқул».

Ниёз амаки эртаси куни эрта билан вагон-ресторан томон йўл олди. У қўлида қоғозга ўроғлиқ чиллаки билан ресторанга кириб борганда, буфетчи йигит иш жойида чўт қоқиб, ҳисоб-китоб қилиб ўтирарди.

— Ассалому алайкум! Яхши ётиб турдингизми? — деди Ниёз амаки.

— Раҳмат, ўзингиздан сўрасак, — деди буфетчи чўт қоқишдан тўхтаб. — Илҳомжон қалай, ўрнидан турдимми?

— Йўқ, йўл қоқибди шекилли, ҳали уйғонганлари йўқ, — Ниёз амаки қўлидагини буфетчига узатди. — Кеча сизга узум енг ҳам демабман, айбга санамайсиз. Янгилик деб шуни олиб келдим. Ўз боғимдан.

— Раҳмат,— деди буфетчи узатилган нарсани олмасдан.— Чиллакига унчалик ҳушим йўқ.

— Олинг энди, янгилик ахир, олмасангиз хафа бўламан.

— Майли, сазангиз ўлмасин,— деди буфетчи қоғозга ўроғлиқ узумни оларкан; сўнг уни очмоқчи бўлди.

— Йўқ-йўқ,— дея Ниёз амаки буфетчининг қўлидан ушлади,— ҳаммаси сизга аталган!

— Раҳмат,— буфетчи ўрнидан туриб қоғозга ўроғлиқ чиллакини холодильникка солиб қўйди ва жойига келиб ўтирди.— Амаки, муздек пивога қалайсиз?

— Бизга пивоси бўлмайди,— болаларча жилмайди Ниёз амаки.— Ачимаган қатиқдан бўлса, уч-тўрт шиша олардим. Кетини ўйламай кеча чиллакидан сал кўпроқ еб қўйган эканман. Кечаси билан анча қийналдим, бир оз иситмам ҳам чиқди.

— Бор, сиз учун топилади,— буфетчи пастдан бир неча шиша қатиқ олиб пештахтага қўйди,— керак бўлса, яна келарсиз.

— Раҳмат,— Ниёз амаки буфетчига пул узатар экан, севинчи ичига сиғмасди. У кефир олаётгани учун эмас, балки буфетчига узум бергани, унинг кўнглини ола билгани учун қувонарди...

Поезд шахмат ораляб боряпти. Ниёз амаки купеда қатиқ ичиб ўтирибди. У аҳён-аҳёнда шахмат ўйнаётган купедошларига ер остидан назар ташлайди. Оёғи остида қатиқдан бўшаган шиша солинган тўрхалта. У қўлидаги қатиқни ичиб бўшатгач, шишасини тўрхалтага солиб, ўрнидан турди.

— Аҳмаджон, иним,— деб у шахмат ўйнаётганларга мурожаат қилди,— буфетга кетаётибман. Мабодо сизларга бирон нарса керакмасми? Ҳали замон буфет ёпилиб қолади.

— Раҳмат,— деди Ниёз амакига қараб қисик кўзли Аҳмаджон,— ҳозирча ҳеч нарса керакмас.

— Илҳомжон, сизга-чи,— сўради Ниёз амаки ҳамон шахматдан кўзини олмай ўтирган келбатли йигитга қараб.— Сигарет дегандай...

— Ҳозирча бор,— дўнғиллади Илҳом.— Раҳмат!

Ниёз амаки бир оз нима қиларини билмай тик туриб қолди, сўнгра орқасига ўгирилиб, юқори ўриндиқда ёнбошлаб китоб ўқиётган ўспиринга қаради, унга нима деб сўз қотишни билолмай, купедан чиқди.

— Бу ўзи қанақа одам,— ўзича туюқди Илҳом.— Отамиз тенги бўла туриб ҳадеб бизга ўз хизматини таклиф қила беради.

— Эй оғайни, соддасан-да, шуни ҳам билмайсанми,— деди Аҳмад.— Ахир коса тагида ним коса бор, деганларидай, манзилга етгач, ҳали амакининг бизга иши тушади!

— Қанақа иши?

— Узум солинган йигирматача қутини бир ўзи вагондан ерга олиб туша олармиди? Биздан ёрдам сўрайди, албатта. Шунинг учун ҳозир бизга...

— Гап буёқда дегин, ажабо!..

Ниёз амаки буфетчини тополмагач, ошхонага кириб борди. Бу ерда юзига сепкил тошган бир қиз идиш-товоқ ювиб ўтирарди.

— Қизим, буфетчини қаердан топса бўлади? — деди Ниёз амаки.

— Буфетчи тўсатдан касал бўлиб қолди,— жавоб берди қиз.— Унинчи вагонда ётипти. Учинчи купе.

— Ростданми? — Ниёз амакини ваҳима босди.— Ўзи буфетчи нима билан оғрибди?

— Билмасам, эшитишимча, аҳволи оғир эмиш. Директоримиз врач чақирибди...

— Унинчи вагонда дегин-а,— дея Ниёз амаки ошхонадан шошилиб чиқди, вагон йўлаги бўйлаб тез юриб бораркан, шишаларни авайлашни ҳам ёдидан чиқармасди. Қаттиқ терлаб кетган Ниёз амаки бир купе эшигини очди: купеда ҳеч ким кўринмади. Иккинчи купе эшигини очди: йигит-қиз бир-бирига суяниб ўтирарди. Учинчи купе эшиги очик эди.

— Бемор тиф билан оғриганга ўхшайди,— ичкаридан шундай овоз эшитилди. Ниёз амакининг юзидан қон қочди.— Лекин бемор қони лабораторияда текширилмагунча, аниқ диагноз қўйиш қийин.— Бу гапни эшитиб Ниёз амаки сал ўзига келди.— Балки бемор бузилган овқат ёки мева истеъмол қилиб хасталангандир. Афсуски, бемор беҳуш, бўлмаса ўзидан билиб олардик...— Ниёз амаки бу сўзларни эшитиб, қўрқувдан титраб кетди.— Бемор овқат ёки мевадан заҳарланган бўлса унчалик қўрқинчли эмас. Аммо эпидемиянинг олдини олишимиз шарт.— Ниёз амаки ҳатто нафас олишни ҳам унутиб жим тингларди.— Ресторанни зудлик билан беркитиш керак. Токи йўловчилар бир-бирлари билан мулоқотда бўлмасинлар. Иложи борича ҳар бир йўловчи ўз купесидан чиқмай тургани маъқул.— Ниёз амакининг мадори қуриб борарди.— Энди беморнинг иш жойини кўздан кечиришим, нималар еганини аниқлашим керак. Қани, кетдик!..

Ниёз амаки ўзини бутунлай йўқотиб қўйганди. Купедан бир неча киши чиқди. Улар Ниёз амакини бу ерда кўриб ажабландилар.

— Хўш, хизмат? — деди оқ халат кийган врач Ниёз амакининг қони қочган юзига қараб.

— Шундай... Ҳалиги,— Ниёз амакининг тили калимага келмасди. Кейин у ўзини тутиб олди.— Буларни (тўрхалтани сал юқори кўтариб қўйди) қайтармоқчи эдим. Буфетчининг шу ердалигини айтишди...

...Ниёз амаки купесига маънос кириб борди, қўлидаги тўрхалтани авайлаб ерга қўйиб, ўрнига ўтирди.

— Амаки, хомушроқ кўринасиз? — деди Аҳмад шахмат донасини суриб.

— Шундай, ўзим.

— Бутилкаларни қайтариб олишмадимиз? — Аҳмад Ниёз амакининг кўнглини кўтармоқчи бўлди.— Хафа бўлманг, мана, Илҳом топшириб беради сиз учун.

— Буфетчи иним кўққисдан оғриб қолибди,— деди Ниёз амаки йиғламсираб.

— Ие, бу қанақаси бўлди? — Илҳом шахд билан ўрнидан туриб кетди.— Ҳалигина соппа-соғ эди-ку! Мен бир бориб хабар олай.

Ниёз амакининг ичига чироқ ёқса ёримасди. У чуқур ташвишда қолганди: «Ишқилиб буфетчининг иш жойидан чиллаки чиқмасин. Чиқсами, тамом, ҳамма узумларимни чиқитга чиқаришади. Чиллаки топилди, деяйин, лекин у текширилгач, соф топилди деб ҳам айтай. Барибир, текшириш анча вақтни олади. Унгача қутилардаги чиллакилар ириб кетади. Буфетчи овқатдан заҳарланган бўлса, албатта бунга узумдан деб билишади. Мен учун у бошқа касал билан оғригани яхшироқ эди... Нималар деяпман мен ўзим? Наҳотки ўз манфаатим учун бир одамнинг ёмон аҳволга тушган бўлишини истасам. Ахир, унинг ҳам оиласи, қора кўзлари, мендақа отаси бордир...»

Купега Илҳом хомуш кириб келди. Ниёз амаки ялт этиб унга қаради:

— Иним, нима гап?

— Нима бўларди, — Илҳом ух тортди, — вагон эшиклари қулф. Кириш ҳам, чиқиш ҳам номаълум вақтгача ман этилибди.

Шу пайт Ниёз амакининг дилидан боя врач айтган «...эҳтимол кутилган эпидемиянинг олдини олишимиз шарт» деган сўзлар кечди.

— Илҳом, билдим, буфетчи бирор юқумли касал билан оғриганга ўхшайди,— деди Аҳмад,— йўловчиларни бир-биридан ажратиб туриш учун шундай қилишган.

— Мабодо буфетчи овқатдан заҳарланган бўлса-чи? — сўради Ниёз амаки ерга қараб.

— Унда биз учун унчалик ташвишли жойи йўқ.

«Мен учун эса ана шуниси кўрқинчли» — Ниёз амакининг дилидан шундай фикр кечди.

— Ке, қўй, оғайни, барибир ҳозир ўртоғинга ёрдам беролмаймиз,— деди Аҳмад лоқайдлик билан.— Ундан кўра шахмат сурайлук.

Аҳмад шахмат доналарини қайта тика бошлади. Илҳом беихтиёр унинг қаршисига келиб ўтирди.

Ниёз амакининг боши қотиб қолганди: «Нимага ҳам буфетчига узум бердим? Ўзимга ташвиш орттирдим. Шахмат ўйнаш учун келган одамдан ҳам кўрқиб ўтирибман-а?.. Узумни ўз ҳовлимда етиштирганман, фақат вагонга белгиланганидан мўлроқ олиб чиқдим, бўлмаса, бировдан чўчидиган жойим йўқ».

Ниёз амакининг ўтириши ножўя иш қилиб қўйиб, дакки эшитишдан кўрққан мактаб боласини эслатарди. У шахмат ўйнаётганларга кўзларини мўлтиллаб тикилиб олганди. У мужжал аҳволдан қутулиш учун нажот кутарди.

Бир пайт Ниёз амакининг ич-ичига тушиб кетган кўзлари тумбочка устида турган бир шиша қатиққа тушди.

— Иситманинг давоси шу-ку! — Ниёз амаки беихтиёр шундай деб юборди. Шу пайтда унинг кўз олдида алаҳсираб ётган буфетчи ва унинг атрофида парвона бўлаётган ёш болалар гавдаланган эди. Ниёз амаки ирғиб ўрнидан турди ва қатиқли шисани олиб, купедан шошилиб чиқди. У вагон йўлагига шу томон келаётган врачни тўхтатиб, майин овозда деди:

— Иним, қатиқ иситманинг давоси, деб эшитганман. Рухсат берсангиз, шуни беморга олиб бориб ичирсам.

— Касал юқишидан кўрқмайсизми? — деди врач жиддий.

— Касаллансам, сиз борсиз-ку!

— Майли,— кулумсиради врач, унга Ниёз амакининг гапи ёқиб тушганди.

Тумбочка устида ярми ичилган қатиқли шиша. Ниёз амаки буфетчининг терлаган манглаини сочиқ билан артди. Бемор ҳозир сал енгил тортган, нурсиз кўзлари билан Ниёз амакига қарар, унинг бу боқишида самимий миннатдорчилик ифодаси жилваланди.

— Раҳмат,— деди у мажолсиз.

Шу пайт Ниёз амакидаги ўз манфаати учун курашиш ҳиссиёти яна ғолиб келди.

— Иним,— деди у ерга қараб,— сиздан бир илтимосим бор. Айтсам майлими?

Буфетчи бош кимираб «майли» ишорасини қилди.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ,— Ниёз амаки кўзини ерга қадаб сўзлади,— жўжабирдек жонмиз. Болалар кун сайин улғайиб боришяпти. Қизларни узатиш, ўғилларни уйлантириш ёлғиз менинг гарданамда. Ахир, бу оталик бурчим-да!.. Шуларни ўйлаб ҳовлида

етишган чиллакини олиб йўлга чиққандим, бир кори ҳолимизга яраб деб... Тўғриси, сиздан чўчиб узум ҳада қилгандим. Шулардан еган бўлсангиз ҳам, врачга бу ҳақда сўз очмасангиз, акс ҳолда...

— Майли, сизнингча бўлсин,— деди бемор узоқ сукутдан сўнг.

— Яшанг, камол топинг,— Ниёз амаки очилиб кетди. У беморга қатиқли шишани узатди,— ичинг, кўнглингиз тортмасаям ичаверинг, давоси шу.

Ниёз амаки вагон йўлаги бўйлаб енгил одимлаб кетаётиб, тўсатдан юришдан тўхтаб, ўйланиб қолди. Кўз олдидан ўнлаб иситмалаб ётган беморлар ва уларнинг атрофида парвона бўлаётган аёллар, болалар бирма-бир ўтди. «Йўқ, йўқ, врачга айтиб ўтишим шарт!» дея ўйлади Ниёз амаки ва тез юриб кетди. У вагонма-вагон юриб врачни топди ва уни ўз купесига бошлаб келиб, бўлган воқеани очиқ-ойдин айтди. Картон қутилардаги чиллакиларни врачнинг олдига қўйиб:

— Иним, буларни яхшилаб бир текшириб кўрсангиз,— деди.— Ахир, буфетчи укамиз мен берган узумдан хасталанган бўлиши ҳам мумкин...— У шу сўзларни айтгач, ўзини енгил ҳис қилди, кўнглини ғаш қилган нохушлик ундан йироқлашди.

— Чиллакини бозорга олиб бориб текширтирасиз, рухсат берилса, сотаверасиз. Буфетчи бошқа нарсадан касалланган бўлиши ҳам мумкин. Чиллакиларни қаранг, топ-тозаку, бунга еган одам заҳарланмайди, менимча,— деди врач унга таскин бериб.

— Мен кўрққанимдан...— дея Ниёз амаки врачга миннатдор жилмайди. Кўнглидаги ғашлик тамоман кўтарилди. Хаёлида чиллакиларни сотиб, ўзининг икки қўлида сарполигу ҳадылар тугилган бўғчаларни кўтариб уйига қайтаётганини тасаввур этди ва яйраб кетди...



## СЕНИНГ ОВОЗИНГДАН ҚАЙТА УЙҒОНДИМ

Ғойиб Назар

### Хотира

Хотирам тўлғонар ўзини отиб  
Улчовли шеъримнинг сатрларида.  
Мен шўх болалигим кўйдим йўқотиб  
Ғончининг буғдойзор адирларида.

Қайдан излай унинг қайноқ тафтини,  
Саратон тўрғайин хабариданми?  
Ва ё сувқоқили Тиллатоптининг  
Қумтўшақли ғори — камариданми?

Оймўма дўнгида алвон қизғалдоқ,  
Ғўё келинчакнинг алвон желаги.

Қани болалигим кўринмас бироқ,  
Қани, чиреш тўла қўлда челаги?

Нордон зирк баргини кўрса, капалаб,  
Қани юз бургани муздек булоққа?  
Қани у қувлаган чипор капалак,  
Қани ўчликлари кўзиқулоққа?

Кенгликлар бағрига сиғмади наҳот  
Умримнинг гижингтой чопкир қулини?  
Талпинсам соғиниб унга, шу заҳот  
Адирлар чўзади менга қўлини...

### Бу ишқ сиррин...

[Абдулла Орипов ғазалига мўхаммас]

Ибо-ла, ёр, одоб этдинг, одобинг ичра мен борман,  
Қарам айлаб савоб этдинг, савобинг ичра мен борман,  
Севгим ҳақ, деб жавоб этдинг, жавобинг ичра мен борман,  
Бу ишқ сиррин китоб этдинг, китобинг ичра мен борман,  
Ўқурман, деб хитоб этдинг, хитобинг ичра мен борман.

Неча ушшоқ дилин ромлаб, эшитгансан тасаннолар,  
Кўйингда оҳ чекарларга бакор келмас тасаллолар,  
Бепарвосан ялинганга, на ҳожат, деб таваллолар,  
Ярашгайдир, ажаб, сенга ажиб нозу таманнолар,  
Кетурман, деб хитоб этдинг, хитобинг ичра мен борман.

Қачон англаб етарсан, ёр, ошиқ кўнгили изтиробин,  
Висолингсиз восилмас у этарга тарк тарки хобин,  
Ташна лабга тутурсанми ол, ич, деб меҳр гулобин,  
Юзинг ҳажри билан оққан лаболаб чашм селобин —  
Ичурман, деб шароб этдинг, шаробинг ичра мен борман.

Мўхаббат боғида гулсан, бўлиб булбул наво тузгум,  
Ҳисларим сув бўлиб сеvgи чашмасори ичра сузгум,  
Муродимга етар чоғда сенинг даккинг билан тўзгум,  
Умид қилма, дединг, ошиқ мўхаббат риштасин узгум,  
Узурман, деб азоб этдинг, азобинг ичра мен борман.

Ички сирдош ўзимман, сен сийлама ташқини, эй ёр,  
Айлама бош узра тўқмоқким ағёр рашқини, эй ёр,  
Оқизган ўзга макри Мажнун, Фарҳод ашқини, эй ёр,

Қаён қолди ўшал сўзим, муҳаббат кўшкини, эй ёр,  
Тузурман, деб сароб этдинг, саробинг ичра мен борман.

Бани одамни ишқ туққан, тотса ҳам зарбаи ишқни,  
Муҳаббатдан кечолганмас, қилмаган тавбаи ишқни,  
Маломатмас, малоҳат кўп сийлаган телбаи ишқни,  
Дилимда қолган ушбу ҳар на манзил, кулбаи ишқни —  
Бузурман, деб хароб этдинг, харобинг ичра мен борман.

Халоват айлагунг куйга солиб Абдулланинг қалбин,  
Чўчимай ўзгадан, тингла қолиб Абдулланинг қалбин,  
Назар сол, севгида англа қолиб Абдулланинг қалбин,  
Муҳаббат гулшани ичра олиб Абдулланинг қалбин,  
Чалурман, деб рубоб этдинг, рубобинг ичра мен  
борман.

Ленинобод

## Марҳабо Мамадалиева

### Ҳашар

Отамга

Бугун уйда йўқсиз, гарчи якшанба,  
Бир кунлик ҳордиқни нари итариб,  
Саҳардан қайсидир кўшниникида  
Девор ураёписиз терлаб, қизариб.  
Оҳорли дўппингиз кўрпа қатида  
Байрамларни кутар, тўйларни кутар,  
Жони жонингизга туташ бу элнинг  
Кўпроқ ҳашарлари сиз билан битар.  
Ҳашар Фарғонада оддий оқибат —  
Қўшнидан қўшнига изҳорсиз меҳр.  
Бу юртда хизматдан қайтганда солдат  
Қийиқлар боғлатиб, кучарлар бир-бир.  
...Мен яшар кўчада яхшилик қиммат,  
Ҳашарга чақирсам ҳеч ким чиқмайди.  
Бунда бир юракдан чиққан оқибат  
Таъмасиз бир дилга калла тикмайди.  
Мен яшар кўчада нукуслик гўдак  
Йиғлар туз йиғилган қувуғин ушлаб,  
Мен уни нима деб юпатай, ота?  
Мен унга нима дей кўнглини хушлаб?  
Мен яшар кўчада келажак — сўроқ,  
Қурир бисотимда ёлғиз денгиз ҳам.  
Қуриётган фақат у эмас бироқ,  
Туғаб бораётир гўё кенг олам...

...Менинг забонимни тингланг, отажон,  
Кейин кулоқ беринг набирангизга,  
Дейсиз: қай лаҳжада, нени сўзлайдир?—  
Ваҳ, билиб бўлмайдир, билиб бўлмайдир?!  
Мен сизни чорлайман, ота, ҳашарга  
Юрагимнинг чуқур-чуқур ерига:  
У ерда ростларим нажотсиз ётар,  
Журъатларим патсиз, қанотсиз ётар!  
Ширин ёлғонларни шимиб яшадим,  
Гўзал ёлғонларни қучиб яшадим,  
Ёлғон билан бошни балодан асраб,  
Балки етмиш йилдан кўпроқ яшадим,  
Узоқ яшадим мен, узоқ яшадим.  
Рост сўзларим — гўдакларим,

яланғочларим

Кўзлари жавдираб қолаверди жим.  
Мен сизни ҳашарга чорлайман, ота,  
Зангор минорларин ғурурин туймас,  
Буюк фарзандларин руҳига куймас,  
Мозийдан бегона, ҳайрон кўчага!  
Ўзлиги, эртаси безовта қилмас,  
Шоир болалари жонин тикса ҳам  
Тузатиб бўлмас бир вайрон кўчага  
Мен сизни чорлайман, ота, ҳашарга!

Тошкент

Қаҳрамон Суяров

\* \* \*  
...Ҳолбуки, эшиклар турибди очик,  
Сен эса у ерга кирмайсан қайтиб.  
Ҳолбуки, демаслар ҳеч ким: «Кирма, чиқ!»  
Лекин қалб кўйгандир алвидо айтиб.

...Ҳолбуки дунёда гуллар бор, ахир,  
Олам гўзал эрур, олам чароғон.  
Фаришта, гулларнинг қучоғига кир,  
Сен билмай қоласан отганини тонг.

Ҳолбуки, эшиклар турибди очик.



\* \* \*  
Мен қандай кетайин  
Тоғларни ташлаб,  
ортимда нимадир қолса мунғайиб.  
Мен қандай кетайин  
дилимни ғашлаб,  
кўксимда бир туйғу борар улғайиб.  
Мен қандай кетайин  
қишлоқни ташлаб,  
у суйиб бағрига тортаверсаким.

Мен қандай кетайин  
кўзларин ёшлаб,  
йўлакка майсалар чиқиб турса жим.  
Қадамим ботмоқда,  
ботмоқда оғир  
она қишлоғимнинг йўлақларига.  
Мен қандай кетайин —  
куймасин бағир —  
тоғларнинг қол деган тилақларига...

Ургут

Ўроз Ҳайдар

### Танбур

Ғамгин оҳанг сочилиб тунга,  
Бўшлиқларда ғариб сузади.  
Етказгунча кечани кунга,  
Бедорликни кўздан узади.

Зил оҳангдан судралар шамол,  
Ҳорғин нафас олар дақиқа.  
Эзгин куйлар, куйлар далалар  
Йиғлаётган аёл ҳақида.

### Муножот Йўлчиева

Кўзингда бўзлайди шу зум қадим Шарқ,  
Қасрлар бўлади куйингга таслим.  
Овозинг қаърига бўлаётир ғарқ,  
Менинг учқур асрим, суворий асрим.

Мени чорлаётир ҳур қизлар мисол  
Ўтмиш елларидан тўзғиган наво,  
Оқибат, ўша чоғ бош тебратар дол  
Асога суянган бу кўҳна дунё.

Қалбим ушоқ-ушоқ, жоним минг қуроқ,  
Вужудим заминга бормоқда ботиб.  
Кўксим мақбарасин даҳмасида, оҳ,  
Муסיқий арвоҳлар ухлар тош қотиб.

Қадим тирикликни сездим ҳар байтда,  
Ҳар байт уммониға буткул бўлдим ғарқ.  
Сенинг овозингдан уйғондим қайта,  
Овозингдан қайта қад ростлагай Шарқ.

Чироқчи

Тоҳир Рўзибоев

### Қуёш

Бу кун ўтди. Ботди қуёш ҳам  
Ва сукунат бошлади эртақ.  
Қай кимсанинг қалбида алам,  
Қувончдадир қайси бир юрак.

Тиймоқ мумкин кўздаги ёшни,  
Шодликлар ҳам мангулик эмас.  
Дўстлар, дилда сўнган қуёшни —  
Эрта зўрлаб чиқариб бўлмас...

### Изоҳ

Ишқ, умидга боғлайди қанот,  
Поклик — гўзалликни тўлдирар.  
Ўсиб борса севги ва сабот,  
Ҳаётимиз қудратга тўлар.

Нелар ўтар соф хаёлингдан,  
Сени мендек ҳеч ким билмайди.  
Сира-сира сенинг ёнингдан  
Йироқларга кетгим келмайди...

Тўрткўл

Куйчи кўшиғи

Жонни ташла япроққа,  
Тиканларда тилинсин.  
Ўт сачрасин сўзингдан,  
Куйчилигинг билинсин.  
«Эҳ!» демагил, эшитса,  
Душман кўнгли чоғ бўлгай.

Бошингни эгик кўрса,  
Унинг кўкси тоғ бўлгай.

Кўзни юмма, элингнинг  
Очмагунча кўзларин.  
Аниқ-равшан кўргунча  
Душманларин, дўстларин.

Бедор куйла, ўйлашга  
Мажбур, қодир бўлсин эл.  
Куйчисин ғафлат босса,  
Қандай ботир бўлсин эл?!  
Жонни ташла янтоққа!

Жонни ташла янтоққа!

Сурхондарё

Асрор Мўминов

Қайсин Қулиев китобига ёзув

Ҳар бир саҳифада юксалар тоғлар,  
Сурон солиб қор ё тошлар кўчади.  
Баҳор бошланади, гуллайди боғлар,  
Осмонни тўлдириб қушлар учади.

Кексалар бошлайди қадимий кўшиқ,  
Уларга кўшилиб куйлайди дара.

Кейин шўх рақсга тушади ёшлик,  
Куй чалиб жўр бўлар унга шаршара.

Гурунгни қизитар чўпон гулхани,  
Кўёш ҳам чиқади терак учига.  
Хулласи калом шу, шоир Ватани  
Жо бўлибди ушбу китоб ичига.

Анна Каренина

Сўнгни умид торин узди хиёнат,  
Ишонмай кўйди у инсон наслига.  
Четда жим кузатиб турди диёнат,  
У ўзин ташлади поезд остига.

Китобга кўчган бу фожиа, ҳайҳот,  
Ҳануз одамларнинг очмас кўзини.  
Ахир, бу дунёда бесабаб ҳеч зот,  
Поездинг остига отмас ўзини!..

Исмат Худоёров

Саволдан сўнгни ўйлар

Бир учрашувда Нозим Ҳикматдан элининг қисмати  
ҳақида сўраганларида, у узоқ сукут сақлаган экан...

Синглим, бу йўлларнинг сўлғин ранглари,  
Бу йўлларнинг гирвод, тўзонлари бор.  
Бу йўлларнинг асир, ўр дарёлари,  
Оғочдай қурғоған ўзанлари бор...  
Кўзинг нурига тиг урса ҳилол,  
Пора-пора тўкилса агар шу кўнгил,  
Сендан кечса Сўзлар  
Ё келса малол —  
Дардингни айтмаса бўғзингдаги тил...

Латтага ўралган баҳодирларнинг  
Шамшири ўзидан олисда ётса,  
Минбарий мардларнинг — «бокира»ларнинг  
Сўзларин эшитиб тармадай қотса...

Қай эл тупроғида меҳмондай яшар,  
Қай тил осмонида мажруҳ қаноти?!  
Қай йўлга кетар бу кўзи кўр башар,  
Тошларда қоларми аждодлар ёди?!

Синглим, бу йўлларнинг ранглари сўлғин,  
Бу йўлларнинг гирвод тўзонлари бор.  
Ниқобга ўралган душманларингу,  
Дарёнинг курғаган ўзанлари бор...

## Ўрхун тошидаги икки ҳикмат

«Қадим саҳроларда  
Қашқирлар базми, —  
Суяк мазорлари  
Ҳамон сақланар.  
Қароқчи бўлса ҳам  
Балойи азим,  
Сарбон омон қолса,  
Карвон сақланар!..»

«Бу ерларда энди  
Ўзгачадир ҳол,  
Ердан узилганлар  
Доно саналар.  
Қароқчи босса-ю,  
Жанг бўлса, алҳол,  
Сарбон омон қолар,  
Карвон таланар!..»

Тошкент

## Иброҳим Ғойибназаров

### Фавқулодда

Офтобнинг чиқиши фавқулоддамас,  
Ой ҳам кезиб юрса табиий бир ҳол.  
Магар бўрон турса тасодиф дема,  
Ёмғир ҳам ёғмагай дафъатан, алҳол.  
Туйқусдан ғунча ҳам кўз очмас бешак,  
Самода юлдузлар ҳамиша ёниқ.  
Фақат шодлик рангин сезганда юрак,  
Фавқулодда портлаб кетиши аниқ.

Самарқанд

## Илтижо Абдуҳамид Пардаев

Нимаики кўрдим — бари бадкирдор...  
Шекспир

Мен дунёни беҳишт деб билдим,  
Одамларни хур, пари дея.  
Лекин кўрмиш-кечирмишларим  
Ишончимга соладир соя.

Нурафшон деб билганим, дунё,  
Хира тортиб борар кун-бакун.  
Шоду хандон бошланган баёт —  
Ғожиона топгудай якун.

То бор экан жиноят, жазо,  
То бор экан ҳар неки қусур,

Ҳаёт менга жанггоҳ беаёв —  
Беғонадир ҳаловат, хузур.

Хотиримни жам айла аввал,  
Сўнг иродам собит айлагин.  
Юрагимда қанча муҳаббат  
Бўлса, шунча нафрат жойлагин.

Тилларимдан, лозим лаҳзада,  
Заҳар томсин, заҳар — доривор.  
Кўзларимга кўзингда ёнган  
Қаҳр-ғазаб чақмоғин юбор.

Узоқ умр тиламам сендан —  
Бахт-саодат ўзингга сийлов.  
Юрагимда ёниб турса бас  
Бу дунёни покловчи олов.

Бу покиза оташ тафтида,  
Неки тубан — бўлсин жизғанақ.  
Баётини шоён тугатсин —  
Шоён баёт бошлаган юрак.

\* \* \*

Шаффоф шишадай тиниқ —  
Юлдузлар сочар зиё.  
Мусаффо ёғдусига  
Чўмиб мудрайди дунё.

Ҳад-худудсиз самода  
Беадад шамси анвар.  
Нурафшон осмондек  
Кўнглим этар мунаввар.

Термилсам-да сизга боз —  
Тўя олмайман сира.

Асти не бор дунёда  
Сиздан юксак, бокира?!

Шу икки нодир хислат  
Менга ҳам бўлсайди ёр.  
Афсус, мен ер фарзанди —  
Айби бисёр гуноҳкор.

Лекин чорлар экан то —  
Юлдузларнинг гулшани.  
Бир кун узилгай тайин  
Гуноҳкор ер кишани.

## Имомқул Яхшибоев

### Оғирлик

«Тўнғичимни уйлантиришга  
анча пул керак» —  
ўйлайди ота.  
«Бўлажак келинимга  
сарупо йиғишим керак» —  
ўйлайди она.  
«Даромадли жойда ишлашим керак» —  
ўйлайди ўғил.  
Бу ўйларнинг оғир вазнидан  
чўкиб бораётир оила...

\* \* \*


У ўғирлик қилмоқчи эди,  
яшамоқчи эди текинга.  
Буни сезиб қолиб виждони,  
шартта кесди икки қўлини.

У хорижга кетмоқчи эди,  
бахтми дея қўлсиз яшамоқ.

Буни сезиб қолиб виждони  
кесиб қўйди оёғини ҳам.

Ерда мангу ётар миҳланиб,  
қайтиб келмас энди ҳеч қачон.  
Ўғирликка кетган қўллари  
ва хорижда юрган оёғи.

Ғаллаорол



## ҚЎШИБ ЁЗИШ ИЛДИЗЛАРИ

*В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси (ВАСХНИЛ) академиги, Урта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-тадқиқот институтининг директори Саид Нуъмонович Усмоновнинг фаолиятида ёрқин акс этган икки даврни фарқлаш мумкин. Биринчиси, партия ва бошқарув органларидаги фаолияти бўлиб, у оддий партия ходимлигидан Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг биринчи секретари даражасигача кўтарилди. Бу вазифада салкам ўн йил ишлади. Партия XXIII ва XXIV съездларида КПСС МК составига сайланди, 7 ва 8-чақириқ СССР Олий Советининг депутати бўлди. Фаолиятининг иккинчи даври — илмий фаолият билан боғлиқ бўлиб, бу соҳада ВАСХНИЛ академиги даражасигача етди.*

*Шу жиҳатдан олганда С. Н. Усмоновни ҳам амалиётчи, ҳам назарий олим дейиш мумкин. Бу унга тадқиқотчилик ишида реал хўжалик ҳаётини чуқурроқ англаб етиш, долзарб масалалар бўйича жиддий тавсияларни ишлаб чиқиш имконини бermoқда.*

*Унинг қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, пахта ва бошқа маҳсулотларга нарх белгилаш, қишлоқ хўжалигини истиқболли ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш концепцияларига доир илмий мақолалари, китоблари, брошюралари кўпчиликка маълум.*

*Олим бир қатор хорижий мамлакатлардаги қишлоқ хўжалигини ташкил этиш тажрибаси билан таниш: Италия, Венгрия, Чехословакия, Швеция, Миср, Уганда, ГФРда бўлган. Анча вақт Куба республикаси ҳукумати ҳузурида қишлоқ хўжалик масалалари бўйича бош маслаҳатчи бўлган.*

*Қўйида мухбиримиз Маҳаматвали Муродовнинг академик С. Н. Усмонов билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.*

— Саид Нуъмонович, кейинги йиллардаги воқеалар қишлоқ хўжалиги соҳасида, хусусан пахтачиликда узоқ вақт сояга қараб бўй ўлчаб юрганлигимизни кўрсатди. «Олти миллион»нинг миси қиқиб қолди.

Мана бир неча йилдирки, қўшиб ёзиш иллатига қарши кураш олиб борилмоқда. Иллатнинг илдизлари эса ҳанузгача батамом суғуриб ташлангани йўқлигини кўпчилик эътироф этмоқда. Сиз билан ана шу салбий ҳодисанинг келиб чиқиши ва илдиз отишининг сабаблари, оқибатлари, иқтисодий жиҳатлари ҳақида суҳбатлашсак. Айни пайтда пахтачиликнинг ривожланиш босқичларига ҳам тўхталиб ўтиш лозим бўлар...

— Халқ хўжалигининг турли тармоқларида ва айниқса Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида рўй берган оммавий қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликлар иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан энг шармандали салбий ҳодисалар ҳисобланади.

Эндиликда булар ҳақида кўп гапирилмоқда ва ёзилмоқда. Яна гапириш мумкин. Аммо фактларни санаб ўтиш эмас, балки уларнинг манбаларини очиш ҳамда юзага келиш механизми ва сабабларини тушуниб етиш муҳимдир. Негаки қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликлар чуқур илдиз отган, унинг оқибатлари ҳали бир қадар намоён бўлиб туради. Шу боисдан унинг моҳиятини тушуниб етиш ҳар хил салбий ҳодисаларнинг олдини олиш ва батамом барҳам топтириш йўллари ишлаб чиқишнинг зарур шартидир.

Республика қишлоқ хўжалигида қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликлар 60-йилларнинг бошларидаёқ, мамлакатда икки-уч планга тенг гўшт ва сут етиштириш «ҳаракати» бошлангандаёқ рўй берган эди. Ушанда бундай фактлар очилган, қораланган, бироқ салбий ҳодисаларга қарши кураш охирига етказилмаган. Яъни, курашда изчиллик бўлмаган, салбий ҳодисаларга олиб келган ҳақиқий сабаблар очиб ташланмаган, шунга кўра уларга йўл қўймастик учун конкрет ташкилий-иқтисодий тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Натижада кейинчалик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик иллати янада илдиз отиб, аста-секин янги-янги тармоқларга ўта бошлади. Хусусан, пахтачиликда, айниқса 1977—1978 йилларда кенг ёйила бошлади.

— Қўшиб ёзиш ташкилотчилари, аввало, давлатни алдашган, қолаверса пахтани сотиб олиш ва кўзбўямачилик қилиш учун маблағ топши мақсадида колхозчилар ва совхозларнинг ишчиларини чўв туширишнинг турли усулларидан фойдаланганликлари эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

— Ҳа, хилма-хил сохта ҳужжатлар тузилган, иш ҳақи ведомостларида «ўлик жонлар» пайдо бўлган, бошқа ҳийла-найранглар ишга солинган.

Энг ачинарлиси шундаки, буларнинг азобини халқ тортган. Бунинг устига колхозчилар ва совхоз ишчилари шундай ҳам оз ҳақ олардилар. Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг даромади аҳоли жон бошига ҳисобланганда умуман мамлакат қишлоқ аҳолисига нисбатан олгандаги оила бир аъзосининг умумий даромадидан 35—40 процент кам бўлган. Демак, халқ азият чеккан, суистеъмолчилик билан шуғулланган ва жазога лойиқ, жиноятчига айланган бир тўда кимсалар эса айшини сурган.

Республикамизда қишлоқ аҳолисининг даромадлари проблемаси жиддий характерда бўлиб,

ўзига хос демографик хусусиятлар билан янада мураккаблашади. Зеро, аҳоли тез кўпайгани ҳолда умумий даромадларнинг мувофиқ равишда ёки илдамроқ ўсиши рўй бермаган. Бундай шароитда меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ўсишини таъминлаш бош масалага айланади, негаки у экономиканинг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни ва меҳнатчиларнинг даромадлари кўпайишини меҳнат унумдорлигининг ўсишисиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштириш узлуксиз ошиб боришини тақозо этади. Ваҳоланки, бунинг акси бўлган кўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликлар меҳнатчиларнинг маҳсулотни кўпайтиришдан бўлган манфаатдорлигига путур етказган. Натижада, масалан, 1983 йилда республикада амалда етиштирилган пахта 1980 йилга нисбатан 600 минг тоннага ёки 13 процентга камайган. Бундай аҳволда меҳнат унумдорлигининг ўсиши, меҳнатчилар даромадининг кўпайиши ҳақида гапириш мушкул.

— **Демак, қишлоқларимизда вужудга келган мураккаб иқтисодий вазият экономикага ва социал соҳага раҳбарликда йўл қўйилган қўпол хатоларнинг, хавфли даражада қулоч ёзган суиистеъмол қилишлар ва айнишларнинг оқибатидир.**

— Раҳбарлик сваясининг пастиги қишлоқ ҳўжалигини ва айниқса пахтачиликни тараққий эттиришда жиддий тўғаноқ бўлди. Аммо бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, умуман олганда бундай фактлар совет ҳоқимияти ўрнатилгандан бери ўтган етмиш йил мобайнида халқ эришган ютуқларнинг аҳамиятини пасайтира олмайди. Биз яккам-дуккам чакалалар ортидаги ўрмонни кўрмаслигимиз мумкин эмас! Чиндан ҳам одамлар Ўзбекистоннинг замонавий пахтачилиги инқилобдан олдинги даражага нисбатан қай аҳволда, деган саволни бера бошладилар. Пахта ҳосилдорлиги пасайиб кетмадими? Йўқ, албатта!

Ўзбекистонда пахтачилик, бутун мамлакатда бўлгани каби партия ва Совет ҳуқумати амалга оширган улкан ташкилий ва иқтисодий чоралар туфайли ғоят юқори даражада тараққий этди. Айтайлик, 1985—1987 йилларда, пахта етиштириш қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликлардан тозаланган пайтда, унинг салмоғи инқилобдан олдинги даражадан 10,5 баравар ортқ бўлди. Бир гектардан олиннадиган ҳосил инқилобдан олдин 8 центнер бўлган бўлса, ҳозир 25—26 центнерни ташкил этмоқда ёки 3,5 баравар ошди. Экин майдонлари уч баравардан зиёд кўпайди. Бу ирригация ва ерларни мелiorациялаш, янги системадаги машиналарни жорий этиш борасидаги улкан ишларнинг самарасидир. Пахтачиликда техника тараққиёти нисбатан юқори даражага кўтарилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Республика ва мамлакат пахтачилигида эришилган ютуқларни тўғри баҳолаш учун унинг ривожланиш сурьатларини қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари билан таққослаш кифоядир.

Масалан, СССРда дон етиштириш 1986 йилда инқилобгача бўлган даврдигига нисбатан 2,5 баравар, пахта — қарийб 12 баравар, шу жумладан Ўзбекистонда 10,5 баравар ошди. Картошка мамлакатда 2,3 баравар, республикамизда — 5,2 баравар, сабзавот мувофиқ равишда 5,1 ва 18,5 баравар кўпайди. Шу ўринда бир қизиқарли мисолни келтириб ўтаман: 1 гектар пахта ҳосилдорлиги Ўзбекистонда ва умуман СССР бўйича ҳам АҚШдагидан қарийб 2 баравар юқори. Ҳолбуки, биздаги энг яхши пахтачилик зоналари табиий-иқтисодий шароитлари жиҳатидан АҚШдаги энг ёмон шароитларга тўғри келади. Биз бу ютуқларимизни инкор этмаслигимиз, улардан ғурурланишимиз ва уларни назарда тутган, уларга таянган ҳолда мамлакатда пахтачиликни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқармоғимиз лозим. Ҳа, бизда ғурурланишга арзигулик ютуқлар бўлгани ҳолда ранжитадиган, юзимизни шувут қилган ҳодисалар ҳам содир бўлди.

Пахтачиликдаги ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларидаги кўзбўямачиликлар ва қўшиб ёзишлар бизда социализм даврида рўй берган энг салбий ҳодисалардир, деб дангал айтиш мумкин. Булар маҳсулот етиштиришнинг пировард натижаларидагина эмас, балки барча иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлардаги ҳақиқий аҳволни ҳам бузиб кўрсатади, ишлаб чиқаришдаги амалдаги ҳолатни, унинг ривожланиш тенденцияларини, бунда вужудга келадиган қийинчиликларни ҳолисона баҳолашга ҳалақит беради. Бунинг натижасида барча даражадаги қанча-қанча мутахассислар алдандилар, илмий асосда раҳбарлик қилиш, ички резервлардан, бутун совет халқининг меҳнати звязига яратилган улкан илмий ва ишлаб чиқариш потенциалидан қишлоқ ҳўжалигини да самарали фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлдилар.

Шундай экан, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликларнинг бутун нохуш оқибатлари ҳозир ҳам экономиканинг барча масалаларига кучли таъсир кўрсатмоқда.

— **Республика партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети раҳбарлиги остида қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик иллатини барҳам топтириш бўйича ишларнинг кенг программасини амалга оширмоқда. Қўшиб ёзишга раҳнамолик қилганларнинг мутлоқ кўпчилиги (мен республика ва область органларида юқори мартабани эгаллаб келган кишиларни назарда тутяпман) қилмишларига яраша жазоландилар ва жазоланмоқдалар. Шунга қарамай, қўшиб ёзиш иллати ҳамон онда-сонда бўлса ҳам содир бўляпти. Бунга қарши курашнинг мушкулликлари нимада!**

— Юқориди айтганимдек, иллат чуқур илдиз отган. Пировард маҳсулотни қўшиб ёзиш бор, яна бажарилган ишларга қўшиб ёзиш бор. Ҳозир маҳсулотни қўшиб ёзишни тугатишга кўп куч ва эътибор қаратилмоқда, ўша сиз айтган «раҳнамоларни» кўпроқ пировард маҳсулот қизиқтирган. Бу жуда кенг тарқалган эканки, кўп жойларда бажарилган ишларни ошириб кўрсатишни барҳам топтиришга қўл тегмаяпти. Шу сабабли ҳар қандай формадаги қўшиб ёзиш пайдо бўлишининг барча сабабларини очиб ташлашга алоҳида эътибор бериш керак, токи келажакда унинг илдизлари қўпориб ташлансин.

Қўшиб ёзиш «беғараз» нарсадан бошланган дейиш мумкин. Аввалига баъзи ишлар бажарилишини ошириб кўрсатиш бошланган. Яъни, экиш, яганалаш, чопиқ, чеканка қилиш ишлари якунлангани ҳақида тезроқ рапорт беришга интилиб, маълумотларда ҳали бажарилмаган ишларни тугалланди, деб ёзишган. Бу ишларни кейинги ишлар жараёнида поёнига етказишни назарда тутишган.

— **Қўшиб ёзиш чорвачиликда ҳам бор...**

— Чорвачиликда, масалан, бузоқларни боқиш учун улар норма бўйича истеъмол қилганидан икки-уч баравар кўп сут ҳисобдан чиқарилган. Шу тарзда мечкай бузоқлар «ичиб қўйгани» эва-

зига сут етиштиришдаги ялпи маҳсулот ҳажми сунъий равишда ошириб кўрсатилган. Асосий мақсад ҳар бир бош сигирдан олинадиган сут миқдорини ошириб кўрсатиш бўлган.

Қишлоқ хўжалик ишларини бажаришдаги бундай қўшиб ёзишлар дастлаб, суиистеъмолчилик билан боғланмаганди, буйруқбозлик, «Ҳа, бўл-бўл», деб сиқувга олишларга қарши туриш, кадрлар ишларни планли ёки кўзда тутилган муддатларда ўтказаетганлигини кўрсатиш учун қилинганди. Бунда кун, мавсум ўтса бас, экин ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги қандай бўлиши кейин аён бўлади, деган принципга амал қиларди. Бу масъулият ва жавобгарликдан қочишнинг, вақтинчалик муваффақиятга эришишнинг жўн усулидир. Йил охирида эса ишнинг бундай услуби одамларни пировард маҳсулотни қўшиб ёзишга мажбур қилиб кўярди. Бироқ, маҳсулот етиштириш, ишлаб чиқаришдаги қўшиб ёзиш беғараз нарса эмас, у энди кўзбўямачилик билан, муайян миқдордаги пуллардан фойдаланиш билан боғлиқ. Бинобарин, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликлар чуқурлашиб, одамларни жиноятчилик ботқоғига тобора торта борган.

Сурхондарёда бўлган бир ҳодиса эсимда. Ушанда 60-йилларнинг бошларида Шўрчи районидаги ҳозирги Улуғбек номи совхоз ўрнидаги колхоз раисини ўзага ишлов бериш бўйича 200 гектарни қўшиб ёзгани учун суд қилиб, уч йилга ҳукм қилинганди. Ҳозир кўплаб пахтани қўшиб ёзган, катта миқдордаги пулларни ўзлаштирган одамлар қамалди.

— **Н. С. Хрущёв даврида қайта қуришнинг илк кўринишлари пайдо бўлганлигини, унинг шахсга сиғинишни танқид қилиб жасорат кўрсатганлигини биламиз. Қолаверса, Хрущёв раҳбарлигининг буйруқбозлик-таъйиқ усулини синдиришга, ҳар бир кишининг ўз меҳнати натижаларидан шахсий манфаатдорлигини оширишга ҳаракат қилган. Бироқ, у гўшт етиштириш бўйича қисқа муддатларда Американи қувиб етиш шиори билан чиқдики, бу чираниш гўштни кўпайтириш у ёқда турсин, камайиб кетишига сабаб бўлган дейишади...** Бунинг устига қўшиб ёзишлар бошланган экан.

— Чиндан ҳам Хрущёв даврида қайта қуришнинг илк кўринишлари пайдо бўлган, лекин охиригача ривожлантирилмаган. 1953—1958 йилларда унинг бошчилигида қишлоқ хўжалиги экономикасини йўлга қўйиш борасида анча яхши ишлар қилинган рост. Бироқ, 1958 йилга келиб, Хрущёв ёз йўлидан адашди. Унинг таклифи билан совхозлар ва колхозлар аҳолидан сигирларни сотиб ола бошлади. Жойлардаги раҳбарлар компаниявозлиқни авж олдириб, олмавий тартибда қишлоқ меҳнатчиларининг сигирларини сотишга мажбур этишган. Гўё жамоат чорвачилигини ривожлантириш орқалигина озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш мумкин эди. Бундан кузатилган яна бир мақсад «хусусий мулкчилик»ни тезроқ барҳам топтириш бўлган. Хрущёв ва унинг атрофидагилар 20 йил зўр бериб ишласак, коммунизмни қурамиз, деб ўйлашган.

Етти йиллик (1959—1965) планига кўра йирик қорамоллар бош сони кўпайиб бориш суръатини 3,2 баравар, қўйларни 2 баравар ошириш кўзда тутилган. Бу билан катта хатога йўл қўйилганлигини тарих исботлади. Зеро, моллар туғеи кўпаяётгани ҳақида сохта рақамлар пайдо бўлди, магазинда эса гўшт маҳсулоти кўринмай қолди. Кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш илдиз отди. Чунончи, Рязань областида шундай сохтакорлик фош этилгач, область партия комитетининг секретари Ларионов ўз жонига қасд қилди.

— **Иш чаппасига айланиб кетаётганини, планлар нореаллигини Хрущёв сезмаганими!**

— Назаримда етти йилликнинг ўрталарига келиб Хрущёв қишлоқ хўжалигидаги аҳвол қониқарсиз бораётганини сезиб қолган.

1962 йил ёзида Кубага қишлоқ хўжалигини социалистик асосда ташкил қилишда ёрдам бериш учун бир группа мутахассислар юборилди. Мени ҳам юборадиган бўлишди. Кетиш олдиан Хрущёв мени қабул қилиб, айтган гаплари эсимда: «Ана ўша ерда — Кубада озиқ-овқат муаммосини 2—3 йил ичида ҳал қилиш мумкин. Чунки Куба Америкага яқин, унинг таъсир доирасида бўлган...» деди у. Бу гапларни Хрущёвнинг ўз оғзидан эшитганман. Демак, 1962 йилдаёқ у Американи яқин 2—3 йилда қувиб ета олмаслигига ишонч ҳосил қилган эди, дейиш мумкин.

— **Ҳозирги пайтда ҳеч бир жиноят эътибордан четда қолдирилмапти. Жиноятга қўл урганларнинг шахсига, аввалгаи хизматларига ҳатто «қахрамонлик» нишонларига қарамасдан, ким бўлишдан қатъи назар қиялишига яраша жазо бериляпти. Ҳозир қўшиб ёзишнинг биз «беғараз» деб атаган илк кўринишларига қарши курашни ҳам кучайтириш пайти келди. Зеро, кўзбўямачиликларнинг асосий манбаи ҳам ана шу «беғараз» қўшиб ёзишлар бўлган дедигиз.**

— **Аслида бу «беғараз»ми?! Дейлик, ўзани бир марта ўтоқ қилиб, икки марта деб ёзсак, икки марта суғориб, уч марта суғордик деб ёзсак, бу энди асло беғараз эмас. Фирибгарлик десак янглишмаймиз.**

Бундай «беғаразлик»ни, яъни бажарилган ишларни ошириб кўрсатишни бартараф қилишда ҳозир меҳнатни ташкил этишнинг пудрат системаси қўл келмоқда. Чунки пудрат системасида бажарилган ишга қараб ҳақ тўланмайди. Сиз қайси ишни қанча ҳажмда бажаришингиздан қатъи назар, пировард маҳсулотга, унинг сифатига қараб ҳақ оласиз. Бу деҳқонни озгина созгина ишлашга, агротехника тадбирларини бировнинг кўрсатмасисиз, ўз вақтида, сифатли бажаришга ўргатади.

Демак, ишнинг пудрат системаси кўзбўямачиликнинг келиб чиқиш манбаига болта урмоқда, зарба унинг илдизига бориб тегмоқда. Болта кўзбўямачиликнинг ўзига ҳам урилмоқда. Ўзи деганда пировард маҳсулотни қўшиб ёзишни назарда тутяпман. Маҳсулот учун тушадиган пулни ўзлаштиришни, жиноят келиб чиқишини айтяпман.

— **Пудратга катта баҳо берасиз. Унинг моҳиятини чуқурроқ асослаб берсангиз.**

— Илгари деҳқон ишбай ҳақ оларди, эндиликда пировард маҳсулот учун олади. Пудрат усули ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий эгасини тикляпти. Бундай ҳолда кўзбўямачиликка ўрин қолмайди. Нега? Чунки пудратчи — маҳсулот эгаси. Нега энди у ўз маҳсулотини бировга берар экан?! Илгари эса маҳсулот колхозчиликни эмас, умумжамоатликни эди, чуқурроқ қарайдиган бўлсак, ҳеч кимники эди. Ана шундан фойдаланиб бошқалар унга эга чиқиб, кўзбўямачилик қиларди.

— **Кези келганда пахтани машинада теришда ҳам кўзбўямачиликлар бўлганлигини айтиб ўтмоқ лозим. Балки бунда ҳам қўшиб ёзишга рағбатлантирувчи омиллар бўлгандир!**

— **Ҳозир ҳаммани қизиқтираётган бир савол бор: нега кўп йиллардан бери машина терими ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек ўтмаяпти, нега талай қимматбаҳо техника бекор туриб қоляпти? Буни техника конструкциясидаги нуқсонлар, механизаторлар малакасининг пастлиги, агротехни-**

қанинг мукаммал эмаслиги, самарали дефолиантларнинг йўқлиги каби камчиликлар билан бир қаторда, хўжаликлар раҳбар ва мутахассисларнинг антимеханизаторлик кайфиятлари билан изоҳламоқчи бўладилар. Ана шу изоҳларда бир қадар асос бўлса ҳам, яна бир қарра такрорлайман, масаланинг иқтисодий томони инкор этилади. Амалда қандай бўляпти? Институтиимизда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, агар битта пахта териш машинасида мавсумда 50 тоннадан кам пахта терилса, ҳар бир тонна учун сарфланган ҳаражат қўл теримидагидан ошиб кетади. 60—70 тонна бўлса ҳаражатлар тенглашади, 80—90 тонна ва бундан ошганда машина терими қўл теримига нисбатан самаралироқ бўлади.

Хўш, машина терими самарадорлигини аниқлашда нимага асосланилмоқда? Гап шундаки, бунда унга сарфланадиган ҳаражатлар жуда оз ҳақ тўланадиган қўл териминики билан таққосланмоқда. Албатта, бундай ҳақ тўлашда қўл терими анча афзалдек кўринади. Баъзан, матбуотда пахта териш машинаси 20—30 кишининг ишини бажаришига ишора қилиб, кетини ўйламай юзак хулосалар чиқарилмоқда ва техникадан фойдаланишдаги катта ҳаражатлар инкор қилинмоқда. Агар қўл теримида меҳнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик бартараф этилса ва уни ижтимоий аҳамиятига мувофиқ амалга оширилса, ҳар қандай ҳолда ҳам машина терими қўл теримига нисбатан анча самаралироқ бўлади. Шундагина хўжалик раҳбарлари бошқача фикрлайдиган, машина терими билан боғлиқ ишлар сифатини оширадиган, қўл теримини энг кам даражага келтиришга интиладиган бўлишади. Ҳозирча ана шу йўналишдаги иқтисодий дастаклар тўлиқ ишга солинмаганини эътироф этиш керак.

— Сиз матбуотда ёритилган айрим мақолаларингизда салбий ҳодисалар келиб чиқишининг туб сабаблари ҳақида гапирар экансиз, планлаштиришдаги камчиликларга ишора қилгансиз. Бу камчиликлар нималардан иборат бўлган!

— Планларни реал имкониятларни ҳисобга олмай эришилган даражадан келиб чиқиб белгилаш планлаштиришдаги камчиликдир. Пахта планини йил сайин ошириш аслини олганда ижобий ҳодиса. Бу ички резервларни сафарбар этиш имконини беради. Ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш эвазига плани бажаришга интилиш мавжуд ишлаб чиқариш ва илмий потенциалдан максимал фойдаланишга ундайди, энг муҳими, етилган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни тезроқ ҳал этишга ёрдам беради. Бироқ, бедазорларни қисқартириш, ерни ҳолдан тойдириш, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик қилиш, бу ишни системага айлантириш эвазига планларни бажариш навбатдаги белгиландиган планлар ва уларни бажаришнинг реал имкониятлари ўртасида жиддий номуносабликни келтириб чиқарди. Худди шу ҳолат қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни янада ривожлантиришга ғов бўлди. Ўзбекистон аграр экономикасини турғунликка олиб келди.

Собиқ раҳбарлар аҳволни бузиб кўрсатиш, обрў орттириш, мукофотлар олиш учун авж олдириган «қандай бўлмасин плани бажариш», «ҳар қандай об-ҳаво шароитида плани бажариш» принципи ҳозир бизга қимматга тушмоқда. Бундай план бажариш ниманинг эвазига бўлаётгани, у меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволида қандай акс этаётгани билан ҳисоблашимасди. Фақат планга сифиниларди. Барча иқтисодий кўрсаткичлар билан комплекс ҳолда ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига қараб баҳолашнинг фан тавсия этган мезонлари инкор этиларди.

Уша даврда мамлакатимизда шаклланган халқ хўжалигига, шу жумладан аграр секторга раҳбарлик қилишнинг услуб ва методи социал-иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилган асосий ғов бўлди. Ҳар қандай бошқарув маъмурий методларнинг иқтисодий методлар билан уйғунлиги асосида қурилади. Иқтисодий масалаларнинг ҳал этилиши муайян маъмурий тадбирлар билан мустақамланиши керак. Бошқарувни бусиз тасаввур этиш мумкин эмас. Аммо бунинг моҳияти конкрет вазиятдан келиб чиқиб, мазкур методларнинг мақбул нисбатини белгилашдадир. Ҳозирги қайта қуришни амалга ошириш зарурати ҳам мамлакат экономикасини бошқаришда ана шу мақбул уйғунлик бузилганлигидан келиб чиқди. Зеро, раҳбарликнинг иқтисодий методларига зид равишда маъмурий методлар устунликка эга бўлиб қолган эди. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатадиган иқтисодий омиллар: даромад, мукофот, рағбатлантириш фондлари, таннарх, нарх, маош, рентабеллик кабилар қўшимча самара бермади, баъзан ишлаб чиқаришни ривожлантиришда тўсиққа айланиб қолди. Шу боисдан социализмга хос хўжалик ҳисоби, ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш каби категориялар ўз мавқеини йўқотиб, текисчилик ва адолатсизлик устунлик қила бошлади.

Оқибат шу бўлдики, раҳбарликнинг маҳкамачилик услуби таркиб топди. Одамлар, ҳатто корхоналарнинг раҳбар ва мутахассислари хўжалик масалаларини мустақил ҳал этиш имкониятидан маҳрум бўлиб қола бошладилар. Бир воқеа эсимда қолган. Далада бир бригадирдан нега чигит экишга киришмаганини сўраганимда, у «юқоридан буйруқ бўлгани йўқ-ку», деб жавоб қилган эди. Дала ишлари қизиган пайтда районларнинг раҳбарлари шофёрларини эрта саҳардан колхоз ва совхозларнинг далалари бўйлаб айланишга юборганларини ўзингиз ҳам эшитгандирсиз? Улар наздида сояи-давлатларининг ўзи ҳам даладаги ишларни жонлантириб юбориши керак эди. Бу иқтисодий методлар иш бермай қолганлиги, одамларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан етарлича манфаатдор эмасликлари натижасида кўпинча уларни зўрлаб, қўрқитиб ишлатишга тўғри келганлигини ҳам кўрсатади.

Ишнинг бундай услуби меҳнаткашларда ишлаб чиқаришнинг соҳиби туйғусини сўндира бошлади, хўжалик юритишда тежамкорлик ўрнини, ҳар қадамда хўжасизлик эгаллади.

Эндиликда эскича хўжалик юритиш механизмини, бошқаришнинг маъмурий методларини бузиб ташлаш ва амалда ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатишнинг иқтисодий методлари ва омилларини тиклаш талаб қилинади. Бошқаришнинг маъмурий системасидан қутилиш осон эмас, негаки унинг камчиликлари кўпчилигига қарамай совет кишиларининг бир неча авлоди томонидан вужудга келтирилган, ҳатто ҳозирги авлод ҳам шу системанинг «тарбиясини» кўрган. Худди шу боисдан революцион ўзгаришлар қилиниши, янгиланиши, ҳар бир киши ўзини-ўзи қайта қуриши керак бўлади. Бу жараён анча узоқ давом этишини тарихнинг ўзи исботламоқда.

— Ҳозирги мураккаб вазиятда илгари тўпланган тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бизда ижобий тажрибалар ҳам бўлган. Ташаббускорлик кўрсатган хўжалик кадрлари кўпинча эътибордан четда қолишган, жазоланишган бўлишларига қарамай, уларнинг тажрибалари қолган. Ана шу тажрибалар қайта қуриш жараёнида қўл келмоқда.



**Сиз Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган пайтингизда ташаббус кўрсатганингиз учун катта раҳбарларга ёқмай қолганингиз хусусида гаплар юради. Шу гап ростми?**

— Ҳа, ўзингизга маълум, мустақил фикр юритиш, юқоридагилардан «ишора» бўлмасдан туриб ташаббус кўрсатиш республика раҳбарларига ҳамиша ҳам маъқул келвермаган. Улар бундай хатти-ҳаракатларни ўзбошимчилик деб баҳолашган. Каминанинг ҳам «ўзбошимчилиги» уларга ёқмаган.

Кези келганда ўн йил мобайнида область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган пайтимдаги кадрларни ўқитиш ва бошқарувнинг иқтисодий методларини жорий этиш борасидаги иш тажрибамиз ҳақида сўзлаб беришни истайман. Ушанда биз область миқёсида маъмуриятчиликдан бир қадар узоқлашиб, қишлоқда иқтисодий ишнинг услуб ва формаларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, такомиллаштириш бўйича тажриба ўтказиш ташаббусига эга бўлган эдик.

1965 йил июнь ойида «Экономическая газета»да «Самарқанд ташаббуси» мақоласи босилди. Областа мазкур газетанинг жамоатчилик редакцияси ташкил этилиб, ишларнинг бориши тўғрисида анчагина мақолалар уюштирилди.

Раҳбарликнинг иқтисодий методларини такомиллаштиришга қаратилган ишнинг асосий йўналиши ҳаётдан олинган эди. Иш бошланган пайтда область колхоз ва совхозларида пахта ва бошқа экинлардан кам ҳосил олинарди, чорва маҳсулдорлиги паст эди. Зарар кўрадиган қолюқ хўжаликлар талайгина бўлиб, колхозчиларнинг ойлик иш ҳақи область бўйича ўртача атғи 36 сўмни ташкил этарди. Шунинг учун айрим хўжалик раҳбарларининг пўстагини қоқиб таъзирини бериш, баъзиларини ишдан бўшатиш мумкин эди. Лекин янги раҳбар ҳам ўша қийинчиликларга дуч келади-ку. Мушкулликнинг илдиэларини одатдагидек натижадан эмас, балки уларни келтириб чиқарган сабаблардан қидириш кераклиги бизга аён бўлган эди.

Бу вазифани бажариш учун мутахассислар группаси тузилиб, унга иқтисодий таҳлил қилишни амалга ошириш топширилди (кейинчалик бу группа анча кенгайиб борди ва унинг негизида область партия комитетининг иқтисодий кенгаши тузилган эди. Шундай кенгашлар райкомлар қошида ҳамда колхоз ва совхозларда ҳам ташкил этилганди). Группа фаолиятининг дастлабки натижаларидан область қишлоқ хўжалигида иқтисодий ишнинг оқсаетганини, ишлаб чиқариш технологияси кўпинча иқтисодий вазифаларга зид бўлаётганини, унинг асоси ҳисобланувчи ҳисоб-китоб ва назорат ишлари хўжаликларнинг аксариятида ёмон йўлга қўйилганини кўрсатди.

**— Уша пайтда самарқандликлар тажрибадан ўтказаетган иқтисодий изланишнинг марказида инсон, унинг талаб ва эҳтиёжлари, унинг моддий ва маънавий манфаатларини ишлаб чиқаришнинг умумий тараққиёти билан тўғри уйғунлаштириш масаласи турган эди дея оласизми?**

— Ушанда иқтисодий йўналишдаги жиддий ишларни амалга оширишга ҳаётнинг ўзи — одамларнинг талаб ва эҳтиёжлари мажбур этган эди дейиш мумкин. Гап шундаки, 1963—1964 йилларда область меҳнаткашларидан Тошкентга ва Москвага жуда кўп шикоят ва аризалар тушар эди. Обкомга колхозчилар ва совхоз ишчилари ҳатто бир неча юз киши бўлиб келишарди.

Шикоятларнинг кўпи раҳбарларнинг нопоклиги, меҳнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик хусусида эди. Масалан, жамоат пулидан бошқа мақсадда, чунончи давлатга топшириш учун маҳсулот сотиб олишда фойдаланишга доир кўплаб фактлар аниқланди. Шундай ҳам оз бўлган иш ҳақи фондини белгиланган тартибни кўпол бузиб тақсимлашарди. Бир сўз билан айтганда, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий дастакларидан ҳисобланувчи етарлича моддий манфаатдорлик йўқ эди.

Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари ҳаддан ташқари кўплиги раҳбар ходимларнинг аҳоли билан мунтазам учрашувларини уюштириб туриш заруратини олдимизга қўйди. Омма ўртасида тез-тез бўлиб туриш, масалаларни ошқора ҳал этиш жамоат фикрини яқиндан ўрганиш имконини берди.

Ҳисоб-китоб ишларининг пухта олиб борилишига алоҳида эътибор қаратилди. Бухгалтерлар ва иқтисодчиларни ҳар хил дала ишларига жалб этиб ўз асосий вазифаларидан қалғитишга чек қўйилди. Аслини олганда малакали мутахассислар саноқли эди. Областадаги 169 колхоз ва совхозда атғи 18 нафар бош бухгалтер ва 31 нафар экономист олий маълумотли эди. Ваҳоланки, энг майда хўжаликларнинг ҳам бюджети миллион сўмликдан ошди. Область ҳар йили ўнлаб ёш мутахассисларни — агрономлар, зоотехникларни олгани ҳолда, экономистлар нари борса бир-иккита бўларди. Кадрлар тайёрлашдаги бундай номувофиқлик ҳам мамлакатимизда раҳбарликнинг иқтисодий методларини ва умуман экономика фанини инкор этишнинг оқибати эди.

Шу боисдан ишлаб чиқаришдаги барча мутахассисларни иқтисодий анализ қилиш ишларига тортишга тўғри келди. Уларнинг билим доиралари ва технологияни яхши билишларидан фойдаланиб, иқтисодий анализ ва раҳбарлик методлари бўйича уларнинг ўқувини ташкил этдик. Қуруқ маъмуриятчилик ўрнига келаётган бу янгилек аввалига баъзиларга ёқмади. Негаки, «экономист» деган сўзнинг ўзи баъзилар учун ҳақоратомуз эшитиларди. Собиқ район раҳбарларидан бири «Мени экономистга айлантиришмоқчи» деб нолиб юргани эсимда.

Иқтисодий хизмат ишнинг жонланиши хўжаликларнинг йиллик ҳисоботларини январь ойида, навбатдаги ишлаб чиқариш-молия планларини февралда тузиб чиқиш, колхозларда йиллик йиғилишларини, совхозларда коллективларнинг ишлаб чиқариш кенгашларини ўз вақтида яхши тайёргарлик кўрган ҳолда ўтказиш имконини берди.

Ҳар қандай катта ёки кичик хўжалик масаласини ҳал этиш олдидан иқтисодий анализ ўтказилиши лозим. Шунинг учун етарлича ахборот материали бўлиши керак. Шу сабабли область статистика ва қишлоқ хўжалик органлари томонидан колхоз ва совхозлар фаолиятини асосий социал-иқтисодий масалалар бўйича таҳлил қилиш ва бу материалларни хўжаликларга юбориш системаси ривожлантирилди. Бундай таҳлил қилиш хўжаликларнинг ўзида ҳам йўлга қўйилди. Шундай қилиб уларда экономика кабинетлари ташкил этилиб, бу ерга таҳлил материаллари қўйиладиган, диаграммалар схема ва жадваллар тузилиб кўргазмаллик таъминланадиган бўлди. Экономика бурчаклари дала шийпонлари ва формаларда ҳам ташкил қилинган эди.

**— Демак, иқтисодий маълумотлар тор хоналардан чиқиб, ошқоралик касб этган, мутахассис-**

ларнигина эмас, балки оддий деҳқонларни ҳам иқтисодий фикрлашга, омиликор хўжалик юритишга ундай бошлаган.

— Чиндан ҳам бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад иқтисодий ишнинг аҳамиятини ошириш, унга оммавийлик, ошкоралик бахш этиш эди. Ниҳоят, область партия комитетининг иқтисодий кенгаши илғор хўжаликларнинг тажрибасини, эксперимент ақунларини ўрганиб ва умумлаштириб, барча колхоз ва совхозларга хўжалик ҳисобининг содда системасини тавсия этди. Шу асосда бригадада ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш учун учта журнал: хўжалик ҳисоби, дала-агротехника, колхозчиларнинг бажарган иши ва иш ҳақи журналлари жорий этилди. Журналларда қайд этилган маълумотлар катта қозога кўчирилиб дала шийпонларига осиб қўйиладиган бўлди. Бу ҳам ишнинг ошкоралигини таъминлади.

Кадрларнинг изчил иқтисодий таълимини йўлга қўйиш, уларни маъмуриятчиликдан воз кечи амалда иқтисодий чора-тадбирларни қўллашга ўргатиш учун «Экономика кунлари» ўтказила бошланди. Дастлаб (Иштихон районидаги 8 Март номи) битта колхоз танлаб олинди. Мазкур хўжалик экономикаси партия ходимлари, иқтисодчи олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва бевосита моддий бойлик яратувчи амалиётчи ходимлардан иборат ташаббускор группа томонидан атрофлиқа ўрганиб чиқилди. Тўпланган материаллар умумлаштирилгач, районларнинг барча раҳбарлари ва мутахассисларини, айрим хўжаликларнинг раҳбарларини колхозга таклиф қилиб, колхоз иқтисодий ва хўжалик фаолиятининг барча йўналишларида вужудга келган аҳволни батафсил таҳлил этиб чиқдик. У ёки бу тармоқдаги таннархнинг юқорилиги ва норентабелликнинг сабабларини аниқладик. Конкрет материал асосида вужудга келган вазиятда қўллаш учун раҳбарликда таннархни пасайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқдик. Бу ишларни амалга оширишни бошқарувга доир йўл-йўриқларини белгиладик. «Экономика кунлари» аввал ҳар бир райондаги бир хўжалик мисолида ўтказилган бўлса, кейинчалик барча колхоз ва совхозларда ўтказиладиган, унда бригадирлар, ферма мудирлари, колхозчилар ва совхоз ишчилари қатнашадиган бўлишди.

Табиийки, бундай ўқув барча иқтисодий ишни тақомиллаштириш ва шу асосда хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш билан қўшиб олиб борилгани учун ҳам қимматлидир.

Иқтисодий ишни ривожлантириш ва чуқурлаштириш билан бир қаторда амалий танқид ва ўз-ўзини танқиднинг йўқлиги оқибатида бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини оширишда қийинчиликларга дуч кела бошладик. Пухта тайёргарликдан кейин 1970 йил бошида область партия комитети пленуми ўтказилиб, унда «Танқид ва ўз-ўзини танқидни янада ривожлантириш, топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Бу масала барча шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида ҳам муҳокама қилинди. Пленумларга тайёргарлик жараёнида қанчадан-қанча танқидни бўғиш, танқид учун қўвғин қилиш, танқидга лоқайдлик билан қараш каби фактлар очиб ташланди. Ушунда коммунистлар ва меҳнатқашлар жамоат мулкани талон-тарож қилиш, хизмат лавозимини суистеъмол қилиш, маъмурий органлар ходимлари томонидан социалистик қонунчиликнинг бузилиши каби талай фактларни очиб ташлаганликлари эсимда.

Энг муҳими шундаки, бундай фактлар коммунистларнинг йиғилишларида очиб ташланарди, область ва район матбуоти ороқали ёритилиб, ошкоралик таъминланарди. Ана шундан кейин Тошкент ва Москвага шикоят ва аризалар билан бориш тўхтади. Сирасини айтганда, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенгайтиришга ёрдам берадиган вазиятни вужудга келтиришга эришдик.

— **Бошланган яши ишларга, ташаббусга республика пойтахтидаги катта раҳбарлар қандай қарашган? Ахир «якши ташаббуснинг қаноти бўлади», «ташаббускорларга тенглашинг»** каби кўтаринки иборалар, шiorлар ўша даврдан қолган-ку.

— Ҳа, баянда парвоз шiorлар кўп эди. Мен ҳам ўшанда нега бизнинг ташаббусимиз юқоридан рағбатлантирилмаётганига ҳайрон қолардим.

Область партия комитети кўйи партия ташкилотларидаги ижобий янгиликларни, салбий ҳодисаларга қарши курашни, танқид ва ўз-ўзини танқидни қўллаб-қувватлагани ҳолда ўзи ҳам шундай мададга муҳтож эди. Аммо бундай бўлмади. Негаки жойлардаги раҳбарларнинг мустақил фикр юритиши кўпинча юқорида айтганимиздек, ўзбошимчилик деб баҳоланарди. Ташаббус кўрсатган кишининг атрофида ноқулай вазият вужудга келтириларди, у бошлаган ишга шубҳа, гумон билан қараларди.

Масалан, республика қишлоқ хўжалик ходимларининг қурултойларидан бирида Москвадан келган вакил суғориладиган ерлардаги бедазорлар салмоғи бўйича Самарқанд области олдинги ўринга чиқиб олганлигини қайд этиб ўтди. Шундан кейин зудлик билан областа бу борадаги аҳволни, ўрганиш учун одамлар юборилди. Бедазорлар нафақат ердан, нақ осмондан аэрофотосъёмка қилинди. Мақсад «кўзбўямачилик»ни топиш эди. Фактлар топилмади. Кейин тезда республикадаги бошқа обдада у ердаги алмашлаб экиш бўйича тўпланган тажрибани ўрганиш бўйича семинар-кенгаш ўтказишга тайёргарлик бошлаб юборилди. Ўша пайтларда кўзбўямачиликка қарши мана шунанга «қураш» олиб бориларди.

— **Шунга бошқа мисол ҳам кўрсата оласизми?**

— Тамакичиликда оилавий пудратни жорий этиш масаласини олиб кўрайлик. 1966 йилда бу тармоқда вужудга келган иқтисодий вазиятни ўрганиб чиқиб, тамакизорлар оилаларга биркитиб қўйилган жойларда энг яхши натижаларга эришилишини аниқладик. Аммо бундай иш усули ман этилган бўлиб, хуфиёна қўлланарди. Шу боисдан ҳисоботларда меҳнатни ташкил этишнинг расмий усулини кўрсатишарди, яъни амалда икки ёқлама ҳисоб-китоб ишлари юритилади. Гапнинг лўндасини айтганда, кўзбўямачилик қилишга мажбур бўлишганди. Иқтисодий таҳлил эса тамаки тоғ шароитида, кичик-кичик участкаларда етиштирилиши ва фақат қўл меҳнатига асослангани сабабли оилавий пудрат самарали эканлигини кўрсатди. Биз область партия комитети бюросининг махсус қарори билан мазкур усулни қонунлаштирдик ва уни ҳамма жойларга жорий этдик.

Бунда ҳам ташаббусни қувватлаш ўрнига текшир-текширлар, социалистик принциплардан чекинишда, хусусий мулкчиликни авж олдиришда айбашлар бошланиб кетди. Масалани Марказкомда муҳокама қилмоқчи бўлишди. Ҳеч қандай ғаразли мақсад йўқлигини исботлаш учун кўп

куч сарфлашга, асабийлашишга тўғри келди. РСФСР ва Молдавия тамакичилигига доир материалларни махсус ўрганиб чиқишга ва муҳолифларимизнинг эътиборини уларга қаратишга мажбур бўлдик. Ана шундай узоқ тортишувлардан сўнг тамакичиликдаги оилавий пудратни ҳимоя қилишга ва қонунлаштиришга эришдик. Энди унинг самарадорлиги амалда исботланиши керак эди. Амалда эса 1970 йилга келиб тамаки ҳосилдорлиги икки баравар, кейинчалик яна икки баравар ошдики, тамакичилик энг юқори рентабелли тармоққа айланди.

Эндиликда бутун мамлакатда оилавий пудрат кенг ёйила бошлаганда тамакичиликда тўпланган тажриба ғоят асқотмоқда ва кенг қўлланилмоқда. Чунончи, бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг ҳужжатларида кўрсатиб ўтилди.

— **Уша пайтда ҳам оилавий пудрат бўлган экан-да.**

— Ҳа, албатта. Қаранг, қанча вақт йўқотилди.

— **Тошкент области хўжаликларида ҳам оилавий пудрат ўн йиллар бурун пайдо бўлган дейишади. Бундан илгари сабзавотчиликда «қозиқ усули» бўлган экан... «Тошкент технологияси» деб аталувчи метод ҳақидаги фикрингиз қандай? Буларнинг ташаббускорлари тўғрисида ҳар хил гаплар юради. Ташаббус қуйидадан чиққанми ёки юқоридагилар «ижоди»нинг маҳсули бўлганми!**

— Тошкент областида сабзавотчиликда қўлланган оилавий пудрат билан боғлиқ ҳодиса кўпчиликка маълум. Мазкур усул бошқа тадбирлар билан комплекс ҳолда областда сабзавот етиштиришни кўпайтиришга кўмаклашган. Аммо бу ерда ҳам кўп йиллар мобайнида оилавий пудрат истиқболсиз ва зарарли услуб сифатида юқоридагилар томонидан қораланиб келди. Гўёки бу усул марксизмда йўқ эмши, шунинг учун номақбул эмши. Лекин бу кишилар марксизм догма эмас, ҳаётга қўлланма эканлигини, унга шароитга қараб ижодий ёндошиш зарурлигини унутдилар. Қарангки, область раҳбарлари ўзгариши биланоқ, пластинка тескари айланиб кетди, гўё ғўза ўстиришининг «Тошкент технологияси» деб аталмиш янги усул яратилгани ҳақида жар сола бошладилар. Шунга ўхшаган муносабат Бухоро областига нисбатан ҳам бўлган эди.

Бу айтганларимни баъзилар майда гап-ку дейишлари мумкин. Асло майда гап эмас! Гап айрим раҳбарлар ишининг натижаларини баҳолашда рўй берган ноҳолислик, ғаразгўйлик ҳақида боряпти. Областлар ва бутун республика кенг жамоатчилигининг кўз ўнгига адолатсизлик қилнарди. Одамлар бундан кўрибгина қолмай, кадрлар тарбиясига қанчалик катта маънавий зарар етказилаётганини ҳис этиб турардилар. Бунинг оқибатлари ҳозир ҳаммага маълум. Раҳбарларда рўй берган бундай ёндашув янги нарсаларни жорий этишга тўсқинлик қиларди, ўз лаёқатини кўрсатишга бўлган интилишларни сўндирарди.

— **Саид Нуъмонович, биз суҳбатимизни яна ўша даврда, Самарқанд областида бошланган ишларга қаратсак. Сиз «Экономическая газета»да босилган материал ҳақида гапириб ўтдингиз. Республика матбуоти облаstdаги янгиларга қандай муносабатда бўлган!**

— Адолат билан айтганда, «Экономическая газета»да мақола босилганидан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1965 йил июль ойидаги қарори билан бошланган ишни маъқуллади. Чамаси бир йилдан кейин биз журналист А. Комаровский билан ҳамкорликда тайёрланган «Катта ҳашар» брошюрасига сўзбоши ёзиб беришни сўраб Ш. Рашидовга мурожаат этдик. У рад этмади.

Кейин эса бошланган иш ривожлантирилиб, у жамоатчиликка маъқул бўлган сари муносабат ўзгарди. Чунончи, обкомнинг иқтисодий масалаларга бағишлаб 1967 йилда ўтказилган пленумини олайлик. Унда республика ва марказий матбуот органларидан келган ўндан зиёд журналист қатнашди. Бироқ республика газетасидаги кичкина мақоладан бошқа ҳеч қандай чиқиш бўлмади. Ваҳоланки, пленумда ўша давр учун янги масала кўриб чиқилган эди. Ёки обкомнинг танқид ва ўз-ўзини танқидга бағишланган пленумини олайлик. Долзарб масала кўтарилганига қарамай матбуотда биронта хабар чиқмади. Нега бу масалаларга ошкоралик бахш этилмади? Назаримда, башарти танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш бўйича бошланган ишга ошкоралик бахш этилгудек бўлса, жамоатчиликда бу ишни бошқа жойларда ҳам амалга ошириш фикри пайдо бўлур эди. Зеро, танқид партия ва жамият ҳаётининг доҳий Ленин кўрсатиб берган нормаларининг энг принципиал масалаларидан бири ҳисобланади.

Самарқандда тўпланган тажриба умуман эътибордан четда қолиб кетди деб бўлмайди. Самарқандликларнинг ишлари ҳақида таниқли ёзувчи Асқад Мухтор «Чинор» романида ҳикоя қилган. Ана шу романга бағишланган телевизион кўрсатувда ҳам гапирилган. Менга маълум бўлишича, Асқад Мухтор Тошкент область партия комитети пленумида сўзга чиқиб, самарқандликларнинг тажрибасини чуқурроқ ўрганиш кераклиги ҳақидаги фикрни айтишга журъат қилган.

— **Яқинда Асқад Мухтор билан учрашувимизда ёзувчи шу нутқини эслади. Мазкур пленумда Рашидов ҳам қатнашган экан. У Асқад Мухторга совуқ бир қараш қилиб, нутқи ёқмаганини сездирган экан. Асқад ака ичидан «қовун туширдим, шекилли» деб хаёлидан ўтказган экан.**

— Мен Асқад акани жуда ҳурмат қиламан. Бизнинг ишларимизга муносиб баҳо берганларидан хурсандман. Тўғри, ўшанда бир неча ойдан кейин мен вазифамдан озод қилинганман. Лекин бунга Асқад аканинг сўзга чиқиши сабаб бўлмаган. Бошқа сабаблар мени ариза беришимни тақозо этган.

Шу ўринда яна бир нарсани гапириб ўтишни истайман. 1971 йилда областга таниқли ёзувчилар Владимир Тендряков ва Даниил Гранин кўҳна ёдкорликларни кўриш мақсадида келишди. Улар қадимги обидаларни мароқ билан томоша қилиб, кундали ишларга кўп қалғимасликка ҳаракат қилишганди. Аммо бундай ҳолларда кўпинча рўй берганидек, улар бизнинг кундали ишларимиз ҳақида қисқача маълумот олиш истагини билдирдилар. Илк маълумотларнинг ўзиёқ уларни ғоят қизиқтириб қўйди ва улар ўз ҳамроҳларидан сафар программасини ўзгартиришни ҳамда областда ҳозирги кунда амалга оширилаётган ишларга кўпроқ назар ташлаш имкониятини беришни сўрадилар.

Д. Гранин «Изловчилар» китобини менга тухфа этиб, қуйидаги дастхатни ёзган эди: «...чин қалбдан ва миннатдорчилик билан Самарқандда биз дуч келган янгиларни ва Сизнинг очик кўнгиллигингиз учун». В. Тендряков эса кўп ўтмай «Қадимий Самарқанднинг бугунги куни» очеркини ёзиш ва «Дружба народов» журналида эълон қилиш билан ўз муносабатини билдирди. Кейинчалик бу очерк унинг 1973 йилда чиққан «Танланган асарлар»ига киритилди.

В. Тендряков ва Д. Гранин Самарқанддан қайтишда Ш. Рашидов қабулида бўлишган. Улар ўз таассуротларини гапириб бериб, Самарқанд тажрибасини кенг ёритиш истагида эканликларини айтишган.

В. Тендряков ўз очеркида ялпи назорат ва ҳисоботни йўлга қўйишдан иборат соф ташкилий-иқтисодий тадбирнинг беқиёс эканлигини таъкидлайди. Унда «...жамиятнинг шахсга бениҳоя эътибори, бу балки, энг олий коллективизмдир... Самарқандликлар мўъжизани ўз кўхна заминларидангина изламаяптилар, мўъжизани одамнинг ўзидан изламоқдалар» деган жумлалар бор. Ёзувчи бизнинг кундалик ишларимизни мушоҳада қилиб шундай умумлашма хулосаларга келган эди. Ҳозир биз буни инсон омили деб атамоқдамиз.

Бирмунча вақтдан кейин Владимир Федорович Самарқандга яна келди. Ш. Рашидов уларни қабул қилганида самарқандликлар тажрибасини кенг ёритиш хусусида розилик билдирганлигини ва энди «Правда» редакциясининг илтимоси билан, махсус мухбир сифатида газетанинг икки-уч сонига катта материал тайёрлаш учун келганини айтди. Мен юзма-юз турганда бериладиган «розилик»нинг қийматини, оқибатини билардим ва шу боисдан воқеаларнинг боришини хавотирлини кута бошладим... Владимир Федоровичнинг режалари амалга олмади... Кези келганда айтиб ўтиш мумкинки, ўшанда ёзувчиларга Рамз Бобожон ҳамроҳлик қилган эди, у воқеаларнинг тафсилотини яхшироқ билса керак.

— Саид Нуъмонович, ҳикоянгизга кўра, Владимир Тендряков Самарқандда коллектив пудратининг куртаклари пайдо бўлганлигини кўрган ва уни мамлакат миқёсида ёйишга арзигулик ангиллик деб билган. Афсуски, бунга имконият беришмаган. Ана шуниси ачинарли. Қўпол бўлса ҳам бир савол, Сиз турғунлик даврида ўтган умрингизга ачинасизми?

— Қўшиб ёзиш илдиэлари ҳақида суҳбатлашиб туриб, ўша даврдаги вазият ҳақида, тажрибалар ҳақида гапиришимдан мақсад ҳозирги қайта қуришимиз осмондан тушмаганлигини кўрсатиб беришдир.

Иқтисодчи-тадқиқотчи сифатида мени омадим келган эди. Негаки расмий йўл билан бўлмаса ҳам ўз ташаббусим билан бошқарувнинг иқтисодий методларини жорий этиш масалалари бўйича алоҳида ҳўжаликда эмас, балки бутун бир область миқёсида тадқиқот ўтказиш имкониятига эга бўлдим. Умуман олганда, афсусланадиган жойи шундаки, илгари ижтимоий, шу жумладан, иқтисодий соҳада экспериментлар деярли ўтказилмасди. Тўғри, фақат кейинги пайтларда мамлакатимизда уларни расмий суратда ўтказиш имконияти берилди, бутун бир тармоқлар бўйича экспериментлар ўтказила бошлади. Бу иқтисод фанини тараққий эттиришда ғоят муҳимдир.

Институтда ишлар эканман, ўтказилган эксперимент натижалари ва ўзимнинг амалий тажрибам доимо қўл келяпти. Тадқиқотчиларимизнинг ишини амалиёт эҳтиёжлари билан ҳамондан олиб боришга йўналтириш имконини беряпти. Чунончи институтимиз республика аграр экономикасининг долзарб масалалари, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги структурасини мақбуллаштириш ва уни илмий негизга, коллектив ва оилавий пудратга ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқди, бошқа тадқиқотлар ўтказилмоқда.

— Сиз узок муддат раҳбарлик ишида ишлангансиз, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси бўлгансиз. Эндилликда академик этиб сайландингиз. Амалий ва назарий ишни қўшиб олиб борганингиз, катта ҳаётий тажрибага эга бўлганингиз учун бунга эришгансиз, тўғрими?

— Шундай бўлса керак. Олим ҳам амалиётчи, ҳам назарийчи бўлса ёмон бўлмайди.

— Ўзбекистон қишлоқларидаги ҳозирги иқтисодий вазият мураккаб. Иқлимий ва биологик омиллар ҳам қишлоқ ҳўжалигига муайян даражада таъсир кўрсатмоқда. Таъбир жоиз бўлса, иқлимий ва биологик вазият билан иқтисодий вазият бир-бирига боғлиқдир...

— Чиндан ҳам қишлоқда анча мураккаб вазият юзага келган. Бу КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё республикаларида агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалдан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги қарорни қабул қилинишига боис бўлди.

Ташвишли вазият келиб чиқишининг сабаби деҳқончиликнинг илмий системасидан чекинилганлиги, монокультура ва 60-йилларнинг бошларида ўт-далали системага қарши кураш баҳонасида ялпи шудгорлаш жорий қилинганлигидадир. Бошқарувнинг иқтисодий методлари ва механизмни инкор этиш шароитида буларнинг таъсири айниқса чуқурлашди. Фан ва амалиёт суғориладиган экинзорлар структурасида безазорларни камида 30—35 процентга етказмай туриб, пахтачиликни нормал ривожлантириш мумкин эмаслигини исботлаган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 8—10 процентга тушиб қолган эди. Натижада тупроқнинг силласи қуриди, илм касаллиги авж олди, зараркунандлар кўпайди, кўплаб миқдорда заҳарли химикатлар қўллашга мажбур бўлинди. Булар тупроқдаги тирик организмларнинг ҳаёт фаолиятига ҳам, умуман иқтисодий вазиятга ҳам ҳалокатли таъсир кўрсатди.

Қишлоқ ҳўжалигининг ўзига хослиги шундаки, унда иқтисодий жараёнлар биологик жараёнлар билан қўшилиб кетади. Бунда биологик жараённинг нормал кечishi иқтисодий жараён самарали бўлишининг, бошқача айтганда, барча харажатлар ва ишлаб чиқариш потенциали самарадорлигини оширишининг энг муҳим шартидир. Шунинг учун турли зоналарда бир-бирдан анча фарқ қиладиган биологик жараённинг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган тадбирларни амалга оширмай туриб, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш масалаларини тубдан ҳал этиш мумкин эмас.

Салбий ҳодисаларнинг илдиэлари тасаввур этилганидан ҳам чуқур илдиз отган эканки, улар қишлоқда вужудга келган вазиятни бартараф этиш борасидаги ишларни амалга оширишни ҳамон қийинлаштирмоқда. Аммо қийинчиликларни тезроқ ва муросасиз енгиб ўтмасдан бошқа чора йўқ.

Бу борада чунончи, планлаштириш масалаларини тартибга солиш керак эди. Шу жиҳатдан пахта етиштириш планларига тузатиш киритилганлигини қайд этмоқ лозим.

— Аччиқ ҳақиқатни, яъни ҳеч қачон 6 миллион тонналик хирмон бўлмаганлигини тан олиш, исботлаш осон бўлмаган албатта. Шунингдек, планларни пахта-беда алмашлаб экишни жорий этишга имкон берадиган мақбул даражага келтириш зарурлигини иқтисодий жиҳатдан исботлаш керак эди. Ана шундай мураккаб вазифаларни кимлар бажарганлигини айтиб беролмасизми? Пахтакорларимиз буни билиб қўйишса ёмон бўлмасди.

— Қониқиш билан айтишим мумкинки, бунда кўпчиликнинг ҳиссаси бор. Аввало тегишли масалаларга доир ўнларча йил қилинган илмий тадқиқотларни умумлаштирдик, шу асосда қишлоқ ҳўжалигидаги аҳволни тузатишнинг турли вариантлари ишлаб чиқилди. Ўрта Осиё регионида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш концепциялари бўйича доклад Москвада ВАСХНИЛ Президиумида махсус кўриб чиқилди ва маъқулланди. Кейин республикамиз органлари ўз йўли билан иттифоқ директиваси органларига мурожаат этишди. Шундан кейин пахтачиликни ривожлантириш план кўрсаткичларига жиддий ўзгаришлар киритилди.

— **Планининг камайтирилиши ҳўжаликларнинг даромади ҳам камайишини билдирадими!**

— Бундай тасаввур туғилмаслиги керак. Биринчидан (яна такрорлашга тўғри келади), шунча пахта аслида бўлмаган, иккинчидан, бедазорлар пахта ўрнига нисбатан қимматлироқ чорвачилик маҳсулоти етиштириш имконини беради. Бундан ташқари ҳукуматимиз пахтакорлар ҳақида ғам-хўрлик кўрсатиб чиқарган қарорига мувофиқ, чигитнинг мойлигини оширганлик учун ва бошқа кўрсаткичларни яхшилаганлик учун олинадиган устамалар ҳисобига ҳўжаликларнинг даромадини ошириш имконияти яратилди.

Энг муҳими, пахта толаси ва чигити сифатини оширишдир. Мана бир неча йилдирки, пахта учун тола чиқишига қараб ҳақ тўланмоқда. Бу система оралиқ хўсусятига эга, негаки бевосита тола учун эмас, балки унинг ўрта саноат сортидаги миқдорига қараб ҳақ тўланмоқда. Ҳолбуки, пахта заводлари олти сортидаги толаи сотмоқда. Ҳозир Пскент районида тадқиқот ўтказилиб, тола ва чигитни бевосита сотишга ўтишни тўлиқ таъминлайдиган комплекс иқтисодий ва ташкилий масалалар тажрибада синаб кўриляпти. Бу тадбирлар маҳсулот сифати яхшиланишини таъминлайди.

— **Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг харид нархи ҳозирги кунда барчани қизиқтиряпти деса хато бўлмайди. Нега бу масала мураккаблашиб кетган!**

— Пилланинг нархи масаласини олиб кўрайлик. Шундай пайтлар бўлганки, унинг нархи шу қадар паст эдики, маҳсулот фойда келтириши ўрнига, уни етиштиришга сарфланган харажатлар қопланмасди. Пилла етиштириш эса осон иш эмас. 70-йилларда ипак курти боқишни хоҳловчиларни топиш қанчалик қийин бўлганлигини кўпчилик эслайди. Ахир уни боқиш учун қишлоқ меҳнатчилари асосан ўзлари яшаб турган уйларида фойдаланадилар. Шу боисдан ипак курти боқиш иқтисодий манфаатдорлик асосида эмас, балки ғайриқтисодий мажбурият сифатида амалга ошириларди. Ипак курти хонадонларга маъмурий тазйиқ остида тарқатиларди.

Мен буларни ўз кўзим билан кўриб, бу тармоқда вужудга келган аҳволдан ғоят ташвишланардим. 70-йилларнинг ўртасида фан билан шуғуллана бошлагач, ипакчиликда ҳўжалик юритишнинг иқтисодий механизми аҳволини ўрганишга киришдим. Биз аввало бу тармоқдаги барча харажатларни тўлиқ ҳисобга олдик (ўша пайтда тут дарахтларини ўстириш, барг ташиш, уйлари ремонт қилиш каби талай чиқимлар кўпинча пахтачилик харажатларига киритиб юбориларди). Маълум бўлдики, бир килограмм пилланинг реализация нархи тўрт сўм бўлгани ҳолда унинг амалдаги таннархи қарийб етти сўмни ташкил этар экан.

Биз пилла нархини бир йўла 60 процент ошириш кераклиги ҳақида таклиф тайёрладик. Бу билан дастлабки пайтларда жуда бўлмаганда харажатларни қоплашни назарда тутган эдик. Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари бунга чўчинқираб қаради: гўё 15—20, нари бурса 30 процент ошириш лозим эмиш. Биз чекинмадик, масалани қайта-қайта қўявердик. Шундан кейин ҳўжатга қўл қўйишга мажбур бўлишди. СССР ҳукумати таклифни кўриб қидди ва 1979 йил 1 январдан бошлаб пилла нархини 60 процент оширди. Агар колхозчи илгари бир қути ипак куртидан 70 килограмм пилла етиштириб 280 сўм олган бўлса, энди 490 сўм оладиган бўлди.

— **Пиллачиликдаги ҳозирги аҳвол қандай!**

— Пилла нархи 60 процент оширилганида барча харажатлар қопланиши кўзда тутилган. Демак, пиллачилик фойда келтирадиган соҳага айланиши учун нархларни яна қайта кўриб чиқиш талаб қилинади. Негаки бусиз ҳўжаликларда чинакам ҳўжалик ҳисобини йўлга қўйиш қийин.

— **Фикрингиз тўғри. Барча тармоқлар реал ҳўжалик ҳисобига ўтказилиши мўносабати билан ҳозирги шароитда пилла нархини тартибга солиш жуда зарурдир. Пахтанинг реализация нархи эса қирсиляб турган муаммо.**

— Мазкур масала турли сабабларга кўра узоқ вақт охиригача ҳал этилмай келди. Бу уни етиштиришдан моддий манфаатдорликни таъминламайди. Республикаимиз раҳбарлари эса пахта нархини тартибга солиш масаласини жиддий кўтариб чиқиш у ёқда турсин, бунга тўсқинлик қилишган. Уларнинг наздида мазкур масала кўтариб чиқилса, гўё республиканинг мамлакат экономикасига қўшадиган ватанпарварлик ҳиссаси камайиб қоларди.

Иқтисодий вазият пахта нархини такомиллаштириш масаласини кечиктирмай ҳал этишни тақозо қиларди. Хусусан, колхоз ва совхозлар сотиб олаётган саноат моллари нархи кескин ошиб кетганлиги сабабли республика экономикаси ҳалокатли хавф остида қола бошлади.

КПСС Марказий Комитетининг нарх белгилаш масалаларини тубдан кўриб чиқишга бағишланган 1982 йил май Пленумига таяёргарлик пайтида қўлай имконият вужудга келди. Биз бундан фойдаланиб, пахта нархини кескин — 30 процент ошириш ва ана шу мақсадда республикага салкам бир миллиард сўм ажратилиши кераклиги ҳақида конкрет таклифлар ишлаб чиқдик. Аммо Ўзбекистон КП Марказий Комитетидагилар уни узоқ вақт кўриб чиқишмади ва ҳал этишмади. Шу вақт ичида КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленуми материалларига доир лойиҳалар эълон қилинди. Уларда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг кўп турлари учун нархлар кескин оширилажаги, ана шу мақсад учун 16 миллиард сўм ажратилажаги баён қилинган эди. Лойиҳада фақатгина пахта нархи хусусида ҳеч гап йўқ эди.

Биз бундан ғоят ташвишландик, зеро вужудга келган имконият бой берилаётганди. Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига масалани тезроқ ҳал этишларини сўраб қайта-қайта мурожаат этавердик. Пировардида республика раҳбарлари КПСС Марказий Комитетига хат таяёрлашимизга руҳсат беришди. Аммо пахта нархини ошириш учун бир миллиард эмас, балки ярим миллиард сўм сўрашимиз кераклигини айтишди. Биз шунга ҳам рози бўлдик.

Мазкур хат иттифоқ органларида кўриб чиқилди ва СССР Госплани, Молия министрлиги,

Давлат нархлар комитети, Қишлоқ хўжалик министрлиги раҳбарларининг имзоси билан жавоб олинди. Унда пахта нархини ошириш ҳақидаги таклифлар рад қилинган эди.

Мени жавоб билан таништириб, шу билан чекланишга қарор қилишди. Мен эса бу билан чекланиб қолмадим, ўз таклифларимизни асослаб беришим учун Москвага юборишларини сўрадим.

Ниҳоят, республиканинг айрим ходимлари билан мени Москвага юборишди. Биз Госпланда, Давлат нархлар комитетида, Қишлоқ хўжалик министрлигида бўлдик, масалани ҳал этиш зарурлигини исботлаб бердик. Бу пайтда қишлоқ хўжалигига ажратилаётган 16 миллиард сўмни тақсимлаш масаласи якунланиш босқичида эди. Бизнинг республикамизга пахта нархини ошириш (15 процент) учун ярим миллиард сўм ажратиш лозим деб топишди. Кези келганда, мамлакатнинг барча пахтакор республикалари учун пахта нархи 15 процент оширилганлигини айтиб ўтмоқ лозим.

— Бундан кўринадики, сизнинг жонбозлигингиз тўғрисида қардош республикаларнинг пахтакорлари ҳам наф кўришган. Ажратилган пулдан қандай фойдаланилганини айтиб беролмай-сизми!

— Биз бу пулни аввало, пахта нархини табақалаштиришга йўналтиришни таклиф қилдик. Гап шундаки, айрим хўжаликлар ўртасидаги табиий-иқтисодий шароитлар бир-биридан кескин фарқ қилади. Шу боисдан объектив ёмон шароитдаги айрим хўжаликлар амал-тақал қилиб хўжалик юритарди. Узоқ муҳокамалардан сўнг таклифларимиз катта тузатишлар билан қабул қилинди.

— Табиийки, булар ҳаммаси пахтакорларимизни қувонтирган. Аммо республика раҳбарлари пахта нархини ошириш ҳақидаги таклифларингизни кўриб чиқишни пайсалга солишганини, натижа чиқмагач ўзингиз Москвага боришга мажбур бўлганингизни айтдингиз. Улар сизнинг жонбозлигингизни муносиб баҳолашдими?

— «Муносиб» баҳолашганда қандоқ! Нархлар ҳақидаги масала ҳал этилаётган пайтда мен бошчилик қилаётган институт Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия комиссияси томонидан етти ой давомида синчиклаб текширишдан ўтказилди.

— Етти ой бўлса, хўжатларни микроскопдан ўтказиб чиқишибди-да!

— Ҳа, ишимиздаги камчиликларни очиб, Марказкомда муҳокама қилмоқчи бўлишган. Ниҳоят, қўтилган нуқсонларни топиша олмагач, масалани Тошкент шаҳар партия комитети бюросида кўриб чиқиш учун оширишди. Бюро ҳисоб қарточкамга ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. Бу хайфсаннинг қай даражада ҳолисоналиги ҳақида ўзингиз хулоса чиқараверинг. Фақат бир нарсага эътибор беришингизни сўрайман. Мен пахта нархи хусусидаги таклифларимни асослаш учун, табиийки, пахтакорларнинг иш ҳақини ошириш зарурлигига асосий эътиборни қаратганман. Негаки, у мамлакат қишлоқ хўжалигидаги ўртача кўрсаткичдан анча паст эди. Бунинг устига республикамизда оилалар кўпболали бўлгани учун жон бошига тўғри келадиган жами даромад мамлакатдагидан анча кам эди. Мен бу иқтисодий кўрсаткичлар билан хоҳласам-хоҳламасам қишлоқ меҳнатчиларининг нисбатан оғир иқтисодий аҳволини очик-равшан кўрсатган эдим. Бу эса 6 миллион тонна пахта етиштириш муносабати билан қишлоқ меҳнатқашларининг моддий фаровонлиги ошганлиги ҳақида республикада тантанали суръатда эълон қилинган сафсатага зид эди.

— Демак, сувдан ҳалво ясаб, «ишлар гүмбур» деб кеккайиб юрганмиз, дўппини осмонга отанмиз, бошимизга тўқмоқ тушаётганини сезмаганмиз, пахтачиликдаги масалалар эса чигаллашиб кетаверган...

— Нимасини айтасиз, ишлар гүмбур эмас — хуржун бўлганлигини кўриб турибсиз-ку! Мен юқоридаги айрим ўтмиш воқеаларини фош этиш учунгина айтганим йўқ. Улар пахтачиликдаги масалалар мураккабланишига, чалакам-чатти, пала-партиш кўриб чиқишига ва ниҳоят, бугунги кунга келиб чигаллашиб, ҳал этиш қийинлашиб кетганлигига сабаб бўлганлиги учун айтганман.

— Бир саволга ҳолис жавоб берсангиз. Пахта нархини қанчага оширишни бугунги кунда ўринли ва жоиз деб ҳисоблайсиз!

— Бизнинг жаҳон миқёсидаги нархларни қийсий ўрганган ҳолдаги илмий тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, пахта нархи камида 70—80 процентга оширилиши лозим. Бундан ташқари уни колхоз ва совхозлар сотиб оладиган саноат молларининг ошиб бораётган нархларига мувофиқлаштириш зарур.

— Расмий маълумотларга қараганда, республика агросаноати системаси бўйича пудрат асосида ишлаган коллективлар яхши натижаларга эришмоқдалар. Бироқ, меҳнатнинг пудрат усуллари жорий этилиши натижасида аҳоли зич районларда, масалан, Фарғона водийсида одамлар ишсиз қолиши мумкин, деган гаплар юрибди. Хавотирланишга асос бўлмаса керак деб ўйлайман.

Қишлоқда ишчи кучи етишмаса қандай муаммолар пайдо бўлиши қўриқ областлар мисолидан маълум. Аҳолининг кўпчилиги ҳам янги муаммоларни келтириб чиқаради. Утказилаётган тадқиқотлар масаланинг мақбул ечимини топиш имконини беради.

— Биз пудрат коллективларини, аввало одамлар сони (3—6 киши) нуқтаи назаридан мақбуллаштириб тавсиялар ишлаб чиқдик. Шунга кўра аҳоли зич хўжаликларда (Фарғона водийси, Хоразм области) оилавий коллективларга бириктирилган пахтазор 3 дан 10 гектаргача, янги ўзлаштирилган зоналардаги (аҳолиси оз) хўжаликларда 15—25 гектар ва зиёд бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда Хонқа райони пахтачилигида оилавий пудрат тўлиқ жорий қилинган. Район колхоз ва совхозларида гектар ҳисобига олинадиган ҳосил сезиларли даражада кўпайди. Бу ерда машина теримига бўлган қизиқиш кучайди. Район хўжаликларининг тажрибаси оилавий пудратнинг юқори самарадорлигини тасдиқламоқда. Ушбу самара оилавий коллективлар иши тармоқда бошқарувнинг цех системасини жорий қилиш билан, яъни даромадга қараб, харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларнинг чек формасидан фойдаланган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашга ўтиш билан уйғунлаштирилганида янада ошади.

Биз пиллачилик ва қўйчиликда оилавий пудратни қўллаш бўйича Ўрта Осиёда тўпланган анъанавий тажрибадан фойдаланиб ва илғор хўжаликларнинг тажрибасини пухта ўрганган ҳолда

Сирдарё областидаги Кичанов номли пахтачилик совхози ва «Партия XXIII съезди» номли узумчилик совхози мисолида хўжаликнинг замонавий моделини ишлаб чиқдик. Бу моделнинг моҳияти шундаки, бўлимлар тугатилди ва ишлаб чиқариш оилавий пудратга ўтказилди. Экспериментнинг диққатга сазоворлиги шундаки, ишнинг дастлабки йигодаёқ хўжалик мутахассис ва раҳбарлари ишлаб чиқариш жараёнларига аралашиб ташвишдан қутулдилар. Ўз эътиборларини ички хўжалик фаолиятини асосли планлаштиришга, хўжалик ҳисобини, таъминотни ташкил қилишга, фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этишга ва умуман бошқарувнинг маъмурий методларидан иқтисодий методларига ўтишга қаратиш имкониятига эга бўлдилар.

Замонавий талабларга мувофиқ келадиган хўжаликнинг янги моделини яратишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ҳозирги шароитда колхоз ва совхозлар йирик хўжаликлар бўлиб, уларда бир ярим-икки минг киши ишлайди. Ишлаб чиқариш бундай нисбатан катта кўламда бўлганида, амалиёт кўрсатганидек, унга нисбатан эгаллик туйғуси йўқолади. Эгаллик туйғусини камол топтириш учун шароит ҳам бўлади. Ишбай ҳақ тўлашда, яъни маҳсулот учун эмас, балки бажарилган иш ҳажми учун ҳақ тўлаш шароитида ишловчининг пировард маҳсулотдан манфаатдорлиги аста-секин сўнади. Ишбайлик колхоз ва совхозларда одамни, ёзувчи Иван Васильев тўғри қайд этиб ўтганидек, мардикорга айлантириб қўйди. Кунбай ишлайдиган мардикорда ташаббускорлик ва ижодкорлик бўлмади. В. И. Лениннинг фикрича, йирик хўжаликлар ичида кооператив асосларда шундай коллективларни тузиш керак эдики, токи уларда эгаллик туйғуси камол топсин, улар ўз ҳақларининг чинакам етиштирилган маҳсулот билан боғлиқлигини бевосита ҳис этсинлар. Айни шу жиҳатдан колхоз ва совхозларда ишнинг пудрат системасини жорий этиш долзарб масалага айланди.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳозир пудрат ташкилотларини, ишнинг пудрат системаси (коллектив пудрат, оилавий пудрат, бригада пудрати, ижара пудрати ва бошқалар)ни матбуотда айтилаётганидек, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг формаларидан бири сифатидагина эмас, балки колхоз ва совхозлар ичидаги хўжалик юритиш системасини тубдан қайта қўришнинг дастаги сифатида қарамоқ даркор. Колхоз тўлиқ хўжалик ҳисобини жорий этиш ҳамда иш ҳақини пировард натижа билан бевосита уйғунлаштириш эгаллик туйғусини камол топтиришнинг ҳам, одамнинг ишлаб чиқариш учун масъулиятини оширишнинг ҳам, ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришнинг ҳам асосий формаси ҳисобланади.

Шу тариқа, ишни қайта қўриш жараёнида гап қишлоқда колхоз ва совхозларнинг мавжуд жуда катта имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланишни таъминлашга кўмаклашувчи ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратиш ҳақида бормоқда.

Ҳозир қишлоқда касаначилик меҳнати, индивидуал меҳнат фаолияти кенг ёйилиб, давлат ва кооператив корхоналари ташкил этилмоқдаки, булар аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

— **Республикани ўзида етиштириладиган дон, чорвачилик маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш гоёси мавжуд. Бу амалга оширса бўладиган вазифами! Уринсиз ва ортиқча чираниш республиканинг «белини чиқариб» юбормасмикин!**

— Республика ҳозир ҳам, яқин келажакда ҳам аҳолини дон, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосини тўлиқ ҳал этолмайди ва бу маҳсулотларни иттифоқ фондидан олишга мажбур бўлади. Яқин ўтмишда республика аҳолисини ўзимизда етиштириладиган маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлаш гоёси зўр бериб пропаганда қилинганда, «Ҳам пахта, ҳам гўшт», «Пахта ва суг» каби шiorлар пайдо бўлганди. Сўғориладиган ерларда донли, бошоқли экин майдонларини кенгайтириш, шоли етиштиришни маҳаллий эҳтиёжлардан анча ортиқ миқдорда кўпайтириш тадбирлари қўрилган эди.

Бир қарашда истиқболли туюлган ана шу интилиш ва чора-тадбирлар аслида иқтисодий жиҳатдан асосланмаган, валютаристик характерда эди. Мамлакатда ҳар бир район ўзини-ўзи барча хилдаги маҳсулотлар билан таъминлашига умид боғлаб маҳсулот етишмовчилигини барта-раф этишга интилишган. Бизда ҳам юқоридагиларга ёқиш учун шу ҳаракатга қўшилиб кетишган. Узоқ вақт давом этган ана шу беҳуда уриниш ўзбекистонда аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари истеъмолчи тобора камайиб кетишига сабаб бўлди.

Кўп асрлик тажриба у ёки бу турдаги экинни у мўл ҳосил берадиган қишлоқ хўжалик зоналарида етиштириш зарурлигини яққол кўрсатади. Бунда ишлаб чиқариш структураси мазкур зонанинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларига қараб эмас, балки конкрет тупроқ-иқлим шароитлари, ер ва сув ресурсларининг сифат хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.

Шуни эслатиб ўтишни истардимки, айрим регионлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти, қишлоқ хўжалик тармоқларини тупроқ-иқлим шароитларига қараб оқилона жойлаштириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бу қоидага риоя этмай туриб, айрим регионларни энг кўп самара берадиган маҳсулот етиштиришга ихтисослаштиришни таъминлаш мумкин бўлмаган бўлур эди.

Башарти, чиндан ҳам республика аҳолисини ўзимизда етиштирилган чорва маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга ўтилса нима бўлади? Ҳисоб-китобларга қараганда, бу режани амалга ошириш донли ва ем-ҳашак экинзорлари ҳажмини шунчалик кўпайтиришни талаб қилган бўлур эдики, ёўза учун дастлаб салкам 1 миллион тонна, кейин атиги 0,5 миллион тонна пахта етиштириш мумкин бўлган майдон қолади. Бу фақат маҳаллий эҳтиёжни қондиришгагина етади.

Мазкур вариантнинг амалга оширилиши соғлом ақлга зид бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг бутун структурасини, қишлоқ аҳолисининг таркиб топган кўникма ва анъаналарини батамом ўзгартиришни барча кадрларни қайта тайёрлашни талаб қилган бўлур эди. Моллар туёғини талаб этиладиган даражада кўпайтириш, ҳатто яқин бир неча ўн йилликда амалга ошириш мушукул, уларни мувофиқ равишдаги моддий-техника базаси билан таъминлаш, машинасозликни қайта қўриш ва кўпдан-кўп чорва молларини ташиб келтиришнинг ўзи бўлмайди.

Аммо шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ўзимизни ўзимизда етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш ҳақида анча вақт қуруқ аравани олиб қочиш оқибатида аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш кўрсаткичи мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан икки баравар кам даражага тушиб қолди. Эндиликда умумиттифоқ қозонидан озиқ-овқат фондларини ажратиш



билан аҳволни жиддий ўзгартиришга тўғри келади. Агар озиқ-овқат программасини бажаришдаги аҳволнинг умуман танглигини назарда тутадиган бўлсак, вазиятни тезда ўзгартириш қийинлиги аён бўлади. Сиз айтганингиздек «букилган белни» ростлаш осон бўлмайди.

— Саид Нуъмонович, келинг, шу гўшт масаласини ойдинлаштириб олайлик. Негаки, гўшт танқислиги ҳаммаи безовта қилаётган нарса. Ҳозирги аҳвол қандай-ку, келгусида қандай бўлади?

— Ҳозир ўзимизда аҳоли жон бошига 20 килограмм гўшт етиштирилмоқда, четдан эса 10 килограмм олинмоқда. Иккаласини қўшганда мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан 2 баравар кам гўшт истеъмол қилаётганимиз аён бўлади.

Пахта плани бироз камайтирилиши муносабати билан ўзимизда етиштириладиган 20 килограммни 30 килограммга етказиш, яъни 1,5 баравар ошириш мумкин бўлади. Бу ҳам камдир. Шундай экан, четдан аҳоли жон бошига 10 килограмм эмас, 35—40 килограмм гўшт олиб келишни мўлжаллаш керак. Шунда 65—70 килограммдан тўғри келади ва биз гўшт истеъмол қилишда иттифоқ даражасига яқинлашамиз.

— Дотация ҳақидаги фикрингиз...

— Иқтисодий тафаккурни қайта қуриш жараёнида айрим территориялар зоналар ва республикалар ўртасида озиқ-овқат ва хом ашё ресурсларини ўзаро етказиб бериш механизми маромга келтирилмоқда. Бунда мазкур жараённинг моҳияти қайта кўриб чиқиши керак. Афтидан ҳозиргача қўлланиб келинган «дотация» термини масаланинг моҳиятига мувофиқ эмас.

Планлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг бир қисми соғлом иқтисодий асосда иттифоқ фондидан, ана шу умумиттифоқ фондига етказиб берилмаётган хом ашё эвазига таъминланади, бошқа қисми етиштирилган маҳсулот ҳисобига таъминланади. Агар ўзи етиштирадиган маҳсулотнинг планлаштирилган ҳажмда бўлиши таъминланмаса бу бошқа гап. Бунда унинг ўрнини тўлдириш дотациядир. Худди ана шундай дотациядан қочиш керак, албатта.

— Демак, озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш учун ҳар бир районнинг барча имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиш лозим.

— Ҳа, бу қишлоқ хўжалиги структурасини илмий асосда тузган ҳолда аҳоли эҳтиёжларини таъминлашдаги нисбатни мақбуллаштиришни тақозо этади. Энг мақбул нисбатни топиш учун ривожланишнинг шундай варианти танланмоқдаки, бунда алмашлаб экишларни жорий этиш ва ўзлаштириш, аввало, пахтачиликнинг барқарор тараққий қилишини ва шу муносабат билан бошқа барча турдаги маҳсулотлар кўпайишини таъминлайди.

Масалани бундай амалий жиҳатдан ҳал қилиш учун бедазорларни республикада икки баравар кўпайтириш ва илмий асосланган нормаларга мувофиқ қарийб 1 миллион гектарга етказиш талаб қилинади. Мисрга қилган сафарим чоғидаги бир ҳодиса ҳеч эсимдан чиқмайди. Пахта етиштирувчи фаллоҳлар (деҳқонлар) билан суҳбатлашганимизда мен ҳаммиса улардан беданинг жами экинзорлар структурасидаги салмоғини сўрадим. Таржимонимиз бир гал менинг эътиборимни фаллоҳлар саволга ажабланиб жавоб бераётганликларига қаратди. Негаки, уларда одатда беданинг жами экинзорлардаги салмоғи ҳамма жойда 30 процентни ташкил этгани учун, улар пахтачилик хўжаликларидея бошқача бўлишини тасаввур ҳам этишмас экан.

Ўз деҳқонларимизнинг тажрибалари ҳам бунга тасдиқлайди, аммо ақлга зид иш қилиб келинди. Бу пахтачиликнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилибгина қолмай, маҳаллий ресурслар ҳисобига озиқ-овқатни кўпайтириш имкониятларини йўққа чиқарди.

Шу сабабли пахта етиштириш планларига киритилган тузатишлар ва қишлоқ хўжалигини истикболда ривожлантиришнинг янги концепцияси қониқиш билан кўтиб олинди. Мазкур концепция қишлоқ хўжалигини илмий негизга ўтказишни таъминлаган ҳолда сув етишмовчилиги кучайиши, янгидан суғориладиган ерларни ўзлаштириш камайиши ва тобора ошиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш зарурати натижасида вужудга келаётган жиддий аҳволни ҳам ҳисобга олади.

Шунинг учун қишлоқ хўжалигида сувни тежаш имконини берадиган экинларни экиш, технологияларни қўллаш масалалари пайдо бўлмоқда.

— Барча соҳаларда янгилашув нафаси уфуриб турган ҳозирги шароитда экономикани қайта қуриш, ишлаб чиқаришда иқтисодий методларни жорий этиш бош масала қилиб қўйилди. Сизнинг фикрингизча ана шу йўналишда яна нималарга кўпроқ эътибор берилиши керак? Зеро, эскилик билан янгилик ўртасида кураш бўлмоқда...

— Ҳозир бутун партиядо, бутун мамлакатда қайта қуриш ишлари авж олиб кетди, ошкоралик вазияти вужудга келтирилди. Шу туйғайли янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш энгил кўчади. Аммо ҳозирги шароитда ҳам ҳаёт ҳамма нарса аввалгидек қолишини зимдан истовчилар, дами ичида юрганлар ҳамон борлигини кўрсатмоқда. Баъзилари ўзгаришларни кўришни хоҳламаяптилар, бошқалари ўзларини безовта қилгилари келмаяпти. Бошқача тоифадагилар ҳам бор. Қисқаси, янгилик билан эскилик ўртасидаги гурашнинг диалектик жараёни мавжудлигини инкор этмаслик лозим. Бундай шароитда қатъият кўрсатиш, актив ҳаётий позицияда туриш мўҳимдир.

Иқтисодий ишнинг мураккаблиги шундаки, уни биз ўзимиз эътибордан четда қолдирганмиз. У билан тор доирадаги кишилар шуғулланган дейиш мумкин. Булар — махсус иқтисодий маълумотга эга кишилардир. Мутахассисларнинг мутлақ кўпчилиги — инженерлар, механиклар, агрономлар, зоотехниклар ва ҳоказолар иқтисодий ишдан бутунлай четлашиб қолган эдилар. Бизда барча институтлар ва техникумларда сигирни қандай қилиб, экинга ишлов бериш, ҳосилни йғиб-териб олиш, пўлат эритиш, у ёки бу бинони қуриш ўргатилади. Бироқ ана шу ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ўртасидаги муносабатларни қандай йўлга қўйиш, меҳнатни қай йўсинда оқилона ташкил этиш, технологияни бузмаган ҳолда кам чиқим билан кўпроқ маҳсулот олиш, пировард натижаларнинг ўсишидан қандай қилиб одамларнинг манфаатдорлигини ошириш, ҳар бир иш жойида ижтимоий-маиший манфаатларни ишлаб чиқаришга қандай уйғунлаштириш, коллективда нормал маънавий муҳитни қандай вужудга келтириш ўқитилмайди. Буларни экономистларнинг иши деб ҳисобланади. Колхоз ва совхозлардаги ўнлаб мутахассислар орасида санокчи экономист, планчи, ҳисобчи ходимлар бор. Улар ҳам ўз ишлари билан банд. Одамларнинг ишлаб чиқаришдаги муносабатларини, пировард маҳсулотга бўлган манфаатдорликни такомиллаштириш масалалари билан шуғулланадиган кимса йўқ. Айтганларидек, «пахта», «чорва»,



«техника ва механизация», «қурилиш» билан шуғулланишга ўрганиб қолганмиз. Бевосита шу ишлаб чиқаришда банд бўлган одамлар билан, уларнинг талаб-эҳтиёжлари билан ишимиз йўқ.

Тараққий этган хорижий мамлакатларда ишчилар капиталистга ўз хоҳиши билан зўр бериб хизмат қилиши учун қулай шарт-шароит яратиб беришга катта эътибор қаратадилар. Айтиш мумкинки, калтак ўрнига пашмак тутишни афзал кўрадилар.

Мамлакатимизда инсон омилини ҳаракатга келтиришга эътибор берилаётгани бежиз эмас. Бинобарин, қайта қуришнинг мақсади пировард натижада манфаатларни ҳисобга олишдан, манфаатларга таъсир кўрсатишдан, уларни бошқариш ва улар орқали бошқаришдан иборатдир. Манфаатларни ҳўжалик юритишнинг янги механизми орқали ҳам, демократик тартиботлар орқали ҳам, сиёсат, идеология, маданият орқали ҳам тарбиялаш ва йўналтириш талаб қилинади.

Ҳозирги шароитда барча соҳаларда ихтисослаштириш шу қадар чуқурлашганки, уларни мувофиқлаштириш тобора қийинлашмоқда. Масалан, бир врач бўйрак, иккинчиси — ошқозон, учинчиси — юрак касалликлари ва ҳоказо бўйича ихтисослашган. Инсон организми эса, бу — яхлит система. Беморнинг аҳволини комплекс ҳолда кўриб чиқиб, уни даволашни мувофиқлаштирадиган мутахассисни эса топиш қийин. Ишлаб чиқаришда ҳам шундай. Бизда ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари бўйича ўз ишининг билимдонлари кўп. Демак, уларнинг ишини уйғунлаштириш, мувофиқлаштириш масалаларини изчиллик билан ҳал этишдан иборат башқарув санъатини эгаллаш замонавий мутахассисларга, айниқса раҳбар ходимларга хос хислат бўлиши керак.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатни журналист М. МУРОДОВ олиб борди.



*Akse sag'o*

«Шарқ юлдузи» журналининг шу йил 3-сонида босилган уруш ва меҳнат ветерани, кекса партия ходими Вали Усмонов билан суҳбатни қайта-қайта ўқидим. Бу одамнинг довракклигига, журғатига қойил қолдим. Вали Усмонов ҳақиқий коммунист экан. Суҳбатни ўқиб бўлгач, кўз йнгимдан кўп воқеалар ўтди. Қимматчилик йиллари карточкага нон олиш учун, қеросин олиш учун одамлар навбат кутиб турган пайтларни ўйладим... Одатда киши тўқлик пайтида очлик азобларини унутиб юборади. Шу боисдан ҳам биз юқоридаги воқеаларни унутиб юборганмиз. Лекин баъзида инсон шундай воқеаларнинг шоҳиди бўладики, у бутун умр хотирада муҳрланиб қолади. Мен шундай воқеалардан бирининг гувоҳи бўлганман.

1953 йил 5 март. Бутун мамлакат Сталин билан видолашмоқда. Мен ўшанда мактабда ўқирдим. Ёмғир ёғиб турганига қарамай, бизни Сталинни дафн этиш маросимидан олиб берилаётган репортажни эшитиш, бутун халқ қатори мотам тутиш учун Энгельс колхози идораси олдидаги симёгочга ўрнатилган радиокарнай остига тўплашди. Мотам митингида Маленков, Молотов, Берия сўзлади. Директоримиз (Наланган шаҳридаги 22-мактаб) Боймирза Мирзаев оғир бетоблиги туфайли кун иссиқ пайтларда ҳам оёғига кигиз этик кийиб юрарди, дармони йўқ эди. У киши митинг пайтида толиқиб қолганларидан теракка суяниб ўтирдилар. Атрофда одам кўп эди. Шунда кимдир Боймирза аканинг ёнига келиб:

— Домла, доҳийни дафн қилишаяпти, турмайсизми? — деди.

— Иложим йўқ, Сталин мени кечирар, албатта, — деди домла.

Шундан кейин кўп ўтмай дафн маросими тугади. Ҳамма уй-уйида тарқалди. Биз эса эртаси куни мактабга бориб устозимизни кўрмадик. Орадан уч-тўрт кун ўтгач эса унинг қамалганини эшитдик. Боймирза Мирзаев дафн маросимида айтган ўша бир оғиз сўзи учун олти йил қамоқхонада ўтириб келди. Ҳеч бир айби бўлмагани ҳолда сталинчиларнинг жабр-зулмини кўрди.

Афсуски, партия XX съездида шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатлари қаттиқ танқид қилинган бўлса ҳам, кейинчалик бу иш охирига етказилмади. Натижада мамлакатда 60-йилларда бошқарувнинг сталинча усуллари қайта жонлана бошлади. Ижтимоий ҳаётда брежневчилик, рашидовчилик сингари салбий ҳодисалар пайдо бўлди. Вали Усмонов эса Рашидовнинг ярамас иш усулларига қарши дадил бош кўтариб, чинакам қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. Шунинг учун ҳам бу одам олдида таъзим қилсақ арзийди.

Н. МАМАЖОНОВ



Абдурахмон Жомий

## ҒАЗАЛЛАР

\* \* \*

*Бундай ораз олдида сўз очма гулдан, гул нечун?  
Нолаи зоримни тингла, қиссаи булбул нечун?  
Ғунча эрдинг, кўз-кўз этмай гул жамолингни ҳануз,  
Билмадим, ошифтадир, ошифталик, сунбул нечун?  
Борлигим нақдини олгин, қиймати бир бўсадир,  
Кечикар лаълинг, ажаб савдо, ё ул, ё бул нечун?  
Чеҳраю зулфингни кўргач, ҳар қусурдан бўлди мот,  
Сўрмади даврон сирин, ё қўлни тутган қўл нечун?  
Лутф ила қилдинг назар ҳар бир дилафгорни кўриб,  
Бизни гўё кўрмадинг, ўлдиргали буткул нечун?  
Найлайин, ҳижрон балоси ўтди ҳар меъёрдан,  
Сабру тоқат йўли йўлдир, ўзга азму йўл нечун?  
Етди пайғом, шайланибсан Жомийни ўлдиргали,  
Кел, тиф-ургин, бу таҳаммул боиси, эй гул, нечун?*

\* \* \*

*Ким хабар бергай ғариблар ҳолидан ул ёрга,  
Бир қиё боқмасмикан, бир неча тан ночорга.*

Ё раб, бу маоний дуррининг уммони,  
Бу доншу фазл гавҳарининг кони.  
Ким айладинг онинг олам ажли жони,  
Олам элига бу жоннинг тут арзоний.

Бу рубоий буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий қаламига мансубдир. Навоий ўзининг устоди, тожик халқининг улуғ алломаси Абдурахмон Жомийни шу тарика чексиз эҳтиром ва ифтихор билан васф этади. «Алар васфида хома тили лол ва тил хомаши шикаста мақолдир», дейди у. Агар, бу икки буюк зотнинг ўзаро самимият ва қадриятини бирма-бир мисол келтирсак, одамийлик бобида ўзига хос нодир бир дастур бўлиши муқаррардир, Жомий билан Навоий дўстлигини, ижодий ҳамкорлигини ўзбек ва тожик халқлари қардошлигига нисбат берилиши ҳам яққол намён бўлар. Шу боисдан Ўзбекистонда ҳам Жомийнинг 575 йиллиги шукуҳ ва тантана билан қайд этилмоқда.

Жомий таҳаллуси билан машҳур Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад ўз замонасида буюк шоир, олим, файласуф ва мусиқийдон сифатида шўхрат қозонганди. Навоийнинг «Насоим ул-муҳаббат» асарида зикр этилишича, «назм ва наср таълифотидан элликка яқин борким, замон аҳли андин баҳраманддурлар». Беҳзод, Хотифий, Осафий, Сухайлий каби сўз усталари ўзларини Жомийнинг камтарин шогирдлари деб санаганлар. Хуросон ва Мовароуннаҳр, Эрон ва Озарбайжон, Туркия ва Ҳиндистон аҳли унга ўзларини мухлис билардилар, Жомий номини «мавлоно нур ул-миллат» тарикасида зикр этардилар.

Асарлар борки, ҳали сиёҳи қуримасдан унутилади. Асарлар борки, асрлар қаъридан ўтиб, тилдан тилга кўчиб, ҳар янги замонда янги кирралар ва жиолар касб этади. Асил ва ғўзал асарнинг ҳам, уни яратганининг ҳам замони ва макони бўлмайди. Бунга Жомий асарлари ёрқин далилдир. Ўзбек қаламкашлари Жомий асарларини меҳр билан таржима қилиб, адабиёт мухлисларини мамнун этмоқдалар. Жомий тўйига ҳам муносиб тўёна тайёрламоқдалар. Ғазаллар гулдастасидан тузилган янги китоб, «Жомий ва Навоий» номли ўзбек, тожик ва рус тилларида битилган альбом, жомийшуносларнинг туркум асарлари ана шу муҳаббат ва садоқатдан нишонандир.

Биз, Жомий ғазалларидан сиз — азиз журналхонларга янги туркум тақдим этмоқдамиз.

Ҳажру фурқат доғидан озурда қалбим, бормикан,  
Васлидан малҳам босиб, чек қўйса бу озорга.  
Қонли ёшимдан ёногим элга олдек кўринур,  
Не йўсунда раҳмат айтай кўзима — хунхорга.  
Фурқатидан қонли ёш тўккум, муродим, қонига  
Ботсин ул кўзким муносиб бўлмади дийдорга.  
Янги йилда сенга боқғум, деди, бултур менга, ой,  
Боқди, бултур энди маҳкум хокка ёки дорга.  
Истамам, тенг этгали ўзимга ул эшик итин,  
Дош беролмас давлати ҳаргиз бу нангу орга.  
Ҳажру фурқат тўшагида кўрди Жомийни табиб,  
Деди: ўлмакдан бўлак йўқ чора бу беморга.

\* \* \*

Сенга тор қалбим қафасдир, балки бешбаттар эрур,  
Кел, ўтир кўз устина, не дилкушо манзар эрур.  
Заъфарон чехрамда кўргил қонли хатлар ёшдин,  
Шефталар аҳволидан бу бир варақ дафтар эрур.  
Ҳажру фурқат дардидан ҳар тун ёнарман, кундузи  
Эл ишонмас, менман у, ё ўзга бир пайкар эрур.  
Боғу саҳро ичра сенсиз жонима доғлар бутун,  
Лажха ўтдир ҳар гулу ҳар лола чўғ — аҳгар эрур.  
Кўйди жоним, эй ёронлар, тобакай пинҳон тутаёй,  
Дўзах ичра дил биҳишти ишқига ёвар эрур.  
Менга жаннат не керак, гар итларингни кўйидан  
Тегса бас шарбат суви, ҳар косаси кавсар эрур.  
Қомига бир жом етар деб лаъли майғундан, ахир,  
Раиш ила Жомий кўзи қон тўла бир соғар эрур.

\* \* \*

Не сафарни кўзлабон чобуксавор жонон чиқар,  
Изма-из саф тортишиб жон юклаган карвон чиқар.  
Хайрлашувга қолмади ҳеч кимда тоқат, арз этинг,  
Раҳм этиб пинҳона чиқсин, чиққани ёлғон чиқар.  
Гар дилим ҳолига ёш тўксам, бало сели тошар.  
Чунки гирён кўзларимдан қатра-қатра қон чиқар.  
Кечди жон мискин танимдан ёди бирла, найлайин,  
Ҳуш эрур чиққанда меҳмон ёнма-ён мезбон чиқар.  
Бир кун и ўлсам агар холу хатингнинг шавқидан,  
Тупроғимдан майсамас, гуллолаву райҳон чиқар.  
Борлигинг, Жомий, фиғондир, тил мисоли қўнғироқ,  
Қўнғироқни чалганигда нолаю афғон чиқар.

\* \* \*

Қатра-қатра қонли ёшлар кўзи гирёнимдадир,  
Не жароҳатдан томарким илдизи қонимдадир.  
Ўзгалар қатли учун келганда жонон чопари,  
Дема жонон чопари, босган изи жонимдадир.  
Гар дилимнинг розидан парда олинса ғунчадек,  
Ул гулимнинг ишқидан чоклар гирибонимдадир.  
Кеча туш кўрдим, лабин тишлар эканман, то ҳануз,  
Тишларим нақшин лабимда, заҳми дандонимдадир.  
Йўлига хок бўлғум, эй бод, тўзғитиб етказ мени,  
Қайгаким сарви равоним деса фармонимдадир.  
Тўнлари тасбиҳ ўғирмайди фалакнинг лашкари,  
Чунки кайҳоннинг ҳуши фарёду афғонимдадир.  
Сен жигарни қовуриб, дил қонидан келтир шароб,  
Жомий, ул қонхўри бадмаст тунда айвонимдадир.

\* \* \*

Узди қилдек бел хаёли риштаи тадбирни,  
Кошки бир мўй берса силкиб зулфини-занжирни.  
Лаъли ширин бунчалар, қорганмикан волидаси  
Не ширин жон шираси бирла сутин-иксирни.  
Расм чизарди ўтириб бутхонада наққоши Чин,  
Оразингни кўрдию йиртди ҳама тасвирни.  
Ботди тийринг кўксима, нимжон тутарман йўл аро,  
Эҳтимол охир келарсан излабон бу тийрни.  
Шоду масрурсан висол базмида ёронлар билан,  
Яккаман ғамхонада, ғамдан кутиб таъзирни.  
Истарам, арз айламай сенга вафойим қусирни,  
Қайси тил бирла вале айтай бу айб-тақсирни.  
Жомий, даргоҳингда бир қулдек қариди оқибат,  
Навқиронлар шоҳи, сийла бу ғуломни-пирни.

ЖОНИБЕК таржималари.

\* \* \*

Ёруғ кун ҳам қаро тундек ўтур, эй, моҳ, фироқингдан!  
Ениб жоним, чекурман оҳ, чекурман оҳ фироқингдан!  
Билур борлиқда борлар: гоҳ борур денгизга кўзёшим,  
Бузуб тунни, борур кўкларга оҳим гоҳ фироқингдан!  
Етишайдим висолиннга ажал етмай туриб жонга,  
Етур, майли, омонлик хоҳ, ёмонлик хоҳ фироқингдан!  
Фироқ даштинда сарсонман, висол чақмоғи, кел, чақна!  
Чекил, ҳижрон, чекил, бир он чиқай бу чоҳ — фироқингдан!  
Келиб ёр, ўдиллар ағёр — висолда мунча ваҳшат бор!  
Дегайман: лавҳашуллоҳ — офарин, воҳ-воҳ фироқингдан!  
Қаноатда бу Жомий тоғ эди, барбод этиб, даврон,  
Сомондай парчалаб отдинг, йўқотдим роҳ фироқингдан!

\* \* \*

Йиғламай, не ҳам қилай, дўст, хору бемор бўлса дил,  
Дилгирифторликка, нетгумким, гирифтор бўлса дил?!  
Кел-да, мункир, бош қўйиб кўксимга, дил зорин эшит,  
Балки инкоринг қўярсан, интизор, зор бўлса дил?!  
Эй нигор, дилларга манзилдир кўйинг, гар ўтса ким,  
Айт, қадам қўйсин қаерга — ерда бисёр бўлса дил?!  
Муддати ҳижрон узаймиш — умр узун, тоқат қани,  
Не қилайким, бу мусибатларга ҳам ёр бўлса дил?!  
Қиссаи ушшоқ ўқиркан, англадим шул ҳиссани:  
Айлагай дилдор вафо, неча вафодор бўлса дил.  
Етмасам васлингга гар, дардинг талаб этгум мудом,  
Матлуб эрмас дарддан ўзга, гар талабгор бўлса дил.  
Утди умрим, ўтмади ғамлар, кел, эй Жомий, бугун,  
Тошюраклар зулмин айтай сенга, ғамхор бўлса дил.

\* \* \*

Мен ҳақир бир бандаман, сен-чи, шоҳсан муҳташам,  
Гар ўлурман ғам чекиб, сенга эй золим, на ғам?  
Ноз-таманно-ла юриб, ўтма кўнглим ранжитиб,  
Тангри ҳаққи, мен томон айла ранжида қадам!  
Бошга солсанг не бало, эй нигор, бош устига,  
От — ўқинг сочсин ситам, ханжаринг очсин ярам!  
Ишқ элин озғурди ҳажринг етаклаб чўл тараф,  
Барча йўқликка етиб, бўлди ишқ аҳли адам.  
Оҳ урарман, оҳ ўқи тешиди кўксим неча бор,  
Ҳар тешиқдан отилур дил ўтим — ўтлиғ алам.

Шўрпешонамга битилган ажалсан сен ўзинг,  
Қатлимиз тийғи жафонг бирла бўлгай чун рақам.  
Умр ўтар — синган сафолинда дунё сув тутар,  
Бизга йўқ, Жомий, Хизр суйи, йўқдир жоми Жам.

\* \* \*

На бахтким бу, яқин кунлар муқаррар васли ёрим бор,  
Фигор жонимга малҳам ул умидбахш, шўх нигорим бор.  
Бугун шаҳрим менинг битта, ягона шаҳриёрим ҳам,  
Эътиқод қўйганим шаҳрим, имоним, шаҳриёрим бор.  
Дилим қони билан минг бор тўлиб-тошганди бу бағрим,  
Бугун бағримда мақсудим, бу бағримда баҳорим бор.  
Келиб айшим баҳори, шавқу шодликлар келиб қайта,  
Қувончдан кипригим намлик, севинчдан ёш тўкорим бор.  
Бу кун шамдай ҳаётим бор: ёниш, зулмат насибамдир,  
Бу тун дунёсидин баҳрим шудир — тунда қарорим бор.  
Азобу ишқ билан ёшлик ўтиб кетмиш, қарибман, лек  
Ҳамон ошиқману ҳар кун аламли, ғамли корим бор.  
Бу майдан кеч, бу кунлардан кеч, эй, Жомий, деманг зинҳор,  
Қўлимдан келмагай бу иш — ахир, не ихтиёрим бор?!

Тоҳир ҚАҲҲОР таржималари.

\* \* \*

Қасди жонимга тилиб кўксимни мен девонани,  
Ўғри тешгай ўлжа деб, деворини ҳар хонани.  
Холи ишқи тухмини экма дилинга, эй рақиб,  
Этма бундан ортиқ исроф, тошга экиб донани.  
Тур, дегил, машишота, анда қолмади мушкин сочинг,  
Бўлди ҳар соч толасига банд кўнгул жононани.  
Мен буриб кўйинга юз, кўксимни ўйдим тимдалаб,  
Сен томон йўлини очсайдим дебон вайронани.  
Оқибат сендан яна бегона бўлдим, не қилай,  
Дўстдин олдинда обрўйи баланд бегонани.  
Ишқ вафодорлиғ тақозо айлагай, бу сир эмас,  
Йўқса шамъ ёқди нечун ўзи каби парвонани?!  
Жомий ўздан кетди, ул зебодан, эй дўст, сўзлама,  
Тинглағувчи ухлагач, сен ҳам тугат афсонани.

\* \* \*

Мутриб, бу кеч ноламга жўровоз йиғлат чангни,  
Ёқ ўзга оташлар била бу қайғули оҳангни.  
Айладим кўп ноалар ул тошбағирнинг ҳажридан,  
Нолаю оҳим чиқиб ёрди юракдан сангни.  
Ёрдин айроману ул ён боролмам, кўзёшим  
Оқди дарё сингари, забт этди ҳар фарсангни.  
Фош ўлур охир сирим, элдан нечук пинҳон тутай,  
Заъфарон юзларга томган аргувоний рангни.  
Оғриса нозик белинг, ошиқларинг урғай фиғон:  
«Боғлама бундай сиқиб, ёр, ул миёни тангни!»  
Ғамзанг ўқи деб ташлагай жону дил, раҳм айлагил,  
Бир ўқ от жонимгаю тўхтат тамоман жангни.  
Жомиё, бахту саодат истасанг ишқ шоҳидан,  
Кечгил обрўю шарафдин, телбадек чал зангни.

\* \* \*

Қадинг рашида эй сарви суманбар,  
Бўлибдур кўнгли юз пора санаббар.  
Беҳишт боғида бўлса бир гўзалқад,  
Ушал жонона сенсан ёри дилбар.

Гўзаллик навниҳолисан дегаймиз,  
Тўкиб кўзёш, қучоққа олсамиз гар.  
Мени ўлдирдингу такбир демайсан,  
Бу хил тошдилсен эй «оллоҳу акбар».  
У лабдин айлагай доно киноя,  
Шароби салсабилу ҳавзи кавсар.  
Чирок парвонани кетмакка қўймас,  
Базмда ёқиб ўлдиргай муқаррар.  
Сенинг ёдинг ила шод эрди Жомий,  
Кўриб ошди севинчи дилда дилбар.

\* \* \*

Ғам кунжида ўтирдим, шод айлади хаёлинг,  
Хушвақт улки, кўрса ҳар соати жамолинг.  
Бу баски, ёҳасан жон, ҳижрон ғамида ҳар он,  
Мен ким эдимки бўлсам шойистаи висолинг?!  
Бошимда ханжар ўйнаб, олдинг жонимни қийнаб,  
Қўлингда бўлса жоним, тан — бўлса поймолинг!  
Етмай лабингга, эй ёр, лабташна ўлмагим бор,  
Бермас сувини зинҳор, ул чашмаи зилолинг.  
Ҳижрону мотамингдан, юз ҳасрату ғамингдан,  
Васлингга етганим соз, гар келса ҳам малолинг.  
Ур ханжарингни ҳар он, кўксимни айлагил қон,  
Жоним фидою қоним бўлсин сенинг ҳалолинг.  
Жомий, нечук турай жим, очилди сўзга тилсим,  
Завқи ғазал бағишлар ул сайди бемисолинг.


\* \* \*

Қай ул манзилки, жононим у ёнда,  
Таним бунда, вале жоним у ёнда.  
Ироқдурмен, биҳамдўллоҳки бир бор,  
Дили бесабру сомоним у ёнда.  
Менга уйи тарафга йўқдир имкон,  
Хуш ул, овозу афғоним у ёнда.  
Мусулмонлиғ қидирманг ул диёрда,  
Ки шўҳи номусулмоним у ёнда.  
Не ҳожат моҳи тобон ул маконда,  
Ки хуршиди дурахионим у ёнда.  
Дилимни тиг ила чок этгай ул ой,  
Баҳона улки, пайконим у ёнда.  
Фақат Жомий, лабингни очма зинҳор,  
Менинг маҳбуби гапоним у ёнда.

\* \* \*

Сийминбаданам, жонга ғаним, лолаузорим,  
Бир боқ, юрагимдан ювилур дарду губорим.  
Бу хаста вужуд қолди кўйингга ета олмай,  
Тун-кун ошиқар сенга томон кўнгули зорим.  
Момик баданинг оғриси, валлоҳки нетурман,  
Белингни сиқиб боғлама, эй, кўзи хуморим.  
Қандоқ сени кўйингдан ўтай менки, у жойдан  
Гар боди сабо ўтмоғи мушкил эса ёрим.  
Хуш улки, шароб сипқорибон маст йиқилсанг,  
Упсам яширин мен кафи пойингни нигорим.  
Шоҳ қасрига ким йўл берадир хор гадоға,  
Жомий, сенга етмай кетадур сабру қарорим.

Олимжон БҶРИЕВ таржималари.



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТУФИЛГАН КУННИНГ 95 ЙИЛЛИГИГА

Азиз Абдураззоқ

## ЎТГАН КУНЛАРИМИЗ ҚУРСИН

Эссе

Репрессиянинг шамоли каминага ҳам оз-моз тегиб ўтган. Бироқ мен бахтиёрман. Чунки энг биринчи дафъа буюк Абдулла Қодирий туфайли таъқибга учраганман. Ушанда ҳали ўн етти ёшга тўлиб-тўлмаган ўсмир эдим. Лекин ўша вақтларда мени элакдан ўтказган кимсалар Абдулла Қодирий билан, тўғрироғи, унинг «Ўтган кунлар» романи билан тўққиз ёшимдаёқ учрашганимни билишмас эди. Бу 1937 йил эди. Тўнғич акам Солиҳ Абдураззоқов ҳали бўйдоқ эди. Лекин мен бўлажак келинойим — Раҳима опамларнинг Инжиқободаги хонадонига тез-тез қатнаб турар эдим. Акамдан хат олиб бориб, Раҳима опамдан жавоб мактуби келтирар эдим. Акам ҳам, бўлажак келинойим ҳам масрур эдилар. Чунки улар «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» китобларини ўқиб, бири ўзини Отабек ё Анвар, иккинчиси Кумуш ёки Раъно деб тасаввур этар эди. Буни, албатта, кейинроқ фаҳмлаганман.

Ўша кезлари Раҳима опам «Ўтган кунлар»ни қўлидан қўймас, дугоналарини тўплаб олиб, қайта-қайта ўқиб берар, кечаси ёстиғининг тагига қўйиб ухлар эди. Китобнинг баъзи жойларини йиғламасдан ўқий олмас, шунда дугоналари ҳам пиқиллаб йиғлашар, менинг кичкина юрагим гашланиб, уларга, улардан кўра кўпроқ, Кумуш бибига ачинар эдим.

Абдулла Қодирий билан мана шундай танишганман. Мен бахтиёрман!

Кейинчалик, 1938 йилда Раҳима опам бизниқига келин бўлиб тушганида ўқилавериб титилиб кетган ўша «Ўтган кунлар»ни энг қимматбахо сеп сифатида олиб келди. Мен уни ўзим мустақил ўқиб чиқмоқчи эдим. Менга мураббийлик нуқтаи назари билан қарайдиган акам рухсат этмади. Жуда ҳам ёш эдим-да. Лекин келинойим ижозат берди:

— Сиз менга хабарчилик қилгансиз, майли, ўқинг, — деди у. — Фақат акангиз билмасинлар.

Шундай қилиб «Ўтган кунлар» романини ўн ёшимда бошдан-оёқ ўқиб чиқдим. Кейинчалик яна қайта-қайта ўқидим. Яна ўқийман.

«Ўтган кунлар»ни, «Меҳробдан чаён»ни ўқиш ёки эшитиш энг фараҳли дамлар эди. Кейинчалик, минг тўққиз юз ўттиз тўққизинчи, қирқинчи, қирқ биринчи йилларда ҳам бизнинг хонадонимизда шу икки китоб қайта-қайта ўқилди.

...1938 йил июнь. Абдулла Қодирийнинг Самарқанд дарвозадаги боғи ёнида Сталин номли пионер лагерини бор эди. Мен ўша лагерда дам олаётган эдим. Бир куни чошгоҳда шовқин-сурон, қий-чув, дод-вой бўлиб қолди. Абдулла Қодирийнинг боғида аёл киши баланд овозда нола қилаётган эди. Биз болалар ўша томонга югурдик. Қарасақ, боғнинг атрофини милиция ўраб олган, ҳарбий кийимдаги уч-тўрт одам томга чиқиб, тунукаларни бузиб, қайириб, ниманидир излаяпти. Боғдаги баланд ерга жойлашган ҳовлида адабнинг узун сочлари ёйилган рафиқаси қўлларини боши узра кўтариб, бор кучи билан чапак чалиб:

— Дод! Ҳукуматнинг дастидан дод! — деб фиғон чекапти.

Кўчани одам босиб кетган. Ҳаммаси — бир гуруҳ томошабин оломон. Милиционерлар уларни ҳайдайди. Тарқалиб кетган оломон яна қайтиб келади. Хуллас, даҳшатли манзара.

— Нега бунақа қилишяпти? — деб сўрадим ёнимда турган синфдош ўртоғимдан.

— Абдулла Қодирийнинг тилла-пилласи бўлса керак, ўшани қидиришяпти, — деди ўртоғим. Бу гапга ҳаммамиз ишондик. Биринчидан, ёш бола эдик. Иккинчидан, шоирлар, ёзувчилар бой бўлади деб эшитган эдик. Сиёсатга тушунармидик биз ёш болалар?..

1967 йилда ўша даҳшатли воқеанинг гувоҳи бўлганимни Ҳабибулло Қодирийга айтдим.

— Хотирангизга қойилман! — деди у киши. — Ҳеч нарса қўшмасдан аниқ айтиб бердингиз. Ҳабибулло ака айтганидай ҳикоям шу даражада аниқ эдики, ҳовлида фиғон чекаётган онахонимизнинг эғнидаги кўйлагю, кўйлагининг рангию гулигача тасвирлаб берган эдим. Болалик хотираси бошқача бўлар экан-да.

— Ушанда Абдулла Қодирийдан нафратланган бўлсанлар керак? — деди Ҳабибулло ака.

Ҳақиқатни яширишнинг на ҳожати бор.

— Ҳа, — дедим мен. — Китобларини яхши кўрганимиз билан халқ душмани эканига, миллатчи эканига ишонган эдик. Ишонтириб қўйишган эди.

— Ушанда ҳеч қанақа тилла-пилла излашган эмас, — деди Ҳабибулло ака. — Уйимизни тортиб олиб, бизни кўчиришмоқчи эди.

...Даҳшатли репрессия вақтинча тўхтади. Унинг ўрнини даҳшатли, уруш, фашизм бошлаган

қирғинбарот эгаллади. Жанг майдонларида аҳвол қандай кечганини эшитганмиз, ўқиганмиз. Бироқ фронт орқасида ҳам ҳаёт ширин бўлгани йўқ. Очлик, ялонғочлик, жудолик азоблари тўрт йил давомида одамларнинг тинка-мадорини қуритиб юборди. Киши бошига 300 граммдан нон берилар эди. Карточкага олган нонларини сотиб, пулига Абдулла Қодирийнинг китобларини харид қилган одамларни Ҳазрати Имом бозорида ўз кўзим билан кўрганман. Демак, китобни ўлдириб бўлмас экан.

...Шайхонтовур дарвозасининг ғарбий қанотида тоғаларимнинг кичик-кичик каталак ҳовлилари бўлар эди. Улардан бири — онамнинг амакиваччаси Рўзимат тоғам — Рўзи акамнинг ҳовлиси эди. Мен 1942 йилдан эйтиборан ўша ҳовлига қатнай бошладим. Ҳозирги Шастри номи 24- мактабда физикадан дарс берган Рўзи акам жуда катта китобхон, ҳар томонлама билимга эга дарвишнамо одам эди. 78 йил яшаб, уйланмай ўтди. У киши менга араб алифбосидаги китобларни тутилмасдан ўқишни ўргатди, табобатга оид жуда кўп китобчалар берди. Ўқидим. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ботуларнинг ким эканлигини тушунтириб берди. Уларнинг ҳеч қачон Ватан хоини бўлмаганини, миллатчи эмас, миллатпарвар бўлганини ўқдириб, кўзимни оча борди. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романини, Чўлпоннинг «Тонг сирлари», «Кеча ва кундуз» китобларини ўша кишидан олиб ўқиганман. Минг афсуслар бўлсинки, 1945 йил ёзида Рўзи акам қамоққа олинди. 1946 йилнинг бошларида суд қилинди. Уч кун давом этган суд мажлисидан кейин беш йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилдилар. У Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 2-«Б» қисми билан айбланди. Айбномада айтилишича, Рўзи акам антисовет адабиётларни асраган ва тарқатган. Антисовет адабиётлар дегани фақат Абдулла Қодирийнинг китоблари эди. Тинтув вақтида Рўзи акамнинг уйдан бошқа китоблар топилмаган.

Рўзи акам билан бирга яна тўрт киши қора курсида ўтирган эди. Улардан бири бўш вақтларида бозорда китобфурушлик қилувчи, онда-сонда «Мушкулкушод»ни қўлда кўчириб, аёлларга сотувчи Муҳаммаджон ака деган қирқ ёшли камбағал бўйдоқ; иккинчиси — Қори ака деган баланд бўйли хушмўйлов киши, у «утиль» дўконида ишлар эди. У мақлатурага қабул қилиб олган китоблар ичидан оммабопини ажратиб қўйиб, сотар эди. Учунчиси — Шарқшунослик институтининг хаттоти Абдулла Носиров. Тўртинчиси Тошкент Медицина институтининг талабаси, яхши китобхон Абдулла Пўлатов деган қашшоқ йигит эди.

Рўзи акам билан алоқадор бўлган бу китобпарварлардан Муҳаммаджон ака олти йил, Қори ака беш йил, Абдулла Носиров ва Абдулла Пўлатовлар уч йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Кейинчалик Абдулла Носиров билан Абдулла Пўлатовни қайтадан суд қилиб, оқлаб юборишди. Қолган уч киши жазосини тўла ўтаб келишди.

Ушанда Абдулла Носировнинг адвокатига қойил қолган эдим. Европалик яҳудий миллатига мансуб бу одам ниҳоятда гўзал, нуруний эди. Абдулла Носиров классик Шарқ маданияти учун керакли одам эканлигини, эски қўлёзмаларни қўлда кўчириш шарафли санъат эканлигини меҳрибонлик билан таъкидлаб, ўқдири. Аммо...

Шўринг қурғур уч киши барибир бекордан-бекорга қамалиб кетаверди. Кейин Муҳаммаджон акани қайта кўрмадим. Қори акани бундан бир неча йил бурун Чилонзорда кўриб, икки-уч дақиқагина суҳбатлашдик, холос. Рўзи акам вафотидан бир-икки йил илгари ақдан озиб, телбаланиб юрди. Абдулла Пўлатов Андижонда врач эди, ичкиликка берилиб, жуда эрта ўлиб кетди. Ҳам алампидан, ҳам ваҳимадан ичган экан бечора. Абдулла Носиров яқинда вафот этди. Шарафли ишларни қилиб кетди. Адвокатнинг башорати тўғри экан.

...Рўзи акам қамалганидан кейин 1945 йилнинг август ойида мени НКВДга гувоҳликка чақирди. Бир кун эмас, икки кун эмас, бир неча кун қатнадим. Гоҳ кундузи чақиршади, гоҳ кечаси. Терговдан гоҳ оқшомда, гоҳ ярим кечада, гоҳ тонготарда уйга қайтаман. Уйқудан қолганим ҳам майли-я, очикиб, сулайиб, силлам қуриганини эсласам...

Терговчи — Зотов деган йигирма олти ёшли йигит эди. Икки юзи хўрознинг тожидай қипқизил, жисмоний соғлом бу одам ўта бадқовоқ, ғазобнок ва бақироқ эди.

— Емон бақироқ эди,— деди Ҳабибулло ака ғижиниб.

Зотовнинг ёнида Ҳамиша жилмайиб турадиган, қорачадан келган гирдиғум бир ўзбек йигит бўлар эди. Русча саволга яхши жавоб беролмасам, ўша йигит таржимонлик қилар эди.

— Энди бир саволга жавоб бер,— деди Зотов бир куни кечаси.— Ҳусанов сенинг уйингга китоб олиб борганми?

— Ҳа, олиб борган,— дедим мен.— У киши доим китоб қўлтиқлаб юрар эди. Бизникига қачон бормасин, қўлида китоб бўлар эди.

— Йўқ, сен менга 1944 йил ёзида қанақа китоб олиб борганини айтгин.

— Бу эсимда йўқ.

— Эсла,— деди Зотов.— Яхшилаб эсла. Газетага ўралган каттакон бир китобни олиб бориб, сенга берган. Эртаси куни бориб қайтариб олиб кетган.

Мен ўзимни меровликка солдим. Бўйнимга олмадим. «Эсимда йўқ» деган икки сўзни қайтаравердим. Гапга таржимон аралашди:

— Ушанда ўрик пишиги эди. Ҳовлида укаларинг, сингилларинг билан ўрик еб, данагини чақиб ўтирган эдинглар. Эсингга тушдимми?

— Йўқ, эсимда йўқ.

Таржимон ўша воқеанинг ойи, куни, соатигача аниқ айтиб берди.

— Эсимда йўқ,— деганимча без бўлиб ўлтиравердим.

Бироқ ҳаёлимда ўша кунги манзара жонланаверди. Уша жазирама ёз кунинда кўча эшигини тақиллади. Бориб очсам, ранги қув ўчиб, кўзлари ола-қула бўлиб кетган Рўзи акам турибди. Қўлида газетага ўралган қалин китоб.

— Шунинг бекитиб қўй, эртага олиб кетаман,— деди нафаси оғзига тиқилиб.

Ичкарига таклиф қилдим, кирмади. Китобни менга бердию изига қайтди.

— Нима қилай, Ҳусанов билан юзлаштирайми?!— деди Зотов ғазаб билан.

— Юзлаштиринг,— дедим.

Баҳонада Рўзи акамни бир кўриб олмоқчи эдим. Бир оздан кейин хона эшиги очилиб, Рўзи акам пайдо бўлди. Орқасида милтиқли аскар йигит. У Рўзи акамни хонага елкасидан итариб кирит-



ди. Мен ўрнимдан туриб салом бердим кузларимга ишонмай бир зум қотиб қолдим. Чунки Рўзи акам оз вақт ичида шишиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди.

Савол-жавоб бошланди.

— Ҳа, ўша китобни Азизга олиб бориб берганман,— деди Рўзи акам ниҳоятда заиф, ҳорғин овозда.— Уни мен маклатурага топшироқчи эдим.— Кейин менга юзланди.— Эсингда борми? Катта китоб эди... Газетага ўралган...

Мен тан олишга мажбур бўлдим.

— Бизникиларга боргин,— деди кейин.— Менга овқат олиб келишсин. Бу падари лаънатилар овқат бермаяпти. Очман.

У шундай деб йиғлаб юборди. Бир зумда кўз ёшлари шишган юзидан сизиб оқа бошлади. Аскар йигит орқасидан милтиқнинг кўндоғи билан итариб олиб чиқиб кетди.

— Ҳа, эсинга тушди, а?!— деди Зотов хунук тиржайиб.— Хўш, ўша қанақа китоб экан, эсингда йўқми?

— Эсимда бор,— дедим аламзадалик билан дадилланиб.

— Хўш, қанақа китоб экан?

— Бировнинг омонатини очиб кўриш яхши эмасу лекин китоб бўлгани учун қизиқиб очиб кўрдим.

— Хўш, қанақа китоб экан?

— Билмадим, араб алифбосида экан. Мен арабча билмайман.

— Билмасанг билиб қўй,— деди Зотов.— Уша «Ўтган кунлар» эди.

— А?— дедим мен мервосираб.

Бу китоб «Ўтган кунлар»нинг чипор муқовага жойлаштирилган уччала бўлими эди.

— Арабчани билсанг, ўқирминг?

— Йўқ, ўқимас эдим.

— Нега?

— Илгари лотин алифбосида ўқиганман,— дедим бамайлихотир.

— Эҳ, онангни!— деб бақирди Зотов столни бор кучи билан муштлаб.— Афсуски сен жуҳуднинг боласи ўн саккизга тўлмагансан. Бўлмаса, ҳозироқ Ҳусановнинг ёнига жўнатар эдим!

— Мен ўзбекман.

— Йўқ! Сен бухор жуҳудисан!— деди яна бақириб.

Мана, кўрдингизми, Рўзи акамга «миллатчи» деган тамғани ёпиштираётган кимсанинг гапи бу.

Эртаси эрта билан Рўзи акамнинг уйига бордим. Онаси Ойхон опоқи, укаси Абдурахим ака, синглиси Хадича опа бор экан. Бўлган воқеани айтиб бердим. Опоқим билан Хадича опам роса йиғлашди. Абдурахим акам ич-ичидан эзилиб, бир нуқтага тикилганича сукот сақларди. Овқат масаласини айтганимда, аёллар фиғон чекишди. Улар жуда кўп марта овқат олиб боришган экан. Лекин ўша овқатларнинг бирортаси ҳам бечора, бегуноҳ махбуснинг кўлига тегмабди.

Хуллас, Рўзи акам қамалиб кетаверди. Жазо муддатини ўтаб, озодликка ҳам чиқди-ю, ҳукмда кўрсатилганидек, Тошкентдан бадарға бўлиб, бир неча вақт Қашқадарёда яшади. Мен ҳам шубҳали одамнинг шубҳали жиёни сифатида таъқиб остида қолдим. Узоқ вақтгача НКВДнинг хуфия одамлари орқамдан кузатиб юришди...

...Абдулла Қодирий қанчалик азоб чеккан бўлса, унинг китоблари ҳам шунчалик азоб-уқубатлари билан бодидан кечирди. Таъқиб қилинди, таҳрир қилинди, ерга кўмилди, сувга оқизилди, ёндирилди... Бу ҳақда, Абдулла Қодирий китобларининг кўрган-кечирганлари ҳақида ривоятнамо воқеалар бўлиб ўтганини, бир оз бўлса-да, айтмоқчиман.

1955 йилда бир йигитчадан ғаройиб воқеани эшитган эдим.

— Уқитувчи кўшнимиз бор,— деб ҳикоя қилган эди у.— Уйининг тагида ертўла бор. Ертўланинг бир бурчагига хум кўмилган. Хумнинг тагига «Ўтган кунлар» билан «Меҳробдан чаён»ни ташлаб устига қум босиб қўйган. Ҳар замон-ҳар замонда биз ўша китобларни сўрасак, тушиб олиб чиқади-да, ўзи бекитишга бизга ўқиб беради. Қўлимизга бермайди. Кўрқади...

Мирсоқи исмли тоғам бор эди. Ута тақводор, ўта ҳалол, меҳнаткаш бўлиб, бўш вақтини китобхонлик билан ўтказар эди. Кичик хужрага яшириниб олиб, қайта-қайта ўқийдиган китоблари «Ўтган кунлар» билан «Меҳробдан чаён» эди. Рўзи акам қамалганидан кейин ваҳимага тушиб қолибди. Бу икки китобни кўп жойларга яширибдию бари бир ҳуқумат одамлари келиб тинтув қилгудай бўлса, топиб олади, деб ўйлабди. Нима қилиш керак? Ерга кўмса чирийдди. Ендирса, йўқ бўлиб кетади. Ўйлаб-ўйлаб, Юнусободдаги Дарвозакент сойига оқизибди. Шояд сувдан биров тутиб олиб сақлаб қолса, деб умид қилибди-да. Умид қилишга қилибди-ю, узоқ вақт йиғлабди. Тоғам бу воқеани Абдулла Қодирий оқланганидан кейин менга йиғлаб-йиғлаб ҳикоя қилган эди.

Шундай қилиб, бахтимиздан ўргилайким, вақт-соат етиб, Абдулла Қодирий ҳам оқланди. Унинг китобларини нашрга тайёрлаш ишлари бошланиб кетди. Жумладан, «Меҳробдан чаён»ни Иззат Султон нашрга тайёрлади. Бу 1958 йил ёз палласи эди. Ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйига биринчи марта боришим эди. Ушанда Иззат Султон «Меҳробдан чаён»ни жўка тагидаги сўрида қолдириб, боғда танаффус қилиб юрган эди. Фурсатдан фойдаланиб, китобни чинакам мўъжизадай қўлимга олдим (уни соғинган эдим-да). Варақлай бошладим. Қарасам, ҳар бир бобнинг ёнига бирор эркак кишининг исми оддий қора қаламда ёзиб қўйилган экан. Бу мени қизиқтирди. Бунинг Иззат Султон тушунтириб берди. Унинг айтишига қараганда, уруш пайтида бир мактабнинг ўнинчи синф ўқувчилари китобни кимдандир ўқишга олиб, кейин қўлда кўчиришган экан. Қайси бобни ким кўчириши керак бўлса, сарлавҳа ёнига ўша ўқувчининг исми ёзиб қўйилган экан. Ушандан кейин бир кунни гапдан гап чиқиб, шу воқеани амакимнинг ўғли Мавлон акамга айтиб бердим. У киши мийғида кулди.

— Уша менинг китобим эди,— деди у.— Абдулла Қодирий оқланганини эшитдим эртаси уни Навоий кутубхонасига олиб бориб совға қилдим.

Шунда Иззат Султон ўша китобни Навоий номли кутубхонадан олганини, уни кутубхонага кимдир совға қилганини менга айтгани эсимга тушди.

Мана, дўстлар, Абдулла Қодирий китобларининг тақдири ҳақида уч лавҳа шулардан иборат. Бу шахсан менинг билганларим. Билмаганларим қанча... эҳ-э-э...



Энвер Хуршут

## «АМИР УМАРХОННИНГ КАНИЗИ»

ёки «Меҳробдан чаён» романидаги тарихий воқеа ҳақида мулоҳазалар

Ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири, ўзбек романчилигининг отаси Абдулла Қодирий тарихга, тарихий шахсларга чуқур қизиқиш билан муносабатда бўлар, эътиборга молик воқеа ва ҳодисаларнинг энг муҳимларини ажрата олишга моҳир эди. «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» сингари тарихий асарларда муаллифнинг «...мавзунини мазийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгилаши...» фикримизнинг далилидир.

Абдулла Қодирий ўз романларига материал тўплаш мобайнида Қўқон хонлиги тарихига оид эски ўзбек ва форс тилида битилган турли манбаларни ўқиб-ўрганган, роман воқеалари бўлиб ўтадиган ўринларни, тарихий жойларни бориб кўздан кечириб келган. «Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман,— деган эди адиб.— Бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсам, жойни аввал неча мартаба кўрган эсам-да, яна бориб, текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман».

Ана шу мақсадда у бир неча мартаба Қўқонга, Фарғонага, Наманганга ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига сафар қилган. Ёзувчи бу шаҳарларда кекса одамлар билан учрашиб суҳбатлар кўрган, ўтмишда тарихий воқеаларни ўз кўзлари билан кўриб гувоҳ бўлган оқсоқолларни излаб топиб, улардан кўплаб нодир маълумотларни ёзиб олган. Улуғ адиб ҳар бир воқеа-ҳодисанинг ишонarli ёритилишига жуда катта аҳамият берган. Шунга кўра, Ўзбекистонда ўша даврда яшаган аҳоли оғзидан мазийдаги тарихий воқеаларни ёзиб олиш ишини Абдулла Қодирий биринчи бўлиб бошлаб берди, дейиш мумкин. Хон даври воқеаларини кўриб, ўз оғзи билан изохлаб берган кишиларнинг хотираларига суянмай, бу қимматли маълумотларни ҳисобга олмай асар ёзишни ёзувчи ўзига муносиб билмаган. Демакки, халқ ёдида сақланиб қолган, шунингдек, ҳикоятлар, афсоналар ва нақллар орқали етиб келган мазий воқеаларига ҳам ёзувчи катта эътибор берган.

«Меҳробдан чаён» романида муаллиф асар қаҳрамонларидан бирининг келиб чиқишини ҳикоя қила туриб, кичкина бир тарихий экскурс келтиради. Бу тарихий экскурс — романда «Амир Умархоннинг канизи» деб номланган иккинчи боб — китобхонларнинг ёдида бўлса керак. Мана ўша боб (биз уни қарийб тўлалигича келтирамиз):

«...Туркистон хонлиги тарихидан хабардор кишиларга маълумдирким, Амир Умархон охир умрида ўз саройидаги ёш канизаклардан бирига муҳаббат қўяди. Каниз ёш бўлганлиги ва балоғатга етмаганлиги учун уни никоҳга ололмай, вақт кутади. Шу кутиб юриш йилларида Умархон муродига етолмай, вафот қилади, тахтга ўғли Маъдалихон минади. Орадан бир неча йиллар ўтиб, боғи каниз балоғатга эришади ва бир ҳуснига ўн ҳусн кўшилиб, отасининг боласи бўлган Маъдалихонни ҳам ўзига ошиқ қилади. Ўз саройида ўсган бу қизни ёш хон ҳамиша кўз ўнгида юритса ҳам, бироқ... Тарихнинг бизга хабар беришига қараганда, Маъдалихон бу қизнинг дардида неча йиллар ёнади, чунки уламолар бу ёш гўзални Маъдалига она мақомида ҳисоблаб, нима учундир ёш хоннинг орзусига кўндаланг келадилар.

— «Отангиз, агарчанди канизни ўз никоҳларига олмаган бўлсалар ҳам ва лекин «балоғатга эришгач оламан» деб ният қилганлар. Бинобарин, бу каниз сизга она мақомида, шариат руҳсат бермайди!»— дейдилар.

Маъдалихон бу фатводан кейин дардини ичига ютишга мажбур бўлиб, аммо иккинчи тарафдан ўзининг орзусига қарши борган уламони секин-секин «илмий» ишлардан олиб, улар ўрнига янги-янгиларини қўя бошлади. Ўз орзусига замин ҳозирлагач, бир неча йилни ўтказиб, яна уламога шу тўғрида фатво сўраб мурожаат қилади. Табиий, яқиндагина оғзи ошга етган янги уламолар ўз валинеъматлари бўлган Маъдалихонга хиёнат қилмайдилар-да:

— «Баназди мужтаҳиддини киром асли эътибор ақди шаръийдир. Отангиз марҳум: «никоҳланман» деб айтган бўлсалар ҳам «никоҳландим» деб айтмаганлар. Бас, амиралмуъминин мазкурани ўз нафсларига ақди шаръий қилсалар жоиз ва дурустдир. «Валлоҳи аълам биссаваб» деб фатвономани «бинни муфти марҳум», «бинни мударрис марҳум», «бинни Хўқандий марҳум» муҳри бохайбатлари билан қалаштириб берадилар ва Маъдалихон тўй ва томошалар билан мурод-мақсадига етади...

Кимларнинг воситаси биландир мазкура гўзал канизнинг таърифи Бухоро амири — амир Насрулло (Ботир) хонга етиб, у ҳам илгаридан ҳалиги канизга ғойибона ошиқ бўлган эди, аммо қайси йўл билан бўлса ҳам шу канизни қўлга киргиши фикрида бош оғритиб, нос чекиб юрган Ботирхоннинг қулоғига бу хабари жонсўз етиб, димоғидан дуд чиқади ва дарҳол Бухоронинг забардаст уламо, муфти, ҳоказо ва аъло ҳозалқиёс пешволарини ўз ҳузурига чорлаб, дарғазаб, воқеани сўзлайди ва улاردан дарҳол бир «фатво» талаб қилади. Уламои киром ҳам дар он ботаҳорат-бетаҳорат, масалани эшитар-эшитмас, фатво ёзадиларки:

«Бир жамоа мўминларига амир бўлган зотнинг вазифаи шаръийси шудирким, исломда устивор тургай, аҳкоми исломни камоюн ижро қилгай. Ҳар бир амириким аркони исломдан заррача юз ўгирса, у кимарса жамоаи ислом устига амир эмас, шарирдир. Наузан биллоҳким, Фарғона ва Туркистон мамлакатининг алҳол амири бўлган Мухаммад Алихон волидининг манкуҳаси, яъни волидаи айни ва ризоисини ўз ақдиға олибдир, наузан биллоҳ, наузан биллоҳ. Оят ва аҳодиси шарифа ва ба чаҳори мазҳаб ва ба назди муждаҳидини киром ва уламои зулҳақтиром муттафакун алаиҳ кофирдир. Казолика ўшандоғ муртаднинг қатли аввало дигар ислом амирларига ва баъдаз барча мўминларга фарзи айнандир!»

Дарвоқе «хोलисона» бу фатвога амир Насрулло «бетарафона» қиймат бериб, «дин йўлида холис бир жиҳоди акбар» деб жамъий қўшинлари билан Фарғона устига юриш қилади.

Амир Насруллонинг бу «хोलисона» жиҳоди Туркистон хонлиги томонидан қандай муқоваматларга учради ва икки тарафдан қанча бошлар кесилди, албатта, бу тўғрида биз гапириб ўтирмаймиз. Фақат бу можародан бизга керакли нуқта шундаким, натижада Маъдалихон шикаст топди, ҳам Амир Насрулло томонидан қатл қилинди. Маъдалихонга фатво ёзиб берган Қўқон уламоларидан бир нечалари ҳад урилдилар ва бир нечалари қочиб қўтилдилар. Амир Насрулло бўлса, Фарғона ҳукуматиға ўз кишисини қўйди, фатху нусрат билан канизини олиб Бухорога қайтди.»

Ушбу воқеалар асосини муаллиф халқ оғзидан ёзиб олиб, баён этган, қисман ўзгаришларга учраган, лекин аслида бўлиб ўтган тарихий фактлар ташкил қилади. Маълумки, бадий тўқима компоненти ижодий жараёнда, асар сюжетида муҳим ўрин эгаллайди, бунда албатта бадий тўқима ва тарихий ҳақиқат бир-бирларини тўлдириб келади. Шу ўринда, бадий асар сюжетини ўрганиш масаласи тадқиқотлар ичида энг қийин ва энг муҳим қирраларнинг бири эканлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Адибнинг ўзи ушбу бобга асос бўлган материални қайси манбадан олганлигини ўқувчи учун очик қолдирган, унинг архивида ҳам роман устида олиб борилган иш жараёнини кузатишга имкон берувчи қоғозлар, ёзувлар ёки вариантлар сақланиб қолмаган. Шунга кўра, биз фақат тахмин ва илмий фаразлар орқалигина иш кўришимиз мумкин, аммо бу йўл ҳам ҳамиша аниқ натижалар беравермайди.

Юқорида келтирилган бобни муаллиф қандай мақсадда романга киритганлигини ҳозир аниқ айтиш қийин. Нима бўлишидан қатъий назар, Абдулла Қодирийнинг бу воқеани асарга олиб кириши тасодиф эмас. 1929—30 йилларда улўф адиб худди шундай сарлавҳа остида тарихий роман ёзишни ният қилганлиги ҳам яхши маълум. Афтидан, у ана шу мавзунини янада чуқурроқ ёритмоқчи бўлган, минг афсуски, асар учун етарли маълумот жамғарилганлигига қарамай, бу ният амалга ошмай қолган.

Ёзувчининг айнан шу аёл — Амир Умархон канизининг тақдирига қизиқиш ҳам тасодиф эмас. Асли исми Хонпошша бўлган бу каниз жуда истеъодли, бениҳоя даражада гўзал ва латофатли, замонасининг билимдон аёлларидан бўлган. У шайх Иноятулла Канбу (XVIII аср ўрталари)нинг «Баҳори дониш», Зиёуддин Нахшабий (XIII—XIV асрлар)нинг «Тўтинома», Бархурдор туркман (XVIII аср)нинг «Маҳфилора», Хисрав Деҳлавий номига нисбат берилувчи «Чор дарвиш» ва ҳоказо шунга ўхшаш кўплаб китоблар, қўлёзмалардан хабардор бўлган.

Шундай қилиб, Абдулла Қодирий ният қилган янги романга айнан шу боб — Қўқон хонлиги тарихидаги энг фожий даврларни ҳикоя қилувчи воқеалар асос бўлмоғи керак эди. Эҳтимол, бу боб, Урта Осиё тарихининг бирмунча аввалроқ даврини, ўша давр урф-одатлари ва сиёсий воқеаларини қамраб оладиган ўша янги роман олдидан ўзига хос бир тайёргарлик бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Биз қаламга олаётган масала Абдулла Қодирийнинг тарихий романларига бағишланган тадқиқотларда (бу тадқиқотларнинг ўзи жуда озчиликни ташкил қилади) ҳозирга қадар ўрганилмай, даҳлсиз қолиб келаётган эди. Ҳар ҳолда қўлимиздаги тарихий материал мазкур сюжетнинг манбаини аниқ ва тўғри кўрсатишимизга, бадий тўқима ва тарихий ҳақиқатни бир-бирдан ажратишимизга, шу орқали тарихий воқеаларнинг ҳаққоний суратини кузатишимизга имкон беради.

Ўша даврда яшаб, мазкур воқеаларга ўзи гувоҳ бўлган Мухаммад Ҳакимхон (XIX аср бошларида Қўқонда туғилган) ўзининг қомусий қўлёзма асари — «Мунтаҳаб ут-таворис»да биз таҳлил қилаётган воқеаларга бир қадар равшанлик киритувчи ноёб ва қизиқарли маълумотларни келтиради. Ҳакимхон ўз даврининг кўзга кўринган тарихчиси, адабиётшунос, саёхатчи, маърифатпарвар одами бўлган. Истеъодли олим Россия шаҳарларига ҳам борган, рус тилини, маданиятини, рус халқи ҳаётини мукаммал ўрганган, бу ҳақда ўз асарларида илҳом билан ёзган.

Ҳакимхон хонларнинг тажовузкорона сиёсатини қоралаган, зулм ва зўравонликка қарши чиққан, фуқарога ҳамдарду ҳамдам бўлиб, одамларни ақл-идрок ва маърифат эгалари бўлишга, эзгуликка, олижанобликка, ҳалолликка қақирган. Унинг бутун умри сурғунда, дарбадарликда ўтди. Ҳакимхон «Амир Умархоннинг канизиси» — Хонпошша билан яқин таниш бўлган.

Қўқон ҳукмдори Умархон (1810—1822) ўз тасарруфидаги вилоятлар бўйлаб қилган сафарларининг бирида Шаҳрихонда тўхтади. Ўша даврда шаҳар ҳокими бўлган Жиловдор иноқнинг хотини Умархон ҳузурига киради ва, аввал Уратепада яшаб, қандайдир қилмишлари учун оиласи билан Шаҳрихонга ҳайдалган, эндиликда шу шаҳарда кун кечираётган Саидғозихўжа деган кимса ҳақида хабар беради. «Хўжа ҳозир янги ватанда жуда катта қийинчиликлар ила фақирона кун кечирмоқда. Хўжанинг Хонпошша исмли бениҳоя гўзал бир қизи бор. Қиз шунчалар гўзалки, агар учрашиб қолсалар нур таратиб турган қуёш қизининг порлоқ чеҳрасидан уялиб, юзига булутлардан парда

<sup>1</sup> Эмизган онасига уйланибдир.

тортиб олади, сарв унинг хиромон қадди-қоматидан, хушбўй бинафша гуллар эса унинг кокиллари таратган мушк-анбардан хижолат чекиб қоладилар»,— дейди.

Аёл қизнинг таъриф-мақтовини шу қадар келтириб тасвирлайдики, Умархон шу кечасиёқ буйруқ бериб, совчилик ишларида тажрибаси катта икки кайвони кампирни Саидғозихўжанинг уйига юборади.

Лекин, хон ҳазратларига қуда бўлмоқ қанчалик шараф ва обрў келтирмасин, ота бу хушхабардан қувонмайди ва қизнинг аллақачонлар унаштириб қўйилганлигини, шу яқин кунларда жияни ва қизнинг тўйи бўлишини айтиб, совчилардан узр сўрайди.

Совчилар шу заҳоти хон ҳузурига қайтиб, эшитганларини оқизмай-томизмай унга етказишади. Хон кампирларни яна изига қайтариб, уларга Баҳодирхўжа дастурхончини ҳам бирга қўшиб юборади. Бу сафар совчилар илтимос ва панд-насихатлар билангина чекланиб қолмайдилар. Орага дўқ-пўписа ва таҳдидлар аралашгач, Саидғозихўжа йиғлаб, бошига кулфатлар ёғдирган, ўзини ва жигарпораларини дарбадарликка, сургунга гирифтор қилган золим фалакдан, шум қисматдан шиқоятлар қилади. Унинг қизи бошқа бировга унаштириб қўйилган, шунинг учун ҳам хон ҳазратлари на урф-одатга, на шариятга биноан уни жуфти ҳалолликка қабул қилолмайди. Наҳотки хон ҳазратлари куч ишлатиб, қизни зўравонлик билан тортиб олиб кетса?! Биз ожиз ва ҳимоясиз фақирлармиз. Шу гапларни айтиб хўжанинг кўз ёшлари сел бўлиб оқади.

Совчилар хон олдига қайтиб, бўлиб ўтган барча гап-сўзларни батафсил баён қиладилар. Умархон жаҳлдан ўзини йўқотиб, даргазаб ҳолда шахсан Ҳақимхоннинг ўзига қизни олиб келиш учун фармон беради. Ҳақимхон Баҳодирхўжа билан бирга ҳалиги икки кампирни ёнига олиб, Саидғозихўжанинг уйига жўнаб кетади. Бу вақтга келиб тонг отиб қолган эди. Ҳақимхоннинг ёзиши бўйича, у Бахтиқора отанинг уйига киришга журъат қилмай, ҳамроҳларини ичкари киритади-да, воқеа қандай натижалар билан тугашини кута бошлайди.

Саидғозихўжа кулбасига учинчи бор ташриф буюрган совчилар энди ҳар қанақа сўкишу дўқ-пўписага сира хасислик қилмайдилар. Иш шу билан тугайдик, ҳолдан тойиб, ҳўшдан кетар даража етган ота, шунча баҳона-ю, дод-фарёдлари бекор кетганини кўриб, охири беихтиёр розилик беради. Ҳақимхон қизни ўзининг онаси ҳузурига элтади. Ҳақимхоннинг онаси асира қиз билан жуда яқин бўлиб кетади ва уни қизим деб қақира бошлайди.

Хоннинг сабрсизлиги шу даражага етган эдики, шу куннинг ўзидаёқ тўй тантаналарига тадорикни бошлаб юборишди. Қиз бечоранинг кийимлари ямоқ босиб кетганликдан, унга ҳатто хизматкор ходималар ҳам ачиниб қарашди. Улар Хонпошшани ювиб-тараб, ипак кўйлақларга ўраб кўриқдан ўтказдилар, қизнинг ҳўснини кўриб лол-ҳайрон бўлиб қолдилар ва шариат қонунларига мувофиқ Умархонга узатдилар. Хон ҳазратлари ниҳоят «ҳаловат хазинасига эгалик қилиб, қанча изтиробу армонлардан сўнг кўнгил муродига етишди». Бахтиёрлик нашидаларини сурган Умархон жуда кўп одамларига, жумладан, Саидғозихўжага ҳам совға-саломлар улашди.

Қўзоннинг бўлажак ҳўқмдори Алихон ёки Маъдалихон (1822—1842) ҳали отаси тирик чоғидаёқ Хонпошшанинг ишқ сеҳрига берилган эдики, бора-бора бу ишқ нафақат Маъдалихоннинг, балки бутун Қўзон давлати тарихида машўум ва фожиавий роль ўйнади.

Ҳақимхоннинг хотирлашича, у кўнларнинг бирида Хонпошшанинг хонасига киради. Ҳақимхон ва Хонпошшаларнинг ўртасида дўстона муносабатлар бор, сабабки, Ҳақимхоннинг онаси «ул замона Ширинини ўз қизи деб атаган, меҳрибонликлар кўрсатган ва шу туфайлидан ул парилқоқ» Ҳақимхонга ўзини ҳарамдаги бошқа аёллардан кўра кўпроқ яқин тутарди. Хонпошша барча ишларда Ҳақимхонни ўзига раҳнама ва устоз деб атар эди.

Хонага шу пайт Маъдалихон кириб келади. Меҳмонларга чой берилади. Суҳбат бошланади. Ҳақимхон шу суҳбат ораси Маъдалихоннинг Хонпошшага ошиқона нигоҳ билан қараётганини сезади. Қонунга кўра Хонпошша хоннинг хотини (мовага) бўлганлиги учун, Маъдалихонга она ҳисобланарди. Ҳақимхон, Маъдалихоннинг Хонпошшага қизиқишини анча олдинроқ — Тошкентга қараб йўлга чиққанларидаёқ сезганлигини шу ўринда эслаб ўтади. Хонпошшанинг ўзи бу савдолардан ҳали беҳабар, чунки Маъдалихон кўнгил ғалаёнлари ҳақда унга оғиз очмаган эди.

Ғазабланган Ҳақимхон уларни тарк этиб уйига келади. Яширин ҳаваслари Ҳақимхонга маълум бўлганлигини тушунган Маъдалихон ҳам тезда унинг изидан етиб келади. Иккови ўртасида кескин гаплар бўлиб ўтади. Маъдалихон: «Бу иш ҳақда ўйлаш менинг на кўнглимдан, на хаёлимдан кечган, сенинг менга нисбатан уйлаган ёмон ниятларинг бари хато. Бундай пасткашликни мен ўлақолсам ҳам қилмасман» — каби гаплар билан ўзини оқлай бошлайди.

Отасининг вафотидан сўнг тахтга чиққан ўн тўрт яшар Маъдалихон бу аёл билан яширин алоқага киришади, лекин бу ишқибозлик ёш хонни қониқтирмаганлиги, қолаверса, кўпчилик бундан воқиф бўла бошлаганлиги туфайли, хон ўз алоқаларига қонуний тўс бермоқ учун бу аёлни ўзига никоҳлаб олишга қарор қилади. Бироқ унинг ҳаракатлари кўп вақтларгача натижасиз қолади, негаки руҳонийлар бундай никоҳнинг энг оғир жиноят эканлигини, даҳшатли оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлигини яхши билишар, тақводор ва диёнатпарвар муслимлар бундай қабиҳ ва жирканч ифлосликни хаёлларига келтиролмас эди. Шунинг учун ҳам, бу шармандали ниятга шариатда бирон-бир йўл-йўриқ тополмаган руҳонийлар муқаддас китоблардан минг хил далилу исбот келтириб, хонни ўз ниятидан қайтаришга уриндилар. Агар шу аёлни никоҳига олса диндан озган ҳисобланажагини, бу иши учун аҳли уламо то охирзамонагача лаянат ўқияжagini айтиб ишонтирмоқчи бўлдилар. Лекин барча важ-қарсонлару далил-исботлар, ишонтиришлар тескари натижа берди, ёш хон: «Мен сизларни шу ишнинг амалга ошиши учун бирор тadbир топиб берасизларми деб қақиртирган эдим, ниятимга монелик қиладиган далиллар учун эмас»,— деб уларни ҳайдаб чиқарди.

Руҳонийлар бу муаммони ҳал қила олмагач, Маъдалихон айёрлик йўлини тутди. У ҳузурига икки муллани қақирди, уларга керагидан ҳам ортиқ марҳамат-мурувват кўрсатиб, ҳар хил совға-саломлар берди, бунинг эвазига муллалар талаб қилинган ривоят (шариат қонун-қондалари асосида ҳар хил ҳўқуқий масалалар юзасидан муфти чиқариб берадиган ҳўкм, ҳўлоса — Э. Х.)ни ёзиб тақдим қилгач, хон бу ҳўкмни ўз муҳри билан тасдиқлади. Шундай қилиб, қонунни ўз истакларига буйсундирган хон ҳийла-найранг, устамонлик кўрсатиб ўз мақсадига эришди ва Хонпошшага уйланди. Ҳақимхон ўз эсдалиқларининг бир жойида бу никоҳдан уч нафар фарзанд дунёга келганлигини

айтади, кейинчалик эса уларнинг фақат иккитасини — тўрт яшар Музаффархонни ва чақалоқ Мансурхоннигина тилга олади.

Бу воқеа бутун мамлакатга ва ҳатто ундан ҳам нариларга тарқалиб кетди, ҳамма кўз кўриб, қулоқ эшитмаган никоҳдан ёқа ушлаб қолди. Хон, ҳам она, ҳам хотин бўлган Хонпошша ва уларнинг никоҳидан туғилган фарзандлар тавқи лаънатга сазовор қилинди.

Диний анъаналарга садоқат руҳида тарбия топган оддий фуқаро ҳам бу номаъқулчиликларга энг шармандали беномуслик ва ахлоқсизлик деб қаради, чунки Хонпошша Маъдалихон учун отасидан қолган хотин сифатида — ўғай бўлса ҳам она мақомида эди. Руҳонийлар томонидан фатво бериб илҳомлантирилган халқ кўзғолон кўтарди ва Хонпошшани Қўқондан ҳайдаб юборишни очиқ талаб қилиб чиқди. Натижада Хонпошша болалари билан бирга Марғилонга сургун қилинди. Маъдалихон бундай вазиятда халқ билан ҳисоблашишга мажбур бўлди.

Бу воқеалар содир бўлаётган йилларда, акаси томонидан Қўқондан чиқариб юборилган Султон Маҳмудхон Шаҳрисабзда истиқомат қилмоқда эди. Уша пайтдаги энг эътиборли руҳонийлардан бирининг маслаҳатига кўра, Султон Маҳмудхон Бухоро ҳукмдори амир Насруллога қуйидаги мазмулда мактуб йўллади: «Эшитшимча, акам Муҳаммад Алихон ўзбошимчалик билан отамнинг хотинларидан бирини никоҳига олган. Шаҳри Бухорои шариф аҳли уламо маконидир. Руҳонийлар бу муаммони қандоқ баҳоларканлар? Бутун Мовароуннаҳрни ўзига бўйсундирган Сиздай улуг амир бу ифлос ишга қандай қарайдилар?»

Бундан аллақачонлар хабар топган амир Насрулло, Бухородаги қанчадан-қанча аҳли уламо муқаддас китобларини синчиқлаб ўрганмасинлар, бундай никоҳнинг қонунийлигига бирон-бир асос тополмаганликларини, бу ҳодиса нимага асосланиб амалга оширилганлигини билмоқ учун Маъдалихон ҳузурига чопар юборди. Чопар сўзини тугатар-тугатмас, «Муҳаммад Алихон Ғози чопарнинг ўзига нисбатан қилган ҳурматсизлигини қутуриб кетиб, тахтдан сакраб тушди, беадаб чопарни ерга ағдариб, тишлари билан унинг бошини тишлай бошлади. Нодимлар уни Муҳаммад Алихон қўлидан бўшатиб олганларида, хон нодимларининг ҳаммасини ушлаб, зиндонга ташлашни буюрди».

Шу воқеалардан сўнг амир Насрулло Қўқонга қараб қўшин тортди. Маъдалихон унинг олдига ўз элчиларини чиқарди. Элчилар амир Насрулло билан сулҳ тузишга эришдилар ва бухороликлар изларига қайтишди. Лекин Маъдалихон шундан кейин ҳам ўз ҳаёт тарзини ўзгартирмади, ўзгартирмадигина эмас, устига-устак Марғилондан яна Хонпошшани олдириб, аввалгидай яшаб бошладик, «бундай шармандали ишга чек қўйиш учун бирон-бир восита излаган барча одамлар бирлашиб, оммавий кўзғолон кўтардилар. Бир неча минг одам тўпланиб, Муҳаммад Алихон дарвозаси олдига келди».

Кўриб кетган Маъдалихон ўзининг содиқ мулозимларига халқ қўйган барча талабларни бажо келтиришни буюриб, ўзи пойтахтни ташлаб қочиб қолди. Ғалаёнга келган оломон Хонпошшани яна Марғилонга ҳайдашни талаб қилди: «Хон ё халқдан, ё уша хотиндан воз кечсин». Халқ талаби қондирилиб, Маъдалихон вакиллари «Бахти қаро аёлни икки ўғли билан кўзғолончилар олдига олиб чиқди ва Марғилон вилоятига ҳайдаб юборди».

Амир Насрулло 1842 йилда яна Қўқонга қўшин тортди. Қўқон лашкари унга Хўжанд шаҳрида қарши чиқди. Қонли жангда бухороликлар ғалаба қилиб, Қўқонни эгалладилар, қочишга уринган Маъдалихонни, унинг бошқа хотинидан бўлган ўғли Муҳаммад Аминхон ва укаси Султон Маҳмудхонни ушлаб олдилар. Амир Насруллонинг фармонига биноан улар ўлимга ҳукм қилиндилар. Шундан сўнг амир Насрулло Марғилонга ишончли одамани юбориб, Хонпошша ва унинг ўғилларини Бухорога олдириди. Маъдалихоннинг никоҳига фатво ёзиб берган мулларар ҳам Бухорога келтирилди. Амир Насрулло Бухорога қайтиб келгач, Хонпошшага уйланади, лекин икки ой ўтар-ўтмас, номаълум сабабларга кўра Хонпошшани ва унинг икки фарзандини қатл қилдиради. Баъзи миш-миш гапларга қараганда, дейди Ҳакимхон, Хонпошшанинг болалари тирик қолган эмишлар.

Бу олди-қочди саргузаштларга бой воқеа турли хил майда-чуйда тафсилотларга тўлиб-тошган ҳолда оддий халқ орасида ҳам кенг тарқалган. Кейинроқ пайдо бўлган баъзи бир таъбирларда бу воқеалар Хонпошша эмас, умулан бошқа аёл номи билан боғланади. Шунга ўхшаган, лекин бошқа аёл номи билан боғлиқ воқеалар бирмунча кейинги даврларда яшаган муаллифларнинг қўлёзма асарларида учраши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Инқилобгача яшаб ўтган олим А. П. Хорошкин ўзининг «Туркистон ўлкасига тааллуқли бўлган мақолалар тўплами» номли китобида шундай бир қизиқарли воқеани келтиради. Унинг ёзишига қараганда, Амир Насрулло («Шарсабиз (Шаҳрисабз — Э. Х.) бекларидан бирининг, тўғрироғи Ёқуббекнинг хотинини (ўз замонасида бутун Туркистонга номи кетган гўзал, уша йилларда Шаҳрисабзда ҳоким бўлган Искандарбекнинг синглиси) тортиб олади. Ҳикоя қилишларига қараганда, бу аёл ўз эрини жуда севган, шунинг учун ҳам илк қулай фурсат келган пайтидаёқ, ухлаб ётган амирнинг қулоғига символ қуяди. Хон чеккан азоблар даҳшатли бўлган дейишади... Қийноқлар остида қолган бечора аёл ўз айбини бўйнига олади ва иккинчи эри бўлмиш амирнинг ўлим тўшағи ёнида икки фарзанди билан бирга бўғизланади. Аёлниги исми Кенагас ойм эди».

Ёзувчининг ўғли Ҳабибулла Қодирий «Отам ҳақида» номли китобида ҳам мана шундай воқеа ҳақда айтилади: «Аҳмад отанинг сўнги сўзидан Хонпошша ойм Бухорога олиб кетилган ва у Насруллони заҳарлаган экан, деб мулоҳаза юритиш мумкин. Бироқ, бу хабар оғзаки тарқалган «миш-миш». Тарихий манбалар, Насруллони Хонпошша эмас, бошқа аёл (Кенагас бегим) заҳарлаб ўлдирган дейди».

Ҳакимхоннинг хабар беришича, Хонпошша Умархоннинг қонуний никоҳида икки йил-у тўрт ой, Муҳаммад Алихон билан ўн беш йил ва амир Насрулло билан икки ой яшаб, ўттиз саккиз ёшида дунёдан ўтган.

Шундай қилиб, мазкур воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, иштирокчи бўлган тарихчининг гувоҳлик беришига кўра, биринчидан, Хонпошша Умархоннинг қонуний никоҳидаги хотинларидан бири эди, иккинчидан, Хонпошша ва Маъдалихоннинг никоҳларига фатво берган мулларар Бухорога олиб кетилган.

Абдулла Қодирийнинг ёзиши бўйича, Хонпошша Умархоннинг балоғатга етмаган канизларидан бири эди ва хон бу канизни ўз никоҳига олиш учун унинг балоғат ёшига тўлишини кутиб юрган,

биноқ бевақт ўлим бу никоҳга ҳалал берган. Шу ўринда савол туғилади: Абдулла Қодирий нима учун тарихий ҳақиқатдан узоқлашган? Албатта, романчи сифатида, ёзувчи ўз асарига бадиий тўқимага эрк беришга ҳақли, лекин шу билан бирга, улуғ адабнинг тарихий воқеаларга нисбатан тутган қатъий позицияси ҳам яхши маълум, чунки унинг ўзи шундай деб ёзган эди. «... Хулоса шундаки, тарихий асар ёзганда бирор шахснинг хоҳ оғзакидир, хоҳ ёзмадир берган шоҳидлигига дарҳол ишонавериш бўлмайди, уни обдан текшириб, мантқиқ андозасига солиб, сўнг асарда фойдаланиш керакки, китобхонда эътироз, шубҳа туғилмасин...»

Адабнинг тарихга бўлган эътиромли муносабатидан, шунингдек, «...Туркистон хонлиги тарихидан маълумдирки...», «...тарихнинг бизга хабар беришига қараганда...» сингари сўзларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, бу ўринда биз ҳужжатларга асосланган маълумотларга нисбатан автор эркин ёндашган, ўзича изоҳ берган — яъни бадиий тўқима ишлатган деб айтолмаймиз.

Чамаси, Абдулла Қодирий бу бобни мазкур воқеалардан анча кейинроқ ёзилган қурама (компилятив) материаллардан ўзлаштирган бўлса керакки, эҳтимол, бу қўлёзмалар муаллифлари Маъдалихонни омма олдида худодан қайтган муртад сифатида кўрсатувчи машъум жиноятни юмшатиб, бузиб талқин қилганлар ёки жанжалли ўринларни умуман ташлаб кетганлар. Ҳатто «Мунтахаб ут-тавориҳ»нинг кўпгина нусхаларида шундай ўринлар номаълум ўқувчилар томонидан ҳафсала билан ўчирилган, натижада асарга кучли шикаст етган. Шу тариқа, ғайритабиий равишда «Мунтахаб ут-тавориҳ» аниқ мақсад билан кўриқдан ўтказилган, яъни китобга ғоявий тузатиш киритилган.

Нима бўлганидан қатъий назар, «уйланмоқни мақсад қилганилиги ҳақидаги» таъбир Бухоро ҳукмдорининг Қўқонга қилган юришига сабаб бўлган ҳақиқий фактнинг таъсир кучини йўққа чиқаради. Ҳолбуки, амир Насрулло ўзининг бу қонли юришига Қўқонда ахлоқ нормалари бузилганлигини, бузилибгина қолмай, шарият қоидалари оёқ ости қилинганлигини, Маъдалихоннинг ўғай онаси билан никоҳи ноқонуний, бинобарин, албатта жазоланиши лозим эканлигини сабаб қилиб кўрсатган эди. Тўғри, уруш очилишининг бошқа сабаблари ҳам бўлган (ҳозир уларга тўхталиб ўтиришга эҳтиёж йўқ деб биламиз), лекин қонунга хилоф никоҳ мазкур юришда асосий баҳона эди.

Маълумки, мусулмон қонунчилиги қон-қариндошликка кўра, ўзаро қуда-қариндошликка кўра, ғайридинликка кўра ва ҳоказо никоҳларнинг қатъиян ман қилинган турларини эслатиб ўтади. Шулар ичида — отанинг хотинларидан бирига уйланиш энг қатъий тақиқланган никоҳ бўлиб, бу ҳақда ҳатто «Қуръон»да ҳам сўз юритилган: «Башарти аввал отангиз бу хотинга уйланган бўлса, унга уйланманг... Ҳақиқатда, бу — қабиҳ ва манфур, ножўя йўлдир. Оналарингиз билан никоҳланиш тақиқланади; қизларингиз билан никоҳланиш тақиқланади; опаларингиз ва сингилларингиз билан никоҳланиш тақиқланади; ота ва она томондан бўлган холаларингиз ва аммаларингиз билан никоҳланиш тақиқланади; ака-укаларингизнинг қизлари билан никоҳланиш тақиқланади; опа-сингилларингизнинг қизлари билан никоҳланиш тақиқланади; парвариш қилган оналарингиз билан никоҳланиш тақиқланади; бирга парвариш топган оналарингиз ва сингилларингиз билан никоҳланиш тақиқланади; хотинларингизнинг оналари билан никоҳланиш тақиқланади; ҳомийлигингиздаги хотинларингиздан туғилиб, сиздан тарбия топган қизлар билан никоҳланиш тақиқланади; агар ҳомийлигингизга олмасдан аввал қизи билан никоҳда бўлган бўлсангиз, гуноҳ сизда эмас; пуштикамарингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари билан никоҳланиш тақиқланади; бир вақтнинг ўзида опа-сингиллар билан никоҳланиш тақиқланади» («Қуръон», 4 — сурат, 26—28-оятлар).

Худди шу тақиқлар ҳақида мусулмон қонунчилигида ҳам ёзилган: «Эркак ўз онасига, ота ёки она томонидан бўлган заифаларга уйлана олмайди, негаки худо Қуръонда шундай деган: «Сизларнинг умм (яъни, она)ларингиз ва қизларингиз сизларга тақиқланади», «умм» (она)сўзининг энг ибтидоий маъноси — «бошланиш» ёки «илдиз» демакдир, шундан кўринадики, заифаларни шу тўфайли тақиққа қўшганлар. Яна бунинг устига, бизнинг барча олимларимиз бундай никоҳий иттифоқнинг ноқонунийлигини бир оғиздан тасдиқлайдилар».

Лекин қатъий тақиқларга ва олдиндан белгиланган жазоларга қарамасдан, бу қонун барибир бузилган, устига устак, айнан дин вакилларининг ўзлари Қуръон, Сунна, Ижмоъ ва Қиёс (мусулмон қонунчилигидаги) тўртта энг асосий манба)даги айрим қарама-қаршиликлардан уддабўронларча фойдаланиб, қонун бузилишларининг бошида турган. Улар шундай йўллар билан гўё қонунга ривож қилаётгандай бўлиб кўринганлар, давлат ҳам орттирганлар. Ҳақимхон худди мана шундай фавқуллодда кам учровчи, ноёб воқеа ҳақида ҳикоя қилади.

«Муҳаммад Алихон, — деб ёзади муаллиф, — отанинг хотинларидан бирига уйланишим мумкинми ёки йўқми деб (савол билан мулаларга) бир неча марта мурожаат қилди. Замон уламолари қанчалик тиришқоқлик ва сай-ҳаракатлар кўрсатмасинлар, лекин (бирор нарса) ўйлаб тополмадилар. Ниҳоят, (бу саволни) ислом йўл-йўриқларига биноан ечиб бўлмаслигини кўргач, бошқа хил найранг ўйладилар. Бу найранг шундан иборат эдики, бир куни у икки муллани ўз олдига чақиртирди ва мол-дунё учун эътиқодидан кечган мулаларга ривоят ёзиб беришни буюрди. Қўрқиб қолган мулалар, ўз жонларининг ғамида бир неча маъносиз (сўзлар) ёзиб беришди. У лаънати эса ўша ривоятни муҳр билан тасдиқлаб, хотинига кўрсатди. Хотини ҳам бу ишнинг (ижросини) талаб қила бошлади...»

Хуллас, у ўз онаси билан фаҳш никоҳ тузди. Бу хабар фақат Фарғона вилоятигагина эмас, балки бутун дунёнинг тўрт тарафига ёйилди. Ҳамма одам ҳайрат бармоғини тишлаб қолди ва уларни лаънатладилар».

Муаллиф ўз эсдаликларининг бошқа бир жойида Қўқон хонининг аҳлларида бири билан қилган суҳбатини эслайди: «Биз: «Нимага асосан у ўша аёлга уйланди ва ҳатто, аёл унга ўғил ҳам туғиб берди?» — деб сўрадик. У деди: «Илоҳиятчи олимлардан кимлардир шундан келиб чиққан ҳолда фатво ёзиб бердики, Маликия мазҳабига мувофиқ, агар отанинг хотини (мовата)ни қирқ одамдан кейин никоҳга олинса, мумкин экан. Ҳанбалия мазҳабига ҳам бунинг турли хил йўл-йўриқлари бор экан. Хуллас, шу хилда маънисиз сўзларни келтиришиб, улар ўша атоқли олимларга ҳамфиқр

<sup>1</sup> Ҳидоя. Мусулмон қонунчилиги шарҳлари, т.1, Тошкент, 1893, 136-бет.


бўлдилар». Ҳақимхон мазҳабларни тилга олганда мусулмон қонунчилигидаги тўртта энг нуфузли оқимга асос солган фақиҳлар: Абу Ҳанифа (699—767), Малик ибн Онас (721—795), Шофийий (767—819) ва ибн Ҳанбал (780—855)ларни кўзда тутди. Маълумки, бир ҳодисанинг ўзи бу тўрт мазҳабда турли хил талқин қилинарди.

Маъдалихоннинг бу аёлга ишқибозлиги ҳали отаси Умархон тирик чоғларидаёқ бошланганини, бу ишқ қандай оқибатларга сабаб бўлишини билган шаҳзода ўз туйғуларини қулай пайт етиб келгунча, мутлақо пинҳон асраб келганини юқорида айтиб ўтган эдик. Лекин «Муҳаммад Алихоннинг ошиқона ҳаракатлари ва мафтун нигоҳлари» Ҳақимхоннинг назаридан қочиб қутулолмаган эди. Шу туйғули икковлари ўртасида бўлган тўқнашувда Ҳақимхон ўз суҳбатдошини қаттиқ сўзлар билан койиди, бор ҳақиқатни тўкиб солади: «Мен Муҳаммад Алихон томон юзимни буриб кескин гапирдим: «Сенинг хазинаи ақлинг қаёққа йўқолди? Қандай қилиб унинг ўрнини бузуқ шаҳвоний хаёллар эгаллаб олди? Наҳотки имонинг йўқ бўлса! Наҳотки худодан ҳам, унинг вакилидан ҳам умид узган бўлсанг? Сен қилган ишлар қанчалар жирканч! Бу не кўргуликки, шаҳвоний ҳисларга қул бўлибсан ва бу дунёдаги роҳат-фароғатни, виждонингни ўйинчоқ қилиб, иблис кўрсатган йўлга кирибсан! Дунёни ҳалоқат босган кундан то ҳозиргача на мусулмон, на кофир бундай ишни қилмаган эди! Шу йўлга кирган Шеруя ҳам қилмиши учун яраша жазо топган эди! Энди, отанг Умархон келганда унга айтиб берсам, минг жонинг бор бўлса, биттасини ҳам қутқаролмайсан!»

Модомики, Ҳақимхон, ўз даврининг илғор фикрли кишиларидан бири бўлганлигига қарамай, ҳали жуда ёш йигитнинг ошиқона нигоҳларини пайқаб шунчалик дарғазаб бўлган экан, охир-оқибатда Маъдалихон ўз ҳаётини қурбон берган бу никоҳ халқ ўртасида, шунингдек, қўшни Бухоро хонлигида қандай акс-садо ва қаршиликлар уйғотганлиги тушунарлидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, романлар ичида тарихий жанр энг мураккаби ҳисобланади, сабаби, шу жанрда битилган асар, барча бадий мезонлар билан бир қаторда, тарихий ҳақиқатга ҳам жавоб бера олиши лозим. Тарихий роман муаллифидан, бадий маҳорат билан бирга, чуқур тарихий билим, воқеа ва фактларни тарихий алоқадорликда идрок қила олиш қобилияти, тасвирланаётган давр тили колоритини архаиклаштириб ва чучмаллаштириб юбормаган ҳолда бера билиш маҳорати ҳам талаб қилинади. Қисқаси, тарихий асар ёзадиган одам турли соҳаларнинг билимдони бўлмоғи лозим. Л. Н. Толстой ижодининг тадқиқотчиларидан бири Н. Н. Апостоловнинг ёзишига кўра, романчи «... ўз асарида барча асл ва муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳодисаларни ўзининг жозибабаш тасаввурига мослаштириб очиб бериши учун ижодий жараён мобайнида жуда кўп нарсаларга ниҳоятда бадий зийраклик билан ёндашмоғи ва кўп нарсаларни эса оқилона четлаб ўтмоғи керак, шу билан бирга яна, тарих фанининг тушунилишини қийинлаштирувчи турли ёлғон-яшиқ ва уйдирмалардан тарихни тозалашмоғи ҳам лозим».

Абдулла Қодирий — ана шундай юксак талабларга ҳам жавоб бера оладиган забардаст ёзувчи эканлигини халқнинг улуғ адиб асарларига бўлган улкан муҳаббати тўла-тўқис исбот қилади.



## ЛЕНИНДАН РУҲ ОЛИБ, МАРКСДАН ИЛҲОМЛАНГАН

(Баҳслар атрофида)\*

Кимлар, нимага тош отишмайди, дейсиз?..

Ҳатто тош отиб, қуёшни уриб туширишга шайланган шоввозлар ҳам бор...

Устод Абдулла Қодирий (Жулқунбой) туғилганига бу йил роса 80 йил тўлди. Унинг асарлари халқимиз дилида дoston, тилида қўшиқ бўлиб қолди. Эндиликда совет адабиётшунослари унинг асарларини Алексей Толстой романлари билан бир қаторда тилга олмоқдалар<sup>1</sup>, уни Робиндранат Тагор, Прем Чандлар билан ёнма-ён эсламоқдалар<sup>2</sup>.

Яқинда америкалик бир олим устод Михаил Шолоховга тўхмат қилди. Унинг фикрича, бу улугъ ёзувчи социалистик реализм методидида қалам тебратган ижодкор эмас, балки у бу метод юзага келмасдан аввал юксак асарлар яратган шахсдир<sup>3</sup>. Аммо устод Шолохов асарлари революция заминидида, унинг улугъ ғоялари, таълимоти асосидида вужудга келган, кейин бу таълимот адабиётда ва адабиётшунослик илмидида «Социалистик реализм методи» номини олгандир. Америкалик адабиётшунос бу масалани тан олишни истамайди. Чунки бу масалани тан олиш совет ёзувчиси асарларининг синфий моҳиятини тарғиб қилиш демакдир. Худди шундай, баъзи ўзбек адабиётшунослари совет ёзувчиси устод Абдулла Қодирий асарларининг синфий моҳиятини йўққа чиқармоқчи, шу билан душманларимиз тегирмонига сув қуймоқчи бўладилар. Бундай дўстларга, шоввоз улфатларга биз: «Йўқ! Устод Абдулла Қодирий революция фарзанди, унинг асарлари революция ғоялари маҳсулидир, уларнинг адабий ва юксак синфий моҳияти бор!» деймиз.

Ҳақиқатан ҳам бу янги, бахтли, сермазмун ҳаёт туфайли шонли эллик йил ичида халқимиз ёппасига саводхон, илмдон бўлиб қолди. Яна фанимиз, маданиятимизни, Хоразмий, Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Навоийларни — бой тарихимизни ифтихор этадиган, ҳатто биз учун тамоман янги бўлган танқидий реализм, социалистик реализм методлари каби, махсус фан тушунчалари, соҳалари устидида, Шекспир, Шиллер, Пушкин, Глинка, Чайковский, Глазунов, Шопен, Лист, Репинлар ҳақида баҳслар юритадиган, китоблар ёзадиган бўлиб қолдик. Ниҳоят, устод Абдулла Қодирий каби тамоман янги услубда қалам тебратган улугъ ёзувчи ҳақидаги баҳслар ҳам биздаги янгича шуур, маданият, садоқатдан далолат беради.

Сўнги йилларда адабий доираларда, газета, журналларимизда, жумладан, «Ўзбекистон маданияти» газетаси саҳифаларида олиб борилган мунозаралар, баҳслар нақадар илмий ва ғайриилмий бўлишларига қарамай, бизнинг янгича ҳаётимиздан, заковатимиздан дарак беради. «Ўзбекистон маданияти» газетаси адабиётимиз ҳақида баҳслар уюштириб жуда хайрли иш қилди. Аммо нима учундир, масала, тўсатдан устод Абдулла Қодирийдан бошланди, кўпроқ сўз бу марҳум ёзувчи устидида юритилди?..

Бизнинг фикримизча, сабаби битта. «Танқидий реализм», «Социалистик реализм» методлари ҳақидаги баҳсларни устод Абдулла Қодирий романларисиз олиб бориб бўлмаса керак.

Баҳсларда, айни замонда, Мухаммад Аминхўжа Муқимий каби классикларимиз ҳақида ҳам фикрлар айтилди. Кўп яхши ибратли масалалар кўтарилди. Бу баҳслар бизни ҳам баҳсга чорлади. Биз ҳам баҳсни баҳсчилар анъанасига кўра, устод Абдулла Қодирийдан бошлашни лозим кўрдик.

Устод Абдулла Қодирий ўзининг ўлмас, юксак романлари билан ҳаёт вақтидаёқ миллионлаб ўқувчилар таҳсинига сазовор бўлган йирик санъаткордир. Унинг асарлари нашр этилиши биланоқ кўплаб атоқли олимлар, ёзувчилар бу улугъ совет романивисини чин қалбдан севиб қолдилар. Абдулла Қодирийнинг ана шундай садоқатли мухлисларидан бири машҳур совет шарқшуноси, устод Евгений Эдуардович Бертельс эди. У Абдулла Қодирий романларини энг қийин, мушкул, даҳшатли пайтларда ўз кутубхонасида чуқур меҳр, ихлос билан сақлаган, ҳатто жаҳон адабиётининг классикаси «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён»ни авайлаб муқовалатиб, ўз номусидек эҳтиётлаб сақлаган эди. У суҳбатларида ёзувчини тез-тез эсга олар, унинг билан учрашган қуёшли кунларни умрининг энг бахтли соатларидан ҳисоблар, садоқат билан тўлиб-тошган бу онларни кумсар, орзиқиб соғинар эди...

...«Абдулла Қодирий юксак иродали, соҳибқалб инсон, улугъ ёзувчи эди,— деди у катта умид, тўлиқ ишонч билан.— Менинг тушунишимча, жаҳон адабиётидида услуб жихатидан фарқ қиладиган

\* Мақола айрим қисқартишлар билан босилмоқда.

<sup>1</sup> Қаранг: В. Оскоцкий. Связующая нить. (Доклад, посвященный историческому роману),— «Литературная газета», № 43 (4433), 24 октября, 1973, стр. 2.

<sup>2</sup> Қаранг: Ануар Алиджанов. Единство разума и воли,— «Литературная газета», № 37 (4427), 12 сентября 1973, стр. 3.

<sup>3</sup> Қаранг: Андрей Чернышев. Домыслы вместо анализа,— «Литературная газета», № 45 (4435), 7 ноября, 1973, стр. 4.



Мен профессор Эргаш Рустамовнинг мазкур мақоласини мароқ билан ўқиб чиқдим. Бу — адабиёт илмини яхшигина эгаллаган, унинг масалалари устида бош қотирган, адабиётнинг жамият олдидagi бурчини етарли тасаввур қилган олимнинг иши эканига ишонч ҳосил қилдим. Иш асосан Абдулла Қодирийга бағишланган бўлиб, улуғ адибнинг ижодига нообъектив баҳо берган, кўп жиҳатлардан унинг меросини бузиб талқин қилишга уринган танқидсеварларга жавобан ёзилган.

60—70 йилларда ҳар хил йўллар билан Абдулла Қодирийга тош отувчилар кўп бўлди. Бунинг учун ҳар хил ваз ва сабаблар излашди. Шулардан бири «Ўзбекистон маданияти» газетасининг редакцияси томонидан ташкил қилинган ва яқинсиз қолиб кетган баҳс эди. Баҳс баҳонаси билан баъзи олимлар, Абдулла Қодирий ҳақида асоссиз фикрларни ҳам илгари сурдилар. Ёзувчи устига сиёсий айблар қўйишди, дунёқарашда чекланган, социалистик реализм принципларида асосланмаган, ҳатто танқидий реализм вакиллариининг қарашлари даражасига ҳам етмаган деб ҳисоблашди. Халқлар дўстлигини тушунмаганликда айблашди. Бу хилдаги айбномалар ўша кезларни фақат Э. Рустамовнигина эмас, балки адабиётнинг жамият олдидagi бурчини тўғри тушунган ҳар бир одамни ҳам куюнтирган эди. Бироқ Э. Рустамовнинг мазкур иши ўша вақтлари эълон қилинмаганидек, бошқалар ҳам бу куюниш натижасида пайдо бўлган фикрларини тўла айта олмаган.

Энди вақт бошқача, вазият ўзгарган, қайта қуриш натижасида адабий жараёнга, шунингдек, маданий меросга қайта назар ташлаш талаби вужудга келди. «Шарқ юлдузи» бу мақолани эълон қилиб, қайта қуриш талабига мувофиқ иш тутаётганини табриклаш керак.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ,  
ЎзФА мухбир азвоси.

бешта романчилик мактаби сайқалланиб, кўзга ташланиб туради. Улар инглиз, француз, немис, рус, ҳинд романчилик мактабларидир. Эндиликда олтинчи романчилик мактаби яратилди. Бу ўзбек романчилик мактабидир. Бу мактабни яратган Абдулла Қодирийдир. У Шарқ ва Ғарб классикларини вужуд-вужуди билан ўзига сингдириб юборган ўта билимдон, ўта маданиятли, туб маънодаги профессионал ёзувчи эди. У адолатни, номусли, тенгликни, мардликни, ёруғликни улуғлаган, қуёшни сипқорган аллома санъаткор, романчилик сирларини Ғюстав Флобер, Виктор Гюго, Оноре де Бальзак, Лев Толстой, Иван Тургеневлардан ўрганган, Абулқосим Фирдавсий, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофиз Шерозий, Сайид Имоиддин Насимий, Алишер Навоий, Мухаммад Фузулийлар сеҳри ва ҳикматлари билан адабиёт, ахлоқ, санъат осмонига ранг-баранг гуллар, юлдузлар ўйган: умид, ишқ билан ҳаётбахш сатрларни сайқаллаган забардаст қаламкаш эди. Сотти Ҳусайн ва ҳануз унинг супургисини дасталаб юрган баъзи мунаққидлар ёзувчини мозийга оид услубда қалам тебратган таснифчи сифатида талқин қилмоқчи ва уни совет адабиётидан улоқтириб ташламоқчи бўладилар. Лекин ҳаммага маълумки, Абдулла Қодирий ўз асарларини янги даврда, совет даврида, янги давр талаблари асосида ўтмишни қоралаш, улуғ Октябрни, янги бахтли замонни улуғлаш ниятида ёзди. У романларида тарихни янгича — марксча тарих илми таълимоти асосида ёритди. Маркс, Энгельс, Ленин асарларини ўзлаштирган ҳар бир виждонли китобхон Абдулла Қодирий асарларини ўқиганда бу ҳақиқатни яққол сезиб олади». «Яхши ниятли адабиёт ватандир,— деди устод Бертельс узоқ вақт Абдулла Қодирий китобларига тикилиб,— ким унга ўқ узса, у ватанга, ўз халқига ўқ узган бўлади. У хоиндир!»

Устод Абдулла Қодирийни совет адабиётининг йирик вакили, қозоқ адабиёти, Ўрта Осиё халқлари адабиётининг ифтихори устод Мухтор Авезов ҳам чин қалбдан севар эди. Унинг романларидаги юксак романтика, чуқур фалсафа, тиниқлик, композицион изчилик, нозик ҳис, ҳаяжон, тугён, лирик туйғулар ва кечинмаларни Қурмонғози куйлари, Глинка, Чайковский, Шопен тароналари билан қиёслар, Абдулла Қодирий билан Тошкентда учрашган кунларни соғиниб эсга олар, унинг романларини ўқиб ҳордиқ олганини қайта-қайта қайд қилар эди. Сухбатлардан бирида устод Мухтор Авезов Абдулла Қодирий ҳақида қуйидаги фикрларни ифтихор эди: «Жулқунбой туб маънодаги романнависдир. Унинг асарларини ўқиганда яхши куйни тинглагандай ҳумор қиласан, ҳордиқ оласан... Унинг романлари йигирманчи йилларда текис ва тақир саҳрода Помир тоғларидек пайдо бўлди, қалбимизни, фикримиз ва зикримизни чулғаб олди. Жулқунбойни, биз қозоқлар, ҳозир ҳам чин қалбдан севамиз. Нури дийдамиз, виждонимиз, ифтихоримиз Қурмонғозини эҳтиром этгандек уни улуғлаймиз, унинг даҳоси олдида таъзим қиламиз...» «Биз қозоқлар,— деди у сўзини давом этдириб,— Абдулла Қодирий асарларини, худди она тилимизда ёзилгандек, таржимасиз, луғатсиз ўқиймиз. Ишончимиз комилки, унинг асарларини татарлар ҳам, қирғизлар ҳам, қўмиқлар ҳам, озарбайжонлар ҳам худди ўз она тилларида ёзилгандек, таржимасиз, луғатсиз ўқийдилар».

Чиндан ҳам яхши кўшиқни, юракдан отилиб чиққан яхши қиссани ўқ билан отиб, болта билан чопиб, қилич билан бурдалаб бўлмайди. Уни зулматхоналарга тиқиб, гумдон қилиб бўлмайди. Чунки яхши кўшиқ, юракдан отилиб чиққан яхши қисса ҳар қандай ўқдан, ҳар қандай ўткир болта ва қиличдан, ҳар қандай тўплар ва мудҳиш замбараклар, атомлардан кучлидир.

Жулқунбойнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» эпопеялари ҳатто космос даврида, бугунги кунимизда ҳам жаҳон бўйлаб мағрур ва ғолиб парвоз қилмоқдалар.

Устод Абдулла Қодирий жаҳон адабиёти осмонидagi қуёшлардан биридир. Уни ҳеч қандай атомлар сўндирилмайди! Қуёш Жулқунбой мангу балқийди! Чунки у улуғ Ленинни ўзига устод, ифтихор этган инсон, совет халқларининг содиқ фарзанди, ифтихоридир.

«...Ўзимнинг асли ғоя ва маслаким билан ҳам ҳозиримни қисқача таништириб қўяйин: мен Шарқ озодлигини ва унинг мазлум пролетариат саодатини фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишига ишонган бир кишиман. Бу гапни қўрқиб эмас, балки виждоним, имоним тазъийқи остида сўзлайман. Лекин бу озодлиқдаги чин курашчилар, лабзсиз қўрқоқлар, шахсий адоват орқасида бахт кутгувчи майда кишилар бўлолмастар, аммо ўртоқ Лениннинг соғлом, ғазаматсиз, гидирсиз йўлига томон холис ниятда бел боғлағувчи қаҳрамонларгина бўлурлар. Менинг ҳақимда ким нима деса десин, лекин мен Маркс ва Лениннинг ҳароратлик шогирдиман, чунки мен Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомландим»<sup>1</sup>.

\* \* \*

Устод Абдулла Қодирийнинг Сотти Ҳусайнга ёзган жавобида шу сатрларни ўқиймиз: «Мени роман ёзишга ҳаваслантирган Миср фузалосидан устод Жўржи Зайдон...»<sup>2</sup>.

Баъзи мунаққидлар бу сатрларга ишора этганлари ҳолда, Сотти Ҳусайндан озиқланиб, Абдулла Қодирийни Жўржи Зайдоннинг тақлидчиси сифатида тарғиб қилишга уринадилар. Лекин маълум ва машҳурдирки, ҳар қандай яхши асарни учратганда, киши уни қайта-қайта ўқигиси, ёзувчи эса, яхши асар ёзгиси келади. Ҳамма йирик санъаткорлар устод ҳисобланадилар, «устод» сифатида тилга олинадилар. Уларнинг асарлари ҳаммада ҳавас уйғотади. Устод Абдулла Қодирий ҳам худди шу маънода бу қаламкаш шогирдидир. Бир йирик санъаткорнинг иккинчи бир йирик санъаткор томонидан «устод» сифатида тилга олиниши, унинг тақлид қилишидан далолат бермайди. Жўржи Зайдон асарлари тамоман бошқа шароит ва муҳитда яратилгандир. Унинг романлари Валтер Скотт асарлари услубини эсга келтиради. Абдулла Қодирий романлари услуб, мазмун, бадий жиҳатдан Жўржи Зайдон романларидан тамоман фарқ қилади. Жўржи Зайдон эътироф этишича, унинг романлари туб маънодаги бадий асарлар эмас, балки бадийлашган тарихдир. Бундан ташқари у марксча тарих илмидан тамоман беҳабардир. Абдулла Қодирий романлари эса, тарихнинг фақат бадийлашган шарҳидан иборат эмас. Улар чуқур бадий, фалсафий аҳамиятга эгадир. Улар тарих манбалари асосида ёзилган туб маънодаги бадий асарлардир. Абдулла Қодирий романлари таҳлилини фақат марксча тарих илми талқинидан излаш керак.

\* \* \*

Устод Абдулла Қодирий ўз романларида Россиядан ўрганишни тарғиб ва ташвиқ қилади. Унинг қаҳрамонлари Россиядан мадад истайдилар. Оддий халқдан чиққан, золим Худоёрхон томонидан ўлимга маҳкум этилган Мирза Анвар Россияга қўшилган Тошкентдан паноҳ истаиди, чунки Тошкентда идора қилиш усуллари янгичадир, русчадир, анча маърифатлидир. Отабек ҳам худди шундай фикрдадир. Мамлакатни парокандалик, ўзбошимчалик ва шу каби бошқа ўрта аср жаҳолатидан қутқариш, уни ҳалокатдан сақлаб қолиш учун русча идора қилиш усулларини ўрнатиш керак.

Мардлик, одамийлик, садоқат ва номус, имон тимсоли Отабекнинг — устод Абдулла Қодирийнинг бу ҳаққоний, тарихий, фалсафий сўзларини ўқиганда Россиянинг бошқа Шарқ халқлари маданиятини ривожлантириш; улар тақдири, иқболини ҳал қилишдаги илғор тарихий роли — миссияси ҳақидаги К. Маркснинг оламшумул башорати дарҳол эсга келади: «...Россия ҳақиқатан ҳам Шарққа нисбатан тараққийпарварлик ролини ўйнайди...»

«...Россия ҳукмронлиги Қора ва Каспий денгизлари, марказий Осиё, бошқирд ва татарлар маданиятини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди...»<sup>3</sup>

К. Маркснинг бу башорати устод Абдулла Қодирий томонидан чуқур ўрганилгани яққол кўзга ташланади.

Баъзи мунаққидлар Урта Осиё халқларини тиз чўктирган, қонга ботирган мустабид оқ генераллар, офицерлар, солдатларни «рус халқи» деб ўқдирадилар, мустақиллик учун курашда ҳалок бўлган Отабекни эса, «рус халқига қарши ўқ узди» деб тушунтирдилар. Ана шундай қаламкашлардан бири профессор Бердиали Имомовдир.

Адабиётшунос Бердиали Имомов устод Абдулла Қодирий ижоди ҳақида хилма-хил ажойиб ва ғаройиб адабий, фалсафий мулоҳазалар юритди, ҳатто бирмунча изланишлар натижасида фалсафий янгиллик кашф этди. Қаламкаш томонидан кашф этилган бу янгиллик «қалб диалектикаси» («диалектика сердцэ») иборасининг ихтиро этилишидир.

Б. Имомовнинг «қалб диалектикаси» талқинига кўра: «халқлар турмаси — зиндон»ни барпо этган ашаддий жаллодлар — найзабоз босқинчи оқ генераллар, офицерлар Туркистонни қонга ботирганда, Отабек улар томонига ўтиб, мустақиллик учун курашган ўз халқига қарши ўқ узиши керак экан...

Марксизм-ленинизмнинг мустамлакачиликка қарши кураш таълимотини юзсизларча оёқ ости қилиб, тўғридан-тўғри босқинчи «оқ подшо» генераллари томонига ўтиб олган Б. Имомов бу масалани рўйи-рост байроқ қилиб кўтаради:

«...Отабекни қандай ғоявий маслак, идеал, эътиқод русларга қарши жангга олиб келди... Отабек руслар билан тўқнашувда биринчи сафдагилар қаторида бўлди ва «қаҳрамонона уришиб шаҳид бўлди... Отабекнинг ўша давр учун прогрессив тарихий ҳодисага қарши жангга киришини қоралаш ўрнига, бу борада А. Қодирийнинг лоқайд қолиши, ҳатто унга майл билан қарashi ёзувчи позициясининг анча хато эканини яна бир бор исботлайди»<sup>4</sup>. Прогрессивлигини инкор қилиш мумкин эмас, лекин уни тўғри талқин эта билиш керак. Б. Имомов бу ишни қилолмаган. Масала Б. Имомов айтгандек бўлганда, руслардан ўрганишни тарғиб қилган Отабек рус қўшинига —

<sup>1</sup> Қаранг: Абдулла Қодирий, Кичик асарлар, Тошкент, 1969, 209-бет.

<sup>2</sup> Абдулла Қодирий, ўша ерда, 193-бет.

<sup>3</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения, Т. XXI, стр. 211.

<sup>4</sup> «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 17 март, 1972 й, 4-бет.

чор аскарларига сира қарши чиқмасди. Масаланинг муҳим томони ҳам шундаки, Отабек, «оқ подшо» ва унинг аскарларидан садоқат кутмади, чунки улар юртга тараққиёт эмас, фақат офат келтиришлари мумкин эди.

В. И. Лениннинг таъбирича «Ҳозирги замондаги ҳар бир миллатда икки хил миллат бор. Ҳар бир миллат, маданиятда икки хил миллий маданият бор. Пуришкевичлар, Гучковлар ва Струвеларнинг улуғ рус маданияти бор,— ва лекин Чернишевский ва Плеханов номлари билан мужассамланган улуғ рус маданияти ҳам бордир.»

Ҳануз рус адабиётининг ифтихори, устод М. Ю. Лермонтов ҳокимлар, зўравонлар, кўк мундирлар Россияси, қуллар Россияси — ювуқсиз Россияни нафратлаб шундай ёзган эди:

**Алвидо, эй ювуқсиз Россия,  
Қуллар мамлакати, ҳокимлар мамлакати,  
Ва, эй сиз, кўк мундир кийганлар,  
Ва, эй сен, уларга қуллуқ этган халқ.**

К. Маркс ва унинг ғолиб фалсафаси даврдан анча илгари яшаган ва ижод қилган даҳо Лермонтов ҳам «рус», «рус миллати» деганда икки хил рус ва рус миллатини тушунади.

Отабек Лермонтов, Лев Толстой, Некрасов, Чернишевский, Шевченколари нафратлаган, доҳиймиз Ленин нафратлаган кўк мундирлик истилочилар, Пуришкевичлар, Гучковлар, Струвелар миллатига қарши ўқ узди ва жуда тўғри қилди. Мустамлакачиликнинг ашаддий душмани бўлган марксизм-ленинизм, совет халқлари, Шарқ халқлари, жумладан, рус халқи ва бошқа барча халқлар Отабекни бу масалада ҳар тарафлама қўллаб-қувватлайдилар, унга чуқур садоқат билдирадилар.

Устод Л. Н. Толстой Россиядаги мустамлакачилик сиёсатини туб-таги билан қоралаган, нафратлаган эди. Отабек образи мустақиллик учун 25 йил муттасил кураш олиб борган Шомил, Ҳожимуродлар қиёфасини эсга келтиради. Отабек Ҳожимурод каби мустабид рус генераллари, офицерлари, солдатларига қарши курашда шаҳид бўлди. Мустақиллик учун фидокорона кураш олиб борган Шомил, Ҳожимуродлар устод Лев Толстойнинг виждони, имони, ифтихоридир. Машҳур «Анна Каренина» романида устод Лев Толстой Хива устига — Хоразмга бостириб киришга тайёр бўлган қотил, шухратпараст Вронскийни нафратлайди. Абдулла Қодирий Отабек образини яратишда устод Лев Толстойдан дарс олгандир. Унинг устоди Жўржи Зайдон эмас, балки улуғ Лев Толстойдир.

Устод Абдулла Қодирий устида жон куйдириб, фидойилик кўрсатиб юрган баъзи адабиётшунослар ёзувчини буржуа манфаатларини кузатган таснифчи сифатида қораламоқчи бўладилар, чунки Отабек юқори табақа вакили эмиш! Савдогар эмиш!... Совет адабиётининг классиги устод Алексей Толстойнинг машҳур тарихий романлари қахрамонлари подшо Улуғ Пётр, Иван Грознийлардир. Улуғ саркарда Кутузов, Багратионлар эса, устод Лев Толстойнинг ифтихоридирлар. Лекин шунга қарамасдан бу шахсларда рус халқига хос улуғвор хусусиятлар мужассамлангандир.

Отабек йирик тарихий шахс эмас, албатта. Отабек яшаган даврда Ўрта Осиёда улуғ Пётр ёки Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаро, Заҳрирдин Муҳаммад Бобур каби йирик тарихий шахслар мавжуд эмас эдилар. Худди шу даврда яшаган ва Худоёрхон юртини, бу даврдаги Ўрта Осиё вазиятини яхши билган қозоқ халқининг улуғ фарзанди, машҳур олим, мутафаккир, Чўқон Валиханов бу даврдаги Ўрта Осиё ҳукмронларини фақат жаҳолат, зулмат ичида қолган илм-ҳунардан тамоман юз ўгирган, ваҳшийларча тирикчилик, маишатга берилган махлуқлар сифатида нафратлайди:

«Эндиликда Ўрта Осиё соҳибқиронлари, аждодлари сингари шеър, хотиралар ёзмайдилар, астрономик жадваллар тузмайдилар. Бундай ишлар ўрнига, улар ҳар куни намойишкорона масжидга қатнайдилар ва у ерда вужуди қулоқ бўлиб мулалар билан суҳбат қурайдилар, уйга қайтишларида эса, масхарабозлар билан эрмак қилишади ёки майдонга чиқишиб, иккита ўргатилган кўчорнинг ашаддий манглай жангини тамошо қилайдилар».

Отабек инқилобчи эмас, албатта. Отабек қиёфаси гоҳо, ўз муҳитидан норози бўлган, аламзадаланган муҳтарам Дубровскийнинг мардона қиёфасини эслатади. Лекин у ўз даври ша роитлари, имкониятларида етишган, эскиликка барҳам бериш, янгича яшаш зарурлигини тушунган шундай маърифатли ақлодорлардандир. Отабек образи худди шу жиҳатдан жуда тарихий, жуда ҳаққоний талқин қилингандир.

\* \* \*

Биз рус халқи билан ҳамиша ёнма-ён турганмиз. Доҳий Ленин ва унинг соҳибқалб шогирдлари Фрунзе, Куйбишев, Файзулла Ҳўжаевлар билан ёнма-ён турганмиз, «халқлар турмаси» жаллодларига ўқ отганмиз. Эндиликда жаҳонда санқиб юрган уларнинг қолдиқларига, лаганбардорларига шафқатсиз ўқ отамиз, чунки улар ҳануз эски дунёни тиклаш ниятидадирлар... Отабек оддий вафодор ошиқ эмас. Унинг муҳаббатдан бошқа қатор мақсадлари (идеаллари) бор. «Ўтган кунлар» романида фақат кундошлик фожиаси талқин қилинмайди. Отабек фақат ўз муҳаббатининг оёқ ости қилингани, жонидан тўйгани туфайлигина шаҳид бўлгани йўқ. Унинг оқ танли босқинчиларга қарши жангга отилиши тасодифан эмас, балки бу масала романда талқин этилган унинг юксак ватанпарварлик мақсадлари билан чамбарчас, узвий боғлиқдир.

Устод Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг «Бой ила хизматчи» асарига фақат оддий бой билан хизматчи орасидаги адолатсизлик можаросини тасвир этади. Воқеа хизматчининг Сибирга ҳайдалиши билан якунланади. «Ўтган кунлар» қаҳрамони Отабек эса, оддий бой эмас, балки феодал ҳукмрон — золим подшоҳ Худоёрхон, унинг амалдорларига, мудҳиш сарой ва улар қўлида қурол бўлган расмий дин ва унинг мулла Абдураҳмон каби ахлоқсиз вакилларига, айни

<sup>1</sup> Чокан Валиханов. Статъи — переписки. Алма-Ата, 1947, стр. 156.

замонда мустамлакачиликка қарши курашда ҳалок бўлади. Камбағал Мирза Анвар хон саройини тарк этади, аммо у енгилгани йўқ. У оқ генераллар оёқ ости қилган Тошкентдан эмас, балки русча яхши ойинлардан бир қадар баҳраманд бўлган Тошкент қучоғига отилади. Ўз мақсадларини амалга оширишда ўлимга тик қараган баҳодир Мирза Анвар қалбида золим Худоёрхон ва унинг жаллодларига қарши курашни давом эттиришдек юксак орзулар бор. Бироқ бу йўлда уни тошкентлик оқ генераллар қўллаб-қувватламайдилар. У ёлғиз. Уни қўллаб-қувватлайдиган рус пролетариати ҳануз Тошкентда мавжуд эмас.

Б. Имомов талқинича, устод Абдулла Қодирий социалистик реализм методидан жуда йироқ. Аммо бу методда ижод этган ўзбек ёзувчилари роман ёзишни ундан ўрганганлар, кейинчалик, устод Абдулла Қодирий ҳам социалистик реализм методини тушуниб олган, бу методда ижод қила бошлаган. Бу ғоят маъхум фикрга аниқлик киритиш зарур.

Аммо эътироф этиш керак, бу мураккаб фикрда анча ҳақиқат бор. Устод Абдулла Қодирийнинг янги совет ҳаёти ҳақида ёзилган «Обид кетмон»игина эмас, балки «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари ҳам социалистик реализм методи асосида ёзилган классик асарлардир.

«Обид кетмон» ўзининг исми — жисми, лақаби, юриш-туриши, фаолияти, хулқ-атвори, руҳи билан туб маънодаги якка хўжа деҳқондир. У баъзан устод Фурманов билан Искандар Зулқарнайн ҳақида баҳс юритган Чапаев қиёфасини, I, II, III Интернационал ва уларга доҳий Лениннинг муносабатини билмоқчи бўлган Чапаевни, унга савол берган оддий, содда, софдил, лекин эндиликда бизга бир оз фалати бўлиб кўринадиган деҳқонлар — мужикларни эслатади.

Обид кетмонда ҳар хил камчилик, нуқсонлар бор. Аммо, у, умуман, оқ кўнгилли, меҳнаткаш, баҳодир деҳқон. Колхозга у дарҳол ўтмайди, ўжар. Аммо у секин-аста, узоқ ўйлаб, тушуниб, сидқидил билан ўтади. Унда, баъзан, мустамлакачилик асорати таъсир этган кайфиятлар ҳам бор (масалан, шаҳарлик зарҳал соч хонум билан ишрат).

Улуғ Октябрь революциясидан кейин Туркистонга революцион қизил Москвадан, Ленинграддан кўплаб рус олимлари, инженерлари, агрономлари келдилар. Ленинизмдан руҳланган бу революция зиялилари Туркистон меҳнаткашларига яқиндан туриб ёрдам бердилар, уларга фан, техника, янги деҳқончилик (агрономия) илмларини ўргатдилар. Аммо айна замонда бу олимлар Туркистон меҳнаткашларидан ҳам анча нарсани улуш этдилар. Бу жиҳатдан «Обид кетмон»даги рус агрономи қиёфаси ўзининг ғоят ҳаққоний, ибратли, классик ифодасини топгандир. Революция зиялиси ҳам камчиликлардан холи эмас. Унда бир оз ўжарлик хислатлари бор. У аввал деҳқонлар маслаҳатини унча ёқтирмайди, ўз хатосини тузатишга ботинмайди. Лекин, кейинчалик, улар фикрини ўрганиб, деҳқонлардан хурсанд бўлади.

Устод Абдулла Қодирий Туркистон меҳнаткашларига ёрдам бериш учун келган рус халқи фарзандлари қиёфасини шундай сидқидил, жасорат билан «урра-урра!»сиз, ҳаққоний тасвирлайди. Уларни шундай самимий улуғлайди.

«Ўтган кунлар» романи нашрига ёзилган кириш сўзда «XIX асрда Ўрта Осиёда, Худоёрхон даврида бутун феодал системасига қарши, кишининг-киши томонидан эксплуатация қилинишига қарши курашиб келган кучлар ҳам бор эди ва худди шу кучларнинг фаолиятида даврнинг энг илғор тенденциялари мужассамланган эди»<sup>1</sup> деган мулоҳазалар юритилади. Бу мулоҳазалар Худоёрхон даврида (1860), Ўрта Осиёда Чернышевскийлар, Белинскийлар, Добролюбовлар, Плехановлар, Маркслар, Энгельслар пайдо бўлдилар деган сўзнинг ўзгинаси эмасми, ахир?! Жоҳил Худоёрхон даврида, зулмат ичида қолган Худоёрхон юртида изчил синфий кураш қонунийларини тушунган, бутун феодализм системасини таги-томири билан ағдариб ташламоқчи бўлган қандай «энг илғор тенденциялар, кучлар» бўлиши мумкин?! Тарихни сохталаштириш, бўрттириш, ёлғон тарих яратишнинг нима кераги бор? Ахир, шундай машҳур Емельян Пугачёв ҳам феодал системасини ағдариб ташлаш ниятида эмас эди. У одил шоҳ бўлмоқ орзусида эди. Ҳатто Абайлар, Чўқон Валихоновлар, Ибрай Олтинсаринлар, Аҳмад Донишлар феодализм системасини бутунлайига емириб ташлаш керак деган ниятда бўлмаганлар.

Кириш сўзда яна шу жумлалар бор: «Дуруст, XIX асрда феодал зулмига қарши бош кўтарган ҳар бир меҳнаткаш ҳам бутун феодализм системасини емириш кераклигини тушуна берган эмас ва ҳақиқатан ҳам деҳқонларнинг кўзғолонлари кўпича «ёмон» бек ўрнига «яхши», «одил» бекни қўйишни талаб этиш билан чекланган<sup>2</sup>». Бу фикрга тўлиқ қўшилиш мумкин. Бироқ изоҳ беришга мажбурмиз: Худоёрхон юртида, Худоёрхон даврида деярлик ҳамма халқ, ҳамма меҳнаткашлар фақат одил шоҳ орзусида бўлганлар.

«Ўтган кунлар» романида халқнинг зулмга қарши оммавий ҳаракати кўрсатилган. Лекин бу оммавий ҳаракат ҳали жуда онгсиз, ташкилий жиҳатдан уюшмаган, жуда суст ва заиф. Масала романда жуда тўғри ҳал қилинган. Ахир ҳатто Ленин, Плехановлар ҳаёт вақтида, РСДРПнинг II съездида қадар, капитализм асосан, оёққа турган Россияда ҳам ишчилар ҳаракати ҳали етарли даражада уюшмаган, онгсиз («стихийное») эди. 1905 йил революцияси ҳам ҳали поп Гапонга ишонар, золим подшоҳдан марҳамат кутар эди.

Кириш сўзда баҳсга сазовор кўп уқдирлар, изоҳлар бор. Улар ҳақида батафсил гапириш мумкин. Кези келганда батафсил гапириш ниятидамиз. Бироқ ҳозирча, фурсатдан фойдаланиб, фақат бир нарсани қайд қилмоқчимиз: кириш сўзда жуда чалқаш, марксистик нуқтан назардан ҳали чуқур ўйлаб кўрилмаган ва ғирт хом мулоҳазалар жуда кўп. Кириш сўз Сотти Ҳусайн мулоҳазаларини қисман уйғунлаштириди, уларни «илмий асослашга» уринади, хаспўшлайди. Баъзи адабиёт мухлислари бу кириш сўзга жон-жаҳди билан тирмашиб олганлар.

Адабиётшунослик фанимиз ва адабиётимизнинг оқсоқоли, муҳтарам Иззат Отахонович Султонов ёзувчи Абдулла Қодирий ва унинг асарлари ҳақида жуда кўп яхши фикрлар, мулоҳазалар айтди. Бу фикрлар, мулоҳазалар келажакда Абдулла Қодирий ижодини ўрганишда, албатта, дастуруламал, ибрат бўлади. Лекин шунинг билан бирга «Ўтган кунлар»га ёзилган кириш сўзда жиддий камчиликлар ҳам борки, улар эҳтиёткорлик билан, ўша даврда, Сотти Ҳусайн ва унинг

<sup>1</sup> Иззат Султон. Абдулла Қодирийнинг ижоди ҳақида, — «Ўтган кунлар»га ёзилган кириш сўз, — Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар (тарихий роман), Тошкент, 1958.

<sup>2</sup> Уша ерда.

тарафдорлари фикрларига ён босишга мажбур бўлишлик натижасида... («как бы чего не вышло?..») «ишқилиб бир бало юз бермасин?!» руҳида ёзилгандир.

Устод Абдулла Қодирий ижодини сидқидил билан ўрганишга бел боғлаган бу соҳибқалб ёзувчи ҳақида дил сўзини — ҳақиқатни айтмоқчи бўлган адабиётшунослар масаланинг бу томонини аллақачон ҳисобга олмишлар. Лекин қасддан ёзувчини камситмоқчи бўлган шахслар кириш сўздаги бу ҳужумкор ёлғон-ростга ёпишиб олганлар. Чунки бу ҳужумкор ёлғон уларга жуда қўл келади. Бу ҳужумкор ёлғондан омад топган адабиётшунослардан бири филология фанлари доктори, муҳтарам Ҳафиз Абдусаматовдир. Устод Абдулла Қодирий ва унинг ижодига қарши туғён бу қаламқаш қалбида кундан-кунга ривожланиб, тўлқинланиб, қалқиб туради. Бу ёзувчи ҳақида у кўп юрак сирларини ошқора айтди ва айтажак (айтишга аҳд қилган, қасам ичган!). Айниқса, унинг 1972 йилда эълон қилинган «Ҳаёт ҳақиқати ва реализм» сарлавҳали мақоласи<sup>1</sup> олимнинг жасоратидан, чуқур ва уйғун илмий, фалсафий тафаккури, толмас ғайрати ва садоқатидан дарак беради. Муҳтарам Ҳафиз Абдусаматов бу мақолада Иззат Султоннинг тўғри фикрларини рад этади, унинг ҳужумкор ёлғон — рости ни эса, сўзсиз қабул қилади, уларга суянади. Бу ерда шуни махсус қайд қилиш керакки, Ҳафиз Абдусаматов Иззат Султон мақоласига нисбатан ҳеч қандай янгилик киритгани йўқ. У ўз мақоласида Иззат Султонни айнан кўчиради. Шунинг билан бирга, у қатор жиддий камчиликларга йўл қўйдики, бу ҳақда гапиришга мажбур-миз.

Ҳафиз Абдусаматов устод Абдулла Қодирий ва унинг ижоди ҳақида, шундай ҳукм юритади: «Синфий курашни тушуниш ва ифода этиш масаласида А. Қодирий баъзи ўтмишдошларига етолмади, замондошларидан эса, орқада қолди. Биз бу ерда фақат Муқимий ижодини ва фаолиятини мисол қилиб оламиз. Муқимий ўзбек меҳнаткашларининг оғир ҳаётини ифодалаш билан бирга, зулмни келтириб чиқарган юқори табақа вакиллари ҳажв этади. Шу билан бирга шоир XIX асрнинг охиридаги пайдо бўлган капиталистик муносабатларнинг жирканчлигини ҳам кўра билди, тузум келтириб чиқарган синфий курашни англаш даражасига бориб етди (??? — Э. Р.) Биз шоирнинг фақат «Московчи бой таърифида» шеърини кўздан кечириб кўрсак, юқоридаги фикрга ишонч ҳосил қиламиз. Бу асарда икки куч — ишчилар билан юқори табақа — завод хўжайинлари ўртасидаги зиддият акс этирилади. Ишчиларнинг ҳаракати ва активлиги шундаки, улар заводдаги оғир меҳнатдан воз кечадилар, ишни ташлаб кетадилар.

**Қочиб кетди мачқойилар (мардикорлар — Ҳ. А.)**

**аксари,**

**Бориб шулки юртига таъкидлади:**

**«Сароски (? — Э. Р.), ў бошадаш,**

**зинҳор,**

**Даронжо марав [,] мемури, эй**

**табор».**

(Мазмуни: у бўлган саройга асло бора кўрма, ўласан, э қардош).

**Чиқиб қочди бир-бир ҳама мардикор,**

**Купес қолди бу сирга ҳайрону зор.**

Асардаги ишчилар ҳар қандай зулмга бардош берадиган, бир юзига урса, иккинчи юзини тутиб турадиган одамлар эмас, балки зулмга қарши нафрат билдирувчи дадил, мард исёнкорлардир. Заводдаги ишининг тўхтаб қолишидан ваҳимага тушган Ҳодижаннинг ишчиларни қайтаришга уринишлари рус ишчиси томонидан зарбага учрайди (рус революционери бўлса керак, албат-та?! — Э. Р.)

**Топиб мардикорини — «сейчас юринг,**

**Пожалиста, — дер эди, — эмди туринг».**

**Деди: — Ҳар кунни берсанг ўн сўм ҳам.**

**Борилмайди, қўй зовутини хўжам.**

Бу шеърда Муқимий синфий табақалашни яққол сезганлигини кўрамиз. У кишиларнинг миллатига қарамасдан (??? — Э. Р.) синфий томондан иккига — хўжайин ва ишчилар, бой ва камбағалларга ажратди. Камбағал меҳнаткашларни, қайси миллатдан бўлишдан қатъий назар, мадҳ этди (??? — Э. Р.). «Московчи бой таърифида» асарининг яна бир фазилати шундаки, унда ишчилар эксплуататорлар устидан маънавий ғалаба қозонадилар...» (??? — Э. Р.)

«Абдулла Қодирий ёзувчи сифатида «ўтмишдошларидан, яъни салафларидан орқада қолди, замондошларига эса, етолмади...» Хўш, бу хулосада қандай мантиқ бор?! «Ўтмишдош»ларидан орқада қолган, замондошларига етолмаган қолюқ таснифчининг чизмалари қандай қилиб асрлардан асрларга ўтиши, ўқилиши мумкин, ахир? Муаллиф устод Абдулла Қодирий асарларини «танқидий реализм» методига нисбат беради. Хўш, «танқидий реализм» методи шунақа қолюқ методми?! Устод Гоголнинг «Ревизор»и ўтмишдан, замондан орқага қолганми, ахир?! Салтиков-Шчедрин орқада қолганми-а?! Бу даҳоларнинг асарлари оддий адабий обида эмас, балки ҳозир ҳам бизга руҳий озиқ беради, ҳаётни ўзгартирувчи кучга эгадир. Ўз вақтида партиямиз қалам аҳлларини Гоголлар, Шчедринлар даражасида асар яратишга чақирган эди. Ҳар нарсанинг ўлчови, андазаси бор. Ўлчов билан фикр юритиш керак, торозуга тошни қўйиб фикр юритиш керак. «Танқидий реализм» методи ҳам, «Социалистик реализм» методи ҳам чуқур адабий, тарихий, фалсафий моҳиятга эга бўлган, ғоят мураккаб, кенг доира ва маънодаги тушунчалардир, ҳодисалардир.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон маданияти» газетаси, № 55 (1701), 7 июль, 1972 йил.

Ахир Муқимий дунёга келганда (1851) Россиянинг ўзида ҳануз деҳқон қўлдорчилиги («крепостное право») тўлиқ ҳукм сурмоқда эди-ку! Демак, Муқимий, истанг-истамаанг, илмий социализм таълимотидан анча хабардордир. Кошкиди шундай бўлса?! Шoir Муқимий яшаган даврда (1851—1903) Россиянинг ўзида ҳам, ҳатто унинг энг йирик саноат маркази Петербургда ҳам рус ишчилари — пролетариати ҳануз ўзларининг илғор (авангардлик) миссиясини тушуниб етмаган эдилар. Улар ҳануз 1905 йилда (яъни Муқимий вафотидан анча кейин) ҳам рус подшоҳини бирдан-бир эзилган меҳнаткашлар ҳимоячиси деб тушунишар, динга сифинишар, поп Гапон каби дин арбоблари маслаҳатларига шикидил билан қулоқ солар эдилар. Россиянинг йирик саноат маркази Петербургда масала шундай экан, Қўқонда қандай қилиб бу вақтда синфлар ва синфий курашни тушунган Муқимий, илғор рус ишчиси ва пролетариат бўлиши мумкин, ахир?! Шояд «марксча» шoir Муқимий ҳамшаҳри, қўқонлик революционер шoir, устод Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий руҳи азалидан мадад топган, озиқланган бўлса?.. Қанийди шундай бўлса?..

Тарихимизнинг энг мудҳиш, энг ёмон асрларидан бири мўғуллар истилоси ва Худоёрхон ҳукмронлиги даврларидир. Устод Абдулла Қодирий бу даврни синфий нуқтаи назардан, марксистик позициядан туриб худди шундай нафратлайди. Ёзувчи Худоёрхон ва унинг сарой аҳллари оқдй золим ёки жоҳил шахслар сифатида эмас, балки ҳукмрон синфнинг энг учига чиққан йирткич вакиллари сифатида талқин қилади, феодал тузумнинг бутун киркинликларини, кирдикорларини, зулматларини, даҳшатларини янги инқилобий давр, янги тузум талаблари асосида тасвир этади, фoш қилади. Устод Абдулла Қодирий марксистик позицияда туриб, Худоёрхон даврини ўрта аср жаҳолати, зулмати, ваҳшийлигининг, феодализм тузумининг энг учига чиққан йирткич даври сифатида нафратлайди. Феодал хонлик таянчи, феодал тузум таянчи жаллод Худоёрхон ва унинг мудҳиш саройидан қон ҳиди келади. Мирза Анвар саройни тарк этади. Унинг дўстлари оддий халқ вакилларидир. У оддий халқдан одамайлик, мадад истайди. У ҳамisha оддий кишилар, жафокaш инсонлар билан. Шунинг учун ҳам уни халқ яхши кўради, оддий халқдан чиққан дўстлари ўлимдан озод қиладилар. Мирза Анвар келиб чиқиши билан деҳқон ёки зиёли эмас. У ўша даврнинг ўзига хос пролетариати — шаҳарлик ҳунарманд — косибдир.

Жойи келганда шуни қайд қилиш керакки, Абдулла Қодирий фақат ўзбек ёзувчиси эмас, балки бутун совет халқларининг фарзандидир. Устод Алексей Толстой, Михаил Шолохов, Николай Островский, Александр Фадеев, Константин Федин, Мухтор Авезов, Садриддин Айний, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматовлар билан бутун советлар ватани фахрлангани каби устод Абдулла Қодирий асарлари ҳам совет халқларининг мулкидир. Масала шундай экан, Абдулла Қодирий тақдирини фақат битта-иккита ўзбек адабиётшунослари — қиличбозлари ҳал қилолмайдилар, албатта.

Ҳозирги вақтда қодирийшунослик фани умумсовет, балки жаҳон адабиётининг асосий масалалари, тармоқларидан бири бўлиб қолди. Энди Абдулла Қодирий ҳақида сўз юритганда аравани бир ёққа қараб олиб қочиб бўлмайди. Энди устод Абдулла Қодирий ҳақида сўз юритганда рус, украин, белорус, ҳинд, грузин, немис, қозоқ, француз, татар, инглиз, тожик, турк, форс, озарбайжон ва бошқа кўплаб қодирийшунослар фикри билан ҳисоблашишга мажбурмиз. Ана шундай қодирийшунослардан бири татар халқининг соҳибқалб фарзанди Мусо Жалилнинг шоғирди, машҳур адабиётшунос, «Ўтган кунлар» романининг забардаст таржимони Мустафо Нуъмон бу юксак асар ҳақида қуйидаги марксистик хулосага келади:

«Ўтган кунлар» — реалистик роман. Унда ўзбек халқи ҳаётидаги зўр тарихий воқеалар, феодализм тузумига хос адолатсизлик, нодонлик, ўзаро уруш-қиргинлар, ҳокимлар томонидан меҳнаткашларнинг шафқатсиз эзилиши, ҳамда халқнинг кескин норозилик билдириб эзувчиликка қарши бош кўтаришлари фoят усталик билан тасвир этилади... «Ўтган кунлар» романи бугунги даврда — совет даврида зўр оламшумул ғалабаларга эришган ўзбек халқининг оғир ўтмиш ҳаётини атрофлича, жуда жонли равишда талқин этади; ўша вақтда ҳукм сурган феодализм анархияси — бебошлигининг, реакциян руҳонийлар рибкoрлиги — сотқинлик сиёсатининг, халқ онгини заҳарлаб келган турли диний урф-одатларнинг нақадар зарарли, эканини нодир бўёқлар орқали жуда усталик билан тўла-тўқис очиб беради»<sup>1</sup>.

Садоқат билан айтилган бу дил сўзларида анча чуқур ҳақиқат, ишонч, умид, номус, иффат, илм ва ҳикмат бор...

В. И. Ленин уқдиришича, пролетариат ўз-ўзидан онгли синфий кураш даражасига кўтарилма олмайди, унинг ҳаракатида социалистик онг киритувчи илғор партияси бўлиши керак. Бундай илғор партия ролини фақат марксизм таълимотига суяган партия — большевиклар (коммунистлар) партиясигина бажара олади. Акс ҳолда «ишчилар ҳаракати заифлашиб қолаверади ва ишчилар синфи ўқтинсид буюк тарихий вазифасини: ўзини ва Россиядаги барча меҳнаткашларни сиёсий ва иқтисодий қўлликдан озод қилиш вазифасини бажаришга ҳеч қачон муваффақ бўла олмайди»<sup>2</sup>. Маълумки, бундай партия Россиянинг ўзида ҳам фақат Муқимий ўлгандан кейин, яъни 1903 йилда тузилди. Россиянинг ўзида, унинг марказий районларида пролетариат фақат 1890 йилларнинг ўрталаридан бошлаб мамлакат ҳаётида жиддий сиёсий куч сифатида майдонга чиқа бошлади. У фақат ўз партияси тузилгандан кейингина (1903), барча меҳнаткашларнинг йўлбошчисига айлана бошлади<sup>3</sup>. Бу муҳим масала, марксистик ҳақиқат Худоёрхон даврида бутун феодализм тузумига (системасига) қарши кураш олиб бoришга тайёр бўлган илғор, онгли тенденциялар кучлар борлигини даъво қилувчи Иззат Султоновга ҳам тааллуқлидир. Бу масалани бу муҳтарам олим ҳам ўйлаб кўрса фойдадан холи бўлмайди: фақат яхшилик келтириши ва ҳақиқат тикланиши мумкин.

Устод Абдулла Қодирий ўз таржимаи ҳолида камбағал боғбон, яъни камбағал деҳқон оиласи-

<sup>1</sup> Мустафо Нуъмон. Абдулла Қадырий ижаты Турында, — Кириш сўз. Қаранг: Абдулла Қадыйри. Уткан куннар. (Тарихи роман). Узбакчадан Мустафо Нуъмон таржимаси. Татаристан китоп нашрияты, Қозон — 1959, 7-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: История Коммунистической партии Советского Союза. Изд. 4-е, доп-е, изд-во полит, лит-ры, 1973, стр. 42.

<sup>3</sup> Қаранг: Уша ерда, 59-бет.

да туғилганини, катта қийинчиликлар, машаққатлар, етишмовчилик, гоҳида очлик, яланғочлик билан кун кечирганини, гимназияда ўқиб илм олгач, жуда ёш вақтида бир савдогар қўлида ёлланиб, жуда оз муддат ичида приказчик бўлиб ишлаганини, кейин савдогар бозори сингач, яна ишсиз қолганини ёзади. Лекин Ҳ. Абдусаматов сира савдогар бўлмаган, ўз меҳнатини сотиш эвазига савдогар бой қўлида қуллик қилиб юрган камбағал Жулқунбойни юқори табақа оиласида туғилган савдогар сифатида талқин қилади. Марксизм-ленинизм классиклари шахсининг келиб чиқишига эмас, балки қилган ишига қараб баҳо беришни ўқтирадилар. Яна шуни эътироф этишга мажбурмизки, Улуғ Октябрь революциясининг кўпгина йирик арбоблари ҳоким синф вакиллари ичидан чиққан зиёлиларнинг илғор вакилларидир.

Ҳ. Абдусаматов нима учундир устод Абдулла Қодирийнинг: «Инқилобнинг биринчи йилларида кўпчилик қатори мен ҳам Улуғ Октябрь инқилобини, большевикларни тушунолмадим» деган сўзларига урғу беради. Аммо устоднинг: «Мен кейинчалик инқилобни, большевикларни яхши тушуниб олдим, марксизм-ленинизмни ўзлаштирдим, унинг улуғвор ғоялари туфайли меҳнаткашларнинг, жумладан, мазлум Шарқнинг озодликка чиқишини тушуниб олдим», деган сўзларига эътибор бермайди, уларни ўз диққат марказидан четда қолдиради. Баъзи адабиётшунослар, жумладан, Ҳ. Абдусаматов: «синфий курашни акс эттирган асарнинг қаҳрамонлари албатта камбағаллардан иборат бўлиши керак» деган хулосага келадилар.

Ҳ. Абдусаматов устод Абдулла Қодирий ҳақида баҳс юритганда ўттинчи йиллардаги танқидчилик аъъанасини ривожлантиришга уринар экан, устод Ойбекнинг сўнги йилларда ёзувчи ижодига берган юксак баҳосини четлаб ўтади:

«Абдулла Қодирий, мен техникумда ўқийдирган пайтлардаёқ, машҳур ёзувчи, ҳаммамиз қўлдан қўймай ўқийдиган ўзбек адабиётидаги биринчи улкан ва гўзал романнинг автори эди.

Абдулла Қодирий истеъдодли, қалби бутун ва ўзига хос равишдаги шахс эди. Абдулла Қодирийнинг прозаси биринчи навбатда ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Қодирийнинг тилидан унинг халқнинг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши билганлиги яққол сезилади. Унинг романлари ана шундай гўзал тил билан ёзилган. У туғма эпик ёзувчи, кенг кўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди»<sup>1</sup>.

Ўттинчи йиллардаги танқидчилик аъъанасига сиғиниш бошқа адабиётшуносларда ҳам учрайди. Жумладан, «Ўзбекистон маданияти» газетаси баҳсларида иштирок этган Ёқуб Яквалхўжаев ўттинчи йилларда, шахсга сиғиниш даврида эълон қилинган мақолаларни тўлиқ инкор этмоқчи бўлади.<sup>2</sup> Аммо маълумки, бу даврдаги мақолаларнинг кўпчилиги кўрқинч, зўрма-зўракилик, ҳасад, рашк туғғени, ўти билан ёзилгандир. Бу вақтда, баъзан, истеъдодли, меҳнаткаш, соҳибқалб инсонлар шухратпараст ҳасад аҳли тухматига учрар, улар томонидан халқ душмани сифатида айбланиб, қораланар эдилар.

Совет адабиётининг йирик намояндаларидан бири Александр Фадеев, бундай ҳасадчи — тухматчилардан бири И. Брагинскийнинг ўша вақтдаги бир мақоласи ҳақида шундай ёзади:

«Брагинский мақоласи ярамас эди, ярамас бўлиб қолаверади. Унинг нуқсони шундан иборатдирки, у юзаки, қасддан, «ясаш» нияти услубида ёзилган чаласавод мақоладир. Унинг муаллифи гаврон билан ишлайди. Унинг мақсади ишни яхшилаш, тузатиш эмас, оёқ ости қилишдир... У Сизнинг муқаддимангиздан баъзи жумлаларни узиб-юлиб олиб, уларни ўз ниятига мослаб ясайди ва Сизни ўтмиш адабиётининг кўп соҳаларидаги халқчиллик илдиэлирини ва СССР халқлари адабиётлари тараққиётидаги рус маданиятининг улуғ ролини тан олишни истамаган шахсга айлантириб қораламоқчи бўлади...»<sup>3</sup>

И. Брагинский ҳозир ҳам бу фаолиятини давом этдирмоқда. Унинг 1972 йилда нашр этилган «Тожиқ ва форс адабиётлари тарихидан» сарлавҳали мақолалар тўплами худди шу услубда ёзилгандир. Бу китобда Шарқ классиклари, мутафаккирлари муаллиф истаган мақсадда «ясаладилар». Устод Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитратлар ҳам худди шундай «ишланадилар», қораланадилар<sup>4</sup>.

И. Брагинский тадқиқотларининг бу хилдаги сохталиги, юзакилиги совет илмий жамоатчилиги томонидан қайта-қайта қайд қилинган ва ҳозир ҳам қайд қилинмоқда<sup>5</sup>.

Б. Имомов, Ҳ. Абдусаматовларнинг мақолалари ҳам худди шундай ниятда, худди шундай «ясам» услубда ёзилгандир. Яквалхўжаев ҳам айнан шундай Абдурауф Фитратни қоралайди. Аммо эндиликда бу услуб тамомила қораланмиш, ундан воз кечиш керак.

Абдурауф Фитрат марксизм-ленинизмни тўлиқ тушуниб етишга улгуролмади. Лекин у, шунга қарамасдан, ўз давридаги адабиётшунослик фанининг йирик намояндаларидан биридир, унинг баъзи тадқиқотлари ҳануз илмий аҳамиятга эгадир. Айни замонда у ёзувчидир. Унинг «Қиёмат», «Сайёҳ ҳинди» каби бадиий асарлари, аруз илми, Навоий, Бедил ва адабиётимизнинг бошқа масалаларига оид тадқиқотлари шундан далолат беради.

Устод Александр Фадеевнинг яқин дўстларидан бири, машҳур совет адабиётшуноси, исломшуноси Л. И. Климович Абдурауф Фитрат ижодига марксистик нуқтаи назардан жуда тўғри, ҳаққоний баҳо беради ва унинг «Қиёмат» асари ҳақида шундай ёзади:

«Фитратнинг «Қиёмат» асари — даврнинг муҳим ҳужжати, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси натижасида миллий зиёли ижтимоий онгида юз берган ўзгаришнинг ажойиб шаҳодатидир. Бухоро мусулмонлари ичидан чиққан ва ҳеч қачон диний хурофотларни нафратлаш даражасига кўтарила олмаган машҳур адабиётшунос бу асарда очикдан-очик, катта жасорат

<sup>1</sup> Бу фикр эълон қилинган. Қаранг: «Совет Ўзбекистони» газетаси, № 153 (13.713), 2.VII.67 й.

<sup>2</sup> Ёқуб Яквалхўжаев. Социалистик реализм ва танқидчилик, «Ўзбекистон маданияти» газетаси, № 53 (1699), 30 июнь 1972 й.

<sup>3</sup> Қаранг: А. Фадеев. Собрание сочинений, том пятый. Гос. изд-во худ. лит-ры, М., 1961. стр. 363—364.

<sup>4</sup> Қаранг: И. Брагинский. Из истории таджикской и персидской литератур, изд-во «Наука», Главная редакция восточной лит-ры, М., 1972.

<sup>5</sup> Қаранг: А. М. Мирзеев. Рудакӣ жизнь и творчество, изд-во «Наука Глав. ред. вост-ой лит-ры, М., 1968, стр. 80, 232, 253; Е. А. Костюхин. Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции, изд-во «Наука», Глав. ред. восточ. лит-ры, М., 1972, стр. 65—66, 69—70.

билан ислом таълимотларини қаттиқ танқид қиладики, унинг ўзи аввало исломнинг муқаддас ва мутлақлигини тан олиш ақидаси бўйича тарбияланган эди<sup>1</sup>.

Биз мақолада кўпроқ устод Абдулла Қодирий ижодига оид баҳсга сазовор масалалар ҳақида фикр юритдик ва нотўғри, чалкаш ўқдиришларга барҳам беришга ҳаракат қилдик. Бу ерда яна битта масала ҳақида гапирмоқчимиз. Бу масала ёзувчи асарларини нашр этишда йўл қўйилган нотўғри уриниш — унинг асарларини таҳрир қилиш масаласидирки, бундай қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи ва ваколати йўқ. Бундай уриниш зарари, айниқса, «Утган кунлар»га ёзилган хотима таҳририда кўзга ташланади.

Ёзувчи ҳаёт вақтида нашр этилган нусхада ўқиймиз:

«1277 нчи йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек ҳожи Қаноатшодан бир хат олди. Қаноатшо Авлиё-Отадан ёзар эди:

«Уғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмото устидаги ўрус билан тўқунишмамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим...»

«Утган кунлар»нинг сўнгги нашрида бу реалистик сатрлар қўйидагича таҳрир қилинган:

«1277 йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек ҳожи ўз танишидан бир хат олди. Хатда шу хабар ёзилган эди:

«Уғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшинда эди. Олмаота устидаги чор аскарлари билан тўқнашимизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим...»

Бу таҳрирда Юсуфбекхожига хат ёзган Қаноатшо «чор аскарлари», «чоризм» («царизм») ибораларини яхши тушунган ва чоризмни мазлум халқдан ажратган большевик (коммунистга) — марксистга — айланиб қолади. «Чоризм» ибораси фақат доҳий Ленин ва большевиклар (коммунистлар) томонидан кенг қўлланилган иборадир. Хотимада қайд қилинган тўқнашув юз берган вақтда (1860) доҳий Ленин ҳануз туғилмаган, Россиянинг ўзида ҳам бу даврда «большевиклар», «коммунистлар», «чор аскарлари», «чоризм» каби иборалар ҳануз қўлланилмас эди.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу ҳақиқат ёзувчи Абдулла Қодирийга аллақачонлар маълум бўлган ва доим унинг диққат марказида турган. Демак, устод сатрларини таҳрир қилиш эмас, балки уларга қайд бериш, уларни шарҳлаш керак эди, холос.

Рус, араб, форс, туркий тилларни мукамал билган муҳтарам устод Абдулла Қодирий даҳо Н. В. Гоголни, А. П. Чеховни, Ф. Дюшенни, Рабиндранат Тагорни катта умид, ихлос, ғурур билан тарғиб ва ташвиқ қилди. Ўзбек зиёлиларини рус тилини ўрганишга, рус тилидан маърифат, ихлос, садоқат олиш этишга, руҳий озикланишга даъват қилади ва шу ниятда русча-ўзбекча луғат тузишда катта ғайрат, ишқ билан иштирок этди. Ўзбек зиёлиларига адабиёт назариясини чуқур ўрганиш, мутолаа этишни маслаҳат берди. Алангали кураш йилларида (1924—1925) Москвада машҳур рус, совет шоири В. Я. Брюсов номидаги Олий бадиий адабиёт институтида таҳсил этди.

Устод Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ленинизм учун курашдаги қизгин жангларда шаҳид бўлган содиқ дўстимиз, юрагини қуёш қилиб кўтарган Данкомиздир. Биз уни ҳамиша севамиз. У истиқболимиз тўрида яшнаган машъал, юртимизда балқиган қуёшдир. У бизнинг нури дийдамиз, виждонимиз, ифтихоримиздир.

Даҳо ўзбек халқида асрлар мобайнида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган бир ҳикмат бор:

«Шаҳар — бедарвоза эмас!»

Адабиёт ҳам — бедарвоза эмас!

Ахлоқ фанларини камситувчи баъзи физиклар ўқдиришидек, адабиёт мавҳум фан эмас. У ҳам, математика, физика фанлари каби жуда аниқ фандир. Унинг ҳам ўз эшиги, ўз андазаси бор. Унинг эшигидан одоб билан кириб, одоб билан чиқиб кетиш, улуғ даҳолар чизиб берган унинг юксак андазаси, нақшларини ушатмаслик керак, уларни ардоқлаш бурчимиздир!

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин ўзининг машҳур «Материализм ва эмпириокритицизм» деган классик асарида физика фани ва физиклар ҳақида шундай ёзади:

«Физика — партиявий эмас, аммо физиклар партиявийдирлар!»


Адабиёт фани эса, В. И. Ленин таъбирича, ҳамиша ва ҳар томонлама партиявийдир. Доҳий ўқдиришича, адабиёт илми ҳам, адабиётшунослар ҳам, адабиётни яратувчилар — ёзувчилар ҳам — ҳаммаси, ҳамиша партиявийдир. Шу жиҳатдан олганда, адабиёт аниқ фанлар аниғи, аниқ фанлар чўққиси, аниқ фанлар қуёшидир. Марксчи ёзувчи, кўп миллатли совет адабиётининг йирик вакили, устод Абдулла Қодирий бу ҳикматни жуда яхши тушунган.

**Эргаш РУСТАМОВ,**  
филология фанлари доктори

Тошкент. 5. 1. 74.

<sup>1</sup> Л. И. Климович. Наследство и современность, стр. 124—125.





## НУРЛИ ИЖОД МАНЗАРАЛАРИ

О. Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор.  
Тошкент, «Ёш гвардия» — 1988

Озод Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳҳор» деб номлаган китобини қўлимизга олар эканми, «унда Абдулла Қаҳҳор ҳақида қандай янги гап айтилган экан?» «ёзувчи ижоди тўғрисида шу қадар кўп, аниқроғи, 250 саҳифалик янгилик топиш мумкинмикин?» — деб ўйлаймиз. Бундай фикрга келишимизнинг сабаби шундаки, 30-йиллардан ҳозирга қадар Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида юзлаб мақолалар билан бир қаторда И. В. Боролина, Ҳ. Абдусаматов, М. Қўш-жонов, У. Норматов, М. Султонова ҳамда Кибриё Қаҳҳорованинг қатор китоблари эълон қилинган. Улар билан таниш бўлган ўқувчи Абдулла Қаҳҳор тўғрисидаги ҳар бир янги асарга қандайдир ҳадик ёки шубҳа аралаш қарашни табиий. Бунга қарши ўлароқ Озод Шарафиддинов биринчи саҳифалардаёқ ҳар қандай шубҳа ва ҳадикни чилпарчин қилиб ташлайди ҳамда китобхонни ўзига ром этиб олади. Китоб ёрқин табиат манзарасининг шоирона чизилган тасвири билан бошланади. Мана шу гўзал куз манзарасида бўлажак ёзувчи Абдулла Қаҳҳор дунёга келиши кўз ўнгимизда гавдалангандек бўлади. Уқувчи шу манзаранинг ўзида иккита янгиликни: Абдулла Қаҳҳорнинг ҳозирги Ленинобод областидаги Ашт қишлоғида туғилганини (Қўқоннинг Фишткўприк маҳалласида эмас), Абдулла Қаҳҳорнинг оиладаги ўн боладан ҳаёт қолган ягона фарзанд эканлиги тўғрисидаги маълумотни билиб олади.

Танқидчи адибнинг болалиги ҳақида мароқ билан ҳикоя қилар экан, бўлар-бўлмас тафсилотларни қуруқ санаб кўрсатишга берилиб кетмайди, балки уларнинг орасидан энг зарур, аҳамиятга молик нуқталарни, кейинчалик ёзувчи ҳаётида из қолдирган воқеа-ҳодисаларни ажратиб таҳлил этишга ҳамда мантиқли хулосалар чиқаришга интилади. Жумладан, Абдулла Қаҳҳорнинг болалигида камгап, индамас бўлганлиги «Утмишдан эртақлар» кинесасидан кўпчиликка маълум. Мунаққид мана шу тафсилотга тўхталар экан, унинг туғилишидаги шароитни, сабабларни таҳлил қилиб, қуйидаги ибратли хулосани чиқаради: «Ҳар қандай инсон характерининг зуваласи болаликда пишиди — болаликда орттирган сифатлар кўпинча умр давомида сақланиб қолади. Абдулла Қаҳҳор балоғатга етган даврида «индамас», «ичимдагини топ» бўлган эмас, албатта. Лекин у камгап одам эди. Сира гапдонлик қилмас, бўлар-бўлмас нарсаларни сўзлайвермас эди. Ҳар ҳолда, у ҳеч қачон «гапни кавласанг гап чиқади» қабилида иш тутмасди» (7-бет).

Муаллиф бўлажак ёзувчи характеридаги ўз инсонийлигини, ғурурини ҳар нарсадан баланд тутиш туйғуси оилада шаклланиганини ҳамда мазкур сифат адиб умрининг охиригача ўзгармай қолгани ҳақида қуйидаги хулосани илгари суради: «Абдулла Қаҳҳор отасидан инсоний ғурурни мерос қилиб олди — у ҳеч қачон бировга бўйин эгиб, қисиниб-қимтиниб яшагани йўқ. У хушомад нималигини билмай ўтди, ҳатто умрининг баъзи лаҳзаларида битта таъзим билан, бир оғиз хушомад билан анча-мунча фароғатга эришиш, янги-янги мартабаларни қўлга киритиши мумкин бўлганда ҳам, буни қилган эмас, инсоний қадр-қийматини ерга урмаган, иззат-нафсини баланд тутган.

Абдулла Қаҳҳор характерининг зуваласи болалик йилларида шу тарзда пишган эди» (12-бет). Кенг халқ оmmasига мўлжалланган асардан бундай ибратли хулосаларни ўқиш, ёш авлодни қандай яшаш кераклиги, характерни қай тарзда тоблаб бориш зарурлиги тўғрисида уйлашга даъват этиши шубҳасиздир. Шу билан бирга мазкур хулоса Абдулла Қаҳҳор ҳаётининг яна кўп томонларини, хусусан, айрим қоронғи қирраларини тушуниб олишимизга ёрдам беради. Танқидчи бизга кўплаб янги тафсилотларни маълум қилади. Хусусан, шундай ўринлардан бири Абдулла Қаҳҳор билан Ш. Рашидов орасидаги муносабат масаласи. Кўп адабий йиғинларда, ўзаро суҳбатларда бу тўғрида ҳар хил гаплар юрар, миш-мишлар тарқатилар ва турли-туман саволлар берилар эди. Озод Шарафиддинов айни масалага тўлиқ ойдинлик киритган. У аён қилган янги фактлардан англашлича, 40-йилларнинг охириларида Абдулла Қаҳҳор Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар» повестини танқид қилган, кейин ҳеч қачон фикридан қайтмаган, сира қуллуқ қилмаган ва шунинг оқибатида умрининг охиригача, ҳатто вафотидан кейин ҳам кўплаб ҳужумларга, адолатсизликларга дучор бўлган. Бундай янгиликлар Абдулла Қаҳҳор ҳаётининг қандай машаққатлар гирдобиде ўтганини, ижодий жасоратлари қай тарзда содир бўлганини ҳамда ёзувчилик меҳнатининг қадр-қийматини аниқроқ тасаввур қилишимизга йўл очади. Шу билан бирга улар республикамиздаги адабий жараённинг мураккаб томонларини ва умуман, жамиятимиз ҳаётидаги носоғлом тенденцияларни англаб олишимизга ҳам имкон яратади.

Илгари нашр этилган китобларда адибнинг оилавий, шахсий ҳаёти жуда юзаки ёритилган эди. Ҳаттоки Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» номли яхши китобида ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг урушга бўлган ҳаёти тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Шунинг ҳисобга олиб, Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорнинг Кибриё хонимга уйланишидан аввал Зайнаб Мирсаловна Наджабова билан ўн икки йил бирга яшагани, икки ўғли бўлгани, уларнинг қисқа умр кўргани тўғрисидаги кўпчиликка номаълум фактларни келтиради. Бу фактлар улкан ёзувчилар ҳам инсон эканлиги, уларнинг ҳаёти ҳам нуқул силлиқ

ва равон бўлмай, паст-баландликлар, мураккабликлар, азоб-уқубатлар, изтиробларга бегона эмаслиги ҳақида аниқ тасаввур туғдиради.

Кўрамизки, мазкур китоб Абдулла Қаҳҳор ҳаёти, характери, шахсияти ҳақидаги янги фактларга ва оригинал, ибратли талқинга бой. Лекин бу масаланинг бир қирраси, холос. Танқидчининг асосий мақсади Абдулла Қаҳҳор ижоди тўғрисида кенг, муфассал ва, энг муҳими, объектив тасаввур бериш ҳисобланади. Шунга кўра муаллиф китобини камтарлик билан ёзувчининг «хаёти ва ижодий фаолияти ҳақида лавҳалар» ёки «эссе» деб атаган бўлса-да, унда адибнинг биринчи шеъри «Ой куйганда»дан тортиб, сўнгги нидоси ҳисобланган «Муҳаббат» қиссасигача бўлган деярли бутун ижод йўли, барча муҳим асарлари, уларнинг ёзилиш тарихи қамраб олинган. Адибнинг ижод йўли китобда хронологик изчилликда, босқичма-босқич ёритилган. Шунга кўра, муаллиф адиб босиб ўтган йўл таҳлилини, унинг 20-йиллардаги шеърлари, фелъетонлари ва ҳикоячиликдаги дастлабки машқларидан бошлади. Мазкур асарларни танқидчи аввалги тадқиқотлардан фарқли ҳолда бир мунча юқори баҳолайди: «Абдулла Қаҳҳор адабиётга ҳажвчи ёзувчи сифатида кириб келди, биринчи қадамлариданок янги ўзбек адабиётида фелъетон, ҳажвий ҳикоя, юмористик лавҳа, очерк каби жанрларнинг ривожига катта роль ўйнади» (33-бет). Шу билан бирга, мунаққид адиб 20-йилларда яратган асарлар моҳият эътибори билан машқ эканлигидан ҳам кўз юммайди ва уларни «илк изланишлар» деб атайди. Мана шу объектив баҳолаш мезони китобнинг деярли бошдан-охиригача ҳукм суради. Хусусан, «Кичик жанрнинг катта олами», «Қалам ёлқини» номли болларда Абдулла Қаҳҳорнинг кўплад ҳикоялари ва айрим ихчам қиссалари таҳлил қилиниб, адиб юксак савиядаги асарлар орасида аҳён-аҳёнда «Қизил конверт», «Сеп» каби заиф ҳикоялар ҳам эълон қилганлиги, «Олтин юлдуз» повестининг барча саҳифалари бир хилда ёрқин ёзилмаганлигини ишонарли кўрсатади. Шу тарзда «Абдулла Қаҳҳор... ўзбек адабиётида янги реалистик ҳикоя жанрининг асосчиси бўлиб қолди» (94-бет) деган асосли илмий концепция юзага чиқарилади. Мунаққид ёзувчининг кейинги ижодига назар ташларкан, шуҳрат қозонган асарлари қаторида, анчайин заифлари борлигини ҳам эътиборидан четда қолдирмайди. Жумладан, у адиб сўнгги йилларда ёзган «Нурли чўққилар» ва «Муҳаббат» сингари асарлари муваффақиятли чиқмаганлигини рўй-рост исботлаб беради. Бу эса ўз навбатида бадиий ижоднинг ниҳоятда мураккаблиги, ҳатто ғоятда истеъдодли адиблар ижоди ҳам доим бир хил юксакликда бўлавермаслиги, чинакам кашфиётлар паст-баландликлар оша бунёд этилиши ҳақидаги хулосани яна бир қарра тасдиқлайди. Китобнинг энг муваффақиятли чиққан «Иккинчи чўққи» ва «Адиб сабоқлари» номли болларида бадиий асар таҳлилининг самарадор усулларини учратиш мумкин. Бу боллар «Сароб» ва «Кўшчинор чироқлари» романлари таҳлилига бағишланган бўлиб, мазкур асарларнинг туғилиш жараёни, дастлабки нашрлари, қайта-қайта ишланиш тарихи мароқли ҳамда эҳтиросли тарзда ҳикоя қилинади ва кенг китобхонлар оммасига номанлум бўлган жуда кўп фактлар юзага чиқарилади.

Тарихий-гносеологик таҳлил методи Абдулла Қаҳҳор романларининг туғилишига сабаб бўлган ёки туртки бўлган ижтимоий ва адабий омилларни ҳам муфассал кўрсатишга йўл очади. Бу романларни бошқа асарлар билан қиёслаш, ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш имконияти

туғилади. Хусусан, китоб муаллифи «Сароб» романи ҳақида гапирар экан, унинг туғилишига машҳур Америка ёзувчиси Жек Лондон ижоди ва айниқса, «Мартин Иден» романи кучли туртки берганини муфассал асослаб беради. Мана, унинг бу ҳақдаги сўзлари: «Жек Лондоннинг бу романи Абдулла Қаҳҳорга ўз романининг композициясини топиб олишга ёрдам берган. Ҳар икки романи ўқиган китобхон улар ўртасидаги айрим ўхшашликларга эътибор беради» (48-бет). Жек Лондон романининг таъсири «Сароб»да қай тарзда намоён бўлишини шу тариқа конкрет кўрсатар экан, муаллиф буни қатъий далиллаш мақсадида ўқувчига икки асар мазмунини, воқеаларини, қаҳрамонлари ҳаёти ва характеридаги, интилишларидаги яқинликларни эслатиб ўтади. Демак, мазкур ўринларда бадиий асар таҳлилининг тарихий-қиёсий методи унсурлари кўзга ташланади ва китобхоннинг жаҳон адабиёти дурдоналари тўғрисидаги билимлари, тасаввурлари бойишига ҳам хизмат қилади.

«Кўшчинор чироқлари» романини танқидчи қисман М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» асари билан қиёслайди ва ёзади: «Колхоз қурилишининг дастлабки даврини ҳаққоний тасвирлашда Абдулла Қаҳҳор Шолоховнинг бой ижодий тажрибасидан, айниқса «Очилган қўриқ» романи аънаналаридан унумли фойдаланган. Бу ҳақда гап кетганда дарҳол Бўтабой ва Тўлаган образларини эслаймиз. Гўё Бўтабой характериға кўра «Очилган қўриқ»даги Нагульновни, Тўлаган эса Кондрат Майданниковни эслатади. Масаланинг бу тарзда қўйилиши Абдулла Қаҳҳорни Шолоховнинг тақлидчисига айлантиради. Бўтабой Нагульновдан, Тўлаган Майданниковдан кўчирилган образлар эмас, уларнинг иккови ҳам реал ҳаётий асосга эга... Шолохов аънаналарини ижодий ўзлаштириш Қаҳҳор реализмининг бойлигида кўринади» (183-бет).

Мунаққид шунга ўхшаш мулоҳазани Абдулла Қаҳҳорнинг беш жилдик асарлар тўпламига сўзбоши сифатида ёзган «Халқ ёзувчиси» номли мақоласида ҳам илгари сурган эди. Еш танқидчи Раҳмон Қўчқоров мунозарага киришиб, «Кўш роман ва айрича қарашлар» номли мақоласида икки романдаги ўхшашликлар Давидов ва Сафаров образларида, мушумзўрларни қулоқ қилишга бағишланган мажлисда ва бошқа ўринларда ҳам кўринишини исботлайди. Кўплад мисоллар унга Абдулла Қаҳҳор ҳақида: «Ёзувчи, ҳатто ўзини мажбурлаб оригинал синфий кураш эпизодларини тасвирлаши мумкин эди. Бироқ, унинг танқиддан ҳафсаласи пир бўлган, ундан оғзи куйганди. Бу тепса тебранмас танқид, барибир, «тук топиши» муқаррарлигини ўйлаб, унинг энди қўли етмас бўлиб қолган романга тақлид қилиб кутулди»,— деган хулоса чиқариш имконини берган. (Р. Қўчқоров. «Қўш роман ва айрича қарашлар». «Шарқ юлдузи» 1988 й, № 3, 178—179-бет.)

Демак, танқидчиликнинг ва бошқа қандайдир расмий кучларнинг тазйиқида Абдулла Қаҳҳор «Кўшчинор чироқлари» романида тақлидчи бўлиб қолди. Озод Шарафиддинов бу фикрга жиддийроқ фикр билдирганда, адиб реализмининг ўзига хослигини муфассалроқ кўрсатганда, масала анча ойдинлашган бўлур эди. Еш танқидчининг юқоридаги сўзларини ўқиганда ҳам қатор саволлар туғилади: Абдулла Қаҳҳор «Кўшчинор чироқлари» романида фақат танқидчиликнинг ёки аллакимлларнинг тазйиқидангина тақлидчига айланиб қолдими? Унинг бошқа асарларида тақлидчилик кўринмайдими? Агар Р. Қўчқоров айтганидек, тақлидчилик романинг аввалги варианты бўлган «Кўшчинор»да йўқ бўлса,

нега уни машхур совет ёзувчиси Ю. Либединский кўпмиллатли адабиётимизда колхозлаштириш ҳақида яратилган М. Шолоховнинг «Очилган кўриқ», арман ёзувчиси Наир Зарьяннинг «Адаван», адигей ёзувчиси Тембот Карашевнинг «Бахт сари йўл» романлари билан бир қаторга қўйди? Бу ерда фақат мавзунинг яқинлигига эътиборда тутилмагандир? Агар Озод Шарафиддинов «Кўшчинор чироқлари»ни бу асарлар билан муфассалроқ қиёсий таҳлидан ўтказганда, юқоридаги саволларга жавоблар чиққан бўлар эди.

Абдулла Қаҳҳор романларининг ижодий биографиясини муфассал ёритиш мақсадида Озод Шарафиддинов уларнинг кейинги тақдири, танқидчиликда баҳолалиши ҳамда қандай мунозараларга сабаб бўлганини кенг ёритди. «Сароб» ва «Кўшчинор чироқлари» романлари тўғрисида эълон қилинган тақризлар, улар юзасидан ўтказилган қизғин мунозаралар, расмий мажлислар кўз ўнгимиздан бир-бир ўтгандек бўлади. Хусусан, Ҳ. Мусаевнинг «Сароб» ҳақидаги, А. Алимухамедов, Иззат Султон ва Ш. Рашидовларнинг «Кўшчинор чироқлари» тўғрисидаги ўта салбий тақризларининг асосли, мантиқли танқидини китобхон қизиқиши билан ўқийди. Мазкур тақризлар ва мунозаралар руҳини жонли, ишонарли гавдалантиришда мунаққид матбуотдаги мақоалардан, расмий ҳужжатлардан ҳамда архив материалларидан фойдаланади. Абдулла Қаҳҳор романлари юзасидан эълон қилинган мақоаларнинг кўпчилиги қамраб олинганини ва улар ўша давр танқидчилигининг ёзувчи ижодида муносабатини анча яхши идрок этишга имкон беришини қайд қилган ҳолда айрим жиддий танқидий мақоалар ўринсиз равишда эътибордан четда қолганини ҳам таъкидлаш лозим. Чунончи, «Сароб» романи атрофидаги мунозаралар муфассал ёритилгани ҳолда Т. Жалоловнинг 1939 йил 12 ноябрь куни «Қизил Ўзбекистон» газетасида ва Раҳмат Мажидийнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журнали (1941 йил 5-сон)да эълон қилинган жиддий мақоалари тилга олинмаган. Агар улар таҳлил қилинганда, уруш арафасида «Сароб» романи моҳият эътибори билан ижобий баҳоланганини англаш мумкин бўларди. Худди шунингдек, «Кўшчинор» романи атрофидаги мунозараларга тўхталганда, муаллиф Сиркиннинг деярли ҳеч ким билмайдиган тақризини эсга олади-ю, машхур совет ёзувчиси Ю. Либединскийнинг 1948 йил 14 август куни, яъни асар Ўзбекистонда кескин танқид қилинаётган бир пайтда «Литературная газета»да босилган «Сидикжоннинг уйғонishi» номли ижобий тақризини эътибордан четда қолдиради. (Ю. Либединский. Пробуждение Садыкджана. «Литературная газета», 14 августа, 1948 г.) Бу тақриз «Кўшчинор» романи иттифоқ мқёсида ижобий баҳоланганини кўрсатишга далил сифатида хизмат қилган бўлур эди.

Аён бўладики, танқидчи Абдулла Қаҳҳор романларининг адабиётдаги ва танқидчиликдаги кейинги тақдирини ёритишда тарихий-функционал таҳлил усули мезонларига амал қилган. Мазкур усул унга 30—40-йилларда танқидчилигимизда мавжуд бўлган кўп иллатларни, хусусан, вульгар социологизмни, бадий ижод табиатини ҳисобга олмаслик, сохта назарияларга кўр-кўрона эргашиб, ёзувчи ижодида ғайриилмий муносабат, догматик фикр юритиш сингари кўнгилсиз ҳодисаларни ишонарли тарзда ёритишга эришган.

Китобнинг «Улғайиш йўлида» деб номланган навбатдаги боби ҳам янги умумлашмалар, кузатишлар, хулосаларга бой экани билан ажралиб туради. Муаллиф Абдулла Қаҳҳорнинг урушдан

кейинги ижодини ёритар экан, асосий эътиборини конфликтсизлик «назария»си адабиётимиз ривожидида қанчалик машхум роль ўйнаганига қаратади. «Картина» ҳикояси устидидаги мана бу оригинал кузатишга диққат қилинг: «Бу ҳикоя жиддий ҳикоя бўлмасдан пародия эмасмикан? Абдулла Қаҳҳор шу ҳикояда конфликтсизлик «назария»сининг бемаъни талаблари устидан ҳам, шу «назария» таъсирида ёзилган заиф, рангсиз, ўлик асарлар устидан ҳам кулмаяптими?» (189-бет). Бу сўзларни ўқиган ва «Картина» ҳикояси билан таниш бўлган китобхон: «Албатта, пародия, чунки урушдан кейинги хароб қишлоқ ҳаётидан кинофильм учун камчилик топа олмаслик кулгили бемаъниликдан бошқа нарса эмас»,— деб хитоб қилиши табиий туюлади. Ўзбек танқидчилигида «Картина» ҳикояси биринчи марта шундай талқин қилинапти.

Шу пайтга қадар танқидчилигимизда Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясида конфликтсизлик «назария»си таъсири чуқур исботлаб берилмаган эди. Озод Шарафиддинов эса бу асарнинг юксак гоъвий пафосини очиб бериш билан бир қаторда конфликтсизлик «назария»си қолдирган тамгани ҳам аниқ-равшан кўрсатади. Танқидчилигимизда илк бор «Шоҳи сўзана»нинг дастлабки икки пардасида ўз ечимига эга бўлган икки мустақил конфликт борлиги ва учинчи пардадаги уларни бир-бирига боғлашга бўлган уришиш муваффақиятли чиқмаганлиги асар таҳлили асосида ишонарли исботланган. Китобнинг сўнгги бобидаги «Тобутдан товуш» комедияси таҳлили ҳам теранлиги билан ажралиб туради. Унда асарнинг ижодий тарихи билан бир қаторда драматургни сиёсий хатоларга йўл қўйганликда айб-лашлар асоссизлиги, коммунизмнинг учинчи душмани бўлган поражурликни аёвсиз фож этувчи мазкур пьеса бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани пухта далиллар асосида исботлаб берилган.

Китобда Абдулла Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» ва «Аяжонларим» комедиялари етарлича таҳлил қилинмаганини ҳам айтиб керак. Муаллиф конфликтсизлик «назария»си танқид қилингандан кейин «Оғриқ тишлар» комедияси «Ҳамза» театри саҳнасида муваффақиятли қўйилганини қайд қилгани ҳолда асар тўғрисида бошқа биронта ҳам гап айтмаган. Менимча, «Оғриқ тишлар» пьесаси ҳозиргача яратилган ўзбек комедиялари орасида энг муваффақиятлиси, ёрқини, таъсирчани, ниҳоятда катта маҳорат билан ёзилгани ва гоъят санъаткорона саҳналаштирилгани ҳисобланади. Асарнинг муфассал таҳлили орқали мана шу кирраларни юзага чиқариш, ўзбек адабиёти қай тарзда конфликтсизлик «назария»си таъсиридан қутула бориб, қанчалик ҳаётга яқинлашганини кўрсатиш мумкин бўларди. «Аяжонларим» комедияси китобнинг бир еридагина тилга олиб ўтилади. Бу пьеса «Оғриқ тишлар» ёки «Тобутдан товуш» даражасида кучли сатирик руҳ билан суғорилмаган бўлса-да, адиб маҳоратини кўрсатувчи ўзига хос фазилатларга ҳам эга. Мен бу комедияни бир неча марта синчиклаб кузатдим ва иқдор бўлдимки, пьесанинг деярли бошидан охиригача персонажлар айтадиган ҳамма гап томошабинда кулги уйғотар экан. Демак, асарнинг муфассал таҳлили Абдулла Қаҳҳорнинг комедиянавис сифатидаги услубига хос бўлган шундай кирраларни очиб беришга имкон туғдирган бўлур эди.

Агар мукамал таҳлил йўқлиги сабабли юқоридаги икки комедиянинг қиммати етарлича очилмаган бўлса, назаримда «Синчалак» повестида бир мунча кўтаринки баҳо берилгандек туюлди. Бу асар таҳлилига бағишланган боб моҳият эъти-

бори билан танқидчининг қарийб ўттиз йил олдин ёзилган «Келажакка чорловчи повесть» номли мақоласи асосида яратилган. Шу сабабли бўлса керак, унда ўша даврдаги кўтаринки руҳ ва повестьга берилган ўта юқори баҳо сақланган.

Кўпмиллатли совет адабиётининг йирик ютуғи ҳисобланган ва китобхонга юксак маънавий руҳ берадиган асар биринчи навбатда, жуда катта ишонтириш қудратига, таъсирчанлик кучига эга бўлиши керак. «Синчалак»даги ҳамма ўринлар шундай ишонтириш қудратига эга, пухта далилланган деб бўлармикин? Сўнгги пайтларда маълум бўляптики, кўп раислар Саидага ўхшаганларни назар-писанд қилмаганлар, керак бўлса, бундай одамлардан осонлик билан қутулганлар. Албатта, Қаландаров булардан ўзининг кўп фазилатлари билан фарқ қилади ва энг муҳими, ёзувлик йўлига кирмаганлиги билан ажралиб туради. Шундай бўлса-да, донгдор раислар аксарият ҳолларда «мўртгина нарса»ларни осонлик билан синдириш йўлини топганки, буни ҳисобга олиш лозим эди.

«Синчалак» повестида ҳам аҳён-аҳёнда бўлса-да, тақлидчиликни эслатадиган аломатлар кўзга ташланиб қолади. Р. Қўчоров айтганидек, танқидчиликнинг тазйиқи билан «Қўшчинор чироқлари» романида тақлидчилик туғилганлиги тўғри. Лекин бу тазйиқ тақлидчиликни туғдирган ягона сабаб эмас. Унинг иккинчи сабаби, умуман, Абдулла Қаҳҳорнинг ижод тажрибасида тақлидчиликни эслатувчи ҳоллар анчагина учрашида бўлса керак. Биргина мисол келтирайлик. Агар А. П. Чеховнинг «Нютик» ҳикоясидаги Запийкин қабристонда марҳум ҳақида узундан-узун нутқ сўзлаб, ҳамманинг жонига тегса, Абдулла Қаҳҳорнинг «Нутқ» асари қаҳрамони рафиқасининг туғилган кунда йўқолган чойнак қопқоғи тўғрисида поёнсиз нутқ сўзлаб, хотинини зериктириб юборади. Чехов асарларига икки томчи сувдек ўхшайдиган бу хилдаги ҳикояларни Абдулла Қаҳҳор ижодидан яна топиш мумкин. Бундай ҳикояларнинг кўпи «Қўшчинор чироқлари»дан аввал яратилган. «Синчалак» повестидаги айрим жиҳатлар машҳур рус совет ёзувчиси Галина Николаеванинг «МТС директори ва бош агрономи ҳақида қисса» асарини эслатади. Унда қишлоқ хўжалик институтини битирган, лекин ушоқ, 7-синф ўқувчисини эслатадиган Катя Ковшова деган қиз марказдан узоқ бир МТСга бош агроном бўлиб келади. Катя МТСда кўп ишлар нотўғрилигини, қинғирлигини юзага чиқаради. Натижада директор билан бош агроном ўртасида конфликт келиб чиқади. Улар орасида узоқ вақт кескин кураш боради. Оқибатда курашлар Катянинг ғалабаси билан якунланади. Кейин Чаликов билан унинг орасида муҳаббат туғилади. «Синчалак»да ҳам шунга ўхшашроқ воқеалар тизмасига дуч кела-

миз. 22 ёшли ушоқина Саида «Бўстон» колхозига партия ташкилотининг секретари бўлиб келади, у ердаги адолатсизликларни, раҳбарликнинг номукаммаллигини, маданий-оқартув ишлари бўшашиб кетганлигини, аёлларга нотўғри муносабатни, хотинбозликни, кўзбўямачиликни фош қилади. Саида билан Қаландаров орасида узоқ вақтгача кескин кураш боради. Пировардда кураш Саиданинг ғалабаси билан тугайди. Қаландаров кекса одам бўлгани учун у билан Саида ўртасида муҳаббат юзага келиши кулгили бўлур эди. Шунинг учун ёзувчи Қаландаровнинг ўрнига Козимбекни қўяди ва улар ўртасидаги севгини кўрсатади. Синчиклаб ўқилса, бу икки асардан яна бошқа ўхшашликлар ҳам топиш мумкин. «Синчалак»нинг мазкур асар таъсирида ёзилганлиги ва айрим ўринларда унга яқинлигини инobatга олиб, объективроқ баҳолаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Озод Шарафиддинов китобида аҳён-аҳёнда етарлича исботланмаган фикрлар, қарашлар ҳам учрайди. Масалан, муаллиф «Утмишдан эртаклар» асаридаги Бабарни бошқа бир адабий персонажга қиёслайди ва ёзади: «У буюк француз ёзувчиси Анатоль Франснинг 1904 йилда босилиб чиққан «Кренкебель» ҳикояси қаҳрамонидир» (239-бет). Бу ҳикоя тўғрисида китобда бошқа биронта ҳам гап йўқ. Шунга кура уни ўқимаган китобхоннинг Бабар билан мазкур асар қаҳрамони ўртасида қандай яқинлик борлигини тасаввур қилиши қийин. Афсус билан шуни қайд қилиш керакки, ҳозирга қадар Анатоль Франс ижоди ва юқоридаги ҳикояси ўзбек китобхонларига яхши таниш эмас. Шундай бўлса, унинг қаҳрамони билан Бабар орасидаги яқинликни кўрсатиш учун ҳикоя мазмунини қисқача эслатиш, асардаги инсоний характерлар моҳиятини таҳлил қилиш зарур эди.

Озод Шарафиддиновнинг китоби Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида шу кунгача яратилган барча ишларга қараганда кенгроқ, тўлиқроқ, яхлитроқ, мукамалроқ тасаввур беради. Бу асар севимли санъаткор қолдирган нурли ижоднинг ёрқин панорамаси ҳисобланади. Ҳозирги совет танқидчилигининг улкан тажрибаси ва энг яхши анъаналари асосида ёзилган мазкур тадқиқот ўзбек адабиётшунослигида таҳлил санъати юксалаётгани, маҳорат ортаётгани, ғоявийлик ва ижодий тафаккур чуқурлашаётганидан далолат беради. Демак, улкан олимимиз Озод Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳҳор» номли китоби ёзувчи ижодини ўрганиш тарихига ва умуман, ўзбек танқидчилиги ҳамда адабиётшунослиги тараққиётига қўшилган катта ҳисса ҳисобланади.

**Санжар СОДИҚ,**  
филология фанлари номзоди



Файзулла Қиличев

# Занжир

1

## Қисса<sup>1</sup>

Секин шивалаб ёғаётган ёмғир кўп ўтмай жалага айланди. Чироқлар икки қадам нарини аранг ёритар, шаррос қуяётган сув кабина ойнасини деярли тўсиб қўйган, машина йўлдаги ўнқир-чўнқирликларда чайқалиб, имиллаб борарди. Йўл адирлик оралаб ўтарди. Атрофда бирор ёруғ нарса кўзга чалинмасди. Теваракни шу қадар даҳшатли зулмат қоплаган эдики, йўлдан бир қадам нарини кўриб бўлмасди. Аммо ўз хаёллари билан банд ўтирган Азизовнинг назарига туйқусдан бир шарпа илингандай бўлди: кимдир йўл четида қўл силкитаётгандек туюлди. Ўз кўзларига ишонқирамай, руль чамбараги устига ётиб олганича олдинга тикилиб кетаётган шофёрга қаради. Унда ҳеч ўзгариш сезмагач, аста сўради:

— Кимдир қўл кўтарди шекилли?

— Йўғ-э, бу адирда ким ҳам бўларди, дейсиз. Сизга шундай туюлгандир.

— Ҳарҳолда, бир тўхтатсак ёмон бўлмасди. Шундай жалада одам-ку одам, бирор жониворнинг ҳам ҳолига вой. — Шофёр машинани тўхтатишни хаёлига ҳам келтирмаётганини кўриб, овозини баландлатди, — ҳеч ким бўлмаса яна кетаверардик, а, лаббай? Биздан нима кетди?

— Э-э, қўймадингиз-да, — деди шофёр ижирганиб. Сўнг машинани сал ўнгга олиб, илқис тормоз берди. Грузовик бир силкиниб тўхтади.

Азизов адашмаган эди. Кабинадан ерга тушдию орқадан келаётган шарпани кўрди. Кимдир мотоцикл етаклаганича йўл четида келарди. Уст-боши шалаббо, юзини таниб бўлмасди.

— Кимсиз? — қичқирди шофёр.

— Мен... йўловчиман. Кечирасизлар, — деди у машинага яқинлашгач. — Сал кечроқ йўлга чиққан эканман, ёмғирда қолдим. Сув сачраб, моторни ишдан чиқардим дейман, ўчдию қайта ёндирилмадим. Сизларни йўлдан қолдирганим учун узр!

Йигитча жимиб қолди. Ҳадеб гапираверишга ийманди шекилли, нотаниш йўловчиларнинг бирор жавоб қилишини кутди.

— Йўл бўлсин, ука? Биздан ёрдам керак бўлса айтаверинг, — деди шофёр.

— Агар малол келмаса... манзилга уч-тўрт чақиримча қолди. Уйимиз шундоққина йўлнинг ёқасида. Пиёда етиб олардим-у, ёмғир... Олиб кетолмайсизларми? — сўради йигит ийманибгина.

Мотоциклини бирпасда машинага юкладилар. Йигитни эса кабинага олишди. Шаррос қуяётган ёмғир остида машина яна имиллаб йўлга тушди.

Азизов йигитга разм солди: йигирма ёшлар атрофида, қадди-комати келишган, ёқимтой чехрали. Чайир гавдаси жисмонан чиниққанлигидан далолат бериб турибди. Жиққа ивиганига ва мотоцикл етаклаб чарчаганига қарамасдан, нимадандир хурсанд кўринарди. Сухбатга беихтиёр аралашиб турса-да, хаёли бошқа нарса билан бандлигини Азизовнинг синчков назари дарров илғаб олди. «Ҳали уйланмаган, севган қизи билан учрашувдан келаётгандир балки? — хаёлидан ўтказди у. Шу пайт кўз олдига Муяссар-

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда.

хон келди. — Нима қиялган экан у ҳозир? Китоб ўқиётганмикин?.. Балки ёмғир ёғишини деразадан кузатиб ўтиргандир... Нимани ўйлаяпти экан-а? Балки... балки...

Муроджоннинг юраги гуп-гуп ура бошлади. Енидагилар ундаги ўзгаришни сезиб қолишини истамагандай, кабина ойнасидан ташқарига қаради. Қўли билан ойнадаги буг томчиларини сидирди. Ташқари қоп-қоронғи, ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Ўзига кимдир текилиб тургандай бўлди. Таниш юз. Ҳа, ойнадан ўзининг акси унга қараб турарди. Чуқур ўйга толди. «Яна нимадир... Кимдир. Ҳа, кимдир... Муяссархон... Муяссархон...» Бирдан эслади. Ялт этиб ёнида ўтирган йигитга қаради. Ҳа, адашмаяпти. Мана у... ўша ифода... Йигитнинг юзида ҳам барқ уриб турибди. Демак... Демак... иккаласининг ҳам дарди-қувончи бир экан-да! Йигит унга жуда яқин туюлди.

— Исмингиз ким, яхши йигит?

— Холмамат... Нимаиди?

— Ўзим, шундай, исмини билган яхши-да... ҳамроҳингнинг.

— Сизники-чи?

— Муроджон. Фамилиям Азизов, — Муроджон аста кулиб қўйди.

— Яхши, — деди Холмамат. Сўнг қўшиб қўйди, — яхши одам экансизлар.

— Нега бундай деяпсиз?

— Ҳамма ҳам сизлардай эмас. Айримлар йўлда қолиб кетдингми, ёрдамга муҳтожмисан, бари бир, қайрилиб қарамай, ўтиб кетишаверади.

— Ҳа, афсуски, бундайлар ҳам учраб туради, — Азизов бош қимирлатиб йигитнинг фикрини тасдиқлади. Сўнг яна гап қотди. — Нима, бирортаси биздан олдинроқ тўхтамай ўтиб кетдимми?

— Йўқ, бугун бошқа йўловчи машина ўтган эмас. Сизлар биринчи учрадинглар менга. Тўрт-беш кун илгари ҳам... кеч қайтдим. Ярим кеча бўлиб қолган эди. Тўсатдан бензин тугаб қолди. Бир мотоцикл ёзиллаб ўта бошлади. Қўлимда челакча, югурганча йўлга чиқдим. Тўхтамади. Мотоциклми судраб анча юрдим. Ҳалиги мотоцикл яна қайтиб ўтди. Бу гал ҳам тўхтамади. Аввалига даштда бир ўзи тўхташга қўрққан бўлса керак, деб ўйлагандим. Иккинчи марта ўтганда улар икки киши эди. Барибир тўхтамади, зангарлар! Хуллас, шунақа одамлар ҳам бўларкан-да.

Муроджоннинг хаёли яна Муяссархонга кўчди. Машинанинг имиллаб юриши ғашини келтира бошлади.

— Уйланганмисиз?

— Ҳа... йўқ, ҳозирча уйланганим йўқ...

— Нега «ҳозирча»?

Холмамат қизаринқиради. Уятчан йигитлиги билиниб турарди. Азизовнинг бу софдил йигитга меҳри яна ортди.

— Тўй бўлиши керак эди. Бугунга мўлжалланганди... Тўхтаб қолди...

— Нима учун? Бирор нарса халақит бердимми?

— Э-й-й, нимасини сўрайсиз. Эслагингиз ҳам келмайди, киши. Бир нохушлик орага тушди-да.

— Тинчликми?.. Еки сирми?

— Сир-ку эмас-а. Биласизми, мен чўпонлик қиламан. Отам ҳам. Куни кеча тўй бошлаймиз деб тургандик. Сувлоқда тўсатдан одамнинг ўлигига дуч келиб қолдик... Кимдир ўлдириб кетишган бўлса керак. Отам ўзлари хурофотчи эмаслар-у... лекин, нимагадир, тўйни кейинроқ қилайлик, дедилар... Ўлик кўргач, хайрли ишга қўл уриш яхшилиқ аломати эмас эмиш... Бир-икки кун яна чўзиладиган бўлди-да.

Бу гаплардан Азизов сергак тортди. Енида ўтирган йигит дарё бўйидаги ҳодисанинг беихтиёр гувоҳи эканлигини тушунди.

— Тўйни қолдириб яхши қилмабди-да, отангиз.

— Тўйни-ку бугун-эрта ўтказаверсак ҳам бўларди. Бироқ ҳалиги ишнинг ғалваси халақит беряпти-да. Ўлик топилган куниёқ ҳамма кўрган-билганимизни айтиб берган эдик. Кеча участкавой келиб, яна сўроқ қилиб берди. Бугун яна фермага телефон қилишиб, прокуратурага тергов беришга борармишсизлар, дейишибди. Ота-бола терговга қатнайверсак, тўй бўлармиди? Бунинг устига, куёвлик чилласи, деган одатимиз ҳам бор... Ишқилиб, шунақа гаплар... ака! — Холмамат ойнага яқин чўзилиб, атрофга қаради. — Мана, манзилга ҳам етиб келганга ўхшаймиз. Аммо бу билан тушиб қолай демайман. Уйимиз бир қадам. Бирпас тушиб чойлашиб кетмасанглар бўлмайди, — деди у астойдил.

— Раҳмат, ука, чойни бошқа пайт ичармиз, — деди шофёр машинани тўхтади.

Улар машинадан тушишди. Мотоциклни ерга олишди. Йигит чўнтагига қўл солиб кавлана бошлаган эди, шофёр:

— Тўйингга буюрсин. Раҳмат десанг бўлгани, — деб Холмаматнинг елкасига қоқди-да, кабинага қараб юра бошлади.

Азизов бир оз ўйлашиб турди-да, ёндафтарчаси варағига тез-тез ёзиб, Холмаматга узатди.

— Мана, олинг, Холмаматжон, — деди у. — Менинг адресим ва иш жойимнинг телефон номери. Мен терговчиман. Ҳалиги... сиз гувоҳ бўлган иш билан шуғулланаман...

Ҳа, эртага айтиб қўяман, сизни ҳам, отангизни ҳам бошқа безовта қилишмайди. Тўйни эса бошлайверинглар. Отангизга республика терговидан шундай деб айтишди денг, хўпми? Тўйни чўзаверса, ёмғирда қолиб куёв касал бўлиб қолармиш, деб айтди денг, келишдикми? — ҳазиллашди у сўзининг охирида. — Хўп, хайр!

— Раҳмат, — деди Холмамат кулумсираб, қўлидаги қоғозни қўйнига яшираркан. — Хабар берсак тўйимизга кела оласизми?

— Албатта келаман, Холмамат!

Машина жойидан қўзғалди-ю, ўн метрча юрар-юрмас яна тўхтади. Азизов тез-тез юриб, Холмаматнинг ёнига қайтди. Ҳайрон бўлиб турган йигитнинг елкасига қўл ташлади-да:

— Бир нарса сўрасам майлими? — деди.

— Майли, бемалол сўрайверинг.

— Ҳали йўлда келаётиб, бир мотоциклчи тўғрисида гапирган эдингиз, шу воқеа қачон бўлганини аниқ эслай оласизми?

— Бўлмасам-чи. Ҳозир... Ҳозир, — бир оз ўйланиб қолди у. — Хўш, хў... Йигирма еттинчи апрель! Ҳа... аниқ йигирма еттинчи апрель кечаси эди.

— Қайси тарафдан келиб, қайси томонга кетганди?

— Мана бу ёқдан келди, — Холмамат Тошкент тарафни кўрсатди ва Олмалик томонга имо қилди. — Бу ёқдан эса икки киши бўлиб яна қайтиб ўтди.

— Мотоциклнинг маркаси, белгиси, ранги ёки унда ўтирганларнинг юзиними, бирор белгисиними пайқадингизми?

— Мотоцикл меникидақа, «Ява» эди. Лекин ранги қизил бўлса керак. Фараси ёруғида олд қаноти қизилдай кўринган эди. Бошқа белгиси ёки устидаги одамларни айтолмайман. Жуда қоронғи эди-да. Илғаб ололмапман. Нима, жуда зарурмиди?

— Ҳа, жуда зарур. Лекин шу айтганингиз ҳам чакки эмас. Бизга ёрдам қилади. Катта раҳмат!

### ТЕРГОВ БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ

Иккинчи май эрталаб соат ўн.

Тергов бошқармаси бошлиғи район прокурори Назаровнинг жиноят очилганлиги ҳақидаги ахборотини синчиклаб ўқиб чиқди-да, Азизовга ўгирилиб:

— Хўш, сизнинг фикрингиз қандай? — деб сўради.

— Ҳозирча бирор аниқ хулоса билдириш қийин... Лекин, Абдурашид Муталович, баъзи зарур мулоҳазаларим бор. Келишимдан мақсад ҳам шу эди. Рухсат берсангиз, баён қилсам.

— Марҳамат.

— Аввало шуни айтишим керакки, менинг текширишларимнинг натижаси район прокуратураси позициясига мутлақо қарама-қарши. Албатта, Арниёзовни қотилликда гумон қилиш учун баъзи бир асослар ҳам йўқ эмас. Лекин жиноят очилди дейишга ҳали эрта.

— Фикрингизни асослаб берсангиз.

Азизов иш юзасидан тўпланган материаллар асосида ўз мулоҳазаларини батафсил баён қилди. Ишни ўрганишдаги «жумбоқ»ларнинг конкрет ечими ҳақида гапирди. Темир-терсақлар орасидан топилган буюм ва тунда чўпоннинг ўғли билан тасодифан учрашуви ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Сўнг асосий мақсадга кўчди:

— Абдурашид Муталович, тергов ишини расмий равишда район прокуратураси ихтиёрида қолдирган маъқул деб ўйлайман. Терговга биз киришганимизни ҳозирча ошкор қилмасак яхши бўларди. Бу, вақтинча, албатта. Сиз билан келишиб олиш учун ишни атай қабул қилмасдан қайтдим. Бу келажакда ишга ҳар тарафлама ижобий натижа бериши мумкин. Биринчидан, агар жиноятчилар шу Қорадарё райони ёки Олмалик шаҳридан бўлсалар, терговнинг республика прокуратурасига ўтиши уларни сергаклантириб қўйиши мумкин. Арниёзовни қамоқда ушлаб туриш ва район прокуратурасининг ҳозирги позициясини вақтинча маъқуллаб, уларни хотиржам қилиш иш юритишимизда бирмунча енгиллик туғдиради. Бу режамиз, агар жиноятчилар Тошкентда бўлса ҳам, улар билан ишлашни осонлаштиради. Қисқаси, жиноятчиларни доғда қолдириш учун...

— Қош қўяман деб кўз чиқармасмиканмиз? — Бошлиқ унинг гапини оғзидан илиб олди. — Умуман... Умуман, бу фикрингиздаям жон бор. Ҳа, маъқуллайман. Фақат огоҳлантириб қўяй, кўпи билан шу ишнинг ижросига беш кун муҳлат бера оламан. Шу вақт етарлими?

— Етарли, — деди Азизов дадил ва қатъий қилиб.

— Унда, ўтказилиши лозим бўлган оператив ҳаракатлар планини зудлик билан тузиб кириш. Керакли ёрдамни ички ишлар министрлигидан оламиз. Бу ҳақда ўз таклифингизни киритинг.

— Ҳозироқ ишга киришаман, фақат...

— Хўш, яна нима эди?

— Бир илтимосим бор эди.

— Эшитайлик-чи.

— Воқеа содир бўлган жойдан жасадни топиб, тегишли ташкилотга хабар берган ота-бола Турдиевлар ҳозиргача икки мартадан сўроқ қилинибди. Учинчи бор терговга чақирилибди. Район прокурорига айтиб қўйсангиз, ноўрин хатти-ҳаракатларини бас қилса...

— Тушунарли, айтаман. Бунақа қонунга хилоф ишлари учун уларни жазолаш керак. Чорасиз қолишмайди. Фақат шуми? Бўлмаса руҳсат, ўртоқ Азизов!

Қорадарё райони прокурори тергов бошқармасига кўнғироқ қилганида Азизов канинетида йўқ эди.

— Абдурашид Муталович, мен Назаровман. Жиноятни очдик ҳисоби. Азизов келиб-кетган эди. Лекин аниқ бир нарса демади. Нима қилайлик, терговни давом эттираверайликми, ёки... бошқа бирор кўрсатма бўладими?

— Хабарим бор ҳаммасидан. Ишни ўзларингга қолдиришга қарор қилдик. Шахсан ўзингиз назорат қилиб боринг, ҳар бир янги факт ёки ҳодиса ҳақида ахборот бериб туринг. Азизов билан ҳам боғланиб, ҳамжиҳат иш кўринг.

— Хўш, тушунарли...

— Яна бир гап. Жиноят ҳақида хабар қилганларни нега ҳадеб терговга чақираверасизлар?.. Ота-бола Турдиевларни назарда тутяпман... Ҳа, ҳа, огоҳлантириб қўяй, такорланмасин!.. Келишдикми?.. Хайр! — Бошлиқ трубкани тақ этказиб жойига қўйди.

## ҚАБРИСТОНДА

«Дегрез» қабристонида марҳум Оқназаровни кўмиш маросими бошланганда кун пешиндан оғай деб қолган эди. Одам кўплиги сабабли ёши қирқлар атрофида, эғнида анча униқиб, елкалари осилиб тушган камзулли нотаниш кишига ҳеч ким эътибор бермади. Бу одам, сиртдан марҳумнинг яқинларига ҳамдардлик билдириш учун келгандек кўринса-да, кўз қири билан одамларни зимдан кузатар, бирорта ҳаракат унинг назаридан четда қолмас эди.

У қабр четида турган кўк чопонли мўйсафидга анча тикилиб турди. Чолнинг рўмолчасини тез-тез кўзига олиб бораётганини кўриб, марҳумнинг қайнотаси шу одамлигини пайқади. Қошларининг ораси кенг, чап кўзини тез-тез қисиб қўярди... Қулоқларининг ичини жун босган... Атрофига кўпроқ ер тагидан қарайди... Бурни хиёл чап томонга қийшайган... Юрганда бир оёғи сал оқсайди... «Бунақалар одатда» дор тагидан қочган, ишда уддабурон бўлишади...» — хаёлидан ўтарди ҳалиги кишининг.

Гўрковлик қилаётган икки киши ишларини битириб, асбобларини йиғиштираётган пайтда нотаниш кишининг авзойи бирдан ўзгарди. У гўрковлик асбоблари орасидаги бир нарсага алоҳида диққат билан тикилиб қолди.

Бу киши терговчи Азизов эди. Унинг диққатини тортган нарса эса кичик белкуракча, яъни гўрков «капири» бўлиб, дарё бўйидаги темир-терсақлар орасидан топилган асбобга жуда ўхшарди...

## РЕЖАЛАР АМАЛГА ОША БОШЛАДИ

Уй-жой бошқармасига махсус топшириқ билан юборилган оператив ходим келтирилган ҳужжатлардан Азизовга тубандагилар маълум бўлди: Тошкент шаҳар, Чилонзор маҳалласи, Гумбаз кўчасидаги йигирма олтинчи уй 1978 йилга қадар Даллиев Хонназар шахсига тегишли экан. Шу йилнинг ноябрь ойида Даллиевнинг аризасига биноан, уй унинг куёви Оқназаров Тўлаган номига расмийлаштирилган...

\* \* \*

Азизов бошқарма архивида чанг босган папкани топиб ўқий бошлади. Бу Мирвоқиловнинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги тергов иши эди. Терговчи хулоса қароридан нусха кўчиртирди:

«...Мирвоқилов шаҳар савдо базаси мудири вазифасида ишлаб туриб, хизмат мансабини суиистеъмол қилган. Базага келтирилган камёб молларни ҳар хил йўллар билан базадан олиб чиқиб пуллаш билан шуғулланиб келган. Август ойининг ўн бешинчи куни кечқурун ишдан кетганича сирли равишда ғойиб бўлган. «Савдо операция»ларида иштирок қилган шахсларни аниқлаб бўлмади. Қидирув ишлари давом эттирилиб, дастлабки тергов тўхтатилсин».

Азизов жиноят ишини варақлай туриб, бир ҳужжат устида узоқ тўхталди ва уни қайтадан синчиклаб ўқиб чиқди. Ёндафтарига нималарнидир ёзиб олди...

\* \* \*

Азизов шаҳар кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш идорасига қарашли «Автодормехбаза» томонидан берилган справкани қайта-қайта ўқиб чиқди.



«...Оқназаров Тўлаган мазкур корхонада шофёр бўлиб ишлаб келарди. Унга «ГАЗ-53» маркали ахлат ташиш машинаси беркитилган. Апрель ойининг бешинчи кунидан бошлаб, шаҳардаги «Дегрез» қабристонни маъмуриятининг алоқа хатига биноан, қабристон атрофидан чиққан ахлатларни ташиш учун тортилган. Йўл варақасига кўра, йигирма еттинчи апрель куни ҳам шу жойда ишлаган. Кеч соат ўн тўққизда йўл варақасини топшириб, машинани гаражда қолдирган. Шундан кейин бошқа ишга чиқмаган...»

## «ЭЛЕКТР» ОПЕРАЦИЯСИ

Кўпчилик таъзия билдириш учун кириб-чиқиб турган Гумбаз кўчаси, йигирма олтинчи уйда тўсатдан электр чироқлари ўчиб қолди. Район электр тармоқлари бўйича хизмат кўрсатиш идорасига қилинган хабарга биноан, кечки пайт ҳовлига асбоб-ускуналар солинган чамадон кўтарган икки киши кириб келишди.

— Монтер Севчук ва Ахоров, — деб таништирди улар ўзларини. — Чақирган экансизлар, шунга биноан келган эдик.

Монтерлар аввал электр сўчтигини текширишди, пробкаларни бураб кўришди. Сўнг улардан бири ҳайрон бўлгандек елкасини учуриб деди:

— Қаердадир «замикание» борга ўхшайди, «провода»ларни қараб чиқиш керак.

Иккала монтер жуда синчковлик билан уйга тортилган электр симларини сантиметрлаб «текшириб» чиқишди. Ундан ортиқ хоналардаги турли жиҳозларни кўришиб, уй эгаларига сездирмай, бир-бирига кўз қисишди.

Севчукнинг тўсатдан берган саволидан Даллиев чўчиб тушди:

— Мана бу электр сим қаёққа тортилган?

У ошхона деворидан пол тагига кетган симни кўрсатиб турарди.

Даллиев дудуқлана-дудуқлана жавоб берди:

— Ертўлага... Ертўла бор эди пастда. Илгари тортилган. Ҳозир фойдаланилмайди...

Икки йилдан ошди... Олиб ташлаш эсимизга келмабди...

Синчков «монтер»нинг назаридан Даллиевнинг саросимали ҳолати четда қолмади. Аммо у сир бой бермади. Ертўлани кўрмоқчилигини айтди.

— Калити йўқолган, — деди Даллиев.

— Қулфни бузишга тўғри келади...

Уй эгаси ертўлага улар билан бирга тушмагани ҳам Севчукнинг шубҳасини оширди. «Монтер»лар кетгач, сал ўтмай уйда электр чироқлари яна ёна бошлади.

Иккала «монтер» эса бу пайт кузатишлари натижаси ҳақида терговчи Азизовнинг кабинетига ахборот берарди.

— Эҳ-ҳэ, Муроджон ака, — гап бошлади «монтер» Севчук. — Ҳовлимисан ҳовли экан-да, ўзиям. Уиларни данғиллама дейиш — баҳосини камситиш бўлади. Нақ қасрнинг ўзгинаси. Болохонаси ҳам бор. Ҳаммом, ошхона, омборхона ва бошқа хўжалик уилардан ташқари фақат яшашга мўлжаллангани ўнта. Уймакор наққошлик санъатини ўша ерда, уиларнинг дераза ва эшикларида томоша қилса бўларкан. Деярли ҳамма хоналарга биллур қандиллар осилган. Деворларга қоқилган каттаю кичик патгиламдан йигирмадан ортиғи бор-ов. Иккита холодильник ишлаб турибди: бири даҳлизда, иккинчиси ошхонада. Телевизорлар — рангли ва рангсиздан учта, меҳмонхонада, залда, болохонада. Мебеллар ҳам бизники эмас. Югославларникими, ажратиб ололмадик, умуман четники. Ҳойнаҳой, ўзига жуда тўқ, бадавлат хонадон экан...

Азизов «монтер»нинг ахборотини охиригача диққат билан эшитди. Даллиевнинг ўзини тутишида сезилган ҳолат ва ўзгаришларга оид гапларга алоҳида эътибор бериб, ёндафтарчасига ёзиб олди. Аиниқса, гап ертўлага келганда, бирдан сергак тортиди:

— Қайтаринг, яна бир марта қайтаринг! Ертўлага тортилган симни сўраганимизда сесканиб кетди, дейсизми?

— Ҳа, буни аниқ кўрдим. Савол беришим билан уни қаттиқ титроқ босди, чамамда. Саволимга чайналиб, саросимага тушиб жавоб қилди. Икки йилдан бери ертўла ташландиқ ҳолатда ётибди, деди. Калити йўқолган, деб баҳона ҳам қилиб кўрди.

— Хўш, хўш...

— Ҳовлисига оёқ босганимиздан бошлаб биздан бир қадам ҳам жилмай юрган одам, ертўлага тушганимизда жойида таёқдай қотганича қолди. Умуман... ертўлага киришимиз унга ёқмади.

— Нега бундай бўлиши мумкин?

— Билмадим... Балки менга шундай туюлгандир.

— Ертўлани батафсилроқ тасвирлаб берсангиз?

— Хўжайиннинг «ертўла ташландиқ ҳолда ётибди» дегани рост экан. У ерга, чамамда, бир-икки йил мобайнида инсон боласи оёқ босмаган. Биласизми, ҳовлига икки томондан кириш йўли бор. Бери кўча тарафдан, иккинчиси эса ҳовлининг орқа тарафидаги дарвозадан. Мана шу иккинчи дарвозадан бошлаб ётқизилган бетон йўл — бир машина сиғадиган кенгликда ертўлагача олиб келади. Ертўла эшигидаги қулф занглаб кетибди. Лом билан осон кўчди. Ичкарида ҳаммаёқни ўргимчак тўри босган. Зах иси диққатга урилади, аммо бетондан қуйилган деворнинг бус-бутунлигини гугурт чақиб кўр-

дим. Узунлиги ўн, энига чамаси тўрт-беш метрча келади. Нега қаровсиз ҳолда ташлаб қўйилганига ҳайронман. Таг қисми ер экан. Бетон қилинмаган.

— Ер дейсизми? Қизиқ. Унда сизот сув чиқиб кетгандир-да?

— Кўп-қуруқ. Афтидан, тупроқ солиб текисланган-у, бетон ётқишига улгуришмаган кўринади.

— Токчалар-чи?

— Илгари бўлган, шекилли. Бетон деворда изи қолган.

— Шундай қилиб, мазкур хонадон эгалари ҳақида қандай хулосага келдинглар? — сўради Азизов.

— Менимча... — жавоб берди «монтёр», — улар меҳнат эвазига топилган даромад ҳисобига яшовчилар хилидан эмасга ўхшайди. Бунча бойлик, қурилиш материалларини ишлаб топш мушкул. Ертўлани эса... бу ҳақда бир нарса дейишим кийин.

— Сизларни сезиб қолмадимикин?

— Менимча, сезмади... Тағин ким билади...

Азизов уларга яна бир нечта саволлар берди-да, суҳбатга яқун ясади:

— Раҳмат, катта раҳмат! Илтимос, ҳаммаси ҳақида батафсил ёзма ахборот тузиб берсангизлар.

Терговчининг папкасидан ўрин олган «электр» операцияси натижаси ҳақидаги ахборотга ҳар иккала «монтёр» — шаҳар жиноят қидирув бўлими катта инспектори капитан Кравченко ва жамоатчи инспектор Ҳожиевлар имзо чекишди.

## ОЛМАЛИҚДА

Азизов жўнаб кетганидан сўнг Халилов тергов ишини бир-икки марта беихтиёр варақлади-ю, чуқур ўйга толди. У ўзича жиноятни очдим-ку, деб фикрлаган, республика вакилидан мақтов эшитишга шубҳа қилмаган эди. Аста-секин қувончлари аламга айлана бошлади. У Азизовдан норози бўлган, калласини турли хаёллар чулғаган эди.

Азизов фақат бир марта: «дуруст, анча иш қилиб қўйибсизлар», — деди холос. «Жиноятни очилди деб ҳисоблашга ҳали эрта, гумон тутилаётган шахсга нисбатан келтирилган далиллар мутлақо хом», эмиш. Устига-устак байрам куни дарё бўйида темир-терсақларни ағдартирганини айтмайсизми? Хўш, нима топди? Аллақандай белкуракча. «Жиноят қуроли — қонли болтани қотилнинг уйдан топдик», деганимга эътибор ҳам бермади-я! «Жиноят очилди, айбдор қамоққа олинди», дейилган ахборотни эса индамасдан ўзи билан олиб кетди. Бориб роса мақтанади энди. «Мен қилдим», дейди. Бизнинг хизматимиз эса четда қолаверади...

У шу ўйлар билан уйига жўнади. Эртаси куни енг шимариб ишга тушаман деб турганида прокурор йўқлаб қолди. Республика прокуратурасидан олган топшириқларни қараб чиқишди. Хонасига қайтгач, яна хаёлга берилди.

«Тергов бошқармаси бошлиғининг, терговни давом эттираверинглар, — деб кўнғироқ қилиши яхши. Лекин «Азизов билан боғланиб туринглар», деганини қандай тушунса бўлади?... Бундан сизларга ишонч кам деган маъно келиб чиқмасмикан? Ёки Азизов вазиятни бошқача қилиб етказдимиз? Хойнаҳой, у ижобий фикр айтмаганга ўхшайди... Ота-бола чўпонларни сўроқча чақирганимизни ким етказди экан? Ёки уларнинг ўзлари Тошкентга боришдимикин? Тушунолмай қолдим?»

Халилов ўйлай-ўйлай, охири ишни яна қўлига олди. Ғазаби қайнаб, ўзини зўрға тутди. Дастлаб Арниёзовнинг мотоциклдан шиналарни ечтириб, воқеа содир бўлган жойдаги издан ясалган гипс ясамалар билан бирга экспертизага жўнатди. Марҳумнинг қонидан олинган намунани ва болтани ҳам олиб кетишди. Тиғдаги қон доғини унга солиштириб кўриш керак эди. Зудлик билан Арниёзовнинг уйда тинтув ўтказиб, унинг йигирма еттинчи апрель куни кечқурун кийиб юрган уст-бошларини ахтарди. Хотини Турсуной ўзи ювиб, дазмоллаб қўйган костюм-шим, свитер ва чопонни олиб чиқиб берганида, яна бир далил топгандек қувониб кетди: «Албатта қон доғлари теккан бўлиши керак, шунинг учун ювишган-да...»

Олмалик шаҳар прокурорига мурожаат қилиб, унинг ёрдамида йигирма еттинчи апрель куни кечаси постда навбатчилик қилган давлат автоинспекцияси ва йўл назорати инспекторлари рўйхатини олдириди. Уларни навбати билан сўроқ қила бошлади. Бу гал ҳам иши ўнгидан келгандай эди. Холдоров деган милиция сержанти тўсатдан эслаб қолди: «Постда эдим. Ёнимда жамоатчи инспекторлардан Ходиев билан Мамажонов бор эди. Улар спорт мактабининг курсантлари. Кечаси соат бирларга яқин қизил «Ява»ни тўхтатдим. Ҳайдовчининг ҳужжатлари жойида экан. Лекин нимадандир қаттиқ ҳаяжонлангани сезилиб турар, юзи қизариб кетган эди. «Бунча кеч нима қилиб юрибсиз?» — деб сўрасам жавоб бермади ҳисоби. Ходиев ва Мамажонов уни таниб қолишиб: «Э, спорт инструкторимиз-ку» дейишди. Сўнгра, кетаверишингиз мумкин, дедим. У жўнаб кетди... Эгнидами!.. Адашмасам, чопони бор эди.»

Ходиев билан Мамажонов сержантнинг кўрсатмаларини тасдиқлашди.

Кейинги кунлардаги ишлари ҳам Халиловга янги-янги далиллар келтира бошлади. Милиция ходимлари Олмалик шаҳри марказида жойлашган «Озиқ-овқат» магазинида

қоровуллик қилган Ҳаким Тоғаев деган кишини бошлаб келишди. Унинг кўрсатмаси ҳам эътиборга лойиқ эди:

— Қоровулхонада ўтирган эдим. Соат ўн иккиларга яқин кўчада ҳаракат тўхтаб, атроф анча жимиб қолди. Бирдан дарчадан кўчанинг нариги тарафидан ўзича сўкиниб келаётган бир кимсага кўзим тушди. Чайқалиб-тентираб юришидан, унинг маст эканлигини сездим. «Бемаҳал ичкилик ахтариб юрганлардан биронтаси бўлса керак» — деб ўйладим. Одатда бунақалар қоровулхонага келиб олиб, «топиб берасан» деб тиқилинч қилаверади. Йўқ деганинггайм кўймайди. Нақ хира пашшанинг ўзи. Ҳойнаҳой, бу ҳам таъбимни тирриқ қилмасин деб, эшикнинг илғагини ичкаридан илиб, ўзимни панага тортганимча, уни кузатиб турдим. Йўқ, яқин келмади. Кўча четига кўйилган скамейкага ўтирди, ўзича алланималар деб сўкинди. Папирос чекди, сўнг кайф олди шекилли, аста мудрай бошлади. Шу алфозда тахминан ярим соатлар ҳам ўтмасдан унинг ёнига бир мотоцикл келиб тўхтади, ҳайдовчи уни ўрнидан турғазди. Иккаласи анча вақт гаплашиб туришди. Гапларини эшитмадим. Сўнг мотоциклга ўтиришиб, жўнаб кетишди... Мотоцикл маркаси дейсизми?.. Аниқ айтолмайман... Номерими?.. Йўқ, бунга ҳам эътибор қилмабман.

Тоғаев ҳалиги кимсани тасвирлаб берди. Белгилари марҳум Оқназаровнинг ташқи кўринишига, кийимлари ҳам уникига ўхшаб кетарди. Мотоцикл ҳайдовчиси куртка кийган, баланд бўйли йигит, дея олди, холос.

Халилов спорт мактабда Арниёзов билан бирга ишлайдиганлар билан гаплашиб чикди. Автомобиль бўйича инструктор-механик Қулиевнинг берган кўрсатмаси у ахтарган нарсани аниқлаштиргандай бўлди.

...Арниёзов ғайратли, меҳнатсевар, ҳалол йигит... Лекин... бироз қизиққонлиги бор. Жаҳлини чиқарсангиз балога қоласиз... Ҳа, бир гал омбурини кимдир сўрамай олган экан, чунонан тўполон кўтарган эдики, нақ бир-иккитасининг бошини ғурра қилиб қўяй деган... Ҳазиллашиб уни «қони суюқ» дердик. Арақми?.. Йўқ. Ичганини кўрмаганман... Чапақай дейсизми?.. Менимча чапақай эмас... Лекин, биласизми, биз — техника билан мулоқот қилувчилар ключ-гайка бурайвериб, болға-қисқич ишлатавериб, чап-ўннинг фарқига бормай қоламиз. Техниканинг гоҳ у ёғи, гоҳ бу ёғига уринишга тўғри келади-да. Арниёзов ҳам ёшлигидан темир-терсақ ичида ўсган...

— Нима дейсиз, Арниёзов одам ўлдириши мумкинми?

— Мутлақо йўқ. Шайдулладан одам ўлдириш бир чақирим нарида юради, десам хато қилмайман. Арниёзов унақа хилидан эмас. Тўғри... дуч келса, ноҳақ одамни боплаб дўппослаши мумкин. Одам ўлдириш?.. Йўқ, йўқ, бу унинг қўлидан келадиган иш эмас. Маъзур тутасиз...

— Комил Қулиев, бизни йигирма саккизинчи апрель кўпроқ қизиқтиради. Эслаб кўринг-чи, шу куни Арниёзовни кўрганмисиз? Агар кўрган бўлсангиз унда бирор ўзгариш сезмадингизми?

— Йигирма саккиз... Ҳа, эсламай бўладими? Ҳамма жойда шундай бўлса керак, бизда ҳам байрамолди кунлари айниқса иш қайнайди. Шу куни Арниёзов ишга бир оз кечикиб келди... Ярим соатлар чамаси кечиккан эди. Менга унинг кайфияти сал бузилганга ўхшаб туюлди. Бўйнида тирналгандан кейинги қонталаш бўлиб қолган изга кўзим тушди. «Нима бўлди Шайдуллабой, бу дейман, байрамни сал вақтлироқ бошлаб юбордингизми?» — деб ҳазил қилдим.

«Кўйинг-э, Комил ака, ўзи байрамин чиқиб турибди» — деб пўнғиллаб жавоб берди у. «Бўйинг нима бўлди, мушук тирнадими? — деб яна ҳазиллашдим. У тирналган жойини силаганича: «Кеча бир ифлос билан ҳисоблашишга тўғри келди» — деб кўйди... У ким эди деб сўраб ўтирмадим...

Халилов тобора янги-янги далиллар қидирар, Арниёзовнинг қотиллигига ишончи ортиб борар, шу тариқа уни «яксон» қилишга мўлжалланган ҳал қилувчи сўроққа тайёргарлик кўрарди. Республика вакили Азизовни доғда қолдиришга унда умид туғилган, бехато иш юритаётганига ўзи қаттиқ ишонар эди.

## ИЗЛАНИШЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Азизов ўрнидан туриб, хона бўйлаб тез-тез юра бошлади. Унинг профессионал ўйи — мантиқий мулоҳазалари хаёлида ғужғон ўйнарди: «Даллиев... Қизиқса бўладиган шахс». Қабристонда уни синчиклаб кузатган эди. Яккаю ягона қизининг эридан ажраб қолишидан кўрқадиган кўринмади унинг кўзига. Унинг рафторида мотамсароликни мутлақо сезмади. Аксинча, Азизовнинг назарида, қайнота оғир юкдан халос бўлгандек кўринди. Бу фикр қачон уйғонди ўзи унда? Ҳа, Халилов ўтказган сўроқдан кейин! Унда Даллиев гўё ёшлиги қийинчиликда ўтган, турмушнинг барча аччиқ-чучуқларини бошидан кечирган бир ғариб киши бўлиб кўринганди. У ғамбода ҳаёт ташвишлари қаддини букиб кўйган қарияни кўраман, деб ўйлаган эди. Акси бўлиб чикди. Чертса икки юзидан қон томдиган муғамбир, вужудидан куч-қувват ёғилиб турган кишига дуч келди. Ҳаракатлари жуда дадил ва амирона эди унинг. Шундан бошланди чоғи ҳаммаси?.. Одатда, бундай

одамлар бировга ҳаққини бериб бўпти. Олса оладики, бермайди. Бунинг устига, яқнао ягона фарзандини бирортаси ноҳақ хафа қилса, бефарқ қараб турмаса керак...

Хўш, хўш, яна нима эди?.. Ҳа, саволлар... Ота билан қизнинг кўрсатмасидаги бир-бирига қовушмайдиган қарама-қаршиликлар-чи!..» Кўрайлик-чи!..

Азизов ёндафтарчасини қўлига олди-да, Даллиевнинг кўрсатмаларидан олган кўчирмаларига кўз югуртириб, овоз чиқариб ўқий бошлади:

— «...Кишилار эшигида ўсганман... юк ташувчи... той пахта тушиб, оёғим чала битган, урушга олишмади... ишбошимиз Мирвоқилов яхши одам, унинг ёрдами билан уруш йиллари чўпонлик қилдим... Мирвоқилов универмаг директори, сўнгра база мудир, ёрдам қилиб, мени ишга олди, у етмиш саккизинчи йилда бедарак йўқолган... Мени кўп марта сўроқ қилишган... Тўлаган ўғил бўлмаганидан жанжал чиқарарди...»

Қизиқ!.. Қани, қизи Оқназарова Ойнаҳол нима деркин?

«Дадам ҳар хил яшиклар, ўрамлар келтирарди... Идоранинг бошлиғи машинада олиб кетарди... Дадамга кўрс муомала қиладиган, пул оладиган бўлди, ўзиники омонат кассага... Дадам ундан кўрқарди...»

Азизов дафтарчасининг бир неча варағини ағдарди-да, Мирвоқилов бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ишдан олинган Даллиевнинг кўрсатмасига тўхталди. «Мирвоқилов билан муносабатимиз фақат хизмат юзасидан». Хўш, мана бу гапни қаранг: «Юк ташувчи билан бошлиқ ўртасида нима ҳам бўлиши мумкин?».. «Нима бўлгани ҳақида бир нарсая дея олмайман...» Бошқа бирор жўяли гап айтмаган.

Азизов иш билан танишган пайтидаёқ Мирвоқиловга аввал «дум» бўлиб юрган кишининг кейинчалик «мутлақо нотаниш» одамга айланганига эътибор берган, бу бежиз эмас деган фикрга келган эди. Қабристонда Даллиевни кўргандан сўнг шубҳаси яна ортди. Миясида тўғилган жумбоқларга ечим топиш керак эди. У яна ўйлай бошлади. «Қирқ йилдан ошиқ вақт таниш бўлган одам... Ишда жароҳатланганида ҳомийлик қилган. Оғир йилларда иш топиб берган. Сўнгра қаерда ишласа, уни ҳам ўз бағрига тортган. Томорқа олишига ёрдам қилган. Машинасида уникига келиб-кетиб, тез-тез хабар олиб турган. Нега шундай ишончли ҳомийси бедарак йўқолганда бегонага айланади?.. Юкчи бўлиб ишлаган одам данғиллама, мухташам ҳовли-жойни қандай қилиб ўз кучи билан қурди экан? Устига-устак, чет эл моллари нима учун айнан Даллиевникига келтириб турилган? Ахир, юкчига бўш яшик ва ўрамларнинг нима кераги бор? Кейин шунчаки ахлатга қўшиб ташлаб юбориш учунми? Бўлмаган гап... Хўш? Чет эл молларига тегишли ёрликлар қаёқдан тўпланиб қолиши мумкин? Нега энди у бирданга куёвидан кўрқадиган бўлиб қолди? Демак, бирор тили қисиқ жойи бўлгандир-да!.. Аммо, нимадан?.. Сўраса, арзанда куёвидан ҳеч қачон пулни аямаган... Қизига эса билдирмасликка уринган. Сабаб нима?.. Ўзини тутиши ҳам нотабиий, шубҳали. Худди куёвининг ўлими, ягона қизи, иккита гўдак боласи билан тул қолганидан шукр қилгандай... Ахир, шунга арзигулик сабаб ҳам бўлиши керак-да? Хўш, нима у?..


Охири келгуси сонда

# Шарқ юлдузи

شەرق يولدىزى

شەرق يولدىزى

دەرس خانەسى



# Шарқ юлдузи دۇنيادىكى

## АРАБ ЁЗУВИНИ УРГАНИШ ҲАҚИДА

Башарият тарихи олдида барча мавжуд ёзув хатлари қатори араб ёзуви ҳам ўзининг буюк вазифасини фикр алмашиш воситаси сифатида асрлар оша адо этиб келмоқда. Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида қарийб икки миллиард аҳоли бу хатдан фойдаланади.

Ўтмиш аждодларимизнинг тарихий мерослари ушбу ёзувда бўлган. Ўз навбатида араб алифбоси шаклан улкан етукликка эришди. Кишиларни илму маърифат, ҳикмат ва оқибат сари элтиш бирла мафтункор безаклар ўрнини ҳам касб этди. Шунинг учун ҳам бугунги кундаги замондошимиз бу хатда ўқув ва ёзувни билса, албатта фойдадан холи эмасдир.

Асрлар оша яратилиб, боболаримиз мерос этиб кетган ёдгорлик обидаларини сақлаш ва келажак авлодга етказишда ҳам арабий ёзувнинг хизмати катта. Ҳозир эса, афсуски, халқ оммаси олдида кўпгина ёдгорликлар ўзининг асл моҳиятини йўқотмоқда. Масжид, мадраса ва мақбаралар қуруқ кузатиб томоша қилиб кетадиган жойларга айланиб қолган. Аслида ҳар бир обида ҳақида тўғри маълумот бериш лозим. Уларнинг жамият тараққиётига қўшган ижобий ҳамда улкан ҳиссаларини очиқ айтиш керак. Бугунги кунда сайёҳларни бошлаб юривчиларнинг турли ёдгорликларга берган талқинларини эшитиб, ёқангизни ушлайсиз. Гўё кошинларда ишлатилган заррин безакларни ўтмишдагилар молу дунёсини, бойлигини кўрсатиш учун ўйган эмиш. Баланд пештоқ ва гумбазларни эса, ҳукмдорлар ўз қудратини кўз-кўзлаш учун қуришган деб таърифланади. Оқибатда ёдгорликка нисбатан меҳр сусаяди. Меҳрсиз қандай шафқат бўлиши мумкин.

Аслида ҳар бир ёдгорлик, обида маърифат саҳифаси деса бўлади. Ундаги ички ва ташқи безаклар нафис ёзувлардан иборатдир. Аввало уларни ўқий олиш керак. У иншоотларга ўйламасдан, тўғри келган нарсалар ёзиб кетилгани йўқ. Уларнинг ҳар бирига инсонларнинг кундалик ҳаёти учун энг зарур бўлган таълимотлар битилгандир. Шунинг учун араб алифбосида битилган ҳарфларни ўргансангиз, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Араб алифбоси 28 ҳарфдан иборатдир. Ёзув ўнгдан бошланади. Шу алифбони қабул қилган халқлар ўз талаффузидаги баъзи товушлар учун ушбу алифбо шакллари асосида қўшимча ҳарфлар қабул қилганлар. Масалан п, ч, ў, г, э, о каби ҳарфлар араб адабий тилида учрамайди. Шунинг учун талаффузда яқин бўлган алифбо ҳарфларидан баъзиларига қўшимча нуқталар орттириб ясалган. Мисол учун «б» ҳарфи шакли остида қўйилган бир нуқтани учта нуқта қўйиш билан «п» ҳарфи деб қабул қилинган. Бошқа ҳарфлар ҳам шу тариқа ясалади.

Алифбо ҳарфларининг биринчиси «А» (алиф) бўлиб, шакли қуйи тортилган тўғри чизик билан ифодланади.

دۇنيادىكى يولدىزى

# Шарқ юлдузи

«Л» (лом) ҳарфи ҳам тўғри чизикдан иборат бўлиб, бир нечта «л» ҳарфларини бир-бирига қўшиб ёзиш мумкин. «А» ҳарфини эса бир-бирига қўшиш мумкин эмас. Чунки «л» ҳарфига ўхшаб қолади. Шунинг учун ҳам «а» ҳарфи фақат ўнг томонидан ёзувда қўшилиши мумкин. Бунга мисол «ЛОЛА» сўзининг ёзилишига эътибор беринг. Агар қўшиб ёзганимизда ўртадаги «а» ҳарфи «л»га айланиб қолади. Уртадаги «а» ни ўзидан кейинги ҳарфга қўшмасдан ёзилса тўғри бўлади.

    ل    ل    ل    ل    ل    ل    ل    ل  
лола      лола      ллл      ааа      л      а

Дастлаб «А» ҳарфининг ёзилишидаги бир томони, яъни ўнг томонидан қўшилиши мумкин бўлган ҳарфларни ўрганамиз. Бу ҳарфлардан ўзро мисол тузилса, ҳарфлар бир-бирига уланмасдан ёзилади. Агар уланса, ҳарфлар ўз шаклини йўқотиб қўяди. Қуйида ҳарфлар ва мисоллар:

    ل    ل    ل    ل    ل    ل    ل  
    ла      в      з      р      з      д      а

ادا ادر دارا دالا داورا لالا

«Б», «Т», «С», «П» ҳарф шакллари ягона кўринишдан фойдаланиб, ост ва шакл устига унга нукта қўйиш билан ясалган. Бу тоифа ҳарфларнинг муҳим хусусиятларидан бири, ҳарф шаклининг танилишига етарли бўлагидан фойдаланиш мумкин. Бу эса ўз навбатида қисқа ёзув масофасига бир қанча ҳарфларни সিғдириш имконини беради. Қуйида ушбу ҳарфлар ва уларнинг қисқартма ҳолда (шаклда) ёзилиши. Албатта сўз тугалланганлигини билдириш учун ҳарфнинг тўлиқ кўринишини ёзиш шарт.

    پ    پ    پ    پ    پ    پ    پ  
п      с      т      б              п      с      т      б

# Шарқ юлдузи

شەرقىي يولدىزى

## باب بابا بالا تاپ ثابت

Собит

топ

бола

бобо боб

«О» ҳарфи фақат сўз бошида келган вақтда «а» (алиф) шакли устига тўлқинли чизиқча қўйиш билан ифодаланади. Сўз орасида ва охирида доим «а» (алиф) ёзилади. Халқ шевасига кўра топиб ўқиб кетилади. Мисол учун, «БАЛА» сўзини бола ёки бало деб ўқиш мумкин. Сўз йўналиш маъносини ҳам кўрсатади.

Ҳарфлар шаклини кўчириб машқ қилинг ва ўтилган ҳарфлардан сўзлар тузинг. (Маъно англамасада кўпроқ сўзлар тузиб, ҳарфларнинг бири-бирига уланишига катта эътибор беринг.)

Ат ата Абад Адаб Ар  
Ау Аواز Аоза Арал Анзада  
Бабр Батр Патр پروازда

Аواز دارواز اولاد ارارا دوا

Хаттот: И. МАМАТОВ  
Муҳаррир: Х. СОЛИХ

دەرس خانەسى

شەرقىي يولدىزى





## ДАСТЛАБКИ ТААССУРОТЛАР

Ешинг улгайган сайин танлаб ўқий бошлайсан. Қувваи ҳафизанг, зеҳн-идрокинг ҳазм қила оладиган асарларни танлайсан. Севган шоирларинг, қўлдан қўймай олиб юрадиган ҳамроҳ, ҳамфикр, кадрдон, дўст китобларинг бўлади.

Менинг шундай кадрдон асарларим Абдулла Ориповнинг «Ранжком» достони эвазига бойиди.

Абдулла Орипов қаламига мансуб аксарият асарлар бадиий сўз мухлисларининг қалб ганжинасидир.

«Ранжком» мутолааси кўнглимни ўртади, гарчанд ҳажвий тилда битилган бўлишига қарамай, мунгли таассурот пайдо бўлди. Балки достоннинг ярмини ўқиб чиққач, танаффус қилиб, шу ораликда «Правда» газетасининг шу йил 20 январь сониди босилган, атоқли саркарда Георгий Жуковнинг «Сталин тўғрисидаги қисқача хотиралари»ни ўқиб чиққаним боис, аини шу хотирада қайд этилган салбий ҳодисалар умумлашмаси Абдулла Орипов достониди бўртиброқ акс этгани сабабли кайфиятим тушиб кетгандир. Балки кейинги пайтда Ўзбекистонда табиий шароитнинг кескинлашуви кўплар қатори менга ҳам тинчлик бермаётгани боис, шундай бўлгандир...

Америка ёзувчиси Томас Вульф, инсон танасида ортиқча аъзолар бўлгани каби, унинг феъл-атворида ҳам олис ўтмишдошидан мерос иллатлар борлиги, бу иллатлар вақти-вақти билан хуруж қилиб туриши, шу боис бундан мудом огоҳ бўлиш, арзимас деб эътибор берилмаган мараз ҳалокатли жароҳатга айланишининг олдини олиш кераклиги ҳақда ёзганди.

Одамзот тарихига назар ташласак, унда нисбатан ранжу алам устун эканлигининг шоҳиди бўламиз. Инсониятнинг олис тарихи давомида урушларсиз ўтган фурсат ҳатто 150 йилни ҳам ташкил этмаслиги фикримизнинг далили бўла олади. Шунинг учун бўлса керак, Шекспирнинг «Нимаики кўрдим, бари бадкирдор» дея алам билан қилган ноласи кўнглимизда акс-садо уйғотади.

«Ранжком»лар — инсон кўнглига азоб бериб, домига тортадиган асроил-сифат юҳолар ҳар доимо жамики кулфат-мусибатлар сабабчиси бўлиб келган десам, муболаға бўлмас. Улар:

«...на сонда, на санокда бормиз,  
Бизга насиб айламади дурустрок юмуш.  
Омад бизни четлаб ўтди, ташландик, хормиз.  
Ҳайъатларга сайланмаймиз, эҳтиромлар йўк,  
Шону шуҳрат, донғу амал бегона бўлган.  
Тирноғимиз учигача ҳасратга тўлик,  
Бизга тунлар уйқусизлик ҳамхона бўлган», —

деб дийдиё қилаётган таъмағирлар, кенг дунёни тор, зах босган кўксига сиғдира олмаган шўрлик бандалардир. Аини шундай ранжкомлар: «Бошқаларни ранжитиш ҳам ахир зўр тадбир» — деб қадимдан қинғир йўлдан сурғалиб келяптилар.

Абдулҳамид Чўлпон:

«Етар бас, чекдан ошгандир бу қарғиш, бу ҳақоратлар,  
Тўлиқдир, балки тошгандир тубанлик ҳам сафолатлар», —

дея ўртанганида, ранжкомлар дастидан дод демаганмиди.

Абдулла Орипов олтмишинчи йилларда ёзган машҳур шеърларидан бирида:

Кечаги ғамини ўйласа обдон,  
Букчайиб қоларди буткул одамзот, —

дея қайд этганди. Назаримда, бу сатр саксонинчи йилларнинг ниҳоясига келиб сайқал топиб, такомиллашди, ёрқин мазмунга эга бўлди. Шоир драматик достонда ёзади:

Инсон зоти кулфатлардан бўлолмас фориг,  
Агар ўтган фожеасин унутса дархол.

Ҳаёт ҳикмати. Шу боис тарихимизнинг қора саҳифалари очиб ташланаётганлигини қутлаш даркор, токи бундан буён ана шундай бебошликларга умуман йўл қўйилмағай. Шуниси алам-лики, Жуков юқорида қайд этилган хотираларида айтиб ўтганидек, мунофиқлар катта амалга эришиб, ошиғи олчи бўларкан, бундайлар халқ манфаатларини сариқ чақага ҳам олмайдилар. Уларни

«...бошқаради ёлғиз сўз: «Ўзим!»  
«Ўзим!» — дея бир-бирларин кўзин ўярлар.

У тараф ҳам, бу тараф ҳам топганда тўзим,  
Гўрларига қакқайтириб ҳайкал қўярлар».

Ажаб савдолар!

«Одамларнинг орасини бузмоклик учун,  
Энди ошкор бир-бирига ёмонлай беринг».

Дарҳақиқат, мана шундай сурбет ранжкомлар совет фани ва маданияти, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг кўзга кўринган арбобларини, эллимининг бўйнига ўринсиз «халқ душмани» ёрлиғи осилган асл ўғил-қизларини ўзларининг ғаразли муддаолари йўлида қурбон қилган эдилар. Абдулла Орипов ана шундай кимсаларни фош этади:

...Бир қавм бор, номи унинг манфаатпараст,  
Ер юзида яшаб келар қадим-қадимдан.  
Қўлини у совуқ сувга урмагай асло,  
Қилар иши алдамчилик, найранг, қабоҳат.  
Улар учун байрам бўлур кўзгалса бало,  
Яхшиларнинг юрагида ёнса жароҳат.  
Эл тулпорни эгарласа — минсам деган у,  
Эл тиклаган иморатга удир давогар.  
Эътиқоду инсоф унда бўлмаган мангу,  
Турланади сал ўзгарса оби ҳаво гар.  
Етмиш йилки, ҳар гапига Ленинни қўшиб,  
Ризқимизни қийиб келган улар-қу ахир.  
Бугун эса янги тартиб номидан жўшиб,  
Тўғри келган ҳар бандани этмокда таҳқир.  
Итда вафо бўлар, лекин унда вафо йўқ,  
Суяк отган ҳар кимсанинг ялар пойини.  
Суврат силлик, сийрати-чи худбин ва курук,  
Қароқчидек тўнаб кетар борган жойини.

Инсон табиатидаги бундай қусурларнинг аёвсиз қораланиши Данте ва Шекспирнинг шундай иллатлар фош қилинган сатрларини беихтиёр ёдга солади.

Шоирлар инсониятнинг маънавий поклиги учун курашда хануз яловбардор. Уларни келажак меъморлари деб атасак муболаға бўлмас. Абдулла Ориповнинг навбатдаги драматик достони ҳам барчамиз учун мудом ҳаёт дорилфунуни, маънавият чашмаси бўлиб қолажак.

Нодар Думбадзе айтганидек, барча ахлоқ-одоб қоидалари муҳайё этилган, эндиликда уларга амал қилишгина қолди. «Ранжком» драматик достони ана шундай қутлуғ кунлар тезроқ келишини орзиқиб кутувчи шоирнинг қалбидан сизган қони ила битилган бўлса, ажаб эмас.

Абдулҳамид ПАРДАЕВ,  
Қибрай.

Ҳурматли редакция! Биз юртдошимиз Эркин Самандаровнинг ажойиб лирик шеърлари мафтунли эдик. Журналда унинг («Шарқ юлдузи» 1989 йил 1, 2, 3-сонлар) «Дарёсини йўқотган қирғоқ» романи босилиши қувончли воқеа бўлди. Бу романни замонавий ҳозиржавоб асар десак янглишимиз. Асарда замонамизнинг энг оғир йиллари, турғунлик йилларидаги воқеалар асос қилиб олинган. Ҳозир ҳаммани ҳаяжонга солаётган инсон ва табиат масалаларига кенг ўрин берилган. Романни ўқирканман кўз олдимда кўпгина Хоразмдаги таниш қиёфалар, ҳодисалар манзаралар жонландилар.

Мен ишонаманки, роман ўқувчилар севган энг яхши асарлардан бири бўлиб қолади.

Шодмонжон МАШАРИПОВА,  
Хоразм Давлат Педагогика  
институтининг катта ўқитувчиси.

Мен уйчилик касбдошим Икром Расуловнинг «Қайта қуриш ва муаллим» мақоласини («Шарқ юлдузи», 1988 йил, 6-сон) қизиқиши билан ўқиб чиқдим. Дарҳақиқат мактабда ўн йил билим ва тарбия олган ёшларимиз нега чаласавод, нима учун тўғри ва чиройли ёзишни билмайдилар, кўпчилиги оддий текстни тузатиб ўқий олмайди? Менимча бунинг учун биринчи навбатда ўқитувчилар жавобгардир. Тўғри, ҳамма болалар ҳам бир хилда мукаммал билимни бўлавермайди, шахсий лаёқатга ҳам кўп нарса боғлиқ. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам ўрта мактабни тамомлаган соғлом болада программа талаблари даражасида билим бўлиши керак. Бунинг учун болани биринчи синфдан бошлаб малакали ўқитувчилар ўқитиши лозим. Айримлар бошланғич синфда яхши ўқимаган бола юқори синфда аълочи бўлиб кетиши мумкин дейишади. Бизнинг кузатишимизча, қуйи синфда яхши ўқиганлар юқори синфда ҳам аълочилар сафида бўладилар. Агар бола қуйи синфда кўпчилик сўзларни нотўғри ёзишга ўрганиб қолса, юқори синфларда уни тўғри ёзишга ўргатиш мушкул. Бундай нуқсонга йўл қўймаслик учун барча ўқитувчиларнинг билимли ва ўз касбини севган кишилар бўлиши талаб этилади.

Мен ўзимнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларимни район газетасида «Мактабда саводхонлик — бош вазифа» рубрикаси остида берилган учта мақоламда батафсил ёзгандим. Бунни кўпчилик тажрибали ўқитувчилар сессия ишида маъқуллашди. Ҳажмаслар далласидан илҳомланиб, ўз так-

лифларимни район миқёсида оммалаштирсак деган ниятда август кенгашида ҳам сўз олиб баён қилдим. Залда ўтирганлар менинг фикрларимга қарсақлар билан ўз муносабатларини билдиришди. Афсуски, яқунловчи нутқда ва кенгаш қарориде менинг тақлифларимга муносабат билдирилмади. Ахир ўзбек бўла туриб ўз она тилимиздаги ёзувларда кўплаб имло хатоларга йўл қўймоқдамиз. Бунга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Айтишларича, республикамиздаги деярли барча институт ва техникумлардаги кириш имтиҳонлари пайтида 98 процент абитуриент ишончи шпаргалкалардан кўчириб ёзаркан. Абитуриентларнинг билими саёзлиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X Пленумида ҳам мисоллар билан баён этилди.

Бизнингча чаласаводликка барҳам бериш учун партия ва совет ташкилотлари ҳамма жойда мактаб ишига эътиборни кучайтиришлари, маориф ходимлари эса илгаригидан зўр ғайрат билан меҳнат қилишлари керак. Мактаблардаги барча ўқитувчилар юксак даражадаги саводхонлик учун кураш бошлашлари лозим. Аввало ўқитувчи ва ўқувчилар ўзбек тили имло луғати китоби билан тўлиқ таъминланиши, ўқувчига биронта ҳам сўзни нотўғри ёзиб кўрсатмасликка одатланиши керак. Муаллим дарсага пухта тайёргарлик кўришдан ташқари, янги бадиий асарлар ва кундалик газета ва журналларни мунтазам ўқиб, ўз билимини ошириб бориши лозим.

Мактабга билимдон кишилар раҳбарлик қилиб, барча ўқитувчилардан ўқув йили давомида 2-3 мартадан диктант олиши, ўз билимини ошириб бормаган, имло хатоларини қисқартирмаган, ишида қувончли натижаларга эришмаган ўқитувчиларни ўз касбига номуносиблигини ошкора айтиши зарур деб ҳисоблайман. Шундай қилинса ўқитувчиларнинг саводхонлиги, изланувчанлиги ортади, қайта қуриш талаблари асосида виждонан дарс беришга интилади. Бола ўз тилини яхши билиб ўйса, бошқа тилларни ҳам осон ўзлаштиради. Болаларнинг саводхонлик даражасини ошириши учун мактаб радиоузели орқали туркум эшиттиришлар уюштириши, деворий газеталар чиқариши, пулли тўғарақлардан биронтасини саводхонлик тўғарагига айлантириши лозим. Бундан ташқари 9-10 синф ўқувчиларини ҳафтасига бир соатдан тўғри ва чиройли ёзиши, 4—7-синф ўқувчиларига она тилини ҳам бўлиб ўқитишни йўлга қўйилса келажакда чаласавод кишилар камаярди.

Билишимча, қишлоқ ўқитувчиларининг билим савияси пастлиги, турғунлик даврида мактаб ва институтларда баҳоларнинг ҳаддан ташқари ошириб қўйиши оқибатидир. Бу даврда айниқса она тилига эътибор сусайиб кетди. Аслида ўқувчи барча фан асосларини пухта эгаллаши учун ўз она тилида тўғри ва чиройли ёзиши, адабий тил қоидаларига амал қилган ҳолда фикрини оғзаки ифодалашини учун она тили ва адабиётдан етарли билимга эга бўлиши керак.

## С. ҒАВСИДДИНОВ

«Шарқ юлдузи» журнали кейинги даврда долзарб ижтимоий муаммоларни дадил кўтариб чиқарпти. Бу кишини қувонтиради. Жумладан, журналда ўтган йили эълон қилинган «Қайта қуриш ва муаллим» мақоласи ана шундай долзарб, журналхонлар эътиборини тортган мақолалардан бўлди.

Мен 32 йилдан бери Уйчи район мактабларида адабиётдан дарс берман. Шундан 26 йилини мактабда раҳбарлик лавозими билан қўшиб олиб бордим. М. С. Горбачев «Ўқитувчига бўлган муносабатни ҳеч пайсалга солмай ва иккиланмай, қатъий равишда тубдан ўзгартириш керак», — деган эди. Афсуски, кишининг кўнглини кўтарадиган, ҳақиқатга ишонч уйғотадиган ажойиб гаплар газета ва журнал саҳифаларини безайди, холос. Ҳаётда эса уларга ишониб алданиб қоласан. Сўзи бошқая, иши бошқа ўқитувчилар ҳар қадамда учрайди.

Ҳар йили август ойида методик бирлашма ишида қатнашамиз. Ўқитувчиларга диктант, ишро ёздиршилади. Нагъжаси нима бўлади деген? Ёзма иш ёзган қирқдан ортиқ муаллим орасида «2», «3» баҳо олганлар катта фоизни ташкил этади. Одатда қониқарсиз баҳо олганларга район халқ маорифи бўлимининг методистлари ёрдам кўрсатишлари керак. Лекин бу методистлар ёрдам бериш ўрнига, қуруқ, ижрочи инспекторларга айланиб қолишган. Метод бирлашмада наст баҳо олган ўқитувчи эртасига мактабга бориб ўз имкониятидан ортиқ даражада дарс бера олмайди-ку!

Икром Расулов мақоласида ўқитувчи обрўси ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Назаримда бу жуда долзарб мавзу. Тўғри, педагог шаънига доғ тушираётганлар ҳам, минг афсуски, орамизда учраб туради. Лекин кўпинча «тўғриси айтиб, туққанинга ёқмайсан» қабилдаги ишлар ҳам содир бўлиб туради. Чунки ўқитувчининг обрўсини биринчи навбатда ота-оналар белгилайди. Уларнинг савияси, дунёқарашини эса ҳар хил. Биз мактабимизда ота-оналарни категорияларга бўлиб иш олиб борамиз. Айрим ота-оналар болалар тарбиясини фақат мактаб зиммасига юклаб қўйганлар. Кундаликларга ойлаб қўл қўймайдилар. Мактабга эса бўйинларига «арқон солиб» судраб келишга тўғри келади. Лекин худди шу тоифа ота-оналар ўқитувчининг бирор камчилигини топшиса борми, дарҳол мактаб устидан шикоят ёзишади. Район халқ маорифидагилар бундай ота-оналар билан билиб муомала қилишлари, масалани педагогик нуқтаи-назардан баҳолашлари керак. РайОНОдагилар эса бунинг ўрнига ўзларига гап текказмасликнинг пайида бўладилар. Ота-онани ўқитувчига, ўқитувчини ота-онага гиж-гижлаш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Маорифчилар яқдиллик билан ишламаган жойда обрў киши, ишнинг самараси ҳам бўлмайди, кўзбўямачилик авжга чиқади. Баъзан ўйланиб қоласан қани: ўқитувчининг обрўсини район халқ маорифидагилар ҳимоя қилмаса, ким ҳимоя қилиши керак? РайОНОдан бир қадам четга чиққан ўқитувчи эса раҳбарни юзхотир қилмаган, район обрўсини ўйламаган ғирт «сотқин»га айланади-қолади.

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленумида «...ўқитувчининг жамоатчилик орасида обрў-эътиборини кўтариш, самарали ишлайдиган муҳит вужудга келтириш зарурлиги» таъкидланган. Тўғри, муҳит коллективда яратилади. Лекин коллективда шахснинг юзага чиқишини раҳбар ходимлар белгилаши ҳамон давом этаётганлиги ачинарли ҳолдир. Биз маорифни қайта қуришда ўқитувчи марказий сиймо бўлиб қолиши учун ҳали кўп тер тўкишимиз, ҳақиқатни бир-биримизга очиқ айтишимиз, таъқид ва ўз-ўзини таъқидни кучайтиришимиз керак.

## С. ОТАХОҶОВА,

Наманган область Уйчи районидаги  
9-ўрта мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

**НАСР**

Учкун Назаров. Чаён йили. Роман . . . . .	2
Айдар Осмон. Олишув. Қисса . . . . .	81
Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Икки ҳикоя . . . . .	137

**ШЕЪРИЯТ**

Усмон Азимов. Халил Султон. Тарихий-драматик қисса . . . . .	56
Фарид Усмон. Сени хотирладим салқин бу оқшом . . . . .	132
Мақсуд Бекжон. Кўксимда бир даво яшайди . . . . .	134

**МУШОИРА**

Сенинг овозингдан қайта уйғондим. Ғойиб Назар, Мархабо Мамадалиева, Қахрамон Суяров, Уроз Ҳайдаров, Тоҳир Рўзибоев, Абдумурод Раҳмонов, Асрор Мўминов, Исмат Худоёров, Иброҳим Ғойибназаров, Абдуҳамид Пардаев шеърлари . . . . .	147
---	-----

**ТАРИХНИНГ «ОҚ ДОҒ»ЛАРИ**

М. Муродов, С. Усмонов. Қўшиб ёзиш илдишлари . . . . .	153
--	-----

**ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ**

Абдурахмон Жомий. Ғазаллар . . . . .	166
--------------------------------------	-----

**БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ**

Азиз Абдураззоқ. Утган кунларимиз курсин. Эссе . . . . .	171
Энвер Хуршут. «Амир Умархоннинг канизи» . . . . .	174

**БАҲС**

Эргаш Рустамов. Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомланган . . . . .	180
---	-----

**ТАҚРИЗ**

Санжар Содик. Нурли ижод манзаралари . . . . .	189
--	-----

**САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА**

Файзулла Қиличев. Занжир. Қисса . . . . .	193
---	-----

**«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ДАРСХОНАСИ**

. . . . .	201
-----------	-----

**АКС САДО**

. . . . .	165, 205
-----------	----------

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»  
№ 9

Орган Союза писателей Узбекской ССР  
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства  
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1989

Техник муҳаррир А. Ҳайдаров. Рассом Ф. Алимов. Корректор М. Имомов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни

Теришга берилди 13.07.89 й. Босишга рухсат этилди 15.08.89 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1/16</sup>. Р-10699. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма. 19,95+0,35 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 150282. Буюртма 1239. Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти, 41.